



Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Шабк ҶолдиҶи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ОРГАНИ

6 '1990

59-йил чиқиши

Бош муҳаррир:

Ўткир ҲОШИМОВ

Таърир хайъати:

Неъмат АМИНОВ

Саид АҲМАД

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ

Омон МУХТОРОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Мурод МУҲАММАД ДҮСТ

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Муҳаммад СОЛИХ

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Ўлмас УМАРБЕКОВ


Носир ФОЗИЛОВ

(масъул котиб)

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ



Тоҳир Малик

СЎНГГИ ҲАҶ

Қисса

**Ноҳақлик, тўхматлар жабрини кўп тортган, аммо виждонига хиёнат қилмаган табарруқ инсон, тоғам Мирзакалон Исмоилийнинг покиза руҳига холис ни-
ят ила бахшида этдим.**

Муқаддима

«Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм!»

У шундай деб милтиқ қўндоғини елкасига тираб, баргга қараб олди.

Кузнинг совуқ нафасида титраб-қақшаб турган япроқлар қитдай шабадага ҳам тоб беролмай чирт узиладиган аҳволга келган. Ёмғирдан олдинроқ узилиб хазонга айланган барглар эса чиришга юз тутган. Бугунгилари ҳам, агар шамол учириб кетмаса, ўз дарахтининг пойида чирийдди.

Кун оғиб шабада эсмай қўйган. Дайдидарадаги дўнгликда — танҳо савлат тўкиб турувчи чинорнинг энг пастки шоҳидаги барг узилгани ҳамон милтиқ отилади: кимдир-иккисидан бири қулаши керак...

Бир ёнига сал қийшайиб турган йигит, гарчи ягона баргга тикилиб қолган бўлса ҳам уни кўрмайди. Укаси билан отишишга шартлашиб, қўлига милтиқ олгач, титраб турган барг ўлим хабарчисидай туюлиб, кўз олди хиралашиб кетган. Энди у фақат худодан нажот кутади.

«Падаркушлигим рост бўлса, худо аввал кўзимни кўр қилади. Баргнинг узилганини кўрмай қоламан. Жаҳоннинг қаҳри қаттиқ. У аямайди... Барг қани? Нимага кўрмаяпман? Худо жонимни укамнинг қўлига топширдими? Пешонамга ёзилгани шуми?»

— Жаҳон... Жаҳонгир!

— Нима дейсиз? — Жаҳонгир баргдан бир зумгина кўзини олиб, акасига қаради.

— Улушим кўмилган ерни айтайми?

— Керак эмас.

— Жаҳон!

— Баргга қаранг!..

«Талвасага тушиб қолди. Улим ҳақлигини сездимикан? Тепада худо ким ҳақ, ким ноҳақлигини кўриб турибди. Агар отамни била туриб атайин ўлдирган бўлса, омон қолмайди. Худо жазосини беради. Аммо жазосини менинг қўлларим билан беришига қандай чидайман кейин! Отамнинг қабри совимай туриб, акамдан ҳам айрилсам, кимга сўянаман? Акамнинг қазосини қўлимга топшириб қўйиб худо мени ҳам жазоламоқчи эмасмикин? Нима учун? Қайси гуноҳларим эвазига менга буни раво кўрмоқчи? «Сен

ўлдирдинг-у, бунинг мукофотига сени маҳв этдилар. Энди қотилингнинг жонини қаерда олишар экан...» Машойихлардан қолган бу сўзлар наҳот чинга айланса? Отамни акам ўлдирди. Мен акамни... Менинг жоним кимнинг кўлида? Барг қимирламаяпти. Бармоқларим қотиб қолай деяпти. Қанча кутамиз? Балки барг эртага ҳам узилмас? Балки қиши билан қолиб кетар? Ахир ҳамма барглар ҳам узилиб тушавермайди-ку? Акам баргга қараяптиларми?»

Жаҳонгир акасига кўз қирини ташлади. Оламгир милтигининг оғзини ерга қаратганча укасига маъносиз тикилиб турарди.

— Ака, баргга қаранг!

Жаҳонгирнинг овози тошларга урилмай, ёмғир сувига тўйган ерга сингиб кетган бўлса-да, Оламгирнинг назарида акс садо бергандай туюлиб, сесканди. Укасининг кетма-кет оғоҳлантиришлари кўнглига оғир ботди. Милтиқнинг оғзини унга тўғрилади.

— Менинг ташвишимни чекмай қўявер.

Оламгир баргга қаради: титраб турибди. «Узилса узила қолмайдими? Падарига лаънат!»

Оламгир аламини ўша жонсиз баргдан олмоқчи бўлди. У дастлаб укасининг гапларига эътиборсиз қараган эди. Ҳеч замонда ака-ука худонинг номини ўртага қўйиб, бирига милтиқ ўқталиб турадими?

Худо шоҳид, Оламгир отасига беихтиёр ўқ узди.

Ярим кеча эди. Уйқуси ўчиб ҳовлига қаради. Боғ томонда шарпа кўриб, милтиқни олиб чиқди. Боққа кирди. Шарпа тут томонга юрди. Тут томонга! Оламгирнинг улуши ўша ерга кўмилган. Буни фақат ўзига отаси билади. Жаҳонгирга маълум. Отаси ўзининг ҳақини ҳам чегриб олиб қолган. Шуни шўро одамларига бериб, гуноҳларидан фориг бўлмоқчи. Қолган умрини осойишталикда ўтказмоқчи. Қайсар чол! Хорижга ўтишга қаршилиқ билдирыпти...

Шарпа тут олдида ивирсиб қолди. Оламгирнинг хаёлига келган ягона фикр шу бўлди: ўғри! Кўз олдида хумча тўла тилла тангаю зеб-зийнат келди. Бошқа ҳеч нима кўринмай қолди. «Ўғри... ўғри... Ҳеч вақосиз қоляпсан, Оламгир!» деган овоз қулоғидан кириб, юрагини зириллатиб, товонидан чиққандай бўлди. Жонҳолатда тепкини босиб юборди. Отаси эканини қайдан билибди? Укаси эса «Хорижга йўл бермаганлари учун атайин отгансиз», дейди. Жаҳонгирга ўхшаган қайсар одам уларнинг етти пуштида бўлмагандир. Табиатан қув, иродаси беқарор бўлган Оламгир эса, ўжарликнинг, жасурликнинг афзалликларини баҳолай олмас ҳам эди.

Отаси камгап одам эди. Гапдан кўра ишни маъқул кўрарди. Бомдоддан шомга қадар даладан бери келмасди. Жаҳонгир отасининг қарол ёллаб ишлатганини билмайди. Зафарбек ислом йўлида қилич яланғочлаганда ҳам отаси қишлоқни ташлаб кетмади. «Мен деҳқонман, мен одамларни боқишим лозим. Оллоҳ менинг зиммамга шу юмушни юклаган. Ердан юз ўгирсам, оллоҳ мендан юз ўгиради. Қилич чопиш, милтиқ отишдан, одам боласи қонини тўкишдан парвардигорнинг ўзи асрасин», деб дангал айтди. Атроф қишлоқларни тиз чўктира олган Зафарбек Муҳаммадризога тегмади. Аксинча, дўппи тор келганда йиққан-терганини унга ишонди. Омонатга хиёнат қилмасин, деб Муҳаммадризонинг ўзига улуш сифатида зеб-зийнатлар, тилла тангалар қолдирди. Муҳаммадризо буларни бешга бўлиб тўрт қисмини ўғил-қизларига атади, бир улушини ўзи олди. Кутилмаган бойликдан эси оғиб қолаётган Оламгир хорижга ўтиш ҳақида сўз очганида унинг жавоби қисқа бўлди:

— Бир товоқ ёвғон билан одамнинг қорни тўяди. Хорижга борсанг ҳам бир товоққа тўясан. Икки товоқ еёлмайсан, бўкиб ўласан.

Зафарбек шаҳид бўлгач, Муҳаммадризо унинг омонатини кенжаси Жаҳонгирга ишонди. «Ҳатто сариқ чақасига ҳам хиёнат қилма», деб тайинлади.

Жаҳонгир турган ерда, одам бўйи чуқурликда Зафарбекнинг хазинаси кўмилганини Оламгир билсами...

Бойликларнинг бўлиб берилиши ва бошқа-бошқа ерга ўзга гувоҳларсиз беркитилиши сабабларини ака-ука энди, бир-бирига милтиқ ўқталиб турган онда англаб етишди: отаси оқил экан! Агар шундай қилмаганида улар балки баргнинг тушишини кутиб ўтиришмасди. Бирон панада пайт пойланардию тепки босиларди, вассалом!

Дарахтнинг шапалоқдек барги тиланчининг узатилган очиқ қафти каби титрайди. Жаҳонгир унга бетоқат тикилади.

Оламгир аламдан ёнади. Гўё ҳаммасига шу барг айбдор.

«Укамнинг олдида паст кетдим-а?! Улимни бўйнимга олдим-а? Қўрқдимми? Кимдан? Укамданми? Умримда бунақа паст кетмаган эдим. Биров эшитса, «ийгит бўлмайдил», дейди. Ху, падарлаънати!..»

Дарахт шохларининг учига беш-олтита қарға қўнди. Улар қағиллаб гўё ака-уканинг тентакона қилиғидан кулгандай эди. Қарғалар яхшироқ ўрнашиб олиш учун қанотларини патиллатишди.

Ака-укалар сергак тортишди: қарғалар қўнганда шох силкиниб барг узилиши мумкин эди. Аммо барг ҳам уларни эрмак қилаётгандай титраб турарди.

Оламгирнинг назарида барг титрапти.

Жаҳонгир назарида эса зир қақшаяпти.

Узилишдан дарак йўқ.

Шом чўқди. Барг қорайиб кўринади. Энди узилса ҳам дарҳол илғаш қийин...

Бирдан ўқ овози янгради. Жаҳонгир чўчиб акасига қаради. Оламгир баргга қараб яна ўқ узди.

— Етар, бас! — деди у хирилдоқ овозда, — йиғиштир ўйинингни. Гапимга ишонмансанг, мана, отақол мени. Мингдан минг розиман!

— Ака, шартни бузманг!

— Тупурдим шартингга. Сен мишиқининг гапига кирган мен аҳмоқ, — Оламгир шундай деб, қирқма милтиғини қўйнига тикди. — Бир-биримизга ўқ узишимиз худога ҳам ёқмади. Бўлмаса битта баргнинг узилиши шунчалик оғир эканми?

Акасининг гапи Жаҳонгирни ўйлантириб қўйди: худди шу фикр бундан сал илгари унинг хаёлини ҳам ёритиб ўтган эди! Худо ҳар иккисининг кўнглига яхшилик уруғи селган бўлса-чи? Шукр, уни бир гуноҳдан қутқариб қолди! Жаҳонгир ҳам милтиғини тушириб акасига яқин борди. Оламгир унинг узр сўрашини кутган эди. Аммо Жаҳонгир акасининг кўзига тикилиб турди-да, «Худога шукр қилинг», деганча пастга қараб энди. Оламгир укасининг изидан ғазаб билан қараб қолди. Кейин унинг орқасидан югуриб бориб, елкасидан ушлаб тўхтатди. Жаҳонгир ўгирилди. Кўзлар тўқнашди.

Бир-бирига ўхшаш икки кўз, иккови ҳам қора, қисқроқ. Аммо нури ўхшамайди. Бирининг кўзи олазарак: жойида тек турмайди. Бириники баданни тешиб юборгудай ўткир боқади.

— Мен акангман, ота ўрнида отангман энди. Бизни қон қақшатадиган душманларимиздан ўч олишимиз керак!

— Менинг душманам йўқ... Отам... ҳам!

Жаҳонгир акасининг қўлини елкасидан олиб, йўлига кетди. Оламгир зах ерга ўтириб қолди. Тишларини ғижирлатиб, қўйнидаги қирқма милтиқни олди. Оламгир чидолмай милтиғини қаттиқ қисди. Бармоқлари зирқираганини, тирноқлари орасида қон сирқираб кетганини сезмади — у ғазаб оташида ёнарди. Туклари тикка-тикка бўлиб кетган, ғазабини кимга сочишни билмасди. Кимга сочишни биларди, аммо қандай сочиш ҳозиргача унинг учун қоронғи эди.

У яна бир кеча кутар, ўн кеча, минг кеча кутар, лекин аламини олмасдан тинчимасди.

Отасининг шўроларга топширмоқчи бўлган бойликлари қаёққа кетганини билолмай гаранг юрган Оламгир учун бу машмаша ортиқча эди.

У яна бир неча нафасдан сўнг ўрнидан оҳиста туради. Назарида уни эзаётган дардлар елкасидан босиб ерга киритиб юборгундай бўлади: оёқларини базўр кўтариб босади. Сўнг дарди энгиллашадими, қадамлари илдамлашади. Аммо азоби сусаймайди. Сандалнинг иссиғида кўзи илинган хотини унинг ғазаб ўқларига нишон бўлади. Чой ҳам заҳардай туюлади — ичмайди. Кўзига уйқу келмайди. Ярим тунда боққа чиқади. Тут томонга боради. Отаси қулаган ер, бойлик яширинган ер... Кўнглига ваҳм оралайди. Чирт этган товушдан чўчиб, тиззаларига титроқ югуради. Шу аҳволда тутнинг тагини кавлайди. Бел баробар чуқурликка кўмилган хумча устидаги тугунчани кўриб аввал ҳайрон бўлади. Тугунчани очадию воқеа равшанлашади. Демак, отаси фикридан қайтиб, ўзининг улушини иккига бўлган, бирини шу тут тагига кўмган экан-да! Нимага буни ўйларига билдириб қўймади? Нимага?! Кўнгли ёмон нарсани сезиб эдимми? Бу саволларга фақат ота жавоб бериши мумкин, аммо қора ердан сас чиққанми ҳеч маҳал?! Булар кейинроқ юз беради. Ҳозирча Оламгир зах ерда, ғазабдан ёниб ўтирибди...

Ота қанчайин оқил бўлмасин, олтин бор жойда одамнинг ҳуши учинини ҳисобга олмаган эди. У ўзи учун ҳам бир улуш олтин олиб қолгач, тинчини йўқотди. Бировнинг ҳаққини еб ўрганмаган бу одам Зафарбекнинг эҳсонини ҳазм қила олмас эди. Замон нотинч бўлмаганида буни болаларига ҳам раво кўрармиди? Қариган чоғида у олтинни нима қилади? Шўрога берса, шўро ўқидан жони чиққан Зафарбекнинг руҳи қақшамайдими?

«Болаларимга бўлиб бера қолай...» — Отанинг нияти шу эди.

Ҳозир зах ерда ўтирган Оламгир бундан ҳам беҳабар, умуман, умр бўйи хабар тополмайди...

Чинор остидаги воқеадан сўнг икки кун ўтса-да, Жаҳонгир ўзига келолмай руҳи синиқ аҳволда юрарди. Кўз юмса ўша узилгиси келмай титраётган баргни кўрарди. Барг кўққисдан узилади. Милтиқ отилади. Акаси қулайди. Яна аза. Яна кафанланган мурда. Яна дод-фарёд... Узи ғарибгина бўлиб, бел боғлаб турибди. Кўнгил сўрашади: «Оллоҳнинг иродаси...» Отасининг қотилини ҳеч ким билмайди. Акасининг хунини ҳеч ким сўрамайди. У бир умр дардини ичига ютади. То оллоҳга омонатини топширгунича тушига қонга беланган акаси кираверади, ёнига чақираверади...

Шукрки, оллоҳ Жаҳонгирнинг ғамини еди. Уни бундай азобларга ташлаб қўймади. Аммо йўлини ёритиб бермади: у акасининг олдига бориб тавба қилишни ҳам, адоватда қолишни ҳам билмасди.

Учинчи куни оқшомда ўрик ўтиннинг чўғидан бозиллаган сандалда ёнбошлаб

ўтирарди. Ҳали мойчиروқни ёқишмаган. Уйлари қоронғи. Ташқарида изғирин турган. Жаҳонгир хотинига қарайди. Хотини унга. Хадича келин бўлиб тушганида баҳор эди, ўрик гуллаган эди. Ана энди ўша дарахтнинг ёзда қуриган шохларини ёқиб, чўғида исиниб ўтиришибди. Худо хоҳласа, қиш чиқмай уйлари янги меҳмон билан тўлади. Раҳматли отаси «Чақалоқни янги меҳмон дейишнинг хосияти йўқ. Меҳмон — кетадиган одам. Чақалоқ меҳмон эмас, уйнинг хўжаси. Бировни қутласанг «Уйнинг янги хўжаси муборак», дегин», деб насиҳат қиларди. Акмал сўфи эса «Дунёга ҳаммамиз меҳмон-миз, ҳаммамиз кетамиз, кетишни ўйламай, номаъқул ишларга қўл урганимиз ёмон», дер эди. Акасининг уч фарзанди тезкетар меҳмон тоифасидан бўлди. Худо акасининг қисматини унга раво кўрмасин, ишқилиб...

Хадича ака-ука адоватидан ҳам, қайнотасининг қотилидан ҳам беҳабар эди. Жаҳонгирнинг тўнглашиб қолганини чолнинг беҳос ўлими билан боғларди. Ҳозир ҳам ноҳўя гап айтиб қўйиб, аламига алам қўшмай, деб индамай ўтирибди. Худо эрига инсоф берса, юрагидаги дардини олса, балки бу кеч бағрига кирар...

Қамчи дастаси айвон устунига урилди.

— Жаҳон!

— Мулла акам... отам, — деди Хадича.

— Нимага «отам» дейсан? — деди Жаҳонгир аччиқкланиб.

— Айтишди.

— Дема! — Жаҳонгир шундай деб ўрнидан турди. Ташқарига чиқди.

— Шомни мачитда ўқиймиз. Отлан, — деди Оламгир, — янганг шу ерда ўтира туради.

Жаҳонгир акасига ажабланиб қаради. Кўнгли қандайдир нохушликни сезди. Шундай бўлса ҳам акасининг амрига қулоқ тутиб, маъқул ишорасини қилди-да, орқасига ўгирилди.

— Милтиғингни олвол, — деди Оламгир. Кейин укасининг ҳайрат билан ялт этиб қараганини кўриб, хотиржамлик билан изоҳ берди: — Замон нотинч, эҳтиёт шарт.

Хадича ҳамма гапни эшитиб турган эди. Эрининг қайтиб киришига сандалнинг бир томонига қўйилган пайтава билан этикни олди-да, қозикдаги тўнга қўл юборди. Эрининг намоз ўқиш учун мачитга чиқиши янгилик эмасди. Аммо намозга милтиқ билан чиқиши уни ҳайрон қолдирган эди. Жаҳонгир хотинининг ҳайратини англаб турарди, лекин изоҳ беришга ҳожат сезмасди. Хадича эса сўраш ҳуқуқидан маҳрум эканини билгани учун оғиз очмади.

Ташқаридан Оламгирнинг овози келди:

— Бўлақол имилламай.

— Шомга хийла вақт бор шекилли? — деди Хадича эрига жавдираб.

— Ишинг бўлмасин! — Жаҳонгир хотини тутган тўнни кийиб, қўш белбоғ боғлади.

Кўрпа орасига қўл тиқиб, қирқма милтиғини олди-да, кўйнига яширди. Пешонасини қулоқлари аралаш қийиқ билан танғигач, ташқарига чиқди. Акаси айвондан нари кетибди. Шохлари яланғоч бўлиб қолган шафтоли олдида янгаси турибди. Жаҳонгир акасига яқин борди. Янгаси уй томон юрди.

— Отни эгарла, — деб буюрди Оламгир.

Жаҳонгир итоат билан отхонага йўналди.

Кўчада от пишқирди. Жаҳонгир акасининг мақсадини англамаётган эди, аммо шом намози бугун ўқилмаслигига ақли етиб турарди. Отхонага яқинлашди-ю, ичкари киришга оёғи тортмади.

«Хорижга кетмоқчимиз? Унда янгамни бизникига киритиб юборгани нимаси? Ёинки адоватимиз сабабини ойдинлаштириб олмақчимиз? Нима бўлса пешонамдан кўрдим!» Жаҳонгир шу қарорга келиб, отни эгарлаб чиқди.

Акаси отини етаклаб, гузарга эмас, кунчиқар томонга юрди. «Аждарқояга, — деб тахмин қилди Жаҳонгир, — хилват жой. Мақсади нима? Сўрайми?» Аждарқояга шом чоғи ҳамма ҳам боравермайди. Қишлоқ қабристонининг шундай тепасида учта қоя бор: худди аждаҳонинг учта бошига ўхшайди. Кўпчилик уни «мурдаларни пойлаб ётган уч бошли аждаҳо» дейди. Тошдан ҳеч ким ҳайиқмайди. Аммо одамларнинг назарида қоронғу чуқиши билан тошларга жон кириб қоладигандай...

Оламгир қабристон этагида отдан тушиб тўхтади. Сўнг бегуноҳ кетганларнинг арвоқлари қўлласин, деб юзига фотиҳа тортиди.

Жаҳонгир унга қўшилди.

Улар қоя томон юрдилар.

Қоя ортида тўрт отлиқ кутиб турарди. Эллик-олтмиш қадам нарида яна одамлар қораси кўринди. Жаҳонгир отлиқларни таниди: акасининг улфатлари — шўродан жабр кўрган бойваччалар.

— Заифаларингиз қани? — деб сўради улардан бири.

— Биз ҳисоб-китоб қилгунча тайёр бўлиб туришади, — деди Оламгир.

Жаҳонгир шундагина акасининг мақсадини англади. «Хорижга кетмоқчи булар!»

— Жаҳон, кетмасам бўлмайди, — деди Оламгир ялингандай, — уй-жойимизни

тортиб олиб, ўзимизни бегона юртларга кўчиришар экан. Бу ердан насибимиз қирқилибди, Жаҳон! Ишонмасанг, ана, Муродилла акангдан сўра.

— Аканг ҳақ гапни айтяпти, — Муродилла шундай деб катта-катта қадам ташлаб уларга яқинлашди, — Ўзим эшитдим. Эрта-индин сазойи қилиб ҳайдашади ҳаммамизни. Хотинларимизни... ўртага олишар экан. Алдасам худо урсин.

Жаҳонгир гангиб қолди.

— У ҳолда... у ҳолда...

— Уйда айтсам ишонмас эдинг. Шайхбувамнинг ўзлари бизни бошлаб кетадилар. Аммо унгина ҳисоб-китобли ишимиз бор, — Оламгир шундай деб укасини четга тортди. — Юр, омонатингни ол. Аёлларни бошлаб келайлик.

Жаҳонгир бир қарорга келмай отни етаклаб акасига эргашди.

— Нима қилмоқчисанлар? — деб сўради Муродилла.

— Сизлар ишни пиширтунларингча биз қайтамиз, — деди Оламгир.

— Ҳа, тулки, қўрқяпсанми? Шўрочиларда қасдинг бор эди, шекилли?

— Ҳа, бор. Аммо улар сендан ортармикин?

— Тулкисан, Оламгир, тулкисан. Бўпти, боравер. Лекин хотинларга қўшилиб имилламаларинг. Ҳа, укангга тайинла. Қишлоқда пича тура турсин. Биз узоқлашганимиздан кейин ўт қўйсин. Бизгаки буюрмаган қишлоқ ялангоёқларга ҳам буюрмайсин. Уқдингни?

Оламгир қўлини кўксига қўйди-да, укасининг ортидан юрди.

Қабристон ёнидан ўтаётганда Жаҳонгир тўхтади. Дўмпайиб турган қабрлардан «Бир товоқдан ошиқ ичолмайсан... Тупроқ-оллоҳнинг мунаввар неъматини, сув — унинг ёруғ ҳаёти, ҳаво — буюклиги. Булар жаннат мулкларидир. Инсон боласига бундан зиёда бойлик зарур эмас», деган овоз келгандай туюлди.

«Жаннат мулкни ташлаб кетамизми? — деб ўйлади Жаҳонгир. — Акам хорижга ўтаман, деб бунча ошиқиб қолди? Қўлидаги бойликка ишоняптими? Ё...» Жаҳонгир хаёлига келган фикрдан сесканиб кетди: «...Дайдидара исини олиб, Зафарбекнинг омонатини топган бўлса-чи?»

— Жаҳон, нимага тўхтадинг?

Жаҳонгир акасининг овозини эшитиб хаёлини тўплаган бўлса-да, дарров жавоб бермади.

— Нимага тўхтадинг? — деди Оламгир яна.

— Омонатим... уйда эмас, — деди Жаҳонгир тайин бир тўхтамага келиб. — Сиз уйга бора турунг, мен тезда қайтаман.

— Омонатинг қаерда?

— Ўзим биламан.

Жаҳонгир шундай деб отни етаклади. Қабристондан узоқлашгач, отга миндию Дайдидара сари елдирди.

Оламгир эса уйга шошилади. Хотини Хадичага бор гапни айтиб, йўл ҳозирлигини кўргандир. Бир-икки уст-бошу йўлга озиқ-овқат олишса бас. Қолганини хорижда харид қилаверишади. Олтин бўлса бор. Худонинг лаънати теккан бу ерлардан тезроқ узоқлашса бўлгани.

Олтин жилоси эсини ўғирлаган бу инсон боласи киндик қони тўкилган тупроқни лаънатлаш тубанлик эканини тушуниб етмасди. У ўлжасидан айрилган оч бўри кепата-сида эди.

Жаҳонгир чинорга яқинлашиб энг пастки шохга беихтиёр қаради. Кўр ойдинда ўша барг қалтираб турибди. «Ҳалиям узилмабди-я! Узику жони чиқиб бўлган, нимага узилмаяпти экан?» Жаҳонгир ер кавлашга ҳеч нима олмаганини энди билди. Орқага қайтгиси келмади. Этик қўнжидан пичоқни чиқариб хум кўмилган ерни таталай бошлади. Нам тортган ерни очиш оғир эмасди.

У ҳансираганича, панжалари билан тупроқ тортади. Хаёлида титраб турган барг. «Жони бўлмаса ҳам узилмайди. Биз жонимиз бўлатуриб узилапмиз. Қаёққа учиб бориб қўнамиз, қаерда чириймиз? Бизни кимлар топтаркин? Ҳа ... биз ҳам баргмиз. Барг дарахтга меҳмон. Биз — ёруғ дунёга... Қаерларга учиб бораркинмиз? Узилган барг қайта шохга уланмайди. Биз-чи? Қайтамизми ё бутунлай кетамизми? Э, худо, бу нима кўргилик эди-я!...»

Панжалари латтага тегиб, сесканди. Апил-тапил тупроқни таталай кетди. Бармоқлари хумга тегдию «Ўзинга шукр» деб қўйди. Хум тепасидаги тугунчани олиб ажабланди: Бойликни кўмганда тугунча йўқ эди. Тугунчани очиб тилла тангаларни кўрди. Лой кафти билан пешонасига бир урди. У отасининг нима учун ўқ еганини энди тушуниб етди.

Қишлоқ томонидан ўқ овозлари келди. У тугунчани қайта боғлади. Тупроғини қоқди. Чуқурга оёғини осилтирганича нест бўлиб ўтириб қолди. Тугунни юзига босди. Димоғига отасининг ҳиди урилгандай бўлди.

«...Икки товоқ ош ичолмайсан, бўкиб ўласан».

«Икки товоқ... икки товоқ... Энди бир товоқ ош ҳам керак эмас. Буларни бизга қолдирдилар. Бизга... Бир товоқ ошга зор бўлишмасин, деганлар. «Чироғимни ёқиб туришсин», деганлар. Қаерда ёқамиз у чироқни? Қишлоққа ўт қўяман ҳали. Арвоқлари-

ни чирқиратиб қочаман. Худонинг хоҳиш-иродаси шуми? Отам... Отагинам... Розими-сиз? Ташлаб кетишимга розимисиз?»

Жаҳонгирнинг юрагида ғамирлаган бир нарса бўғзига кўтарилди, кейин аввал хўрсиниқ бўлиб, сўнг йиғи бўлиб ташқарига чиқди. У тўлиб-тўлиб йиғларди. Отасини ерга қўйишаётганида ҳам бунчалик зорланиб йиғламаган эди. Эркак зоти шунчалик эзилиб йиғлайди, деб биров айтса, балки ишонмас. Аммо ҳозир бу ҳақда ўйламас эди. У болам деб ўтган ота руҳига содиқ бўла олмаганидан куйиб йиғларди. Тўлиб-тўлиб, тошиб-тошиб, хўнграб-хўнграб йиғларди. Йиғи бағридаги дардни кўз ёшларига қўшиб чиқариб ташлаш баробарида фикрини ҳам тиниқлаштира борарди. Бирданига кўз олдида яшин чақнагандай бўлди. Уч кундан бери қора тун бағридаги йўли гўё биров ёришди.

«Ўлдиришим керак эди. Бу дунёда якка-ёлғиз қолсам ҳам, бир умр дўзах азобида ўртансам ҳам ўлдиришим лозим эди!»

Жаҳонгир тугунчани жойига қўйиб, чуқурчадан чиқди. Энгашганича панжалари билан тупроқ торта бошлади.

«Улгураман ҳали... улгураман... Улгураман... Падаркуш... Падаркуш... Пешонасидан отаман. Арвоҳларни чирқиратиб қочяпти...»

Чуқурча тўлай деганда, тупроқ устига чиқиб тепкилади. Яна тупроқ тортди. Кейин зах ерга ёпишиб ётган барглари таталаб олиб тупроқ устига сочди. Сўнг қўлини этагига артди-да, отни тушовдан чиқарди. Пичоқни унутибди. Изига қайтди. Пичоқни ола туриб яна баргга қаради: қалтираб турибди — узилмабди. Ҳовлиқиб отга минди. Аччиқ қамчи босди. От олд оёқларига тиралганича тийғана-тийғана пастга энди.

У уйига шошиларди. Отишма овозидан қишлоқ уйғонгандир, бесаранжомдир, кимдир ўлгандир, халқ ғазабдадир деган ўй хаёлига келмасди. У Хадичани тўхтатишга, Оламгирнинг пешонасига ўқ қўйишга шошиларди. Ҳозир гузардан ўтиш ўзи учун хавфли эканини билмас эди. Билмагани учун ҳам яқин йўлни кўзлаб, отни гузар томонга бурди. Бурдию...

Одамларнинг қораси элас-элас эсида.

Кимдир «ана, ўшалардан бирининг укаси», деб бақирди чоғи. Кейин гарданига таёқ тушди. Йўқ, олдин от мункиб йиқилди. Сўнг гарданига уришди. «Хадича!» деб бақирди. Йўқ, «Ота!» деб бақирди шекилли. Кўз олди қоронғилашди. «Арвоҳ урди», деб пичирлагани эсида.

Ўзига келса — авахтада ётибди.

1. Қотилман деган одам

Бу бобда майор Санжар Солиҳовнинг қотилга ишонмагани ҳақида гап боради.

Тоғларга ошиқмай келган баҳор ҳақини қўймади — кеч кетди. Кеч келган ёз шош-қалоқ кузнинг захар нафасига дош беролмай чекина қолди. Дарахт барглари шошқич равишда заъфарон тус олиб, майлларини тентак шамолга бера қолдилар. Бўлар иш бўлди: Дайдидаранинг асл хўжалари — изғирин, совуқ ҳукм ўтказа бошлади.

Майор Солиҳов Дайдидаранинг қилиғидан беҳабар, шаҳардаги юпун кийими билан чиқаверган эди. Мурда топилган жойни синчиклаб кўздан кечириб, район жиноят қидирув бўлими бошлиғининг маълумотини эшитгунча совқотиб тишлари такиллаб қолди.

— Демак, ашёвий далил йўқми? — деди Солиҳов маълумотни тинглаб бўлгач.

— Далил йўқ. Фақат иккита из қолган. Бири эски этик изи. Қирқ учинчи размер. Иккинчиси ботинка изи. Қирқинчи размер.

— Этикнинг эгаси Муҳаммадризаевми?

— Ҳа.

— Айбини дарров бўйнига олгани сизга ажабланарли туюлмаётими?

— Йўқ. Ёши бир ерга бориб қолган, бўйин товлашнинг фойдасизлигини фаҳмлаган, — деди Жабборов.

— «Ёши бир ерга бориб қолган» дедингизми? — майор қунишиб бош чайқади. — Эллик олти ёшда тақдирга тан беради, деб ўйлайсизми?

Капитан Жабборов елка қисди. Майорнинг шу оддий ҳақиқатни билмаслигидан ажабланди.

— Рецидивист¹ учун бу жуда кўп. Оғир жиноят у ёқда турсин, бировга қараб каттиқроқ аксириб юборса ҳам қамалишини яхши билади. Терговчини қийнамаса иши осон кўчиши ҳам унга маълум.

— Яхши... — Солиҳов лабини қимтиб капитанга тикилиб қолди. — Ишни судга ошираверайликми?

¹ Қайта-қайта қамалувчи жиноятчи.

Капитан марказдан келган бу одамнинг гапи чинми ё пичинг эканини фаҳмлай олмай гангиди. Кейин ноилож елка қисди:

— Узингиз биласиз...

Бу жавобдан Солиҳов ғижинди. Кўпларнинг тошюраклиги оқибатида қанча одам бадном бўлди, қанчаси жон берди. У дамда қатоғон эди, ўйлашга, мулоҳаза юриштишга фурсат етмасди. Энди-чи? Бир одамни ушлашибди, у «мен қотилман», дебди. Булар эса ишонибди...

— Сиз... урушда бўлганмисиз? — деб сўради Солиҳов дағал оҳангда.

— Йўқ... мен уруш ортида хизмат қилганман. Бир неча марта жангга бораман, деб...

— Бу гапнинг кераги йўқ. Мен бошқа мақсадда сўрадим. Эндигина ўн саккизга тўлиб биринчи жангга кирган йигитлар ўлимдан кўрқибди. Бу тушунарли. Лекин «ёши бир ерга бориб қолганлар» ҳам ўзларини душман ўқидан пана қилишарди. Барвақт ўлим ҳеч кимга ёқмайди, биродар, ҳатто учига чиққан жиноятчи ҳам жондан тўймайди. Умид билан яшайди. Лекин қандай умид билан яшайди — биз шуни билишимиз керак. Қани, кетдик бу ердан. Бу туришда илигим тўғнаб қолади.

Капитан унинг мақсадига тушунмай қолди. Бу депарага у бошқа вилоятдан келган, Солиҳов билан шунчаки танишган, иш юзасидан эса биринчи марта юзма-юз бўлаётган эди. Ҳозир кичикроқ лавозимда бўлса-да, у ўзига юқорироқ баҳо берарди. Ҳарҳолда бу соҳада ишлаётганига йигирма йилдан ошди. Жамиятни неча-неча халқ душманидан халос этди. Лавозими ҳам, унвони ҳам шу одамникидан баландроқ эди. Қандайдир «маҳмаданалар» чиқиб «ҳибсда ётганлар халқ душманлари эмас», дейишди, уларнинг гапларини бошқа калтабинлар ёқлашди. Ишлар қайтадан кўзгалдию... оқибатда мана шу овлоққа келиб қолди. Келиши билан қотилликка рўбарў бўлди. Уттиз икки йилдан бери бу қишлоқда одам ўлдирилмаган эди. Шу капитан бояқишни кутиб туришганми, олтмишни қоралаган бир одамни куппа-кундуз куни отиб қўйибди. Қотил айбини бўйнига олиб ўтирибди. Марказдан келган бу «улуғ» нима дейди ўзи? Капитан бир кун ичида қотилни ушлаб, тайёр ошни сузиб берса-ю, бу майор олифталик қилса...

Капитан шуларни ўйлаб ғижинди. У ўзини жабрланган, хўрланган, вақтинча чекинган, деб ҳис қиларди. Ҳали яна замони келишига, олға интилишига ишончи катта эди. Майорга айтар гапларини ўша яхши кунларга асраб, қияликдан сирғана-сирғана унинг изидан пастга туша бошлади.

Сирғанчиқ қияликда тез юрганиданми Солиҳовнинг бадани қизиб, совуқ таъсир этмаётгандай туюлди. Аммо тепасига бризент тортилган «Газик» эшикларининг тирқишидан суқилиб кираётган совуқ шамол барибир устун келиб, район марказига етгунча бўлари бўлди.

Солиҳов бир пиёла чой ичиб олгач, маҳбусни олиб киришни буюрди. Дам ўтмай соқчи йигит баланд бўйли, елкалари кенг, сочи устарада қирилган, бошланг кишини бошлаб кирди. Солиҳов бу одамнинг оёғидаги бироз уринган хром этикка, эгнидаги қора шим, кўк кўйлакка тезгина разм солиб олди. Уни маҳбуснинг кийимлари эмас, пешонасидаги ёзув ҳайратга солди. Қамоқ кўрган одамлар кўкрагига, билагига игна билан тешиб суратлар солдирар, ёзувлар ёздирар эдилар. Аммо пешонасига ёздирган одамни Солиҳов энди кўриб туриши.

Маҳбус Солиҳовнинг ўзига қадалган нигоҳини, ажабланаётганини сездди. Лиқиллаб қолган ўриндиққа ўтира туриб минғирлаган овозда деди:

— Пешонамга «алқасосу минал ҳақ», деб ёзилган. Уқийман деб ўзингизни қийнаманг. Арабча ҳарфларни билмайдиган одамга ёздирган эдим. Яхши ёзолмаган.

— Кимдан қасос олмоқчи эдингиз? — деб сўради Солиҳов.

— Бу эски гап, начайник, эскини кавламанг.

— Ҳарҳолда қизиқиб қўйишим керак: қасос олганмисиз?

Маҳбус индамади. Пича ўйга берилиб қолди. «Қасос олдими? — деб ўзида ўзи сўради. — Йиллаб кутган фурсатимни қўлдан чиқармадимми? Нима учун яшовдим, шу фурсат учун эмасми? Энди-чи?..»

Маҳбуснинг бу фикрларга берилиши бежиз эмасди. У Дайдидарадаги қотилликни эшитганидан бери шу саволларга банди. Савол беради-ю, жавоб топа олмайди. Миясини, юрагини нимадир келираётганга ўхшайди, баъзан эса аламга чидай олмай инграб юборади.

Солиҳов унинг индамай қолганини бошқа нарсага йўйди. «Ўтмиш хотиралар азоб беряпти шекилли», деб ўйлаб, унга бироз тин беришни лозим топди. Аммо маҳбус бу имкониятдан фойдаланмади, унга тик қаради:

— Сўрайдиганингизни сўранг, начайник?

Солиҳов стол устидаги қоғозларни тартибга солган бўлди. Кейин перони сиёҳдонга ботириб ёза бошлади.

— Мен Санжар Солиҳовман. Область жиноят қидирув бўлимиданман. Дайдидарадаги қотиллик изини очиш билан шуғулланаман. Қарши эмасмисиз?

— Менга барибир, сиз шуғулланасизми, бошқасими — фарқи йўқ.

— Исмингиз?

— Жаҳонгир Мухаммадризо ўғли. Қирқбел қишлоғида ўрусча ҳисобда бир минг

тўққиз юз биринчи йилда туғилганман. Волидаи мукаррамам ўн олтинчи йилда, жаннат-макон отам йигирма иккинчи йилда оламдан ўтганлар. Уйланмаганман. Қариндош-уруғларим қолмаган. Узим шаҳарда тураман. Мактабда қоровулчилик қиламан.

«Мактаб кўрган жиноятчи эканини яширмайди ҳам, — деб ўйлади Солиҳов унинг айтганларини ёзиб олар экан, — берадиган саволларимга биратўла жавоб қайтара қолди».

— 1957 йил бешинчи октябрда қаерда эдингиз? — деди Солиҳов Жаҳонгирга синовчан тикилиб.

Жаҳонгир жавобни ўйлаб ҳам ўтирмади:

— Дайдидарада.

— Нима қилдингиз у ерда?

— Болалигим ўтган ерларни кўргим келиб чиқувдим.

— Марҳумни танирмидингиз?

Бу сафар Жаҳонгир ўйланди.

— Йўқ, — деди у эзгин бир оҳангда.

Солиҳов ундаги ўзгаришни сезди. Тоза қоғозга «марҳумни ростдан танимайди-ми?», деб ёзиб қўйди.

— Танимасангиз... нимага ўлдирдингиз?

— Шайтон йўлдан урди. Ўқ хато кетди. Архарни мўлжалга олувдим.

— Ов милтиғида отувдингизми?

— Ҳа.

— Ўқ марҳумнинг қаерига тегди?

— Билмайман... кўрқиб қочиб кетдим.

Солиҳов Жаҳонгирнинг ёлғон гапира бошлаганини билди. Шу сабабли нафас ростлашга ҳам қўймай саволларни ёғдириб ташлади:

— Тахминан ҳам билмайсизми? У сизга орқа қилиб турганмиди ё юзма-юзми?

— Юзма-юз эди шекилли?

— Милтиғингиз қани?

— Дарёга ташлаб юбордим...

Солиҳов яна савол бераман, деганда Жаҳонгир қўлини кўтарди:

— Начайник, бошқа савол берманг, — деди у қатъий оҳангда, — айбимга иқрорман. Уни мен ўлдирдим. Энди мени отиб ташлайверинг.

Солиҳов унга тикилиб қаради-да, мийиғида кулди.

— Сиздай кўпни кўрган одамга гўллик ярашмас экан. Менинг отадиган одам эмаслигимни биласиз. Дунёда суд деган нарсалар ҳам борлиги сизга маълум. Ҳатто... ёлғон гапираётганингизни ҳам биласиз. Жонингиздан тўйган бўлсангиз умрингизга бизнинг қўлимиз билан нуқта қўйманг. Терговни чалғитаман, деб ҳам ўйламанг. Бизга сизнинг жонингиз керак эмас. Сиз қотилни яширяпсиз. Ёнингиздаги ким эди, айтинг.

Жаҳонгир унинг ўтқир нигоҳига бас кела олмади. Бошини эгди.

— Ёнимда ҳеч ким йўқ эди. Узим ўлдирдим, — деди паст овозда.

Солиҳов «ана, кўрдингизми», дегандай капитанга қараб олди. Капитан бу нигоҳга яширинган маънони уқмагандай ҳиссиз тураверди. Солиҳов асабийлашиб столни бир-икки чертди. Боши эгик маҳбусга тикилиб, ундан яна сас чиқишини кутди.

— Мен ўлимга шошаётганим йўқ. Умрининг вақти-соати оллоҳнинг қўлида. Керак бўлса жонимни сизнинг қўлингиз билан олади, хоҳласа бошқанинг қўли билан. Мен оллоҳим юборган барча жабру-жафоларни кўриб бўлдим. Дилимдан чиқариб бир оҳ урсам олам-жаҳон барбод бўлади. Оллоҳ иймонимни берса, бир мўминнинг қўли билан жонимни олса, бир мўмин покиза танамни манзилимга қўйса бас. Орқамдан биров фарёд урмайди, биров чироқ ёқиб ёд этмайди. Шунақа... начайник... — Жаҳонгир бошини кўтарди. Солиҳов унинг кўзларида нам кўрди. — Мени ҳам қийнаманг, ўзингизни ҳам. Суддан кўрқманг, гапимдан тонмайман.

Солиҳов унга бошқа савол бермади. Жаҳонгирнинг гаплари ёзилган қоғозни стол четига суриб, ручкани узатди:

— Ўқиб чиқинг. Гапларингиз тўғри бўлса, имзо чекинг.

Жаҳонгир ўқиб ҳам ўтирмай имзо чекиб берди-да, ўрнидан туриб қўлини орқасига қилди. «Бунчалар мўмин бу одам», деб ўйлади Солиҳов унинг қилиғидан ажабланиб.

Жаҳонгирни район милициясининг ярим ертўла авахтасига қайтаришди. У ўн кишига мўлжалланган, икки қаватли тахта сўрилар қўйилган бу нимқоронғи зах авахтада тунни ёлғиз ўтказган эди. Бу авахтада йигирма иккинчи йилда ҳам ётган. У пайтда ерга сомон тўшалган экан, туни билан бургага ем бўлиб чиққан эди. Дастлаб келганида авахта гавжум эди. Кеча кириб, кўзларига ишонмади. Кейин «Бу юртда жиноятчи дегани қолмабди-да, мендан кейин авахтани бузиб ташлашса керак», деган тўхтамга келиб, деразани эслатувчи туйнук ёнидан жой олди.

Аниқ ёдида: сўроққа чиқаётганида соқчи эшикни қулфламай очиқ қолдирган эди. Қайтгач, эшикка осифлик қулфни кўриб ажабланди. Ичкари кириб ориқ бир йигитга кўзи тушгач, «авахтанинг иши ҳали бор экан», деб қўйди ўзича. Йигит ёши улуг бу одамни кўриб, салом берди.

— Ҳа, иним, бу ерларга қайси шамол учирди? — сўради Жаҳонгир унинг саломига алиқ олиб.

— Ҳе, бунақа шамолнинг энасини... — йигит беихтиёр сўкиб юборди-ю, бу қилиғидан ўзи изза чекиб, гап оҳангини сал юмшатди. — Хотинимни урган эдим, бу ерга тиқиб қўйишди падарлаънатилар.

— Чакки бўлибди, — деди Жаҳонгир жойига бориб ўтириб.

Йигит бу гапни «қамашгани чакки бўлибди», деган маънода уқиб дадилланди.

— Эр бўлгандан кейин эрликда туриш керак. Хотин хотинлигини қилсин. Эрга гап қайтармасин, чизган чизғидан чиқмасин. Хотин деган эрга қақчайиб турса...

— Хотин киши эрнинг ҳурматини жойига қўйиши керак, гапингиз тўғри.

— Қақчайиб тургандан кейин калтак ейди-да.

— Йўқ, иним, номард одам хотинини уради.

— Ие, қизиқ экансиз-ку?..

— Расулиллоҳ аёлларни хўрлашни ман этганлар. Ҳар бир мўъмин расулиллоҳнинг ҳадисларига амал қилиши шарт.

Йигит қарасаки, бу тақирбош одам унга эл бўладиган эмас, шу боис гапни давом эттирмади. Аммо узоқ жим ҳам ўтира олмади.

— Патинкамни ипини ҳам ечиб олишди. Ипни нима қилишади?

— Узини осиб қўймасин, деб олишади.

— Ким ўзини осади, менми? Жинни бўпманми?

— Ҳа, энди буларнинг таомили шунақа-да.

— Сизникини ҳам олишдими? Ҳа... сиз этикда экансиз. Узи... сизни нимага қамашди?

— Э, иним, менинг ишим чатоқ. Мен одам ўлдирдим.

— Одам ўлдирдим? Кимни? Ҳалиги... Дайдидарадаги одамними? Нимага ўлдирдингиз?

Жаҳонгир бу йигитнинг феъли торроқ эканини билиб, ҳазил билан жавоб берди:

— Хотинини урган экан.

Ҳазил гап билан йигитдаги ҳадикни қувмоқчи бўлган Жаҳонгир уни баттар саросимага солиб қўйди. Йигит унга бақрайиб қараб қолди. Жаҳонгирнинг пешонасидаги ёзувни кўрдию бадбашара одамхўрга дуч келгандай ҳушини йўқотди. Сапчиб ўрнидан туриб орқасига тисарилди. Уни тинчлантириш учун Жаҳонгир ҳам ўрнидан қўзғолди. Йигит буни бошқача тушуниб, орқаси билан деворга урилгунча тисарилаверди. Сўнг кескин ўгирилиб, эшикни дўмбира қила кетди.

— Начайникни қақир, қақир дейман! — деб жонҳолатда бақирди.

Жаҳонгирнинг «Ҳой, иним, ҳазиллашдим», дегани қулоғига ҳам кирмади. Йигитнинг жазаваси авжга чиққанда эшик очилди.

— Нимага ғалва қиляпсан? — деди соқчи ўдағайлаб.

— Мени бошқа хонага олиб чиқинглар. Талаб қиламан!

— Бу энангни уйими, кўнглингга қарайдиган. Фингшимай ўтир, бўлмаса адабингни ейсан.

— Мен...

— Учир овозингни! Бор жойингга, — соқчи уни кўкрагидан итардида, Жаҳонгирга қаради: — Сен эса мен билан юр.

Жаҳонгир «яна сўроққадир», деб ўйлади. Ҳар ярим соатда қақириб гангитадиган терговчиларни ҳам кўрган. Туни билан тик турган ҳолда саволларга жавоб берарди. Сўроқдан қайтиб энди ётганида «Ризаев, тур ўрнингдан», деб кириб келишарди. Кундузи ухлашга рухсат йўқ, соқчи дам-бадам эшик тирқишидан қарайди. Ётиш у ёқда турсин каравотга ўтиргудай бўлса, «тур ўрнингдан!» деб бақиради. Жаҳонгир айби нималигини билмайди. Терговчига маъқул жавобларни бераверади.

Ҳозирги қақирув қирқ еттинчи йилдаги ўша сўроқларни ёдига солди. Майор билан бўладиган савол-жавобга шайланиб хотиржамлик билан юрди. Бироқ соқчи идорага эмас, ҳовлида турган усти ёпиқ, бурни пачоқ машина сари бошлади. «Шаҳарга олиб кетишаркан, — деб ўйлади Жаҳонгир, — демак иш чўзилади. Районда қолганда тезроқ битарди. Бу Санжар деганлари ханжар бўлиб дилимни тилим-тилим қилиб поралайди шекилли...»

Жаҳонгир «бу юртимга энди қайтиб келмасам керак», деб ўйлаб бир зум тўхтади. Атрофга суқланиб боқди. Тоғ бағридаги унинг жаннат қишлоғи бу ердан кўринмайди. Лекин у ҳозир атрофга боқиб, қишлоғини кўргандай бўлди. Димоғига жийда гули ҳиди урилгандай туюлди. Бу атрофда жийда йўқ, қолаверса, ҳозир куз. Бу ҳид қайдан келди, ўзининг ҳам ақли лол.

— Қочишни ўйлама, қочсанг — отиласан, — соқчининг кескин гапи хаёлини тўзитди. Аста-аста босиб, машина томон юрди. «Ҳе, эси йўқ бола, қаёққа қочаман? Улимдан қочиб бўларканми? Ўзим ўлим истаб юрибман-ку... Ё ростданам қочиш қилиб берсамми? Шартта отади, тинчийман, қўяман?..» Шу фикр миясига равшанлик бериб, яна тўхтади. Бир қарорга келмасидан соқчи милтиғининг қўндоғи билан туртди. «Қаёққа қочаман? Отаман, деб пўписа қиляпти. Оёқ-қўлим енгил, қаққон бўлсам экан, қочсам. Энди оллоҳим тайин қилган кунни кутишдан ўзга чорам йўқ».

Қуёш нурлари ўлимтик туюлса ҳам қамоқхона машинасининг темир баданига таъсир ўтказган эди. Панжарали дарчаси ҳам бўлмаган бу машина ичи қоронғи ҳамда жуда дим эди. Бирпасда Жаҳонгирнинг нафаси қайтди. Хайриятки, машина узоқ турмай юрди. Совуқ шамол темир баданнинг ёриқларидан ўзига йўл топиб ичкари кирди. Жаҳонгирнинг назарида бу тоза ҳаво, юрт ҳавоси у билан хайрлашиш учун биқиниб киргандай эди. У чуқур-чуқур нафас олди. Томоғига нимадир тикилди. Йиғлагиси келди. Аввал олиб кетишганда бу ҳолга тушмаган эди. Қайтиб келишига, ота юрт тупроғини кўзига суртишига, сувидан тўйиб-тўйиб ичишига, ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олишига ишонарди. Энди... бундай ишонч йўқ унда. Энди... қайтмас бўлиб кетяпти. Энди... онаси, отаси ҳам ёлғиз қолди. Кеча қабристонга бориб зиёрат қилгани дуруст бўлди. Бу дунёда сўнги марта борди. Энди у дунёда дийдор насиб этади. Ҳаммалари жамулжам бўлишади. Онаси, отаси... ниҳоят акаси... Айбдорни оллоҳнинг ўзи жазолайди...

Машина нотекис йўлда чайқалиб боради. Омонат ўтирган Жаҳонгирни баъзан итқитиб юборади. Жаҳонгирга йўл азоби таъсир этмайди. У руҳига банди бўлиб ўтирибди. «Ё оллоҳ, билиб-билмай, тушуниб-тушунмай, шайтон йўлига кириб, тўғри йўлдан озиб, иймондан, инсофдан, виждондан чекиниб қилган гуноҳларимни ўзинг кечир. У дунёда эна-отам билан, акам билан учрашадиган онларим яқин қолди. Ё оллоҳ, уларга ёруғ юз билан рўбарў қил. Акам тўғри йўлдан озган эди, ўзинг раҳмат қил уни. Бу дунёда гуноҳларига тавба қилмаган бўлса, энди тавба қилади, тавбаларини даргоҳингда қабул эт. У кўрмаган азобларни мен кўрдим. Унинг гуноҳларини ҳам мен сўраб оламан. Шу кунга қадар акамга айтадиган гапларимни дилимда сақладим. Ўзингга шукр, гапим ичимда қолиб кетмади. Акамни мен отишим керак эди. Умр бўйи шундан кўрқиб яшадим. Акамни ўлдирish азобини қандай кўтараман, деб эдим, шукр, бу азобдан ҳам кутқардинг. Акамнинг жонини бировнинг қўли билан олдинг. Аммо унинг гуноҳини мен бўйнимга оламан. У дунёга шу гуноҳ билан бораман. Ё оллоҳ, гуноҳимни ўзинг кечир. Аммо мен жаннатдан жой сўрамайман. Шу тамада сенга сифиниб юрган бўлсам, албатта дўзахдан жой бер менга. Бу дунёда кўрган роҳатларим эвазига дўзах азобини тортай. Мен саллалаҳу алайҳи вассалам Муҳаммад алайҳиссаломга айтган сўзларингга амал қилиб келдим. Энди иймонимни берсанг бас...»

Темир баданли машина «ҳей, эсингни йиғ» дегандай Жаҳонгирни силкиб-силкиб қўяди. Жаҳонгирнинг руҳга батамом банди бўлишига йўл бермайди.

2. Калаванинг бир учи

Бу бобда парда-девор ортидаги аёлнинг уйлари билан ҳам танишасиз.

Майор Санжар Солиҳов маҳбусни шаҳар турмасига кўчириш ҳақида буйруқ бергач, Жабборов билан хайрлашди. Капитаннинг кўнглида нохуш ҳис уйғонди. Дайдидарадаги қотилликка оид ишнинг мураккаблигини энди тушунди. Солиҳов ишни енгил кўриб чиқадиганга ўхшамайди. Демак, иш ниҳоясига етгунча район жиноят қидирув бўлимида ҳам тинчлик бўлмайди.

Капитан Жабборов Солиҳовга унча ёқмади. Солиҳов унинг ўтмишини эшитган эди. Аммо ўша давр уни шу ишларга мажбур қилгандир, давр талабига қарайман, деб бегуноҳ одамлар умрига зомин бўлгандир, деб ўйлаган эди. Бугунги қисқа учрашувдан билдики, капитан ўтмишдан хулоса чиқармаган ёки унинг табиати, бўлган-тургани шу: ишни енгил-ёлпи кўриш; Солиҳов у билан хайрлашгач «ишни олиб борувчи гуруҳга кўшиб бўлмайди бун», деган қарорга келди.

«Газик»нинг ёлдираклари гўё ҳар бир тош, ҳар бир чуқурликни пайпаслаб топаётгандай эди — машина тинмай чайқаларди. Солиҳов пешонасига «алқасосу минал ҳақ», деб ёзилган одамни кўз олдига келтириб ўйларди. «Уч марта қамалган. Яна энг қалтис даврлар — 1922, 1938, 1947-йилларда. Кўп азоб чеккан. Қарашларида маъно бор. Аҳмоқ одамга ўхшамайди. Қотилликни нима учун бўйнига оляпти? Марҳум орқа томондан, ов милтиғида эмас, тўппончада отилган, ўқ миясини ўпириб кетган. Муҳаммадризаев уни отилгандан сўнг кўрмаган, кўрган бўлса аввал кўргандир. У билан гаплашган. Нимани гаплашган? Кейин кетган. Қарога кетган? У кетгач, қотил келган. Ким у қотил, нимага келган? Кекса одамдан нима талаб қилган? Шарипов Дайдидарада нима қилиб юрган эди? Йигирма тўртинчи йилда хорижга ўтиб кетган бу одам икки йил аввал Қашқардан қайтган. Бу овлоқ жойда нима бор экан унга?»

Машина тинмай чайқалади. Гўё Солиҳовни чулғаб бораётган саволлар булутини тўзитмоқчи бўлади. Солиҳов бундай йўл, бундай чайқалишларга кўникиб кетган. Урушдан аввал қайси бир ҳамроҳи нолиганда ярим ҳазил, ярим чин билан «замон чайқалиб турибди, машинанинг чайқатиши нима экан», деган эди. Солиҳов замонларнинг энг қалтис чайқалишларидан ўтиб келди. Гуноҳи нима эканини билмай бош эгиб сукут

сақлаб ўтирган доноларни, мунг тўла кўзларни кўрди. Баъзан шу кўзлар уни таъқиб қилади. Ана шунда кўринмас панжалар юрагини сиқувга олади. У кўнглига фақат бир нарсадан паноҳ топади: бегуноҳларни кўрди, ammo уларни қириб ташлашда иштирок этмади. Бахтига (ҳа, бунинг бебаҳо бахт эканини энди билипти) сиёсий маҳбуслар билан шугулланмади. У қотиллар, ўғрилари тутиш билан машғул эди. Ҳозир кўнглига бироз бўлса-да таскин берадигани ҳам шу жамиятга зарур иш билан шуғуллангани.

Солиҳов идорага қайтгунича биринчи галда қиладиган ишларини белгилаб олган эди. Хонасига бора туриб Рамазоновни чақирди. Капитан Рамзиддин Рамазонов уруш кўрган, оқ-қорани яхши ажрата оладиган инспектор бўлгани учун ҳам Солиҳов уни қадрларди. Кўп ишларда унинг ёрдамига суянарди.

Майор Дайдидарадаги қотиллик, район жиноят қидирув бўлимидаги ўртоқларнинг хулосаси билан таништириб, Рамазоновдан жавоб кутди. Ammo Рамазонов жавобга шошилмай «Казбек»ни тутатиб ўтирарди. Ташқаридан қараган киши бу одам муҳим гапларни эшитди, энди жиддий бир фикр айтиши керак, деб ўйламас, оёғини чалиштириб ўтирган капитан шунчаки бекорчиликдан папирос тутатяпти, деган хаёлга бориши мумкин эди. Солиҳов у билан дастлаб учрашганида бу қилигидан ранжиган ҳам: «Бу бемалолхўжа ўйлаб ўйига етгунча жиноятчи ишини битириб бўлади». Кейин-кейин кўникиб кетди. Ҳатто чуқур мулоҳаза юритадиган бу одамни яхши кўриб қолди.

Рамазонов папиросни охиригача чекиб, қолдигини кулдонга эзиб қўйди.

— Тушунарли, — деди бошлиғига қараб, — архивни титиб кўраман.

Рамазонов ўзи сезмаган ҳолда яна чўнтагидан «Казбек» қутисини чиқариб бир дона олди-да, папироснинг тамакили томонини аста эзиб, иккинчи учи билан қутига уриб-уриб қўйди. Бир нафас ўйланди. Папиросни лабига қистирди. Бироқ тутатмади. Сўнг тайин бир қарорга келиб ўрнидан турди.

Солиҳов идорада узоқ ушланмади. Ташқарига чиқиб эски шаҳар томон йўл олди. Оқшом кўна бошлаган палла, кўча тирбанд. Одамлар уч вагонли трамвайнинг зиналаригача осилиб олишган. Дўмбоқ паттачи трамвайнинг силкинишига эътибор бермай одамлар орасида суқилиб, туртилиб ўз ишини қилади. Йигитлар атайин хиралик қилиб уни ўтказгани кўйишмайди. Паттачи буни билади, бироқ ўзини билмаганга солиб йигитларнинг биқинига тирсагини тираб ўтади. Вагон ўртасида турган Солиҳов Хадрага етганда паттачининг орқасидан эргашиб эшик томон силжиди. Чорсуда бир амаллаб тушиб қолиб, пойабзаллар обдан суртилган шимининг почасини қоқди. Бозор томон юрди. Узун кўчанинг икки томонидаги дўконлар ёпилган. Кўчада одам сийрак. Фақат ресторанлар олди гавжумроқ. Ичкарида жазавали куй эшитилади. Баҳору ёз меҳнат қилиб етиштирганини сотиб тугатган, чўнтаги пул кўрган деҳқон йигитлар болалари ризқининг бир улушини шу ерга сочиб кўтишади. Гўлроқлари баъзан шип-шийдим бўлиб ҳам чиқишади. Кўкраклари тирсиллаб турган хонимлар, фуражкасини бостириб кийиб олган йигитлар бу атрофда бекор изғиб юришибдими? Улар ҳозир ҳеч нарса билан иши йўқдай, бефарқ туришибди. Атрофга қоронгулик чўкиб, ичкарида оркестр авжга чиққанда уларнинг «ови» бошланади.

Семизлигидан ёрилиб кетай дейётган милиционер Солиҳовни кўриб салом берди. Солиҳов алик олди-ю, бошқа гап айтмай ўтиб кетди. Бозорга айланишадиган киссавуру чайқовчидан «солиқ» ундириб турадиган бу одамнинг пойдевори мустаҳкам эканини билади. Буни йўқотиб ўрнига ҳалолроқ милиционер кўйишни талаб қилганида бошқармадагилар «унга тегманг», деб гапни калта қилишган эди. Солиҳов бозорга бориб тақаладиган жиноятларни очишда бу одам билан икки-уч суҳбат қурган, бироқ тайинли бир гап ололмаган. Ҳозир уни кўриб ёғиниб қўйди-ю, тўхтамай ўтиб кетаверди. Милиционер эса, бундан ўзича хулоса чиқариб, «атрофда одамлари бормикин», деб аланглади. Кейин шошилиб ресторанга кирди.

Солиҳов бозорни кесиб ўтиб, қадимда масжид бўлган, маданий инқилобдан сўнг мактаб ихтиёрига берилган ёшистин иморатни, сўнг гавжум чойхонани ортда қолдириб, болохонали уй қаршисида тўхтади. Бу ерларни беш қўлда яхши биладиган марҳум Сиддиқ Шарипов яшаган уйни қийналмай топди.

Дарвозанинг бир қавати очик, йўлак кимсасиз, ҳовлида эса одамлар кўринарди. Шом тушиб ҳассакашлар эндигина ичкари кирганлар. Солиҳов дарвозани тақиллатиши ҳамон тўн кийиб, белбоғини қўлида ушлаб олган ўттиз ёшлар чамасидаги йигит кўринди. Ҳозиргина ечган белбоғини қайта ўраб, мезбонга пешвоз чиқди. Яқин келгач, салом бериб, қўшқўллаб сўрашди-да, ичкари таклиф қилди.

Ҳовлидаги супада уч эркак бор эди. Юзини рўмол учи билан тўсиб супа четида ўтириб гаплашаётган аёл Солиҳовга кўзи тушиши билан шошилиб ўрнидан турди-да, парда-девор ортига ўтди.

Солиҳов супадагилар билан саломлашиб, қариялардан бири тиловат қилгач, иккинчиси унга гулдор юпка хитойи пиёлада чой узатди.

Мезбонлар Солиҳовни кўнгил сўраб, таъзия билдиргани келган одам деб ўйлашган, лекин танимай туришган эди. Солиҳов маъноли қарашлардан буни дарров сезди. Орадаги ноқулай вазиятни кўтариш учун ўзини танитди.

— Мархумнинг яқинларидан сўрайдиган гапларим бор эди. Ишимиз шунақа, кўнгилга олмайсизлар. Вақт ўтишини кутиб тура олмаймиз.

— Қани, иним, дастурхонга марҳамат қилинг. Аввал таом, сўнгра калом, деганлар. Сўнг, мана, Йўлчивой билан бафуржа суҳбат қураверасиз. Йўлчивой — раҳматли Сиддиқбекнинг пушти камари, — деди чой узатган қария.

— Инна лиллоҳи ва инна алайҳи рожибун! Оллоҳнинг марҳамати шу-да, мусофирликда олмай, ўз юртида олди жонини. Шунисига ҳам шуқр қилиш керак. «Юртимга келволдим, бу ёқдаги ҳаётим энди фойдага қолди», дерди раҳматли.

— Сизлар қариндошмисизлар? — деб сўради Солиҳов, чойдан ҳўплаб.

— Аслида-ку... бегонамиз, аммо мусофирликда қариндошдан афзал бўлиб кетганмиз. Қашқарда насибамизни териб еганмиз.

— Шарипов... Сиддиқбек ака қачон кетганлар бу ерлардан?

— Ленин ўлган йили, дерди раҳматли.

— Сабабини билмассизлар?

— Э, иним, сабабини ўзингиз биласиз-ку? Отамизда битта сигир бўлса ҳам «бой» деб, «унсур» деб дағдаға қилишган. Раҳматли Сиддиқбек ҳам бошқаларга кўшилиб кетворганлар. Мана, Йўлчивой ўшанда йўлда туғилган экан.

Девор-парда ортида шарпа сезилиб, Йўлчивой ўрнидан турди-да, узатилган косаларни олиб изига қайтди.

Солиҳовнинг қорни оч эди, тортиниб ўтирмади. Қариялар ҳам гулдор қизил чўпларни бармоқларига қистириб олганча лағмонни иштаҳа билан ея бошлашди.

— Кимниқидан келибди, жуда боплапти-да, а? — деди қариялардан бири.

— Муродилланиқидандир? — деди иккинчиси.

— Шунақа бўлса керак, — деди Йўлчивой.

Овқат ейилиб фотиҳа ўқилгач, қариялар кўзғолишди.

— Йўлчивой, ўғлим, энди биз борайлик. Худо сабр берсин. Оллоҳ насиб этса, пайшанба куни дийдор кўришамиз.

Улар шундай деб чиқиб кетишди.

Супада икковлон қолишди. Солиҳов Йўлчивойга қаради. Пешонаси кенг, киприклари узун, қора қош, қиррабурун, ўттиз ёшлардаги бу одамни қаердадир кўргандай эди.

— Қотилни топганмишсизлар? — деб сўради Йўлчивой.

— Ҳали топганимизча йўқ. Бир одамда гумонимиз бу. Шунинг учун ҳам сиз билан гаплашиб олишим керак. Сиз ўзингиз ёки онангиз бирон кишидан гумон қилганларинг йўқми?

Йўлчивой ўйланиб туриб елка қисди.

— Ҳайронман... кимга керак экан бу...

— Дадангиз бирон кишининг таъқиб этаётганини айтмабмидилар?

Йўлчивой яна ўйланди.

— Йўқ, тинчгина яшардик. Бу шаҳарга келиб, жой қилиб, ҳали дўст-душман ортиришга ҳам улгурмовдик.

— Дадангиз Дайдидарага нима учун борганлар? Айтиб кетган эдиларми?

— Бир биродаримни йўқлаб келаман, девдилар. Кимлигини сўрамабман. Дадан... раҳматли ҳам айтмовдилар.

Аввалига «раҳматли» дейишга Йўлчивойнинг тили бормади. «Раҳматли» дейиш ўзинг учун азиз бўлган одамнинг ўлимини тан олиш-да. Ўғил ҳали бу даҳшатли фожиани тан олгиси йўқ. Назарида дадаси ҳализамон Дайдидарадан қайтадигандек. Ўқ ўпириб юборган бош, очиқ кўзлар эса... булар кўрқинчли туш эди.

Йўлчивой ўзи истамагани ҳолда буни тасдиқлади. Отаси ерга қўйилгач, уч кун ўтиб, унинг ўлимини тан олди. Аммо шу сўзни айтиши билан бадани титраб, пешонасига совуқ тер чиқди. Солиҳов ундаги ўзгаришни сезди. Шу сабабли яна дарҳол қайта саволга тутмади.

Бу қисқа жимликда Йўлчивой йўлга отланган отасини кўз олдига келтирди. «Дайдидара деган қишлоқда биродарим бор. Уттиз йил кўришмадим Хабар олишим фарз», деб жилмайган эди. Жилмайишида саросима зоҳир эди. Йўлчивойнинг сезгир нигоҳи илғаган эди бу саросимани. Демак... саросимали жилмайиш... ўлим шарпаси экан-да?!

Йўлчивой кўзларини юмиб олди. «Нимага тўхтатмадим. «Тобингиз йўққа ўхшайди, борманг», десам бўларди-ку! Нимага индамадим? Нимага бирга бормадим? Худо менга хабар берган экан-ку, нимага илғамадим бу хабарни?..» Ҳар бир савол миясида яшин сингари чақнаб, юрагига найза каби санчиларди. Уч кун давомида келди-кетдилар билан овуниб бундай хаёлларга банди бўлмаган эди. Хаёллари эшигининг ланг очилишига рўпарасидаги одам айбодорми? Бу одам келмаганда хаёллари занжирбандлигича қолармиди? Йўқ, эртами-кечми бу хаёллар, бу саволлар занжирларни узар эдилар, Йўлчивойнинг юрагини буровга олар эдилар. Бу одам баҳонасида барвақт бошладилар қийновни.

Албатта биз худонинг бандасимиз ва унга қайтувчимиз.

— Бу томонда душман орттиришга улгурмабсизлар, у томонда-чи? Душманларинг бормиди?

Солиҳовнинг овози узоқдан келгандай туюлиб, Йўлчивой ажабланди. Шу боис дарров жавоб бермади. Уйлашга, фикрини жамлашга бироз фурсат талаб этилди. Солиҳов буни бошқача тушунди. «Эсламоқчи», деб ўйлаб, жавобни кутди.

— У томонда бизлар мусофир эдик. Мусофирлик тузини тотганлар бир-бирига ёв бўлмайди. Менинг билганим — шу.

— Дадангиз асли қаерликлар?

— Юсуфхона деган қишлоқ бор, эшитганмисиз?

— Ҳа, биламан. Сиз бобонгизни эслайсизми? У киши нима иш қилардилар?

— Бобомни эслай олмайман, чунки... кўрмаганман. Уртаҳол деҳқон бўлган эканлар.

— Сиздан бир илтмосим бор. Дадангизнинг дўстларидан сўрашнинг мавриди эмасди. Сўраганимда ҳам менга айтмасликлари мумкин. Сиз улар билан алоҳида-алоҳида гаплашганингизда «кимнинг қасди бўлиши мумкин?», деб сўраб кўринг. Айтишса, менга маълум қиласиз. Энди мана бу суратга қаранг, — Солиҳов кўкрак чўнтагидан Жаҳонгирнинг расмини олиб унга узатди. — Танийсизми?

— Ҳа, — деди Йўлчивой суратни кўлига олиб. — Бир-икки келган бу одам. Гумон қилаётганингиз шуми?

— Сиз гаплашганмисиз бу одам билан?

— Йўқ. Дадам... раҳматли гаплашганлар. Кейин... «Мен йўғимда киритманглар», деб айтган эканлар.

— Кимга?

— Онамга.

— Онангиз танийдиларми бу одамни?

— Билмайман.

— Чақирсангиз, шуни сўраб олсам?

— Мумкин эмас. — Йўлчивойнинг овозида қатъийлик сезилди. — аёл киши номаҳрамнинг олдига чиқмайди.

— Парданинг у бетида туриб гаплашишлари мумкинми?

Йўлчивой расмини олиб парда орқасига ўтди. Ундан бир неча дақиқа дарак бўлмади. Солиҳов чинни пиёлани чертиб кўйди. Жарангига ҳуши кетиб, яна чертди.

Йўлчивой қайтиб, суратни узатди:

— Танимас эканлар, — деди қуруқгина қилиб.

Солиҳов муомаладаги бу узгаришни сезиб, ажабланди.

— Чойдан ичинг, ака.

Солиҳовга бу «гапингиз тугагандир, сизга руҳсат», деган маънода эшитилди. Ўзича «калаванинг бир учи шу ерда», деб кўйди-да, йигитга раҳмат айтиб, ўрнидан турди. У парда-деворнинг бир томони сал сурилганини, бир жуфт қора кўзнинг таъқиб этганини сезмади.

Парда-девор ортидан Йўлчивойнинг онаси, Сиддиқбек Шариповнинг беваси Хадича ўғринча қараб қолган эди. Нима учун қараганини ўзи ҳам билмайди. Уғли суратни кўрсатганида вужудидан жон чиқиб кетгандай бўлди. Аъзойи бадани музлади. Тили калимага келмай ғудранди. Ғойибданми бир куч топиб «танийсизми?» деган саволга «Йўқ», дея олди. Уғли яна бир нималарни сўраганида ё ҳушидан кетарди ё ақлдан озарди. Хадича — руҳи ҳаётнинг тегирмон тошлари орасида эзилиб адо бўлган муслима ана шу чегарага келиб қолган эди. Ситамлар уни ҳар сиқувга олганида «бас, бошқа чидай олмайман», деб ўйларди. Аммо ситамлар келаверарди, у муштипар эса чидайверарди...

«Ватан дарвозалари очилди, оллоҳ юртимиз йўлини ёритди» деган хабарни эшитганида қувонич ўрнига бир чўчиб тушди. Бошқаларга ота юрт қучоқ очарди. Назарида уни ўлим бетоқат кутарди. Ватан сари босилган ҳар бир қадам ўлим чоҳи сари кўйилгандай туюларди. Улим шундай келиб жонини суғура қолса майли эди. Дунёда кўрадиганини кўрди. Худога мингдан минг нолалар қилди. Муножоти ижобат бўлди — оч қолмади, хорланмади, хўрланмади... Бироқ... яшашнинг лаззати қорин эмас экан. Кўнгли ҳамиша ҳувиллаб турди. Шу Сиддиқбекка никоҳланган кунни ўзини осмоқчи ҳам бўлди. Фақат шу Йўлчивойи... шу ўғли кўзига кўринмаганида бу аламлар йўқ эди... Хадича ҳаётдан тўйган, дейиш ноўрин. Эси бутун одам ҳаётдан тўярмиди? Энг оғир шароитда ҳам «балки эртага хайрли тонг отар», деб умид қилади. Хадича бундай тонгларни кўп кутди. Ҳозир ҳам кутади. Бунинг бефойдалигини билса ҳам кутади. Ҳа, у ҳаётдан тўйган эмас. Фақат кўз очиб кўргани билан учрашишдан кўрқарди. Улим эмас, ана шу дийдор кўришуви унинг учун даҳшатли эди. Мусофирликда юрганда худодан унга умр тиларди, бахт тиларди. Юртига йўл олганида шайтон «илоҳим, омонатини топширган бўлсин!» деган машъум фикрни миясига урди. Бу фикрдан сачраб кетди. «Астағфируллоҳ!» деб кўкрагига туфлади. Шайтон — шайтон-да, бу фикрни, у кўлидан-бу кўлига олиб, отиб ўйнайверди. Дам-бадам ўйинга Хадичани ҳам тортди. Аёл «астағфируллоҳ!» деб калима қайтарганида шайтоннинг бадани зириллаб қоронғи усяига даф бўлди. Кейин яна чиқди... Бу ўйин мана шу ҳовлида Жаҳонгирни кўрганига қадар давом этди.

Уни кўрди-ю, кўзларига ишонмади: кўзлар ўша, қарашлар ўша, овоз ўша. Уша ораста кийиниш... Фақат пешонасига бирнима ёзилган. Бу нимаси?...

Хадичанинг ўша дамдаги ҳолатини баён этиш мушкул. Улимларига рози бўлиб кетди. «Менинг тириклигимни билмасин, кўрган кунимни билмасин, жонимни олақол, худо!» деб бошини деворга урди. «Жон нам, жон отам, ёнингларга чақирсангиз-чи!» деб нола қилди. Дўзах у дунёда дейдилар. Хадича дўзах ўтига шу дунёнинг ўзидаёқ рўбарў бўлган эди.

Ўғли ҳозир суратни кўрсатгач, дўзах олови яна забтига олди.

Солиҳовни тавқиб этган бир жуфт кўз эгаси мана шу ўтда ёнаётган Хадича эди.

3. Тўлғоқли кеча

Биринчи бобда Жаҳонгирни шаҳар турмасига кузатган эдик. Алҳол унинг аҳволи-руҳиясидан хабар топиш вақти етди.

«— Мусулмонлар, ахир бу Муҳаммадризонинг пушти камари-ку?! Ношукр бўлманг, раҳматлининг яхшиликларини унутсак кўр бўламиз-ку! Бой, бой, дейсиз, бой бўлиб бизнинг бўйнимизга миниб олмаган эди-ку?! Узи ишлаб топарди-ку?!

Отаси раҳматли яхши эди, болаларининг қилиғини кўрдинг-ку! Биттаси қочиб қолди. Бу ҳам бўридай олайиб турибди...»

«— Жаҳонгир Муҳаммадризо ўғли, қишлоқ фаолларини отишда иштирок этганингизни тан оласизми?»

— Йўқ, мен отмадим.

— Ҳой, қизил қози биродар, гапига ишонманг, отган.

— Бекор айтяпсан, занғар, Жаҳон йўқ эди уларнинг ичида... Бу ҳам ўзимизга ўхшаган деҳқон бўлса...»

«— Ишчи-деҳқон жумҳурияти номидан...»

Икки қўлини болиш қилиб чалқанча ётган Жаҳонгир кўзини очди. Ухладими ё туш кўрдими ёки йилларнинг чиғириғидан ўтиб келаётган хотиралари уйғондими?

Жаҳонгир шаҳар қамоқхонаси ҳовлисига машинадан тушдию таниш манзарани кўрди. Одам руҳини эзиб чилпарчин қилиб юборувчи ўша тошбино, ўша темир панжарали туйнуқлар. Уша совуқ нигоҳли соқчилар. «Бу ерга яна қайтиш пешонамда бор экан-да. Сўнги манзилим шу ер экан-да. Бундан кўра озодликда, ўриснинг ўша ўрмонларида ўлиб кетганим дуруст эмасмиди?... Астағфируллоҳ! Ношукр бандангни ўзинг кечир. Уша ўрмонларда сендан умр тилаган эдим, бердинг. Ниятимга етай дегандим, етказдинг. Ўзингга шукр. Жонимни озодликда олдинг нима-ю, бу тошбинода олдинг нима, бандангга барибир эмасми? Бу дунё азобларидан қутқарсанг бас. Бандангга ўзинг раҳм қил.»

Шу хаёллар билан қамоқхона ичкарасига кирди. Уша таниш манзара: икки қаватли тахта каравотлар, киртайган кўзлар, рангпар чехралар, ўша таниш ҳид — тошдеворнинг зах нафасига қоришиб кетган бадбўйлар.

Бу ернинг таомили ҳам маълум унга: беайблар, биринчи марта тушганлар, бехос жиноят қилиб қўйганлар янги тушган маҳбусга дарров эйтибор қилишмайди. Улар ўз дардларига қоврилиб ётган бўлишади. Янги келган одам дастлаб қамоқхона ҳавосини олганлар диққатига рўбарў бўлади. Таомил ўзгармабди: сочи қошигача тушган йигит қўлларини чўнтакка солганча, ўрдакдай лапанглаб келиб унинг қаршида тўхтади. Безбетларча тикилди. Сўнг Жаҳонгирнинг пешонасидаги ёзувга совуқ бармоқларини текизди. Йигит «қаршимдаги тирик жон эмас, шунчаки бир матоҳ, уни ушлаб кўришим ҳам мумкин, эзғилаб кўришим ҳам мумкин», деган манманлик фикрида эди. Жаҳонгир бу тоифанинг феълени ҳам, бунақа одамнинг нима қилишини ҳам билади.

— Бу ерингга нима ёзилган? — деди йигит унинг пешонасига чертиб.

— Тишинг ўтмайди бунақа гапларга, — деди Жаҳонгир кўрслик билан.

— Зўрсан-ку! — йигит шундай деб унинг юзига енгил шапатиллади.

У янги келган одамни шу зайлда бироз мазах қилмоқчи эди. Аммо улгурмади. Жаҳонгир йирик, бакувват панжалари билан ёқасига чанг солди-да, уни худди бир боғ пичандай нарига улоқтириб юборди. Ёрдамга шошилган икки йигит ҳам шериги ёнига учиб тушди. Уч йигитдан иборат «ғарам» ни жойлаб бўлгач, Жаҳонгир бўш каравотга бориб ётди. Узоқ вақт тош қотгандай қимирламади. Биров унга гапирмади ҳам. Бундан фойдаланган Жаҳонгир майлини хаёллар измига бериб, кўзи илинибди...

Ахир «ҳой, мусулмонлар!» деган овозни аниқ эшитди-ку? Илтижо билан, дард билан айтилган сўзлар... Инобатга олинмаган илтижо, бефарқ қолдирилган дард. Ушандаги бефарқ нигоҳлар уни уқубатли айрилиққа кузатган эди. Ҳар қалай ўша дамда шундай деб ўйлабди. Кейин билса, бу нигоҳлар уни бир умрлик азобга кузатган экан. Бу бефарқ нигоҳлар уни ўттиз беш йил муқаддам ўлимга юборган экан. Ўттиз беш йил ер юзида эмас, ўлим дарасида сарсари кезди. Қорни тўқ мушук сичқонни панжалари

орасида эзгилаб ўйнаганидай Азроил ҳам уни шу кўйга солди. «Жонингни ана оламан, мана оламан», деб ўттиз беш йил у бурчакдан-бу бурчакка ҳайдади. Мана, ниҳоят, шу манзилга бошлаб келди. Кунда шу тошиморатда. Бош кўйса бас. Шу тошиморат ичида жони кетади. Киндик қони тупроққа тўкилган эди. Юрак қони тошга сачрайди, кейин... тошдан кафан топади. Унинг мурдасини сўраб оладиган яқин йўқ. Бўлганда ҳам беришмаса керак. Ўзлари кўмишади. Кўмишса — хўп, хўп. Ёқиб юборишса-чи? Мурда ўтга кирганда тирик одамдай сакрайди, дейишади. Шунини эсласа, Жаҳонгирнинг бадани музлайди. Ҳозир ҳам шу гап хаёлига келдию қамоқхонада эмас, муз ўликхонада ётгандай сесканди. Қаддини кўтариб, қафтларини икки юзига босди.

Маҳбуслар, бесўнақай гавдали бу одамдан ҳайкиб қолишганмиди, унга эътибор беришмади. Ҳол-аҳвол сўрайдиган ё танишиб олиш истагида бўлган, ё «ёруғ оламда нима гаплар», деб қизиқадиган кимса топилмади. Бу Жаҳонгир учун муддаонинг ўзи эди. Биров билан гаплашиш у ёқда турсин. Жаҳонгир одам зотини кўрмасам, деган кайфиятда эди. Аммо чора қани, бир тўда маҳбуснинг ичига ташлаб қўйишгандан кейин у нима қила оларди.

У ҳамхоналарига зимдан назар ташлади: на ёшда, на шакл-шамойилда фарқи бўлган бу одамлар тошиморат ичида шундай кунлар бошига тушишини билганми? Бу иморатдан қачон чиқиб кетишади — билишадими? Ташқарида бир коса овқатни кирита олмай сарғайиб турган жигарлари билан қайта кўришиш насиб этадими уларга? Буни ҳеч бери билмайди. Аммо қуёшли оламга қайтиш умиди билан яшайди. Бундай умид фақат Жаҳонгирда йўқ. Бунақа умиднинг пайдо бўлишини истамайди ҳам. Унинг умид-мақсади бир — парвардигори берган омонатни топшириб, ота-онаси ёнига бориш. Депара авахтасида ётганида қайтиш онлари яқинлигига имон келтирган эди. Бироқ шаҳарлик бу майор пайдо бўлдию режалари чигаллашиб кетди.

Чироқ хиралашиб, маҳбуслар бирин-бирин каравотларига чўзилишди. Хонада пишиллаш, хуррак овозлари қоришиб кетди. Жаҳонгир бир ўтирди, бир ётди, бир туриб юрди. Беҳаловат кеча унинг назарида анча чўзилди. Назарида энди мутлақо тонг отмайдигандай эди. Бу пишиллаётган, хуррак отаётганлар ҳам тирик одамлар эмас, мурдалар эди. Ётган ери ҳам қамоқхона эмас, эринмай қазилган, ғоят кенг бир гўр эди. Афтидан оллох унинг жонидан аввал эс-хушини олгану тўппа-тўғри шу гўрга тикқан эди.

Тонгда илиқ сув бўлиб сувга, шўрва бўлиб шўрвага ўхшамаган бир нарсени ичиб бўлгач, уни сўроққа чақирди. Уша таниш майор торгина хонада эринмай сўроқ бошлади. Жаҳонгир сўроққа киришда «начайник, айбимга иқрорман, ишни судга оширавер», демоқчи эди, майорнинг саволларидан гангиб гапларини айтолмай қолди. Тергов Жаҳонгирнинг назарида бир-бир ярим соат чамаси давом этди. Майор худди «иш вақтинг саккиз соат, шу сўроқдан бошқа юмушим йўқ, кечга қадар гаплашаман сен билан», дегандай эринмасдан сўроқ қиларди. Бу майор Жаҳонгирни ўттиз беш йил бадалида калака қилиб келаётган Азроилдан ҳам баттар экан. У ҳам Жаҳонгирни беркинмоқчи бўлган ҳали у бурчакдан, ҳали бу пастқамликдан тортиб чиқариб, ҳақиқат офтобга рўбарў қилаверди. Жаҳонгир бу офтобдан кўрқар эди. Шу сабабли сўроқларга узоқ дош беролмади. Майор Солиҳов сўроқ охирлаб қолганини ҳис этгач, соқчини чақирди.

Жаҳонгир маҳбусхонага кириб, жойига ёнбошлади. Рўбарўда ўтирган йигит эса папирайми-папирайми, деб иккиланиб турди-да, охири кўнгил сўраган бўлди:

— Тинчликми, ака?

Жаҳонгир ажабланиб унга бир қараб қўйди-да, «тинчлик», дея пўнғиллади. Йигит «келиб-келиб шу тўнкадан кўнгил сўрайманми», дегандай ўрнидан туриб, нари кетди. Жаҳонгир ўзининг бу қилмишидан пушаймон бўлди. Бир одам яхши ният билан кўнгил сўрабди, далда бергиси келибди. Пўнғиллаши нимаси эди! Бироқ бу ҳолда Жаҳонгирни айблаш ҳам ўринсиз. Тегирмон тошлари орасидан ўтиб, бир мўъжиза билан тирик қолган одамни тасаввур этинг-а? Жаҳонгир ҳозир сўроқдан эмас, айнан тегирмон тошлари орасидан чиқиб келиб «тирик қолганим чинми?» деб тургани эди. Унга бир оғиз гап ҳам ортиқча эди. Шу бир оғиз гапни қўшни каравотдаги йигит айтиб қўйди. Бошқа пайт бўлганида Жаҳонгир гапни маромига буриб унинг кўнглидаги хижилни ёзиб юбориши ҳам мумкин эди. Ҳарҳолда Жаҳонгир йигит ўйлаганчалик тўнг эмас, вақтида улфат қўрган одамлардан эди. Лекин ҳозир йигит кўнглини юмшатишга ҳоли етмади.

У икки қаватли тахта каравотларни, шарпадай юрган, ўтирган, ётган одамларни кўргиси келмай кўзини юмди. Юмдию тахта каравотлар оралаб шарпадай юрган, ўтирган, ётган одамлар ўрнида қаттиқ тикилиб турган майор пайдо бўлиб, терговни бошлаб юборди:

«Мухаммадризаев, тўғриси айтинг, нима учун терговни чалғитмоқчи бўляпсиз. Сизни кўрқитишдими?»

— Ким кўрқитади? Одам ўлимдан кўрқади. Мен эса ўлимдан кўрқмайман.

— Шунинг учун айбни бўйнингизга оляпсизми?

— Худодан яширмаган сирни сиздан яшираманми?

— Сиз кўп жабр тортган экансиз. Бу ҳақданми ё ноҳақданми ҳозирча билмайман.

Лекин...»

Жаҳонгир кўзини очди. «Ҳозирча билмайман...» Ҳа, шундай деди майор. Лекин Жаҳонгир ўша тобда бу гапга кўп ҳам аҳамият бермагани «Ҳозирча...» Нима демоқчи? Ҳали ўттиз беш йиллик гапни, ўттиз беш йиллик эски пахтани титиб кўрмоқчимиз? Нимага? Кимга керак эди бу ҳақиқат? Биз сизни ўттиз беш йил ноҳақ азоблаган эканмиз, дегани билан умри қайтиб берилармиди? Суйган хотини, хориж йўлида киндик қони тўкилган ўғли бағрига қайтадимиз?.. «Ишчи-деҳқон жумҳурияти номи билан...» Бехос миясини зириллатган бу гап тошиморатни ҳам ларзага солгандай бўлди. Тош деворларга тегиб жаранглаган бу гап миясига қайтиб урилиб, товонига зирқиратиб юборди.

«Ҳали худо олдида гуноҳим кўп экан. Оллоҳ суйган бандаларини бу дунёда обдан қийнаб, гуноҳини тўкиб, сўнг у дунё бағрига олади, дейишарди. Отамнинг хунини олмаганим учун худо гуноҳимдан кечмаяпти. Гуноҳларим тўкилиб битганда ўша қишлоқ авахтасидаёқ омонатимни топширардим. Гуноҳим кўп экан ҳали... Ё танграм! Ҳеч бир бандангни бунчалик қийнама. Омонатингни олгинг келмаётган бўлса нима қилай, айт. Ўзи жонимни ўзим суғуриб олайми?! Наузубиллоҳ! Ўзинг асра бундан, танграм, шайтон йўлидан ўзинг қайтар. Ўзинг берган омонатни ўзинг қайтариб ол. Сен берган неъматга мен хонлик қилмайман...» Жаҳонгир шундай деб калима қайтарди.

Дастлаб турмага тушганидан бери неча марта маъна қасд қилишни ўйлади. Урусиянинг совуқ ўрмонларида, Германиянинг ҳашаматли шаҳарларида юрганида ҳам бу фикр кўнглига гўлгула солган, аммо шайтон йўлига кирмаган, яратган берган омонат жонига хиёнат қилмаган эди. Шунча азобга чидаб келиб, энди, сўнгги қадам қолганда хиёнат қилдимиз? Йўқ!

Жаҳонгир ўнг ёнбошига ағдарилди. Жанггоҳни зулмат қанотлари билан босиб турган қоронғулик бағрини тилганча ёруғ излар қолдириб учётган ўқлар каби хаёллари унинг қоронғу миясини нишонга олган эди. Майорнинг ҳар бир саволи ўша ўқ мисол зулмат қаъридан отилиб чиқар эди.

- Сиддиқ Шарипов билан қаерда танишгансиз?
- Мен бунақа одамни танймайман.
- Аниқ эсланг: Дайдидарадаги ҳодиса эрталаб юз берганми ё оқшомда?
- Эрталаб ҳам, оқшомда ҳам эмас, кундузи.
- Милтигингизнинг номи нима эди?
- Ов милтиғи...
- Милтиқ турларининг ўзига яраша номи бўлади.
- Номини билмайман.
- Милтиқни қаердан олгансиз?
- Отамдан қолган. Эски милтиқ эди.
- Ўқ марҳумнинг қаерига теккан?
- Билмайман.
- Муҳаммадризаев, ўзингизни гўлликка солсангиз солаверинг, бироқ бизни бефаҳм деб ўйламанг. Ҳарҳолда биз милтиқ ўқи билан тўппонча ўқининг фарқига борамиз. Ўқ орқадан отилганми, юзма-юзми, буни ҳам ажрата биламиз.
- Начайник, ўзингизни қийнаб нима қиласиз, қўрқманг, судда тонмайман гапимдан. Менга ачинмай кўя қолинг.
- Ачинмай кўя қолинг? Мен сизга эмас, марҳумга ачинапман.
- Унга ҳам ачинманг, арзимади.
- Арзимаслигини сиз қаердан биласиз, уни танирмидингиз?

Шу савол берилганда Жаҳонгир илинганини сезди. Майор «марҳумга ачинапман», деганида индамай кўяқолмасдан «унга ҳам ачинманг», дейиши нима эди?! «Марҳумларга ачиниш керакмас, дуои фотиҳа зарур уларнинг руҳига», деб кўя қолмайдими? Шундай дейишга деди, аммо фурсатни ўтказиб, «уни танирмидингиз?» деган саволдан сўнг айтди. Қирғийкўз майор анойи эмас, илинтириб олди. Ҳали «ачинишга арзимади», деган гап атрофда кўп айлантиради. Жаҳонгирга буларнинг феъли маълум.

Жаҳонгир авваллари инсон тақдирига бефарқ қарагани учун бу терговчилардан нафратланар эди. Энди эса ҳақиқатни очишга интилаётган майорни кўрарга кўзи йўқ. «Энди бу ҳақиқатларнинг менга нима кераги бор, — деб ўйларди у, — ҳаётимни барбод қилишган бўлса, бу дунёдан илинжим қолмаган бўлса...»

Жаҳонгир минг бир хаёл қуршовида уйқуга кетди. Уйқу бошқаларга ором улашса, унга азоб беради. Кўзи уйқуга кетиши билан миясига уя қуриб олган кўрган-кечирганлари кўршапалакдек уйғониб, уни ҳар куйга солади. Арвоҳлар билан гаплашади, иблислар қанот чиқариб уни учирадилар, осмонга олиб чиқиб товук патидай ўйнайдилар.

Айниқса, қамқоқдаги тунлар беором кечади. Бу сафар иблислар уни холи қўйишди. Кўзига Дайдидарадаги ўша чинор кўринди. Чинор... барглари битта қолмай тўкилган. Шамол бу барглари қайгадир учириб кетган. Атрофда шиша синиқлари. Дарахт остида кимдир ўт ёқиб унинг танасини одам сиғадиган даражада ўйиб юборган.

— Сизга озор етибди, Чинор бобо, — дейди Жаҳонгир, — менинг бағрим ҳам сизнинг куйган танангиздек ўйилиб кетган. Ўшанда баргингизни тўқа қолганингизда бу кўргуликлар йўқ эди менга. Айтинг энди, бу бошга яна қандай савдолар тушади?

Чинор жавоб бермайди, қайғу билан тебранади. Танасидаги ўйиқ-гўё унинг оғзи. Тили эса сўғуриб олинган...

Тевадан овоз келади. Жаҳонгир шошиб қарайди: йўғон шох устида Зокирхўжа ўтирибди. Қўлида тасбеҳ.

— Эҳтиёт бўлинг, йиқилиб тушасиз, — дейди Жаҳонгир унга.

Шундай дейиши билан шох қарсиллаб синиб, Зокирхўжа тўғри Жаҳонгирнинг устига қулайди...

Нафаси қайтиб, терга пишган Жаҳонгир чўчиб кўзини очди: қамоқхона ҳали ҳам тун ҳукмида. Бир неча маҳбус ким ўзарга баралла хуррак отади. Ташқаридаги қадам овозлари соқчиларнинг бедорлигидан дарак.

Жаҳонгир кўп йиллардан бери Зокирхўжани эсламас эди. Биринчи марта қамоқ жафосига учраганида ҳамдард бўлган бу одамнинг жасади узоқларда қолиб кетган. Бир умр оллоҳ йўлида хизмат қилган бу муслимга кафан, жаноза насиб этмади. Жаҳонгир Зокирхўжани ҳар эслаганида «мусофирликда олтин топиш осон, жон таслим қилиш қийин», деб кўярди. Аслида бу — Зокирхўжанинг гапи. Танаси кафан кўрмаган, лаҳад кўрмаган муслимнинг гапи. Қулоғига оллоҳ номи билан азон айтилган, «Оллоҳ», деб тили чиққан, умр бўйи тоат-ибодатда бўлган муслим жанозасиз кетди. Инсон боласи бошига турли кулфатлар тушиши мумкин. Бу дунё азобларини беҳад кўп тотиши мумкин. Лекин, Жаҳонгирнинг назарида кулфатларнинг энг бешафқати ўша Зокирхўжага насиб этди. «Бир ҳовуч она тупроққа зор бўлиб, кўз юмишни ҳеч бир бандага насиб этмасин». Бу ҳам Зокирхўжанинг гапи.

Одамнинг бир елкасида шайтон, иккинчисида фаришта ўтиради, дейдилар. Шайтон Жаҳонгирга:

— Аканг бир ҳовуч тупроққа зор бўлиб ўлади, — дейди.

Фаришта эса:

— Акангни туз-насиб тортиб келади. Худо унинг жонини сенинг қўлинг билан олади, — дерди.

Шайтон ҳам, фаришта ҳам алдади.

Шу алдовга учратгунча ўшанда Зокирхўжа ўрнига унинг жонини олмайди... «Астаффируллоҳ!» Жаҳонгир яна калима қайтарди. Хаёлини чалғитмоқчи бўлди. Бироқ Зокирхўжадан узоқлаша олмади...

..Жаҳонгир темир катакли дарчаси бор вагонга чиқаётганида қаёққа кетаётганини билмаганди. Похол тўшалган вагон ичи сассиқ эди, кишининг нафаси қайтиб кетарди. Эшик қарсиллаб ёпилгач, ичкари димиққандан димиқди. Жаҳонгир битга таланиб ётиб, тонгга яқин кўзи илинибди. Уйғонгунча — поезд тўхтаб турибди. Маҳбуслар уйқуда. Вагон ичи нимқоронғу, Жаҳонгирнинг назарида тонг отган-у, бироқ, темир панжарали дарча ташқаридаги ёруғликини тўсиб турганга ўхшади.

Жаҳонгирнинг ёнгинасида бир одам чордана қуриб ўтириб олибди. Унинг кимлигини фарқлаш мумкин бўлмади. Унинг пичирлашидан ажабланган Жаҳонгир диққатини жамлаб, қулоқ тутди. Нотаниш одам унинг қулоқ тутганини фаҳмлагандай овозини пича кўтарди:

— Ё оллоҳ, билиб-билмай, тушуниб-тушунмай, шайтон йўлига кириб, тўғри йўлдан озиб, иймондан, виждондан, инсофдан чекиниб қилган гуноҳларимни ўзинг кечир. Акам билан дийдорлашиш қиёматга қолди энди. Ё оллоҳ, акамга ёруғ юз билан рўбарў қил. Акам тўғри йўлдан озган эди, ўзинг кечир унинг гуноҳларини. Ҳали тавба қилмаган бўлса охир-оқибат барибир тавба қилади. У кўрмаганларни мен кўрдим. Шу пайтгача акам олдида гуноҳқорман, деб юрардим. Иншооллоҳ, ҳақ эканимни кўзим тириклигида кўрсатдинг. Энди ўлсам армоним йўқ. Ё оллоҳ, мен сендан жаннатдан жой сўрамайман. Шу тамада сенга сиғиниб юрган бўлсам, албатта дўзахдан жой бер менга. Бу дунёда кўрган роҳатларим эвазига дўзах азобларини тортай. Мен расулиллоҳ саллаллаҳу алайҳи вассаллам Муҳаммад алайҳиссаломга айтган сўзларингга амал қилиб келдим. Гуноҳларим бўлса ўзинг жазо бергайсан. Бу дунёда қолаётганларнинг иймони-ни бер, гўдакларнинг раҳмини е. Бу қиёмат азобларига гўдакларни дучор қилма...

Жаҳонгирнинг уйғониб, ўғринча қулоқ тутиб ётганини сезиб, норози бўлгандай энди пичирлашга ўтди. Сўнг юзига фотиҳа тортди. Лекин шундан кейин ҳам ўрнидан жилмади. У кўзини бир нуқтага тикканча қотиб ўтирарди. Жаҳонгир овоз чиқариб уни чақиришни ҳам, индамай ётаверишни ҳам билмай гаранг эди.

Нотаниш одам — Зокирхўжа эди. Жаҳонгир ўша куни тонг отиб, поезд жилгач, у билан танишди. Бироқ эрта саҳардаги ибодатдан сўз очмади. Тонги муножатнинг сабабини Зокирхўжа ўлими ҳақ эканини фаҳмлаганда айтиб берди.

Ўша тонгда у узлатга чекинган эди. Зокирхўжа тун қоронғусида бир чимдимгина ухлади. Ана шу бир чимдим уйқусида акаси билан учрашди. Ҳибсга олинганидан бери тушларида кўп кўрди акасини. Тушида кўрганида ҳам, хаёлида тирилтирганида ҳам акаси билан кўп баҳслашар эди. Бугун... акаси индамади. Оғзини очиб гапирмоқчи бўлди-ю, гапиролмади. Зокирхўжа акасига қараб кўрқиб кетди — унинг тили кесиб ташланган эди... Шу кўрқув билан уйғониб, оллоҳга сиғинганича мозийга чекинди. Қотиб ўтириб ўша сўнгги учрашувни эслади...



Мусаввир Д. Мурсалимов

Кўнги яраларига малҳам бахш этишга қасд қилган кўклам далалар, қирларни уйғотиб тоғнинг гадой топмас сўқмоқларигача етиб келди. Йигирманчи йилнинг баҳори йигирма беш ойдан бери иссиқ гўшасидан йироқларда яшаётган одамларга ташвишли хабар етказди. Баҳорга чиқиб, бирлашиб, ғанимларга сўнги зарба берилишини кутаётган ислом лашкарлари амиралмуслимин Мадаминбекнинг қизиллар билан сулҳ тузганини эшитиб, ҳайратдан донг қотдилар. Утган баҳор мўъминларга ваъз айта туриб, «Аҳли муслим, ер юзин лолазор тутди деманглар, бу шаҳидлар юрагидан оққан қондир. Муқаддас лолазорни кофирлар қадами топтар экан, ёруғ дунё бизга харомдир», деган Зокирхўжа бу хабарни эшитганидан бери ўзига келолмайди. Назарида ўша ондан бошлаб қуёш ҳарорат эмас, совуқ нафас уфураётгандек вужуди музлайди. Ун кун илгари ечиб ташлаган пўстинига ўралиб титрайди. Бугун ҳам шу ҳолда ўтирганида навкар кириб, кўрбоши чорлаётганини айтди.

Кўрбоши ёлғиз эди. Зокирхўжа чорловнинг сабабини билмай ажабланди.

— Биз ёқларга Мадаминбек қадам ранжида қияпти эмиш, — деди кўрбоши.

— Келсалар бош устига, — деди Зокирхўжа. — Мақсадлари нима экан?

— Англамадингизми? Унинг мақсади битта — барчамизни қул қилиш.

— Алқисса... сулҳга даъват этиб келяптиларми?

Кўрбоши жавоб бермади. Тиззаларини уқалаб узоқ ўтирди.

— Нима қиламиз? — деди у ниҳоят. — Сулҳ тузамизми биз ҳам?

Зокирхўжа дафъатан жавоб бера олмади. У бу ҳақда кўп ўйлаган эди. Сулҳ — бегуноҳ қонлар тўкилмагининг олдини олади. Элга осойишталик берилади. Аммо кейин-чи? Ана шу «кейин-чи?» деган саволга жавоб тополмай боши қотар эди.

— Сулҳ тузсак, йигитлар иссиқ ўринларига қайтишади, ўлим бўлмайди. Бу худога ҳам маъқул иш, — деди кўрбоши ўз саволига ўзи жавоб бериб. — Лекин бу даъослар ўз ҳолимизга қўйшармикин? Исломни оёқости қилишмасмикин? «Алҳамдулليلлох, му-сулмонман», дегувчи тиллар кесилмасмикин? Ғайридинларга нима керак? Бизнинг осойишталигимизми? У ҳолда не сабабдан бизга қилич тортидилар? Неколайни ўлдирдилар. Унда ҳам талатўп. Унда ҳам осойишталик зарур. Бизга жон куйдирмақларининг боиси нима? Мадаминбек буларни ўйламадимми экан? Гапиринг!

Кўрбошининг сўнги амри таҳдидли эди. Шу боис Зокирхўжа бироз саросималанди.

— Саволларингизга жавоб бермакка ақлим қосир, — деди паст овозда.

— Бекнинг ақли қосир эмас, нима қилишини билади. Унинг мақсади менгагина аён эмас. У бир қанотимизни узиб ташлади. Энди бир қанот билан учиб бўлмайди. Хўш, йигитларга изн бериб юборайми ё Қашқарга кетиб пайт пойлайними?

— Қашқарга кетмоқ... шармандалик юки билан кетмоқ... Юртни ташлаб-а? Пайт пойласангиз янги қанот ўсиб чиқармикин?

Бу гап кўрбошига малол келди. Зокирхўжага ўқрайиб қаради:

— Боринг, ҳозирлигингизни кўринг. Мадаминбекни пастдаги қишлоқда қарши оламиз. Қароргоҳимизга келиб бу ерларни булғаб юрмасин.

Зокирхўжа кўрбошининг бу қароридан билдики, унинг нияти бузуқ. Бир шумликни дилига туккан. Пастга тушиб қишлоқ атрофига қўйилган пистирмаларни кўргач, бунга имон келтириб, худодан кўрбошига имон тилади. Мадаминбек билан келган одамлар орасида акасини кўриб, адашганларга раҳм этишни сўраб оллоҳга нолалар қилди.

Кўрбоши ғазабини ҳам, нафратини ҳам яширмади. Мадаминбек шундай бўлишини олдиндан билганим, бу ғазаб, бу нафратни майин жилмайиш билан енгмоқчи бўлиб кўрбошининг изидан уйга кирди. Зокирхўжа уларга эргашмай, бир нафас ҳаяллади. Акасини четга тортиб шивирлади.

— Одамларингиз шугинами?

— Ҳа. Биз сулҳга келдик, ҳаммамиз қуролсизмиз.

— Тезда кетинг бу ердан. Ҳеч ким омон қолмайди. Сулҳга умид қилманг.

Зокирхўжа шундай деб ичкери кирганида кўрбоши Мадаминбекка дағдаға қилмоқда эди:

— Эркимизни ўзимизга берадиган бўлса, икки йил қилич чопармиди? Йўқ, бек, агар шу ваъдаларга инонган бўлсангиз лодонсиз. Агар шу гапга ишонсак, неварачевараларимиз бизни қарғаб ўтадилар. Бу гапга ишонгандан кўра, битта қолмай қирилиб кетсаларинг бўлмасмиди, дейдилар. Сен лодон эмассан, бек, сен — хоинсан!! Сенинг бошингни ўз кўлим билан узаман. Бу дунёда кўп гуноҳлар қилдим. Энди худо йўлига бир савоб қилай...

«Музокара» деб аталмиш бу учрашув кутилмаганда тез тугади. Мадаминбекнинг айтар гаплари ўзи билан кетди. Ким ҳақ, ким ноҳақлиги сир бўлиб қолди. Зокирхўжа ташқарига чиқиб Мадаминбекнинг чопиб ташланган одамларини кўрди. Шаҳидлар орасида акасини топмай, кўнгли бир қадар тинчиди. Акасининг пистирмаларни доғда қолдириб, қишлоқдан қандай чиқиб кетганини билмайди. Кўрбоши Қашқардан паноҳ топиб, ўзи эса уйига қайтгач, акасини бир мартагина кўрди. «Миннат бўлмасин», деб ўша машъум кечани эсламади.

Зокирхўжани ҳибсга олганларини акаси кўрди. Бироқ орага тушмади. Бир оғиз гапирмади ҳам. Айтиладиган сўзлар қиёматга қолди. У шундан аламда.

Совуқ ўлкада терламадан ҳолдан кетиб жон таслим қилаётган Зокирхўжа умрининг бир чимдими ҳақидаги ҳикояни Жаҳонгирга айтиб берган эди. Бошга тушиб кўз кўрган ўзга воқеаларни эса хотирасининг зимистон чодирига ўраб ер бағрига ўзи билан олиб кетди.

Зокирхўжанинг совуқ ўлкадаги бир неча кунлик умри, бир чимдим ҳикояси неча йиллардан бери Жаҳонгир билан тирик юрибди. Жаҳонгир Зокирхўжанинг омонат гапларини топширай деб унинг акасини икки марта қидирди. Биринчи гал учрата олмади — узоқ сафарда экан. Иккинчи марта хунук хабар эшитди — Миршаропов билан бирга қамоққа олиниб, отиб ташланибди — у халқ душмани экан...

Жаҳонгир ҳозир ана шуларни эслади. «Зокирхўжа акасига сўнгги сўзини айта олмади. У ҳам шундай бўлгандир. Қизик, акаси кўлига кишан урилганда Зокирхўжани ёдга олдими? Орага тушиб укасини қутқариб қололмаганидан ўқиндимми? У дунёда ака-ука учрашиб нималарни гаплашдилар экан?...» Шу саволдан Жаҳонгирнинг юраги ҳапқирди. Узлари-чи? Ҳадемай у дунёда дийдор кўришганларида нималарни гаплашадилар?

Сасиб кетган қамоқхонада бедор ётган Жаҳонгирнинг миясини шу саволлар кеми-рар эди.

4. Сиртмоқни ким ташлаган!

Парда ортидаги аёл кўнглидан кечган гаплардан беҳабар майор Солиҳовни Қирқбел қишлоғида нималар кўтяпти экан!

Кечаси билан эзиб ёққан қор аралаш ёмғирдан сўнг ийғи чиққан йўлдан машина юра олмади. Йўл тиккалагани сайин ғилдираклари чирпирак бўлиб айланиб, лойга ботиб қолаверди. Бу аҳволда Қирқбел қишлоғига етолмаслигини сезган майор Санжар Солиҳов машинадан тушди. Капитан Жабборов ҳам ноилож унга эргашди. Капитан эҳтиёт бўлиб қадам босишга қанчалик ҳаракат қилмасин, бирпасда оёғидаги ботинка лойга ботди. Этик кийиб олмаганидан афсусланди. «Йўлнинг бунақалиги тушимга кийибди», деб ўзини ўзи оқлади. Ҳарбийчасига катта катта қадам ташлаётган майорга етиб юриш қийин эди. Майорнинг юриши аслида шундайми ё атай тезлаб кетяптими, Жабборов билолмади. Майор орқада келаётган ҳамроҳига қарамасди. Унинг хаёли турмада ўтирган Жаҳонгирда эди. Феъли, хатти-ҳаракати бир-бирига учратмаганди. Пешоятчини топиш қийин. У Жаҳонгирга ўхшаган нухсани шу пайтгача учратмаганди. Пешонасида ёзуви бор бу одам уни алдаб қоронғи ёрга киритиб юборгандай эди. Солиҳов Жаҳонгир билан бўлган сўнгги суҳбатни ўйлаб борарди. Жабборов эса буни бошқача тушуниб «Мен билан гаплашгиси йўқ экан, нима қиларди тинчимни бузиб», деб ўйлади. Беш қадамча орқада қолиб келаётган Жабборов бир оз нафас ростлаб олиш мақсадида майорни гапга тутди:

— Уртоқ майор, бу қишлоққа аввал ҳам келганмисиз?

Солиҳов тўхтаб орқасига ўгирилди.

— Йўқ, биринчи келишим, — деди у, Жабборовнинг мақсадига тушунмай. — Нимага сўраяпсиз?

— Юришингизга қараб, йўлни биларкансиз, деб ўйлабман.

— Бу атрофда бошқа йўл кўрмаганим учун тикка боряпман.

Икки қақирим йўлни ит азобида босиб ўтишди. Яхшики, қишлоқ совети раисининг хонаси иссиққина экан. Ҳали қайноғи ўлмаган чойдан бир пиёла ичиб, онадан қайта туғилгандай бўлишди.

Раис Солиҳовнинг гапларини эшитгач, у кўрсатган суратларга диққат билан тикилди.

— Мана бу одамни кўрганман. Асли шу қишлоқлик деб эшитувдим. Лекин ўзи билан ҳамсуҳбат бўлмаганман. Бу одамни эса... — раис марҳум Шариповнинг суратига ажабланиб тикилди, — кимгадир ўхшайди, йўқ, танимадим бунисини.

— Бу одамнинг исми Жаҳонгир. Еши эллик олтида. Туғилган ери шу Қирқбел қишлоғи. Уни ким таниши мумкин?

— Уними?... Дамин ака. Қишлоққа келса, Дамин аканикига қўнар экан. Аммо лекин... Дамин ака ҳам ўтириб чиққан. Бир балоси борми, дейман буларнинг. Чақиртирайми?

— Ҳа, тезлик билан одам юборинг, — деди Жабборов. — Битта одам кўшиб берсангиз ўзим олиб келаман.

— Йўқ, тўхтанг, — деди Солиҳов Жабборовга қараб. — Бу ерга олиб келсангиз ундан гап ололмайсиз. Ўзим бораман. — Майор шундай деб раисга ўгирилди. — Дамин ака деганингиз ким, нимага қамалган?

— Қишлоқда муаллимлик қилган, дейишади. Уруш арафасида қамашган. Ман

этиланг китобларни тарғиб қилар эканми-эй. Хуллас, акасилинқилобий ишлар билан шуғулланган.

— Айбини ўзингиз ҳам аниқ билмас экансиз.

— Тўғри, билмайман. Мен бу қишлоқда янги одамман.

— Унда йўл кўрсатинг. Дамин аканикига ўзим кириб чиқаман.

— Малол келмаса, мен ҳам борсам? — деди Жабборов пичинг оҳангида. Майор унинг «Хўв, акахон, биз ҳам юрибмиз орқангиздан эргаши-иб», демоқчи эканини тунди.

— Сиз... — Солиҳов унга жавобан «ботинкангизни қурити-иб ўтиратуринг», демоқчи эди, бироқ бегона одам олдида мулзам қилишни истамади. Қуруққина қилиб: — Юринг бўлмаса, — деб қўйди.

Дамин ака деганлари қишлоқнинг адоғида яшар экан. Қишлоқдаги уйлар елкама-елка турган одамлардай ёнма-ён қурилган, томлари томларига уланиб кетган. Дўнгликка қурилган бу уй эса худди моховларнинг бошпанасидай ажралиб турарди.

Томга қалин лой бостирилган, деворлари анча нураб қолган уйнинг эшигини Солиҳов аста тақиллатди. Дам ўтмай эшик ғижирлаб очилиб, остонада жиккакдан келган, кўзлари чакчайиб турган одам кўринди. У нотаниш, қутилмаган меҳмонларга бир нафас ажабланиб қаради-да, тараддудини ошкор этиб қўймаслик учун уларни дарров ичкарига таклиф этди. Даминнинг жуссаси кичик бўлгани билан овози гулдиракдай эди. Бу овозни эшитиб, бу жуссани кўрган одамнинг ажабланмасдан иложи йўқ эди. Солиҳов ҳам ана шу ажабланиш билан унинг изидан ичкари кирди.

Иморат ташқаридан муңгайиб кўрингани билан, ичкариси ораста эди. Токчаларга китоблар тартиб билан терилган. Тахмоннинг ярмига етиб-етмай кўрпа тахланган. Уй тўридаги сандалга ёпилган бироз уринган кўрпа устига озода дастурхон ёзилиб, гулдор патнис қўйилган. Хонада булардан бўлак кўзга ташланувчи жиҳоз йўқ. Хонанинг орасталиги уй эгасининг нозик таъбидан дарак бериб турарди.

Поабзаллар ечилган, мезбон уларни танчага таклиф этди. Меҳмонлар жойлашиб ўтириб олишгач, у даъфатан:

— Сизлар энкеведэ¹ данми? — деб сўради.

— Мен область жиноят қидирув бўлиmidанман. Бу киши — капитан Жабборов, райондан. Қизик... бизни қаердан билдингиз?

— Кўзларингиз айтиб турибди. Айниқса, бу кишиники. Табиб табибмас, бошидан ўтган табиб дейишади-ку? Сизларга ўхшаганларни хўб кўрдим. Олам тинчиди, деб шукр қилиб ўтирсам, ҳали мени унутмасизлар-да, а? Бу дейман, қолган-қутган гуноҳларимни титкилиб топганга ўхшайсизлар.

— Дамин ака, сизнинг гуноҳингизни излаб келмадик. Бир юмуш юзасидан безовта қилиб ўтирибмиз. Дайдидарадаги қотилликни эшитгандирсиз?

— Ҳа... — Дамин шундай деб уф тортди. — Жаҳонгирни қамабсизлар, эшитдим. Жаҳонгир меникига келиб турарди. Буни айғоқчиларингиз етказишган, албатта. Ҳаммаёқда айғоқчиларингиз урчиб ётибди. Лекин айтиб қўяй, Дайдидарадаги ишдан беҳабарман.

— Биз сиздан гумонсирәтганимиз йўқ. Айрим нарсаларни аниқлашда ёрдамингиз керак, — деди Солиҳов.

— Ёрдам бермасам-чи? — деди Дамин унга тик қараб.

— Бу энди виждонингизга ҳавола.

— Шунақами? — Дамин тиз чўкиб, қўлларини патнисга тираб, Солиҳов томон сал энгашди. Бўйин томирлари ўйнаб кетди. Шу туришида ўлжасига ташланишга шай турган қоплон важоҳатига кирди. — Виждонимга ҳаволами? — унинг овози титраб чиқди. — Мени обориб тиқиб қўйганларингда виждондан гапирмаган эдиларинг. Мен нима учун саккиз йил ўтирдим? Жулқунбойни одамларга ўқиб берганим учунми? Хўш, Қодирий душман эмас экан-ку? Оқланди-ку? Ёқиб юборган китобларинг зарарли эмас экан-ку? Булар кимнинг виждонига ҳавола? Дайдидарада бир чолни отишибди. Қотилни излаб юрибсанлар. Қодирийларни отганларни ким қидиради, ким жазолайди? Менинг кўз олдимда жарга олиб чиқиб отишарди одамларни. Гуноҳларини билмай кетишди у бечоралар. Бу қабоҳат кимнинг виждонига ҳавола?! Сувдан қуруқ чиқасанлар ҳаммаларининг. Бор гуноҳни мўйловга тўнкаб ўзларинг фариштадай юрибсанлар.

Овозда пайдо бўлган титроқ бутун баданга кўчди. Солиҳов «майли, дардини тўкиб олсин, кейин гаплашиш осон бўлади», деб индамай ўтирди. Жабборовнинг кўнглига эса ғулғула тушди. Назарида Дамин айнан уни айблаётгандай, ҳозир унинг ёқасидан олиб «барча бегуноҳларнинг қотили шу», дея айюҳаннос соладигандай эди. Жабборов Даминга ҳам бироз ҳадик, ҳам бироз нафрат билан қараб қўяр эди. «Менинг қўлимга тушганинда омон чиқмасдинг, ғаламис, — деб ўйларди у. — Гапириб ол, кунинг туғди. Ҳали биз гапирадиган замонлар ҳам келиб қолар. Сендақаларнинг тухумини қуритиб юбориш керак эди. Ҳечқиси йўқ, шундай кун ҳам келади...»

¹ НКВД — демоқчи (ички ишлар халқ нозирлиги).

Дамин ҳаяжонга берилиб сўзини йўқотди. Солиҳовнинг хотиржам ўтириши таъсир этиб, жойига чўкди. Чуқур хўрсинди.

— Дамин ака, ҳўлу қуруқ баравар ёнди, биламан. Сизга тасалли бермоқчимасман. У кунларни унутинг, деёлмайман. Вақти келиб айбдорлар юзага чиқишади. Лекин биз ҳозир Дайдидалардаги қотилни топишимиз керак. Вазифамиз шу.

Бу гапдан кейин орага сукут чўкди. Дамин кўрпанинг бир четини кўтариб оташхонадан чойнакни олди-да, чегаланган пиелага чой қўйиб Солиҳовга узатди.

— Айбга буюрманг, иним, жаҳл келса, ақл кетади. Шунақада одамгарчиликни унутиб кўяркансан. Бир томони қарчилик, бир томони ўтмиш... Шу уйда қишлоқнинг каттаю кичиги тўпланарди. Мен уларга Отабек билан Кумушнинг қисматини ўқиб берардим. Қайта-қайта ўқирдим, бироқ барибир келаверишарди. Бир куни оқшомда икки киши бостириб кирди. Қўлимдаги китобни тортиб олишди. Токчадан ҳам бир-икки китобни саралаб олиб одамларнинг кўз ўнгига ёқишди. Отабек ҳам, Кумуш ҳам оҳ уриб кўз ўнгимизда ёнди-я! Вой, китоб кўр қилгурлар-эй, дейман, мен-ку унсур эканман, китобда нима айб? Унинг ичида эртак, дoston бор, алифбе бор-а! Мана, Жулқунман, китобда нима айб? Унинг китоб кўр қилганининг қайчилигини билмайман. Бу қана кетган манга. Лекин қизиқиб ўқидим. Кўп жойларини тушириб қолдиришибди. Бу қана қаси бўлди? Езувчинини оқлаганинг нимаю, ёзганини қайчилигини билмайман? Шундан бўғилиб ўтирган эдим, сизлар кириб келдингиз... Айбга буюрманглар. Ана энди сўрайдиганингизни сўранг, ҳовурим биров босилди.

Солиҳов ён чўнтагидан иккита сурат чиқариб Даминга узатди. Дамин марҳум Шариповнинг суратига узоқ тикилди.

— Кимгадир ўхшатыпман.

— Уни кўрганмисиз? Балки Муҳаммадризаев билан бирга келгандир?

— Йўқ, Жаҳонгир ёлғиз келарди. Бу одам... оқсамайдими? Чап оёғи сал калтамасми?

Солиҳов елка қисди: буни суриштириб кўрмаган эди. Дамин жағини силаб яна суратга тикилди.

— Оламгирга ўхшаб кетади.

— Кимга?

— Жаҳонгирнинг акаси бўларди. Ота бир-она бошқа. У Жаҳон қамалган йили четга қочиб кетган. Уликми, тирикми, дараксиз эди. Қош-кўзи ўхшаб турибди. Агар оқсоқ бўлса, шу — Оламгир. Бу одам ҳам керакми сизларга?

— Дайдидаларда ўлдирилган шу киши. Лекин унинг исми Оламгир эмас — Сиддик Шарипов. Туғилган ери — Юсуфхона. Шунақа қишлоқни эшитганмисиз?

— Йўқ, эшитмаганман, — деди Дамин бош чайқаб. — Дайдидаларда нима бор экан унга?

— Шунини аниқлашимиз керак-да. Дамин ака, тўртинчи ё бешинчи октябрда Муҳаммадризаев уйингизга келмаганмиди?

— Жаҳонгирми? Келган эди. Нима, ростдан ҳам уни қотил демоқчимисиз?

Солиҳов Жаҳонгирнинг қотилликни бўйнига олаётганини айтиб ўтирмай «шунақа гумон бор», деб кўя қолди. Дамин пешонасига шапатилаб, бош чайқайди.

— Вой шўрпешона, пешонанг бунча шўр бўлмаса, ошнам, энди бу кўргулик бор-миди сенга?! Уни уч марта қуруқ гумон билан қамадиларинг. Битта тирик жонга шунинг ўзи етмайдими?

— Дамин ака, гумонга ишониб беайб одамни жазоламаслик учун бу томонларга келиб юрибмиз.

Дамин «бу одамларга ишонса бўлармикин», дегандай кутилмаган меҳмонларга бир-бир қараб олди.

— Жаҳон билан болаликдан ошнаимиз. Менинг саводимни шу ошнам чиқарган. Мадраса кўрган аллома йигит эди. Жамиятларингга кўп фойдаси теккан бўларди. Отасини кимдир кечаси отиб қўйган. Бир куни, шунақа кеч куз эди, оқшомда талатўп бошланди. Беш-ўн киши отилди. Шунинг устига Жаҳонгир келиб қолдию балога учради. Талатўпни бошлаганлар қочди, жазони Жаҳонгир тортиди. Шундан бери у бечорага кун йўқ... Ҳа... гумонсираётган экансиз, Жаҳонгирнинг тақдир дафтارينини ўқиб чиқарсиз. Сиз Жаҳон келдим, йўқми, деб сўрадингиз, а? Ҳа, келди. Бешинчида эрталаб келди. Устида янги тўн, бошида янги дўппи. Оёғида этик...

...Дамин бугун барвақтроқ иш бошлаб танчани очмоқчи эди. Эрта келган кузнинг совуқ нафасини оёқлари сезиб сирқирай бошлаганди. Кеч куз, қиш, эрта баҳор уни бу азовлардан қутқарувчи паноҳи шу танча. Сибирдан орттириб келган бу дардни фақат шу танча олади. Эшик-деразани ланг очиб, наMATни бир четга суриб энди бўйрани кўтараман, деганда Жаҳонгирнинг овози эшитилди.

— Ҳа, кўчяпанми? — деди у эшик оғзини булутдай тўсиб.

— Энди кўчиб қайга ҳам сиғардим, қишнинг ғами бу, ошнам, — деди Дамин бўйрани жойига қўйиб. Наматни қайта соламан деганда Жаҳонгир унамади.

— Мени сенга худонинг ўзи етказди. Кел, қарашворай, — деб кўлига кетмон олди. Жаҳонгир танчани очди. Дамин ўчоққа ўт қалаб, қумғонни қўйди.

Танчага чўғ тушиб, бир пиёладан чой ичилгач, Даминнинг жони ором олди. Жаҳонгир танчада узоқ ўтира олмади — оёғини тортди.

— Қандай ўтирибсан, одамни ёндираман деяпти-ку?

— Илоҳим оёқ оғриғини тортма, ошнам. Йилдан йил ёмон бўляпти. Елғиз яшашга кўрқадиган бўлиб қолдим,— деди Дамин.— Бехос омонатимни топширсам, шу танчада сасиб ётавераман. Елғизлик худога хос, деб тўғри айтишар экан. Одамзод кимлар биландир бирга яшаши лозим экан. Энди минг оҳ урай, фойдаси йўқ. Хотиним бировга тегиб кетган экан, мен ҳам уйланавермайманми, этак-этак болаларни туғдириб ташламайманми?..— Дамин минг лаънат, дегандай қўл силтаб қўйди.

— Қариб бир қоп ўтин бўлиб қолибсанми, ҳозир ҳам уйланиб олавер.

— Қишлоқда эрга тегиши мумкин бўлган биттагина бева бор. Мадад қаллобнинг беваси. Ушанга уйланайми? Қанча одамни қуритди у аблаҳ. Мени қамашганда ҳам гувоҳлик берган. Энди келиб-келиб шунинг сарқитига уйланаманми?

— Мен «ўша бевага уйлан» дедимми, бунча чириллайсан?

— Ушани эсласам қоним қайнаб кетади. У аблаҳ сал барвақтроқ ўлиб кетди-да, ҳозир тирик бўлгандами?..

— Қўлингдан нима келарди? Сотганлар, қамаганлар, отганлар — ҳаммаси юрибди даврини суриб. Ноҳақлик бир думалаб ҳақиқатга айланди дейсанми? Айланган бўлса ҳам пўстинини алмаштирди. Ичи ўша-ўша. Иблис ўлгани билан унинг қабри атрофида фарёд ураётганлардан кўрққулик. Ке, қўй шу сиёсатингни, гапирган билан фойдаси йўқ.

— Сен бир умр сиёсатдан қочиб юрдинг. Шунинг учун ҳам қосанг оқармади.

— Сеники оқардимми?

— Мен бошқа тоифаман. Сен аллома тоифасян. Ўзингни четга олганинг учун худо сени жазолади.

— Четга олмаганларни-чи?

— Гапни айланторма.

— Сен ҳам чайналаверма. Ҳар бир одамнинг ўз сиёсати, ўз мақсади бўлади. Мен худодан «мақсадимга еткар», деб сўраб яшадим. Мақсадимга қайси йўллар билан еткардиш елғиз оллоҳнинг иши. Шу азобли йўлларни маъқул кўрибдимми, ҳазор-ҳазор шукр. Мени турмаларга қамадилар. Аммо руҳим озодликда юрди. Уриснинг совуқ ерларида жисмим азоб чекди. Бироқ руҳим эркинликда қолди. Чунки руҳимни оллоҳнинг паноҳига бериб эдим. Ёмонлик жабрини фақат мену сен кўрибмизми? Сен қаҳрингни сочаверма, юрагингни кенг қил.

— Юрагим кенг, ошна. Менда битта эмас, иккита юрак бор. Бири ёмонлар учун зулмат бўлиб қоронғуликка ўрайди, иккинчиси қуёш бўлиб яхшиларга нур беради,— деди Дамин. Хаёлига келган бу доно фикрдан ўзи ҳам мамнун томоқ қириб қўйди. Жаҳонгир унинг мамнунлигини сездди. У бундай ҳолда Даминнинг фикрини маъқулламаган одам баалога қолишини биларди. Бироқ, ошнасанинг фикрини тўғри дея олмас ҳам эди. Шу сабабли Даминга тикилиб, пича кутди.

— Худо битта,— деди у босиқлик билан,— одамнинг тили ҳам, дили ҳам битта. Икки диллили, икки тилли, икки худоли одам риёкор бўлади. Сен мусулмон фарзандисан. Уша биттагина юрагингни барчага тенг улаш. Шунда оллоҳга ёруғ юз билан рўбарў бўласан.

Дамин бу гапларни эшитиб, бошини эгиб олди. У вужудида уйғонган ғазабни босиб ўтирарди. Узоқ йўл босиб келган ошнасига қаттиқ гап айтиб, кўнглини хира қилишни истамади. Тизгин бўшаб кетса «оллоҳ, оллоҳ, деб юриб кўрган кўнларинг шу бўлдимми», деб кўп гапларни айтиб юбориши, ошнасанинг юрагидаги яраларни тирнаб қўйиши мумкин.

— Энди менга ижозат бер,— деди Жаҳонгир.— Сафсата сотиб жиғинга тегмай. Дунё сенинг кўзинга бошқача кўринади, меникига бошқа. Айтишганимизнинг фойдаси йўқ. Мен сенга бир гапни айтгани атайин келдим: қолган умрингни тоат-ибодатда ўтказ. Шунча китоб ўқиганинг етар.

— Менга хат ўргатган одамнинг гапими бу!— Дамин энди жаҳлини яшира олмади.— Мен кеча-кундуз ухламай китоб ўқишим мумкин, лекин сен ёзиб берган оятларни ёдлайман, десам ухлаб қоламан.

— Еш бола эмассан, эсингни йиғ. Ўлигим танчада қаровсиз ётмасин, десанг, тоат-ибодат қил.

Жаҳонгир юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди.

— Шу кетишда шаҳарга жўнайсанми?

— Йўқ, ҳозир Дайдидамага бораман. Оқшомда ёнингга қайтаман. Бир дардлашиб ётамиз. Балки қишлоқда бутунлай қоларман.

— Э, бормисан, ошнам. Қўй, ўша шаҳарингни. Қариганда бир-биримизга суяниб яшайлик.

Жаҳонгир қайтгач, Дамин гузарга тушиб гўшт олиб чиқди. Қозон осди. Сабзи-пиёзни қовуриб, дўстини кутди.

Жаҳонгир қуёш ботмай туриб қайтди. Йўлда йиқилганми, ўнг енги лой. Ранги оқарган. Эрталабки босиқлиги, хотиржамлиги йўқолган. Лаблари учади.

— Нима бало, безгак тутдими?— деди Дамин, уни қарши олиб.

— Шунақага ўхшайди, эгим увишяпти,— деди Жаҳонгир.

Дамин уни танчага ўтказиб чой узатди. Жаҳонгир бир қултум ичиб пиёлани патнис устига қўйди. Бошини эгиб анча вақт жим ўтирди. Сўнг «оллоҳ, гуноҳимни ўзинг кечир», деб пичирлаб дўстига қаради. Энди лаблари учмади. Бироқ кўзларидан нур қочган, қарашларида маъно йўқ эди.

— Оллоҳ юз ўғирди яна мендан,— деди бўғиқ овозда. У бор дардини ана шу сўзларда ифода этди.

— Дардингни менга айт, малҳам бўларман, балки,— деди Дамин.

— Дардим... бу менинг дардим... ҳеч кимни шерик қилмайман. Узим билан бирга

кетади.

Жаҳонгир шундай деб яна бошини эгди. Дамин унинг хатти-ҳаракатида бир сир яширинганини сезса ҳам сўрашга журъат этмади. Бу сир бировга айтиладиган бўлса, Жаҳонгир айтарди. Индамаяптими, демак, сўрашнинг фойдаси йўқ.

— Мен гуруч солай,— деди Дамин вазмин оҳангда.

— Тўхта, ўтир... мен кетаман.

— Насибангни ташлаб кетма.

— Насибам... насибам қирқилганга ўхшайди. Энди, ошнам, бошқа кўришмасак керак. Яхши-ёмон гапларим учун, берган ош-тузинг учун рози бўл. Мен сендан розиман.

— Бу нима деганинг? Улимни бўйнингга олмоқчимисан?

— Билмайман... Мен ўлмайман, ўлмаслигим керак, деб яшадим. Худойим дилмга бир ният солган эди. Шу ният ушалмагунча оллоҳ жонимни олмайди, дердим. Ниятим ушалмади. Умр бўйи оллоҳим берган барча азобларга шукр қилиб дон етиштирдим. Етиштирдиму чумчуққа олдирдим. Энди... билмайман... Мендан гап сўрама... Агар ўтганимни эшитиб қолсанг, руҳимга дуо бағишласанг бас.

— Ёзиб берганларингдан бирини ёдлаб ўқисам ўқирман, лекин худога ишонмайман-ку, бу ёғи қандоқ бўлади?

— Эртами-кечми, барибир ишонасан. Банданинг бошқа йўли йўқ.

У шундай деб фотиҳа ўқидию турди. Дамин унга қаршилиқ қилмади.

Жаҳонгир қабристон томон юрди. У ширин уйқудай бир ўлимни орзу қилган эди.

Бу орзуга етишиши ҳам гумон бўлиб қолди.

Дамин сўнгги дийдор кунини, дўстининг сўнгги гапларини айтиб сукутга толди. Майор Солиҳов унинг синган руҳига яна азоб бермаслик учун дарров саволга тутмади. Жабборов безовталаниб соатига қараб қўйди. Уни ҳозир бу жиккак одамнинг гаплари қизиқтирмас, аксинча лой йўлдан изига қайтиш ташвишга солаётган эди. Солиҳов ҳамроҳининг безовталигини сезиб, унга норози қиёфада бокди.

Солиҳов Даминнинг аҳвол-руҳиясига тушуниб турарди, бироқ у айтган гаплар билан кифояланиб чиқиб кета олмас, шу учун сукутга кўп эркинлик беролмас ҳам эди.

— Муҳаммадризаев нима учун қабристон томонга кетди?

— Эна-отаси ўша ерда.

— Қишлоқда бошқа ҳеч кими йўқми?

— Йўқ. Акаси қочиб кетган. Опаларини қулоқ қилгансизлар. Жаҳон уларни кўп

қидирди, тополмади.

— «Дон етиштирдиму чумчуққа олдирдим», деб нимани назарда тутган экан?

— Ким билади, бу бир маталдир-да.

— «Шариповни мен ўлдирмоқчи эдим, бошқа одам ўлдириб кетибди», деган гап эмасми?

— Билмадим. Шариповингизни мен танимасман, Жаҳон уни менга гапирмаган бўлса.

— Муҳаммадризаевнинг милтиғи бормиди?

— Милтиқ нима қилади унда? У художўй одам эди. Одам ўлдирганига мен ишонмайман.

— Узи бўйнига оляпти-ку?

— Сизларнинг қўлларингизга тушган одам қотилликни бўйнига олиш у ёқда турсин, онасига уйланишга ҳам рози бўлиб кетади.

— Дамин ака, беш қўл баробар эмас. Бу гапларингиз ўринсиз. Биз «бўйнингга ол», деб зўрламадик. Уни излаганимиз ҳам йўқ. Узи келиб бўйнига олди. Қотиллик юз берган жойда этигининг изи бор. Бизга бир нарса қоронғи: у Дайдидарага нима мақсадда борган? Агар ўша ерда иши бўлса, нима учун тўғри боравермасдан сизникига келди? У ердан нима учун яна сизникига қайтди?

— Тушунмадингизми? — деди Дамин зарда билан.— У мени художўйликка бурмоқчи эди. Улса орқасида мендан бўлак яқини йўқ. Шу гапни айтиб қўймоқчи бўлган.

— Марҳумни унинг акасига ўхшатдингиз. Агар шу одам ростдан ҳам акаси бўлса буни сизга айтармиди, «акамни ўлдириб кетишибди», демасмиди?

— Айтиш лозим бўлганини айтарди, лозиммасини айтмасди.

Даминнинг кейинги гапида кескинлик сезилди. Солиҳов ортиқча савол-жавобга ўрин қолмаганини англаб, ўрнидан турди.

Улар қишлоқ совети идорасига кирмай изларига қайтишди.

— Бу Дамин деганлари балки Ризаев билан бирга боргандир Дайдидарага? — деди Жабборов.

— Балки боргандир,— деди Солиҳов эътиборсиз оҳангда.

— Услубингизга тушунмаяпман, ўртоқ майор. Ризаев бўйнига олди, этигининг изи тасдиқлаб турибди. Бу тасдиқ ҳам етмаса, ана, ошнаси ҳам айтяпти. Борган. Саросимада қайтган. Нима учун саросимада қайтган? Уликни кўриб кўрқиб кетганми? Бе, бунақалар ўликдан кўрқмайди. Отишга отиб қўйиб эсхонаси чиқиб кетган. Балки худо олдида гуноҳ қилиб қўйганидан кўрққандир?

— Бу сизнинг услубингиз, ўртоқ капитан. Сиз арқонни калта ташлар экансиз. Мен узун ташлайман. Сизнинг тахминларингизни ҳам ҳисобга оламан, раҳмат.

— Ҳарҳолда Даминни назардан қочирманг. Гапларига эътибор бердингизми? У бизни ҳақорат қилди. Лекин сиз индамадингиз?

— Узингизни унинг ўрнига қўйиб кўринг. Бизнинг ҳамкасбларимиз унинг умрига зомин бўлишган. Энди биздан нафратланишга ҳаққи бор.

Бу гап тутаб турган ўт устига мой сепди — Жабборов ёниб кетди.

— Ҳаққи йўқ, билдингизми, ҳаққи йўқ давлат органи одамларини ҳақоратлашга, — деди у овозини баландлатиб.— Уни бизнинг ҳамкасбларимиз қамагани йўқ. Биз унинг кимлигини қайдан билиб ўтирибмиз? Уз одамлари, ўзининг яқинлари бўйнига сиртмоқ ташлаб бизга рўпара қилишди. Биз уларнинг гапларига ишониб турманинг эшигини очиб бердик. Менинг ўрнимда сиз бўлганингизда сиз ҳам очиб берар эдингиз. Сиз ҳозир бизни айблаяпсиз. Ҳозир ҳўп дейишдан ўзга чорам йўқ. Лекин вақти келиб биз қаддимизни кўтарамиз. Авлодлар вазиятни тўғри таҳлил қилиб, тўғри хулоса чиқарадилар. Жамиятнинг тақдири ўша йиллари қил устида эканини тушуниб етадилар. Ҳақиқий унсурлар билан бирга тўхматга учраганлар ҳам кетди. Ҳўш, нима бўпти? Жамиятни унсурлардан тозаладик-ку?!

— Фақат унсурлардан эмас, оқиллардан ҳам.

— Ҳа, оқиллардан ҳам. Лекин жамият тирик! Сизнинг фикрларингиз мени ажаблантиряпти, ўртоқ майор. Сиз коммунистсиз-ку ахир?

— Ҳа, коммунистман, шунинг учун ҳам партияга доғ туширган ишларга бефарқ қарай олмайман.

— Сиз Даминга ўхшаганларни бутунлай оқлаб янглишасиз. Гапига тушунмадингизми? Жамиятимиз эмас, жамиятингиз деди. У ўзини бизнинг жамиятга мансуб деб билмайди.

— Фақат угина эмас, кўпчилик шундай фикрлайди. Чунки жамият тизгини узоқ вақт бизга ўхшаганлар қўлида эди. Бу биринчидан. Иккинчидан, жамиятни ўзгартиришдан аввал одамлар ички дунёсини, руҳиятини ўзгартириш, онг даражасини кўтариш лозим эди. Аввал жамиятни ўзгартириб олиб, сўнг одамларни шунга мос равишда ўзгартириш мумкин эмас. Биз ана шу мумкин бўлмаган ишни амалга ошириш учун тиш-тирноғимиз билан курашдик. Дамин акага ўхшаганлар хавфли эмас. Аксинча «жамиятимиз!!» деб кўкракка уриб, жар соладиганлар хавфли.

— Мен бу масалада сиз билан муроса қила олмайман.

— Шунинг учун баҳслашиб юрмасдан, қотилни топишни ўйлайлик. Ҳақ-ноҳақни ажратадиган энг одил ҳакам — вақт.

Лой йўлдан бораётган бу икки одамнинг фикри, дунёқараши оёқларидаги пой-абзаллари каби хилма-хил эди.

5. Фарзанд

**Турмада руҳи азоб чекиб, худодан ўлим тилаётган
Жаҳонгининг дардига яна шерик бўлишга тўғри келади.**

«— Муҳаммадризаев, бешинчи октябрь куни Қирқбел қишлоғига нима учун бордингиз?

— Дўстимни кўргани.

— У билан нималарни гаплашдингиз?

— Ўзи айтгандир.

— Мен сиздан эшитмоқчиман.

— Оллоҳ йўлига қайт, бединлардан юз ўгир, дедим.

— Яна?

— Ўлиб қолганимни эшитсанг, руҳимга дуо бағишла, дедим.

— Дайдидарага нима учун бордингиз?

— Ов қилгани.

— Милтиқсиз-а?

— Ким айтди?

бўлишини, жигаргўшаларидан неча минг чақирим нарига, неча йилга кетишларини билмай эзилиб ўтирган одамлар руҳи қиймаланди. Одатий гурунглар барҳам топди. Жаҳонгир дарров жойига қайта олмади. У одам Жаҳонгирни паноҳкордай билиб қолган эди. Унинг назарида Жаҳонгирнинг дуои фотиҳаси ҳур болаларини тўғри жаннатга, роҳат-фароҳатга бошлаб борди. Жаннатда улар оналари бағрига кирдилар. Бу ёруғ оламда рўшонлик кўрмаганларини, уйларига ўғай она келгани ва бир кечада ўлим топганларини айтиб бердилар. Шунда она нима қилди? Уни — отани қарғадими?..

У одамнинг кўнглидан шундай гаплар ўтиб, кўзлари ёшланар эди. Жаҳонгир унинг юрагини кемираётган гаплардан беҳабар, ўзининг дарди ўзига етса-да, бу дилхастани ёлғиз қолдириб нари кетолмас эди. Жаҳонгир гарчи ўз боласини кўрмаган, қўлига олиб суймаган бўлса-да, тақдири номаълум фарзанд доғида куйган, ўртанган, алалхусус бу одамнинг аламларини ҳис қила оларди. Хотини Хадичанинг кўзи ёридимми, боласи кимларнинг қўлида қолди: хўрландими, зорландими? Дайдидарадаги чинор остида отасининг бир дунё бойлиги бўлатуриб мусофирликда бир бурда нон деб қақшадими?.. У тирикми, у билан дийдор кўришиш насиб этадимми? Бу саволларга йиллар жавоб кутиб яшаш учун одам метиндан бўлиши керак. Йўқ, метинга ҳадеб болға ураверсангиз у ҳам дарз кетади, ёрилади, парчаланари. Жаҳонгир эса ҳаётининг ситам болғалари зарбаларига дош берди — дарз кетмади, ёрилмади, парчаланмади. Ёрилай деганда, парчаланай деганда умид деган тириклик суви уни ҳаётга қайтарди, юрагига дармон берди.

Ниҳоят... умид булоғининг тириклик суви қуриди. Юракдан дармон кетди. Парчаланаш аён бўлиб қолди.

Жаҳонгир бу одамни сўроққа чақирганларидан сўнггина жойига қайтди. Каравотига ёнбошлаб, кўзларини юмди. Кечадан бери Зокирхўжани эслаётгани учун яна ўша димиққан, бадбўй, нимқоронғи вагон кўз олдига келди.

Зокирхўжа билан танишган куннинг эртаси эди. Ёши элликдан ошмаган Зокирхўжанинг гапларини эшитган Жаҳонгир мадрасада олган билимларим ҳеч қанча эмас эканда, деб ўтирарди. Поезд тўхтаб қолган, одамларнинг гаплашишга ҳам хушлари йўқ эди. Тепадаги дарчага бўйнини чўзиб ташқарига қараётган узун бўйли қотма киши русчалаб бир нималар деб юборди. Кейин бошини чангаллаб ўтирди. Жаҳонгирнинг назарида кимдир ташқаридан туриб унинг юзига тош-паш отгандек эди. Шу сабабли унга яқинлашиб: «Нима бўлди, биродар», деб сўради. Узун одам дарров жавоб бермади, бош чайқаган ҳолда ўзбекчани сал бузиброқ:

— Узинг кара,— деди.

Жаҳонгир оёқ учида туриб темир панжарали дарчадан ташқарига қаради. Бекатда катта одамларга нисбатан жулдур кийимли болалар кўп эди. Уларнинг айримлари тўп бўлиб ўтирар, айримлари панароқ жойларда қўнишиб ётар, айримлари ўлжа илинжида писиб юрар эди.

— Етимчаларми булар? — деб сўради Жаҳонгир.

— Ҳа, етимчалар,— деди узун одам.— Парвардигор бизни ургани майли, болаларда гуноҳ нима? Революция деган аждарни бизга юборган, майли. Болаларга нима учун юборган? Болаларни қийнаш урнига бизни улдирмайдими? Парвардигор болаларни бизни кулимиз билан қийнаган. Болаларни бизни кулимиз билан улдирган. Бола — келажак. Син келажакни курдинг? Келажак йук энди. Улар Туркестан китишяпти. Нонга китишяпти. Туркестан нон беради, уй беради. Лекин бахтни ким беради? Ота-онасини ким беради?

— Ҳа, қийин бечораларга. Хор бўлиб кетишибди,— деди Жаҳонгир.

— Болага бахт бермаган ҳукумат халқига келажак бермаган. Бу ямон, жудда ямон. Бу болаларда инди раҳм-шафкат булмади, дуст булмади. Буларда нафрат кўп бўлади. Кийин, жуда кийин. Буюк Россия хароб бўлди.

— Ким хароб қилди?— деди Жаҳонгир. Узун одам яна афсус билан бош чайқади.

— Биз... биз...

— Сиз бизнинг ҳам тинчимизни олдингиз.

— Йўқ, сиз тўғри гапирган эмас. Туркестон ҳали тайёр эмас бунака узгариларга. Узбек партия йўқ, нима қилишини билмаган узбек. Ярми большевик кушулади, ярми турк кушулади. Мужик билмайди. Рус мужик ҳам билмайди.

Поезд вагонлари бир-бирига шарақа-шуруқ урилиб, силтаниб-силтаниб ўрндан жилдию уларнинг суҳбати узилди. Вагонда Жаҳонгир билан Зокирхўжадан бўлак ўзбек йўқ эди. Шу сабабли улар бир неча кун ичида оға-инидан зиёда бўлиб кетишди. Уша бекатдаги воқеадан сўнг ўзбек тилини биладиган Сергей ҳам уларга яқинлашди.

— Ўзбекчани қаердан ўргандингиз? — деди бир сафар Жаҳонгир. У аслида «нимага ўргандингиз?» деб сўрамоқчи эди, саволим қалтис чиқмасин, деб лутфга ўраб шундай деди. Сергейга бундай саволлар кўп бериларди. У саволнинг моҳиятини ҳам билиб турарди.

— Ўзбекнинг суви ширин, нони ширин, а? — деди у Жаҳонгирга.— Тили-чи? Тили бемаза бўлиш нига керак? Тили-да ширин. Урганмаган — бу гуноҳ. Ман дворянин, потомственный дворянин. Куп тил билган — маданият. Билмаган — мужик. Англадинг? Зокирхўжа ока араб тил билган. Бу — маданият. Мен рус офицери, отишга келмаган.

Менга мақсад тимуридлар тарихини урганиш булган. Революция ҳаммасига йўл бер-
китган. Англадинг?

— Гапингизни-ку, англадим. Бироқ олам ишларини англамай гарангман. Ўрис
ўрисни қамаса, ўзбек ўзбекни қамаса. Бу не ҳол бўлди? Мусулмон билан насроний бир
сассиқ вагонда ётса?

— Мусулмон — христианин битта одам, — деди Сергей унга эътироз билдириб. —
Худо битта. Муса пайғамбар, Иса пайғамбар, Мухаммад пайғамбар — худо элчилари.
Худо битта. Фақат сигинамиз ҳар хил. Ибодатхона-да ҳар хил. Но, худо битта. Муҳими
шу. Туғилган одам тепла-тенг. Ажратиш гунаҳ. Тугрими, мулла Закирхужа оқа?

— Оллоҳ барчани баравар яратган, — деди жимгина ўтирган Зокирхужа уларнинг
суҳбатига қўшилиб. — Мусо алайҳиссалом билан Исо алайҳиссаломга азият еткурган
одамлардан тангри-таоло ғазабда бўлган. Бу ёруғ дунёда одамлар бир-бирларига меҳр-
муҳаббатда бўлиб, ёвузлик уруғини янчишлари лозим. Бу — оллоҳнинг иродаси.

— Сизга барқалла, Закирхужа оқа. Улар бизни нотугри камадилар. Мен Россияни
севган. Сиз-да, Туркестанни. Бу гунаҳ эмас, буюк иш! Улар ҳам севган. Бу ҳам буюк иш!
Улар бошқача севган, биз бошқача. Бир-биримизни отган, қамаган — буюк иш эмас.
Одам бир-бирига тушунган зарур. Шунда Россия ҳам, Туркестан ҳам гуллаган. Тугрими,
мулла Закирхужа оқа?

Зокирхужанинг хаёли бошқа ердамиди ё суҳбатга аралашгиси йўқмиди, ҳарҳолда
нохушгина бош силкиб қўяқолди.

Манзилга етиб келиб, муз ўйиб, маъдан қазиша бошлаганда ҳам улар ёнма-ён
эдилар. Меҳнат азобини бирга баҳам кўрдилар. Лозим бўлганда Сергей тилмоқлик
қилди. Зокирхужа оғриб қолганида Жаҳонгир билан навбатма-навбат табар олдди.
Зокирхужа омонатини топширганда «маъмурлардан тобут ундираман», деб ҳаракат
қилди. Жаҳонгир «одам тупроқдан яралган, тупроққа қўшилиб кетиши керак», деб
тўсқинлик қилмаганида балки ундирарди ҳам. Жаҳонгир «одам боласи туғилиши билан
ювинтирилиб, оққа ўралади, у дунёга кетишида ҳам шундай бўлиши керак. Хўжай-
инларга айт, оқ сурп топиб беришсин», деди. Одамгарчилик нималигини билмайдиган
одамлар бир маҳбусининг ўлигига сурп топиб берар эканми? Жаҳонгир шунинг фаҳми-
га етмай, бир мусофирни одам қаторида ерга қўймоқчи эди, умиди ушалмади. Мусо-
фирликда, яна эркисизликда ўлиш ҳеч бир кимсанинг бошига тушмасин экан. Жаҳонгир
Зокирхужадан ажраб қолганига эмас, унинг хор бўлганига йиғлади. Отасини ерга қўй-
ганда ҳам бунчалик эзилмаган эди. Хорлик ёмон экан, эркисизлик ёмон экан. Буни Жа-
ҳонгир ўшанда аниқ ҳис этди.

Муз ўйиб, маъдан қазиб қабарган қўллар ғарибона қабр қаздилар. Совуқда музлаб
саксовулдек бўлиб қолган танани ерга оҳиста қўйдилар. Жаҳонгир муз қабр олдида
анча турди. Ушанда унинг олдида Сергей бор эди. Мурдани кўмиш учун фақат икки
кишига рухсат берилган эди. Жаҳонгир на ширин нони, на ширин сўзи бўлган соқчилару
хўжайинларнинг феълени кейинроқ тушунди. Илгари бу ерларга озодлик, янги турмуш
истаганлар ҳайдаб келинган. Энди эса ўша озодликни, янги турмушни беришни истама-
ганлар маҳбуслар кийимида. Аввалги маҳбуслар эса улар устидан ҳукмрон. Шундай
экан, раҳм-шафқат, одамгарчилик ҳақида сўз бўлиши мумкинми?

Қор учқунлари чирпирак қилиб ўйнаб уларнинг юзларига урилган шамол ҳам,
бадан-баданларидан ўтиб кетган совуқ ҳам уларни қабр ёнидан тезгина қувишга ожиз
эди. Улар бу дамда фақат Зокирхужани ўйламасдилар. Ҳар бири ўз тақдирини ҳам
ўйлар эди. Чўкичларни судраб изларига қайтар маҳалларида бу ўйларнинг бир чимди-
ми тилга кўчди:

— Мулла Закирхужа азоблардан кутулган, — деди Сергей, — энди кийналмаган.
Худо билан гаплашган. Худо уни жаннатга юборган. Мулла Закирхужа эътиқодига
соткинлик қилмаган. Бу яхши! Жуда яхши! Но, жуда оғир. Мулла Закирхужа чидаган.
Фақат Ватанидан узоқда улди. Бу чаток. Биз улмаслигимиз керак. Бизга яшаш кирок.

— Менинг ўлишим мумкин эмас, — деди Жаҳонгир, — худо менга ўлим бермай-
ди, елкамда юмуш бор. Оллоҳ кўнглимга солган. Худо хоҳласа бу юмушни адо этга-
нимдан сўнг отамнинг ёнидан жой беради. Юрагимда бундан бўлак армон йўқ. Мен
уйимдан узоқдаман. Сиз яқинсиз. Сиз Русиядасиз. Бу ерлар сизнинг юртингиз. Мендан
кўра сизга осонроқ...

Жаҳонгир «отамнинг ёнига қайтаман», деганда кўз олдидаги оппоқ музлар, музлар
устида учиб юрган оппоқ қор учқунлари аввал қип-қизариб кетди. Сўнг аста қорайди.
Сўнг музлар яшил тус олди. Қор учқунлари тўзиган шафтоли гулидай уча кетдилар.
Жаҳонгир энтикиб тўхтади. Ана — Қирқбел! Ана — боғлари! Ана... дўнглик — қаб-
ристон... Тепароқда аждарқоя...

— Синга нима булган?

Тўзиган шафтоли барглари яна қор учқунларига, яшил боғлар музликларга айланди.

— Синга нима булган?

— Кўзим тинди.

— Тезроқ юрганимиз кирок. Пошли.

Тез юришга мажол йўқ эди.

— Сен узингни махкам тут. Узинг айтган-ку «улишим мумкин эмас». Значить, махкам тут. Махкам тутмаган — улган.

Қорайиб турган ёғоч уйга етиб бориб ичкари киришгач, жонлари бироз ором олди, аммо баданларига иссиқ ўтмади. Маҳбуслар ишда, хона бўш эди. Бундай пайтларда печь ёқилмасди. Печ тунда, маҳбуслар музлаб ўлиб қолмасликлари учунгина ёқиларди.

— Мен мулла Закирходжага ачинган, — деди Сергей. — У ялгиз. Боласи йуқ. Жуда ачинган. Ким эслайди уни? Сенда бола бор?

— Бор...

Жаҳонгир шундай дейишга деб, сесканиб кетди.

— Нечта угил-киз?

— Билмайман... ҳали туғилмаган эди.

— Кечир мени... Сенга оғир. Жуда оғир. Менга ҳам оғир. Менда битта угил, битта киз. Улар Самарканд қолган. Мен билмаган, уларга нима булган. Сен эслайсан, битта-залда ямон юрган болалар эслайсан? Мен уларни курган, болаларимни эслаган. Мен чет мамлакат улгурмаган. Кариндошлар кетган.

— Чет мамлакатга? — Жаҳонгирнинг кўз олдига отаси келди. — Нима бор чет элда?

— Чет мамлакат яхши. Узбеклар ҳам кетган.

— Кетган, биламан. Ватанни ташлаб кетиш — хоинлик. Итдан баттар улар. Ит хоинлик қилмайди. Улар хоин! Улар қорин қуллари. Бу ерда ҳам бир коса овқатга қорин тўяди, чет элда ҳам. Хорижда икки коса ичолмайсан барибир. Дадам раҳматли шундай дердилар. Ҳовлингиздаги итга суюк ташламасангиз кетиб қолмайди-ку? Улар эса кетишди... Кўрарга кўзим йўқ уларни... — Жаҳонгир шундай деб тишларини ғижирлатди. Кўзига Аждарқоя, ундаги одамлар кўринди. Агар улар ҳозир шу ерда пайдо бўлиб қолишса, ённки аксинча, Жаҳонгир умри бир неча ой изига қайтиб ўша ерда бўлиб қолса, уларни ғажиб ташлашга тайёр эди. Ватандан узоқларга олиб кетаётган оёқларни чопиб ташлар эди, Ватанга ола қараган кўзларни ўяр эди, ношукр сўзларни айтган тилларни суғуриб олар эди, ўт қўйган қўлларни синдираб эди...

— Сен нотўғри гапирган... Мужиклар бизни кийнаган. Биз кетган, улар хароб булган. Сунг биз қайтган. Россияга биз керак. Жудда керак. Айт, сен, пул, уй бизники ё мужикники?

— Ҳаммаси оллоҳники. Оллоҳ бизни синаш учун биримизга оз, биримизга кўп берган. Йўлдан озганлар бориға шукр қилишмади. Бу қилиқлари билан қиёматни чақиринишди. Субҳи маҳшарда гуноҳларига яраша мукофотларини оларлар, иншоолоҳ. Менинг раҳматли отам топганларини бердилар фақирларга. Оллоҳ шуни истаган экан, бердилар. У дунёга имонлари пок кетдилар. Оллоҳ истаса бизга яна беради. Мол-дунёга ҳирс қўйган инсон бойликка эга бўлади, аммо руҳидан ажралади. Мол аччиғида юртдан юз ўгириш шайтанатдур. Шайтонвашлик инсон боласига ёт. Оллоҳ ҳар бир бандасини шайтон домгоҳидан саломат сақласин.

— Сен тушунмагансан, сен билмагансан. Мужикда гуноҳ куп. Уларга худо йуқ. Сен Нуҳ пайгамбарни эсла. Мужик унга кулок солмаган. Худо туфон юбарган.

Уша куни улар узоқ гаплашдилар. Баҳслашдилар. Бир неча кундан сўнг Сергей қутилмаганда яна шу мавзуга қайтди.

— Сен тугри гапирган, — деди у Жаҳонгирга, — Ватандан кетган нотугри. Ватан битта, уни сотган вақший. Сен тугри айтган. Сенга Ватан — Туркестан. Сенга кийин. Туркестан маданиятга кутариш керак. Маданият йуқ, савод йуқ.

Жаҳонгир бу гапни эшитиб, унга норози қиёфада боқди.

— Сенга ёқмаган бу гап, лекин тугри. Беш юз йил алдин юкари булган, савод, маданият. Кейин ухлаб колган Туркестан. Туркестан ҳозир ҳам ухлаган.

— Ухлагани ростдир. Лекин маданиятсиз, саводсиз дейишга ҳаққингиз йўқ. Мен қишлоқда ўсмаганман, катта шаҳарда мадраса кўрдим. Шунча йил юртимизда яшаб ҳар маҳаллада мактаб борлигини билмадингизми?

— Ну мактаблар якши эмас.

— Ал Хоразмий, ал Беруний, ибн Сино, ҳазрат Навоийлар ҳам шундай мактабларда билим олганлар.

— Кани улар, янги Навои кани?

— Улуғлар кунда дунёга келавермайди. Бу оллоҳнинг иродаси билан бўлади. Маданият деганингиз нима? Оврупоча кийиниб юришми? Либосни ўзгартиришдан осони йўқ. Аммо маданият либос эмас. У инсон вужудидаги фазилатлар. Маданият — тан поклиги, иймон поклиги. Сиз менинг халқимга тўхмат қила кўрманг. Юзкўрмас бўлиб кетамиз. Бу ғайри хаёллар билан Самарқандга қайтиб борсангиз мен ризомасман. Халқимнинг заиф томонлари, иллатлари ҳам бордир. Лекин бу иллат менинг халқимники. Мен уни шу иллатлари билан ҳам севаман. Оллоҳ иймонимни басаломат асраб экан, бу фикрдан қайтмайман. Сиз яна шундай тўхмат гап айтсангиз, сўнг мени парвардигор деб сизинсангиз ҳам гуноҳингиздан кечмайман.

— Кечир, сен менга тушунмаган. Мен айтмакчи булган: сен Туркестанни уйгат, унга ярдам бер. Жаҳидлар буни тугри тушунган. Сен жаҳид эмас.

Улар кейин ҳам бу мавзуга қайтдилар. Сергей Туркистон тарихини Жаҳонгирдан кўра дурустроқ билар экан. Баъзан шундай воқеаларни гапириб берардики, Жаҳонгир «ростми, ёлғонми гаплари», деб ажабланарди. Сергейнинг Жаҳонгирга ўзини яқин олиши бесабаб эмасди. Бир куни буни ўзи айтди.

— Мен Туркестан тарихини Европадан билган. Немис китоблари укиган. Энди менга арабча урганиш керак. Сен менга ургат. Мен сенга русча ургатган, немисча ургатган. Келишдик?

Келишдилар. Қор усти, муз усти, қисқа ёз кунлари тупроқ уларга дафтар бўлди. Сергей астойдилроқ эди. У араб тилини нима учун ўрганаётганини биларди. Жаҳонгирда эса мақсад йўқ эди. Бу рус тили, немис тили қаерда асқотишини билмас эди. У Сергейнинг бир гапига қўшилларди: кўп тил билиш — маданият белгиси, инсон боласига хос фазилат. Лекин бу билим асқотса дуруст, каллада қолиб кетганининг нима нафи бор? Сергей баъзан Жаҳонгирдаги бу лоқайдликдан безиб уни уришарди. Билимни сен олмасанг, халқингни сен кўтармасанг ким кўтаради. Тарихинг билан мен шуғулланаётганимдан уялмайсанми, ғуруринга тегмайдими, деб қаттиқ ҳам гапирарди. «Халқимни севаман», деб юрувчи Жаҳонгирга бу маломат тошлари айтарли таъсир қилмас эди. Чунки унда илм билан шуғулланишга ихлос йўқ эди. Айниқса, бошига бу ишлар тушгач, мақсадини бутунлай ўзгача белгилаб қўйганди. Ўзини илмга бахш этиш фикри миясига ўрнаша олмас эди.

Сергейнинг айби камроқ экан, Жаҳонгирдан бир йил олдин қутулиб кетди. Самарқандда кутажани қайта-қайта тайинлади. Жаҳонгирнинг аламларидан, дардларидан беҳабар бу одам уни илмга тортишга ишонар эди.

Мана, йилларнинг аллақанча суронли, тўзонли йўлларини босиб ўтиб шу манзилга етгач, шу тошдеворлар орасида уни яна эслади. Икки фарзанди фироқида куйиб ёнган бу бебахт ота бўлмаганда балки Сергейни эсламас эди. Уша бекатдаги жулдур кийимли болалар, Туркистонга нон илинжида отланган бечоралар Сергейнинг кўз олдидан кетмас эди. Тушларида болаларини жулдур кийимда кўриб чўчиб уйғонарди. Баъзан тонгга қадар миқ этмай ўтирарди. Баъзан Жаҳонгирни туртиб-уйғотиб тушининг таъбирини сўрарди. У болалари ҳажрида ёнгани сайин, Жаҳонгир дардини ичига ютиб эзиларди. Ҳомиладор хотини кўз олдига келганда юрагини нимадир кемира бошларди. Ушанда «ғўдақларнинг раҳмини ўзинг е», деб худога нолалар қилар, жумла ғўдақлар қаторида ўз фарзандига ҳам оллоҳдан раҳм тиларди. Тахмини бўйича мусофирликда туғилган боласи дам дўмбоқ ўғил бўлиб, дам ширин қизалоқ бўлиб тушларига кирар, «дадажон!» деб бўйнидан маҳкам қучоқлаганда нафаси қайтиб, уйғониб кетарди. Ҳатто тушларида ҳам ўзи кўрмаган боласини дийдорига тўя олмас эди.

Акаси билан учрашганда ҳам биринчи сўраган саволи шу бўлди:

— Хадича қани, болам қани?

Акаси бир чўчиб тушди. Ҳа, Жаҳонгир сизди, чўчиб тушди, ҳатто юзи учди. Лекин сир бой бермасликка ҳаракат қилди.

— Қанақа боланг? Боланг йўқ эди-ку?

— Хадичанинг кўзи ёриши керак эди, эсингиздан чиқдимми?

— Оллоҳ кўп кўрди уни сенга...

Бу гапдан кейин нима учун ер ёрилмади — Жаҳонгирни ютмади. Нима учун осмон узилиб тушиб, уни ерпарчин қилмади. Нима учун жилла бўлмаганда, юраги ёрилиб кета қолмади. Нима учун совуқ юртларда қулоқларини совуқ олдирганда биратўла кар бўла қолмаган экан. Хорижда нима учун акасининг бу тилларини бирон бир инсоф эгаси кесиб ташламаган экан!

Жаҳонгир ўттиз йилдан ортиқ қалбида авайлаб йўргаклагани фарзандини энди дафн этиши керак эди. Ерга эмас, яна юрагига дафн этиши керак эди. Уша дўмбоқ ўғилчани, ўша ширин қизалоқнинг кулгичлари ўрнини юмуқ кўзлар эгаллаши керак эди. Не ажабки, акасининг ўша совуқ гапидан кейин ҳам бу дўмбоқ ўғилча, бу ширин қизалоқ яна тушларига кирди. Яна бўйнидан қучоқлашди. Бундай туш авваллари унга бир умид берарди, энди эса у дунёга чорлаш бўлиб туюлди ва бу кун яқин келганидан суюнди.

Бебахт ота сўроқдан қайтиб жойига ўтирди. Бошини эгиб олиб бировга қарамади ҳам. Терговчи худди уни тилсимлаб юборгандай эди. Шу ўтиришда у икки соат бурунги аламли одамга ўхшамас эди. Унинг бу ўтириши тақдирга тан берган мўъминни эслатарди.

«Бечоранинг умри азобга қолди. Уни отмайдилар. Отишга ҳукм қилишса дуруст эди, — деб ўйлади Жаҳонгир унга ачиниб қараб. — Бир неча йил ўтириб чиқади. Болаларининг руҳи энди уни изма-из таъқиб қилиб юради. Қочгани жой тополмайди. Руҳлари парча-парча бўлиб кетади. Агар отилмаса жинни бўлиб ўлиши тайин. Оллоҳ ёмон қаҳр қилган экан унга...»

6. Оқсоқ одам

Майор Санжар Солиҳов Қирқбелдан қайтгач марҳум Сиддиқ Шарипов уйига яна боришни ният қилган эди. Биз ҳам борайлик.

Майор Солиҳов Қирқбелда кўрган-эшитганларини эслаб, ўзича мулоҳаза қилиб ўтирганида Рамзиддин Рамазонов бир даста қоғоз кўтариб кириб келди.

— Ризаевингизнинг бошидан ўтганларни ўргангандан кўра қадимги дунё тарихини ўрганиб чиқиш осонроқ бўлиб қолди. Раҳмингиз келганича бор экан.

— Раҳмим келгани йўқ, ким айтди бу гапни сизга?

— Менга шундай туюлди.

— Мен раҳм-шафқатга эмас... — майорнинг гапи оғзида қолди.

— Одилликка суяниб иш кўрасиз, эшитганман бу гапларни, — деди капитан кулимсираб. — Хуллас, кўрмаган дарду жафоси йўқ экан. Уч марта қамалган. 1922 йилда аксилинқилобий ҳаракати учун. Фаолларни ўлдириб, қишлоққа ўт қўйишда айбланган.

— Гувоҳлар борми?

— Гувоҳларни гапирасиз, умуман ҳужжатлар йўқ даражада. Йигирма иккинчи йилларнинг аҳволи маълум-ку?

— Мен бир одам билан суҳбатлашдим. Муҳаммадризаев тўхмат билан кетган эди, деяпти.

— Бу гапни ўшанда айтиши керак эди. Энди нима фойда? Ун икки йил ўтирган. Кўнғироқдан кўнғироққача. Кейин 1938 йилда яна қамалган.

— Айби нима экан?

— Аксилинқилобий ҳаракат, халқ душманлари билан тил бириктириш.

— Халқ душманлари ким экан, айтилганми?

— Айтилган: Сергей Комлев. Шарқшунос олим.

— Комлев ҳақида яна қандай маълумот бор?

— Чор армиясининг офицери. Дворянлардан. Аксилинқилобий ҳаракати учун 1922 йилда Самарқандда қамоққа олинган. Қамоқда Ризаев билан бирга бўлган.

— Илмий ишининг мавзуси аниқми?

— Аниқладим: «Амир Темур замони маданияти» деган мавзуда диссертация ёқлаган экан.

— Масала равшан. Муҳаммадризаев учлик қарори билан қамалганми?

— Ҳа. Комлев ҳам. Ризаев учинчи марта қирқ саккизинчи йилда қамалган. Асирга тушганлиги ва хоинлиги учун.

— Асирга тушгани ва хоинлиги учун, дедингизми? Урушда бўлган эканми?

— Ҳа, партизанлар отрядида. Лекин бу ҳақда батафсил маълумот йўқ. 1955 йил апрель ойида авфи умумий туфайли озодликка чиққан.

— Хўш, қандай хулосага келамиз?

— Ўтмишнинг ҳозирги жиноятига алоқаси бор, деб ўйлаймизми? Аввалги ишларида одам ўлдиргани ҳақида аниқ бир гап йўқ. Кейинги икки иши ўрмонга ўт кетган пайтда бўлган, хўлу қуруққа аралашиб ёнган. Биринчисини аниқлаш керак. Ушанда фаолларни ростданам отган бўлса...

— Шундай деб фараз қилайлик. Агар у совет ҳокимиятига қарши экан, нима учун партизанлар отрядида жанг қилди, нима учун асир тушди, нима учун ўша ёқда қолиб кетмай, қайтди?

— Бирон мақсади бордир?

— Ана энди ўзингизга келдингиз. Уша «бирон мақсад нима?» — Солиҳов шундай деб капитанга савол назари билан тикилди. — Ана шулар билан қизиқиб кўринг, ази-зим. Яна Комлевнинг тақдирини ҳам аниқланг. Узи тирикми, оиласи омонми? Муҳаммадризаев қотил бўлганида ҳам уни бу йўлга нима бошлагани билишимиз керак. Пешонасига бежиз ёзиб олмагандир, ахир?

— Ишни чўзадиган бўлсак раҳмат эшитармикинмиз?

— Бунақа раҳматларни кўп эшитганмиз. Шошилиб, бегуноҳ бир одамнинг қарғишига қолиб кетмайлик. Айтмоқчи, ўттиз саккизинчи йилда ким тергов қилган экан?

— Муҳаммедшин, нима эди?

— Назаримда худди капитан Жабборов тергов қилганга ўхшайди. Қирқбелдан қайтаётиб у билан айтишиб олдик, — Солиҳов шундай деб бўлган гапларни қисқача баён қилди. — У яна даври келишга ишонапти.

— Ишонишига асос бор, — деди Рамазонов вазминлик билан. — Улар кўпчилик. Ҳозир пана-пана жойларда жон сақлашяпти. Об-ҳаво уларга сал мосланса, яшнаб кетишади. Об-ҳаво ўзгарувчан, ҳар нарсани кутиш мумкин. Бу тоифа Сталинга қандай садоқат билан хизмат қилган бўлса, Гитлерга ҳам шундай хизмат қилиши мумкин эди. Сиз шунақа одамлардан нафратланасиз, тўғрими?

— Нима қилиш керак бўлмаса? Бировни пичоқлаган ёки отган одамни кечирса бўлади. Буларни-чи?

— Мен нафратланмайман, ачинаман буларга. Бу соҳада бир умр ишлашмайди-ку, тўғрими? Эрта-индин қариган чоғида ўзи қамаб юборган бир одамни кўчада тасодифан учратиб қолса нима қилади? Мен декабрчилар ҳақида ўқиган эдим. Сўзидан қайтмаганлар сургун қилинганда тонганлар, сотганлар, хоинлар базму жамшидда юраверганлар. Охир-оқибат сургундагилар афв этилиб Петербургга қайтишганида халқ уларни олқишлаб қарши олган. Тонганлар, сотганлар эса кўчага ҳам чиқолмай қолган. Ана энди ўйланг: жазога тортилмаганлар кимлар эди? Сургун азобини тортганларми ё иссиқ ўринда қолганларми? Жабборовларнинг тақдири шуларга ўхшамайдими? Бориб-бориб кўршапалакка ўхшаб яшаб, ўлиб кетмайдиларми?

— Сизнинг ўхшатишингиз менга маъқул келмади, — деди Солиҳов, — Декабрчиларнинг ўша хоинларида ҳам аввал маслак бўлган. Фақат сўнги дақиқада кўрқоқлик қилиб дўстларини сотишган. Агар кўчага чиқолмай қолишган бўлса, демак, озгина инсофлари бор экан. Жабборовларда инсоф, уят борлигига ишонмайман. Мана, кеча ўзим кўрдим шундай учрашувни. Тўғри, Даминни у қамамаган. Лекин барибир ҳамкасбларининг қилмиши учун ҳам уялиши керак-ку? Минглаб хонадонларда оналарнинг, хотинларнинг, фарзандларнинг қарғишларини эшитиб ҳам юраги титрамас буларнинг. Шуларни эсласам, истеъфога чиқиб кетгим келади. Мен ўғрилари қотиллар билан олишиб келдим. Лекин қаердадир, қайси ишдадир чалғиган бўлишим мумкин. Кимнингдир тақдирига доғ теккизгандирман. Хўш, бу гуноҳларимга нима дейман?

Санжар бу саволни ўзига ўзи берганди. Рамзиддиндан жавоб олиш нияти йўқ эди. Шунинг учун унга тикилиб қарамади. Нигоҳини нотайин бир нуқтага қадади. Иш юзасидан бошланган савол-жавобнинг руҳиятга таъсир этувчи оҳангга бурилиши Рамзиддин Рамазоновга ҳам таъсир этди. У жавоб беришга мажбур эмаслигини билса-да, бироз ўйга чўмиб, сўнг сўз бошлади:

— Гуноҳдан ҳеч ким фориг эмас. Гап қандай шароитда гуноҳ қилинганида. Агар билиб туриб қилинган бўлса «Улар — жабборовлар, биз — бу бизмиз!» деб кўкракка муштлашга ҳожат йўқ. Жабборовларни муҳокама қилиб айблашга ҳам ҳаққимиз йўқ.

Солиҳов саволни ўзига ўзи бергани каби, Рамазонов ҳам жавобини худди ўзига ўзи айтгандай оғир-босиқлик билан гапирди. Гап оҳангида кесатиқ ҳам, ўпка-гина ҳам, айблаш ҳам йўқ эди. У ана шу вазминлиги билан ногаҳоний бу суҳбатга нуқта қўйди.

Капитан қоғозларини олиб чиқиб кетгач, бироз уриниб, чарм қопламаси титилиб қолган ўриндиққа ўтиб ўтирди. «Бу ишларга ярамай қоляпман шекилли. Рамазонов бошлади мени. Жиззакки бўлиб боряпсиз, демасдан туриб жиззаклигимни айтди, — деб ўйлади у. — Қойил қолиш керак унга. Ўзи турган-битгани шуми ё урушда ўлим кўравериб, қон кўравериб, даҳшат кўравериб совуққон бўлиб қолганми? Йўқ, палаги тоза бунинг. Уруш кўрганларнинг аксари асабий, мендан баттар жиззакки. Балки Рамазоновнинг шу ақли уни урушдан омон олиб чиққандир. Унга қараб минглаб ўқлар отилган, у эса тирик қайтган. Омадданми ё ақлданми бу? Кўпроқ ақлдандир. Аслида у менга эмас, мен унга ёрдамчи бўлишим керак экан. Бунақа нозик ишларда тажриба эмас, ақл асқотади. Аммо бунақа ақл билан ишлаш қийин бўлади. Ён-атрофимизда ақлдан кўра ҳиссиётга суянадиганлар кўп. Қўлимизда эса ақлни тан олмайдиган идораларнинг кўрсатмалари, чизган чизиқлари бор. Капитанга шуни айтиб қўйишим зарур...»

Солиҳов бироз шу зайлда ўтиргач, Шариповниқига боришни мўлжаллаб ўрнидан турди.

Кечагина Дайдидара, Қирқбелда бебошлик қилган изғирин бугун доvonларни писанд қилмай ошиб келиб, шаҳар кўчаларида сарсари кезарди. Айрим дарахтлар изғирин шамолнинг ёлғон гапларига ишониб, ечинмоққа киришганлар. Шамол уларнинг барглари юлқиб олиб кўчаларга ўйнайди. Уйнай-ўйнай зерикади-да, чап-тўзонга аралаштириб бурчак-бурчакларга тиқиб, жимиб қолади. Сўнг яна кўзғалиб, яна шумликларини бошлайди.

Санжар Солиҳов кўчага чиққач, дайди шамолга рўбарў келиб плашининг ёқасини кўтарди. Фуражқасини бостириброк қўйди-да, трамвай йўли томон тез-тез юрди. Шаҳарни иккига ажратиб турган анҳор кўпригидан ўтгач, юриб кетаётган трамвайга чаққонлик билан чиқиб олди.

Эски шаҳарга етгач, трамвайдан тушиб, бозор кўчаларидан юриб ўтди. Ресторанлар олдида одам сийрак, шамол туйфайлими бозор ичи ҳам гавжум эмасди.

Сиддиқ Шариповнинг дарвозаси берк экан. Майор дарвозани бир неча марта тақиллатди. Энди кетаман, деганда ичкарида шарпа сезилди. Кейин аёл кишининг «ким?» деган хаста овози эшитилди.

— Мен майор Солиҳовман, милицияданман. Тунов куни келган эдим. Сизлар билан яна гаплашишим керак.

Ичкаридан садо чиқмади.

— Эшитяпсизми гапимни?

— Эшитяпман.. уйда ўғлим йўқлар.

— Сиз... Шариповнинг оилаларимисиз?

- Ҳа.
- Сиздан сўрайдиган гапим бор.
- Уғлим йўқлар.

Солиҳов «мен ўғлингиздан эмас, сиздан сўрамоқчиман», демоқчи эди, аёлнинг мақсадини тушуниб қолди. Эрқаги йўқ уйга кириш одобдан эмаслигини унутаёзган, иш юзасидан деб бостириб кираверишга ўрганиб кетган экан. Ичкаридаги хаста овоз унга бундай қилиш яхши эмаслигини англашиб қўйди. Чўнтагидан чақирув қоғози олиб ёзди-да, дарвоза тирқишига қистирди.

- Бу қоғозни ўғлингизга бериб қўйинг, эртага идорага борсин.
- Билмасам, вақтлари бўлармикин, ишдалар.
- Бу қоғозни кўрсатса, ишдан рухсат беришади. Кечикмай борсин. Айтмоқчи, қаерда ишлайди ўғлингиз?
- Ўзларидан сўрайсиз.

Солиҳов ажабланиб бош чайқади-да, изига қайтди. Муюлишда бир фикр хаёлига келиб, чойхонага қараб юрди. У ерда икки йигит шахмат суриб ўтирарди. Чойхоначи деразадан Солиҳовни кузатиб турганмиди, кириши билан дарров пешвоз чиқди. Шахмат ўйнаб ўтирган икки йигит унга бир назар солишдию салом бериб, яна доналарига тикилишди. Чойхоначи ликопчага беш-олти парварда солиб, бир чойнак чой билан келтириб қўйди.

— Раҳматли Сиддиқ охунниқига фотиҳага келганга ўхшайсиз. Кеча бош ҳадмни беришди. Йўлчивой бугун ишдадир. Бечораларга жавр бўлди. Бинойи юрган эди. Қўли очиқ одам эди раҳматли. Шу ҳовлини сотиб олганидан кейин, кўчиб келмай туриб бир кўй сўйиб худойи қилди. Кўчиб келганидан сўнг маҳаллага ош берди. Кимнингдир қасди бор экан-да, а? Сизам охунларданмисиз дейман-а?

Солиҳов кулумсираб иягини силаб қўйди.

- Охунга ўхшарканманми?
- Одам одамга ўхшайди-да.
- Сиддиқжон аканинг сиҳатлари яхшимиди?
- Ҳа, ҳали бақувват эди раҳматли. Оқсаб юриши демасангиз тўрт мучаси соппасоғ эди. Ҳафтада икки марта улфатлари билан шу чойхонада ошхўрлик қилишарди. «Хитойда лағмон еявериби совуғим ошиб кетди», деб ҳазил қиларди раҳматли.

— Улфатлари шу маҳаллала кишиларми?

— Муродилла ака, Рўзижон шу маҳаллада туришади. Қолганлари ҳар ердан... — чойхоначи шундай дейишга деб қўйиб Солиҳовга савол назари билан тикилди. — Ўзлари ким бўладилар, жуда суриштириб қолдилар?

- Мен... милицияданман, қотилни излаб юрибман.
- Ҳа... шундай демасизми, сизни фотиҳачи деб ўйлабман.
- Сиддиқ Шарипов улфатларидан биронтаси билан гап талашиб қолганмиди?
- Бе, ёш болами улар. Ароқ ичишмаса. Бари намозхон. Ошни еб, чойни ичиб, чачқақлашиб ўтиришарди. Ошни ўзим қулинг ўргилсин қилиб дамлаб берардим. «Қашқарда Ислом охуннинг лағмонини, бу ерда Жўравойнинг паловини емаган одам дунёга келмадим деса ҳам бўлади», деб мақташарди мени. Агар улфатлар билан ўтириш ниятингиз бўлса, чойхонани бегона қилманг, хизматингизга шаймиз. Сиздек одамларга хизматни қилсак, бошимиз осмонда-да.

— Гап-сузларида Қашқардаги турмушларини ҳам эслашармиди?

— Ҳа, эслашарди. Лекин мен тайин ўтириб эшитмаганман гапларини.

— Бирон бир одамдан нолишганми ё фалончи бекор келди бу юртга, дейишганми? Чойхоначи ўйланди. Сўнг «йўқ» деб бош чайқади.

— Сиддиқ Шариповнинг ўлимидан олдин бу уйга нотаниш ёки юриш-туриши шубҳали одамлар келмаганмиди?

— Очиғини айтсам, ўйларини кузатмаганман. Уша воқеадан кейин дам-бадам қараб-қараб қўядиган бўлибман, ўзим ҳам ҳайронман.

— Бир марта савдойироқ одам билан ёқа бўғиб туришганини кўрганман, мен, — деди шахматчи йигитлардан бири. Афтидан уларнинг кўзлари шахматда бўлса ҳам қулоқлари бу ёқда эди.

— Қайси савдойи? — деди чойхоначи унга қараб.

— Пешонасига ёзиб олган-чи?

— Ҳе, эси йўқ, қанақасига савдойи бўлсин у, тақводор одам, — чойхоначи шундай дегач, Солиҳовга қараб изоҳ берди: — Нариги маҳаллада Жаҳонқори деган одам борлар. Қироатлари жуда яхши-да. Одамларга қўшилмайроқ юрганлари учун булар савдойи дейишади.

Солиҳов ўрнидан туриб, йигитларга яқинлашди.

— Ўйинларингизга халал бераман энди, йигитлар, — у шундай деб чўнтагидан Жаҳонгирнинг суратини олиб кўрсатди, — шу одамми?

— Ҳа, шу, — деди йигит.

— Қачон кўрган эдингиз?

— Охун ака ўлмасларидан ўн кунча олдин.

- Қай вақтда?
- Эрталаб азонда.
- Нима қилишаётган эди?
- Савдойи Охун акани ёқасидан ушлаб олган экан. Бир нималар деяётган экан, эшитмадим. Урушяпти, десам, секин гапиряпти, тинчлик билан турибди, десам, ёқасини бўғиб олган.

— Аниқроқ айтинг: бўғиб олганми ё ушлаб олганми?
Йигит ўйланди.

— Аниқроқ айтсам: Охун акам чопонда эдилар. Оёқларида махси эди шекилли. Ё ишга кетаётган маҳаллари бўлган ё бомдоддан қайтган маҳаллари. Савдойи шу тўннинг калта ёқасини чангаллаб турган бўлади-да.

Солиҳов булардан бошқа тийинли гап ололмади. Йўлчивойнинг қачон қайтиши номаълум эди. Шу боис идорага йўл олди.

«Сиддиқ Шарипов оқсайди. Муҳаммадризаевнинг акаси ҳам оқсаган, — деб ўйлади майор Солиҳов, — Жаҳонгир тонгда Шариповнинг ёқасидан олган... Улар Дайдида-рага нима учун боришган? Муҳаммадризаевнинг босган излари бизга маълум. Шарипов-чи? Ота маконини ташлаб кетган. Ўттиз йилдан кўпроқ мусофирликда яшади. Нима учун кетган эди? Нима учун қайтиб келди? Кўнглига ғазаб тошларини йиғиб кетгани аниқ, бу тошлар эриб, меҳр сувига айлангани ростми? Балки уни зўрлаб олиб кетишгандир? Йўлчивой... Йўлда туғилгани учун шундай ном қўйилганми? Қайси йўлда туғилган? У ота юртига қандай кўнгилда келди? Ишларимиз хўб ажойиб. Дам отамизни ҳам танимаймиз, дам кўнглимиз дарвозаларини ланг очиб юборамиз. Булар оғир кунларда юртларини ташлаб кетишди. Халқ бу ерда, ўттиз йил бадалида очарчиликни кўрди — одамлар очликдан шишиб ўлдилар. Мозорларга ўликлар сиғмай кетди. Халқ урушни кўрди — дев йигитлар қирилди. Бир бурда қора нон учун тонгни тунга, тунни тоннга улади. Халқнинг дастурхонига эндигина нон чиққан эди. Қозонига эндигина эт тушган эди — булар етиб келишди. Тўқис-туғал мол-мулклари билан қайтишди. Ўз ерларига қайтишди, ўз халқи бағрига қайтди улар. Улар бегоналар эмас. Лекин шу дастурхондаги нонга ҳақлари борми? Энди ўзларини хотамтой кўрсатиб маҳаллага ош тортишга ҳақлари борми? Ақалли биронтаси халқ олдида тиз чўкиб тавба-тазарру қилдиши? Йўқ! Ана шуларнинг бирини отиб кетишди. Мен унинг қотилини топишим керак... Топаман ҳам. Жабрланувчи ким бўлишидан қатъи назар жиноятчини топиш — бурчим. Лекин... жиноятчи ҳам мен ўйлагандай фикр қилган бўлса-чи? Муҳаммадризаевни сўроққа чақирганимда у менга шу саволни берса-чи? Нима деб жавоб қайтараман? Оқлайманми?... «Булар алдовга учраганлар, мусофирликда дардлар чекишди» дейманми? «Олиб қайтган мулкларига қараганда дардлар чекишганга ўхшамайди», деса-чи? «Булар орасида камбағалини кўрмадим», деса-чи?

Солиҳов бора-боргунча шу зайлда ўзи билан ўзи баҳслашди. Хорижга кетиб қолган ўзбеклар қайта бошлаганида Рамазонов билан ҳам баҳслашган эди. Ушанда Рамазонов «Уларни Ватан меҳри тортиб келяпти. Улар Ватанни сотганлари йўқ. Тинчликларини кўзлаб бошпана излаб кетишди. Тарихда бундай воқеалар кўп бўлган. Бутун-бутун эл-элат кўчган. Шаҳарларни, қишлоқларни хувиллатиб кўчиб кетишган. Биз уларни хоин, сотқин ҳисобламаймиз-ку», деган эди. Солиҳов унинг фикрига қўшилган эди ўшанда. Бироқ онгида дастлаб уйғонган фикр бугунгига ўхшаб кўзғалиб қўярди.

Эртасига белгиланган вақтга Жаҳонгирни ҳам сўроққа чақиртирди. Унинг нияти Йўлчивой билан Жаҳонгирни учраштириш эди. Бироқ Йўлчивой кечикди. Солиҳов навбатчига «Йўлчивой Шарипов келиши билан мени оғоҳлантиринг», деб, сўроқни бошлади:

— Бу ердаги туриш-турмушингиздан шикоятингиз йўқми? — деди Солиҳов вазмин ўтирган Жаҳонгирга зимдан тикилиб.

— Туриш-турмушим... — Жаҳонгир ҳазин жилмайди. — Аввалларига солиштирсам — шоҳона яшяпман. Ҳарҳолда оёқ узатиб ётадиган ўрним бор. Энди сал эсларингиз кирганга ўхшайди. Олдин жойнинг ҳисобини қилмай олиб келиб тиқаверардиларингиз. Икки кишилик хоналарда йигирма кишилаб ётганмиз. Финг демаганмиз. Энди турмаларингизга ҳавасга келса арзийди. Менинг шикоятим йўқ, аммо бир илтимосим бор.

— Айтинг.

— Замон ўзгарди, деяписизлар. Агар шу гап чин бўлса — илтимосимни бажаринг. Собитов деган бир бечорани қийратиб қамабсизлар. Болаларини кўмишга ҳам қўймабсизлар. Собитовни биласизми, хотинини чопиб ташлаган экан.

— Ҳа, эшитдим, гапираверинг.

— Ушани қандай бўлмасин, отишга ҳукм қилиш керак. Ердам беринглар.

Солиҳов бу гапни эшитиб, ажабланди. Жаҳонгирнинг пешонасига унинг яширин мақсади ёзиб қўйилгандай қаттиқ тикилди.

— Нимага? — деб сўради у Жаҳонгирдан кўз узмай.

Жаҳонгир ҳам унга тикка қаради. Шунда Солиҳов бу кўзларда макр йўқлигига ишонч ҳосил қилди. Жаҳонгирнинг кўзларида макр эмас, маъсумлик бор эди.

— Унга раҳм қилинглар, — деди Жаҳонгир. Энди унинг овозида дадиллик йўқ эди. Энди у эзилган, хўрланган бир одам овози билан гапирарди. — Тирик қолса жинни бўлади. Хор бўлиб ўлади. Отсаларингиз бир бечоранинг жонини азоблардан қутқарасиз.

— Буни биз эмас, суд ҳал қилади, биласиз-ку?

Солиҳов дард билан айтилган илтимосга шундай совуққонлик билан жавоб қайтарди. У Жаҳонгирнинг дардини ҳазм қила олмас эди. Унинг қалбида бундай дардга, раҳмга, меҳрга ўрин йўқ эди. Жаҳонгирнинг дардига шерик бўлиш учун, ёрдам беролмаган тақдирда ҳам, жилла бўлмаса умидбахш жавоб қайтариш учун у ўша бечора отанинг аламларини ҳис қилиши керак эди. Бу аламни Жаҳонгирдай ҳис этиш учун эса фарзанд ҳажрида ўттиз йил куйиши керак эди. Солиҳовнинг бошидан бундай балолар ўтмаган, алалхусус уни бедардликда айблаш ҳам ноўрин бўлар.

Жаҳонгир Солиҳовга тикила туриб, унинг совуққон жавобидан ажабланмади. Терговчиларнинг бундан баттарини кўрган, бундан баттар совуқ гапларни эшитган. Йўқ, гап оҳангидан таажубланмади. Унинг ҳайрон қоладиган жойи бошқа ерда — «Оллоҳ одамзодни бир-бирига раҳм-шафқатда яратган экан, қани бу раҳм-шафқат, қайларда қолди?» Жаҳонгир рубарўсидаги одамга шу савол назари билан тикиларди.

— Ҳа, биламан, — деди у ниҳоят. Энди унинг овозида эзилиш оҳанги йўқ эди. Энди у афсус билан гапирарди. — Эсиз, яхши замонлар ўтиб кетибди-да, а? Уч киши ҳа, деб қўйса масала ҳал эди. Замон чатоқ бўлибди, начайник.

Солиҳов бу гаплар кесатиқми ё чанми, фарқламай ҳайрон эди. У яна бир нарсага ҳайрон: кечагина ўзига сўнги ўқни сўраётган одам бугун бошқа киши учун ҳам тиланяпти. Бу меҳрибончиликми? Собитовни азобдан қутқаринг, дейди. Ўзи-чи, ўзи нимадан қутулмоқчи? Солиҳов бу саволга Жаҳонгирнинг кўзларидан жавоб излади. Ҳозирги маъсум кўзларда энди ҳеч бир маъно йўқ эди. «Одам зоти васваса ҳолга етганда кўзларидан маъно қочарди. Бу одамга нима бўлди?»

Солиҳов хаёлини йиғиштириб муддаога кўчди:

— Муҳаммадризаев, акангиз оқсар эдими? — деб сўроқни бошлади.

— Акам йўқ менинг, — деди Жаҳонгир эътиборсиз оҳангда.

— Хорижга кетиб қолган акангизни айтяпман. Исми Оламгир эди шекилли? Яна ҳам аниқроқ айтсам — ота бир, она бошқа акангиз.

— Етти пуштимизда чўлоқ бўлмаган.

— Шарипов ҳам оқсамаганми?

— Уни танимайман, юрганини кўрмаганман, деб айтдим-ку?

— Муҳаммадризаев, сизни Шариповнинг уйи олдида кўришган. Эрта саҳарда Шариповни ёқасидан олгансиз. Орангиздан нима гап ўтган?

— Айғоқчиларингиз айтишмадими, тўқиб-чатишга уста-ку улар?

— Улар айғоқчи бўлишганда, гапингизни қандай бўлмасин, эшитишарди. Улар ўша маҳалланинг йигитлари. Сизни танишар экан.

— Бу дунёда ким кўп — оғзига кучи етмаган одам кўп. Тил бесуяк, беназорат, истаган пайтида тиш ҳатлайверади. Начайник, менга ҳар хил гапларни топиб келаверманг. Мен айтганидан қайтмайдиган одамман. Муҳлатингиз тугаяпти, агар ишни тезроқ юмалоқ-ёстиқ қилмасангиз ҳолингизга маймунлар йиғлайди. Кейин мен билан бунақа юмшоқ муомала қилиб ўтирмайсиз. Дўқ-пўписага ўтасиз, сўкасиз, урасиз. Ушанда мен ҳам тўнимни тескари кийиб оламан. «Мен ўлдирмаганман, қотил учинчи из эгаси», деб туриб оламан. Ушанда сиз мени қаттиқроқ ура бошлайсиз, қўлларимни қайирасиз, бармоқларимга болға урасиз, бурнимнинг учига папирос чўғини босасиз. Мен айтганидан тонмайдиган одамман, барибир «ўлдирмадим» деб турaveraман, ҳа, начайник, бу ёғини ҳисобга олмайсиз. Хўп, деб турганимдан фойдаланиб қолинг.

— Сизга ўхшаган бир доно муаллим етмай турувди. Менга ким ақл ўргатаркин, деб гаранг эдим. Раҳмат сизга. Қарангки, феълимиз бир экан: мен ҳам айтганимдан қайтадиган одам эмасман. Майли, сиз тонаверинг, сизни беҳос сайратиб юборадиган далиллар бор ҳали. Қирқбелликлар Оламгирни унутишмаган. Бу ёқда Сергей Комлев бор.

Бошини эгиб ўтирган Жаҳонгир терговчига ялт этиб қаради: кечадан бери Сергейни эслаётгани бежиз эмас экан-да. Булар унинг ҳам изига тушишибди-да?

— Унга тегманглар, унинг алоқаси йўқ бу ишга.

— Шарипов — акангизми?

Жаҳонгир сонини илон қаққандек сапчиб туриб кетди. Солиҳовга бақрайиб қаради. Тили дарров гапга қовушмади.

— Сиз... гапни... унақа айланторманг, начайник... Мен уни танимайман. Акам йўқ менинг, ўлиб кетган у! Иигирма иккинчи йилда! Довонда қор босиб ўлган.

Солиҳов мўлжалли аниқ олганига ишонч ҳосил қилди.

— Яхши, — деди у хотиржамлик билан, — ўзингизни босинг. Мен гумонимни айтдим, бунча асабийлашмасангиз?

Телефон қўнғироғи жиринглаб, навбатчи Йўлчибой Шарипов келганини маълум қилди.

— Йўлчивой Шариповми, кираверсин, — деди Солиҳов атайин овозини кўтариб. Йўлчивойнинг номини эшитиб, Жаҳонгирнинг саросимаси ортди.

— Начайник, бугун бошқа жавоб бермайман. Қамоққа қайтаринг, худо хайрингизни берсин, иложи бўлса ёлғиз хонага қўйинг.

— Уйлаб кўрамиз. Балки сиздан тилхат олиб, чиқариб юборармиз.

— Нимага? Уйлаб иш қилинг, начайник!

— Қотиллигингиз исботланмаяпти, сизни узоқ ушлаб тура олмаймиз. Ҳозир эса бир одам сизни юзма-юз қиламан.

— Керак эмас, мен хоҳламайман!

— Хоҳишингиз бизни қизиқтирмайди. Анави бурчакка бориб ўтиринг.

Хонага икки киши кириб, Жаҳонгирнинг ёнидан жой олгач, остонада Йўлчивой кўринди.

— Бу одамларга яхшилаб қаранг, биронтасини танийсизми? — деди Солиҳов.

Йўлчивой ўтирганларга бир қур назар ташлаб, Жаҳонгирни кўрсатди.

— Бу кишини бир-икки марта кўрганман, бизниқига келганлар.

— Узлари келганмилар ё меҳмонга чақирганмисизлар?

— Узлари чақириб келганлар. Отам раҳматли билан дарвозахонада гаплашишган.

Ичкари кирмаганлар.

— Ораларидан қаттиқ-қуруқ гап ўтмаганми?

— Фаҳмламаганман.

— Бу киши кетгач, дадангизнинг кайфиятлари бузилмаганми?

Йўлчивой ўйланди. У эслаш учун ўйга толмади. Аксинча, дадасининг саросимасини, онасига бир гапни пичирлаб айтганини, онасининг ҳушидан кетаёзганини айтиш ё айтмаслигини билмай ўйланди. Охири бир қарорга келиб, жавоб берди:

— Йўқ, бузилмаган.

— Сиз ёки онангиз Оламгир Муҳаммадризо ўғлини билармидингиз?

Йўлчивойнинг ранги ўзгарди. Юзи учди. Жаҳонгирга худди ёш боладай жавдираб қараб қолди. Жаҳонгирнинг кўзи ҳам унда эди. Ҳозир саволига жавоб топгандай бўлди: бу катта бош, бу ўткир кўз, туртиб турган яноқ, қалин лаб, тўлиқ гавда, овоз... ҳа, овоз ҳам Жаҳонгирни эслатарди. Солиҳов Жаҳонгирга қаради. Жаҳонгир Солиҳовнинг кашфиётини сезгандай бошини эгиб олди, Солиҳов:

— Оламгир Муҳаммадризо ўғлини эшитганмисиз? — деб саволини қайтарди.

— Йўқ... — деди Йўлчивой қатъиятсизлик билан.

— Дадангиз туғма оқсоқ эдиларми ё яраланиб, ё оёқлари синиб оқсаб қолганмилар?

— Дадам... туғма эканлар.

— Сиз Қашқар йўлида туғилганмисиз?

— Ҳа.

— Болаларингиз-чи?

— Ҳаммаси Қашқарда туғилган.

— Нечта болангиз бор?


— Уч ўғил, бир қиз.

— Исмлари нима?

— Каттаси Жаҳонгир, иккинчиси Зойир... учинчиси...

Учинчисининг исми Жаҳонгирнинг қулоғига кирмади. Кўкрагини бирнима қисиб келиб, томоғини ғиппа бўғди, кўз олди қоронғилашди. Узоқ-узоқлардан ғалати товушлар эшитди. Сўнг осмон билан ер туташган жойда дўмбоқ ўғил бола кўринди. Болакай ястаниб ётган поёнсиз лозазордан югуриб келиб, ўзини унинг қучоғига отди...

Охири келгуси сонда



Омон Матжон

НЕГА МЕН?!

Достон

Бир куни, тонг отмай,
уйғониб ногоҳ,
(Баҳор ёзга келиб туташган кезлар),
Кўрдим: Шарқий уфқдан бир шуъла чиқиб,
Юксалди, сўнг пастга тўшалди тезлаб...

Уфқ иккиланган пайт.

Боғ-қирлар оша
Тушган бу не йўлдир, имлаб фалакка?
Лол эдим, бирдан шу олтин кўприкнинг
Бир тутам шуъласи тушди юракка.

Ё тун, мана, тонгдан енгилганлигин
Найзасини ерга ташлаб, билдирган!
Ё икков уфқда талашган пайти
Заминга бир сирли элчилар келган!

Сал ўтмай... кун чиқди.
Нажиб ул шуъла
Кундуз оқлигига қоришиб кетди.
Назаримда шу тонг, шу куни олам —
Ўзгача бир тиниқ ёришиб кетди!

Юртнинг осмони ҳам — тақдирига мос,
Ундаги ҳар титроқ шоирга маълум.
Бир зумлик мўъжиза! Уйлайман, нима?
Эл уйқуда эди, кўрмади ҳеч ким.

Айтарлар: гоҳ пайтлар ҳар бир юртга ҳам

Муборак бир тонгда, йўл солиб ерга,
Фаришталар тушар эмишлар кўкдан,
Ўзгаришлар олиб заминга, элга.

Эмиш, баъзи пайтлар ўзлари келмай,
Юрт, эл ё қавмдан бирон инсонни
Шу йўлдан кўк сари ундар эмишлар,
Баландроқдан кўрсин дея жаҳонни:

Ерда ҳаёт қандай? Эл ҳоли нечук?
Тарихлар, тузумлар пойингда бир газ,
Юксаклик сарватин кўрсат элингга,
Ҳечса, осмонларда ўзингни кўргаз...

... Ҳа, сал ўтмай, қуёш ўз иши билан
Яна машғул кетди — одатий кундуз.
Уша зоҳирликни аммо, ул тонгни
Сўнг зинҳор кўрмадим.

Билмайман ҳануз...

Агар ушбу бизнинг воқелик, давр
Кўздан чет бўлса яратувчининг,
Унда одамдаги минг ранг хислат не,
Не даркор сезги-ю, ғурур кучининг?!

Демак, ҳар шаҳарда, ҳар кентда, сўзсиз,
Кўк тубига кетган сирли йўллар бор.
Балки шундан чиқар кўкка ер оҳи,
Гўё сўнги илинж, гўё сўнги зор?!

Ажаб «намозхон»лар — ваъзхонлар

Эслаб етмишинчи йилларни энди,
Гоҳ таҳлика босар мени, гоҳ ҳайрат:
Нечун ўлган эди у йилларда руҳ,
Бўғзигача ерга қадалиб ҳайрат?!

Ҳар қандай ташаббус ё қадаҳларнинг,
Ё ғафлат тубида берар эди жон.
Амаллаб бир-бирин ёки ўз-ўзин
Уйғотганлар баттар эдилар сарсон.

Аммо дабдабали биллур қасрлар
Ишсиз эмас эди, сарбаланд эди:
Миллатнинг нишондор минг-минг зотлари
Сирли ибодатга бунда банд эди.

Бош имом алҳол бир калом айтмаёк
Қолганлар қўл очиб, такрорлаб яқдил,
Чапак чалардилар, «Хўп-хўп!» дердилар,
Чеҳра ҳам, юз-кўз ҳам, тиллар ҳам бир хил...

«Ҳа-ҳа!» муридлари, «Хўп-хўп!» куллари
Самолётга чиқиб ҳаммадан бурун,
Етиб келасолиб пойтахтларига
Мажлис бошлардилар шу кун кечкурун.

Ва ўз навбатида, чоғроқ тўралар
Областга, районга, қишлоққа бориб,
Боз кичикроқларга шу ваъзни ўқир,
«Яқдил», «бир овоздан», қўл кўтартириб.

Қаттиқроқ «Ҳа!» деса — районга номзод,
«Ҳа, ҳа!» деса область,
уч бор «Хўп!» деса,—

Ундан-да юқори!

Бу ёқда эса
Халқ ўз ғами билан — юраги ғужтўп.

Тонгда турардилар улар! Ва лекин
Шафақда ўзни пок айлаш қайда?! Йўқ!
Сабухий ичмакни кўзлар эдилар,
Ўз осик, қовоқ қоп, кўз қизил, юмук...

Қишлоқда сабоқ шу, мактабда шу — илм,
Дорилфунунларда ягона фан шу.
Шиорлар шу сўзни такрорлардилар,
Тангрини тоқликдан бездириб ёҳу.

«План-н-н!!!»
Не йўл, не усул билан
Шуни тўлдирса бас, шуни «бажарса!»
Қоғоз ахборотлар, қоғоз вагонлар
Бас, уёқ-буёққа юргилаб турса!

Ҳамма ёдлар эди битта сўз айтса —
Кремлдан Суслов — туғма склероз!
Қоғоз кўкракларда қоғоз орденлар
Халқнинг қоғоз бахтин қиларди кўз-кўз,

Ўқувчи дарбадар, талабалар понг,
Янги гап айтолмай олимлар гаранг.
Инженер фаррошча иззатда эмас,
Колхозчи... тупроқдан кўринар аранг.

Шоирлар оқ умид билиб, илинган,
Пахтамиздан сирқиб қора толалар,
На тонгнинг, на куннинг фарқига бормай
Кулонг, қора бўлиб қолди болалар.

Нишондорлар эса зеби-зийнатнинг
Қадрю қимматин зап билардилар.
Ҳаёт, бу — мансаб деб ва ҳар байрамда
Бирон нишон олмоқ деб билардилар.

Энг Бош «имом» эса, ҳали тарихда
Бу хил мўъжизани кўрмади жаҳон:
Нишон тақабериб ўзига-ўзи,
Бу юкдан йиқилиб, таслим этди жон.

Биллур қасрларда биллур қандиллар
Шиллик курт кирса ҳам сўзсиз жонланар,
Лекин тахт эгаси хира ақл эрса,
Юрт кимдан руҳ олар, кимдан жон олар?!

Не сўз, элнинг-юртнинг орзуларини
Ерга топтаганлар бугун бари хор.
Бирлари кўксини чангаллаб ўлди,
Бирлари осонроқ ўлолмай абгор.

Бундан ҳам баттари — уларга мурид —
Шогирдлик ё хизмат бурчин ўтаган
Минг-минг алп йигитлар бугун ҳибсда,
Бегуноҳ оила — уйда ўксиган.

Ҳа, ажаб ваъзхонлар қавми эди бу,
«План»дан бошқага ярамаганлар,
Лекин Москвада не-не эшикка
Закот ташимоқдан ҳоримаганлар.

Давроннинг бу қандай мўъжизасиким,
Не сирилиш бўлди фалақда бу он:
Шайтоннинг айбимас, жичча наф учун

Кўшилиб кетдилар «кофир»-«мусулмон».

Бу қавм албатта яхши биларди:
Тонгни ҳам, нурни ҳам, ҳатто шафакни!
Лекин қуёш қадар юксак тутмасди
Уз она халқига меҳр, шафқатни...

Балки фаришталар тушгандирлар ҳам,
Ҳайрон ҳам боққандир ердаги ҳолга:
Аммо кўк не берар, арш нима қилар,
Узи қаддин тикка тутмаган элга?

Йигирманчи йиллар — хун, ўттиз — қувғин,
Қирқда яна қирғин, элликда баттар.
Олтмишда сесканиш, етмишда турғун...
Нақ портлаш олдидан... сукунат, хатар...

Айтинг, саргардонлик топарми кўним,
Ноҳақликка кимдир берарми жазо?
Айтинг, ваҳиманинг ёши нечада,
Елфоннинг ўлимин кўрарми дунё?!

Ёсуманлар

Ногаҳон бемаврид чаққандай чақмоқ,
Гўё ўша, тонгга яқин маснадда
Гўрўғлининг отин ўғирлаб қочмиш
Ёсуманлар чиқди бизнинг давлатда.

«Анор гумбази»дан ёруққа чиққан
Бағри қон доналар қандай пок, нажиб!
Аммо кафтдан сачраб, ҳарён бутрашса,
Оёқости бўлар титраб, қон очиб.

Бу қавм ҳам фаришта атади ўзни:
Гўё юртни нурга чиқармоқ истаб,
Она Шарқ юзидан сўнгги нур илинж —
Ҳаё пардасин ҳам сидирмоқ истаб...

Колхозчи аёллар бирпаслик қаров,
Бирпаслик оромга он кутардилар.
Шу юрт ўлмасин деб, ўнтадан туғиб,
Қилдек жонга қирқта жон тутардилар.

Булар ҳам ваъзхонлар қавмидан эди,
Она тилга, шеърга солмоқчи кишан...
Буям эл кўкрагин тешиш важҳига
Ўзининг кўксига кўзлаган нишон.

Булар ҳам нақ Дажжол, нопок қавм йиғиб,
Тангри тиз чўкишин тусагансимон,
Фалакнинг инсонга нурли совғаси —
Жон учун азани этмоқ бўлди ман!

Асли, ҳар замонда фидойиларнинг
Жони тўлуғ бўлар қайғу-аламга.
Баттар жафоларни энди олдилар
Уша жон деб жони куйган одамлар.

Бу пайт қайда эди ўша нур йўли,
Гарчи тинган эди қирғинлар, уруш?!
Балки сал тикланса басмиди бошлар?!
Аммо юрмай юрдик,
ишламасдан иш...

Уз тилимда сўзлаб — миллатчи бўлдим,

Салом деган одам — Исломга бакор!
Ит солдик эшикка келган Наврўзга,
Юртни четлаб ўтди неча бор баҳор.

Ҳар устун нақшида Қуръондан сура,
Ҳар салла остида халифа кўрган
Разил тафтишкорлар ўзи ким асли,
Кимнинг жосуслари, юртимда юрган?!

Оқни оқ — қорани қора демас жон,
У буткул сотқиндир ё ғофил бутун.
Озодлик шевасин билмаган жонлар
Қандай сўз айтсинлар озодлик учун!

Аслини олганда, тил нега керак,
Хусусан «Она тил?» Даҳмаза, иллат...
Тағин лаҳжаларин кўплигин айтинг...
Нега керак, ахир, минг туман миллат?!

РОБОТҚУЛ қандай соз! Тугмани боссанг,
Айтган томонинга югурса, борса!
Кимга керак, ахир, бир куни тонгда
Кимдир ўз тилида куйлаб юборса?!

Ҳа, худди шу ерда экан, сир қаранг:
Ҳар халққа ўз тили куйлашга керак!
Ўша тахтиравон йўлнинг бошида
Зумрад юлдузларни ўйлашга керак!

Юртнинг маънавият қасрин бузганлар
Ким ўзи, хўш, айтинг бугун бир қараб?!
Худди шундай зотлар худди шу тахлит
Неча авлодларни этганлар хароб!

Аёлга фалак бахш этган сифатлар
Доим дилга солмиш ҳайрат ва ларза.
Лекин тиғ ё қалам тутса ул қўллар,
Биламан, титраши мумкиндир ҳарса...

Аслида, ҳар миллат — ерида эркин,
Ўз урфи, ўз тили, шеърида эркин.
Ўзгалар мулкига ҳаддимиз йўқ ҳеч,
Бас, бўлсак улардан берида эркин!

Пахтадами фожиа?!

Ҳамма бало балки пахтамиздами,
Яъни, юзи оқу ичи қорадир?!
Асли, баъзи кўзлар ипак майиндир,
Баъзиси бўялган бўздек оладир.

Жаҳонда, аслида, кимнинг кимлигин
Дарди-касалини, қалби борини
Ҳар кимнинг кўзидан аниқлаш мумкин,
Кўриб қорачуғи оламшарини!

Пахтанинг ўзини тинглаб кўрдикми
Кўсак ўз эрки-ла тил ёрганида?
У нени сўзларди, зўрлик, зулм боис
Шунча заҳар ютиб юборганида?!

Пахта! Агар унга тил битса борми,
Балки Иваново, балки Польшада,
Толалар тароққа тушган маҳали
Ўзбекчалаб: «Э воҳ!..» дердилар зада!

Йиллар, ойлар, кунлар, кеча ва кундуз
Ўзбек ўз поёнсиз ҳасратларини
Далада ўзига ўзи сўзларкан
Кўсак жамлар унинг шу гапларини!

Ўзбекнинг беўхшов митти шодлигин
Акс этар ғўзанинг жайдари гули,
Ки йиллар муаллақ эди бошида
«План» отлиғ жазо қиличин мили!

Ҳа-да! «План — қонун! Мажбурият — бурч!»
Хоҳлаган бир раҳбар бу мамлакатда
Ўз истагин қонун этарди сўзсиз,
Қолганлар тилсиз қул эди, албатта!

Янги чингизхонлар, шундоқ, туғилиб,
Далаларга ҳайдаб милён бояқишни,
Қорикқа қадалган жажжи бошларни,
Билмадик, ким учун поя қилишди?!

Ҳар қандай инқилоб ўз фарзандларин
Охир барисини ютгани янглиғ,
Пахта ҳам пахта деб жон тикканларнинг
Неча авлодини этди қурбонлик.

Мен бугун кўрқаман, йиллаб шу тахлит
Ёлғон қонунларга бош эгган авлод
Энди Келажакнинг қаршисида ҳам
Эгилиб-букилиб қолмасмикин, дод?!

Юқорида айтдим, ҳибсдадир бу кун
Минг-минг ота-ўғил, ака, куёв — йўқ...
Минг-минг хонадонда тирик етимлар
Кўзлари — ҳар нени отишга шай ўқ!

Мен ўша мингларга оқловчи бўлай,
Уртоқ Прокурор, очинг қамоқни!
Бегуноҳ етимлар хун ёши билан
Баттар қизартирманг алвон байроқни!

Агар ўша минглар гуноҳкор бўлса,
Айбланг замонанинг ўзини айни!
Улар таржимои ҳолин барчаси
Ёзганлар: «Бахтлиман замон туфайли...»

Уртоқ Прокурор, барин, бўшатиңг,
Ёмон отлиғ этманг бир халқнинг жонин!
Кўрдик, минглаб шиор ёзибсиз ҳар йил,
Ёзмасдан мукаммал бир сатр қонун.

Жиноят, заҳарли замбуруғ каби,
Албат жуфти билан бўлади ошкор,
Ким ўғринча четга бир не сотганми,
Шу давлатда унинг бир шериги бор!

Боғбон қайда, боғ қайда?

Боғлар ҳам камайиб кетди шу йиллар,
(Яшилликдан ер ҳам, кўк ҳам умидвор).
Одамнинг бир умри давоматида
Дарахтга боғланган ўн мингта ип бор.

Агар биз майсанинг устида ётиб
Чинор келбатига бўлсак маҳлиё,
Бизни ҳам сартапо ўз ўлчови-ла

Элаклаб туради донишманд дунё.

Эсимда, бир даста кўчат қўлтиқлаб,
Баҳор бозоридан чиқарканман шод,
Гўё келажагим кучоқда эди:
Ул нурли кўприкка чиққандек озод!

Худди, худди шу пайт юқори раста —
Баланд пештахтали айвондан сипо
«Буларниям кўринг! Барака топинг!»
Чорлади молига имлаб бир «бобо».

«Мана шу кўчатни кўшиб обкетинг...»
Қарасам бекорга таклиф этмаган,
(Мен кўчатга боқсам — у менга боққан!)
Назаридан ўтган не боғ, не чаман?!

Ишондим. У берган уч-тўрт ниҳолни
Ўз дастамга кўшиб кўтарсам бардам,
Ёқасида тўрт-беш тешик ўрни бор!
Юрагим шиғ этди: «Нишондорлардан!»

Бу нечук иш? Қандоқ? Касб ўзгартириб,
Энди боғбонликка ўтгани недан?
Бир пайт қанча боғни пахта деб, чопиб,
Бугун бизга кўчат сотгани недан?

Ҳар кўчат ҳам нур-да!

Мен энгил уча
Бир кучоқ орзуни алқаб кетардим:
Ушал тонг йўлида, гўё боғбондек,
Четларига саф-саф ниҳол экардим!

Мўъжиза жуда кўп куттиргани йўк,
Боғимда қад тутди дилшод ниҳоллар,
Аммо шодлик билан баравар боғда
Юз берди кўнглимни доғ этган ҳоллар.

«Нишондор» ул боғбон берган кўчатлар
Зарпечак заҳали экан, ишқалли.
Ёздаёқ боғимга совуқлик тушди,
Сарғайди келмаёқ юк тугиш гали.

Йўк. Ул «бозорчи»ни мен бекор сўқдим —
Қим не нишон тақса — шунинг бандиси.
Қушхона кўчса ҳам ўрнида узоқ
Қолади кузғунлар, қолар қон иси.

Демак биз нафақат ҳар бир фаслнинг,
Ҳар кўчат чамасин олмоғимиз шарт,
Юртда чин боғбонлар борлигин сезсин
Умид ғунчаларин туккан ҳар бир нарт.

Болаларга бир нима беринг...

Етмиш тўққизинчи йил.

Бухоро йўли.

Газета варақлаб бўлиб ногаҳон
Евтушенко боқди ҳайдовчига: «Айт,
«Кичик ер», «Тикланиш», ҳоказо айрон,

Бўтқа битикларни ўн йилдан кейин
Бирон одам олиб кўрадимми? Йўқ!»
Шофёр елка қисди. У «Интуристдан».
Шоирга индамай боқди кўзи лўк.



Мусавир Т. Саъдуллаев

«Тагин мукофот ҳам берганлар! Даҳшат!»
Тўғриси, бу исён, бу бало, олов
Мени ҳам ўрнимга парчин этганди,
Бир не демакликка юрак бермай дов...

Ахир, ўз буржида эди Қуёшлар!!
Авжи порлаган пайт! Тик боқсанг — тамом!
Ўзбекистон айна «Социализмнинг
Шарқдаги машъали!» номин олган он...

Йўлда ҳайдовчига, ҳордиқ баҳона,
Дала чеккасида тўхташни айтдим.
Дефолиация ўтган. Пайкал — чипорак.
Пахта терим энди қизиган пайтди.

«Мана бу — пахтазор! Келинлар, кўринг!
Эҳтиёт! Яқинда дори сепилган...»
Салкам одам бўйи фўзалар аро
Болалар ғимирлаб юрар эдилар...

«Заҳар?! Унда нега болалар кирган?
Болалар?!»
Шоирим жунбушга келди.
Уч-тўртта жужуқни ёнига тўплаб,
Бир нелар сўради, бир нелар деди.

Болалар, қўллари ёрилган, қора,
Кўпи ялангоёк, жулдур, саранглаб,
Женяга, космосдан тушган одамдек,
Ҳайрон боқардилар ненидир англаб.

«Падарингга лаънат, Европа! Мана,
Не сабабдан «хб» модада экан!..»
Шоир сўнг анча вақт индамай кетди,
Обкомда заҳар бир гап айтди аранг.

«Ўзбек гуржидан ҳам бой!» дейишганди,
«Остонасигача тўлган олтинга...»
Китоб ҳадя қилган арбоб-шоирга:
«Болаларга беринг... Керакмас менга...»

Ўзбекнинг юраги қай рангда, айтинг,
Не боис бу пахта шунча ок, учқур.
Хирмон қанча баланд бўлса бошлардан,
Нега фожиаси шу қадар чуқур?!

Нега деҳқоннинг ўз юксак меҳнати
Тўсди ўз боласи Келажagini?
Чексизлик эртаги нега тугади?
Ким билар эртанг не кўражagini?!

Ўшанда ул Тонгга, Тилсим шуълага
Жуда яқин юрган эканмиз, ахир!
Чунки Евтушенко олган расмлар
Нурланиб, оқариб қолган негадир?!

Яна бир савол

Ҳа, одам дунёга очик кўз билан.
Одил назар билан боқсайди доим,
Тарихчилар учун иш қолмас эди,
Ўз ерига ҳар ким бўларди ҳоким.

Хў, замон!
Арбоблар ўз бахтин ёзиб,

Бунга мукофот ҳам олар эдилар.
Халқнинг ва пахтанинг ҳолини битган
Шоирни кувғинга солар эдилар.

Шоҳ ўлса ўзгариш бўлар деб зора,
Неча авлод кутди, кутди ҳарҳолда.
Аммо бу замонда шоҳ ўзгарса ҳам
Ҳеч нарса ўзгармас — ақлимиз етди.

Мундоқ олганда-ку тахтнинг гирдидан
Шоиру фозиллар жой олган ҳар вақт.
Навоий Бойқаро шаънин улуғлаб,
Огаҳий Ферузни алқагани ҳақ.

Шоир шоҳ олдида бурчдор эмас ҳеч,
Лекин халқ олдида доим жавобгар.
Чунки халқни меҳнат эгган, сўзлалмас,
Мана шоир нечун нотикдир, магар!

Гоҳи пайт хаёлим зил қанотланиб,
Бардош қаламимни олсам қўлимга,
Мен жавоб тополмай қоламан мутлақ
Бир сирли ҳаётга, сирли ўлимга:

Шунча вақт ким эди бизнинг отамиз?
Золим подшоҳмиди ёки пайғамбар?
Москвага тилсиз қулмиди у ё
Бесамар давлатдан излаган самар?!

Нега у сўнгги бор, не илинж ила
Хоразм сафарин айлаб муддао,
Ўтиб икки дарё оралиғига,
Орол сари йўлда йиқилди танҳо?!

Ўлганлар ҳақида кўп бўлар эртак,
Аммо донишмандлар бермишлар хабар,
Сир ва Амударё оралиғига
Келиб жон бергандир етти пайғамбар...

Терс ҳикматни қаранг:
Улуғ лойиҳа
Ўзи ўйлагандек келса ижрога.
У йиқилган жойда қуюлгай эди
Сибирь дарёлари Амударёга...

Очиқ айтилмаса агар давронда
Гадосининг феъли, шоҳнинг даҳоси,
Халқнинг келажаги, тарихи учун
Бошқа авлод, сўзсиз, бергай баҳосин...

Нега мен?!

Кўп оғир, серташвиш куннинг сўнггида
Ўзимни сўкаман гоҳида баттар:
Сенга нима ғам бу?! Сенга не ташвиш?
Нечун жонинг қийнаб, қўзғайсан хатар?

Орол фожиасин қачонлар айтдинг,
Заҳар дориларни сўқдинг ким қачон!
Тилинг, тарихингнинг, буюқларингнинг
Тақдирини ўйлаб чекдинг минг фиғон...

Сенга нима азоб, мингтами жонинг?
Ҳар кунни мукамал яшаш номумкин.
Ё ўзни ўйлатмай, халқни ўйлатиб
Мавҳум руҳ сўрарми ким учундир хун?!

Сенда не журъат бу? Қайдан шунча ўт,
Куймакликка қайдан шунча ёқилғи?
Ё кул ва ё хожа эмассан-ку сен,
Зўрловчи куч борми: Қилма ё қилғил!

Бу тўхтовсиз тўлқин, аланга, шарор,
Нени ёндирмоқчи, нимани тоблаб?
Ё бир сирли кудрат олдида ўзни
Келажак учунми олурмиз оклаб?

Қаранг, яна нурлар!

Эй дил, парвоздасан, ҳолингни рост айт,
Ҳайиқма, осмоннинг ўз фарзандисан!
Энди кўрқмоқликдан кўрқ! Бир ҳикмат бор:
Недан кўрқсанг — шунга абад бандисан!

Жаннат — у дунёда!» деса чидайсан,
«Келажакда деб, бахт!» мажҳул этган ким?!
Лекин «Бахт — шу куннинг адолати!» деб
Унинг асл номин айтмади ҳеч ким.

Мантиқ коинотдан беради хабар:
Борлиқни қай тахлит қилмайлик баён,
Умр — юлдузингнинг ҳаракат чоғи.
Мазмуни — ортдаги изингдан аён!

Гарчи бу дунёдан хор-залил ўтсанг.
Курашларга ҳушсиз, кўнган, танбал, кул,
У дунёда мавҳум бахт талаб этиб,
Ҳақингни сўрамак илинжинг — бир пул!

Йўлни эртанг учун обқўйиб бўлмас,
Тўсилган бир дарё, бу — икки ўлим!
Бири сув ўлими!

Иккинчиси, бу —
Тўсганники! Кўлмак ичмакка маҳкум!

Тонг — Ернинг ўзини ўнглаб олиши,
Ер ўзин янгилар ҳар тонготарда.
Лекин Тонгга бефарқ қанча жон бўлса.
Ерда шунча жоннинг жони хатарда.

Балки бугун Тонгда, балки эртага
Ер сари тўшалгай ул сўнгни ёғду!
Биздан унга кимдир юксалармикин?
Ҳа, ё йўқ!
Қисмат шу.
Келажак ҳам шу!

Сирли шу кўприкни кўп сўйладим мен,
Дулдул мақтагандек азал бахшилар.
Сулув мақтагандек, боғ мақтагандек.
Полвонлар... Балки чин халоскор шулар?!

Достонлар, ёдгорлар, ботирлар умри,
Билдим, қаердадир узилиб қолди.
Бир офат қиличи тушиб, қон бўлди —
Юртим толеининг орти ва олди.

Энди ким ямайди сўнгни ипаклар
Сийрак тортиб қолган қалб либосини?
Тубсиз жар олдида ким тинглар энди
Йўллари кесилган карвон сасини?

Энди ким ҳаммадан олдин уйғониб.
Ногоҳ кўриб қолса ўшал кўприкни.
Элини уйғотиб, «Кел, кўтарил!» деб
Ким тутиб беради елка, кўкракни?!

Модомики мана, мана ўшал он,
Мана биз асрлар хўп кутган асно.
Тонг ҳали отмади, аммо уфқда
Недир садо берди — нурли, пурмаъно.

Ҳа! Қаранг!

Уфқнинг туман зирҳидан
Бир тола сирғалди ерга олтинсоч!
Бир дастаси кўкда! Бири юрт узра!
Бу ўша! Умидлар кўприги! Меърож!..

Ўйланг, кечагина ўз ҳақинг учун
Юз эшикда лозим эди тиланиш!
Етар! Мана кўприк! Бу сўнги илинж!
Мисли кўрилмаган бир янгилиниш!

Биринчи қадам зил... Уёғи енгил!
Унутинг хатолар, ваҳм, андишани!
Фурсат қўлдан кетса, тамом, яна тун!
Яна чархпалак қолгай пешана!

Қаранг! Йўлга ундаб, чорлаб имонни,
Бир овоз қалқмоқда ҳар бир юракка:
Бу умид Тонгининг олтин торлари!
Бу илоҳий хабар — чорлар фалакка!

Бу овоз бир менмас, ҳар бир кўкракда
Олдин ҳам кўп балққан! Ҳамма эслайди!
Халқнинг юрагида аслан бор гапни
Шоирлар эслатар энг керак пайти!

Бу — аччиқ Ҳақиқат. Хўш, менга келсак,
Ҳеч қачон ўзгага қолдирмам юким.
Мард, ҳалол шоири айтган ҳар бир гап,
Бу — миллат ўзига чиқарган Ҳукм!

Турғунлик йиллари

Дунёга синчиклаб тикилган кўзлар,
Мушкул бир ҳолатни пайқашга тушди.
Қай томонга боқманг, бари — йўлсизлар,
Толелар айқашу уйқашга тушди.

Етмиш йил эл яшаб Қуръон, Тавротсиз,
Эрлар ночор қолди, аёл авротсиз,
Замон дурадгори асбоб-яроқсиз
Илма-тешик томни ямашга тушди.

Қор қора ёғмоқда, ёмғир заъфарон,
Дарёлар ўрнида оқмоқда армон,
Ҳар подшо ўзича чиқариб фармон,
Қолганлар бир-бирин булғашга тушди.

Ёқиб бўлакелдик газни, кўмирни,
Зимистон айлаймиз тез она ерни,
Кўк ютар бундайин улкан қабрни,
Одамнинг сояси қуёшга тушди.

Ҳар ерда ҳоким ҳақ, арбоблар ғолиб,
Қонун шуларники, шуларда қолип,

Энг катта айбдор бир ёқда қолиб,
Жазони бошқалар ўташга тушди.

На майхона қолди юртда, на меҳроб,
На муқаддас қаср, на азиз китоб,
Не-не олтин бошлар кўролмаё оғтоб,
Надомат тунида мудрашга тушди.

Ҳайронман сен ўзбек деган миллатга.
Ерингни тўлдирдинг мараз, иллатга,
Не жавоб айларсан бундай кулфатга,
Қара, пойдеворинг нурашга тушди?

Қани элни яктан этган донолар,
Қани уй файзини тутган момолар,
Қани «Бирлаш! Тиклан!» деган нидолар,
Ғафлат оғусими ё ошга тушди?!

На шомда ишинг бор, на тонгда ёдинг,
Ароқ, уйку бўпти бор эътиқодинг,
Жаҳон саҳнасидан ўчмоқда отинг,
Номингдан бошқалар сўзлашга тушди.

Кўкда йўқ Улуғбек очган юлдузлар,
Кўҳна Урганчингни ёмоқда тузлар,
Ер ости ганжларинг бегона кўзлар
Излаб, кавлаб, ташиб, гизлашга тушди.

Нечун қоралайсан сен ўз ўтмишинг,
Амир ҳам ўз кишинг, хон ҳам ўз кишинг,
Кўрарманми сенинг униб-ўсишинг,
Нечун парвоналар оташга тушди?

Бойқаронг қотилмиш, Темуринг хунхўр,
Мангубердинг зобит, хор, манглайи шўр,
Не хароб миллатсан, борми бирон зўр,
Устунлар тикланмай қулашга тушди?!

Жаннат Ўзбекистон, жаннатинг қани,
Шунча меҳнат қилдинг, меҳнатинг қани,
Сиғинган, суянган давлатинг қани,
Ҳар дайди ит сени талашга тушди?!

Ҳеч ким ўз молига қўёлмас баҳо,
Бору йўғимизни билмайди дунё,
Ҳеч кимдан сўрамай-нетмай не юҳо
Бу юртдан қурбонлик ямлашга тушди.

Узинг бўлсанг эдинг ўзинга қози,
Ҳар оғир-енгилга бўлардик рози,
Етти ётлар қўйиб носоз тарози,
Оқу қорангни кам ўлчашга тушди.

Билганинг-кўрганинг пахта бўлибдир,
Ақлинг, тафаккуринг калта бўлибдир,
Юз сариқ, жигаринг сўхта бўлибдир,
Наслинг шажараси бутрашга тушди.

Узин, элин, тилин нақд сотган ким у,
Бир танда уч сотқин яшагани шу,
Бунини шараф билиб нечалар, ёҳу,
Даврондан мукофот тилашга тушди.

Давр деворида Қодирий қони,
Шимолга кулади жануб Чўлпони,
Заҳр ичди биллур жом тутган Усмонинг,
Қонли базм соқийни сўрашга тушди.

Хўш, бугун-чи, йўқми ҳеч пок тийнат жон,
Ўн жойга хатланар сал фаол инсон,
Ким у, ҳар сўқмоққа қўйиб юз қопқон,
Ҳар йўлни ким обдан боғлашга тушди?!

Киммиш? Ўзимизнинг булар палидлар,
Булар ўзимизнинг абдуллатифлар,
Юлдузлар таъмидан бебаҳра итлар,
Ойни ялоқ билиб увлашга тушди.

Ким эмиш? Барин гоҳ сотган ўзингсан,
Бир-бирингни ғажиб ётган ўзингсан,
Ким бош тикласа тош отган ўзингсан,
Ахир, ўз бошинг ҳам шу тошга тушди.

Келди Махтумқули айтган бир замон,
Унутди «Яхшилик» сўзини ёмон,
Обру талашмоқда кўрт билан илон,
Филлар пашша билан савашга тушди.

Илм, бу аслида тангрининг нури,
Ҳаммага тенг аён эмасдир сири,
Кўпни олим этиб қамчининг зўри,
Шогирд устоз билан курашга тушди.

Кимнинг эри қаттол, кимнинг аёли,
Шундан бир-бирида эмас хаёли,
Ром этиб ўткинчи тулпорнинг ёли,
Кўпларнинг кўзлари ўйнашга тушди.

Азиз нимамиз бор аёлдан бошқа,
Куйиб бўлсалар-да ишда, қуёшда,
Нечук кирмақдалар яна оташга,
Қандай шармандалик бу бошга тушди?!

Тортилиш кучидан собитдир олам,
Қуёш теграсида сайёралар жам,
Аслида меҳрдан яралган одам,
Бурч юкидан бўйин товлашга тушди.

Инсон бир туғилар, қайта туғилмас,
Азал бунёдкори қайта уринмас,
Асли рост нарсалар қайта қурилмас,
Ахир, сув бошқаю ўт бошқа тушди.

Не кўрдинг Сталин бўлганда «отанг»,
Не берди довдирбой, парфеъл Никитанг,
Гўё Брежнев ҳам сенинг ўз хатонг,
Тирноғингни кимлар ковлашга тушди?!

Руснинг уйига ҳам тушди дарз, «алкаш»,
Шунданми режалар, йўллар кўп чалкаш,
Шунданми ўз жойин ташлаб беоташ,
Қайда иссиқ кўрса тарқашга тушди.

Умидсиз шайтон деб такрорлаб оят,
Ёлғиз умид билан яшаш жиноят,
Чунки Ёлғон яна тўқиб ривоят,
Ўзин «янгилаш»га, бўяшга тушди.

Қаранг, янгиланиш деган пешани,
Артди у Халқ руҳи маҳкум шишани,
Бугун қайта англаб азал ишини,
Кўплар орқа-олдин ўнглашга тушди.

Замон бир Ленинга қайтсайди, дейман,
«Ҳаммангиз эркин!» деб айтсайди, дейман,
Планли зулмни отсайди, дейман,
Яна план элни қийнашга тушди.

Шунча сабоқ етар! Ўзингга ишон!
Ўз ақлинг, хулосанг, кўзингга ишон!
Сўнги бор ўз ўғил-қизингга ишон!
Бугун шулар сени ўйлашга тушди.

Асли сендан зўрроқ қандай иши бор?!
Бугун Сайёрада «Ўзбек иши» бор!
Ҳали ўзбекнинг бир ҳайқириши бор,
Қара, томирларинг титрашга тушди.

Бузиб сарҳадларни, ғовларни олиб,
Бори дунё билан қилғил ошнолик,
Йўқса, ўтмишинг ҳеч кўрмай рўшнолик,
Келажак бир жойни топташга тушди.


Азизлар, дўстларим, қавму қардошим,
Истиқбол не бўлар, қотди-ку бошим,
Кўзимга ғилтиллаб келмоқда ёшим,
Деманг: «Шоир яна йиғлашга тушди!»

Шоир жола тўкса ўпинг манглайин,
Унинг хабари бор бир гапдан тайин,
Кимнингки дийдаси қотгани сайин,
Билингни, қалби ҳам музлашга тушди.

Шеърдаги тушкунлик дил гавҳаридир,
Садаф мавқеи ҳам денгиз қаъридир,
Ким деса: «Бу гаплар мендан наридир!»,
Умрини бошқалар яшашга тушди.

Нега мен бу ўтга жонни тикаман,
Нега мен бу ўтни бекор титаман,
Ҳақнинг дийдорини ўтдан кутаман,
Ўзи олов кўнглим не ғамга тушди?

Истагим, бугунми-эртагами, бас,
Ўзбекнинг йўлими-қўлидами, бас,
Юрагим рангида бир не бўлса бас,
Кўнглим шуни фақат тилашга тушди.



Қилич Мустафоев

ҚЎЗИВОЙ

Ҳикоя

— Қўзивой ака, хўп десангиз бугун ишланг, уйга бориб, чечамга товукнинг семизидан сўйдириб, маза қилинг. Бугуннинг ўрнига байрам куни ишлаб берарсиз.

Қўзивой елкасини учирди.

— Майли. Менга барибир, бугун чиқдим нима, байрам куни чиқдим нима.

Қўзивой унга қараб турган одамларнинг лаб-лунжига яширинган кинояни кўрмади, ҳатто сезмадиям. Костюмини елкасига ташлаб, уйига жўнади. Дарвозага етганда Шомирзанинг гапи қулоғига чалинди:

— Қўзивойга қўзи исмини билиб беришган, бригадада у бўлмаса, билмадим, кунимиз нима кечарди?

Шомирзанинг гапини Қўзивой шундайгина қулоғи ёнидан ўтказиб юборди, эътибор қилмади. Нега эътибор қилсин, шунга ўхшаш ва унданам ёмон гапларни эшитмай юрибдими, бири олдида, бири ортида, чапдастлари кўзига тик қараб... Ҳуштагини чалиб ўз йўлида кетаверди. Эски Анҳорга етганда, катта йўлда музика билан ЗАГСга бораётган енгил машиналарни кўрдию, байрам куни синглизиникида бўладиган тўй эсига тушди. Тўйнинг байрам куни белгиланганидан норози бўлди. Энди тўй Қўзивойсиз ўтади. Жиянига вакил ота бўлишдан-ку, умид йўқ. Ундан бўладиган тушум ҳам қулоғини ушлаб бегонага кетади. Акасининг тўйига келмаганидан жаҳли чиққан синглизининг ранг-рўйи кўз олдида келдию, кўнгли бузилди. Бор-йўғи битта сингил, қизини чиқарса-ю, тоға қатнашмаса. Шуюм инсофданми? Қўзивойнинг тўйига келмаганини Синдор амакиси эшитса-чи, унда нима бўлади? У Синдор амакисининг пайғамбар тўйига ҳам қатнаша олмаганди. Тўй май байрамида ўтган эди-да. У Эски Анҳор ёқасида чўнқайганча бармоқларини букиб, байрамларни санай бошлади: олти бармоқ букилди. Шундан бешта-сида Қўзивой ишга чиққанди. Олтинчисига ҳали бор. Қўзивой байрамни яна бир санади... ва елкаси тиришди. Нега энди ҳамма байрамларда фақат у чиқиши керак? Бригадада 10 киши бўлса-ю, беш байрамдаям ишга нуқул Қўзивой чиқса... Шунгаям ақли етмагани учун бошига бир шаппати уриб изига қайтди. Бригада аъзолари аллақачон уй-ўйларига тарқаб кетишганди, дарвоза ёнидаги уйчада қоровул Бўривой чой ичиб ўтирарди, холос.

Қўзивой Бўривойнинг ёнига бориб шикоят қилди:

— Нега энди ҳамма байрамда, фақат мен чиқишим керак-а, Бўривой, нега?

Қўзивой билан Бўривойнинг ораси уч қарич эди, аммо унинг мақсадини Бўривой тушуниши учун ярим соат керак бўлди.

Қўзивой яна гапини қайтарди.

— Ҳ-а,— деди Бўривой олдидаги парвардали ликопчани сал нари суриб.— Олиб тур. Каттакўргонники...

— Йўқ, сиз, Бўривой, айтинг-чи, нега фақат мен чиқишим керак?

— Мен қайдан билай,— Бўривой ёнида турган пиёлага чой қуйиб узатди.— Ма, чойдан ич, ишинг бир гап бўлар...

Қўзивой пиёлани олди, аммо унга ҳозир ичадиган чойидан кўра эшитадиган жавоби муҳимроқ эди.

— Айтдим-ку, мен қайдан билай...— Бўривойнинг жаҳли чиқди.— Сенминан ишласам, ораларингда нима гап-сўз ўтди билмасам...

Бу жавоб унга оғир ботди, чапга қараб аразлади.

— Менга қара, Қўзи,— деди Бўривой унинг аразлаганини сезмай.— Сен ўзи бригаданнинг олдида, байрам куни ишга чиқаман, деб сўз берувмидинг?

Қўзивойга жон кирди.

— Ҳа-да...

— Сўз бериб қуйиб чиқмайман деб ўтирибсанми?— Бўривой бош чайқади.— Йўк, акаси, бунақаси ўғил боланинг иши эмас, раз сўз бердингми, уддасидан чиқ, шунда юзинг ёруғ бўлади. Келаси сафар байрамда сен эмас бошқаси чиқади, фақат бугунгидек ухлаб қолма, сал эртароқ эсинг кирсин.

Бўривойнинг маслаҳати Қўзивойга маъқул тушди.

— Рост айтасиз,— деди кўзлари ёниб.— Кўпчиликка ваъда бериб сўздан қайтиш, айтганингиздай, яхши эмас. Ҳозир сиз бўлмасангиз жанжал кўтарайдим, уришайдим, барибир чиқмайдим.

Бўривой унга жавобан бош ирғаб қўя қолди.

Қўзивой Эски Анҳорга етгунча ҳуштак чалиб кетди, етганда шартта тўхтади... Тўй, байрам эсига тушиб, қадамини тезлатди. Уйда хотини билан қизининг можароси устидан чиқиб қолди. Тандир ҳаракатида юрган Норгул қизини ғазабларди:

— Борма-чи, уйга киритаманми!..

— Бормайман дедимми, бормайман,— қизи энасининг гапига эътибор қилмади.— Урмоқ, тугул, ўлдирсангизам бормайман. Мактабга борсам, болалар отамга ўхшаб хўроз бўлади, бедана бўлади...

Қўзивой: «хап сеними», деб яниди, аммо она-боланинг можаросини ўзларига қолдириб, унинг орқасига ўтди. Унинг оғзига озгина тегмаса болаларни уриш-сўкиш нари турсин, чумолигаям озор беролмасди. Озгина ичса, мард бўлиб, кўкрагини яланғочлаб майдонга чиқарди. Деразадан бир амаллаб ичкарига кирди. Кирдию, меҳробдаги хуфия жойдан арақни олиб очди.

— Мен ҳозир силаргами!..— Қўзивой пиёлага қуя солиб ичдию, телпагини ҳидлади.— Мен ҳозир силарга кўрсатиб қўямасамми!..

Арақнинг оғзига тикин тикиб хуфия жойига яширгач, ташқарига отилиб чиқди.

— Қани, қизинг?! Қани, мактабга бормайдиган валломат?!

Норгул эрининг ердан чиққаниниям, осмондан тушганиниям билмай анграйди. Аммо унга қизидан кўра эрининг ишдан қайтиб келишини билиш муҳимроқ эди.

— Нега ишдан қайтиб келдингиз?

— Ишимни қуйиб тур, қизинг қани?

Норгул яна гапини қайтарди:

— Нега ишдан қайтиб келдингиз?

— Мениминан нима ишинг бор, қизинг қани? Униминан ўзим гаплашмасам...

Болалари мактабга боргандан бери бирор марта уларнинг ўқишига, мактабга қизиқмаган одам... Норгул, ичган бўлса керак, деган хулосага келди ва ишга уннади. Хотинининг эътиборсизлиги унинг жаҳлини чиқарди.

— Мен сенга гапиряпман, қизинг қани?

Норгул ўз ишини қилаверди.

— Ҳозир, сеними?..

Қўзивой хотини томон шашт билан юрди. Шошганидан бир оёғи йўлда ётган кетмоннинг устидан тушди. Иккинчи оёғини қуйиб улгурмади, кетмоннинг сопи орқасига урилди. Оёқ тез қўйилган эди, зарбям шунга яраша бўлди. Қўзивой аччиқ билан кетмонни қўлига олди, сопини синдиришга кўзи етмай, айлантириб олди. Кетмон Норгулнинг устидан учиб ўтди, кулхонадаги супуриндини титаётган товуқларнинг устига тушди. Товуқларнинг бири жойида қолди, қолганлари атрофга сочилиб қочди.

Норгул кетмонни ўзига отилган хаёл қилиб, шарт ортига бурилди. Қўзивой ўзи билан ўзи овора эди: икки қўли белида, оғриқдан юзи тарашага айланган.

Норгул қий тўла тоғорани тандир супасига қўйди-да, типирчилаб ётган товуқни ердан кўтарди. Тирик қолишига кўзи етмагач, эри томон улоқтирди.

Қўзивой ёнига «тап» этиб тушган нарсага эътиборсиз қаради. Қаради-ю, оғриқни унутди.

— Э-э...— деди шошганидан гап тополмай.— Манавини қара!

Тандир билан овора Норгул қарамади.

Қўзивой товуқни кўтариб хотинининг ёнига борди.

— Манавини нима қилдинг?

Норгул тандир супасидан тушиб бақирди:

— Кетмон билан уриб ўлдирдим!

— И-я, кетмон билан?— Кўзивой унга хайрон қаради.— Нега энди кетмон билан, нима, уйда пичоқ йўқми?

— Қанақа одамсиз ўзи?— Норгул тандир супасига ўтириб бош чайқади.— Катта бўлиб каттага, бола бўлиб болага ўхшамасиз. Нега шунақасиз, а?..

— Гапни кўпайтирма, бор, пичоқни олиб чиқ, муни ҳалоллаш керак...
Норгул эрига қараб қўйди ва қовоқ-тумшуғи осилиб тандирга уннади.

Кўзивой болалигида парранда-даррандани тутишга уста бўлиб, ўшандаёқ қушларни тозалашнинг ҳадисини олганди. Шу топда, болалиги эсига тушиб, хотинига ўзини кўрсатгиси келиб қолди. Уйдан пичоқни олиб чиқиб, уй орқасига ўтди. Фақат патдан тозаланган товукқа хотини эътибор қилмади, мақтов эшитиш умидида келган Кўзивойнинг бор дарди ичида қолди. Аразлаб тандирдан нари кетди. Уйнинг олдидаги чорпоёга чордана қурди, тандирга кўзи тушгач, жойидан туриб уйга кирди. Яққат кўрпачага ёнбошлаб, бугунги қиладиган ишларини ўйлай бошлади. «Аввал янтоқни олиб келиб босиш керак. Йўқ, яхшиси, оғилнинг устига чиқариб босаман. Қишда Жонтой акага ўхшаб ташлаб едираман. Битта-яримтаси Жонтойдан юқибди деса-чи?.. Э-э, иккита қўй ниманиям ерди? Қолаверса, уни оғилхонанинг устига ким чиқаради, ким босади? Яхшиси, қўтонга босганим тузук. Фақат нимада олиб келаман? Аравани-ку, Жонтой акадан оламан, йўқ демайди. Шу аравани тортишга эшакни ким беради? Тойир, Зойир эшагининг нўхтасиниям ушлатмас. Аҳмад-чи? Йўқ, уям бермайди. Ҳангининг нархи беш юз сўм, сенинг нархинг қанча, деб одамнинг қадрини ерга уради. Менга қара, Кўзи, шу янтоқни бугун келтириш шартми, у жониворнинг ўзи эллик даста бўлса, келар бирор куни... Янтоқ қолди, хотиннинг кўзига кўканак бўлмаслик учун нимадир қилишим керак. Нима? Топдим, новни тузатаман. Қайси куни хотин: ташқарига битта, уйга иккита тушди, деганди. Шу новни тузатишга нарвонни қаердан олдим энди? Нима қилсам бўлади? Уйла, Кўзи, йўлини топ.— Кўзивой қўлини пешонасига қўйди, гўё хаёлга ботди...— Ке, яхшиси, эшикни тузатаман.— Қўлини пешонасидан тушириб, эшикка қаради ва эшик ёнидаги осиглик йиллик календарга кўзи тушиб қолди, жойидан туриб кетди. Календарни кўрдию, бугун байрам куни ҳисобидан дам олаётгани эсига тушиб, бошига яхшилаб бир шаппати урди.— Байрам куни байрам қилмасам, бугун ишга бало борми, пишмаган хом калла». Ошхонада тимирскиланиб битта пиёз топди. Дастурхон ёзмади, сочиқни тўшади. Сочикнинг устига битта синиқ кулча, пиёз ва арақни қўйди. Утиришини бригадасидагилар кўрмаётганидан афсусланди. Пиёзни уч-тўрт бўлакка бўлди-да, арақни майдалай бошлади...

Оёғи устида ўрмалаётган «чумоли»ни ҳайдамоқчи бўлиб, қўлини бир-икки чўзди, етмади. Оёғини силкиб-силкиб чумолини туширди-да, қўлини ёстиқ қилиб ухламоқчи бўлди. Бир сония ўтиб оёғида яна «чумоли» ўрмалай бошлади. Кўзивой оёғини тортиб юборди ва ... секин кўзини очди. Эшик қарс ёпилди, эшик орасидан сирғалиб чиқиб кетган «чумоли»ни сезмади. Жойидан туриб керишди. Бўш шишани яна хуфия жойига яшириб, даҳлизга чиқди. Юзини, қўлини ювгач, нариги уйга ўтди. Тепада Норгул боласини эмизиб ўтирибди, ўртада дастурхон ёзиглик, аммо ҳеч ким йўқ.

Кўзивой артина-артина сўради:

— Болаларинг мактабдан келмадимми?

— Келди.

— Қани?

— Ана — Норгул дастурхон атрофига ишора қилди.

Кўзивой бир хотинига, бир дастурхонга қаради, ҳеч балога тушунмади.

— Нима, аҳмоқ қиляяпанми?

— Йўқ, ана-ку!— Норгул энди дастурхон атрофидаги қоғозларни кўрсатди.

Кўзивой яна ҳеч балога тушунмай, елкасини учирди, аммо қоғознинг бирини олиб очди. Бу қоғозлар болаларнинг отасига ёзган «ультиматум»лари бўлиб, ҳаммасида шартлар битилган эди. Ичида ўқиди: «Ота, сизнинг дастингиздан кўчага чиқишга болалардан уялаяпман. Тиркаш». Иккинчисини олиб очди: «Ота, болалар сизни масхаралаб устимиздан кулади. Бири хўроз бўлиб қичқирса, иккинчиси қўй бўлиб маърайди, учинчиси бедана бўлиб йўрғалайди. Шу қилиқларингизни ташламангиз, энди мактабга бормайман. Сожид». Учунчи қоғозниям олди, аммо очмади.

— Бунинг ҳаммаси ўзингдан чиққан бало,— деди хотинига қараб.— Болалар ҳали ёш, бунақа гапларни билмайди.

Норгул жавоб қилмади, боласини кўтариб уйдан чиқиб кетди.

— Мен силарни!..— Кўзивой ер тепинди ва нариги уйга югуриб ўтди.— Мен силарга ҳозир кўрсатиб қўямасамми!..

Меҳробдаги хуфия жойларни бир-бир титкилади. Қўлига боя бўшатган шишасидан бошқа ҳеч нарса илинмади. Шишанинг ичига пича сув солиб бошига кўтарди. Таъсирини сезмади. У ҳозир озгина ичиб, хотинини, болаларини сўкиб-сўкиб хумордан чиқмоқчи эди-ю, унга куч-қувват бўладиган арақ йўқлигидан ер тепинди. Магазинга бориб, озроқ ичиб келиб, болаларини сўмоқ ниятида уйдан чиқди.

Магазиннинг шундай биқинида Мўмин йўғон бошлиқ бекорчилар давра қуриб ўтиришарди. Мўмин йўғоннинг олдида очилган арақ, яна иккита шиша думалаган...

Кўзивой уларни кўриб қадамини секинлатди, юришиниям, юрмаслигиниям билмай тайсаллади, бир ортига қайтиб кетмоқчиям бўлди. Даврада кимдир уни кўриб қолиб, қичқирди:

— Ана, Кўзивой акам кеп қолдилар!

— Қани-қани! — Мўмин йўғонга жон кирди. — Бу ёққа ўтиринг, Кўзивой ака, бу ёққа... — Кўзивой у кўрсатган жойга қисинибгина ўтирди. — Жа, зерикиб ўтирган эдик, вақтида келдингиз-да, — Мўмин йўғон киссасини кавлаб пул чиқарди. — Мана, уч сўм, ана, бир пиёла арақ, хоҳланг пулни, хоҳланг арақни олинг. Эвазига бир даканг хўроз бўлиб қичқириб беринг, фақат даканг хўроз, бошқаси кетмайди.

Кўзивой бир араққа, бир пулга, бир... ҳалиям қўлида ғижимлаб турган хатларга... Кеча, нариги куни, ҳатто эрталабам шу уч сўм учун бир эмас, ўн марта хўроз бўлишга рози эди. Магазинга кириб-чиққанда ё Мўмин йўғоннинг қўлидаги арақни ичгандаям... Қолаверса, ҳозир киссасида бир мири йўқ, йўлини қилиб озгина ичиш умидида келаётган одам... арақдан бош тортмоқчи эмасди, қўлида турган болаларининг хатини даврадагиларга билдириб, энди хўроз бўлиб қичқирмайман демоқчи эди холос, шошганда лаббай топилмас, излаган сўзи ҳадеганда тилига келавермади.

— Томоқ шамоллагани йўқми? — Мўмин йўғон унинг биқинига туртди ва жавобини кутмай давом этди. — Овоз бўғилган бўлса, даканг хўрозни бошқа сафарга қолдирамиз, ҳозир даврани йўрғалаб, бир-икки айлана қолинг.

Кўзивойнинг биқини қаттиқ оғриди. Айтмоқчи бўлиб турган гапларини оғриқ йўққа чиқарди. Бу жимлик эса Мўмин йўғоннинг нафсониятига тегди.

— Қорин тўйганми дейман, Кўзи? — Мўмин йўғон уни сенлашга ўтди. — Шу кунгача сенинг нархинг 50 тийин, нари борса бир сўм эди, биласанми уч сўмга...

Кўзивой «ялт» этиб унга қаради. Қаради-ю, важоҳатидан юраги орқасига тортиб, кўзини чирт юмиб олди. Аммо нафасига унча-мунча одам тўғри бўла олмайдиган Мўмин йўғоннинг гапини қайтарганига, қайтаришга ўзида куч топганига ишониб-ишонмади... Унга шунинг ўзи етарли, бошқаси ортиқча эди.

— Қаёққа?! — жойидан қимирлаган Кўзивойни Мўмин йўғон биллагидан босиб ўтирғизди. — Гапни ерда қолдирганинг етмагандай, кетмоқчи бўлганинг нимаси? Йўқ, акаси, биласан, биз унақасига кўнадиگانлардан эмасмиз, ё айтганимизга юрасан, ё ўзимиз куч билан... Яхшиси, бизни куч ишлатишга мажбур қилма, нима дединг? — Кўзивой бир умр одамлардан кўрқоқ, муте қилиб келган кучни енгаётганини билмай, боши билан йўқ ишорасини қилди. — Унда биздан ўпкалама, ўзингдан кўр... — Мўмин йўғон бир зарба билан уни даврага киритиб юборди.

Ширакайф давра аввал даканг хўрознинг қичқирлишини кейин бедананинг йўрғалашини кўришига иштиёқманд эди. Кўзивойнинг жимлигидан жаҳллари чиқиб турганда, Мўмин йўғон фатво берди-ю, баҳона топилди.

— Мўмин йўғоннинг зарбасидан сўнг Кўзивой ўмбалоқ ошиб давранинг ўртасига бориб қолди. Жойидан турганда яна думалади: бири ортига шаппатиласа, бошқаси кулоғига чертди. Турдим деганда яна кулади...

— Бўлди, етарли!.. — Мўмин йўғоннинг фатвоси билан ўйин бошлаган давра, унинг буйруғидан сўнг қўлларини тортди. Уст-бошини қоқишиб, жой-жойига ўтиришди.

Кўзивой гандираклаб-гандираклаб жойидан турди: икки-уч тугмаси узилган, кўйлаги шимидан чиққан, оёғидан бошигача тупроққа беланган...

— Мен сенга нима дегандим? — Мўмин йўғон яна унга кўз тикди. — Яхшилик билан кўнмасанг, уриб бўлсам кўндирамиз демаганмидим. Шунақа, ошна, бундан кейин ўз нархингни билиб қадам ташла. Ма, манавини ич-да, хунарингни кўрсат, даканг хўроз бўласанми, беданами, бошқами, бизни хурсанд қилгин.

Кўзивой арақни олди, аммо ичмади, уни Мўмин йўғоннинг юзига сепиб, даврандан чиқди.

— Э-э... — Мўмин йўғон эсанкираб қолди. Ўзига келганда Кўзивой анча ерга бориб қолган эди.

— Ушланглар уни! — Мўмин йўғон ясама дўқ қилди, даврада бир-ярим унга ишонганларам бўлди. Мўмин йўғон, дўқ урсам, Кўзивой оёғини қўлига олиб қочади, деб ўйлаган эди, унинг ўйлагани бўлиб чиқмади, у қочмади. Ортидан ирғитилган туфлига энгашган аснода даврада гурр кулги кўтарилди. Дўқ-пўписани писанд қилмаган одам, кулгига чидай олмади. Туфлини олди-ю ... магазиндан, магазиннинг ёнидаги даврандан, ўзидан қоча бошлади. Узоқдан уйининг мўриси кўринганда тўхтади. Хўрлиги келиб, йўлнинг ўртасига ўтириб олди. Устига бостириб келаётган машинани кўрсаям толмади: унинг учун ҳозир яшашини қизиги, ҳаётнинг маъноси йўқолганди. Машина босиб, ер билан битта қилса, тупроққа қоришиб йўқ бўлса... Машина уни четлаб ўтди. — Офёр кабинадан бошини чиқариб, болохонадор қилиб сўқди. Машинанинг ортидан — овози қараган Кўзивой ноилож жойидан турди. Устини тузатмади, ҳатто туфлисини ҳам киймади, янтоқ, карракни босиб-янчиб, уйи томон кета бошлади. Отасини кўрган болалари бирин-кетин уйдан қочиб чиқди. Кўзивой болаларига қарамади, уларнинг нима сезмади, ўтиб кўрпачага ўтирди ва:

— Ҳаммасига минг лаънат! — дея гиламни муштлади.

Эшик секин очилиб, Норгул мўралади, эрининг бир ҳолда туришини кўриб югуриб уйга кирди.

— Э, э, нима бўлди?— деди шошилиб.

— Бало бўлди! Баттар бўлди!— Қўзивой ошкора йиглаб юборди. Норгул пешин пайти болалари қилган шўхликда ўзини айбдор санаб:

— Вой, дадаси, бир мартагина...


— Йўқол!— Қўзивой хотинининг гапини юлиб олди.— Ҳаммасига минг лаънат! Байрамигаям, тўйигаям...

Норгул орқасига қалқиб кетди. Сиртига чиқармаса-да, ичида Қўзивой билан ҳисоблашмас, номига... юрибди-да, деб кўярди. Илк бор кўрқиброқ унга қаради, тупроққа беланган кийимини, афтодаҳол аҳволини демаса, ҳар куни кўриб юрган эди... Сандиқчадаги яшириб қўйган виноси эсига тушиб, жойидан енгил турди: Норгул эрини магазинга арақ ичмоқ ниятида борган-у, пули бўлмаганидан битта-яримтаси билан ёқалашган бўлса керак, деб гумон қилди. Ҳозир винони кўргандаёқ бақириш-чақириш тугайди, ҳаммаси эски изига тушади, бир-икки сўкиш эшитсаям майли...

Фақат унинг ўйлагани бўлиб чиқмади.

— Мана, дадаси...— Норгул винони эрининг олдига қўйди.— Ҳозир овқат...

Норгулнинг гапи яна оғзида қолди. Қўзивой винони олди-ю, деворга урди! Вино ер билан битта бўлди. Шарт жойидан туриб, уйдан чиқиб кетди. Кўрқиброқ эрини кузатиб турган Норгул, ҳеч нарсага тушунмай пичирлади... «Нима бало, чап ёни билан турганми дейман, ҳечам бунақа эмасди...».




Мен «Шарқ юлдузи» журнаlining йигирма йиллик мухлисиман. Журнал саҳифаларида босилган ётган асарларнинг асосий қисмини мунтазам ўқиб бораман. Журналда (1990 йил № 1) босилган «Жалада қолган гул» очерки мени ларзага солди, икки марта ўқиб чиқдим. Ёзувчи Йўлдош Сулаймонга қалбдан раҳмат айтдим.

Мамлакатимизнинг етмиш йиллик тарихида разил ишлар кўп бўлган минг-минглаб кишилар беғуноҳ азоб чеккан экан. Мана энди ошкоралик вазияти туфайли бу хатоларимиз ҳақида рўй-рост гапириш имкониятига эга бўлаяпмиз. Бу эса бизга келажакда шундай хатоларни такрорламаслигимиз учун керак.

Мен мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ўзим раҳбар бўлган 7 «в» синфида «Ўзбек қизи Тожиҳон» деган мавзуда тарбиявий соат ўтказдим. Унда бутун ҳаётини халқ иши учун бағишлаган, мустаҳкам иродали ўзбек аёлининг ёрқин сиймосини болалар кўз ўнгидида гавдалантиришга ҳаракат қилдим. Аммо халқимизда шундай доно мақол бор: Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал. Журнал саҳифасида очерк билан бирга Тожиҳон Шодиеванинг расми ҳам берилганида нур устига аъло нур бўларди. Мактаб ўқувчиларига қаҳрамоннинг расмини ҳам кўрсатиши мумкин бўларди. Уйлайманки, журнал редакцияси менинг бу таклифимни ўзининг бундан кейинги фаолиятида ҳисобга олиб, яхши очеркларни қаҳрамоннинг расми билан беради.

Насрулло ШУКУРОВ,
Чирчиқ шаҳри.



Дилшод Шамс

ДУНЁДА БИТТАДИР ДАРДНИНГ ЛАҲЖАСИ

* * *

Қонталаш чечаклар боқий булоқнинг
Бағрига бошини солганча тинди —
Муҳаббат қон билан ёққан чироқнинг
Шуъласи тонг билан қонимга инди.

Чечак чеҳрасида маъюс табассум —
Жисмида сўнмаган ишқнинг иқлими.
Мангу бир муҳаббат мағрур ва маъсум
Ҳажр чангалидан охир чиқдимми?!

Тубига етдим дунё дафтарин
Ҳақнинг ҳикматига қондим қони?
Олов оғушида оҳанг ахтариб,
Озод наволардан ёндими жони?

Ҳар нечук қутлуғ ва буюк умрким,
Кўнглимиз кўркидир ёдгор мунглари.
Ватанки бекишан, эътиқод ҳурким
Ечилгай руҳида дард тугунлари,

Булоққа бош қўйиб, чўғ бўлиб ёниб,
Келган Ватанига қайтиб кетди у.
Дилимни мангуга ўғирлаб олиб,
Дилимга алвидо айтиб кетди у.

* * *

Куйдим-эй, дарёлар бошида куйдим,
Дилимга дарёдан дардлар қуйилди.
Шу зайл саҳролар қошида куйдим,
Саҳролар қайғудай қаттол туюлди.

Ўртанган умримнинг ўлмас лаҳзаси —
Вужудим сахрога қонларим куйди.
Дунёда биттадир дарднинг лаҳжаси,
Осмон қумда куйди, қум хунда куйди.

Мен бунда абадий қолдим, кетмадим,
Рухим сахро узра саргардон кезар.
Қумлар қирғоғига, аммо, етмадим,
Қуриган бу уммон бағримни эзар.

Билмадим, бир менинг қоним не бўлғай,
Барибир бахт сари битта манзилман.
Юрак сардобамдан сув кутган чўлда
Бир ўзим Ватанман, бир ўзим элман.

Демакки, ситамлар қолмас адоқсиз,
Ҳар томчи қонимдан унар бир чаман.
Сарғайган саҳронинг сонсиз-саноксиз
Қумлари қонимга бўлолмас кафан.

* * *

Қуёшим нигорим, гулим нигорим,
Сув бўлиб сочидан суйган нигорим,
Бир ҳовуч чўғ ичра дилим, нигорим,
Куймаган нигорим, куйган нигорим.

Олтин сочингизга ойлар фидодир,
Толалар тошқини мушкин сабодир.
Қушлар қошингизга кўнган ҳумодир,
Чечаклар, ялпизлар рангин қабодир.

Изингиз яширган туннинг тўлқини —
Азобнинг ёлқини, армон ёлқини.
Юлдуз юзингизни кўрмай сўлғиндир,
Бомдод васлингиздан кетар қалқиниб.

Нури нигоҳингиз ёруғ ёйғинлик,
Япроқлар қирғоғи қондайин куюқ,
Куйган кўксимдаги озод ойдинлик
Ҳали пойингизга қуюлгани йўқ.

Ҳарорат манзили сизнинг дилингиз,
Сизнинг остонангиз, сизнинг уйингиз.
Толеми, хуршидми сизнинг йилингиз,
Дийдорингиз беркдир — дунё суюмсиз.

Мен сизга ошиқсам тун тор бўлолмас,
Ҳасрат йўлларимда анҳор бўлолмас,
Ўтган ҳижронларим чўқмор бўлолмас,
Ғаним қадамимга ғубор бўлолмас.

Унда қўлларингиз кўнглимни кутар,
Бахтнинг косасида уфқ чоғир тутар.
Чоғирда висолдек бир оғу ётар,
Ютмасам оғуни, дард мени ютар.

* * *

Дардлашинг, дарахтлар,
дардлашинг сокин,
Қушлар йироқларда қолди беқабр.
Томирни тинчитмас энди бешовқин
Сато ноласидай чидам ва сабр.

Илдиэлар унутмас кушларнинг ўчин,
Бу чидам, бу сабр ёндирар ичдан.
Ҳақиқат туғларин кўтармоқ учун
Қўллар чиқиб келар минглаб тирқишдан.

* * *

Муҳаббат бизга тан бўлғай,
Юракка бир Ватан бўлғай,
Ул ойнинг ҳажрида ўлсам,
Вужудимга кафан бўлғай.

Фиғонлар ўлкаси узра
Ҳиёнат кўлкаси узра,
Тилаклар қовжираб ўтса,
Тилакларга чаман бўлғай.

Дилимнинг дояси — офтоб,
Элимнинг қояси — офтоб,
Магар офтоб — ўшал моҳтоб,
Кўнгулга кун бадан бўлғай.

Саҳарлар салқини сўлмас,
Баҳорлар ёлқини сўнмас,
Юзига юз тутиб кун маст,
Атиргул ё суман бўлғай.

Юракнинг ёстиғи — васлинг,
Муҳаббат тасдиғи—васлинг,
Асл васфинг — асал аслинг,
Шикаст дилга расан бўлғай.

Кўнгил бут — ишқ деган эл шод,
Агар эл шод, демак, дил шод,
Ёниқ сўзим — ёнар тил шод,
Муҳаббатга қасам бўлғай.

«Рухнома» туркумидан

1

Вужудим кўрғондир,
суякларим — синч.
Дарчалар —
бағримнинг жароҳатлари.
Қалдирғоч ин кўйган шифт номи —
Соғинч.
Устунлар —
аждодим жасоратлари.
Танҳо Ҳақ ишқидан ёришган қоним —
Кўрғон пештоқидан
қуламаган Туғ.
Найзали ёғийга
ёлғиз қалқоним —
Имоним чироғи —
тан яроғи —
Р у х.

Атиргул анхорни тўлдириб оқар,
Юракни эркалар настарин.
Чумчуқлар бошоқдан маржонлар тақар,
Кун — улар кўнгилнинг астарин.

Куртак кўкрагидан қуюлар меҳр,
Шафақлар толедан ёришар.
Қуёшдан заминга тўланган маҳр
Наҳорги шабнамга қоришар.

Салқин адирларда кишнайди тойлар,
Майсалар нур ичра бахтиёр.
Оқ ҳижоб ортида мудрайди ойлар,
Тушлари шириндир, бахти ёр.


Балиқ ҳалқумида келтирар гавҳар,
Уммонда мусаллас қайнайди.
Соҳилда тобланар қирқ пари пайкар,
Тупроқнинг бадани яйрайди.

Ватан — ойдинликнинг ошиғи, ахир,
Юракнинг ёлқини ўзгача!
Ватан — озодликнинг ошиғи, ахир,
Тилакнинг тўлқини ўзгача!

Вужудимиз саркаш, дилимиз саркаш,
Эрийди кўнгилнинг шамлари.
Чумолилар тутар бош узра баркаш,
Тўкилар дунёнинг ғамлари.

Ёруғ салтанатнинг муроди ҳосил,
Гўдаклар нигоҳи равшандир.
Аждод армонига авлодлар восил,
Саодат юртдаги маскандир.

Кўҳна коинотда шу қутлуғ дарахт
Шамолга шивирлар хуш баёт.
Диляшнар яшиллик, дилтортар фараҳ,
Боиси Рух—тўлғин, Рух—обод.



Турсун Иброҳим



Қисса¹

Карим дўбир уйғоқ ётибди. Ахён-ахёнда у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб кўяди.

Майдалаб қор ёғмоқда. Ҳовли саҳни оппоқ, чорсупа юзи, супа устидаги сўри ёғочлари оппоқ. Борлиқнинг оқ, момик тўшида кўкдан тушаётган қор учқунларини тўзитиб шамол тийғанади, Карим дўбирнинг хаёллари тийғанади. Кўз олдида ҳар хил хотиралар жонланади. Уруш, ўқлар довули... Ғалаба... «Бир қултум сувни бўлишиб ичардик, ярадор, ҳолдан тойганларни суярдик.— Дўбир устидаги кўрпани суриб, шоп мўйловини ихтиёрсиз равишда бураб-бураб ўйлай бошлади.— Қайтганимиздан кейин ҳам қанча йиллар қишлоқдан гадой аримади. Бир бурда нон ёки бир ҳовуч туршак берилса борми, бир хуржун дуо қиларди.— Унинг кўз олдидан колхоз ерига келишиб қулупнай экаётганлар, уларнинг ҳомийси агроном Пўлат ғалати ўтди, ёжинди.— Бойваччалар!.. Аксари магазинчи, ўқиб укмаган ўқитувчи. Оғизлари тўла тиллатиш, пўрим, далага шахсий машиналарида келишади. Қулупнай ўтаб, чопиқ қилишса-чи? Қаёқда! Ёнларида икки-уч коранда. Ушалар ишлайди, булар бўлса маишат қилишади.

Пул, бойлик бандалари — одам қиёфасидаги каналар...»

У ўнг ёнбошига ағдарилди.

— Нима қилди?— сўради ёнида ётган хотини Замира бошини кўтариб.— Ухлолмаётибсиз... Алахладингиз?

— Йўғ-э?!

— Бирор ёмон туш кўрдингизми?

— Туш...— Дўбир меҳрибонлик билан хотинининг тўзиган сочларини силади.— Ким билади дейсан, туш кўрган бўлсам кўргандирман. Ухламаганмидинг?

— Уйғониб кетдим.

— Узинг ҳам кўпдан бундай орқамни уқалаб қўяй демайсан?

— Орқасини уқалатадиган одам сўкинадимми?...— Аёл ҳуркибгина кулди.— Кимларнидир тоза сўкдингиз.

— Сўкдим?...— Дўбир хотинини бағрига тортди.— Лекин сени эмас...

— Қўйинг, келин-кеватлик бўлганда уят.

— Жон хотин, бир «ўғирлик» қилайлик.

— Бўлмайди. Пақир тарақлатиб юрсак, Жўравой уйғониб қолади.

— Тайаммун қилиб қўяқоламиз.

— Уйга ҳаром оралайди... Йўқ!

Хотин нари сурилиб ётди. Эр кўкрагигача кўрпани тортиб, қўлини қовуштирганча жим қолди. Токчада соат «чиқ-чиқ» этиб дақиқаларни санар, рўпарадаги уйдан Жўравойнинг хурраги эшитиларди. Дўбир ўгирилиб, пиш-пиш уйқуга кетган хотинининг устини яхшилаб ёпиб қўйди. «Меҳрибоним,— кўнглидан ўтказди у.— Бола-чақа қилдик:

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда

қиз узатдик, келин туширдик. Ҳаммаси ақлли, меҳнаткаш. Сен билан бир ёстиққа бош қўйганимдан розиман. Раҳмат...»

Карим дўбир урушга кетаётганида, Замира ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги сочлари жама-лак, қоракўз, қақолаган қизалоқ эди. Қирқ тўртинчи йилнинг қишида бўлса керак, ку-тилмаганда ундан хат олди: «Салом Карим ака! Хатим учун уят қилманг... Кеча колхоз клубида катта йиғин бўлди. Сизни тоза мақташди, газеталарда босилган сувратингизни кўрсатишди. Ордено олибсиз. Бундан ҳаммамиз, бутун колхоз суюндик. Салим отам йиғлаб юбордилар. Суюнганларидан, албатта. Лекин сиз хавотир олманг. Биз... уларга қараб турамыз. Замира».

У ғолиблар қаторида қишлоғига қайтди. Қайтганда ҳам Замира туфайли топган, қонли йўлларда унга ҳамроҳ бўлган ҳаяжон, иштиёқ билан қайтди. Мана, ўша иштиёқи, яшашга бўлган ишончи — Замираси. Ундан юз ўгиришга ҳаққи борми?! «Йўқ!— деди Карим дўбир.— Шу ер, шу осмон учун, юртнинг, бола-чақанинг тинчи учун жанг қил-дим, одам боласининг қонини тўқдим... Энди... Э-ҳа, Турон амакиннинг турган-битгани ҳақиқат экан: ялтоғлик, тилёғламалик билан ишламай-тишлайдиганларни юзхотир қил-маслик, бефарқ қарамаслик керак! Вот, масала қаерда!..»

Ногоҳ кўчган шамол Дўбирнинг кўнглидан кечаётган гапларни англагандай қор учқунларини айқаштириб-уйқаштириб деразага урди. Тонг оқариб келмоқда эди.

3

Раҳмат тўқимачилик институтига кирган йили Пўлат билан бирга йиқилиб қайтди. Биров сўраса-сўрамаса: «Буни қаранглар, Маъмур — ошган ҳамир ўтди-кетди, юлдузани бенарвон урадиган биз бўлсак йиқилиб ўтирибмиз, пешонайкан...» деб ўзини оқлади. Келаси йил ҳам омади юришмади. Пўлат билан бирга қишлоқ хўжалик техникумига ариза топширди. Пўлат кирди, у киролмади: имтиҳон олган ўқитувчиларнинг укувсиз-лигидан, одам танимаслигидан нолиб, уларнинг ота-оналари ғўрига гувала қалай-қалай қишлоққа қайтди. «Ғалати дунё,— деди, ким бўлмасин учраган кишининг ёқасидан тутгудай бўлиб. — Бир йил биринчи синфдан то ўнинчи синфгача бўлган дарсларни ётво-либ ўқиганман. Билмаганларини Пўлат мендан сўрарди. Мен йиқилдим. У эса, нима бало қилди, билмадим, кўзларини йилтиратиб ўтиб кетди...»

Биров кулди, биров ачинган бўлди. Одамларнинг назарида олди-қочди гаплар билан ўзини «чайиб», оқлаб олган Раҳмат беш-ўн кун ўтказиб далага чиқди. Сув суғор-ди, пиёз ўтади, қовун узди... Бу орада Пўлат агроном бўлиб қайтди. Ошначилик қил-ди — тўртмучаси бут, девдай йигит Эшботирнинг ҳамиша гавжум чойхонасига мудир бўлиб олди.

— Уз қўлим билан бир луқма паловхонтура тайёрлайман,— деди Раҳмат чўғдай қип-қизил шолча тўшалган юқоридаги сўрида ўтирган Пўлат агрономга қараб.— Қиш бекорчилик, бир отамлашайлик.

Пўлат тик кўрпачага узала тушиб, ёстиққа ёнбошлаб олган. Енида мактаб директо-ри Норқўзи, шаҳардан чиққан коранда — ўқитувчи. Улар ўзаро суҳбатлашиб ўтиради-лар. Суҳбатларини ҳеч ким эшитмайди. Пастдаги сўриларда қариялар, ёш-яланглар. Ким хўр-хўр чой ичади, ким карта, шахмат ўйнайди.

Енда ошхўрлар учун махсус хоналар. Хоналарнинг биридан қизишиб олган йигит-ларнинг ҳазил-мутойибалари, аскиялари, кетидан гуррос кулгилари эшитилади. Қўш самовар қайнаб турган жойнинг девори икки фишт чамаси тешик. Тешикдан йигирма беш-ўттиз ёшлардаги афтидан гунг, юпун кийинган йигит — Болакай чойнакда ошхўр-ларга чой узатиб туради.

— Неча кишилик бўлсин?— сўради Раҳмат, елкасидаги баланд бўйига мос, шоки-лали узун сочиққа паншахадай-паншахадай қўлларини артиб.

— Мўлроқ бўлаверсин, зикналик қилма!— пўнғиллади Пўлат.

— Қўлингиз барака, Раҳмат ака,— деди Норқўзи тавозе билан.

— Хизмат ҳақи биздан...— қўл қовуштирди ўқитувчи — қоранда.

Раҳмат икки қўлини кўксига қўйиб ошхонага ўтди.

Тўлиб оққан дарё тошади. Ҳаёт ҳам шунақа: тўқлик, тўқинлик яхшини яширади, ёмонни оширади. Ақл, диёнат, ростлик ростлигича қолади, одоб сақлайди; тўқинлик-дан томир отган ҳасислик, таъмагирлик алдамчи рангларга ўраниб жавлон уради. Пул тилга киради. Пулнинг сўзамоллиги ёмон...

Улар паст товuşда гаплашиб ўтиришибди. Пўлат ғалати — қишлоқнинг кечаги ола-ғовур, тўпори боласи. Норқўзи — кечалари китоб кўриб, адабиётдан ҳалоллик, одоб излаган йигит. Яна пулнинг тузоғига илинган ўқитувчи — коранда.

— Ака дейман, шу қулупнай деган жонивор ернинг жонини суғуриб оларкан,— деди коранда.

— Биологсиз-у, билмаганмидингиз шу пайтгача?— деди Пўлат.

— Ҳа, энди, экиб кўрмагандик.

— Қулупнай ҳам ўзингизга ўхшаган сертомир...

Кулишди.

— Бола-чақа, орзу-ҳавас дегандай... Мана, домла айтсинлар, мактабда дарс бериб топганим, ошна-оғайнилик одам, ўзимнинг чойчакамга етмайди.

— Бир гап хаёлимга келди,— деб гапга аралашди Норқўзи.

— Қани, эшитайлик?— деди Пўлат.

— Қадимда бир подшо бўлган экан. Тузалмас дардга учрабди. Етти иқлимдан табиб чақириб, кўрсатишибди. Шифо топмапти. Кимки дардимга даво топса етти туяга юк бўладиган олтин-жавоҳир бераман, деб жар солдирибди подшо. Шу, тоғда бир чўпон яшаркан. Ийлқиларининг яғирини, қўйларининг яра-чақаларини қандайдир гиёҳлардан дори ясаб, тузатиб юраркан. Чиқмаган жондан умид дегандай, дараклаб-дараклаб ўша чўпонни келтиришибди. Хуллас, у қилиб-бу қилиб чўпон подшони даволабди. Соғайиб, қилган ваъдасини унутган подшо кўнгил учун, тила тилагингни, дебди. «Подшоҳим,— дебди чўпон,— сизнинг соғлиғингиз менинг давлатим. Ваъдангиз — етти туяга юк бўлгулик бойлигингиз мендан сизга совға бўлсин. Фақат, тирикчилик, еб кетарга шу кичик сопол пиёлада олтин берсангиз, бас».

Подшо мулозимларига, пиёласини тўлдириб беринг, деб буюрибди-да, ўзи уйқуга кетибди. Бир вақт вазиру вазаролари ҳайратдан ёқаларини ушлаб, уни уйғотишибди. «Нима?» дебди подшо. «Даҳшат,— деб жавоб беришибди улар.— Ажабки, етти туяга юк бўладиган олтин-жавоҳир у ёқда турсин, хазинангизнинг борини пиёлага солдик, тўлмаяпти».

Лол қолган подшо, мени хонавайрон қилма, деб чўпоннинг оёғига йиқилибди. Чўпон уни турғизиби, кулиб дебди: «Кўркманг, шоҳим, хазинангиз ўзингизга. Мен давлатингиз соясида, осмонни суйиб, тупроқ бўйини туйиб юрсам бўлди. Гап шундаки, бу пиёла кўз хокидан. Кўз қачон тўйибди! Бойликка тўлмаганлигининг сири шунда...»

Улар беихтиёр бир-бирларининг кўзларига қарашди. Кўзлар кўзлардан қочар, дилларда эса, тийиқсиз туйғулар ғимирларди. Охири коранданинг кўзлари дош беролмади. У аланг-жалаң четга қаради, чайналиб гап бошлади.

— Ҳа, буни қаранг-а, бир зумда шоҳни гадога, гадони шоҳга айлантириши ҳеч гап эмас,— деди коранда.

— Аҳмоқни донога, донони аҳмоққа ҳам денг, мулла?— деди Пўлат.

Пўлат ота-онадан ёшлигида етим қолди. Елғизлик... Элнинг этагини тутди: катта-кичikka қўшилиб ўтоқ ўтади, машоқ терди — суяги қотди. Оғир пайтлар эди. Мамлакатда уруш борарди. Бир бурда кепак нонни бўлишиб ейишарди. Лекин, шунга қарамай, қорни ҳам, кўнгил ҳам тўқ эди. Чақиртиканаклардан ялангоёқлари тилиниб, тарс-тарс ёрилиб, қўллари қонаб терган халта-халта машоқларини колхоз омборига топшираркан, жанг қилаётган аскар акаларимнинг қорни тўқ, эгни бут бўлади, деган хаёлда қувонарди, боши осмонга етарди.

У ўқитувчи-коранда узатган пиёладаги лик тўла арақни ички бир алам-аччиқ билан ичди. Арақ аввал ошқозонини қизитди, кейин оташ-алангага айланиб, бутун томирлари, бадани бўйлаб оқа бошлади. «Ҳа, у пайтда юртсиз, элсиз яшаб бўлмасди,— ўйлай бошлади Пўлат.— Энди бошқа гап. Орзу-ҳавас қилса бўлади. Қолаверса, фақат бир манми? Манави муллалар-чи?! Китоб-дафтарларини номигагина қўлтиқлаб, аслида бирим икки бўлсин деб юрибди-ку!»

— Жуфт бўлсин, манави «оқибат»ни ҳам оқ қиворинг!— деди коранда.— Ҳа, балли, гап бундай бўлибди.

— Балосан!

— Балонинг ҳам балогардони бўлса, ака!..— деди коранда.

— Ёз ғамини қиш егин, деган эканлар,— деди Норқўзи.

— Хўп, ер ҳам, ўғит ҳам бераман. Қутулдимми?!— деди Пўлат.

— Раҳмат. Давлатга ҳам, ўзимизга ҳам бўлади... Ажойиб чайла тиклайман, шундайгина даланинг ёнбошига.

— Қозик қоқиб, «Жигули» ҳам бойлаб қўяман денг?!

— Ҳа-да! Хизматда бўлади...

Улар ўзаро, бошқаларга сездирмайгина кулишди: ичларини, томирларини қиздирган арақ кулди; қўлтиқларига қанот боғлаб осмону фалакда учирган таъмаю-бало кулди; чойхонада, хусусан, уларнинг атрофларида димиққан ҳаво кулди...

Касир-кусур турп чайнаб, ўзидан-ўзи ҳузурланиб Раҳмат сўпи кириб келди.

— Уртамиз тўладиган бўлди,— деди у хиринглашиб ўтирган ҳамтовоқлари ёнига яқинлашаркан.— Қарасам, кўчадан Маъмур ўтиб кетаётибди.

— Ким?— сўради арақ таъсирида юзлари яна ҳам кўпчиган, кўзлари кули титилган чўғдай милтиллаб қолган Пўлат.

— Ким бўларди, Маъмур-да!

— Қайси Маъмур?

— Қайси Маъмур, дейди-я! Қўй-э, ғалати,— Раҳмат тақсимча тўла карчланган турпни уларнинг олдига қўйди.— Уша, ўзимизнинг Маъмур — ошган хамир-да! Бундай қарасам, ўтиб кетаётибди. Кўришдик. Юр, десам, кеч бўлиб қолди, дейди. Вей, дедим,

Ғалати шўтта, дедим. Қолаверса, биз билан пича бўлиб, Турон буванинг муштига этингни қалин қилво, дедим!

— Ҳзимизнинг Маъмур — ошган хамир, дегин?!

— Ҳа-да!

— Боплабсан, Сўпи,— Ғалати қаддини тутиб, эшикка кўз ташлади. Ҳозир у лақаби тилга олинса, қоғоғини уйиб оладиган Пўлат агроном эмас, ўша ёш, олди-қочди гаплари, қилиқлари билан дўстларини ҳам, бошқаларни ҳам хушнуд этадиган дўлвор, тўпори Ғалати қиёфасида эди.— Чақир Маъмир — ошган хамирни! Бир отамлашайлик.

Маъмуржон ичкарига кириб, туриб қолди. Унинг бошида қуён терисидан тикилган қалпоқ, эғнида одми пальто, оёғида Тошкент пойабзал фабрикаси чиқарган, сифат белгиси олган ботинка.

— Ҳа, нимага қараб турибсан, Маъмир — ошган хамир?!— Ғалати ҳансираб, ондатра қалпоғини, почалўстинини нари суриб, сўридан ўрта йўлакка тушди-да, қучоғини очди.— Ё Сўпи иккаламиз муштлаб-муштлаб, ошмаган жойингни ошириб кўяйликми?!

Улар қучоқлашиб кўришдилар. Упишдилар. Маъмуржон улфатлар билан ҳам сўрашди.

— Қани, мулла, пиёлаларни тўлдир!— Ғалати ўқитувчи-корандага юзланди. Энди у Пўлат агроном қиёфасида эди.— Бир тик туриб ичайлик! Кўришганимиз учун!

Ичишди. Раҳмат сўпи дам ўтмай бир қўлида сопол лаган тўла ош, бир қўлида қора тарвуз, узун бўйига ярашмайдиган муқом билан ашула айтиб кирди:

Улоқтепа гўшт бўлса,
Ёнидан арақ оқса;
Ботирсангу ичсанг,
Кессангу есанг!

Улар ош ейилиб, шишалар бўшагандан кейин Маъмуржоннинг қистови билан ўринларидан туришди. Кўчага чиққанларида Пўлат ғалати ондатра қалпоғини бошига дурустроқ кўндириб, почалўстини тугмаларини қадаркан, Маъмуржонга бошдан-оёқ кўз ташлади.

— Оббо, интелген-эй, шундай қилиб юрибман, дегин!— Пўлат ғалати, ҳали ҳам боласан, одам бўлишинга анча бор, дегандай Маъмуржоннинг елкасига мойли қўлини қўйди.— Бўлмаса, хайрлашамиз. Эртага уйингда зиёфат қиларсан. Ё жуфтакни ростлаб қоласанми?

— Йўқ, уйда бўламан, марҳамат, келинглар,— Маъмуржон ҳаво етмагандек чучур-чучур нафас олди.— Уч-тўрт кун бўламан.

— Келин, дейман, кулчангни ясаб юбормаганми, ишқилиб?— Раҳмат сўпи қотиб-қотиб кулди.— Бўш келма, жиловни қўлдан берсанг, нақ хамиртурушга айлантириб қўяди. Тиришиб, ачиб-бижғиб ётасан кейин.

Учрашишга ваъдалашиб, хайрлашдилар. Маъмуржон бобоси, онасини кўргани келаётиб булар билан ўтириб қолганидан, бунинг устига ичганидан кўнгли ғаш эди.

4

Кечки овқатдан кейин Турон бобо билан Каромат хола танчанинг икки четида чой ичиб ўтирадилар. Турон бобо ёнбошлаб олган.

— Сигир, бузоққа хашак солдикми?— мудроқ босиб сўрайди Турон бобо.

— Солдим. Сув илтиб ҳам ичирдим,— жавоб беради Каромат хола.

— Жўра полвон кўринмадими бугун?

— Келганди. Ташқарида эдингиз. Ундан Самад отага овқат бериб юбордим.

— Яхши қилибсан. Ғариб...

— Карим ака уйга кўчириб кетмоқчи экан, дала шийпонингни кўп кўраётибсанми, деб кўнмабдилар.

— Кўнмайди. Одамови бўлиб қолган.

— Қизиқ.

У Самад чол билан Қорасув бўйида, Карим дўбирларнинг эски, шалағи чиққан чархпалаги қаршисидаги супада учрашди. Турон бобо қўйларини анҳор бўйига, дарахтлардан тўкилган хазонга ёйиб, шовуллаб оқаётган сувга, тўлқинларнинг қирғоққа урилиб шалоплашига қулоқ солганча жим ўтирарди.

— Туронмисан?— деди бир вақт Самад чол рўбарўсида пайдо бўлиб. У букчайганча ҳассасига таяниб турарди.

— Кўриб турибсан, Турон бўлмайдими кимман?!

— Кўриб турибман, ҳозирча кўздан қолганим йўқ.

Улар бир-бирларига тикилишганларича жим қолдилар. «Қайрағочдай чайир,— ўйларди Самад чол.— Илдиз-пилдизиминан кўпорилса кўпориладими, букилмайди...»

«Қариб ҳам қуйилмаганга ўхшайди,— хаёлидан ўтказарди Турон бобо.— Ҳали ҳам

афтидан шилқим, ялтоқ кўринади. Букилиб яшаган-да, одам ўз қадрини топган замонда ҳам букилганча қолипти...»

— Хўш, нима демоқчисан?— жимликни Турон бобо бузди.— Қидириб келдингми?

— Топдинг,— жавоб қилди Самад чол супага, Турон бобо ёнига ўтираётиб.— Атайин қидириб келдим. Кўзинг учиб турганмиди?

— Жа...— энсаси қотди Турон бобонинг.

— Кўнгли бут одамсан. Яхши ниятларингга бош бўл, ишқилиб.

— Раҳмат.

— Утган умрингдан рози бўлсанг арзийди.

— Розиман. Умрим зое ўтмади. Ўз ҳаётимни ўзим бунёд қилдим.

— Тўғри. Барибир бу ёғи бир оёғинг ерда, бир оёғинг гўрда.

— Нафасингни совуқлигини қара.

— Нима, дунёга устун бўлмоқчимидинг? Ҳамма ҳам ўтади.

— Ўтади. Аммо ўтишда ҳам ўтиш бор. Улсам хотиржам, оёқ узатиб ётаман. Сен бўлсанг...

— Мен?! Ҳали ҳам қўполлигинг қолмабди, Турон!

Самад чол ерга қаради. У чакмони ичидан белига боғланган қўш белбоғдан бирини суғириб олиб, ҳамиша намланиб турадиган кўзини артди. Унинг кичик жуссаси яна ҳам кичрайиб кетгандай кўринарди.

— Турон,— деди у хирқираган, ялинчоқ товушда.— Биласан, умрим дарбадарликда ўтди. Пешонада ёзиғлигини кўрдим. Оқар сувдек ўтган кунларни қайтариб бўлмайди.

— Укинаётибсанми?

— Йўқ. Укинч ҳам, нолиш ҳам бефойда энди.

— Бўлмаса нима демоқчисан?

— Гапимни бўлма,— Самад чол солинган бошини аста кўтариб, Турон бобога илтижоли қаради.— Бор-йўқ умидим сендан. Олдинга юкиниб келдим. Ахир сен юрт отасан!

— Ол-а, ичингда шунча дардинг бор экан...

— Худо хайрингни берсин, эшит. Мен шу пайтгача улоққа ҳам, аравага ҳам ярамаган, эндиликда оёқдан қолган бир қари отман. Истагим... От айланиб қозиғини топади, дейдилар. Шу, киндик қоним томган тупроқдан бўйрадеккина жой бўлса, қўлингга жон берсам, дейман.

— Оббо сен-эй, жой-ку, топилар-а, қолаверса, хилхонанг ҳам шу ерда,— Турон бобо селкиллаб кўлди.— Аммо-лекин, мен олдин ўламанми, сенми? Бу ёғига нима дейсан?

— Кўлма...— Самад чол қалтироқ қўллари билан Турон бобони қучди, кўксига бош қўйди. У силкиниб-силкиниб йиғламоқда эди.— Ёшликда бирга ўсганимиз ҳаққи-ҳурмати ўтинаман, йўқ дема! Сен ҳали кўп яшайсан. Билсанг, сендан бошқа суянадиган ҳеч кимим йўқ. Шунақа! Ундан кейин, мен бахти қаро учун ҳам яшашинг керак, Турон!

— Кўй, Самад, йиғлама. Айтганингдай бўлади.

Турон бобо шу сўзларни такрорлар, тобора пинжигга сингиб бораётган Самад чолнинг елкасини силарди...

* * *

— Чой ичинг,— Каромат хола чойнақдан иссиқ чой қуйиб узатди.— Ҳаво совуқ, печкага кўмир қалаб қўйдим.

— Чарчадинг. Уйингга бориб ётсанг ҳам бўларди.

Уларнинг ҳар куни ётиш олдидан бўладиган гаплари шу. Бор кечмиш — Турон бобонинг саргузаштларга бой ўтмиши, Содиқнинг болалигию урушга кетгунгача бўлган кун-бакун ҳаёти ҳақидаги илиқ хотиралар қайта-қайта эсланган, гапирилган. Эндиликда кеч тушиши билан шу ҳақда гап бўлиб қолмасайди, деган хаёлда бир-бирларидан ҳавотирда ўтирадилар. Утган яхши кунларни эслаш, хотирлаш улар учун кўнгилсизлик келтиради, холос. Турон бобо ёлғиз ўғли Содиқдан айрилганидан қанчалик эзилмасин, ўттизга кирмай тул қолган, бошқа турмуш қуришни ақалли хаёлига ҳам келтирмаган, ич-этини еб умр ўтказаётган келини Кароматга ачинади, унга сир бой бермасликка, ўзини бардам, хушнуд туттишга ҳаракат қилади. Лекин, барибир, ҳар куни тонгда, кеч-қурун ётиш олдидан йўлга, Содиқнинг ҳувиллаб ётган уйига келинидан яширинча кўз ташлайди, ич-ичидан тўлғанади.

Бугун ҳам шундай бўлди. Чой ҳўплаётиб деразадан ташқарига қаради. Беихтиёр қаддини тутиб ўтирди, кўзлари жимирашиб кетди. Деразадан пича хомуш, яна бунинг устига пича кулумсираган Маъмуржон қараб турарди.

— Маъмурми?— деди у дастурхонни йиғиштириб олаётган келинига қараркан, ўзи ҳам сезмаган ҳолда — Қара-чи!

— Маъмур?!— талмовсираб, атрофга шошилинч кўз ташлади Каромат хола.— Қани?! Маъмур нима қилади кеч бўлганда...

— Ана, ўшанинг ўзи!

Ташқарида оёқ товуши, қотган қор, яхлаган кўлмагу қатқалоқларнинг қисир-қисири эшитилди. Кейин эшик очилиб, анчайин сархуш, юз-кўзлари қизарган Маъмуржон кириб келди.

— Ассалому алайкум, буважон! Ойижон!

Маъмуржон ўзини йўқотиб, нима қиларини билмай кавшандоз олдида учишга шайланган қушдай кўлларини ёзиб турган онасини бағрига олди. Каромат хола бир дақиқа ўғлига тикилди, нималардир деб пичирлади, сўнг унсизгина унинг елкасига бош қўйди. Ўғилнинг кўзлари ёшланди, ўпкаси тўлган кўйи онасининг оқарган сочларини, кўтарилиб тушаётган қоқ суяк елкаларини силай бошлади. Онаизор: «Бологинам, бор-мисан?» дея ўкраб-йиғлаб, юрагини бўшатгиси келар, афтидан қайнотасининг дилини оғритмаслик учунми, хижолатданми, силкиниб-силкиниб, унсизгина ёш тўкарди. Ўрнидан қўзғалган Турон бобонинг эса, бирдан авзойи ўзгарди, қовоғини уюб, яна қайта ёстиққа ёнбошлади.

— Тинчликми?— дея сўради ниҳоят Каромат хола тескари қараб, рўмоли учига кўз ёшларини артаркан.— Бевақт йўқлабсан? Ишқилиб, уйингдагилар соғ-омонми?

— Тинчлик, тинчлик. Ҳаммалари салом деб юборишди.

— Хайрият.

— Буважон, яхшимисиз? Бардамгина юрибсизми?

Маъмуржон бобосининг ётган жойида беписанд узатган кўлини олиб маҳкам қисди, энгашиб ажриқнинг томиридай ажин босган пешонасидан ўпди.

— Ҳа, келдингми?— деди бобо набирасини ўзидан нари суриб.— Бунча кеч? Ичиб-санми?

— Кечирасиз... Вақтли келаётгандим, гузарда Раҳмат билан Пўлат учраб қолиб, кўярда-қўймай чойхонага олиб киришди. Ош қилишганакан, ўтириб қолдим.

— Ош — кўтарма бош, дегин?

Бу пичингдан Маъмуржоннинг юзи лов этиб ёндию, зум ўтмай яна аслига қайтди. У почта орқали юборган пулни босиб қайтарганлигидан қаттиқ аразда эканлигини биларди. «Ажойиб бобонгиз бор эканлар,— деган эди қайтган пулни олаётганида почтачи жувон.— Тайёр пул бўлса-ю, олмасалар!» Маъмуржон умрида биринчи марта бегона аёлга ҳазил деса ҳазил, чин деса чинга ўхшамайдиган, томдан тараша тушгандек гап қилганди ўшанда: «Ёқиб қолган бўлсалар, унда, бобомни сиз ҳам бобо қилиб олақлинг! Мен жон-жон деб рози бўламан...» Шунда жувон сира ҳам хафа бўлмай, аксинча, лўппи, қорачадан келган юзини кафтлари билан тўсганча: «Шу пулга-я?! Олинг-а, бу пулингиз эримдан ейдиган бир кунлик калтак ҳақиға ҳам етмайди-ку...» дея қотиб-қотиб кулганди.

Маъмуржон сандалнинг бир чеккасига ўтирди. Кўриниб турибди, бобосининг ҳали ҳам арази тарқамаган. Акс ҳолда уй-жойи, бола-чақаси у ёқда турсин, иши, шаҳардаги янгилликлар ҳақида сўраб-суриштирган бўларди. Онаси бўлса, ўзини кўярга жой тополмай, дастурхон ёзиш тараддудида. Уйдан чиққанида, кўпдан буён йўқламаган, эшиқдан қайси юз билан кириб бораман, деган ташвишда эди. Арақ юзнинг бир қаватини сидириб ташлайди, деганлари шу-да! Келаётиб Раҳмат сўпига, Пўлат ғалатига йўлиққани, бетини қалин қилиб олгани яхши бўлди.

— Пулни олмабсиз,— деди Маъмуржон пальтоси чўнтагидан қоғозга ўроғлик бобосига, онасига атаб олган матоларни сандал устига кўярган.— Почтачи, омонатингизни қайтариб олинг, деса, минг хаёлга борибман.

— Кўчиб кетишган бўлса, қаёқдан қидираман дегансан-да?!

— Қишга кўмир-пўмир оларсизлар, деб юборгандим.

Турон бобо сандалга тирсақ тираб ўтириб олди-да, Маъмуржонга таажжубланган назарда кўз ташлади. Унинг бу қарашидан, бизга пулингнинг нима кераги бор, ўзинг кераксан, деган маънони уқиш мумкин эди. Каромат хола бобо, набира ўртасида бўлаётган гап, унинг оқибатидан хавотирда, лаблари қимтилганча тек қотганди.

— Кўмир-пўмир дейсан,— Турон бобо босиқ, табиатиға ярашмайдиган муросасозлик билан гапира бошлади.— Нима, кўчада қолибмизми? Сенга қанча кўмир керак ўзи?! Сандал учун кўмир десанг, кўмир бор. Учоқлару печкаларга қувурда оқиб келадиган газ бор. Гугурт чақсанг, ҳаш-паш дегунча ошингни пиширади, уйингни қизитади. Эл қатори яқинда қурдирдим.

— Ҳаммаси етарли,— Каромат хола қайсар бобо билан набира ўртасидаги муносабатнинг анчайин юмшаганидан суюниб, дастурхон ёза бошлади.— Шукр, муҳтожлик жойимиз йўқ. Шундай бўлгандан кейин, бола-чақасининг ризқини қийиб нима қилади, дедилар, пулингни қайтариб юбордилар. Топган-тутганинг ўзингга буюрсин.

— Топган-тутганимда... сизларнинг ҳам ҳақингиз бор.

— Бор! Бор!... Турон бобо тутақди, ўлжасини тилка-пора қилиб ташлашга шайланган қари арслондек хурпайди.— Сизларнинг ҳам ҳақингиз бор эмиш! Бун юзимизга солсанг-солмасанг, бор! Лекин...— у бошини эгиб ўтирган Маъмуржонга ҳам жаҳл, ҳам меҳр аралаш кўз югуртираркан, чуқур бир нафас олди-да, оҳиста гапида давом этди.— Пул, пул дейсан! Нима, пулинг ошиб-тошиб кетдимми?! Биламан шаҳар

шароитини: тийининг бўлмаса, туромбойга чиқолмайсан, ҳатто салом-алигинг ҳам пул билан... Бундай, ўйлаб иш тутиш керак, болам. Яна кўнглингга келмасин-у, болачақанг билан қўшиб-мушук-сичқонинггача боқишга қўрбим етади. Яқин ўртада келганинг йўқ, молхонага кириб кўр, қанча сигир-бузоғу қўй-қўзиларим бор.

— Кўрдим, кўпайтириб юборибсиз.

— Бунинг устига,— Турон бобо одатига хилоф равишда мақтанчоқлик қилар, бу билан аслида, шуларнинг ҳаммаси сеники, қариганимизда бағримизга кел, эга бўл, демоқчи бўларди.— Ҳали, нима деётибсан, истасам, дарвозахонага бир эмас, икки мошинни қантариб қўйишим мумкин!

— Ишонаман, бува,— деди Маъмуржон ичидан тошиб келган ногихоний қувонч таъсирида ўзини тутолмай.— Сиз жуда йиғиштиримли одамсиз...

— Одамга баҳо беради яна!— Турон бобонинг аччиғи чиқди.— Бобонгни бир гапи икки бўлган эмас. Билмасанг, билиб қўй!

— Янгигина чой қайнатдим. Қолган овқат ҳам иссиққина турибди,— лачайпўшлик қилди Каромат хола.

— Қорним тўқ, ҳали айтдим-ку, чойхонада бўлганимни,— жавоб қилди Маъмуржон бобосининг феъл-атвориға тушунолмай, қулт этиб ютунаркан.

— Менинг ҳам ичгим йўқ,— Турон бобо қийиқчасини тўни устидан елкасига ташлаб ўрнидан турди.— Айтгандай, қизинг қалай, катта бўлиб қолгандир?

— Ҳа.

— Келин-чи? Дўхтирлигини қилиб юрибдими?

— Юрибди... Касбини ўзгартирди. Ҳозир магазинда ишлапти.

— Магазинда?!— кавшандозга тушиб, энди эшик бандини тутган Турон бобо ялт этиб Маъмуржонга қаради.— Дўконда дегин?! Тавба, бугуннинг одамлари ўзини дўконга уради. Касбининг қиясига учрамасайди, ҳали...— у жаҳл билан эшикни очаркан, деди:— Ҳўп, онанг билан уйларингга бориб ётларинг!..

ОЛТИНЧИ БОБ

ДИЕРА

1

— Салом!

Хаёлида нималарнидир хомчўт қилиб ўтирган Ҳалимжон чўчиб тушди. Вужудини титроқ босди. Одатда унинг хонасига қўл остида ишлайдиганлар тўсатдан бостириб кирмас, кирадиганлари ҳам фақат ўзларигагина аён бўлган маълум бир қоидага — эшикни бир неча бор тақиллатиш ёки шунга ўхшаш имо-ишорага риоя қиларди.

— Э, сизмисиз,— деди Ҳалимжон дир-дир титроқ кирган оёқларини полга қаттиқроқ тираб, ўрнидан тураркан.— Келинг, Чиннихон, келинг!

— Безовта қилмадимми?

— Безовта қилдингиз!..

«Кеча товонимни ялагудай аҳволда эди. Бугун бўлса... — Чиннихон тундлашди.— Намунча! Осмон фаҳмлайдими ўзини?! Йўқ, пул бутун борлигини пўкак қилиб қўйган. Чумчуқ пир этса, юраги шир этади. Ҳойнаҳой, бегона деб ўйлади. Қўрқади... Ҳали шовмай тур, чиллашир, бир шаштингдан тушириб қўяйки, ўзинг билмагин!»

— Узр, ундай бўлса мен чиқақолай,— Чиннихон ҳозиргина сартарошхонада ипдай қилиб тердирган қошларини чимириб, хонанинг ярмига келар-келмас тўхтади.— Бездоблик қилдим, зарур иш билан банд эканлигингизни билмабман, Ҳалимжон ака.

— Йўқ, йўқ! Асло...— анча ўзини тутиб олган Ҳалимжон шошилиб келиб, унинг қўлидан тутди, қаршилиқ қилишига қарамай ўпди, юзига суртди.— Шоирлар айтгандай, қулингиз фаромуш аҳволда эдилар. Истиқболингизга отилиб чиқмаганим учун ўзим хижолатдаман. Сира-сира ёмон хаёлларга борманг, ўладиган дунёда! Безовта қилганингиз менга тан, жоним.

— Мен ўйлабманки...

«Сен нимани ҳам ўйлардинг,— Чиннихонни қўлтиғидан тутиб, ўтқазिश учун диван томон етакларкан, кўнглидан кечирди Ҳалимжон.— Яхши есам, яхши кийинсам дейсан. Бундан бўлак сенларда ташвиш бўлармиди! Биламан, кўпингни кўрдим... Пул, тақинчоқ деганда эринг тугул дунёга келтирган отангдан ҳам кечасан. Э, ўзи, аёл зоти кўрғошиндай гап — яқинлашсанг эрийди, узоқлашсанг қотади... Оҳ-оҳ, таранглигини, дўмбоқлигини қара, Ҳалим! Етилган ҳандалакнинг ўзи. Ургилдим... Оларингни оларсан, аммо-лекин, ширангни маза қилиб шимиб, пўстингни тупуриб ташлаш қўлимиздан келади!..»

— Уйингизни аллақачон пишириб қўйганмиз.

— Қандай қилиб?— Чиннихон диванга ўтираётиб ноз-истиғно билан Ҳалимжонга қаради.— Тушунолмадим. Уйи пишган бўлса-ю, эгаси билмаса?!

— Эгасининг эгаси билади!— Ҳалимжон Чиннихоннинг ёнига ўтириб, қўлини қўлига олди.— Агар сиз рози бўлсангиз, албатта.

— Гапларингиз бирам жумбоқки, дарс тайёрлаб келмаган ўқувчидай одам эсанкираб қолади.

— Фақат бир илтимос...

— Кўркам чаманда...— Чиннихон Ҳалимжоннинг қўлини беозоргина чимчилаб, нари сурди.— Артист бўп кетинг-э!

— Ҳақиқат! Кўркам чаманда бўладиган гап,— Ҳалимжон ўрнидан туриб, стол ёнига борди-да, тортмасини тортиб, ундан машинкада нималардир ёзилган қоғозни олиб келди.— Буйруқ! Марҳамат, ўқинг! Сиз бугундан бошлаб тайёр буюмлар бўлимига бошлиқсиз. Костюм-шимдан тортиб пойабзалгача, пайпоқдан тортиб сирма иштонгача ихтиёрингизда. Ҳатто каминанинг ўзлари ҳам, бирор нарса зарур бўлиб қолса, ҳузурингизда бош эгадилар. Уйлайманки, йўқ демассиз?!

Чиннихон ерга қаради: «Ўл-а, шилқ этиб тушдинг-ку! Боя ким эдинг-ку, энди ким бўлдинг? Ҳатто сирма иштонгачамиш... Кўнглингга қўтир жомашов. Аммо тез қизиган тез совийди, ортиқча эрк бермаслик керак!..»

— Эплай олармиканман-а, Ҳалимжон ака?

— Эплайсиз! Сиз бўлсангиз, мен ўйлабманки, деб юрибсиз.

— Раҳмат, пишмаган ўйимни пиширибсиз...

— Пишмайдиган нарса йўқ,— Ҳалимжон жиндаин ҳаракатга изн беришни дилидан ўтказиб ўтирган жувоннинг тиззасига, мен билан бўлсанг кам бўлмайсан, дегандай ясама меҳрибонлик билан қўлини қўйди.— Чиллаки чиллакини кўриб чумак ураркан...

— Чумак ур, демоқчисиз-да?

— Ҳа.

Чиннихон кулди: «Қўлининг совуқлигини! Қуруқ чўпга ўхшайди. Майли, жиндай бадани қизисин... Кейин, аста-секин куйдириб, кул қилиб оламан!»

— Ҳалимжон ака?

— Лаббай.

— Ҳали, эгасининг эгаси билади, дедингиз. Эгаси ким?

— Эгаси...— Ҳалимжон қўлини Чиннихоннинг белидан ўтказиб, ўзига тортди.— Эгаси мен, жонидан!

— Йў-йў, кўйинг, мен сизни акам десам,— Чиннихон, ўзини Ҳалимжоннинг қучоғидан олиб қочиб, бирам шўх экансиз-эй, дегандай унинг юзига секингина шапатилаб уриб қўйди.— Сиз бўлсангиз... Бунақа муомала қилишингизда олдингизга кўпам киравермайман.

— Кириг, истаган пайтингизда кириг!— тили оғзига сиғмай, ҳансираб гапирди Ҳалимжон.— Мен сизни сув парисини кутгандай кутаман!

— Қўйинг-э!

— Рост, рост...

— Уйлаб кўраман... Ҳозир иш юзасидан гаплашайлик, илтимос. Ахир зиммамга оғир вазифа юкладингиз! Ўзингиз ёрдам бермасангиз бўлмайди.

— Ҳа, дарвоқе,— Ҳалимжон ҳеч нарса бўлмагандай хотиржамлик билан мансаб курсисига бориб ўтирди.— Қўлингизда бешта сотувчингиз бўлади. Ушаларга сир бой бермасангиз, бас. Харидорларнинг олди-қочди гапларидан холисиз.— У тортмасидан ўнга яқин сурат чиқариб, стол устига ташлади. Суратлардан кўзлари чақнаган гажакдор жувонлар, юлдузни бенарвон урадиган қўнғиз мўйловли йигитлар биров еб, улар қуруқ қоладигандай хўмрайиб қараб туришарди.— Булар менинг танишларим. Яхшилаб кўриб олинг. Бирор нима деб келса, йўқ демайсиз. Муомала, ҳали кўрсатаман, орқа эшикдан бўлиши керак. Келими ҳақида келишамиз... Тушундингизми?

— Тушундим.

— Ана бу бошқа гап!

— Менда ҳам бир таниш бор эди, агар малол келмаса.

— Жоним билан танишаман,— Ҳалимжон, қани, ўша сувратни кўрсатинг, дегандек Чиннихонга қаради.

— Ваъда вафоси билан бўлса-да!.. Қандай ваъда бергандингиз, эсингиздами?— ўпқаланган бўлди Чиннихон.

— Ваъда?!

Моҳитобон жувон нозли ҳаракатлари, ўқдай мўлжалга тегаетган сўзлари, жон олғучи қарашлари билан тобора ўз йўриғини йўқотиб бораётган йигитни ҳолсизлантлар, унинг ҳусни, чиройи олдида япроқдай титрай бошлаган вужудини, ширин иштиёқда алангаланаетган хаёлларини банд этарди.

— Сизга ишониб бўлмас экан,— яна ҳибсга олди жувон.

— Менга ишонинг, ишонинг, жоним.

— Танишларингизни қаранг-у,— Чиннихон стол устидаги суратларни олиб, тортма-

ни тортди-да, уларга яна бир бор жирканиш билан қараркан, ичига сочиб юборди.— Ҳаммаси жонсиз, совуқ... Менинг танишим ўз оёғи билан келган.

— Ким? Қани?

— Ташқарида. Э, омон бўлинг-э, Ҳалимжон ака. Бизнинг уйда берган ваъдангизни наҳот унутган бўлсангиз?!

— Бўлди-бўлди!— Ҳалимжон икки қўлини кўксига қовуштирди-да, тиржайган кўйи ола кўзларини юмиб, бош эгган ҳолда узр сўраган, тавба-тазарру қилган бўлди.— Қўлингизни бир қошиқ қонидан ўтинг, маликам!

— Ҳўп, содиқлигингизни, ҳамisha содиқ бўлиб қолишингизни ҳисобга олганим ҳолда қонингиздан кечдим...— «Э, чувалчангга ўхшаб чийралмай ўл, хотинчалиш! Шу тасқара билан ётадиган хотинларнинг ҳам шўри курсин. Эркак деган кучоғига олса, қовурганг қирсилласайкан... Лекин, узумини егин-у, боғини сурштирма, деган гап ҳам бор. Мендан нима кетди, илиқса илиқаверсин... Бетинг қургур, нақ тозининг ўзи-я, тавба! Унта тозидан битта кўппак яхши! Узимнинг кўппагим...» Чиннихоннинг кўз олдидан қадди-бастидан куч ёғилиб турадиган Маъмуржон ўтди, юрагини нимадир ёғимлагандек бўлди, бўшашиб четга қаради.

— Ҳа, ҳалиги, нимаиди, Диёрахонмиди? Чақиринг! Олиб кираверсангиз бўлмасми-ди. Э, сизни қаранг-у!

— Ҳозир.

Чиннихон оғир ўрнидан турди. Унинг овози ҳам ҳозиргина жаранглаб, хонада аксадо бериб эшитилаётган овозга ўхшамасди. Кўз қирида орқасидан кузатган Ҳалимжон турга, ўрнига бориб ўтирди. У энди ўйчан ҳам жиддий эди.

Эшик очилиб, хонага аввал Чиннихон, орқасидан қизи Диёра кирди. Она-боланинг бўйлари деярли тенг, иккиси ҳам оқ-сарикдан келган, кулча юзли, шахло кўзли, иккисининг ҳам сочлари қўнғир, табиий жингалак эди. Фақат Диёра ёшига муносиб ҳали тўлишмаган, юзлари, уятчан кўзлари онисиникига қараганда тиниқ, ёрқин: йиллар, турмуш ташвишлари қанчалик соя ташламасин, сира-сира ўзгармайдигандек кўринарди.

— Ассалому алайкум...

Диёра четга қаради. Онаси, бундай қилма, менсимаганлик бўлади, дегандек, унинг қўлини туртди. Афтидан, Чиннихон қизига кириш олдидан ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақида кўрсатмалар берган-у, ҳозир бунинг уддасидан чиқолмаётганлиги очиқ-ойдин кўриниб турарди.

— Келинг, Диёрахон, келинг! Тортинманг!— Ҳалимжон ўрнидан турди, қаддини ғоз тутди. Узини басавлат, баобру кўрсатиш учун шусиз ҳам узун, қилтириқ гарданини тик қилиб, улар ҳузурига юрди.— Марҳамат, ўтиринглар!

Чиннихон қизи Диёра билан диванга ўтирди. Диёра хонани, духоба қопламалик креслоларни бефарқ, иштиёқсиз кўздан кечирар, аҳён-аҳёнда ўнг қўли билан қоқсуяк чакагини тутганча у ёқдан-бу ёққа юриб турган Ҳалимжонга сездирмайгина ижирганиш билан кўз ташлаб кўярди.

— Оббо, сингилжон-эй, шундай қилиб ўқишга киролмай қолдим денг,— ниҳоят, Ҳалимжон юришдан тўхтаб, тилга кирди.— Чиннихон опам олдин ҳам айтгандилар, ҳозир ҳам шу ҳақда гаплашдик. У Чиннихонга, шундай эмасми, дегандек кўз ташлади. Бақрайиб туриб алдаётганлигидан, юзсизлик қилаётганлигидан қиёфасида ўзгариш у ёқда турсин, киприклари қилт ҳам этмади.— Мен сизга айтсам, зинҳор хафа бўлманг, кўнгилини чўктирманг. Катта ҳаёт йўлига энди қадам кўяётибсиз. Бу йўл баланд-пастликлардан иборат. Қоқиласиз, суриласиз, яна ўрнингиздан турасиз. Хуллас, ҳаётдан ўзингизнинг муносиб ўрнингизни топасиз. Мана, биз шу даражага етгунча не-не машаққатларни бошимиздан кечирмаганмиз. Урта мактаб, олий ўқув юрти, малака ошириш курслари... Э-ҳэ!.. Ҳай, Чиннихон опам айтгандирлар, сиз ҳақингизда қандай маслаҳатга келганлигимизни?

— Ҳа, айтдим,— Чиннихоннинг оқ юзига гуп этиб қон тепди, моматалоққа айланди, сўнг яна аста-секин ўз ҳолига қайтаркан, чимирилган кўйи сўзини давом эттирди.— Ҳаммасини тушунтирдим. Энди ўзингиз бир ёрдам бервorasиз, оповси...

— Албатта. Янги ўқув йили бошлангунча ишлаб турасиз, Диёрахон. Қўлингизга гард тегмайди. Келаси йили истаган олий ўқув юртига ҳужжатларингизни топширинг, биз кафил.

— Шу, мединститутга кирсам дейди.

— Жуда соз!— Ҳалимжон чўнтагидан сигарета олиб тутатди.— Бу ёғи соз бўлади. Менга ишонаверинг!

— Яхшиликларингизни эсдан чиқармаймиз, оповси...— Чиннихон қошларини чимириб, ним кулги аралаш Ҳалимжонга қаради.— Сингилгиз тушқур жуда тортинчоқ, ҳозир кўнғироқ қилсангизмикин?

— Жоним билан,— Ҳалимжон сигаретини кулдонга қўйиб, телефон тутқичини кўтарди.— Алло! Алло! Бу — мен, Ҳалимжон Ҳосилжонович. Соғ-омон, ялтиллаб-юлтиллаб юрибсизми? Э, омон бўлинг, зарга гард юқармиди?! Мен ўша масалада... Гаплашувдик-ку! Ҳа-ҳа, буюғидан хотиржам бўлинг! Узимизга қарашли...— У, қаранглар, сизларни қанчалик ўзимга яқин олиб гапирётиман, кўриб турибсизки, менинг қўлим-

дан келмайдиган иш йўқ, ҳаммаси битади, деган маънода она-болага қараб, кўз қисиб кўйди-да, сўзида давом этди.— Тушунаман, тушунаман! Ўзи, қизимиз ҳам магазинингиз: нақ узукка кўз кўйгандек бўлади! Нима? Нима?! Ургатасиз. Ҳаммамиз ҳам онамизнинг қорнидан ўрганиб тушмаганмиз! Ҳа, балли! Қачон келади, дейсизми? Ҳозир, шу топнинг ўзида. Хонамда ўтирибди. Жиянни юборсангиз, бирга борарди. Яшанг, яшанг! Унданми? Йўғ-э, сизни эсдан чиқариб бўладими! Атаб кўйганим турипти. Хўп, хўп. Бўлмаса жиян келсин!

Ҳалимжон телефон тутқичини мамнуният билан жойига кўйди.

— Иш битди,— деди у кафтларини ишқалаб.— Тилла магазинда кўфирчоқдеккина бўлиб ишлайверасиз.

— Раҳмат,— деди Чиннихон.

Диёра Ҳалимжонга ҳайратомуз кўз ташлаб кўйди.

Хонага жимлик чўкди. Ҳалимжон мансаб курсисига ўтирди, тортмасидан гардиши, тутқичи тилла кўзойнагини олиб таққанича қандайдир қоғозларни варақлаб, ўқий бошлади. У ҳозир дунёни сув босса тўпигига чиқармайдигандай хотиржам ва мағрур ўтирарди. «Муомаласи яхши, мулойим одамга ўхшайди. Лекин нимасидир менга ёқмаётибди,— деб ўйлади Диёра.— Худди грим қилиб саҳнага чиққан артистга ўхшайди. Оғзи тўла тилла тиш, билагида тилла соат, бармоғида ёқут кўзли тилла узук... Кийим-боши билан ҳисоблаганда ҳаммаси беш минг сўмдан каммас!..»

Чиннихон бу пайт фаромуш ўтирган қизини негадир ачиниш билан кузатар, кутилмаган ички бир куйиниш ҳиқилдоғидан тутар, бўғилиб ўйларди: «Йигит ўлгурни опа дейишига ўлайми! Бир зумда опага айланиб қолсам-а! Кулай десам кулолмайман, йиғлай десам йиғлолмайман. Нақ ўлай дедим-а, қизимнинг олдида! Тавба...»

Сичқон ғаладонни тиқирлатгандай «тиқир-тиқир» этган товуш эшитилди. Қоғозларга тилла кўзойнақдан қия қараб, ўзи билан ўзи ўтирган Ҳалимжон сергак тортиди. Ногоҳ атрофга қаради, ҳеч нарсадан беҳабар, беун ўтирган Чиннихон билан Диёрага бирров кўз югуртирди-да, кериша туриб деди:

— Кел, келавер!

Эшик очилиб, шайтон теридан тикилган шим, «платформа»— пошnasi ошқовоқ карчига ўхшаш туфли кийган йигитча кириб келди. Устида ёқаси очик қизил кўйлак, чарм костюм. Жингалак сочлари қулоқ-бўйинини тутган, бир сўз билан айтганда, унинг боши икки ойлик, фақат дала-тошгагина ярашимлик, суйгунчак кўзининг думбасини эслатарди. Бурнининг остида кўзи қумалоғидек мўйлаби ҳам бор.

— Салом, тоға, сўраган экансиз, оёғимни кўлимга олиб чопдим.

— Яхши,— Ҳалимжон ўрнидан турди.— Танишинглар, мени эркатой жиянларимдан: Жонибек! Иш буюргудай бўлсангиз, жонини берворади. Ўзи катта опамларнинг ўғли. Магазинда тилла буюмлар билан савдо қилади.

Жонибек аланг-жалаңг атрофга қаради. Чиннихон билан Диёрага кўзи тушиб, бош эгиб саломлашган бўлди. Бу — ўша, Диёрага туғилган куни Гагарин боғида ўтирганида шилқимлик қилган йигитча эди. Чиннихон, аввал кўрган бўлса ҳам, танишганимдан хурсандман, дегандек ўтирган ўрнида қимирлаб кўйди. Диёра четга қаради.

Ҳалимжон Диёранинг олдига келиб тўхтади.

— Жиян,— гап бошлади у.— Синглингни мудирингнинг олдига олиб бор. Бирга ишлайсизлар. Ҳа, айтгандай, расмий одатлар: ариза ёз, бланка тўлдири, деган гаплар бор, шуларга ёрдам бер.

— Хўп, тоға!— деди Жонибек.

Улар кўзғалдилар. Ҳалимжон ялт этиб Чиннихонга қаради. Чиннихон, афтидан, мамнун эди.

2

Дунёни ҳар ким ўзи, ўзича ихтиро қилади.

Паға-паға қор ёғмоқда. Катта кўчанинг катта, кенг йўлкаси бўйлаб икки ёш одимлайди. Йўловчилар сийрак. Аксари ёш-яланглар. Тийғаноқ йўлкада тийганишади, қорбўрон ўйнашади, сўнг ҳолсизланиб, ҳансирашиб бир-бировларига суянишади. Қор учқунлари ўйнаб-ўйноқлаб тушади осмондан; юзларни ялаб ўтади, киприкларга кўнади, эрийди; увишиб ётган қандайдир хаёлларни эритади. Автобус бекатида тўрт-беш қари чол, аёллар. Улар оёқлари чигилини ёзиш учун у ёқ-бу ёққа майда қадам ташлаб юриб туришади. Гоҳ-гоҳ юзларига шамол билан урилган қор учқунларидан теранлашиб, бир-бирларига суянишганча сирпаничк учиб бораётган йигит-қизларга ҳам ҳайратомуз, ҳам ўкинч билан қараб-қараб кўйишади. Уларни бахтиёр ёшлик ортда қолдирган, сирпанишиб бўлишган...

Тийғаничк йўлкадан икки ёш бормоқда. Кетма-кет. Сўзсиз. Тийғаниб йиқилмаслик учун икки қўлларини икки ёнларига ёйиброқ олишган. Аразлашиб қолган бир жуфт қушга ўхшашади. Гўё ҳозир парвоз қилишади-ю, кенг осмон улар учун тордай, бошқа-бошқа томонларга учиб кетишади...

Уларнинг бири Жонибек — Ҳалимжоннинг жияни.

Иккинчиси Диёра — Чиннихоннинг қизи.

Эшик чертиш осон, кўнгил чертиш қийин... Кечагина Гагарин боғида ўйчан, муб-ҳам хаёллар билан ўтирган қиз олдида цирк масхарабозидай ўзини кўз-кўз этиб, булбулгўёлик қилган йигитча оғзига талқон солгандай жим, ҳайиқибгина боради. Нега? Диёранинг дилбар қиёфаси, босиқлиги, маъсумалиги унга эрк, изн бермаётирми?! Наҳотки, чирой, гўзаллик, самимият ҳар қандай сохталиклар устидан ҳукмбардорлик қилолса! Эҳтимол Жонибек боғдаги қилган шилқимлиги, мақтанчоқлиги учун мулзам бўлаётгандир. Балки...

— Этиб қолдикми?

Жонибек тўхтади. Ялт этиб орқасига, Диёрага қаради. Унинг чувак юзи совуқдан қонталашгандай тус олган, мўйлабида қандайдир томчилар йилтилллар, қор аралаш эсаётган изғиринда қовун полизнинг ёқавайрон қўриқчисидай дир-дир титрарди.

— Е-тиб қолдик,— деди Жонибек, баданига қутилмаган илиқлик югуриб.— О-озгина юрсақ, б-бўлди.

— Этиб қолдик денг?

— Ҳа, ҳа...

Улар яна қўлларини икки ёнларига ёйишганларича, йиқилмаслик учун майда қадмалар ташлаб йўлга тушишди.

Бирон донаси заха бўлса, у бора-бора бутун бошли анорни етилмасдан чири-тади. Чириган анорни кўпинча сиртидан, қонталашгандай қорайиб турган пўстидан билиш қийин. У бутунлай бузилиб, ачиб-бижғиб ёрилгандан кейингина назарга ташади, оёқости бўлади.

Жонибек ўзига бино қўйган бола.

— Бирга ишлаймиз,— у энди дадил, тутилмасдан гап бошлади.— Ишимиз майдакашлиқдан йироқ, чақа санаб ўтирмайсиз.

— Нима иш қиламиз?— Диёра қиладиган ишини тушуниб туриб сўраганидан хижолат чекди. Бир жиҳати ҳозиргина йўлда ҳам, гапда ҳам туртиниб келаётган ҳамроҳининг ўзгариб қолганлигидан ҳайрон эди.— Шунчаки, ўзимча сўрадим. Ишлаб кўрмаганман.

— Ўрганиб кетасиз,— Жонибекнинг изғириндан мўматалоқ бўлган рангига ранг кирган, митти кўзларида совуқ бир нур йилтилларди.— Шундай қилиб, ўқишга киролмадим денг?

— Ҳа,— Диёранинг энсаси қотди.— Бир балл етмай қолди.

— Қаерга топширгандингиз?

— Мединститутга. Қаердан била қолдингиз?

— Билдим-да!— Энди Диёра билан ёнма-ён кетаётган Жонибек унга мағрур кўз ташлаб қўйди.— Давримиз космос даври. Ер билан осмоннинг ораси тоғамнинг магазинлари билан бизнинг магазиннинг орасичалик бўлиб қолди. Ойга одамзоднинг оёғи тегди, ахир! Ҳамма нарсани билиш керак.

— Ойга учиршса, учармингиз?

— Меними?!— Жонибек талмовсираб бир Диёрага, бир қор учкунлари билан тўлган чексиз-чегарасиз осмонга қаради.— Билмадим... Лекин у ерда ҳеч нарса йўқ. Бўлгандами, ўзлик-ўзи аллақачон чиқишарди. Олтин, кўмирини қазиб олишарди. Ҳатто, чигит экишарди. Бекордан-бекорга чиқишдан нима фойда! Яна, балким бирор қўлга илинадиган нарса бордир.— У ҳозир ўзини кимлардир фазо кемасига солиб, ойга учуриб юборадигандай бўйини қисди.— Э, йўғ-э!.. Мен сизга айтсам, бари бир учмасдим. Ота-буваларимиздан қолган зўр гап бор: узоқдаги куйруқдан яқиндаги ўпка яхши. Ҳа! А, ўзингиз-чи?

— Учардим.

— Йўғ-э?

— Рост. Кўрмаганни кўришга, билмаганни билишга нима етсин.

— Бекорга оворагарчилик.

Ўт ўчириш машинасининг чинқириғи эшитилди. Шофёрлар ҳайдаб бораётган машиналарини чет-четга олдилар. Йўловчилар йўлда тўхтаб, ташвиш билан қараб турардилар.

Бир жуфт ўт ўчириш машинаси атрофга ваҳима солиб сигнал берганча ўтиб кетди. Одамлар, кўча четида тийганиб, бир-бирига суяниб қолган юк ва енгил машиналар яна оҳиста йўлга тушди. Бензин ҳиди анқиди.

— Бари бир улгуришмайди ўт ўчирувчилар,— бепарволик билан гапирди Жонибек сигарета тутатиб.— Боргунларича ўйми, машинами ёниб бўлади. Нима ёнди, қанча сўм туради — акт тузиб қайтишади. Тамом — вассалом.

Диёра унга ҳайрон бўлиб қаради. «Нималар деётибди ўзи бу?— ғижиниб хаёлидан ўтказди.— Уй ёнса, машина ёнса ундан нарига-я, одам ўлган бўлса-чи?! Юраги тошми, нима бало! Ачинмайди ҳам. Яна хотиржам, пинагини бузмай гапирди-я! Одамни башарасидан билиб бўлмас экан-да!..»

— Кўп нарсани биларкансиз...

— Биламиз,— жавоб қилди Диёранинг ачитиб, пичинг билан айтган гапини пайқамай Жонибек.— Девор бўлмаса, ташқарини ҳам кўраверадиганларданмиз.

— Вой-бў! Кўзингиз катта очиқ экан. Қаерни битиргансиз?

— Ҳали битгани йўқ,— Жонибек жиддий, турмушнинг аччиқ-чучугини тотиган киши қиёфасига кирди.— Сиртдан ўқийман. Бухородаги савдо институтида. Иккинчи курс.

— Ҳам иш, ҳам ўқиш. Қийиндир?

— Унчаликмас. Бир йилда икки марта бораман, имтиҳон топширишга. Озгина сарф-харажати бор. Йўлқира дегандай. Яна, домлалар билан ресторанда, чойхонада ўтиришга тўғри келади.

— Сиртдан ўқиш билан илм олиб бўлармиди.

— Илм?!— Жонибек ҳиқиллаб кулди.— Содда экансиз. Савдога илмнинг нима ҳожати бор! Магазинга келиб тушадиган товарнинг таннаرخини, хўш, чакана нархини билсангиз бўлди.

— Унда, нимага ўқиётисиз?

— Ҳужжат учун!

— Қизиқ...

— Қизиқ, сиз нега медицинани ҳавас қилиб қолдингиз?— Жонибек тўхтаб, бутун гавдаси билан Диёранинг йўлини тўсди. Қиз ўзини ундан тортиб, четга қаради.— Менга қаранг, шу ниятингиздан қайтинг. Маслаҳатимга кирсангиз, кам бўлмайсиз. Яхшиси, Савдо институтига кириш. Сиртқисига. Ўзим ёрдам бераман.

— Нима, кириш осон дейсизми?

— Йўқ, осон деяётганим йўқ. Имтиҳон оладиган домлалар таниш. Тоғам билан ака-ука бўлиб қолганлари ҳам бор. Ҳа, деворсалар, бас! Бирга ўқиймиз, бирга ишлаймиз. Медицинагиз ортиқча даҳмаза. Олти йил ўқиб, битирганингиздан кейин ойда юз-юз йигирма сўм маош оласиз. Нимага етади?! Чойчақаси бўлмаса...

Диёра индамади. Ихтиёрсиз равишда оғиз жуфтлашга жуфтлади-ю, жим қолди. Бирор нима дейишга, хаёллари талатўп бўлганидан, тугал жавоб у ёқда турсин, жўяли бир оғиз сўз ҳам тополмади. Жонибек унга кўз тикиб, жавоб кутмоқда. Меҳрибончилик қияпти, ёрдам бераман деяпти. Ўзи-ку, имтиҳон топшириб куймаган оғзини куйдириб олди. Бошини тошга ҳам, ошга ҳам уришни билолмайди шу кунларда. Ёнма-ён ўтириб, иншони ундан нуқта-вергулигача кўчириб олган қиз ўқишга кириб олса, сочини чамбарак қилиб юрса-ю... Нима деган гап? Е ҳаёт деганлари бировни олдин, бировни кейин бошини силайдими? Балки омад деган нарса бордир. Омади юришмай қолгандир... Бу ёқда медикларнинг оладиган маоши ҳам кам экан. Жонибек билмасдан гапирмас. Кўп писмиқ, кўп андишасиз бола бўлса ҳам, ҳаёт йўлларини биладиганга ўхшайди. Ишларкан ҳам, ўқиркан ҳам. Йўлқира беринг, чойчақа беринг, деб ота-онасининг қўлига қарамайди. Ишлайди, ўзининг кам-кўстини ўзи кўтарди. Уқиши ҳам кетаверади. Балки Жонибекнинг маслаҳати маъқулдир. Ўзим ёрдам бераман деяпти. Бу ишга ҳатто тоғасини ҳам аралаштирмоқчи. Онаси ҳам, зерикиб юргандан кўра ҳозирча дўконда ишлаб тургин, деган фикрни билдирди. Бекорга айтмагандир. Айтгандай, ўзи ҳам медтехникуми битирганди. Кўп ишламай ишини ташлаб кетди, магазинчиликка ўтди. Маоши камлик қилгандир. Топган-тутгани ҳатто кийим-бошига ҳам етмагандир. Яна ким билсин!..

— Маслаҳатимга нима дейсиз?— сўради Жонибек.

— Бир гап бўлар,— мужмал жавоб берди Диёра.

— Ўйлаб кўринг. Уйни ўй тўлдирди, дейдилар бувамлар.

— Бу нима деганлари?

— Аниқ билмайман,— чамаси, Жонибек бу саволни кутмаган, унинг тубида қандай маъно ётишини аввалдан ўйлаб қўймаган шекилли, довдираб қолди.— Бувамдан сўраб олмабман. Менимча, ҳар бир ишни ўйлаб, план билан қилсанг, уйинг кам-кўстсиз бўлади, бирон нарсага зориқмайсан, деганлари бўлса керак.

— Балки...

Тилла, тилла буюмлар кўнгли оч, кўзи оч одамларга тузоқ. Шуълаланиб шуурини олади, кўзини қамаштириб, оёғига чирмовиқдай чирмашади, охир-оқибат одамгарчиликдан чиқаради. Йиқитади. Шунданми, кўпинча тилла магазинлар универмаглarning юқори қаватига, бир чеккага жойлаштирилади. Жонибекларнинг савдо нуқтаси ҳам ҳашаматли универмагнинг иккинчи қаватида, қулф-калитли. Фақат қулфини мудир очиб, мудир қулфлайди.

— Оббо,— деди Жонибек тўрт қаватли универмаг биноси олдига етиб келганларида.— Тушлик вақти бўлиб қолибди-ку! Пайқамабмиз. Энди нима бўлади?

— Нима бўларди, универмаг танаффус қилмасдан ишлайди-ку?

— Тўғри. Лекин бизники бошқача.

— Қанақа?

— Биз универмаг қоидасига унча риоя қилмаймиз. Тушлик қиламиз.

Жонибек ҳашаматли универмаг биносига кўксини тоғ қилиб, биз шунақа жойда ишлаймиз, дегандай мағрурона кўз ташлаб қўйди.

— Шеф овқатга кетган бўлсалар керак,— Жонибек қўлидаги олтин узугини ўйнаб

гапира бошлади.— Эски шаҳарга, буюртма овқатга борадилар. Норин, хоним, қазикарта, хасип дегандай. Қутамиз.

— Узоқ қолиб кетишлари ҳам мумкинми?

— Мумкин. Нима, бизнинг товар олмамидики, вақтида сотилмаса қорайиб қолса!

— Тўғри,— Диёранинг юраги сиқилди.— Унда, мен кетаман.

— Учрашиб кетсангиз бўларди. Темирни қизигида бос, деганлар!

— Эртага келарман.

Диёра қорни ғарч-ғурч босиб, йўлга тушди. Жонибек беихтиёр унга эргашди. Қиз тийганиб йиқилишдан чўчимас, қаддини адл тутиб борарди.

— Диёра,— мурожаат қилди Жонибек негадир тобора қадам олиши сушлашиб.— Унда, рухсат берсангиз, кузатиб қўяй.

— Овора бўлманг, ўзим...

Диёра автобус бекатига келди. Одамлар гавжум: қарилар, ёшлар, аёллар, эркеклар. Биров қалин, жунли пальтога бурканган, биров жинси шиму куртқада — сўзак кирган оёғини илитиш учун ер тепинади. Биров қалпоғини бостириб кийиб олган, биров бошланг. Туш пайти бўлганлиги учун кўчада на биронта автобус, на биронта троллейбус кўринади. Ҳаммасининг асаби таранг. Нима ёмон — кутган ёмон. Чекиш, pista чақиш, ўзингни мажбур қилиб қандайдир хаёлга берилиш билан ҳам киши бетоқатликдан қутулолмайди. Бундай пайтда таниш, нотаниш орасида бўладиган суҳбат ҳам ортиқчалик қилади.

— Яхшимисиз, Диёра?

Диёра ногоҳ бировнинг оғзида ўз номини эшитаркан, эътибор қилмади, мenden бошқа Диёралар ҳам бор-ку, ўшалардан бири бўлса керак, деган хаёлга борди. Бироқ товуш эгаси унга танишдек туюлди. Қаради.

— Мени танимадингизми дейман? — деди йигит кулумсираб. Қорачадан келган, кўзлари катта-катта. Кулча юзлари изғирин ялаб, чанги артилган нақшин олмадек тиниқ торган. Бошида куён терисидан тикилган янгигина қулоқчин. Модадан қолган бўлса ҳам эгнидаги янги пальтоси спортчиларникига ўхшаш қадду қомастига ярашиб турибди.

У — Эшботирлик Карим дўбирнинг ўғли Жўравой.

— Йўқ, танидим. Салом. Нега танимас эканман, Жўравой акаси,— Диёра у билан қўл беришиб сўрашди. — Бобомлар, бувимлар соғ-саломат юришибдими? Анча бўлди, боролмадим.

— Кўрсанг, салом деб қўйгин дейишганди.

— Ҳа... Ҳалиги, Карим амакимла, холамла яхши юришибдими?

— Раҳмат, юришибди.

— Мени кечиринг, ростимни айтсам, товшингиздан ўхшатдим-у, аввалига таниёлмадим. Анча ўзгарибсиз. Усибсиз. Мени эшакдан йиқитиб юборганингизда,— Диёра атрофдагиларнинг эътиборини тортмаслик учун қўлқопли қўли билан оғзини беркитиб қулди.— Эслайсизми?! Унда...

— Унда...— дудуқланди Жўравой.— Унда ёш эдик.

— Ёш эдик,— маъқуллади Диёра.— Баҳор эди...

Баҳор эди. Диёра баҳорги каникулини бобосиникида ўтказарди. Улоқтепага майсагилам тўшалган, Қорасув бўйида ялпиз ҳиди анқир, яшил либос кийган дарахт шохларида қушлар хониш қиларди. Каромат хола мошхўрдага уннаркан, набираси Диёрани ялпиз териб келиш учун Қорасув ёқасига юборганди.

— Ҳей, қиз,— деди эшакка яланг миниб олган Жўравой Диёра анҳор бўйида ялпиз тераётганида,— сен Маъмур аканинг қизисан-а?

— Ҳа. Нима ишинг бориди?

— Ўзим,— Жўравой қизга нима учун мурожаат қилганлигини ўзи ҳам билмай бир оз анқайиб турди-да, эшагидан тушди.— Шунчаки сўрадим... Толбаргакни биласанми, дегандим...

— Биламан-у, ўзим қилиб кўрмаганман.

— Шунчаки?!

Жўра полвоннинг оёғи олти, қўли етти бўлиб кетди. У бир зумда толга чиқиб, бир даста навда териб тушди-да, эпчиллик билан пўстлоғини шилиб, Диёрага қирққокил ясаб берди. Кишини сархуш этувчи бақор шабадаси, қушларнинг сайраши, толбаргак баҳонами, улар бир-бирларидан бегонасирамай, апоқ-чапоқ бўлиб қолишди. Жўравой ялпиз териб берди, толнинг сурх новдасидан ҳуштак ясашни ўргатди. Қиз хурсанд эди. Кейин, Диёра эшакка миниб кўрадиган бўлди. Жўравой миндирадиган бўлди...

...Ҳозир улар шу воқеани эслашарди.

— Ёмон йиқилмаганман,— деди Диёра Жўравойни зимдан кузатиб.— Фақат қўрқиб кетгандим. Ушанга ҳам қанча вақт ўтди. Худди кеча бўлиб ўтгандай хотирамда турибди.

— Ҳа... Мен ҳам эслаб тураман.

— Китоб-дафтар кўтариб олибсиз?

— Имтиҳондан келаётибман. Бугун охиргиси тугади.

— Қаерда ўқийсиз?

— Қишлоқ хўжалик институтида. Сиртдан. Иккинчи курс.
— О, яхши!

Троллейбус келиб тўхтади. Диёра хайрлашиб троллейбусга чиқди. Кетди. У негадир шу пайт ота қишлоғи — Эшботирни эслар, сокин Қорасув бўйларини сайр қилгиси келарди.

3

Диёра уйга кирганида бувиси ёшига ярашмаган бир алпозда ҳингир-ҳингир кулар, гулдор белдамчасини ечиб юборган онаси ажиб бир мамнуният билан ўзини бўй барабар келадиган тошойнага соларди. «Тушуниб бўлмайди... — Ҳозиргина Эшботирни, сокин Қорасув бўйларини эслаб, кўнгли яйраб келаётган Диёранинг яна юраги сиқилди. — Нега мунақа булар?!»

— Хотин кишининг макри тошни ёраркан, — деди кулгидан ёшланган кўзларини энги билан артаётиб Ойша биби. — Бир эмас, уч бурдай одам гапларимга чиппа-чин ишонди-я! Эшиқдан тихирлик қилмай оппа-осон чиқиб кетди-я! Узим ҳам боладим!

— Жа боладингиз, — Чиннихон ойнадаги унча-мунча эркакни оёқдан оладиган, оқи оққа, қораси қорасига ажралиб турган бўй-бастига қараб олди. — Агар мен... ану Шоди Шўхий бўлмаганида кунингизни кўрардингиз.

— Кунимни кўрсам, сен хурсанд бўлармидинг?

— Одамгарчилик қилди, ахир!

Она-бола бир-бирлари билан жиқиллашишар, Диёра серрайиб турарди. «Тушуниб бўлмайди. Нималар бўлаётибди, ўзи? Одамгарчилик... Шоди Шўхий...»

* * *

Шоди Шўхий икки йилдирки, маданият бўлимига мудир. Шеър, ҳикоя, очерк, адабиётшуносликка оид мақолалар, тақризлар шу бўлим томонидан тайёрланади. Гоҳ танқидий материаллар, фельетонлар устида ҳам иш олиб боришга тўғри келади.

Шоди Шўхий тахаллусига яраша шўх эмас. Шўхлик ақлини топмаган гўдакларга, ақлини топган бўлса ҳам бирор нарсага эришиш, ё ўзининг ноқобиллигини яшириш учун бошлиқлари олдида сийқалик, лаганбардорлик қиладиган, қариса ҳам қуйилмайдиган олқиндисиқатларга ярашади. Шўхлик — борлиқни у ёки бу жиҳатдан тушуниш, англаб етиш йўлида қилинган нисбий хархаша. Дунёга келиб, дунё танишга интилган, дунё меники деб билган гўдакларнинг шўхлигида ҳаёт, тириклик чечаклари кўринади. Катталарнинг шўхлигидан асрасин...

Номи чиққан фельетончи. Бу — Шоди Шўхийнинг «шўхлик» қилмаганлигидан — нопок одамларнинг нопок дунёсига кирмаганлигидан, ўзидан кечмаганлигидан. Фельетон — ёмонликнинг ёзиғлиги. Шунинг учун ҳам унинг номи кўпроқ ёмонлар ўртасида машҳур. Аммо у кейинги пайтларда фельетончи сифатида ўзидан-ўзи қаноатланмайдиган, фельетон деса феъли айнайдиган бўлиб қолган. Негаки, фельетончи «қўриқ» очиши керак. Аммо энди ёзилаётган фельетонларнинг манбаи халқ контроли томонидан алғов-далғов қилинган, «қаҳрамонлари» суд ҳукми билан қамоқда ётган бўлади. Шодивойнинг назарида бунинг қизиғи йўқ. Шунинг учун вақти-бевақт тегишадиганларга, истаса-истамаса қулт этиб ютиниб, босиқлик билан: «Ҳақиқат тўғноғич эмас, учраган касофатнинг юрагига буни билиб қўй дегандай тақиб қўйсанг. Ҳақиқат — холис ният. Уни холис кунлар қарор топтиради...» деб қўяди.

Маданият бўлими катта маҳалланинг ошхонали, ғовур-ғовурга тўла гузарайдай гап. Бу ерда шоирлар, ёзувчилар учрашади: ёзилган, ёзилмаган шеърлар, ҳикоялар устида қизғин баҳс бўлади. Еши йигирма бешлардаю сочи елкасини тутган, қайчиланмаган соқол-мўйлови оттўрвадай кўксини қоплаган рассомлар, ҳадеб грим қилина берганидан юзлари, чаккалари йилтиллаб қолган актёрлар, юрган йўлида мингиллаб қандайдир қўшиқни хиргойи қилиб юрадиган ашулалар йиғилади. Устахонасида зериккан рассомга кўнгилхушлик, ашулаларга қўшиқбоп шеър, шоирга унинг шеърларини эшитадиган текин қулоқ керак. Хонада арақ, вино ҳиди, кетма-кет чекилаётган сигарета тутуни бурқсиб ётади. Йиғиладиганларнинг кўнгли ҳам, юзи ҳам очик. Уларни кўра-била туриб муҳаррир ҳам ўзини кўрмаганга солиб ўтади.

— Шодивой, — деди муҳаррир очик эшик олдида пайдо бўлиб, саломлашгандай бош лиқиллатганча хонада ўтирганларга кулимсираб қараб. — Бир минутга! Уртоқлар кечиришар деб ўйлайман. Суҳбатларингни буздим. Узр.

Шодивой қисиниб ўрнидан турди, муҳаррир орқасидан эргашди. Улар ташқарига, энгил машиналар қўйиладиган жойга чиқдилар. Редакция машинасида «Футбол-хоккей» ҳафталигини varaқаб ҳайдовчи ўтирарди.

— Қанотни кенгроқ ёзадиган: бўлдингиз, иним, — деди муҳаррир Шодивойнинг қўлтиғидан олиб тўхтатаркан. — Юлғичларга, майда чайқовчиларга қарши ашаддий

кураш бошлаймиз. Бу ҳаммамизнинг, айниқса сизнинг кўнглингиздаги гап. Эртага Пахтакор — Октябрь массиви метро қурилиши участкасига борасиз. Айтишларича, қурилиш материаллари туширилган жойда майда чайқовчилар кўчма ошхоналар қуриб олишганмиш. Милиция вакиллари ҳам бўлади. Боплаб фельетон қиласиз!

— Эртага дам олиш куни... Мўлжалдаги ишларим бор эди. Қандай бўларкин?

— Ҳечқиси йўқ,— деди муҳаррир, бу ишни сенга ишонганимдан топшираётиман, деган назар билан унга қараб.— Мўлжалдаги ишингизни бошқа кунга қўйиб турасиз.— У мамнулигини билдириб, қулмсираганча семиз, лўппи қўллари билан Шодивойнинг елкасини қоқиб қўйди-да, ён чўнтагидан қандайдир қоғозларни чиқарди.— Айтагандай, бир йигитча ҳикоя ташлаб кетганди. Уртоқлар илтимос қилиб қолишди... Ёрдам берворасиз.

Муҳаррир машинага ўтириб жўнаб кетди.

«Жўнаб кетди... Бундай, одамдай хайрлашмади ҳам. Йўлимиз бир, ўтиринг, ташлаб ўтаман ҳам демади. Гўё машина онасининг маҳрига тушгандай...— Шодивой орқасига қайтаркан, ижирғанди.— Бюрократ! Мен иш буюраман, бошқалар бажаради, деб ўйлайди. Узини-ку, қалами йўқ. Масъул котиблигида одамшаванда кўринарди. Муҳаррир бўлди-ю, ўзгарди. Мунча шамолга қараб шох ташламаса? Тобеларга — буйруқ, мансаби мансабига тўғри келадиганларга — салом-алик, ўзидан катталарга — қуллуқ. Э!.. Яна: бир йигитчанинг ҳикоясиммиш. Ёрдам бервормиш. Лаб-даханини тўғрилаш қайда, қайтатдан ёзиш керак, ўша йигитчанинг асарини! Қаёқдан пайдо бўлаётимди бу нухсалар?!»

Шодивой чиққанида давраталаб шоир, рассом, артист дўстлари таркаган, хона сигарета яна қандайдир нохуш ҳидлардан димиқиб ётарди. У кичик дарчани очиб қўйди-да, стол устини йиғиштириб уйига жўнади.

Эртаси чайқовчиларнинг кўчма ошхоналарига иккита милиция ходими билан борганларида ҳасип, манти еб, лағмон ичиб ўтирган тўрт-беш метрочи-қурувчилару ўткинчилардан бўлак ҳеч ким кўринмасди. Эски пақир — мангаллар устидаги тоғораларда ҳасип, манти, сирли идишларда лағмон, шўрва буғланиб турар, у ер-бу ерда бўшаган коса, қошиқлар тартибсиз сочилиб ётар: қаердандир ис билган эгалари овқатларини ташлаб, ўзларини пана-пастқам жойларга ургандилар.

— Ҳой, — деди милиционерлардан бири.— Қани, тўхтанг-чи!

Темир-терсак, бетон плиталар уюми ёнидан бир кампир зипиллаб борарди. Қўлида дастурхонга ўралган каттагина тоғора. Дастурхон устидан қуюқ буғ кўтарилади. Кампир ўзини эшитмаганликка олиб, йўлида давом этди.

— Тўхтанг деяпман сизга! — милиционер унинг кўлидан тутди.— Қаёққа шошилаётисиз?

— Менми?! Қаёққа бўларди? Нима кўп хотинларни лозимадаси кўп. Тўй дегандай, чарлари дегандай. Кейин...

— Чарлари, тўй дейсиз. Қўлингиз куяётимди-ку?! Тоғорани ташлаб юборай деб турибсиз.

— Лозимадани хоми бўлади, пишириғи бўлади...

— Манғалингиз қайда қолди? Олволайлик.

— Йигитларга базм ярашади. Хотин-халажлани ичида нима қиласила.

— Оппоқ сочингиз билан одамни алдайсиз-а,— милиционер кампирнинг кўлидан тоғорани олиб очди. Ичида ярмидан ҳам камроқ хоним эди. — Бу нима? Тўй-ҳашамга шунақа лозимада қиладими? Уялмайсизми?

— Энди... Қоқиндик, кўрқиб кетдим. Меҳмон келган эди.

— Шу ергами?

— Йўқ, уйга. Ким овқатни қилса хор — худо ундан безор, деганлар. Шу, увол бўлмасин деб...

— Бўпти, қолганини милицияда гаплашамиз!

Кампирнинг ранги ўчди. Милиционернинг қўлидаги тоғорага ёпишиб, ёлбора бошлади:

— Жон болам, шарманда қилма. Меҳмонлардан қолган овқатни сотишгаямас, метрочи йигитла еволақолишсин деб олиб чиққандим. Ишонмасангла уйдагилардан сўрайла. Илоё...

— Қани, кетдик.

Улар тўққиз қаватли иккита бинони оралаб ўтиб, учинчисининг саккизинчи қаватига кўтарилдилар. Кампир унинг эшигини оча бобиллаб кетди:

— Ҳой, ким бор?! Меҳмон кутмай сенла ўлиёла, овқат хор бўлмасин, метрочи болаларим еб олиша қолсин, деб кўнгилчанлик қилмай мен ўлай! Қамаладиган бўлдим... Оналарингминан хайрлашиб қолларинг!

Кампир ув тортиб йиғлар, бақириб хонани бошига кўтаргудай бўларди. Аслида унинг кўзидан нам чиқмас, уйдагиларни огоҳлантирмоқчи, тилларингдан илиниб қолманглар, демоқчи эди.

Шу он ён хонанинг гажимли, зар гулли эшик пардаси оҳиста тўлқинланди. Сувни чайқатганлардан ранжиган сув парисидай кўнғир, йилтиллаб турган сочлари тўзғиган,

ётоқ кийимидаги сўлқиллаган жувон кўринди. Унинг сутга чайиб олингандай тиниқ юзида жиндайн беҳузурлик ва айни пайтда мавжуд ҳолатга нисбатан бепарволик аломатлари кўринарди.

Шоди Шўхий уни кўриши билан тонг қолди. «Наҳот Чиннихон бўлса?! Ҳа, ҳа ўша... Фақат тўлишибди. Демак, буниси Ойша хола. Танимаганимни-чи! Лекин у ҳам мени танимади».

— Нима гап?

Чиннихон чимирилиб онасига қаради. У аллақачон кампирнинг сирли ҳайқириғидан гап-нимадалигини тушунган, хонадаги бегона кишиларни кўрмаётгандай кўксига ташланган, ҳали ўрилмаган бир билак сочини ўйнарди.

— Нима бўларди, чакана савдо қилаётганларида қўлга туширдик, — жавоб қилди милиционерлардан бири.

— Ана кўрдингми, онангни худо урадиган бўлди, — Ойша биби рўмоли учини кўзига тутиб йғлай бошлади. — Қариганимда шўрим қуриб, қамалиб кетаман. Метро-чи болаларимга улашаётгандим-а! Ҳаҳ, одамгарчилик қилмай менгина ўлай!

— Мен сизга анҳорга ташлаб юборинг демаганмидим?

— Овқатни-я? Исроф қилиб-а?!

— Яхшиликка ёмонлик! Шунга ҳам ота гўри қозихонами? Кучинлар художўй бир муштипар кампирга етдими?! — Чиннихоннинг кўзлари чақнади, важоҳат билан эшик олдида турганларга қаради. — Яшанглар-э!.. И-е, тўхтанг сиз... Мабодо янглишмасан, Шодивой акамасмисиз?

— Мен...

Аввал Ойша биби, кейин милиционер йигитлар кетма-кет эшик олдида қисиниб турган Шоди Шўхийга қарашди.

— Нима, сиз милицияда ишлаётисизми?

— Йўқ... Газетада. Рейд қилиб чиққандим.

— Ана, холос! — Чиннихон қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди. — Беш йил тузини ичган онахонингизни устидан ёзмоқчи бўлибсиз-да?!

Милиционер йигитлар ҳайрон бўлиб Шоди Шўхийга, Шоди Шўхий ерга қаради.

— Кетдик. — У эшикни очди. Милиционер йигитлар елка қисишиб ташқарига чиқишди. Шоди Шўхий лабига сигарета қистираётиб Ойша бибига деди, — ҳар қалай, бундан буёқ меҳмонлардан қолган ортиқча овқат бўлса, исроф бўлишидан қўрқманг, яхшиси анҳорга оқизинг!

* * *

— Анҳорга оқизармишман-а! Оғизга олсанг эриб кетадиган шундай хонимни-я! Ўйлаб гапиряптими ўзи у қоқбош. Куни кеча эди, бўйни ипдай, қотган нонни сувга бўк-тириб еб ўтирарди.

— Катта одам. Шодига раҳмат денг. Акс ҳолда...

Чиннихоннинг гапи Ойша бибининг қитиқ патига тегди, бобиллаб берди:

— Нима, мени пишириб ермиди! — у рўмолни ечиб, тоғорадаги хонимга қаради, хўрсинди. — Ўзи ҳам озгина қолибди, совуққа яланиб кўчага чиқишга арзимади. Кэ, Диёра тўйиб-тўйиб еб ол!

— Тўйдим!..

Диёра терс ўгирилиб ичкари хонага кириб кетди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Қилмиш — қидирмиш

Улар остона ҳатлаб ҳовлига тушдилар. Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Тун. Кўкда йилт этган юлдуз кўринмайди. Ҳаммаёқни оқ-сур булутлар қоплаб олган. Гўё уфқ этаги тортилгану чексиз-чегарасиз осмон том бўйи яқинлашган, бўғотларга илиниб қолгандай. Изгирин ва қор учкунлари шувиллаб она-боланинг пойида гир айланади, қулоқлари остида шошилиб-пишилиб нималарнидир шивирлайди, юзларини силаб ўтади. Бу нима? Ернинг, кўкнинг илтижоси, садосими?! Нима демоқчи еру кўк? Балки, оёғингни эҳтиёт қилиб бос, йиқилсанг сен ҳам, биз ҳам озор чекамиз деяётгандир... Ҳар бир тирик жоннинг ёниб турувчи ўз юлдузи бор кўкда, дейишади. Эҳтимол юлдузи ўчганларнинг — оламдан кўз юмиб кетганларнинг айтолмаган, юраклари тубида кетиб хоки-туробга айланган гаплари, ўқинчлари, илтижоларидир... Эҳтимол урушда бедарак

кетган, қай бир олис жабҳада тупроққа қоришган Содиқнинг руҳидир. У она-болани бақамти, бахтиёр кўрганлигидан мамнунлигини, қувончини изҳор қилаётган бўлса-чи?! Тун, қор: шивир-шивир, шов-шув...

Ҳовлидаги тор йўлка тийғанчиқ: устини яна юпқа қор босган. Чироқ нурида кўз қамашади. Каромат хола сахарда туриб у уй билан бу уйга, кўчага, ошхонага йўл очди-ю, бошқа ишлар билан алаҳсиб ҳовлини қордан бутунлай тозалаёлмади.

Ҳали кайфи тарқалмаган Маъмуржон тийғанди, ёнига оғиб бир оёғи тиззасигача қорга ботди. Орқама- орқа келаётган Каромат хола юрак ҳовучлаб унинг кўлидан тутди. — Ойижон,— деди Маъмуржон ўзини ўнглаб, қорга ботган оёғини тортиб олиб, тап-тап ерга ураркан.— Ҳозир ечиниб, бирпасда кураб ташлайман.

Унинг овози қандайдир бўғиқ, титраб чиқди ичидан. Бўлак бир оғиз сўз айтолмади. Томоғига нимадир тиқилди. Оғир уф тортди. «Онажон!..» Шу бир оғиз сўз вақти-бевақт она хизматига яролмаганлигидан ўзини айбдор деб билган фарзанднинг ўкинчи, ўтинчи, кўксидан отилиб чиқиб қор учқунларида онанинг хоки пойини олишга тайёр юракнинг бонги, садоси эди.

Она индамади. У ўғлининг аҳволини тушуниб турарди. Нима ҳам десин? Ўзи-ку, кўпдан хабар ололмаганлигидан хижолат чекиб, эзилиб турибди. Қани, онаизор аччиқ бир гап қилса-ю, тўлиб турган юрагини йиғлаб-йиғлаб бўшатиб олса!

— Болагинам,— деди уйга киришлари билан она, аксинча эшикни ёпиб, ўғлининг юз-кўзларини силаркан.— Анча тўлишибсан, кўз тегмасин...

У қайнотаси олдида истиҳола қилиб, айтолмаган гапини айтди: «Болагинам!..» деди. Улар бир-бировларига бир зумгина титроқ нигоҳ ташладилар. Уғил дош беролмади. Она кўксига бош қўйиб, кўзларини яширди...

У пальтосини, қалпогини ечиб қозиққа илди. Кейин, жингалак, оқ оралаган сочларини бармоқлари ила ёғжимлаганча уй ичига беихтиёр кўз ташлади, ниманингдир, кимнингдир ҳидини олмоқчи бўлгандек ўпқасини тўлдириб чуқур-чуқур нафас олди. Сўнг, ўрин солиб қўйилган сим каравотга оғир ўтирди. Сим каравот отасидан қолган. Уй анжомлари ҳам Содиқ ака урушга кетиш олдида қандай аҳволда бўлса шундайлигича сақланган. Қўш тахмон, ундаги қўш сандиқ устига тахланган кўрпа-тўшаклар... Деворга осиглиқ дорпеч, кирпечлару қозиқлунгилар... Ҳаммаси ўша-ўша... Фақат йиллар ўтиб, неча бор ювилган, оҳори тўкилган.

— Ҳовли куралмай қолибди,— деди Маъмуржон ўрнидан туриб.— Курак қаерда?

У, дадамнинг тўнини беринг, деёлмади. Аслида тўн, Содиқжон уни елкасига ташлашни унутиб шошилганча ташқарига чиққану ҳозир келиб киядигандай, қозиқда илиғлиқ. Уғил онага, она четга қаради.

— Куракни қўй, ўғлим... Чарчагансан...

— Ошхўрлик қилиб ҳам чарчайдими одам,— анча ўзини тутиб олган ўғли филтиллаб турган онани юпатмоқчи, уни ҳазил-мутойиба билан нохуш хаёллардан соқит қилмоқчи бўлди.— Арақнинг ҳовури бор. Ташқарига чиқиб, қўлимга курак олишим билан ҳовлидаги қорнинг ўзи эриб кетади.

— Совуқ, шамоллаб қолсан.

— Бэ, ойи, шамолни мен шамоллатарман ҳозир,— ўғил кулди.— Кейин, каллаи сахарлаб Раҳмат сўпи билан Пўлат ғалати келиб қолиши мумкин. Уларни биласиз, кулги учун кул титишдан ҳам тоймайди.

— Биламан,— деди она.— Мен-ку, ичишингга қаршимасман. Йигит киши ичади. Аммо бобонг ранжигандек бўлди.

— Ҳа, ичмаслигим керак эди.

— Ҳафа бўлма. Бобонг уларни ёқтирмайди.

— Нера?

— Билмадим. Лекин сенинг ишинг бўлмасин. Пўлат билан ҳам, Раҳмат билан ҳам болаликдан бирга ўсгансан. Кўришганинда у-бу гап қилма, яна. Бобонгни феълини биласан.

— Нима, ораларидан бир гап ўтдимми?

— Йўқ, нима гап ўтиши ҳам мумкин.

— Бўлмаса нимага ёқтирмайдилар бобом?

— Ғийбат бўлмасин-у, иккала ўртоғинг ҳам кейинги пайтларда манмансираб қолган. Гоҳо одам танимайди. Бунақаларни бобонг ёмон кўради.

— Тушунарли.

— Шунинг учун ҳам ташқарига чиқма. Бобонгни уйғотиб юборасан. Ҳовлини кураш бўлса қочмас.


У сим каравотга қалин қилиб солинган ўриннинг кўрпасини ярим очди-да, эшикни яланг қолдириб кичик уйга чиқди. Уғил ётди.

— Сут ичасанми? — сўради она кичик уйда пақирдан сопол товоқларга шовулла-тиб сут қуяркан.— Ҳалигина соққандим. Илиққина турипти.

— Йўқ.

— Қатиқ ич бўлмаса.

— Раҳмат, ойижон, ичгим йўқ.



Мусаввир Н. Ғуломов.

Она товоқларга қуйилган сутни чамбаракларга илиб, печкадан чой дамлаб кирди. Деразаларга шамол аралаш қор урилар, гўё она, боланинг гапларини эшитмоқчи бўларди.

— Чой,— деди она хонтахта устига чойнак, пиёлани қўйиб.— Бир оздан кейин томоғинг қақрайди.

— Ҳа...

— Болларинг яхши юрибдими?

— Яхши.

— Диёра қалай? Катта қиз бўлиб қолгандир?

— Ҳа...

— У менга тортди... Илоё тақдири ўхшамасин.

— Худди ўзингиз.

— Ўзингни ишларинг қалай?

— Ёмонмас.

Ўғилни иссиқ ўрин, уйқу элитар, она эса унинг олдидан кетгиси келмасди. «Отасининг ўзи. Камгап,— ўйларди у.— Ичипти. Қаёқдан йўлиқибди ўша Пўлат совуқ билан Раҳмат ғалтакка. Уларга нима, қўли ошнию кўзи пулни кўради. Бу бўлса... унақа эмас».

— Диёранинг бўйи етиб қолгандир, а?

— Катта бўлиб қолди.

— Тўғри айтасан, катта бўлиб қолди. Худо ёш берса ўн етига киради бу йил.

— Шундай.

— Сен уни ташвишини қилма. У мени қизим.

— Сизни қизингиз.

— Ўзим узатаман. Кийимликлари-ю, кўрпа-ёстиқларигача тахт қилиб қўйибман.

— Овора бўлиб нима қилардингиз?

— Овораси бораканми! Ҳалиги, топилмас матоҳ, гарбил-марбилини топсам бўлди.

— Нима дедингиз?

— Нима бўларди, гарбилини дейман.

— Гарбилимас, гарнитур!

— Ҳа, ўшани! Пул тўплаб қўйганман. Сельмагдан хабар олиб турибман. Опкеб берадиган бўлишган.

Ўғли жавоб қилмади. Кўрпачада икки қўли билан иякларини тутганча омонат ўтирган она каравотга кўз ташлади. Маъмуржон пишиллаб ухламоқда эди. У ўғлининг кўрпасини тўғрилаб, кичик уйга чиқди.

2

Маъмуржон чўчиб уйғонди. Назарида кимдир бошини силагандек, қулоғига «тур, ётаверма, бобонг билан онангни ҳолидан хабар ол», дегандек бўлди. Кўзини ишқалаб атрофга қаради. Уйда бир ўзи. Бирон-бир товуш эшитилмайди. Кечқурунги шамол аралаш ёғаётган қор тинган. Сутдек ойдин. Юлдузлар чарақлаб турибди. Оёқ остига, гиламга нина тушса топилади.

Соатига қаради. Тўрт ярим. Ким бўлди ярим кечада унинг бошини силаган? Овозичи?! Аниқ-тиниқ эшитди: «Тур, бобонгдан, онангдан хабар ол!» — деди. наҳотки, туш кўрган, алаҳлаган бўлса? Йўқ. Товуши ҳам кўпдан танишдай. Ҳозир ҳам қулоғи остида акс-садо бериб турибди. Отасини кўрмаган. «Уликлар тирик, тириклар ўлик!..» Ойша бибининг оғзидан тушмайдиغان гап. Ажаб!.. Ё, отасининг руҳимикин?!.

Борлиқ — ҳаракатдаги зарралар, нурлар... Демак, инсон, фақат инсонгина эмас, турфа жониворлар, майсалар, ниҳоллар ва, табиийки, тақдирлар у ёки бу кўринишда такрорланиши, дунёга неча бор келиб, неча бор кетиши мумкин...

Маъмуржон ҳаприқиб ўрнидан турди. Қозикда отасининг тўни! Олиб, меҳр билан силади, хидлади. Кейин, кийиб ташқарига чиқди. Ҳаммаёқ оппоқ. Кўкда юзи куйган сулувдек ой сузади, бир-бировларига кўз қйсишаётгандек юлдузлар жимирлашади. Сирли-синаотли олам — нурлар, қандайдир хаёлни қанотлантиргувчи имо-ишоралар, навозишлар базми...

Узоқ-узоқларда — Улоқтепа томонда, жар-жилғаларда, чакалакзорларда тунги овга чиққан тулкилар изғийди, бу ёқда қишлоқ кучуклари акиллашади, товуқлар қақолайди. Ҳафсала билан қор кураётган Маъмуржон бутун вужуди билан борлиққа сингиб кетгандай. У қаддини тутганча қўлига туфлаб туриб атрофга бир зум қулоқ солади, мамнун кулумсираб қўяди ва яна шитоб билан ишга киришади.

Онлар, сониялар борар жойи — номаълум томонга имиллайди. Ҳозиргина осмонда совун кўпигидек кўпчиб турган булутлар тўзиб битган. Кўк келинларнинг таги очяшил, гулдор рўмолидек тиниқ, жозибали. Ҳалигина паға-паға булутларни қиялаб, тортинибгина боқаётган ой тўлишган. Энди у яқин кунларда кўзи ёрийдиган юзи доғли соҳибжамол жувондек жиндеккина ноз, жиндеккина ҳадик аралаш ўзини кўз-кўз қилади.

Эшботир қишлоғиликлар ойни момомиз деб юрак-юракларидан ардоқлайдилар. Янги ой — ҳилол кўринган дамлар бир-бирларини мамнуният билан янги ой, яхши ниятлар билан муборакбод этадилар, элга, юртга тинчлик, хотиржамлик тилаб, юзларига фотоҳа тортадилар. Бунинг сабаби бор. Қишлоқда асрдан-асрга, оғиздан-оғизга ошиб келаётган ривоят мавжуд бўлиб, унда Эшботир қишлоғи ва Оймўмага оид қизиқ, таъсирчан ҳикоя баён қилинади.

* * *

«...Саратон. Тош қизиғи. Чошгоҳ. Қуёш атрофдаги баланд-паст тепаларни, қанонлардир сел олган, эндиликда шўр қошлаб ётган жарларни, куя еган пўстакдай титилиб, қовжираб қолган чакалакзорлару қиёқзорларни қиздиргандан қиздиради. Сувсиз, етим ернинг султонлари бўлган калтакесаклар, тошбақалар, илонлар ҳам ин-инларига уриб кетганлар.

Саксовулнинг олачалпоқ соясида ярим яланғоч, сочлари елкасини тутган, қора қош, қора кўз, девсифат паҳлавон йигит бошини қоқ гувалага қўйганча мизғимоқда. Олдида эчки териси ёзиглақ. Унда бир бўлак эрий бошлаган думба ёғи, бодроқ ва кўмоч. Енида қайрағочдан ясалган чўкич ва белкурак. Оёқ томонида қоқ-заранг тупроқ уюмлари.

— Уф... Оҳ... — У бирдан кўзини очиб, ўрнидан туриб ўтирди, ҳузур қилиб қўш тепадаи туртиб чиққан кўрагини, мисдай пишиқ, хушбичим юзларини силади.— Аёл зотидан... Қандай қилиб саратонда бу жойларга келишга журъат этди экан-а?!

Унинг овози момогулдирак гулдуранига ўхшаб чиқди. Бу овоз баҳор ёмғирида бўй қўйиб, уруғ тўкмай қовжираган сап-сарик майсаларнинг тириш лабларида, эгри-бугри бўлиб пастликка энган жарликда акс садолади.

— Жасоратингга қойилман,— деди паҳлавон ўтирган жойида пинак бузмай.— Кимсан? Дўстмисан, душманмисан? Арзу додингни айтавер?!

Тўқайлик ичидаги тўп қамиш ногоҳ шитирлади. Қилт этган шамол йўқ. Дам ўтмай қамишнинг шитир-шитири ҳам тўхтади. Атрофда фақат сароб жимирлайди, гармселгина унсизгина сандироқлайди. Афтидан қамиш панасидаги жонзот кутилмаган учрашувдан кўрқиб, нима дейишини билмай эсанкираб турарди. Паҳлавон жим қолган қамиш тўпига кулимсираб кўз ташларкан, тўртта қўй терисидан чокланган нимчасини елкасига ташлаб, деди:

— Тортинма, дўст бўлсанг тилагингга етасан!

— Дўст деб бил, паҳлавон! — Қўнғироқдай товуш эшитилди қамиш ортидан.— Кечир, мен бир заифаман, зориқиб келдим.

— Хуш келибсан?

— Аммо сен, кўнглингга бир гап келмасин-у,— товуш эгаси ҳадиксираб гапирарди.— Мени бу ерда пайдо бўлганимни қаердан билдинг?

— Шабадангдан. Уйқумдан уйғотиб юборди ҳатто.

— Қизиқ... Қуш эмасманки, қанот қоққанымда турмакланган сочинг ёйилиб кетди.

— Қуш эмассан... Чамаси келаётганингда турмакланган сочинг ёйилиб кетди.

— Тўғри. Лекин...— яна қамиш шитирлади. Паҳлавоннинг топқирлигидан таажжубда қолган товуш эгаси, бу одамми, шайтонми, деган хаёлда кузатаётган кўринарди.— Лекин бунини сен қаердан билдинг?

— Ана, холос! — паҳлавон кулди.— Сен жуда соддаикансан. Шабада аёл зотининг сочини силкинишидан пайдо бўлади. Довул, бўронлар эса, унинг қаҳридан, қарғашларидан...Наҳотки, шуни билмасам?!

— Қайдам... Эшитмаган эканман.

— Шунақа!

— Ақлли кўринасан...— яна овоз эшитилди қамиш ортидан.— Буларни сен қаёқдан била қолдинг?

— Биламан... Бошимдан ўтказмаган бўлсам ҳам биламан. Узи дунё шундай қурилган: тагини не бир қийинчиликлар билан шиббалаб, пишиқ қилай десанг томи уваланиб туради. Хўш, ўзинг, қуридим тепалар, чангалзорлар оралаб нечун бу ёққа йўл солдинг? Бошқа ёққа эмас?

— Шу томондан димоғимга сувнинг шабадаси урилди.

— Ана, кўрдингми, сувнинг ҳам шабадаси бор!

— Бу ерларда нима қилиб юрибсан?

Товуш эгаси саволи ноўрин эканлигини пайқади шекилли, жим қолди. Бир оздан кейин қамиш қаттиқроқ шитирлади. Енида сут билан чайиб олингандай оқ, устига сувсар терисидан чокланган ёпинчиқ ташлаган қиз пайдо бўлди. Унинг шабада кўзгатувчи сочлари тақимини ўпарди. Қўлида меш.

— Бахтимни қидириб юрибман,— деди паҳлавон дудуқланиб бир қизга, бир ерга қараркан.

— Раҳмат сенга,— жавоб қилди қиз.— Эр йигит ер юзини очади, ер эр йигитнинг юзини. Кўриб турибман. Ҳуринсиз саволим учун кечир.

— Исминг нима?

— Ой.

— Сеники-чи?

— Эшботир.

— Мен туфайли ота-онам, укаларим балога учради. Ер-сувимиздан, дову дастгоҳимиздан ажрадик. Юртдан ғанимларнинг дасти туфайли қочдик...— Қиз ўкинч, умидсизлик билан гапирар, унинг гаплари оҳангидан ногоҳ рўбарўсида пайдо бўлган паҳлавон йигитдан, қуриб-қовжираб ётган ён-атрофдан шафқат, мурувват тилаётганлиги сезилиб турарди.— Улар ҳозир сувсизликдан қон қусиб ётибди.

— Номардлар! — Эшботирнинг қони кўпирди, мушаклари қабариб, томирлари ўқлоғидай-ўқлоғидай бўртиб чиқди.— Қани, мешни бер!

Улар Эшботир ариқ очиб, етаклаб келаётган сувдан мешларни тўлдириб Ойнинг ота-онаси, укалари ётган томонга қараб жўнадилар.»

* * *

Қишлоқнинг каттадан кичиги шу воқеани тугилмай, битта сўзини ҳам тушириб қолдирмай айтиб беради. Улар ўзларини Эшботир билан Оймўманинг болаларимиз деб биладилар. Эшботирликларнинг бобокалонлари — Эшботир момо оналари — Ой билан учрашганига минг йил бўлганми, ундан ортиқми — ҳеч ким аниқ айтолмайди. Айтишларича, Ой ўта гўзал қиз бўлган. Манман деган уруғ-аймоқларнинг йигитларидан совчи келган. Қиз кўнмаган. Шундан кейин улар бир-бирлари билан қасдлашиб, ғанимлашиб қизни зўрлик қилиб тортиб олмоқчи бўлганлар. Бундан хабар топган Ойнинг ота-онаси номусдан ўлимларига ҳам рози бўлиб, ўз юртларидан яширинча бош олиб чиқиб кетадилар.

Уларни ўлимдан кимсасиз дашт-биёбонни обод қилишга бел боғлаган Эшботир паҳлавон кутқаради. Сулув қизу ботир йигит бир-бирларини севиб қоладилар. Турмуш қурадилар. Етти ўғил, етти қиз кўриб, уй-жойли, мол-ҳолли, ўтин-чўпли бўладилар. Ўз элидан, уруғидан қочиб, бошқа жойда ватан қурган Ойни ғанимлар кўролмади. Улар қасдлик қилиб, уйкуда ётган Эшботирни ўлдирадилар. Ойнинг номусига тегмоқчи бўладилар. Ушанда севгисига, виждонига содиқ қолган Ой бадбин, баднафс уруғларига лаънатлар ўқиб, юзини юлиб қонга бўяган ҳолда тинч, тилсиз осмонга йиғлай-йиғлай чекинган экан.

Шу-шу у ғам билмас Осмоннинг ғамли Ойи бўлиб қолганмиш...

Шу-шу ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғмиш...

Шу-шу у Эшботир қишлоғи тепасига келганида гоҳ ўтмишини эслаб ўй суриб қолармиш, гоҳ булутлар орқасига яшириниб йиғлаб-йиғлаб олармиш...

Қорни кураб, ҳовли четига том бўйи қилиб уйиб қўйган Маъмуржон сигарета тутатиб, осмонга қаради. Ой қишлоқ тепасида тик қотган, атрофга ёруғ юз билан назар ташларди. «Мени кўриб Оймомомиз ҳам хушнуд бўлаётдилар,— кўнглидан ўтказди у.— Салом Моможон! Қувончингизни кўриб турибман. Мени, пойқадамингиз теккан қишлоғимизни нурга чулғаяпсиз. Нурунгиз — меҳрингиз, биз бебош болаларнинг гоҳи шира босиб қоладиган кўзларимизни очгувчи, дилимизни ёритгувчи ўгитингиз.

Сизга аён, бобомни, онамни ранжитдим. Лекин улар буни сездирмайдилар. Майли, бола, кўнгли олинмасин, дейдилар чоғи. Билиб турибман. Нима қилай? Отамдан қолган биттаю битта туёқман. Мени кўрсалар отамни кўргандек бўладилар. Болалик қилдим, вақтим бўлмади деб уларни ҳам, ўзимни ҳам алдолмайман. Ҳар куни, ҳар он йўқлашим керак уларни. Бу менинг фарзандлик бурчим, Моможон!

Лекин, Сизга айтсам, тўқлик — шўхлик, деганлари рост экан. Урушдан кейинги оғир пайтларни биламан. Бир чўнтак туршакни, битта зоғорани бўлишиб ердик. Ҳеч қачон қорнимиз оч туриб ўзим бўлай демасдик. Топган-тутганимизни тенг бўлардик. Ҳозир нимагадир бошқача. Ҳамма нарса ошиб-тошиб ётади-ю, яна нимадир етмаётгандай. Йиғамиз: пулни туфлаб тугамиз, тўрт қоп ун, гурунчимиз туриб устига яна ўн қопни босиб қўямиз. Гўё ёмон бир қор-ҳол рўй беради-ю, ўша жамғармамиз асқотадигандай... Бунинг ўзи бўладими? Пулни пулга уриштириш, қандай бўлмасин мўмай пул топиш йўлини қидириш керак. Демак, истасанг-истамасанг кимнидир алдайсан, кимдандир алданасан. Бойликка интилишнинг бошқача йўли йўқ. Ростини айтсам, ўзим ҳам шу кўчага кираёзгандим. Уйлаб қарасам, ҳалол одамлардан, ҳатто бобом билан онамдан ҳам ажралаёзибман. Элдан, юртдан ажралмаслик, меҳр-оқибатни, ҳурмат-эътиборни, бир сўз билан айтганда одамийликни сақлаб қолишнинг ўзи катта бойлик эканлигини тушундим, Оймомажон! Ишқилиб, юртимиз тинч бўлсин, замон тинч бўлсин. Урмонга ўт кетса ҳўл қуруқ барабар ёнади... Оталаримизнинг бошига тушган оғир кунлар бизнинг, болаларимизнинг бошига тушмасин. Юртнинг тинчлиги, элнинг хотиржамлиги топилмас бойлик эканлигини англаб етдим, Оймомажон!..»

— Ўргилдим-э,— деди у анча вақт ўтгандан кейин ҳамон ўпкасини босолмай.— Об-бо Маъмур-эй, ошган хамир бўлмасанг шу гапларни айтасанми! Ачиб-бижғимай кет-э! Узим «хамир» лақабингни бекорга қўймаганман.

— Бўлди! — Маъмуржоннинг жаҳли чиқди.

— Эшботир шу жойда Оймома билан учрашганмиш,— энди Раҳмат хахолаб кула бошлади.— Вой, диди-паросатингдан ўргилдим. Бу саданинг тагида, мана мен, келининг Улпаной билан учрашганман. Эшботирга йўл бўлсин! Бу, шунчаки бир гап-да!..

— Оғзингни юм! — Маъмуржон қишлоқ аҳлининг ишончи олдида юзсизлик, гумроҳлик қилаётган Раҳматга қараб хезланди.— Сен... сен одаммисан ўзи? Туз ичиб тузликқа тупурадиган аблаҳ!

— Қўйсанг-чи?! — Пўлат унинг йўлини тўсди.— Сўпини билмайсанми?! У нима, ҳаққа нима. Сайради қўйди-да.— Кейин кўзларини туз қилиб, Раҳматга юзланди.— Сен ҳам жа алжидинг. Сўлжайиб ўтирмай арағингдан қуй!

Гангиб қолган Раҳмат отиб юборгани тугунлардаги арағу газакларни олди. Ялпайиб қорга ўтирди.

— Ичамизми? Ичамиз! — у қовоғи уйилган Маъмуржонга бир қур қараш қилди-да, стаканларни тўлдириб узатди.— Ол, бир умрлик дўстлигимиз учун ичамиз. Ташвишлардан кечамиз. Билиб қўйлaring, ўлсам, иккаланг тепкилаб-тепкилаб кўмасанлар. Қани, шунинг учун олдик!

Улар бир пиёладан ичишиб, йўлга тушишди. Карим дўбирнинг дала шийпони чакалакзорга ёндош. Атрофини азимтуп толлар, тераклар қуршаб олган. Узоқдан қор қоплаган тол, тераклар осмонда муаллақ қотиб қолган оқ булутлардай кўзга ташланади. Бир чети сойликка энган, бир чети Улоқтепага ўрлаган чакалакзорни: итбурунларни, наъматакларни, йўсинларни қор қоплаган. У ер, бу ерда тулкими, қуёнми из қолдирган. Дала шийпони муҳридани тутун чиқиб турибди.

— Дўбир тушкур қишда ҳам тинчмайди,— деди Пўлат мўридан чиқаётган тутунга кўзи тушиб.— Э, баҳор, ёзда-ку, ўрин-кўрпа қилиб ётиб оласан, қишда бундай айшингни сур!

— Нима қилади Карим амаки? — сўради Маъмуржон.

— Нима қиларди, ўрганиб қолган. Бир айланиб келиб-кетмаса кўнгли жойига тушмайди. Иннайкейин, ёши бир жойга бориб қолган; чойхонага чиқиб ҳордиқ чиқарай деса уялади.

— Жа унчаликмас,— гапга аралашди олдинда ҳансираб бораётган Раҳмат.— Маишат қилгудай бўлса, худонинг ўзи асрасин Дўбир билан бирга бўлишни, ҳали ҳам сендақа, мендақанинг ўнтасини арағини ичади, қилт этмайди. Мен сенга айтсам, хабаринг йўқ экан, шийпонда Самад чол ётибди. Ундан Дўбир ҳар куни уч маҳал хабар олиб туради.

— Йўғ-э?

— Нега ишонмайсан! Гоҳо ош дамлаётсам масаллиғини бир норма ошиқ солдириб, пишганда ё ўзи, ё ўғли Самад чолга олиб боради.

— Ҳа, одам боласини ишқилиб қариганда хор қилмасин.— Пўлат бир зум сукут сақлаб, сўнг гапида давом этди.— Дуруст... Дўбирда одамгарчилик зўр. Шунақайкан, чолни уйига олиб кетақолса бўлмасмиди?

— Бўларди,— деди Раҳмат оғзидаги гўштни хотиржамлик билан чайнаб.— Дўбир — дарё... Лекин, чол кўнмабди.

— Одамови!..

Пўлатнинг гап оҳангида ачиниш, айна чоқда нафрат ҳам бор эди.

— Ундай дема,— Раҳмат хўрсинди.— Бир дарвеш, ичимдан ўтганни ўзим биламан, иштоним билади, деган экан. Ким билади, Самад чолнинг бошидан нималар ўтмаган. Улар чакалакзорга ёндош изза-ариқ бўйлаб илгарилардилар. Бошларидан қарғалар, захчалар «ғақ-ғуқ», «чағ-чуғ»лаб ўтар, изза сувидан ҳовур кўтариларди.

Узоқда, шийпон томонда икки кишининг қораси кўринди.

— Улар ким бўлди экан,— Раҳмат тугунларини ерга қўйиб, ени билан кўзларини ишқаб қаради.— Бизларга ўхшаган чакана сайёҳларга ўхшамайди. Бирининг орқасида юки бор.

— Ким бўларди,— Пўлат чирт этиб четга тупурди.— Ўзинг айтгандай Дўбирдир.

— Алланимани орқалаб олган.

— Пайкалга кўмиб қўйган қирқма қовуни бўлса, олиб кетаётгандир-да!

— Ғалати гапингни қилма,— Раҳматнинг аччиғи чиқди.— Дўбир бекитиб ейдиганлардан эмас.

— Ол-а, ким бекитиб еркан?

— Сен!.. Мен.. Э, почапўстинингдан ўргилдим!

Пўлат Раҳматнинг жазаваси тутмасин деб тилини тийди, индамади. Қони қайнаган, ўзига келиб-кетиб турган Раҳматнинг кўзлари яна бир ортиқча гап билан косасидан чиқса чиққудай эди.

— Бўлди,— деди Маъмуржон Раҳматга, яна, бопладинг, дегандай кўз қисиб.— Менимча ҳам Карим амакига ўхшайди. Ҳа, у киши ҳалол одам.

— Бўлмасам-чи,— Раҳматга жон кирди.— Менга ўхшаб ошхўрлардан урмайди,

Ғалатига ўхшаб ғалатилик... қилмайди. Девдай кучи бор. Ишлайди. Топади. Оёқ узатиб ейди. Нима дейсан, Ғалати, узатсанг дейман, кўрпанинг остида ҳам оёғинг қалтираса керак, а?!

— Жим-э!

Пўлатнинг кўзлари йилтиллаб кетди. Тишлари ғичирлади.

— Шунақа-да, тўғри гап туққанингга ёқмайди,— Раҳмат хахолаб кулди.— Сен дўстимсан, бор гапни айтаётибман. Нима, аччиғинг чиқдими? Мана, мен ҳам кўпнинг ҳақини ейман. Яширмайман. Сен бўлсанг... Хўш, қирдаги тўртта қўйинг қирқтадан ошгандир ҳозир? Нега индамайсан? Шунақа, айбингни бўйнингга олиб қўй, қусишга келганда енгил қусасан!

— Э, чакагинг ўчсин сени,— Пўлат Раҳматнинг гапларини ҳазилга йўйиб, елкасига мушт туширди.— Ичсанг оғзингдан аччиқ ичагинг ағдарилиб чиқади.

Раҳмат кулар, чамаси ичидаги димиқиб ётган дардларини тўкканидан ҳузур қиларди.

Улар қатор тутларни оралаб, сайхонликка чиққанларида Карим дўбир билан ўғли Жўравойга дуч келдилар, Дўбир тўнини қайириб, Самад чолни ўраб-чирмаб опичиб олган. Жўравойнинг қўлида эски чакмон, алимсоқдан қолган мис чилим, хом теридан тикилган, ранги униқиб кетган, оғзи буровли кичиккина халтача.

Йигитлар Карим дўбир, Жўравой билан саломлашишди. Самад чол ўз терисига ўралиб қолган, кўз юмганча жим ётарди.

— Келган экансан-да,— Дўбир Маъмуржонга юзланди.— Городлар жойидами? Бола-чақанг маладес юрибдими?

— Шукр, юришибди.

— Маъқул, маъқул. Прогулка. О, бунга нима етсин!

— Узингиз ҳам прогулка қилиб юрибсизми? — орага қўшилди Пўлат. — Чилим, халтачада алланимабало. Қуруғи ҳўлидан зўр бўлса керак дейманов?

— Чанқовбостига қирқма қовун ҳам дегин,— пичинг қилди Раҳмат.

— Бўлмаса-чи,— Дўбир Раҳматнинг пичингини пайқамади.— Отесминан шийпонда обдан отамлашдик. Энди уйга кетаётибмиз. Мен сенга айтсам, иним, қуруғининг кайфи ҳўлининг кайфидан зўр. Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич, деганлар. Вот, кайф ўшанда!

Пўлатнинг дами ичига тушди. Шу пайт бошини Дўбирнинг елкасига қўйиб ётган Самад чол ўгирилиб қаради. У бир-бир йигитларга кўз югуртираркан, Пўлатга келганда тўхтаб ҳолсизгина шивирлади:

— Бутун... Бутунлик бўлмас ўтин...

Бу гапнинг маънисига даврадагилардан ҳеч ким тушунмади. Ва яна чолнинг ўзига тааллуқлимиди, кўпроқ тикилгани Пўлатгами — бу ҳам белгисиз эди. Маъмуржон қўлини кўксига қўйиб унга салом берди, ҳол-аҳвол сўради.

— Ҳай, ҳай,— деди Самад чол бошини лиқиллатиб Маъмуржонни ўзига яқин чорларкан.— Кўп яшанг, болам. Кўзимга истарангиз иссиқ кўринадир?

— Турон отанинг набираси,— жавоб қилди Дўбир гулдираб.— Горитда туради. Баҳорда сизни олиб бораман.

— Албатта,— маъқуллади Маъмуржон.— Шаҳарни айлантираман, томошаларга олиб тушаман.

Самад чол мўлт-мўлт Маъмуржонга қаради. Ногаҳон синиқ юзига қизиллик тепди. Кейин юқорида айтгани форсий гапни пичирлаб такрорларкан, юзини Дўбирнинг елкасига суқаётиб деди:

— Тоза палакнинг хомагисиз, илло айниманг...

Самад чолнинг суҳбатни хуш кўрмаётганини сезган Дўбир кетиш тараддудига тушди. Жўравой катталарнинг гапига аралашмас, Раҳмат ҳам, Пўлат ҳам мум тишлагандай жим турарди.

— Хўп бўлмаса, йигитлар,— деди Дўбир йўлга тушаётиб.— Овинлар бароридан келсин. Айтгандай, совуқ ўтса шийпонга киринглар. Қалит пешайвондаги устунда илиғ-лиқ турибди. Печка ёқиқ. Нон-туз ҳам гатоп.

Улар Улоқтепага етолмадилар. Гаплари гапларига қовушмади. Ов ҳам бўлмади. Карим Дўбирнинг шийпонида бироз қовишимсиз маишат, узук-юлуқ суҳбат бўлди, холос.

Шу куни оқшом Маъмуржон шаҳарга, уйига қайтди. Қайтарида негадир хаёлида бобосининг «Тамизни бетамиздан ўрган» деган сўзлари такрорланар, кўз олдидан Самад чолнинг бир зумда дам оқарган, дам қизарган қиёфаси кетмасди.

САККИЗИНЧИ БОБ
Чиннининг чинниси синди

Пул қўлни қитиқлайди...

Тушликдан кейин мизғиб олган Ойшабиби зерикди. Нима қилсин, юки енгил бў-фирсоқми, кавказча лочирами, чубиракми пишириб кўчага чиқсинми? Ҳам қўли пул кўради, ҳам оёғининг чигилини ёзиб келади. Йўқ, милицияга тушиб, Шоди Шўхий баҳона қутулиб қолганидан буён қанчалик кўнгли тусамасин бу одатини тарк қилган. Қўни-қўшниларикига чиқиб гаплашиб ўтириб келай деса, улар ҳам анчадан буён ёқтирмай қўйишган.

У тўзиган сочларини тўғрилаб, рўмолини ўради. Бари бир нима биландир овуниши керак. Эшикка, деразаларга кўз ташлади. Нафасини ютиб атрофга қулоқ солди. Жимжит. Ижарачи талабаларнинг ўқишдан қайтишига ҳали анча вақт бор. Чиннихон ташлаб кетган костюм, платформа туфлиларни артиб-суртиб қўйсинми? Бунинг учун подвалга тушишига тўғри келади. Совуқ. Бир ёқда бели қақшаб турибди. Тагидаги кўрпачани буклаб, намат тагига қўл суқди. Бир сўмлик, уч сўмлик майда пуллар. Энди пулнинг ҳидидан димоғи чоғ бўлиб ўтирганида аввал ҳовлида, кейин пешайвонда қадам товуши эшитилди. У пулларни шошиб намат тагига яширди. Устига кўрпачани ёзиб, жойлашиб ўтириб олди.

— Ая! Уйдаамисиз?

Ойшабиби икки хонани ижарага қўйган. Бирида икки, бирида уч талаба туради. Уч талаба турадиган уй пастқам, одмигина. Ижарачилари ҳам одми. Стипендияга суянган, келими кам. Тирикчилик учун чўнтақларини қоқмалаб, кунларни санаб ўтказишади. Улар ўқиётган жойларидан ётоқхона ололмаганлар. Икки студент яшайдиган уй, аксинча баҳаво. Радиоприёмник ҳам, телевизор ҳам бор. Сим каравот ўрнида диван. Стол, курси. Булар институт берган ётоқни нотинч, дарс таёрлаб бўлмайди, деган баҳонада ташлаб келишган. Пулни пўчоқча билишмайди. Албатта иккита уйнинг ижара ҳақи ҳам икки хил. Чақирган шу йигитлардан бири — фарғоналик.

— Ким?! — овоз чиқарди Ойшабиби.

— Мен, — бу бола, Ойша бибининг таъбири билан айтганда, жимжилоғини шимсанг шира чиқадиган бойвачча.

— Келавер.

Эшикни очиб, ичкарига сур телпак кийган, қундуз ёқали пальтосининг тугмалари ечиқ, думалоқдан келган йигит кирди.

— Яхши, шатдайкансиз.

— Уйда бўлмай қаёқда бўлардим, болам. А, бу нима юриш?

— Нима қипти?

— Ёқавайронсан. Сенга ярашмайди, айланай.

— Шашиб келдим. Шашганимдан қуруқ чой олиш ҳам эсимдан чиқибди.

— Ўтир, исин. Чой бўлса бир гап бўлар.

Йигит Ойшабибининг қаршисига, гиламга омонатгина ўтирди. Унинг лўппи юзига, сийрак мўйлови устига тер тепчиллаганди.

— Отамлар келдилар, — у чўнтагидан дастрўмолини чиқариб юзини артди. — Телеграмма олгандим, кеча. Бир пар ўқиганимдан кейин аэропортга бордим. У-бу юқларини бу ерга келтирдим. Кўринмадингиз. Кейин, Эски шаҳарга тушиб бозор қилиб чиқдим.

— Отангни кўрмадим-у?

— Шаҳар айлангани кетишди. Ҳали-замон келиб қолишади. Ўзингиз бир тошканча ош дамлаб берасиз.

— Хўп, — Ойшабиби зўрма-зўраки инқиллади. — Мазам йўқ. Неча кундан буён оёқ-қўлим зирқираб оғрийдди.

— Ая, — деди йигит Ойшабибининг нолишига эътибор қилмай, чўнтагидан пул чиқараркан. — Ижара ҳақи. Келаси икки ой учун ҳам олиб қўяқолинг.

Йигит иккита йигирма беш сўмлик, ўн бешта беш сўмлик тахи бузилмаган пулни шалдиратиб бир-бир Ойшабибининг олдига учирди.

— Ҳали ой ҳам тўлгани йўқ эди, қоқиндиқ. Кейинроқ берсанг ҳам бўларди. Бу ёқда отанг келган. Уч-тўрт кун бўлсалар керак. Томошахоналарга олиб борасан, асқотарми-ди дейман.

— Олаверинг. Бу хамир учидан патир, ҳа! Ҳали отамдан оларимни олганим йўқ.

— Шунақа дегин, ердан топсанг ҳам санаб ол, деганлар, — Ойшабибининг оёқ оғриғи ҳам, инқиллашлари ҳам хаёлидан кўтарилди. Пулни кафтлари орасига олиб текислаб, санай бошлади. — Тўғри. Ўзинг тўғри боласан-да, хўпам. Ҳа, ҳали нима дегандинг?

— Чой. Бир пачка тоза ҳинд чойингиз бўлса берсангиз. Пулга десангиз пулга, қарзга десангиз қарзга.

— Йўғамас, бор. Биласан, ҳиндчадан бўлаги чойлик қилмайди менга. Узиям тоза-сидан, қўлдан олганман. А, бу сен қора чой ичмасдинг-ку? Е, отанг ичадимми?

— Ёнларида тошканлик дўстлари бўлади. Ушанга.

Ойшабиби ўридан турди. Ертўлага тушиб, бир пачка чой олди. Чиқаётиб зинага қадамни кўяр-қўймас тўхтади. «Олифтанинг кўзи қизилга тушади, — хаёлидан ўтказди у. — Ҳозирги ёшлар ўқишгаямас, энгилга зеб берадиган бўлиб қолган. Олифта, ўзига зеб берган йигит. Чиннихон ташлаб кетган костюмлардан бирини кўрсатсаммикин?! Кўзи ўйнаб кетади».

У бир пачка чой, қоғозга ўроғлиқ думалоқ йигитбоп костюмни кўтариб кириб борганида отасининг эрка боласи сигарета тутатиб ўтирарди.

— Мана, буюртма чойинг. Пулга, қарзга деган гапингни қўй. Уят бўлади. Она-боладай бўлиб қолганмиз.

— Раҳмат, аяжон. Дунё тургунча туринг.

Ойшабиби йигитнинг нияти инобатга ўтиб, дунё тургунча турадигандай яйраб кетди.

— Яна, холам чўп қўймас эканлар, деб ўйламагин-у, — у кўлидаги қоғозга ўроғлиқ костюмни йигитнинг олдига қўйди, — кўзимга илинадиган бирон нарса кўрсам юз буролмайман. Куёвим кияр деб олгандим. Унга кичиклик қилди. Кўр-чи!

Йигит қоғозни очиб, ҳавас билан костюмни кузата бошлади.

— Зўр-ку! Чет элники. Қаердан олдингиз?

— Овсинимнинг ўғлини дўкончи ўртоқлари кўп. Шу барака топкур олиб берганди. Поччам маза қилиб кийсинлар, деганди. Ҳали пулини тўлаганиманим йўқ.

— Менга берақолинг, — йигит костюмнинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди. —

Поччамларни кўрганман. Уларга кичиклик қилади. Менбоп экан.

— Маъқул келса... — кампир тушкур, одатда бозорда қиладиган кароматини ишга солди. — Ранги рангингга мос. Ўзи ҳам қўйиб қўйгандай сенга тўғри келади. Ҳадемай баҳор, кўчага кийиб чиқсанг борми, кўрганлар соянгга салом беради.

— Шунақа денг?

— Шунақа. Ўзинг ҳам кўхликкина йигитсан. Кийсанг борми, министр қиёфасига кирасан-қўясан. Илоё министр бўлгин.

— Хўп. Қанча сўрайсиз?

— Қанча сўрадим, — Ойшабиби мусчадай беозор, муштипар қиёфага кирди. —

Нима, мени этагимга илашиб юрган бўқачоқ бола-чақам бормидики, сендан беш-ўн сўм ундириб, шуларнинг кори-хайрини десам. Битта қорним қаерларда тўймайди. Айтгани-да!

— Айтгани қанча?

— Икки юз сўм дегандай бўлувди.

— Бўпти, мен рози, — йигит янги, тахи бузилмаган буюмни қоғозга ўраб, қўлтиғига қистирди, чойни қўлига олди. — Ҳали пулини бобойдан олиб бераман. Кийиб, бир ўртоқларнинг кўзини ўйнатай.

— Буюрсин, — «ҳозирги йигитлар тегманозик қизлардан қолишмайди, овози дўриллайди-ю, олдига яқинлашсанг атир хиди анқийди» хаёлидан ўтказди кампир ва йигитнинг кўнглига илмоқ ташлади. — Тепкилаб-тепкилаб кий. Ўзинг айтгандай, бир ўртоқларингни ҳаваси келсин.

— Биронтасига керак бўлиб қолса, ўша овсинингизни ўғлини бизга таништириб қўясиз-да!

— Қандоқ бўларкин, — Ойшабиби бир оз ўйланиб турди-да, сенинг илтимосингни қайтаролмайман, деган назар билан деди: — Ҳай, ўйлаб кўраман. Жа ўртоқларинг қўйишмаса бир гап бўлар.

— Яшанг, ая, — йигит эшик томон юзланди. — Паловни қотириб ясайсиз. Ҳозир гўшт, сабзи, пиёзларни келтириб бераман.

— Майлинг, болам.

Пазандаликда кўни-қўшнилар ўртасида Ойшабибининг олдига тушадигани йўқ. Бозорга чиқадиганини эмас, албатта. Манти қилса мантиси оғизда эрийди, ош қилса гурунчини ўнатиб юборади. Оби-оташнинг тобини, маромини билади. Помидори, бодринг сингари ҳўл мевалардан ясаган газагининг таърифини қилмаёқ қўя қолайлик. Пахта гулли тақсимчаларга терилганда кўрсангиз! Ранг кўр — ҳол сўр. Гул қилиб юборади. Ранги кўзни қамаштирса, таъми ичкиликдан тахир бўлган танани яйратади.

Боланинг отаси ферма мудирини экан. Башанг, гаплари чечан. Оғзи тўла тилла тиш. Тошкентлик дўсти чорвачиликка доир қандайдир илмий текшириш институтида каттагина лавозимда ишласа ҳам анчайин ҳашамсиз кийинган. Содда, камгап кўринади.

Ойшабиби улар билан ҳовлида сўрашди. Кейин, ўз уйига кириб пиёз арчди, сабзи тўғради. Талаба боланинг илтимосидан ҳам ўтказиб ош дамлади, қиш кунлари парникда пишган помидори, бодринглардан газак тайёрлади. Томоғига қараб товоғи деганларидек, ошу газакни рўзғорда ишлатилмайдиган янги сопол лаган, пахта гулли тақсимчаларда ичкарига, меҳмонлар ўтирган уйга киритди.

Меҳмонлар мамнун эдилар. Уларнинг яйраб ўтирганликлари, хурсандликлари гангур-гунгур суҳбатларидан, ким ўзарга қотиб-қотиб кулишларидан шундайгина билиниб турарди. Айниқса, отасининг ҳамёини қоқмалаб олган, костюмли бўлган дўмбоқ боланинг қувончи чексиз, оёғидан ўт чақнаб хизмат қиларди.

Улар кечки совуқ кучайган, ҳовлида қор тўзий бошлаган пайтда ўринларидан турдилар.

— Яхши ўтиришдик,— деди йигитнинг отаси йўлакка тушганларида.— Тошканининг паловига доғман. Аяхонимиз бошлаб ташлабдилар. Қўллари дард кўрмасин. Нима дедингиз?

— Ҳа, бизда ошни яхши дамлашади,— бўштоброқ жавоб қилди унинг тошкентлик жўраси. Афтидан, у дўстини келиши биланоқ уйига таклиф қилолмаганлигидан хижолат чекарди.— Ҳали бизникида ҳам ўтиришамиз.

— Албатта... Аямизга миннатдорчилик билдириб қўйсақ қандай бўларкин?

Дўсти индамади. Уларнинг гапларини эшитиб ўтирган Ойшабиби шаҳд билан ўрнидан туриб хонтахта атрофига атлас кўрпачалардан тўшади, духоба ёстиқлардан қўйди.

— Яхши бўларди,— жавоб қилди ўғли.— Ҳалигини, совғангизни ўз қўлингиз билан берсангиз.

— Маъқул, ўғлим.

Йўлакдаги изғиринда қотган қорнинг ғарч-ғурчи эшитилди. Сўнг пешайвоннинг поли ғирчиллади.

— Мумкинми? — деган меҳмоннинг овози эшитилди ташқаридан.

— Одам бор жойга одам келади, айланай. Келаверинглар,— жавоб қилди Ойшабиби ичкаридан.

Уйга кетма-кет ота-бола киришди. Ўтиришди. Фотиҳа қилинди. Ота ўғли олган костюм учун икки юз сўм пулни, атаган совғаси — бир кийимлик атласни хонтахта устига қўйди. Фарзандининг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турганлиги учун уй бекасида хўрсанд эканлигини билдирди. Ошни мойидан тортиб доғигача, ҳил-ҳил пишган гўшtidан тортиб лаганда «сакраб юрган» гурунчигача мақтади. У хийла маст кўринарди. Ойшабиби севинчидан кўзига ёш олган бўлди. Ёлғиз кампирни ёлғизлатмаганликлари учун уларни узундан-узоқ дуо қилди, топган-тутганларига кут-барака тилади.

— Мендан қайтмаса худодан қайтсин,— Ойшабиби ўрнидан туриб дастурхон ёзиш тараддудига тушди.— Ҳозир аччиққина чой дамлайман.

— Уринманг, дастурхон устидан турдик,— уни тўхтатди меҳмон.— Раҳмат, биз учун анча хизмат қилдингиз. Энди мен меҳмонхонага бораёй. Ёр-дўстлар кутиб туришибди.

— Худога топширдим,— деди ҳовлигача тушган Ойшабиби юзига фотиҳа тортиб.— Келин боламга кўпдан-кўп дуо деб қўйинг. Ўғилгинамдан хавотир олмасинлар. Янаги келганингизда олакелинг.

Айвонда овқат қилаётган ёшлар бир-бирларига маъноли қараб олишди. Уларнинг бу қарашларидан, кампиршоимизнинг жағи очилиб қолди, келганлардан бир нима ундирган кўринади, деган гапни уқиш мумкин эди.

— Ая,— дея меҳмон юрган йўлидан орқага қайтди ва уй бекасининг қулоғига шивирлади.— Ҳалигидақанинг бизбопидан бўлса ўғилча орқали жўнатсангиз. Келинингизга ҳам. Нархи ҳақида ўйлашиб ўтирманг.

Кампир иккиланди, кейин маъқул дегандай бош ирғади.

— Хола,— деди меҳмонлар чиқиб кетгач айвондаги йигитлардан бири.— Тузимиз тугаб қолипти, бир ошлик олсамиз бўладими?

Ойшабиби кетаётган жойида тўхтади. Томоғини қирди. Унинг «ҳа» деганини ҳам, «йўқ» деганини ҳам билиб бўлмасди. «Туз дейди-я,— хаёлидан ўтказди у, уйига кириб, ёзилиб ўтириб олгач, ошга қўл узатаркан.— Туз учун тузлиқ керак, тузлиқ учун туз керак. Намунча бу болаларнинг ота-оналари оқибатсиз бўлишмаса?!

2

«Ютганинг ўзингники, чайнаганинг гумон...»

Ўзи қайси дарди ҳаринанинг оғзидан чиққан эди бу совуқ гап?! Ҳа, бўлди, Мирза қассобнинг уй тўйида қаёқдандир домга кўчиб келган, териси устихонига ёпишган, туршакдаккина бир мулла айтганди. Топган гапини-чи! Ютганинг ўзингники, чайнаганинг гумонмиш...»

Тушликдан кейин, ўзининг таъбири билан айтганда, ҳазми таомдан сўнг ҳордиққа ётган Ҳосил қуроқ ўрнидан туриб олган, ўй суриб ўтирибди. Кўнгли хижил. Баданига тикон бўлиб ботаётган, ичини ялмондай кемираётган нима? Наҳот, тиндим деганида кўзига қора туйнук кўринса!..

Ҳалимжон кириб келганида Ҳосил қуроқ «ранг кўр — ҳол сўр» аҳволда эди.

— Сизга нима бўлди,— хавотирланиб сўради ўғли.— Емон туш кўрдингизми?

— Қайдам,— кўзи олма-кесак терди Ҳосил қуроқнинг.— Тушимми, ўнгимми?! Билмадим, дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетаётир.

— Ёритамиз,— Ҳалимжон, чироғи мана, дегандек бир даста пулни машъала тутгандек боши узра кўтарди-да, отасининг олдига қўйди.— Сананг-чи, илгаригиларига қўшилса «ГАЗ-24»га етармикин? Сизга машина олиб бермоқчиман.

Ҳосил қуроқнинг пул санашга келганда даҳага кирган ипак қуртидай ўйноқлаб кетадиган бармоқлари бу гал қалтирай бошлади. Кўз олдига яна Мирза қассобнинг уй тўйида совуқ гап қилган мулла жонланди. «Бордан — гап, йўқдан — лоп,— тасалли берди ўзига.— Номи улуғ, супраси қуруқ мулла ўшанда гапирди қўйди-да! Йў... йў... менга бир гап бўлаётибди...»

— Харидор ўзингиз,— деди Ҳалимжон.— Машинани гаплашиб келдим. Қаригингизда маза қилиб мининг.

«Оқибатсиз бола,— кўнглидан ўтказди Ҳосил қуроқ.— Иложини топса иккита машинасининг устига учинчи қилиб оларди. Кўриб турибди, машина мингулик ҳолим йўқ. Эртага кўз юмиб кетсам мерос тарзида қолади унга... Ҳаммасига ўзим сабабчиман, ўзим!...»

— Ҳолим машинагамас, ёғоч отга мингулик...

— Э, бобой тушмагур-эй, қаёқдаги гапларни гапирасиз-а! Ойимлани кўзим қиймайди, бундай қарасам, ҳали ёш хотин қучоқлағудай важоҳатингиз бор. Нима дейсиз, ё ойимлани амал-тақал қилиб кўндирайми?

Бола отасининг кўзини бақрайтириб туриб ёлғон гапирар, ёлғонлаётгани учун заррача хижолат чекмас, мункиллаб, сараги-сарак, пучаги-пучак бўлиб қолганлигига қарамай уни ўз етовига юргизмоқчи бўларди. Ҳосил қуроқ-чи? Нега жим?

Қуш уясида кўрганини қилади. Қандай қилиб нобакор фарзандга терс боқсин, олдига солиб қувласин? Йўқ, бунга ботинаолмайди. Наинки, хамирини қориб, зуваласини зувалаган ҳам ўзи. Энди шу таънали, дашномли дақиқаларда қандай бир ҳалол хаёлотга жазм этсин, додини кимга айтсин?!

— Мени тинч қўй,— Ҳосил қуроқ қанчалик ўзини босишга ҳаракат қилмасин қалтироқ босган, мадорсизланган қўли билан пулни ўғлининг олдига сурди. — Онангни ҳам тинч қўй. Бир жиҳати ҳазилни ҳам, жазмни ҳам вақти, ўрни бор.

— Ҳазиллашаётганим йўқ,— Ҳалимжоннинг юзига ёлғон кулги соя ташлади, лабларидан ҳаёсиз сўзлар учди. — Яп-янги машина, ёш хотин... Ёшариб кетасиз. Ойимланинг ташвишларини қилманг.

— Онанг бечора... Шусиз ҳам юрса йўли, ўтирса ўрни куяди.

— Жонон хотин жон киритади!

— Жоним ҳиқилдоғимда турибди ҳозир...— Ҳосил қуроқнинг пешонасидан муздек тер чиқди. Чуқур «уф» тортди. Елпиниб ўзига келди.— Қўй, бундай гапларни қўй! Фойдасиз. Ҳаммаси фойдасиз, беҳуда гаплар экан!..

— Дада, сизга нима бўлди?!— Ҳалимжоннинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. У қулоқларига ишонмасди. Ҳамиша, пул жигардан пайдо бўлади, жигар тириклигинг учун қанчалик зарур бўлса пул ҳам шунчалик зарур, деб юрадиган отасини биринчи марта ундан юз бурган ҳолда кўриши эди.— Мен... мен қарзга бермаганман. Уларнинг ҳаммаси сизники!

— Зўрлама, зўрлама, болам!.. Шу топда ўзим ўзимга зориқиб ўтирибман. Қўлимдаги, оғзимдаги тугул томоғимдан ўтганини ҳам ҳазм қилолмаётиман.

Ҳалимжоннинг юрагига оғир бир тош чўккандай бўлди. Назарида тошнинг салмоғи тобора ортмоқда эди. Нима қилиш керак? Отасига бир таг бўлган кўринади: пулини ҳам, ўзини ҳам хуш кўрмаётир. Фақат тезроқ кетиши, ҳозир бўлиб ўтган воқеани тезроқ хаёлидан чиқариши керак. У пулни олиб чўнтагига солди, хайрлашди.

Ранг-қути ўчган Ҳосил қуроқ тиззаларини қучоқлаганча ўтирар, дони пуч бошоқдай дир-дир қалтирарди.

Тўрт қаватли иморат. Қадди темир-бетон плиталар билан кўтарилган, сирти ганч, мрамар пештахталар билан жиҳозланган. Пештоқида кўк-қизил чироқлар билан улкан дўконга чорловчи ёзувлар, бирлик ва байрамлар билан қутловчи лавҳалар кечаю кундуз ёниб-ўчиб туради. Тўрда темир дарвоза кўзга ташланади. Дарвозанинг нарёғи ҳовли. Асфальтланган. Кўпинча бу ерда молидан бўшаган қатор фабрикаларнинг, чет эл фирмаларининг ёрлиқлари ёпиштирилган картон, фанер яшиклар айқаш-уйқаш бўлиб ётади.

Дўконнинг омборхонаси, конденсатор, электр бошқарув хоналари улкан бинонинг ертўласига жойлашган. Катта-кичик: деворлари темир-бетондан ишланган, ганчланган, сирланган хоналар чет кўздан соқит. Ним ёритиғлиқ йўлакдан машина бемалол кириб-чиқади. Бу ернинг мутасаддиларининг қиёфалари ҳам қандайдир бошқача: тунд, кам-гап, истаралари қанчалик иссиқ бўлмасин, совуқ кўринадилар. Балки бу кўриниш ом-

борхонаю аслаҳоналарнинг бўйиқ, нам ҳавоси таъсиридан, балки юз минглаб қимматга эга бўлган кийимликлар, тилла буюмларнинг истаса-истамаса гоҳ кўнглини ҳаволантирадиган, гоҳ рангни пано қиладиган «юки» таъсирдандир. Қим билсин.

Лекин, омбор мудури Чиннихонни «совуқлар» қаторига қўшиб бўлмайди. У бошқалар қатори камгап, ер сузиб юрса ҳам кишида ёмон таассурот қолдирмайди. Аксинча, чиройи, қуйиб қўйгандек қадду баста рўбарў келган ҳар кимсанинг хаёлини чайқатиб, кўнглига ғулув солади. Унга тушган кўз қамашиб, изҳори дил қўлоқчи бўлган тил қаришадики, азбаройи бу баҳраманд бўлишлик мушкул туюлган гўзаллик олдида ногоҳ вужудни қамраган мутеълик, маҳлиёликдир.

Омборхона тўла лиқ-лиқ мол. Махсус қутилар махсус калитлар-очқичлар билан очиладики, уларда қимматбаҳо соатлар, зебу зийнатлар сақланади. Шифтнинг, деворларнинг у ер-бу ерида неон чироқлар.

Чиннихоннинг кабинети, аниқроғи иш жойи шу ерда. Бир чеккада: стол, курси, телефон. Ёнида мол олувчиларнинг ҳисоб-китоб пайтида ўтириб-туришлари учун қўйилган, устига сурп қопланган диван. Стол устида яна тошбақа косасидек келадиган тунука соябонли электр лампа, соққалари пластмассадан қилинган кичик, бежирим счот, ҳар хил бланкалар. Бу ҳисоб-китоб анжомлари Чиннихонга асқотмайди, зеро уларни ишлатишни ҳам билмайди, етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган. У фақат дўконга келадиган той-той газламаю кийимликлар, телевизору радиоприёмникларни санаб олиб, бўлимларга санаб беришга қодир. Бунинг учун савдо-сотиқнинг илми ҳикматидан хабардор бўлишнинг ҳожати йўқ.

«Худога шукр-э!.. Ойимла бекорга шукр демас эканла. Демак, худо дегани сифингани сийловдан қўймас экан.— Чиннихон столга тираб олган тирсақларини ёзиб ҳузур қилиб керишди, той-той уйилиб ётган газламаларга, тахта сўрилардаги бир-биридан бежирим пойабзалларга, ноёб кийимларга кўз ташлар экан, ўрнидан туриб диванга бориб ўтирди.— Худога минг қатла шукр, еганим олдимда, емаганим орқамда. Қўлимни қаёққа узатсам етади».

Қалинлиги тўрт энлик келадиган темир эшик оғир ғирчиллаб очилди. Бу эшик Чиннихондан ташқари аксари дўкон директори Ҳалимжон, экспедитор, махсус юк ташувчилар учунгина очилади. Чиннихон ялт этиб қаради. Сумакдаккина бўлиб Ҳалимжон кириб келарди:

— Келинг, хўжайин,— Чиннихон ўрнидан ҳам турмай, Ҳалимжонни ўтиришга таклиф қилди.— Юк келтирдингизми? Экспедитор, ишчилар кўринишмайди?

— Йўқ, ўзим.

— Бот-бот кирадиган бўлиб қолдингиз, деворнинг ҳам қулоғи бор.

— Ҳа.

Ҳар гал эшикдан кирибоқ такадай депсиниб ташланадиган Ҳалимжон бу гал бўшашибгина Чиннихоннинг ёнига, диванга ўтирди. Ёмон аёлнинг макри тошни торс ёради. Чиннихон давлатпаноҳининг хомушлигини чарчаганликка йўйиб, унинг кўнглини овламоқчи, юпатмоқчи бўлди.

— Ишда тинимингиз йўқ, Чарчагансиз. Бунинг устига...— у қўйлаги ёқасини ечиб диркиллаб турган ўнг кўкраги устидаги қонталаш жойни кўрсатди.— Ахир... ўзи бўладими!.. Ишга ҳам, ишратга ҳам... ҳалигидақа ҳоли қудрат керак. Сиз бўлсангиз...

— Қўйинг, бу гапларини.

— Яна қўйинг дейсиз-а! Қаранг, бошқа жой қуригандай, нақ зулуқдай сўриб ташлабсиз. Оз бўлмаса эримдан ўлай дедим. Лабимни чақа қилганингизда учинибман деб қутулгандим. Бу гал денг нима баҳона топишимни билмайман. Уйлаб-уйлаб, кўз яра чикди, деб қўя-қолдим. Яхшиям исириқнинг донини куйдириб, доғланган ёда ийлаб босганим. Бўлмаса...

— Шунақа денг. Ҳали сизга зулук ҳам бўпмиз-да?

— Нима, тонасизми? — Чиннихон эркаланиб Ҳалимжоннинг ёмғир кўрмаган қўзи-қориндай озғин юзига қапишиб кетган бурнини беозоргина чимчиб-чимчиб қўйди.— Сизга зулук бўлдимми дейсиз-а?! Оббо, болакай тушмагур-эй, ахир зулук бўлмай нимасиз? Хўш, тониб кўринг-чи!

— Тонсам нима қиласиз?

— Ичимга қамаб қўяман.

— Ўзим ҳам қамалай деб турибман.

— Вой, бечорагинам,— Чиннихон давлатпаноҳининг жавобини тўғри тушуниб, измига солганидан мамнун ҳолда гапида давом этди.— Сал тийиниброқ юринг. Ҳали айтганимдай, деворнинг ҳам кўзи бор. Назаримда атторлик бўлимидаги сотувчиларингиз бизга ёмон кўз билан қарашаётганга ўхшайди.

— Ростдан ҳам ёмон кўзлар тиғига учраган кўринамиз.

Ҳалимжон елкасидаги Чиннихоннинг қўлини силтаб ташлаб, дик этиб ўрнидан турди. Чиннихон аввал гап нимада эканлигини пайқамай талмовсиради, кейин бўшашиб сўради:

— Нима гап?

— Холдорхон қўлга тушибди.

— Қўлга тушса сиз билан менга нима, ўзи учун ўзи жавоб беради.

— Қўйинг-э! Нималар деяётибсиз ўзи?! — Ҳалимжон болаларнинг ўйинчоқ чўқморидек мушти билан ёғоч сўри устидаги тахлоғлик кийимбошларга дўп этказиб мушт туширди.— Ахир менинг дўконимдан, сизнинг омборингиздан чиққан мана бунақанги моллар билан қўлга тушган у!

— Мен... нима қилай?

— Ҳали-ҳозир дўконни ревизия босиши мумкин. Иложи борича «ишимиз»га яқин одамларнинг оғзини қопқоқлаш, кам-кўстларни тўғрилаб қўйиш керак. Худо кўрсатмасин, қамаб қўйиш деб буни айтадилар!

— Нима, мен қўлга тушибманми?!

— Гапирма-е! — Ҳалимжон еб қўйгудай бўлиб Чиннихонга тикилди, сўкиниб эшик томонга йўл оларкан, деди: — Ҳозирнинг ўзида қандайдир Шоди Шўхий деган мухбир айланишиб юрибди. Афтидан, гапга кўнадиганга ўхшамайди. Сиз шу ерда қимир этмай ўтиратуринг. Яна жуфтакни ростлаб қолманг. Билиб қўйинг, кемага тушганнинг жони бир!

Ҳалимжон эшикни тарақлатиб ёпиб, чиқиб кетди. Ҳозиргина ҳавойи хаёллар билан эриб ўтирган Чиннихон алангаси сўнган шамдай қотди-қолди. Шу кўйда у узоқ ўтирди. Ҳаммаёқни қоронғулик қоплагандек эди. «Тамом бўлди! Ҳаммаси тамом бўлди!..» У мол-дунё кўзига ўтдай кўриниб, ўз гирдобига тортганини, жаннатмакон бир ҳаётни кўзлаб таги тешик кемага тушганини, бу кема ҳадемай ҳалокатга учрашини, энг муҳими, одамлар ичида яшаб одамгарчиликдан чиққанини элас-элас тушунди. Тушунди-ю, юзини икки кафти орасига олиб ўкраб-ўкраб йиғлаб юборди. Нима қилсин? Ҳалимжон, Шоди Шўхий деган мухбир айланиб юрибди, дегандай бўлди, Шоди Шўхий яхши одам.

Чиннихон йиғидан тўхтади. Шоди Шўхий ҳақида ўйларкан, кўнглининг тубида аллақандай чироқ милт этгандек бўлди. Ўрнидан турди. Шу пайт телефон жиринглади.

— Алло!

Чиннихон ҳадик билан телефон трубкасини қулоғига тутганча донг қотди. Ҳалимжон дей деса, ҳозиргина чиқди. Ҳали кабинетига етиб боргани ҳам йўқ. Танишлар билан телефонда гаплашишга келишилмаган. Ким бўлди экан? Трубкадан қандайдир мунгли, ҳиқиллаган овоз эшитилди. Чиннихон ҳовлиқиб қолди. Бу — қизи Диёранинг товуши эди. Улар ўртасида шундай суҳбат бўлди:

— Опа!

— Диёр, нима гап? Нима бўлди?

— Ҳеч гап. Узим...

— Унда нимага телефон қилдинг? Нега йиғлаяпсан?

— Ишдан кетмоқчиман.

— Уф. Шу гапингни уйда айтсанг ҳам бўларди. Капалагимни учириб юбординг-а! Ишдан кетсанг кетарсан, шунга шунчами? Ё мудиринг — қари чилтон билан уришиб қолдингми?

— Йўқ.

— Торс ёрилай деётибман. Гапирсанг-чи?!

— Юзга айтадиган гап эмас. Шунинг учун атайдан телефон қилдим... Бу ердагилар ёмон одамлар экан. Булар билан яшагандан ўлган яхши! Ўлган...

— Ҳой, мени пичоқсиз бўғизлаётисан, қизим?!

— Жо... Жонибек... М-мени з-зўрламоқчи бўлди... П-палон сўм п-пул бераман деди... Кетаман! Бутунлай кетаман! Сиз ҳам кетинг, опажон!..

Номус, номусгина эмас, ёруғ дунё, ҳавонинг пулга чақилишидан бардоши тугаган, портлашга келган юракнинг оҳу ноласи эшитиларди трубкадан. Чиннихоннинг ранги қув ўчди, қўлида телефон тутқичини тутганича ўтириб қолди.

Осмондан тушгандек Ҳалимжон пайдо бўлди.

— Нима қилиб ўтирибсиз?

— Нима қилай? — уйқусирагандай жавоб қилди Чиннихон.

— Ревизия босди! Ҳозироқ уйга бориб, молларни кўни-қўшниларикига яширинг! Чиннихоннинг кўзи ярқ этиб очилди. Нима бўлаётир? Нима қилсин? Ҳар қалай, чикмаган жондан умид: балки, Шоди Шўхийнинг ёрдами тегиб қолар. У оёғини қўлига олганча уйига жўнади.

* * *

Оқшом тушиши билан кўнгилда аллақандай куйинчаклик ивирсинади, айниқса, қиш оёқлаб, баҳор бошланган пайтлар. Бу пайтлар куни битиб, кунгайи қолган қиш ўзи кўниктирган, тиниқлиги, муссаффолиги билан мойил этган кўнгилларда қандайдир ўкинч туйғуларини шопирса, силкиниб қорли либосларини ташлаган дарахтларнинг новдаларидаги лабга тошган учуқлардай бўртиб қолган куртаклар, ариқ бўйларида юз кўрсатган майсалар қадам ранжида қилаётган баҳорнинг тошқинлигидан, шавқ-завқидан дарак беради.

Маъмуржон, елкасида тўн, балкон деразасидан узоқ-узоқларга тикилганча тек қолган. Ён-атрофда битган, бўй қўяётган бинолар. Ундан нариси уфққа бар тутган дала-лар, чорбоғлар, илонизи йўллар. Бу манзара баланддан оқ қўйнинг пўстагини эслатади. Этак силкиб кетаётган қишининг, ҳали кўзга чалинмай қулоқлар остида унсиз нидо қилиб ҳалала-таралла билан кириб келаётган баҳорнинг қилмиши бу!

Босиб-босиб сигарет чекаётган Маъмуржон қишининг хайрлашув қўшиғи-ю, эрка баҳорнинг навозишларини пайқамайди. Пайқайдиган аҳволда эмас. Тирикликнинг турфа садоларини, кўринишларини худди шу ажойиботлар оламида яшаган одамгина эшита-ди, кўради. У кўпдан буюн ўйига ҳам, уйига ҳам сиғмайди.

Балконнинг фанердан қилинган эшиги тарақлаб очилди.

— Жону жаҳоним сизсиз!..

Сочлари тўзиб кетган Чиннихон ўзини Маъмуржонга ташлади. Юзларидан ялаб-юлкади. Кейин йиғлай-йиғлай қўлтиғидан олиб уйга бошлади. Уйда икки сандиқнинг қопқоғи очиқ, ўртада тўрт-беш той атлас, Маъмуржоннинг тушига ҳам кирмаган кий-имликлар сочилиб ётарди.

— Шуларни яшириш керак. Қўшнилар сизни ҳурмат қилишади.

Маъмуржон тошдай қотган, чурқ этмасди. Чиннихон йўлакка югурди. Нималар-гадир қоқилиб, нималарнидир турган жойидан тарақа-туруқ тушириб, ипини аччиқ ичкадай чувалатганча телефон апаратини кўтариб кириб келди. Шошиб-пишиб қан-дайди номерларни тера бошлади.

— Бир кўрпада ётгансиз, бир товоқдан овқат ичгансиз. Дўстингиз Шоди Шўхий ишга аралашиб қолган. Нима деса хўп денг, айтганини олади. Мана, гаплашинг!

Маъмуржон Чиннихоннинг қўлидаги телефон трубкасини нари сурди.

— Ялинаман, ёлбораман. Биламан, сизга йўқ демайди... Ишонинг, шу ташвиш-лардан қутулиб олсам чизган чизигингиздан чиқмайман.

Маъмуржон силтаниб Чиннихоннинг олдидан ўтди-да, апил-тапил кийиниб чиқди.

— Нима?! Ташлаб кетмоқчимисиз?! Йўқ, йўқ, бундай қилманг...— Чиннихон ўзи-ни Маъмуржоннинг оёғи остига ташлади.— Кетсангиз ўлдириб кетинг, бу кунимдан ўлганим яхши! Ахир шу нарсаларни фақат ўзимни деб қилибманми? Сизни деб, қи-зимизни деб қилганман!

— Гапирма! Йўқол!!!

Маъмуржон ҳансираганча тоқчадаги ўзининг, Диёранинг китобларига бир зум тикилиб турди-да, ташқарига йўл олди. Чиннихон тиззалаб ётган жойида алпиниб боши-ни кўтарди-ю, ўкраб юборди:

— Вой дод, уйим куйди!..

4

Чигит тупроқда чиммат очади. Унинг чиммати — устини майин тук қоплаган кул-ранг қобиғи. Таажжуб... Қўшқулоқ бўлиб кўринади кейин. Аста-секин бўй қўяди, шох ташлайди. Эрка қизларнинг чўччайган лабларидек гулларини кўрсангиз! Оқ-қизил, сарғиш... Упиб олгингиз келади. Узиб, қулоққа қистирингизга ийманасиз, юрагингиз дов бермайди. Нега? Ғўза гуллари ҳам турфа гуллар қатори гул-ку ахир! Балки, икки марта гуллаши сабабдир. Дарвоқе, унинг гули ҳам — гул, пахтаси ҳам — гул...

Осмондаги юлдузларни узиб бўлмайди. Улар ҳам гул... Бу гуллар — тириклик гуллари, боқийлик гуллари. Чигит гуллари шу йўсин гуллардан. У қайта очилади. Очил-ганда ҳам оппоқ-оппоқ тонглари чигит аталмиш тугунчака тугиб очилади. Энди ча-ноқларга қўнган юлдузлардай чин юзини кўрсатган лўппи-лўппи пахталарни, осмон янглиғ пахтазорларни тасаввур қилиб кўринг! Тасаввур қилинг-у, оқ-қизил, сариқ ранг-даги чигит гулларини узиб, қулоғингизга қистирмоқчи бўлинг. Ҳай-ҳай, ботинолмай-сиз. Ботинганлар ҳам бўлар. Алҳазар!

Гувиллаб агрегатлар ишлайди. Маъмуржон — навбатчи инженер. Одати бўйича ишнинг боришини кузатишга чиққан. Цех ичи дим. У агрегатларнинг гумбур-гумбур овозини эшитмайди, сочлари турмакланган, чакка сочларини, киприкларини оқ пў-панак босган ишчиларнинг бош эгиб берган саломларини пайқамайди. Хаёли бошқа ёқда: «Ҳа, бир жиҳати одамлар ҳам чигит гулларидай гап. Чигитдан пахта қолади. Одамдан-чи? Бола-чақа, яхшилик... Эҳ, лаънати хотин! Хонадонимни пайҳон қил-ди!»

У шу куни навбатчилигини қандай тугатганини, қандай қилиб «Дилором» ресто-ранига кириб борганини билмади. Ресторан комбинатдан чиқишда, шундайгина поч-та ҳамда «Ўзбекистон 25 йиллиги» кинотеатрининг рўбарўсида. Фақат тамаддихо-на эмас, кутилмаган ташвишдан, қувончдан ўзига сиғмай қолган кишиларни овута-диган, кўнгил чигилини ёзадиган жой бу. Куйганлар ҳам, қувонганлар ҳам ўзларини шу жойга урадилар.

Маъмуржон эшик оғасига устки кийимларини топшириб ресторанга кирганида айни туш пайти эди. Одам етарли: ким кавшанади, столни бағрига босиб шеригига

гап маъқуллайди, ким етилиб, кўзлари сузилиб қолган таннознинг елкасига қўлини ташлаб коньяк шимиради.

— Марҳамат, — таклиф қилди йигирма беш-ўттиз ёшлардаги ресторан дастурхончиси — бекача барваста, жиддий қиёфадаги Маъмуржонга зимдан кўз югуртириб оларкан. — Тўрдаги столга ўтинг! Мен ҳозир.

Маъмуржон кўчага қараган дераза олдидаги столга ўтирди. Стол усти ёғ ялагандай тоза. Ялтिलाди. Тўртта тарелка, тўртта қўл сочиқ, ресторан мутасаддилари томонидан қўл қўйилиб, хўрандалар иштаҳасига ҳавола қилинган меню дафтарчаси турибди.

— Қандай овқат буюрадилар?

Атир бурқситиб, қош-кўзларига бўёқ чапланган бекача хоним пайдо бўлди. Қўлида қалам, дафтар. У, чамаси, Маъмуржонни катта одамлардан бўлса керак деб ўйлади.

— Биринчига борш, иккинчига қовурдоқ берақолинг.

У дафтарчасига буюртмаларни тез-тез ёзиб оларкан, қаламини сартарошхонада бурама дазмоллардан ўтаверганидан жизғанак бўлиб кетган сочлари билан қулоғи орасига қистираётиб, тортинибгина сўради:

— Мабодо... ичмайсизми?

— Ҳа... юз, келинг, икки юз грамм арақ келтиринг.

— Жоним билан.

Хоним орқа-олдини селкиллашиб шошилганича буюртмаларни келтиргани кетди. Маъмуржонни яна хаёл олиб қочди: «Шармандалик. Юз ёшни қоралаб қолган бобом шаънига, мўмин-муштипар онам шаънига иснод. Одамларнинг юзига қандай қарайман?! Қўйнимда хотин эмас, илон асраган эканман-а!..»

Унинг кўзи бекача хоним ташлаб кетган овқатлару араққа тушди. Пайқамабди. Стаканни тўлдириб графиндан арақ қўйди. Бир кўтаришда ичди. Кафтдек тарелкадаги парракланган бодринг, помидоридан газак қилди. Шу пайт вужудига гуп этиб олов югургандек бўлди.

— Жой борми? Бевовта қилмайманми сизни?

— Бўш. Бемалол ўтираверинг.

— Вой, бу сизмисиз? — Жувон совқотганидан қўлларини бир-бирига ишқай-ишқай ўтирди. — Салом, яхшимисиз?

— Салом.

Аёл зотининг гўрига кесак қалаб ўтирган Маъмуржон эйтиборсизлик билан кўз ташлади. Унинг қаршисида иссиққа кириши билан юзига қизиллик тепган почтачи жувон ўтирарди. Хижолат чекди.

— Ораси яқин деб пальтосиз чиқақолгандим. Совуқ аъзойи баданимдан ўтиб кетди. — Жувон кулди. — Бундан буён ўрик билан олма бўлармидик, нима дейсиз?

— Ҳа, энди...

Бекача жувонга бир коса манпар, икки кесим нон, стаканда қаҳва келтириб қўйди.

— Бир ўзингизмисиз? — сўради жувон ва Маъмуржоннинг тараддудланганини кўриб, хижолатомуз деди, — саволимнинг совуқлигидан хафа бўлманг. Мен, шунақа, ўйламасдан гапириб юбораман. Кўриниб турибди, бир ўзингизсиз.

— Қаёқдан билдингиз?

— Стакан битта. Қолаверса, оилали кишилар кўпинча ресторанга кирмайдилар, кирсалар ҳам бирга кирадилар.

Бу гап Маъмуржоннинг юрагига наштар бўлиб қадалди. Кўзидан ўт чиқиб кетди. Сездирмаслик учун четга қаради.

— Сиз-чи? Ёлғизмисиз?

— Мен ҳар куни шу ерда тушлик қиламан.

— Унда, рухсат берсангиз, бир стакан келтирсам.

— Илтифотингиз учун раҳмат.

Аёл тундлашиб, Маъмуржонга қизиқ қараш қилди. Унинг бу қарашидан афсуснадомат чекаётганлигини, ҳамма эркаклар ҳам бир гўр экан-да, деган хаёлга келганлигини ўқиш мумкин эди. Ҳазил-мутойиба билан юрагини бўшатмоқчи бўлган Маъмуржон бу ҳолатни сезмади.

— Бу заҳар-заққумдан тотинмаганман, — деди жувон графиндаги араққа имо қилиб. — Тотинмоқчи ҳам эмасман.

— Поччамдан қўрқасизми?

— Поччангиз? Қўрқитиб бўлганлар.

— Мени кечиринг. Мен...

Маъмуржон қўполлигидан, ҳазил қиламан деб жувоннинг дилини оғритиб қўйганлигидан пушаймон бўлди. Ичида ўзини сўқди. Бу орада жувон овқатини еб бўлиб ўрнидан турди. У яна аслига қайтган, Маъмуржонга ёш болага қарагандай кулумсираб қараб турарди.

— Ҳечқиси йўқ, одам боласи авлиё эмас, хато қилади, — деди у кетаётиб. — Қатиқ тўкилса юқи қолар, айрон тўкилса неси қолар, деган гап бор. Омон бўлинг. Айтгандай, — жувон залнинг ярмига борганида тўхтаб, орқасига ўгирилди. — Топилмайдиган

бобонгиз, онангиз бораканлар. Борсангиз, танишмасалар ҳам, мендан салом деб қўйинг.

Шу воқеага ҳам бир неча ой ўтди. Маъмуржон бошига ташвиш тушгандан буён гоҳо куннинг қайси эканлигини ҳам ажратолмай қолади. Ишдан қайтдим, ўғри урган-дек ҳувиллаб қолган уйига кўмилиб олади. Кўчага чиқса гўё ҳамма «эр бўлмайд ўл, хотининг топган ҳаромни ҳазм қилиб, семириб юраверган экансан-да!» деяётгандай. Чиннихонларнинг иши терговда. Диёра-ку, кўпдан далада. Қайтмас бўлиб кетган. Эшитишига қараганда Ойшабиби: «Кўпнинг ҳақиқага хиёнат қиладиган бундай нобакор фарзандни оқ қилдим» деб тасбеҳ ўгириб ўтирганмиш.

У ўрнидан турди. Қизини эслади. Стол тортмасидан Диёра ёзиб қолдирган хатни олиб ўқий бошлади: «Адажон, — деб ёзарди у. — Опамла юзимизни ерга қаратдилар. Олов — олов эмас, ёмонлар кўлида пул олов экан. Менинг ҳам ёнишимга оз қолди. Йўқ, мен ёнишни истамайман! Истамайман!.. Бувимларникига кетаётибман. Энди бу уйга қадам босмайман. Сиз яхшисиз, адажон!..»

Маъмуржон хатни аввал ҳам ўқиганди. Бунчалик таъсир қилмаганди. Аччиқ устидан ёзган деб қўяқолганди. Энди тушунди, тушундигина эмас, ундан эсаётган ҳаёт шабадасини туйди.

У тўннини елкасига ташлаб ташқарига чиқди. Негадир хурсанд. Йўл юради, қор босади: йўлга, қорга салом беради... Булут қоплаган осмонга кўз ташлайди, дам ялаб, дам шапатиллаб ўтаётган изғиринга энтикиб-энтикиб юз тутади: осмонга, изғиринга салом беради... Кечки пайт. Шаҳар этагидаги Қатортол қишлоғининг хонадонлари мўрисида, тўпори болакайлар ёққан гулханлардан кўкка тутун ўрламоқда. Унинг қулоғига болаларнинг шодон қийқириқлари, онасини қўмсаган бузоқларнинг маърашлари чалинади, сўнг пиёздод ҳидини яйраб-йайраб шимиради: хидларга, тириклик чирмандасини баданг қилган турфа овозларга салом беради... Салом беради...

— Ҳа, мулла, тинчликми?

Кўзда бедаси ўриб олинмаган, уруғлаб, майишиб, қорга беланиб ётган бедапоя олдида Ҳусан ота турарди. Оёғида кирза этик. Яктак устидан қора тўн кийиб олган. Майсага инган қиров янглиғ жун босган кўкраги очиқ. Белида малларанг белбоғ. Белбоққа юзи ялтиллаб кетган ўроқча қистириғлиқ. Бошида бир қулоғи баланд, бир қулоғи паст тақир қулоқчин. Олдида қиёқ, беда аралаш боғлиқ бир боғ хашак.

— Нима бўлди? — сўради тўни елкасида, бошяланг Маъмуржонга ҳайрон бўлиб қараб. — Тинчликми, ўзи?

— Тинчлик, отахон, тинчлик.

— Тинч бўлинг-э! Устингизни кўриб бир гап бўлибдими, дебман.

— Ўзим... Шундай бир айланиб дегандай.

— Шунақа денг? Иссиғлаб кетдим денг? Ёшни боғлаб қўйсанг турмайди, қарини калтакласанг юрмайди, деганлари шу-да!

— Кечки пайт, тоза ҳаво олай дедим.

— Кўп яхши, кўп яхши. Тоза ҳаво танни тоза қилади. Бир ёғи оёқнинг чигили ёзилади, дил равшан тортади. Ёшлиқда юриб қолган, кўриб қолган маъқул. Кейин кеч бўлади. Мана, биз: шартимиз кетиб, партимиз қолди.

— Ҳали ёшсиз.

— Бэ, қаёқда. Янглишмасам саксондан ошдимов... Яна билмадим. Биз кексалар ичи тушган қовундай гапмиз, тиғ тегса оқамиз кетамиз. Тинчлик, хотиржамлик бўлсин-у, ёшлар яшасин.

Ҳусан ота белбоғига қистириғлиқ носқовоғини олиб нос отди.

— Қалай, болалар соғ-омон юришибдими?

— Шукр, отахон, — Маъмуржон ҳам чўнтагидан сигарета олиб тутатдида, мамнун бир кайфиятда гапини давом эттирди. — Бобом, ойм ёлғиз. Қизимни жўнатдим. Бор дедим, қишли-қировли кунда қийналиб қолишмасин, дедим.

— Яхши қилибсиз. Улар ҳам ғанимат.

— Эрта-индин ўзим ҳам жўнамоқчиман.

— Боринг, боринг. Каъбам — отам деб бежиз айтмаган, машойихлар. Ушаларнинг дуосини олинг. Кексайганда рўзгор учун куйманиш оғир. Яна мол-ҳол бордир?

— Бор. Ўнчага қўй. Сигир, бузоқ.

— Ана, қаранг!.. Боқининг ўзи бўладими! Мен сизга айтсам, мол деган жонивор қашшаниб турмаса бўлмайди. — Ҳусан ота безовталаниб, қишлоқ томонга кўз ташлаб олди. — Биздаям бор: сигир-бузоқ, қўй-эчки, дегандай. У ёқда, далада кенгчилик. Қишдаям ҳайдаб юборсангиз у ер-бу ердан хас-хазон, қиёқ-пиёқ чимдиб, анча нафсини тинчитиб қайтади.

— Гапингиз тўғри, — Маъмуржон суҳбатнинг оқими қадрдон қишлоғи — Эшботирга оғанидан қувониб, очилиб-сочилиб гапира бошлади. — Қишда, эрта баҳорда қўй, сигирлар подачисиз, бошвоғсиз юради. Бедапоялар, шудгор қилинмаган қовунполизлар, карам-поялар... у ёқда Улоқтепа!.. Ҳаммаёқда картошка палак, карам барги, уруғи тўкилмаган ўт-ўлан. Шунақа қилиб денг, отахон, Эшботирда мол деган жониворларингиз ўзини ўзи боқади! Энди, гап келиб қолди, айтай, бобом ҳам кўпни кўрганлардан. — Ёши? — Ҳусан ота, кекса бўлса бизчалик бўлар-да, дегандек ўзини ғоз тутди.


— Тўқсондан ошдилар.

— Тўғри, — Ҳусан ота ажириқ илдизидай чайир тортиб кетган ингичка, қоқсуяк бармоқларини очиб-юмиб йил ахтарган бўлди. Уйланди. Кейин, кичик мучасига ярашмаган бир қиёфада деди, — илло ёш берсин! Бобонгиз борса, мендан ё икки-уч ёш кичиклар ё катталар. «Бақа» нима-ю, «олқор» нима, бари бир ёш! Демак, тенгдошмиз.

— Балки, шундайдир.

— Ҳа, балли, — Ҳусан ота олдидаги бир боғ хашакнинг боғига, кейин бир зум тин олиб шаҳар четидаги чорбоғига кўз ташлади-да, деди, — у кишига, биродаримизга, кенгчилик. Дала дала-да!... Биздан борганингизда салом айтиб қўясиз, ўртоққа. Ҳа, энди биз ҳам бориға бозор қиламиз. Ҳай, майли, мен кетдим. Уйга юринг десам бормайсиз. Кўп айланманг, кечки изғирин тушиб қолди. Этингиз юпқа, яна шамоллаб-памоллаб ўтирманг.

Ҳусан ота шитир-шитир қор босиб, ўт-ўлан босиб, пилдираганча уйига йўл олди.



Муҳаммад Ражабнинг 1990 йил биринчи сонда эълон қилинган туркум ҳикояларини ўқиб роса қувондим. Ёзувчининг айниқса «Лақаб» ҳикояси ҳажвга йўғрилган аччиқ ҳақиқатни айта олганлиги билан мени ром этди. Одамлар «Олачопон» деб лақаб қўйган агроном қишлоқни ташлаб кетади. Дарвоқе, «Ҳозир улусда олачопон йўқ», дейиш билан ёзувчи бизга бир нарсани эслатади: «Кишиларимиз ўз миллий урф-одатларини йўқотяпти! Уз миллий кийимларидан воз кечишяпти!»

Туркумдаги «Де... деярли» ҳикояси ҳам равон ўқилиши билан ўқувчини ўзига тортади. «Одамлар орасида меҳр-оқибат кўтариляпти, биров-бировни еса ҳам, нималар бўляпти ўзи, деб ҳеч ким ўйламайди». деган ғоя асар мазмунини ташкил этса керак.


Муҳаммад Ражабнинг «Улусда бир одам бор» туркум ҳикоялари бадиий жиҳатдан ҳам бақувват. Унинг асарларида яширин ғояларнинг ўта нозик дид билан ифода этилиши, қисқа, аммо мазмундорлиги алоҳида диққатга сазовордир.

* * *

Журналнинг февраль ойи сонида эълон қилинган «Заҳарланган қон» ҳикоясини ўқиб, узоқ хотира ва хаёллар оғушига толдим. Мен ҳам турғунлик йиллари ҳукмронлик қилганда студент бўлганман. Ҳали ҳам ёдимда, 1983 йил эди. Декабрнинг изғиринли кунлари. Далада оқарган пахта қолмаган. Уйга жавоб бермай бизни ушлаб ўтираверишди. Янги йилга етти кун қолганда кир-чир, касалманд ҳолда қайтганмиз. Уша йили қарийб 3 ой далада бўлдик. Қанчадан-қанча студентлар қуруқ макорон ва буханка кавшаб, зах, совуқ жойда ётиб, касал орттириб олишди. Орамызда қанчадан-қанча бўлгуси оналар — қизлар бор эди. Асосий вақтимиз бесамар сарсонликда ўтиб, етарли билим ололмадик. Биз кабилардан саводсиз мутахассислар етишиб чиқади. Яхшиям қайта қуриш, ошқоралик бор экан, бу иллатларнинг илдизига болта урилди.

Сизлардан илтимос, ўтмишда йўл қўйилган хатолар ҳақида тез-тез мана шундай мазмундаги асарлар, публицистик мақолалар бериб борсангизлар.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти.**



Абдунаби Бойқўзиев

ҚАНОТГА АЙЛАНДИ ВУЖУД

Қилич сермаб
хайқирди чақин.
Қулади ой, гўё кесик бош.
Узоқ, сим-сим йиғлади сўнг тун
Осмонимда қолмади кўзёш.

Раҳми келмас
тонгга ҳеч кимнинг,
Ҳолин сўраб, уйғотгувчи йўқ.
Ёришмади қуёш — кўнглимнинг
Қабоқлари салқиган совуқ.

О, тонгларим,
менинг тонгларим,
Туманларда адашган йўлсиз,
Ҳайқираман, ҳужайраларим —
Вужудимнинг уммонлари жим!

Бунча эзгин,
бунча забунсиз,
Шууримга қўнган булутлар?!
Бунча лоқайд мудрамасангиз
Ориятим — қирғий, бургутлар?!

Сизни,
узоқ кутди бир умид,
Ният қилиб толиқди ният.
Умидлари поймол бўлган юрт —
Хотирамни кемиради Вақт.

Қаноатнинг тўлди косаси,
Қаноатга айланди вужуд!
Сабр,
энди қўрқмайман сендан,
Мен сабилман, истасанг ўлдир!

Бўғиб ташла
Амударёни,
Ўзанлари кетсин шўрланиб.
Узилмасдан Оролниг жони,
Пешонамга ёғсин шўрлари.

Шўрлик далам,
Ўртанган далам,
Жим тинглайман оху-зорингни.
Кўкрак кериб бу номард боланг,
Сақлолмади номус-орингни.

Сирдарёмиз
сирли дарёмиз,
Силқийверсин озурда, ғариб
Ва эҳтимол, кунларки келур,
Тополмаймиз уни ахтариб.

Э воҳ,
Менинг исмим қаноат,
Мен сабрман — кута биламан.
Ёғса-да гар юз минг фалокат
Ҳаволардан юта биламан.

Қилич сермаб
Ҳайқирса чақин,
Қуласа ой, топаман бардош.
Минг йил сим-сим йиғласам-да хун
Ёзғирмайман, қилмайман кўзёш!

Рухлар диёри

Сабо, ортга эсмадинг қайтиб,
Қолди дилда бир дунё дардим.
Ҳайқирдим, келдилар садолар қайтиб,
Аммо сен қайтмадинг кўнглим малҳами.

Хилват ўриндиқлар қолди ҳувиллаб,
Анҳор бўйларида мажнунтол ғариб.
Довдир сўқмоқдайин умр шовуллаб,
Оқиб кетаётир, сўнг манзил сари.

Чўзганча майсалар қўлчаларини,
Тонги шабнамларга юзини чайиб,
Силкита-силкита гулчаларини,
Хиёбонлар қолди ўксик, мунғайиб.

Сенингсиз вайрондир руҳим диёри,
Сенсиз нообод дил кўчалари ҳам.
Ушланиб қолдингми, умрим баҳори
Бирон атиргулнинг ғунча лабида?!

Гиря

Садр тушар юрагим, қара,
Алвидолар айтар севгига.
Тирикликнинг ёлғон мулкида,
Наҳот танҳо қолдим мен, эркам?!

Энди тонглар отади ёлғон,
Қуёш ёлғон сочади ёғду.
Офатижон қизлар ичидан
Излаб сени топмасман, ёҳу!

Сени йўқлаб келди бойчечак,
Эркаланмоқ учун қўлингда.
Қизғалдоқлар қон-қора қақшаб,
Хазон бўлди қабринг устида.

Учиб келди турналар, қур-қур
Илк баҳордан элчи муждалар —
Чаппар уриб саболар ҳай-ҳув
Сўроқлади сени суманбар.

Пайкалда илк пишди ҳандалак,
Бўйларини сенга илинди.
Қизлар чиқди қишлоғимиздан,
Тўйларини сенга илинди.

Дугонанг ой — кулча юз малак,
Қарай-қарай қариб кетди-ку.
Юлдузлар жим, парпираб, илҳак —
Қароғлари толиб кетди-ку.

Энди тонглар отади ёлғон,
Қуёш ёлғон сочади ёғду.
Офатижон қизлар ичидан
Энди сени топмасман, ёху!..

Сергей Есенинга ўхшатма

Андижонда битта қишлоқ бор.
Бир қарашда кўримсиз, бешан.
«Унда яшар мен суйган дилдор!»¹
Икки кўзим ҳануз нигорон.
Андижонда битта қишлоқ бор.


Дардоққишлоқ дегайлар суйиб.
Бир қанотин Ушнинг тоғлари,
Бир қанотин кифтига қўйиб
Кўтаргайдир шаҳар боғлари.
Дардоққишлоқ дегайлар суйиб.

Шовуллайди тераклар — адил.
Қиз кўксидай қоялар-да тик.
Одамлари бешафқат, адл,
Билмас қўрқинч, билмас не ҳадик.
Шовуллайди тераклар — адил.

Бироқ беркдир менга бу юртнинг
Сўқмоқлари, йўли, довони.
Чунки йўллар боргайдир ўтиб,
Юрагидан ўша жононнинг.
Беркдир менга йўли, давони...

Андижонда битта қишлоқ бор...

¹ Сергей Есенин мисраси.



Тарихимиздан абаълар

Герман Вамбери

бухоро ёхуд Довароуннахр тарихи

Нашрга тайёрловчи
Сирожиддин АҲМАД

Ўзбеклар ва Шайбоний Муҳаммад

Турк халқининг қадимдан қолган бир одати бор: агар ҳукмдорлардан биттаси мамлакатни яхши идора қилса ёхуд мамлакатга янги бир усул ва тартиб киритиб, ўзига хос хизмат кўрсатса, унинг номини мангу қолдиришга интилади. Шу тариқа у бир тарафдан ўзининг ҳукмдорини қавм бошлиғи ўрнига қўяди-да, бу билан баробар ҳукуматнинг ривож йўлига ва умумжаҳон тарихига киришини гўзал бир суратда ифода қилади.

Масалан, биз бу ҳолни салжуқийларнинг катта қувват ва шиддат билан ғарбий Осиёга кириб борганида ва кейин қадимги Шарқ (Византия) императорлиги ўрнида ўзлари ҳукумат таъсис этган туркларда кўрамиз. Улар ўзларини биринчи ислоҳотчи, қонунчи бўлган подшоҳлари Усмон номига нисбат бериб усмонли деб атамоқдалар. Худди шу ҳол Кўк Урданинг шарқида, Волга билан Орол денгизи орасида яшовчи турк-мўул қабилаларида ҳам мавжуд; улар Жўжи сулоласидан тўққизинчи ҳукмдор бўлган Ўзбекхон исмига нисбат бериб, ўзларига бир сиёсий қўшма ном — ўзбек номи қабул қилганлар. (Ўзбекнинг ҳарфан маъноси «шаҳсан ўзига мустақил хўжайин», эркин демакдир. Шоён диққатга сазоворки, бу сўз муҳим маъноли унвон исми бўлиб, эски можорларда (венгерларда) ҳам учрайди. Шу мазмунда 1150-йилларга оид ҳужжатларда ҳам бу ибора мавжуд — Г.В.) Абулғози ўзининг «Шажараи турк» асарида улар ҳақида шундоқ нақл қилади: «У (Ўзбекхон — С. А.) ҳар кимни хизматиға қараб ҳурмат ва тақдир этар эди. У ўзининг халқини ислом динига киргазди ва у орқали кўп одамлар ислом динига мушарраф бўлдилар. Шу боис Жўжи халқи ўзига ўзбек исмини қабул этди ва бу ном унга охири замонгача қолажакдир. Ҳаммер ҳақли равишда айтганидек; Ўзбекхон ўз халқининг маҳдийсигина эмас, балки қипчоқ тахтига зийнат берган тўрт улуғ ҳукмдорнинг (кейинги учтаси — Боту, Барка, Тўхтамиш) учинчисидир. Араб сайёҳи Ибн Баттута тарафидан зикр этилган ҳамда темурийлар ҳокимияти вақтида зоҳир бўл-

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

ган бу ном Ўзбекхоннинг ўз даврида ҳам, ундан кейинги йилларда, яъни унинг насллари ҳукмронлик қилган пайтларда ҳам бир муҳим вазифани бажармади. Фақат 150 йилдан сўнг, кучли Олтин Ўрда давлати тўрт қисмга бўлиниб, Русияни татар ҳокимияти ҳукми остидан халос этган Иван Васильевичнинг кураши оқибатида юқори Волгада Жўжи авлодининг ҳукмронлиги тугатилди. Шундан сўнг биз ўзбекларнинг ҳокими Абулхайрхоннинг Сарой ҳокимиятига итоат қилишдан бош тортганини, хонлик олий ҳуқуқидан фойдаланувчи шаҳзодалар ҳам тобелар орасида бўлганини кўрамыз.

Шимолдаги христиан дунёси ислом ҳукумати устига қилган тажовуз вақтида Абулхайрхон ўзининг чодирлари ва кўчманчи халқи билан аста-аста Шарқий сахро вилоятлари ичига чекинишга мажбур бўлди. Кўк Ўрданинг сўнги хони Кичик Муҳаммад идораси вақтида у хийла аҳамият касб этиб, шу даражага етдики, темурийлардан Абу-саид, Муҳаммад Жўги, Ҳусайн Бойқаро, юқорида баён қилинганидек, ундан ҳимоя сўрадилар. Кичик Муҳаммаднинг инкирозидан сўнг Қипчоқда Жўжи тахти бутунлай емирилди.

Ўзбеклар ғарбдаги Сарой ва жанубдаги Мовароуннаҳрда, ривожланган ислом маданиятидан узоқда яшар эди. Улар ўтроқ ҳаётга аввалдан кўникиб, темурийларнинг юксак маданиятга интилишлари туфайли нозиклашиб, эски туркларча жанговарлиги суствлашиб қолган қардошларига нисбатан Турон лашкарига хос қаттиққўлликни ўзларида кўпроқ сақлаган эдилар. Ислому дини булар орасида номига тарқалган эди, ўзбек халқининг ўзи каби турмуш тарзи ҳам турк-мўғул халқининг қоришиб кетган урф-одатларидан иборат эди. Аму ва Сирдарё бўйларидаги турклар тадрижан тил ва адабиёт бирлиги ва Эрон ҳаётининг нозик жиҳатлари билан таниш бўлган бир пайтда ўзбеклар ҳануз кўй ва от териларига сорилган ҳолда гўяндорлик билан машғул эди. Маънавий ҳаётларида эса, миллий авлиёлари саналган сохта кароматчи дарвеш Ҳўжа Аҳмад Яссавийни ўзларига пир этар даражадагина тараққий этган эдилар, халос.

Ўзбеклар доимий ўтроқ яшай бошлаганларидан кейингина ўзларининг аввалги кўполликларини ташладилар. Илк бор чиғатой номи билан Мовароуннаҳрнинг маданиятли, ўтроқ туркий халқ, ўзбек номи билан эса шимол-ғарбдаги маданиятсиз сахро аҳолиси аталар эди. Бу муносабат кейинчалик бутунлай ёки янги замонга қадар аксинча англишиладиган бўлди; яъни, ўзбек аввалги чиғатой ўрнини олди, қирғиз ёки қозоқ деб маданиятсиз туркларни атай бошладилар.

Абулхайрхон ўзи яшаб турган давр аҳволини жуда яхши билар эди. У Марказий Осиёнинг ўша вақтдаги аҳвол-шароитини эътиборга олгани ва имконияти йўқлигини билгани учун истило фикрига берилмади, аксинча, бир-бирларининг қониға ботиб, жанжаллашиб ётган Темур авлодларига баъзан-баъзан ёрдам бериш билан қаноатланди. У фақат Абу-саид фойдаси учун қарашмади. Манучеҳр мирзо ва Султон Ҳусайн Бойқарони қувватлади. Абулхайрхоннинг ўзбеклари доимо кўп ўлжалар билан қайтар эдилар. Унинг қирқ йилга яқин ҳукм сурган ҳокимияти сахро хонлигининг энг шонли даври ҳисобланади.

Туркманларда бир мақол бор: «Сахро қавми ғоят тез тарқалиб кетади, аммо инсонларнинг бахти ундан ҳам тез тарқалади». Абулхайрхоннинг шавкат-шони душман ва ҳасадчиларнинг унга суиқасдларини тайёрлади. Қўшинидаги сахро хонлари унга қарши бирлашдилар. Ҳатто юқорида тилга олинган Бурга Султон каби ўзининг яқинлари ҳам буларга қўшилдилар. «Отаннинг юртига душман ҳужум қилса, сен ҳам уларга қўшилиб бирга тала» деган татар мақолига мувофиқ улар ҳаммаси бирликда унга қарши ҳужум қилдилар. Шу боис у кучсизланди. Унинг вафотидан кейин кўп нуфузли оила аъзолари саҳронинг ҳар тарафига тарқалиб кетдилар. Ўзидан кейин қолган ўн бир ўғлидан ёлғиз бешинчи ўғли — Шайх Ҳайдар Султонгина ўз ўрнида қойим эди, аммо унинг ҳам қуруқ исмидан ўзга нарсаи йўқ эди. Шу учунми, унинг нуфуз ва ҳокимияти ҳам қисқа бўлди. Ўзбеклар ўзларининг эътибор ва ишончларини Абулхайрнинг набираси шаҳзода Муҳаммад Шайбонийга қаратган эдилар, уни Шоҳбахт деб атардилар. Бу зот ўзининг ёшлигига қарамасдан истиқбол учун энг порлоқ умидлар туғдирган эди.

Шайбоний, биз уни шу ном билан атаймиз, отаси Будоқ Султон билан онаси Қўзи-бегимдан ёшлигида етим қолиб, укаси билан бирга отасининг содиқ хизматкори Қорачабекнинг ҳимоясида яшади. Қорачабек бу шаҳзодага қамоли садоқат билан хизмат қилди. Шайх Ҳайдарнинг вафотидан сўнг Қорачабек хийла улғайган бу етим шаҳзодаларни олиб Абулхайр оиласининг душманларидан Сирдарёнинг кўйи тарафларига қочиб кетишга мажбур бўлди.

Шайбоний бу ердан қайтиб келгач, улуғ бобоси ўрдусининг турли тарафларга тарқалиб кетган кишиларини муқаддас қон қасосини олиш баҳонасида атрофига тўплади. Кераклигича тайёргарликдан сўнг, сулоланинг йўқолган шон-шавкатини қайтармоққа аҳд этди. Ҳусусан, Абулхайрхонга олчоқларча хиёнат қилган ва айни пайтда Сирдарёнинг юқори оқими томонидаги бир ўрмон этагида яшаётган Бурга Султондан қасос олиш қасдига тушди.

Шайбоний куч тўплаб, тайёргарлик кўргунча Бурга Султон билан риёкорона тарзда дўст тутинди. Тайёргарлик охирига етгач, инсондан-да қасоскорроқ, сахрога ҳақиқий бир даҳшат солувчи узоқ қиш кечаларидан бирида, содиқ уч баҳодири билан душмани

Бурганинг саройига ҳужум қилди. Унинг оила аъзолари ва қариндошларидан кўп кишини қатл этди. Қочган Бурга Султон ҳам ўлимдан қутулиб кета олмади, Шайбоний уни топтириб, қатл эттирди. Мазкур муваффақиятли ҳужумдан кейин ёш шаҳзода хийла кучайган ўзбек суворийларига бошлиқ бўлди. Уларнинг паноҳида зўр жангларда қатнашиш учун имконият топди.

Марказда ахвол шу тарзда кечгач, эндиликда темурийлар билан тўқнашмасликнинг иложи йўқ эди. Бу даврда Самарқанд тахтининг эгаси Абусайднинг ўғли Султон Аҳмад эди. Мамлакатнинг шимолий чегараси ноиб эса Қушлиқхон ўғли Мажид тархон эди.

Шайбоний ундан ўз хизматига олишни илтимос қилди, Мажид тархон розилик берди, ойлик ҳам белгилади. Лекин Мажид, ўзбек бошлиқларининг елкасига чиқиб олиш таҳликасини ҳис этгандан кейин, хавфдан қутулиш учун уларни Бухоро ҳокими Абдулалӣ тархонга юборди. Бухоронинг мутлақ ҳокими Абдулалӣ тархон саройи зийнат ва ҳашамат жиҳатдан ўзи тобе ҳукмдорнинг саройидан кам эмасди. У ўзбекларни яхши қабул этди ва мўғуллар шимолий-шарқдан ҳужум қилганда, улардан фойдаланди.

Туркистоннинг шимолий вилоятларидаги имтиёзли ҳокимлар (тобелар) исён кўтарган пайтда, Абулхайрнинг ворисларидан исёни бостириш учун фойдаланилди. Лекин ўзбек шаҳзадолари бу ерни ўзларининг она Ватанларидек ҳис этганлари учунми ёки тўплаган кучлари таъсири биланми, хуллас, ҳар қандай қуроли хизмат учун тўланган оддий маошга қаноатсизлик қила бошладилар. Шу боис Ўтрор, Соврон, Сиғноқ шаҳарларини уларга бериб, рози қилиш лозим кўрилди. Кейинчалик ғоятда кенгайиб кетган Шайбоний мамлакати шу тарзда таъсис этилди.

Ўзбек шаҳзодаларга уларнинг кўпгина тарафдорлари ва ботирлик ҳаракатларини севувчи саҳро фарзандлари — орқа томондан ёрдам этгани майдонга чиқиб келаётган шайбонийлар билан инқирозга учраётган темурийлар ўртасидаги тинч муносабатнинг узоқ давом этмаслиги табиий ҳол эди. Тўқнашувнинг сабаби тез топилди. Султон Аҳмаднинг тириклик вақтидаёқ Шайбоний келажакни ўйлаган ва ноиб Мажид тархонга қарашли Сирдарёни жабр кўрган сифатида тортиб олган, эндиликда аввалгидай маошга хизмат қилишдан воз кечган, шундан буён Темур сулоласининг кўрқинчли душманига айланган эди. Ёш кўчманчи хонларнинг ғоятда кучайган жанговар аскарлик руҳи уларнинг ўзаро низою жанглари учун кифоя эди, бундан ташқари, шу замонда Мовароуннаҳрнинг ниҳоятда чувалашиб кетган сиёсий ҳаёти, беқларнинг бошбошдоқликлари каби ҳолатлар Шайбонийнинг мамлакатни истило этишига сабаб бўлди.

У 905 (1499) йилда биринчи марта Самарқандга тажовуз қилди. «Шайбонийнома» муаллифининг баёнига қараганда, Шайбонийнинг биродари Султон Маҳмуд Бойсункур Мирзо замонида ҳам Жиззах атрофига ҳужум қилиб, катта талофат билан чекинишга мажбур бўлган. Хабарсиз ҳужум бошлагани учун Шайбоний биродарига танбеҳ берган ва мағлублик интиқомини олиш учун минг йигити билан дарҳол Сирдарёни кечиб ўтган. Аммо унинг бу юриши аскарлар хиёрати туфайли муваффақиятсиз чиққан. Шайбоний мажбуран орқага қайтган.

Шайх Мансур Шайбонийнинг пири эди. У пирининг: «Ўртасидан эмас, четларидан бошламоқ лозим» деган рамзий сўзларига мувофиқ мамлакатларни истило қилиш фикрига тушди. Аввало у атрофдаги турк беқларига мурожаатнома юбориб, уларни темурийлар ҳокимиятини бутунлай тугатишга даъват этди. Бунга айна фурсат келганини аңглатди.

Темурийлар ҳокимиятнинг таянчлари нечоғли чириган, асоси бўшашганига қарамай, Самарқанд ҳукмдорига содиқ турклар ҳамон кўп эди. Шайбоний ҳарҳолда аввало буларни тамоман ўз тарафига жалб қилишни лозим кўрди ва бунга эришди. Булар орасида энг муҳимлари — Кўчим Султон, Суюнчхўжа Султон, Ҳамза Султон ва Маҳди Султонлар эди. Ана шундан кейин у ўзининг аввалги ниятини амалга ошириб, кучли тайёрланган қўшин билан Самарқанд устига юрди.

Бобур бу ердан Андижонга қайтиб кетгач, давлат бошида қолган Султон Али номигагина ҳоким эди. Улуғ боболари 400 йилдан буён Самарқандда Шайхулисламлик қилиб келаётган қози калон Хўжа Абулмакорим (асл номи Хўжа Яҳё) ҳақиқий ҳоким эди. Лекин уларнинг ҳар иккови ҳам раҳбарлик ишларига ўқувсиз эди, мамлакатга таҳдид солаётган хавфни даф этишга қодир эмасди. Ун кунлик қамалдан кейин Шайхзода эшигидан чиқиб қилинган ҳужум муваффақиятли қайтарилгач, Шайбоний Чорраҳа дарвозасидан кириб, Боғи навга бориб етди ва душман лашкарини ҳам ўз изнига солди.

Уруш кун ўрталарида бошланди. Шайбоний ўлимга тик боқиб, урушда шахсан ўзи иштирок этди. Бутун тун бўйи ҳар икки томондан қирилиш давом этди. Эртаси Шайбонийга хизмат қилган Абдулалӣ тархоннинг ўғли Боқи тархон Самарқандга ёрдамга келди, унинг Дабусия истеҳкоми ёнида қароргоҳ қургани ҳақида хабар олинди. Ўзбеклар шу муносабат билан Самарқандни қамалдан бўшатиб, тез суръатда Бухорога чекиндилади. Узининг бутун ёрдамчи аскарларидан айрилиб қолган Бухоро учун ўзбекларга шартсиз таслим бўлишдан ўзга чора йўқ эди. Шайбоний Бухорони ўзининг бош қароргоҳи қилди. Онаси билан оиласини шу ердаги саройга жойлаштиргач, лашқари билан Қоракўл устига юрди. Чунки бу ер биринчи марта забт этилгач, Бобой Султон раислигида қолдирилган муҳофаза қисмлари шиддат билан ағдариб ташланган эди. Шу

боис уни янгидан забт этишга эҳтиёж бор эди. Ҳолбуки, ўзбек ҳарбий қонунининг бутун шиддати билан исёнкорларга жазо берилганидан кейингина Самарқандни қайта қамал қилиш мумкин эди.

Самарқанд янгидан қамалга олинди. Шаҳардагилар тўққиз ой қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Агар амалпараст Хўжа Абулмакорим билан хон Султон Али орасидаги ихтилоф очикдан-очиқ душманликка ўтмаса, эҳтимол, мустаҳкам бу қалъани эгаллаш муддати яна бироз орқага сурилиши мумкин эди. Бу зиддиятли аҳволдан яхшигина воқиф бўлган Шайбоний Самарқанд ҳукмдори Султон Алига: «Хўжа васийлигида яшашдан ҳали ҳам тўймадингми, Абулхайр хонадонидан инояти раббония билан туғилмиш юлдузни табриклар, ҳаётингни у билан дўстлик йўлида излашга ҳалия вақт етмадими?» мазмунида мактуб ёзди. Шайбоний ўзининг бу дўстлик таклифи яхши ниятда ёзилганини кўрсатмоқ учун Султон Алининг онасини ўзига хотинликка сўради. Султон Алининг онаси бунга розилик берди. Бу ишлар шу даражада махфий қилиндики, бир жума куни Шайбоний Муҳаммадхон қамалдаги Самарқанд шаҳрига бир тарафдан кириб келди. Бундан мутлақо хабарсиз Хўжа Абулмакорим шаҳарнинг иккинчи тарафидаги масжидда ўтирарди. Бу воқеа 906 (1500) йилда содир бўлди.

Шошиб қолган Самарқанд аҳолиси ўз тақдирига тан берди. Ўзбек хони билан Султон Аҳмаднинг тул хотини Зухра бегим ўртасида никоҳ ўқитилди. Лекин Бобурнинг ҳикоясига кўра, унга оддий оқсочлардек муомала қилинган. Шундан сўнг Султон Али тезда вафот этди. Унинг ўлими мажбурий суратда бўлганлиги хусусида гаплар бор. Дарвоқе, бу ваҳший ва йиртқич саҳро халқининг ҳокимияти Самарқанд ва унинг атрофидаги эллар учун жуда малол келди. Шу боис самарқандликлар ҳар турли йўллар билан бу маҳкумлик занжиридан қутулиш чорасини излай бошладилар ва ниҳоят, олижаноб Бобур мирзони ўз боболарининг пойтахтини озод қилишга даъват этдилар.

Юқоридагилардан англашилган ва ўз сулоласи манфаатига фоят содиқ Бобур бу даврда ўзининг бир неча садоқатли тарафдорлари билан Зарафшоннинг юқори жойларида кўшин тўпламоқда ва Хўжа Абулмакорим ҳам унинг ёнида эди. 906 (1500) йилнинг куз фаслида, қоронғи бир кечада хўқандликлар Самарқанд дарвозаларига яқинлашуви билан халқ уларга қўл узатди. Шайбоний Самарқандни қанчалик осон олган бўлса, шунча энгил бой берди. Чунки ўзбекларнинг аксариси Қорақўл чўлидаги қароргоҳда эдилар. Шу боис бирликда ҳаракат қилишга сира имкон йўқ эди.

Биринчи жангда 400 тача аскардан айрилгач, эртаси куни ўз аҳволини фалокат билан тугашини сезган Шайбоний тез қутулиш учун барча чора-тадбирларни кўриб, Бухорога чекинишдан бошқа чора топмади.

Бобур Самарқандни янгидан ишғол қилди. Лекин унинг бу ердаги ҳокимияти баҳоргача, яъни хормай-толмай турган ўзбек хонининг етарлик даражада аскар тўплаб, янгидан ҳужум бошлаш давригача етди. Онгсиз, шиддатли ҳужумлар ва шу пайтда ҳар икки тараф намойиш қилган ҳамда ҳайратга соладиган қаҳрамонликлар тўла умумий урушлар Бухоро — Самарқанд орасида, Сарапул ёнида содир бўлди. Бутун ғайратлари зое кетиб, Бобур бу урушда энгилди. Кўп қийинчиликлар билан Самарқанд қалъасига мажбурий қочиб кириб, омонсиз тахдиддан қутулди.

Бобур бу ҳарбдаги фалокатнинг асосий сабабини ёрдамчи мўғул аскарларининг хиёнатларида кўрса-да, бундан бошқа сабаблар борлиги ҳам инкор қилинмаслиги лозим. Ҳиндистонда кейинчалик мўғул (Бобурийлар — С. А.) мамлакатини барпо этган Бобур ва саркардаларининг мана шу буюк жангда кўрсатган матонат ва қаҳрамонликлари ҳар жиҳатдан тақдирга лойиқ, албатта. Аммо Бобур лашкарининг сони, «Шайбонийнома» муаллифининг ривоятига кўра, 40 мингга етса-да, Мовароуннаҳрда ва Андижонда тинч ҳаёт кечирган аскарларнинг жанговар ва шафқатсиз ўзбекларнинг тажовузига қарши туришлари учун имконият йўқ эди.

Бу урушда Бобур катта зиён кўрди. Зобитлари орасидан уч Иброҳим (Иброҳим тархон, Иброҳим Сори, Иброҳим Жоний) ҳалок бўлдилар. Ҳар қанча мунаввар фикрли эса-да, кейинчалик ҳам хурофотга ишонишдан халос бўла олмаган Бобур учун бу машъум воқеа бир фол сифатида ҳар вақт кўз олдига турарди. У муҳорабани аввалги ғайрати билан ҳар қанча давом эттириш учун Самарқандда тайёргарлик кўрса-да, Мовароуннаҳрда темурийлар ҳокимиятининг бундан кейин қайтариб бўлмаслик фикрига афсус ила қаноат ҳосил қилишга мажбур эди.

Шайбоний ўзининг ғалабасидан фойдаланиб, рақибларини тезкорлик билан таъқиб эта бошлади ва Самарқандни қаттиқ қамал қилди. Тўрт ой чўзилган бу қамал Темур пойтахти тарихидаги энг оғир дамлардан эди. Қамал қилувчилар гўзал пойтахт атрофидаги бойлик ва неъматлардан ўзлари хоҳлаганча фойдаландилар. Аммо қамалдаги чиғатоилилар эса, озиқ-овқат етишмаслигидан мусулмонлар қошида фавқулудда ёмон саналган от ва эшак гўшлари, ҳатто ўсимлик илдиэларини тановул қилишга мажбур бўлдилар, отларига эса пайраҳа бердилар. Бунинг устига тартибсизлик ва итоатсизликлар кўшилди. Ниҳоят, Бобур бўм-бўш қалъа ичида ўзининг ёлғиз қолганини кўриб, минг турли таҳлика ва қўрқувлар орасида, ҳечқурса ўз ҳаётини сақлаб қолиш қасдида, бир кечада Шайхзода дарвозасидан чиқиб, қалъани тарк этди. Катта опаси Хонзода бегим эса асир тушди. Шайбоний уни никоҳига олди.

Самарқанд ва у билан бирга темурийлар ҳоқимияти шу тарзда инқирозга учради. Интиқом ҳисси жўш урган ўзбеклар шаҳарда бор нарсанинг ҳаммасини талон-тарож қилдилар. Аҳолиси ғолибларнинг жазосидан қўрқиб, қочиб қутулиш йўлига тушдилар. Булар орасида Шайбонийнинг жуда хавфли душмани, муваққат оқсоқол Хўжа Яҳё ҳам бор эди. У ўзини танитмаслик учун мусулмонлар назарида жуда ёмон кўрилган бир ишни қилди. Соқолини қириб ташлади. Лекин бу билан қутила олмади. Танилиб, тугилди ва Шайбоний ҳузурига келтирилди. Шайбоний нега бунчалик фано бир ишга ботинганини сўраганида, Хўжа Яҳё: «Худо ёндирган шамни сўндирмоқ учун уни пуфлаган одам ўзининг соқолини ёндирадир» қабилида форсча бир шеър билан жавоб берди. Лекин худонинг шами, яъни Шайбоний, унинг бундай самимийлигига аҳамият бермади. Жамоат талаблари билан юргани учун Хўжа Яҳё бошини жаллодга таслим этишга мажбур бўлди.

Шайбоний аввалги сулола тарафдорларига ғоятда қаттиққўл ва марҳаматсиз муомала қилиб, одамларни хавф ва даҳшатга солди. Бунинг ёрдамида Уратепа атрофида ўзига қарши хавф ва ташвиш орттираётган биродари билан битим туздан кейин, қўл остидаги озгина лашкар билан Амударёни кечиб ўтиб, ҳаракат бошлашга имкон топди. Ўзбек фотиҳининг қаноати ва камтарлиги, сабру қаҳрамонлик даражаси жуда таажжубли эди.

Самарқанд тахтини эгаллаши биланоқ Шайбонийни Хуросон яйловлари жалб эта бошлади. Лекин у ерда, Ҳирот тахтида кучли ва шавкатли Мирзо Ҳусайн Бойқаро ўтирарди. Шайбоний унинг ҳолидан хабардор эди. Шу боис у Бойқарога тўғридан-тўғри душманлик ҳаракатини бошлашдан тортиниб, Хуросоннинг Мирзо Ҳусайн ҳоқимиятига тобе, лекин заиф жойларига тажовуз бошлади. Буларнинг биринчиси Балх эди, унда шаҳзода Бадруззамон Мирзо Ҳусайнга қарши исён байроғини кўтарган эди. Иккинчиси Султон Аҳмаднинг собиқ вазири Хисравшоҳ мулкига қарашли ерлар эди, Шайбоний ўз ҳомийсининг ўғилларини инкор этиш йўли билан четлаштирганидан кейин, Ҳисор, Хатлон, Қундуз, Бадахшонни ўз мамлакатига қўшди.

Шайбоний Мирзо Ҳусайн Бойқаро билан урушга киришишдан олдин юртининг орқа томонларини таҳликадан асраш, яъни Бобурнинг мўғул қариндошлари Хоника Султон ва Олача Султонлар билан жанг қилиб, уларни енгилши лозим кўрди. Сирдарёнинг ўнг соҳилида, Шоҳрухия ва Тошкент атрофларида уларнинг мўғул ва қалмоқлардан иборат хийла кўп лашкарлари мавжуд эди. Қисман ҳасад, қисман ўзларининг омадсиз қардошлари Бобурнинг ўчини олиш учун улар ҳар турли йўллар билан ўзбекларга зарар келтирар эдилар.

Буларга қарши биринчи юриш Самарқандни забт этилган йилиёқ бошланди. Ниҳоятда совуқ киш куни Шайбоний пўстинларга ўралган бир қўшин билан шимолга қараб юриш қилди. Биродарлари Султон Маҳмуд, Темур Султон билан биргаликда энг жасур ўзбеклардан иборат олти минг кишилик бир илғор (авангард) тузилса ҳам, аммо қаттиқ совуқ, эҳтимол, булардан ҳам жанговар мўғуллар уларнинг ҳаракатига моне бўлгани учун, ҳеч нарсага эриша олмадилар ва бўз саҳроларда Шайбонийнинг қалбидаги ваҳший урушқоқлик ҳарорати сўниб, орқага, Самарқандга қайтди. Мўғуллар уни Уратепагача таъқиб этдилар. Гарчи бу шаҳар бултур ёзда қайта забт этилиб, Хоника Султон билан битим тузилса-да, ҳақиқатда бу сулҳ эмас, балки тадбир эди. Чунки Шайбоний Хисравшоҳ мулкига бостириб киргандек, мўғуллар яна Шайбонийга қарши душманлик ҳаракатини бошладилар. Бу гал улар чегарадаги жойларга эмас, балки Шайбонийнинг Ҳўқанддаги ноиб Танбал Султон ерига ҳам ҳужум қилдилар.

Танбал эса Шайбонийдан ёрдам кутишга ҳақли эди. Чунки у, биринчидан, ўзининг фитнаси билан Бобурнинг тахти йўқолишига сабабчи бўлган бир киши эди, иккинчидан, ўзбек ҳужумига қарши турадиган кучга эга эмасди. Шайбонийнинг ҳозирги хориждаги тажовузларидан воз кечиб, бутун куч-қувватини Турон ичидаги ўз душманларига қарши қўйиш учун бошқа сабаблар ҳам йўқ эмасди. Шайбоний ўз табиатига кўра жасур ва шуҳратпараст эди. Агарда Сирдарё билан Ғуби чўли орасида яшовчи мўғул ва қалмоқларга суянган Хоника билан темурийлар бир иттифоқ тузсалар, ўзбекларнинг бутун режа ва мақсадларини барбод этишлари аниқ эди. Шайбоний буни жуда яхши англагани учун 911 (1505) йилда ўзининг бутун ҳарбий қудрати билан аввало Шоҳрухия устига юриш бошлаб, уни қамал қилишни амр этди. Сўнгра Сирдарё бўйига юриб, Ахсига қадар борди, ундан ўн беш мил масофада мўғулларнинг бирлашган ва жангга ҳозир лашкари турарди. «Шайбонийнома» муаллифи ҳар икки тараф лашкарининг ўзига хос айрим белгиларини ҳамда ўзбекларнинг ғалабаси билан тугаган бу қонли жангларнинг энг каттасини ғоят жонли ва мароқли бир суратда тасвирлайди.

Хоника биродари билан асир тушди ва Шайбоний ҳузурига келтирилди. Улар, ҳеч шубҳасиз, ўлим кутганлари ҳолда, Шайбоний омонлик ато этди ва улуғ олижаноблик кўрсатди, ҳатто баъзи бир нарсаларни ҳикоя қилиб, фалокатга учраганликлари учун тасалли берди. Уларнинг ўзларига ҳам, яқинларига ҳам, мулкларига ҳам тегмаслик хусусида сўзлаб, уларни тинчландирди. Шайбоний буларнинг оналари қўмондонлик қилган Шоҳрухия қалъасининг таслим бўлишини талаб этди. Ўзининг болаларига шаф-

қат ва олижанобона муомала кўрсатилганини эшитиб, бу аёлнинг қалби юмшади, қальани ўз ихтиёри билан топширди ва бунинг эвазига сулҳга эришди.

Шайбоний орқа тарафдаги муҳолифлардан қутулганидан кейин, энди ҳужум назарини Амударёнинг чап соҳилидаги рақиблари устига қаратди. Лекин бу ўринда аҳвол бироз ўзгарди. Ҳисор, Қундуз, Хатлон, Бадахшон ҳоқими Хисравшоҳ билан Султон Ҳусайн Мирзо қўл остидаги беклар эркинликни қўлга киритиш учун ҳар қанча ури-нишларига қарамай, улар орасидаги низолар шиддатли давом этса-да, умумий бир таҳликанинг пайдо бўлишини пайқаб, Шайбонийга қарши турмоқ учун иттифоқ тузди-лар ва бирлашдилар. Лекин бу иттифоқчилар ўзларининг барча тадбирларини амалда қўлласалар-да, ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмадилар.

Шайбоний аввало Хисравшоҳга уруш очган эди. Лекин Танбалхон ўз валинеъматига қарши исён кўтаргани учун Шайбоний янги урушдан ўзини тўхтатган эди. Шу боис Шайбоний ўз мамлакатининг шимолий-ғарбий чегарасига янги куч юборишга мажбур бўлди. Исён қуфрони неъмат Танбал хон учун етти биродар ва сингиллари билан бир-лиқда ҳаётларидан айрилиш билан тугади.

Шайбоний бундан кейин тезлик билан Амударёнинг сўл соҳилига ўтди. Унинг бу ҳаракатидан сўнг муҳолифларининг бирлашган лашкарлари дарҳол Хатлонга чекинди-лар. Бу даврда Бобур Хатлонда энг кўп танилган бир одам эди. Шу пайтда Шайбоний-нинг биродари Султон Маҳмуд Қундузни олди ва шу ерда касалликдан вафот этди. Айни замонда Султон Ҳусайн Мирзонинг энг содиқ тарафдорларидан Хоразм ҳоқими Чин Сўфига қарши Шайбоний ҳаракат бошлади. Лашкарнинг илғорига Шайбонийнинг ўзи кўмондан эди. Ҳировул ва қоровул ўрнида ўн тўрт кунлик ёш рафиқасининг бағри-дан айрилиб, уруш майдонига отилган шаҳзода Убайдулло раҳбарлигидаги лашкар борар эди.

Черикнинг Амударёдан кечиб ўтиши қаттиқ қиш вақтига тўғри келди. Шайбоний кўшини, орадан кўп ўтмай, Чин Сўфи ўрдусининг энг муҳим аскарлари ҳисобланган турк-манлар қаршисида жойлашдилар. Тарафларнинг кучлари деярли бир-бирига тенг эди. Шунинг учунми, ҳозирги Хива билан Ҳазорасп орасидаги Хоразм қалъасини қам-мал қилиш узоқ давом этди. Қалъадагилар таърифга сизмайдиغان даражада фавқу-лодда бир қаршилик кўрсатдилар. Чин Сўфининг четдан ёрдам олиш умидини сўнди-риш учун Шайбоний аввало Хисравшоҳни йўқ қилишни лозим кўрди. Амударёнинг юқори томонида жуда кучли саналган Хисравшоҳ Шайбоний кўшини зарбига дош беролмай, мағлубиятга учради. Қочиб бораётган пайтда тутилди ва ўзининг содиқ 700 нафари билан ўлдирилди. Унинг боши кесилиб, Чин Сўфига юборилди. Чин Сў-фи бу пайтда оч аскарлари ҳимоясида харобалар орасида кезмоқда эди. Лекин бу «туҳфа» қаҳрамон Чин Сўфини даҳшатга сола олмади. У душманиннг барча ҳужум-ларига олти ой камоли ғайрат билан қаршилик кўрсатди. Ниҳоят, Ичан қалъа забт этил-гач, Чин Сўфи шу қалъаниннг харобалари орасида ўз одамларининг ўқларидан ҳаёт билан видолашди.

Самарқанд олингандан сўнгра кечган беш йил ичидаги ана шу кейинги муваффақи-ят тўғрисида бутун Турон Шайбоний қўл остига ўтди. Унинг урушлар натижасида балққан порлоқ юлдузини Шарқда Андижон, шимолда Шоҳрухия билан Тошкент, жанубда Ҳисор, Бадахшон, Балх ва ғарбда Хоразм табрик этди. Самарқандни босиб олиш арафа-сида қўй териларига чувралган ўзбеклар энди Мовароуннаҳрнинг бойлик ва фароғати-га кўмилдилар; Абулхайр ворисларининг шавкат ва қудрати ҳақидаги хабарлар узоқ мамлакатларга ёйилди.

Шайбонийнинг Султон Ҳусайн Мирзога қарши асосли ҳаракати ана шундан кейин бошланди. Бинобарин, ўзбеклар билан темурийлар орасидаги қатъий кураш пайти етишган эди. Шунга кўра, ҳар икки тараф ҳам кураш майдонига ўзларининг бутун кучлари билан чиққанликлари ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқдир. Шайбоний ўзининг жанговар ҳаракатлари билан Амударё ва Сирдарё ўлкаларидаги барча жангчи унсурларни ўз байроғи остига тўплаш билан кифояланмади, балки энг машҳур тариқат аҳллари ҳам унинг фойдаси учун фаолият кўрсатдилар. Амударё қитъасидаги эрон қавми анчадан буён ўз аҳамиятини йўқотгани учун ҳар турли турк қабилалари талон-тарожга олиб борувчи бу янги Темур атрофига камоли завқ ва ҳаяжон билан йиғилган эдилар.

Султон Ҳусайн Мирзога келганда, у мамлакатни таҳликага туширмоқ эҳтимоли бўлган хавфни эътиборга олиб, ўғилларига ва қариндошларига фармон юбориб, ўз аскарлари билан тахт атрофига тўпланишга ва мамлакатга бостириб келган ўзбек кўши-нига қарши ҳаракат қилишга амр этди. Шу сабабли Ҳиротнинг шимол тарафида Афғо-нистон, Сейистон, Хуросон, Форс ва Журжон халқларидан иборат анчагина кучли лашкар тўплади. Буларнинг биргина камчилиги — ўрталарида бирлик ва иттифоқ йўқ-лигида эди. Темурийлар ўзаро майда жанжаллар ва ихтилофлар билан ўралашган вақт — 911 (1505) йилда Шайбоний Кирка ёнида Амударёни кечиб, Маймана яқинида уларнинг илғорини тамомла мағлуб ва пароканда этди. Шу пайтда Султон Ҳусайн Мирзо вафот қилди. Ўз сулоласининг инқирозини кўрмасдан аввал ўлиши у учун қанча-лик бахтиёрлик бўлса, доимо бир-бири билан низо ва ғавғода яшаган ўғиллари учун

чи Муҳаммад Темур Султонга тақдим этилди. Бутун мамлакатнинг жавоҳири Самарқанд билан Кеш ва Миёнқал, Аёлти билан бирликда ушбу Маҳмуд Темурнинг салтанатига берилди.

Чингиз билан Темурга тақлидан Шайбоний ўзига олий бош кўмондонлик мансабини олди. Илгари чўлларда сарсон бўлган бу одам қурол кучи билан бир неча ўлкаларнинг ҳукмдори даражасига етди. Жаҳонгирлик йўлида қурол кучи билан у янада илгари босишга ўзида қувват борлигини ҳис этмоқда эди. Эҳтимолки, яқин замонда у каби шухратпараст, у сингари ғайратли қаҳрамон ҳамда мамлакатининг чегарасини ғарбга кенгайтириш учун бор кучи билан ғайрат этувчи, Шайбонийдек мамлакатнинг ҳудудини шарққа томон кенгайтиришга интилувчи бошқа бир зот уруш майдонига чиқмаса, ким билади, дейсиз Шайбоний Темур каби янги бир ғаройиб хилқат сифатида кўринар эдими?

Бу янги жанговар шахс ўзининг зоҳидлиги ва тақводорлиги боис Эрон турклари қошида муҳтарам ҳисобланган Шайх Сўфи оиласининг фарзанди Шоҳ Исмоил эди (тарихда сафавийлар деб аталади — С. А.). Шайх Сўфи ардабиллик бўлиб, мақбараси эронийлар орасида ҳозир ҳам жуда муборак тутилади. Энди 14 ёшга тўлган ва ўз тарафидаги сиёсатда душманларини мағлуб қилган Шоҳ Исмоил дин зиёсининг дабдабаси соясида ўз оиласининг оддийгина жойнамозини бутун Эроннинг олий тахтига айлантиришга муяссар бўлди.

Исмоил насл жиҳатидан туркдир. Гарчи маддоҳлари унинг диний шухратини оширомоқ учун Сўфи наслининг еттинчи имом бўлган Мусодан бошланишини гапирсалар ҳам, Ҳазар денгизининг ғарбида яшовчи етти турк қабилалари одатан уни илоҳ даражасида ҳурмат қилар эдилар.

Исмоил ҳарбий муваффақияти соясида Эрон билан Арабистоннинг катта қисмида ҳокимият ўрнатди. Хусусан, унинг энг зўр хизмати ва шухратини орттирган нарса шуки, ота-боболари анъанаси бўйича ҳаракат қилиб, мазҳабини қаттиқ суратда ҳимоя этди ва тарғибот воситасида туртинчи халифа ҳазрат Али авлодига ҳурматини миллий ибодат даражасига кўтарди. Ислом динининг ўзидек эски бўлган шиа мазҳабининг сулуқлари ислом дунёсининг бошқа тарафларига назаран ҳар вақт Эрон халқлари орасида кўпроқ тарқалган. Шиалик Сом қавмидан чиққан фотиҳлар (араблар) тарафидан ҳар вақт мағлуб ва мазлум Эрон авлодларининг ҳиссиёт-майлларининг жароҳатланишига сабаб бўлмоқда эди.

Юқорида зикр этилган Бойсунқур Мирзо каби шиалар ёхуд арабларнинг Бухоронинг забти вақтида Шарик бин Шайх ал Маҳдийнинг ғалаёнидан англишилган каби яширин равишда шиалик баъзан Фрот дарёсининг нариги тарафида ва Мовароуннаҳрда бўлса-да, унинг ҳақиқий маркази ҳар доим Эрон эканлигидан суннийларнинг энг катта нафратлари унга қаратилган эди.

Бу мазҳаб яширин тутилган вақтда, рақиблари эътироз ва истехзо билан қаноатланар эдилар. Сўфилар уни ўзларининг байроқларига ёзиб, майдонга чиқишлари биланоқ сунний хонларнинг зарарига ҳаракат эта бошладилар. Кейин суннийларнинг ғазоби ниҳоятда кучайди ва ҳар икки тараф баравар даражада динни ўзларининг дунёвий мақсадлари йўлди баҳона қилдилар. Бу мазҳаб душманлигининг натижаси Осиёнинг ғарбида Узун Ҳасан билан Истамбул фотиҳи ўртасидаги урушлар вақтида кўринди, урушнинг кучайишига сабаб бўлди; шу пайтларда Эрон туркларининг: «Ё, Али!» деган товушлари эшитилар эди.

Аммо Шарқда бу мазҳаб душманлиги бир мунча муддат кул остида чўғдай кўмилиб ётди ва маданий ҳаётда нозик бир суратда майдонга чиқди. Султон Ҳусайн Мирзонинг бу вақтдаги сарой аҳволидан англашиладики, Ҳирот ва Мовароуннаҳрнинг эронли сунний араблари Эрон маданият ва маорифининг ёлғиз шиаларга махсус бўлмаганини исбот қилади. Бир оз кейин Хуросонда темурийлар билан дўстлик муносабатини ўрнатган Узун Ҳасан даврида бу масала Урта Осиёда, хусусан, Бухорада юқори даражада аҳамият касб этди. Бунинг сабабларидан бири — Абусаиднинг, суннийларнинг ҳақ йўлида қурбон бўлиши ҳисобланади.

Шиалик Эронда кенг тарқалиши баробарида Урта Осиё халқларининг бу ғайри эътиқодга нафрати орта борди. Султон Ҳусайн Мирзонинг ҳаётлик вақтида ҳам Ҳирот, Бухоро, Самарқанд уламоси шиаларга аблаҳлик ва номуссизлик тамғасини босиб, мусулмон бўлмаганлари учун, деб уларнинг умумий равишда қул қилиб сотилишига имкон бердилар ва улар билан никоҳни макруҳ деб эълон қилдилар.

Шайбоний Муҳаммадхон ўзининг Хуросондаги муваффақиятларидан сўнг, истило йўлида Ироқ чегарасига яқинлашиб келган пайтларда, сунний ва шиа мазҳаблари орасидаги муносабат ана шу ҳолда эди. Шоҳ Исмоил билан икки орада тўқнашув чиқиши табиий эди. Турклар: «Қилични қинидан чиқарган одамга ундан фойдаланиш учун сабаб излашга эҳтиёж қолмас» дерлар. Шайбоний шунга биноан ҳаракат қилиши мумкин эди. Лекин у қаҳрамон сўфига қарши жангни муқаддас дин руҳи билан жонлантириб, янада қаттиқроқ ҳаяжон ҳосил қилиш учун авлодининг бир воизи сифатида юзланди ва 914 (1508) санада уларга ушбу мазмунда мактуб ёзди: «Эй, Эрон ҳукмдори! Менга етмиш маълумотга қараганда, сен залолат йўлига эргашиб, шайтон иғвосига берилиб,

шиа мазҳабини тарқатмоқда экансан. Сенга танбех бериб айтманки, бу ғайри шаръий мазҳабдан воз кечиб, аҳли суннат жамоасига қайтгил. Йўқса, ёққан исёнинг олови ўзингни куйдирар. Сен хато йўлдасан. Шайтон касофатидан абадий қутулиш учун бу залолатингдан воз кечиб, ҳақ йўлига қайт. Агар менинг бу сўзларим сенинг тарафингдан эътиборга олинмаса, балки ҳисобсиз кўп лашкарим билан Ироққа кирарман ва ўткир қиличимни кўлимга олиб, сенинг Исфохон саройингни ҳарни қадар, унинг гумбазли бурчлари ғоят юксак бўлсалар-да, ер билан яқсон этарман. Менинг жазом Ироқ аҳли учун қиёматгача унутилмас даражада шиддатли бўлур».

Шоҳ Исмоил бу мактубни жавобсиз қолдирган шекилли, Шайбоний буни унинг заифлигига йўйиб, қўл остидаги кенг мамлакатни янада кенгайтириш пайига тушди. Хуросоннинг жанубидаги шафқатсиз ўзбек ўрдуси Қандаҳорнинг нариги тарафига кечиб ўтдилар. Улар шу тариқа Кирмон устига ҳужумга ҳозирлик кўраётганларида Шоҳ Исмоил ҳужумни тўхтатиш қасди билан Шайбонийга вакил жўнатди. Шайбоний яна дўқ-пўписа билан жавоб берди. Сўфига кашкул ва ҳасса юбориб, қуйидаги мактубни ёзди: «Бу ҳадяларни қабул эт, улар сенинг отангдан қолган мерос аломатларидир. Аммо менга келганда, мен ўзимнинг машҳур улуғ бобом Чингиздан мерос қилич билан ҳокимият олдим. Агар сен ўзингнинг тиланчилик унвонингдан рози бўлмасанг, ўз муомалангдан, ўзиндан ўпкала».

Мирхонднинг ривоятига қараганда, Шоҳ Исмоил бунга қарши: «Хўп, агар мен дәрвеш бўлсам, улуғ Имом Ризонинг қабрини зиёрат қилиш учун Машҳадга бориш фикридаман, сен билан ўша ерда учрашамиз», деган. Шоҳ Исмоил уруш сафарига тамом тайёр эди. Шайбоний эса, тик қоялар орасида жойлашган фирузқўҳи қабиласининг исёни сабабли жанубга ҳаракат қилишни тўхтатишга мажбур бўлди. Уларни жазоламоқ билан овора пайтида Шоҳ Исмоилнинг кучли бир қўшин билан Машҳад томон бориши ҳақида хабар олинди. Бунинг устига, яна Сирдарёда қирғизларга қарши курашаётган ўғли Муҳаммад Темурнинг Мўюнсуз Ҳасаннинг ҳужумига йўлиқиб, даҳшатли бир суратда енгилгани ҳақида Мовароуннаҳрдан фавқуллод таассуфли ва қайғули иккинчи бир хабар тегди. Шу тариқа Шайбонийнинг кучли қўлига, ўткир ва қўзига айни замонда уч тарафдан зарба сезилди. Бундан ташқари, узоқ сафар машаққатлари билан унинг лашкари чарчаган ва бўшашиб қолган эди. Шайбонийнинг ўзи ҳам Марвда, Амударёнинг нариги томонига кетиш ёки душманни чўлнинг ёқасида кутмоқ ҳақида қатъий бир қарорга кела олмади. Ҳолбуки, бу пайтда Шоҳ Исмоил Домғон, Сабзавор, Нишопурнинг соқчи аскарлари бўлган ўзбекларни қувиб, фавқуллодда суръат билан Машҳадга яқинлашмоқда ва даҳшатли қўшин гуруҳлари билан тажовузни давом эттирмоқда эди.

Шундай аҳволда Шайбоний ҳеч бир жойдан ёрдам олишга умид қила олмас, бинобарин, унинг учун ягона чора — вақти етиб ёрдам келса, қамалдан қутулиш умиди билан Марв қалъаси деворлари ичида ўзини ҳимоя этишдан иборат эди.

Шайбоний Марвга кириб олса, вақтдан ютишини билган Шоҳ Исмоил ҳийлага ўтди. У Шайбонийга қуйидаги мазмунда мактуб ёзди: «Сен мени Озарбойжонда зиёрат этишга ваъда берган эдинг. Лекин сўзингда турмадинг. Шахсан мен ўзим Хуросонга келдим. Шу боис сен мени қабул қилишни истамайсан, мусофиринг олдида дәрвозаларингни ёпдинг. Англишилдики, ҳозир сен бунда яйшиниб қолишни истайсан. Эрон ва Озарбойжондаги маълум воқеалар мени ҳам қайтишга мажбур этадилар, шу сабабли мен бу ердан аскаримни олиб кетаман ва кўришмоғимизни тақдирга ҳавола этишга қарор қилдим».

Сўз ортида иш ҳам бажарилди. Ҳийлакор Эрон ҳукмдорининг аскарни қайта бошлаши билан чарчаган ва оз миқдордаги ўзбек аскарни шахсан Шайбонийнинг қўмондонлиги остида чекинувчи аскарнинг орқа тарафидан ҳужум қилиб, уларни Мурғобнинг нариги тарафига қадар таъқиб этдилар. Шу пайт орқаларидаги кўприкнинг бузилганини кўриб, ўзларининг ҳийла қурбони бўлганларини англадилар. 17 мингга қадар эроний ўзбекларни бир давра ичига ўраб олганларидан кейин даҳшатли суратда қонли бир уруш бошланиб, Шайбонийнинг ҳалокати билан тугади. Душманлари эътироф этишича, ўзбеклар ҳалокатининг муқаррар эканини кўриб, ҳақиқий қаҳрамонлик билан қарши турдилар. Ўзбекларнинг ярим миқдори ҳалокат топгач, Шайбоний бир неча содиқ ва қаҳрамон тарафдорлари билан эронийларнинг тизиз сафларини бузиб чиқадиған жанг-ни авж нуқтасига кўтармоқ учун ўзининг сарой доирасига кетишга ҳаракат қилди. Аммо тезда тутилди ва бутун тарафдорлари билан қатл этилди. Унинг кўп жойдан яраланган гавдаси ушбу ҳароба ичида ўлдирилганлар орасидан топилди.

Шайбоний қаҳрамонларча ҳалок бўлган вақтда 61 ёшда эди. Шоҳ Исмоил унинг бош чаноғини олтин билан қолатиб, коса ўрнида фойдаланди. Иккинчи бир ривоятга кўра, гўё уни Истамбулга, Султон Боязидга юборган эмиш. Чунки Мовароуннаҳр Ҳукмдори билан Султон Боязид ўртасида ҳарбий иттифоқ бор эди. Шайбонийнинг ўнг қўли гавдасидан олиниб, тубандаги мазмунда масхарали бир хат билан ўзбекларнинг тарафдорига, Мозандарон ҳокимига юборилган экан. Хатда шу сўзлар ёзилган: «Сен ҳар вақт Шайбонийнинг тарафини олишни истар эдинг. Фақат унинг тириклигида бу сенга насиб этмади. Шу истагинг амалга ошсин деб Шоҳ Исмоил ҳозир сенга шу ҳомийнинг

қўлини берди». Буни Эрон тарихчилари нақл қиладилар. Урта Осиё тарихчиларининг айтишларига қараганда, унинг майити ўзи тарафидан Самарқандда 916 (1510) йилда бино қилинган гўзал бир мадраса ичида дафн этилгандир. Бинобарин, унинг вафоти тарихи ҳам, мақбараси ҳам бир шахид зиёратгоҳи сифатида омма тарафидан эъзозланмоқда.

Шайбоний Муҳаммад ҳақиқатда ўзгача бир зот эди. Хусусан, тарихий жиҳатдан машҳур Мовароуннахрнинг сиёсий жиҳатдан аҳамиятсиз бир мулки — Бухоро хонлигидаги инқилоб нуқтаси айнан унинг даврида бошлангани Шайбоний шахсини ҳурматга лойиқ этади.

Шайбонийнинг ҳаёт тарихида эътиборга молик уч муҳим нуқта бор. У. аввало, Урта Осиёликларнинг ички кучларига таяниб юришлар қилган ва оқибатда чегараси Амударё доирасидан жуда узоққа чўзилган бир мамлакатни барпо этган буюк соҳибқиронларнинг охиригиси эди. Бундан кейинги жанговар йўлбошчилар, маҳорат ва ҳирслари қанчалик катта бўлса-да, бу борадаги бахт-омадга эришолмадилар. Ичдан кучайган Эрон ғарбдаги Бухоро ва Самарқанд эллари учун енгилмас, юксак ва метин бир девор ҳолига келди. Иккинчидан, бундан кейин Урта ва Ғарбий Осиёда қабилалар уруши қатъий тугади, Ўзбеклар Турон яйловидан жанубий ғарбга тушган қавмларнинг энг сўнгги қабиласи бўлдилар. Учинчидан, илк Аму ва Сир дарёларининг нариги тарафидаги мусулмонлар билан Ғарбий Осиёдаги дин қардошлари ўртасида жуда яқин бўлмасида, доимий бир алоқа бор эди. Темурийларнинг инқироzi ва ҳалокатлари билан бу алоқа тамом сўнди. Хусусан, сафавийларнинг шиаликни қувватлашлари сабабли алоқа узилиши янада чуқурлашди, бу айирмачилик ва мазҳабчилик билан ислом вужудига қозиқ қокдилар.

Шайбонийнинг кўчманчи қавмлари билан бу ўлканинг шимол тарафига юриши, бунда тамомила маълум диний-ижтимоий ўзгариш қилинган (шиалик тарқалиши) вақтларга тўғри келгани учун Мовароуннахр янада тезроқ мустақил бўлиб олди: жуда қадим замонлардаги каби Мовароуннахрнинг сув худуди Турон билан Эрон орасида асосий бир чегара ҳолини олди.

Шайбонийнинг шахси хусусида шуларни айтиш мумкин: у, ҳарҳолда ўзининг эронлик душманлари тарафидан тасвир этилганидек, нимани хоҳласа, шуни бажариб юрвчи ваҳший бир кимса эмас эди. Масалан, у замоннинг руҳоний уламоларига катта ҳурмат, ҳатто болаларча итоат қилиб, барча уруш сафарларида ўзи билан баробар кичкина гўзал кутубхонасини олиб юрар, Темур каби бу ҳам Дамашқ ва Ҳалаб уламоси билан диний мунозараларга қатнашган. Қуръоннинг баъзи бир оятлари ҳақида Ҳиротнинг пешқадам тафсирчилари бўлган Қози Ихтиёр ва Муҳаммад Юсуфга эътироз билдирган эди. Бобур Шайбонийнинг маъносиз ва лаззатсиз шеърлар ёзганини, уларни минбардан ўқишга амр этганини истехзо билан баён қилади. Аслида эса, бу уруш одами маориф ва маданият ҳақида ўз даврининг руҳидан тўла хабардор ва замонасидаги тенгдош шoirларнинг аксариятидан ортиқ даражада қалам соҳиби бўлган. Чунки унинг шеърлари, душманлари фикрининг тескариси ўлароқ, буюк бир иқтидор ва гўзал табиатга молик эканини, у ҳам туркий, ҳам форсий, ҳам арабий тиллардан асосли суратда воқиф эканини кўрсатмоқда. Султон Ҳусайн Мирзонинг вафотидан кейин бир сиқим донга муҳтож қолган кўпгина уламолар Шайбонийдан ҳимоят кўрдилар. У уламоларни хизматга олиб, муносиб вазифалар берди. Бухоро, Самарқанд, Тошкентда масжидлар, мадрасалар солишга амр этди. Ҳатто ҳарбий юришларда ҳам ўз атрофида бир неча уламо бўлган ва булар унга ҳурмат ва садоқат кўзи билан қарашган. Гарчи ўзбек номи ўзининг пайдо бўлиш вақтида ва кейинчалик, ҳатто ҳозир ҳам эронийлар назарида биқиқлик, ваҳшийлик билан бир маънода қўлланилса-да, бу гаплар бир томонлама ва Шайбонийга нисбатан нотўғридир. Чунки у маориф жиҳатидан олдинги Темур шаҳзодаларининг аксаридан паст эмас эди...

Тоҳир Қаҳҳор

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛ КЎРСАТКИЧЛАРИДАН БИРИ

«Ўтмиши кўмилган миллатнинг истиқболи ҳам зулмат пардаси остидадир»

Ҳа, можор олими Герман Вамберининг ўтмиши кўмилган миллат ҳақидаги бу гапларини айниқса бугун — фуқоро ва уламоларимизнинг деярлиси яқин ва узоқ тарихимиз хусусида ўта юзаки тасаввурга эга бир даврда эслаш жуда ўринлидир. Мозийдан беҳабарлик кечаги ҳам бугунги авлодни бир мунча синдириб, маънавий қашшоқ ва кучсиз, юртга, миллатга, истиқболига бефарқ қилиб қўйганди. Хайриятки, элимиз бу кунга келиб у мудроқ, муте, кўрқувпараст руҳий

муҳитдан қочмоққа, қутулмоққа тутинди. Шунинг учун ҳам бугунда ёшу кекса бирдай сиёсатга, иқтисодга, маданиятга ҳавасманд бўлиб қолди, миллий урф-одатлар, бойликлар ҳақида қизишиб ўйлай бошлади. Баъзилар эса, келажакка — зулматли бир парда қоплаган тун каби ҳозирда мажҳул бир бўшлиққа каловланиб тикилганча қаромат қилмоққа уринади. Афсуски, истиқболни аниқ, тиниқ билимга эришмасдан туриб тасаввур этиш мумкин эмас. Дейликки, бугунги жумҳуриятимизда яшаётган авлоднинг ота-боболари олти минг йиллик тарихга, маданиятга эга; аجدодларимиз ўтмишда кўп даврларда ҳукмронлик ҳам қилганлар, ҳукм остида ҳам бўлганлар; шунга қараб миллий ривожланиш ва таназзул пайтлари ҳам рўй берган. Биз кечмишда ер бойликларимиз, чегараларимиз, эллимининг нуфуси, қўшни мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари, машҳур кишилари, айниқса, миллатни жаҳон миқёсида шухратлантирадиган буюк шахслари ҳақида асосли бир қарорга келмасдан туриб, барибир, келажакда ҳаётимиз қандай бўлишини тасаввур қила олмаймиз.

Менимча, келажакка фақат ўтмиш йўл кўрсатади, у йўл бугуннинг кўксидан ўтади. Бугунги кун мустақкам, қудратли бўлса, ўтмиш ва келажакнинг оғир кўпригини кўтара олади. Халқимизнинг бутун борлиқ умри ўтадиган ана шу кўприкнинг бунёдга келиши учун, унга томон бориш учун йўлкўрсаткичлар керак, тарих ҳақида билик зарур. Асл ота юртлари эски Туркистон бўлган можорлар (венгерлар-хунгарлар — хун эрлар — Т. Қ.) олими Герман Вамбери, унинг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» китоби ҳам ана шундай йўлкўрсаткичлардан биридир.

Бу китобнинг русчага Аркадий Павловский таржима қилган нусхаси Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги кутубхонада сақланаётган «Туркистон тўплами»нинг 70—71 жилдларидан ўрин олган. Биз журналда эълон қилинган парчаларни тайёрлашда шу китобдан ҳам фойдаландик, асосан эса, 20-йилларда Бухоро Халқ Маориф Назоратининг нашриёти ташаббусига кўра ўша русча таржимадан Фотиҳ Каримий ва Бурҳон Шараф Туркчага ўғирган икки жилдликка (Москва, 1924 йил, эски имломизда) суяндик.

Маълумки, Герман Вамберининг туркий халқлар ҳаёти ва исломга оид илмий, адабий, сиёсий-тарихий ва тилга мансуб йигирмадан ортиқ асарлари бор. Қисқаси, биз бу ўринда Вамберининг «инглиз жосуси» экани ҳақида сўзлашни ортиқча биламиз ва Фотиҳ Каримийнинг шу сўзларини таъкидлаш билан кифояланамиз: бу олим «сиёсий фикри жиҳатидан жуда очиқ турк мухлиси, инглиз тарафдори, Русия муҳолифи эди, шунга кўра подоҳлик Русияси қошида ғайри мақбул кишилар жумласидан саналар эди». Аммо олимга нисбатан шундай қарашлар мавжудлигидан қатъи назар, унинг «История Бохары или Трансоксании» асарини 1873 йилда Авлиё Питер шаҳрида таржима этилиб тарқатилгани ва бизгача етиб келгани шобъни зикрди. Таржимон А. Павловскийнинг «Сўзбоши»сидаги фикрлари ҳам ҳақиқатга тўғридир: муаллиф Вамберининг айтишича, бу асар оврупалик маълумотли омма учун Трансоксания — Мовароуннаҳр мамлакати ҳақидаги биринчи тарих бўлиб қолади. Чунки Вамбери бу китобни ёзишда асл манбалардан, турк, мўғул, араб, форс тилидаги тарих китобларини бу ўлкага қилган саёҳати давомида кўрган ва ўзи тўплаган кўл-ёзмалардан фойдаланган. Таржимон бу ўлка теурийлар салтанати таназзулигача Мовароуннаҳр дейилгани ва сўнгра, ўн олтинчи юз йилликдан Бухоро хонлиги дея шухрат топганини айтиб, шундай дейди: «Эта страна, знаменитая уже в древности и достигшая полного величия при Тамерлане, избравшем Самарканд столицей своей колоссальной империи, до сих пор оставаюсь для истории почти совершенно новым, нетронутым полем».

Бу китобнинг фойдаси, фазилатлари хусусида кўп гапириш мумкин. Аммо унда маълум жузъий нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Зотан бу табиий ҳолдир, чунки муаллиф неча минг йиллик тарихни китоблардан ўрганиб, ўзи бошқа миллатга ва бошқа миллий мушоҳада тарзига эга бўлгани ҳолда, ҳукмрон бир муҳит вакили ўлароқ бу асарни баҳоли қудрат битган. Асарни нашрга тайёрловчи Сирожиддин Аҳмад ҳам, уни таҳрир қилиш ва туркча, русча нусхаларга солиштириш жараёнида мен ҳам, шу жиҳатларга имкониимиз етганича эътибор бердик. Уқувчининг миллий туғйуларига, иззат-нафисга тегадиган баъзи ибораларни, жумлаларни атайлаб тушириб қолдирдик, баъзиларини мантиққа, илмий асосга суяниб ўзгартирдик.

Масалан, туркча нусхадаги «Арабларнинг ҳужуми ҳам қабули ислом» боби шундай бошланади: «Улғу ислом юртининг амодлари ғарбий Осиёда иншо қилуғондан сўнгўқ араб қаҳрамонларининг ғолиб фирқалари Искандари кабир йўли илан Мовароуннаҳрга келуб кирдилар».

Русча таржимада эса бундай: «Едва только были воздвигнуты столпы исполнения вторгнулись в Трансоксанию по следам великого Македонянина». Кўриб турибсизки, туркча нусхада бундан кейин кўп ўринларда учрайдиган «қаҳрамон араб», умуман, арабларни улғулаш русча нусхада йўқ; мен Вамбери китобининг асл нусхасини ўқий олмаганим учун айтиш пайтда фақат бир фараз билан чекланаман: Вамбери китобини ёзишда араб муаллифларининг, асосан мусулмон шарқи муаллифларининг асарларидан фойдаланган ва улардаги арабларни мадҳ этиш унга кўчган. Шу боисданми, русча ва туркча нусхаларда ҳам Мовароуннаҳрга — Туронга бостириб кирган араблар «қаҳрамонлар» деб, бу юртининг эгалари, юрт ҳимоячилари эса «душман» деб талқин қилинади. Қутайба «энг илк аввал Байканд шаҳрина қарши юрди. Ул саҳро ҳаволисина еткан, онда душман аскарини тасодиф этди. Душман аскарлари сон жиҳатинча Қутайба аскариндан бек кўб зиёда эди». Русчадан ҳам бу мантикий хато такрорини кўрамыз: «...дойдя до окраин степи, нашел там неприятельские силы». Шунга кўра, биз «душман» сўзи ўрнига баъзи ўринларда туронликлар, турклар ибораларини қўлладик.

Баъзиларда шундай саволлар ҳам туғилар, балки: нега энди бу асар асл нусхадан ёки русчадан эмас, айнан туркчадан фойдаланиб тайёрланди; нега энди бунга биз таржима дейишимиз керак ва ҳақозо. Биринчидан, қайси нусхадан фойдаланиш ҳар бир ижодкорнинг ёки ижодий маҳкаманинг хос ҳуқуқидир, иккинчидан, русча нусхада жуда кўп исмлар, атамалар нотўғри берилганми, бу шубҳасиз, таржимонни чалғитар эди (масалан, «Темур тузукоти» сўзини «Тююкюк — и — Темур» деб. Чингиз ясоқларини «язуу Дженгиза» деб ёки машҳур форсча иборани «Амеден у кенденд у зухтенд у куштенд у бурдденд у рефтенд» деб берилган; холбуки, «омадан ва кундан ва...»). Энди бу асарни тайёрлашда туркчадан таржима қилинганга келсак, биз юқорида келтирган парчалардан кўриниб турибдики, Ф. Каримий ва Б. Шараф нусхаси айнан олинса, бугунги ўқувчи

учун усмонлича, татарча сўзлар, форсий ва арабий иборалар ниҳоятда қийинчилик туғдирар эди. (Шу ўринда битта мисол келтирмақчиман: «...аввалги Мовароннуҳр шул қадар душмиш ва шул қадар қизғонч бир ҳолда қолмишдирки, инсон эски жўғрофионинг пек муболағали ўлдуқларини ёхуд ялан сўйладикларина ишонмоқчи бўлади. Ҳукумат муқаррий, уламо маркази ҳам бир хийли тижарат ва саноат ўрни ўлан Бухоро ҳозиринда кўб ўлса 30 минг нуфусли ва Осиенинг энг пис ва сихат учун энг зарарли бир балдасидир». 1 жилд, 31—32 бетлар.) Шуни ҳисобга олиб, биз асарни туркчадан айнан «таржима» қилиб, ўзбек тилига мослаштириб, матндан эрсон фойдаланган ҳолда журналда эълон этдик.

Вамберининг асариде шундай гаплар борки, менимча, улар аслида босқинчилик сиёсати манфаати учун айтилгандек туюлади. Масалан, Турон халқларини, қавмлари ва уруғларини бир-бирига қарши қўйиш учун у бир ўринда, мўғуллар Самарқандга бостириб кирганида, босқинчиларга ерли турк ва қангли қавмларининг кўшилиб кетганини айтса, арабларнинг Бухорога босқини даврида, ўшанда аҳолиси асосан турклар ва тожиклар бўлгани учун (бир оз хушёр тортиб, оврупалик мустамлакачилар бу юртга кўз тиккан замонларда ҳам аҳоли тарихиби шундай эканини ва уларни бир-бирига қарши қўйиш ерлиларни кучсизлантиришга олиб келишини, бу эса босқинчиларнинг айна мудааси эканини ўйлан) шундай ёзади: (русчада) «Гусейн тот час двинулся Бохору, которой жители по большей части Таджики, во все времена известные за тросов, вышли против него, хорошо вооруженные...» Туркчасида: «Хусайн шулўқ соат Бухорога ҳаракат этди. Онинг аҳолиси аксарият тожиклар бўлиб, жабинлик ила машҳурдирлар. Алар қуролланиб, Хусайн аскарини қарши чиқдилар...» Биз бу гапларни икки қарра гижгижловчи маънога эғалиги учун ҳам журналда бермадик. Биринчидан, ҳеч бир қавмни, миллатни кўроқлиги билан машҳурдир деб бўлмайди. Иккинчидан, бу ердаги бу қавм Бухоро аҳолисининг аксариятини, буниси озчилигини ташкил этарди, деган сўз ҳам аниқлик киритишга муҳтож. Зотан, Вамберининг ўзи ҳам, барча форспараст гуруҳлар кўп таъкидлаган гапни такрорлаб, Мовароуннаҳрнинг маданий қисми «эрон унсурлари» дейди ва жумладан, савдо ва ҳоқимият ишлари маркази бўлган Бухоро шаҳрига тожикларнинг кўпроқ йиғилишу ўша муҳитда табиий ҳол эканлигини ва бу ўринда Бухоро мамлақати кирувчи бошқа вилоятлару қишлоқларда, сахро яйловларида асосан кўп сонли турк қавмлари яшаганини эсдан чиқарган. Бу ҳолатда ҳам шу икки қўшни, бир-бирига халқ ва миллат сифатида тақдирдош, қисматдош бўлган тожиклар ва турк қавмлари ўртасига нифоқ солишининг кўринмас ипларини сезиш мумкин. Шунинг учун ҳам бундай гап-сўзлар Вамберининг биз журналда берган тарихий ҳикояларидан олиб ташланди.

Бу каби қусурларидан қатъи назар, Вамберининг асари қимматли тарихий маълумотларга тўла. Айниқса, унинг берган изоҳлари ҳам илмий асосли, ҳам тарихан мароқлидир. Биз журналда фақат матннинг ўзини бердик, изоҳлар кўплиги ва мураккаблиги, бошқа тарихий манбалар билан солиштиришни тақоза этгани туфайли, уларни тушириб қолдирдик. Шу боисдан Шайбонийхон шахси ва умуман, ўзбекларнинг миллий хусусиятларини очикловчи бир изоҳни тўлалгича келтирмақчиман. Шайбонийхон Бурга Султони йўлдан олиб ташлаш ҳоқимиятни мустақкам эғалашдаги қилинадиган ишлардан бири эканини сезгач, қатъий ҳаракат бошлайди. Бурга Султон саройига кишда, қаҳратон совуқда кутилмаганда босқин ясаган ўзбеклар уни қочириб юборадилар. Саройда қолганлар қатл этилади. «Тонг очилгондан сўнг Шайбонийхон одамлари яралануви маълум бўлгон Бургани изларга бошладилар. Қор устина томуб боргон қон асарини кўрдилар, бу қон излари ўрмон ичинна боруб кирди. Шунинг бўйинча боруб, ниҳоят, ёрали бир аскар тобдилар. Ким эканини сўраганлари вақт ўзининг Бурга Султон бўлганлигин сўйлади. Шайбоний онинг Бурга эмас, балки Бурганинг ходими Мунгабий бўлғонини билиб, сен нечун ўзининг Бурга Султон деб сўйладинг, деди. Бунга қарши Мунгабий: «Подшоҳ, мен Бурга билан бирликда ўсдим, онинг эммақтузини ошладим, сенинг одамларинг они изладикларини билганим вақт онинг ҳаётини қутқармоқ учун ўзимни фидо этарга, онга таъйин этилган ўлим ўқини ўз кўкрагимга олурга қарор бердим. Энди ихтиёр сизда, тиласангиз нишлангиз» деб жавоб берган. Шайбоний хейли бир олижаноб зот бўлгонликдан бу номусли одамга зўр мукофот беруб, озод этган. Лекин сўнгра Бурга топилиб, қатл этилган». Бу ўринда Шайбонийнинг шафқатсизлиги билан баробар ниҳоятда олижаноб, садоқатни қадрловчи инсон экани, шунингдек, Мунгабийнинг мард, тўғрисўз, эски турклардаги каби садоқат эгаси экани, хуллас, икки шахснинг миллий хусусиятлари аён бўлмоқда.

Вамбери яна бир изоҳида, Қутайба Турон аскарларини куч билан енга олмаслигини билгач, хийлага ўтгани ва бирлашган турк, сўғд аскарлари ичига айғоқчи юбориб, фитна тарқатганини ҳикоя қилгач, ўша жосуснинг «асли эронли Тиндир» (русчада «это был собственный шпион Кутейбе, по имени Тендер, родом Перс») эканини айтади.

Вамберининг бу китобидеги муҳим маълумотлардан бири шуки, у Темурнинг отасининг исми (ҳозиргача буни барча русчадаги ва ўзбекчадаги китоблардан Тарағай деб нотўғри ёзиб келинмоқда — Т.Қ.) Тўрғай эканини айтади: «Темурнинг отаси Тўрғай (бидбилдик) барлос уруғининг бошлиғи эди» дейди ва изоҳида айтадики, Вайлнинг ўқиганича Тарағай эмас (русчадан ҳам «Отец его Тургай (перепель) был главою Берлас... Не Таргай, как читает Вейл») дейди. Ҳақиқатан ҳам, Вамберининг фикри тўғри. Чунки Тарғай, Тарағай сўзининг маъносини шундай деб ёзганлар изоҳлашмаган. Вамбери ҳам бу ерда нега Тўрғайлигига изоҳ бермаган.

Эски турклар тарихидан маълумки, ота-боболаримиз исломиятдан аввал будда динига, Кўк динига (шаманизм) мансуб бўлганлар, уларнинг тотемлари ҳайвонлар ва қушлар бўлгани ҳам маълум. Шу жиҳатдан қараганда, шунингдек, Темур даври ва ундан кейин ҳам исломдан аввалги эски турк одат ва анъанлари сақланиб қолганини, хусусан, исломийлашган турклар ўзларига бир арабий исм билан бирга битта эски туркча исм ҳам қўйганларини эсласак, нега Тўрғай деб аталгани англашлади.

Вамберининг бир изоҳида кўрагон сўзи (биз ҳозиргача ўрганганимиз «куёв» эмас — Т. Қ.) гўзал маъносини билдириши, кўрагон-кўркли, кўркам экани айтади. Муаллиф «Темурнинг уруғи барлос бўлган, аммо оила тармоғи кўрагон» дидр дейди. Демак, Темур барлос қабиласининг кўрагон — кўркам уруғидан бўлган. Ҳозирда Шаҳрисабз ва бошқа ерларда яшовчи барлос қавмига мансуб кишиларнинг кўркамлиги ҳам олимнинг бу фикрини тасдиқлайди. Кўрагон сўзини мўғулчага боғловчиларнинг асл нияти, менимча, Темур салтанати ва юришлари даврида анча-мунча тари-

хий алғов-далғовларга дучор қилинган элларнинг вакиллари бўлмиш, хусусан, араб ва форс муаллифлари ва уларнинг асарлари таржимаси воситасида Оврупага ҳам ўтган бир томонлама, қусурли маълумотлардир. Темурнинг «мўғул наслидан бўлуви ҳақида Мирхонд, Шарафиддин, Вайл, Ҳоммер ва бошқа мусташиқларнинг ривоятлари икки мартаба ёлғашдир». Вамбери бу фикрини ва «Темурнинг Қорачар нўён наслидан бўлуви бўш ҳикоя»лигини, Чигатойнинг унга ўхшаш вазири бўлганлиги тўғрисидаги сўз «Жаҳонкушой»да йўқлиги, аммо Рашидиддин, Мирхонд ва бошқалар маълумотларни «Жаҳонкушой»дан олганликларини тасдиқлайди. Темурнинг наслини мўғулларга боғлаган бизнинг замон тарихчилари ҳам шу адашшнинг ихтиёрсиз қурбонлари ўлароқ асосиз сўзларни такрорлаб юрганликларини ана энди тушунса бўлар, деб ўйлайман.

Можор олимнинг «Темур тузуқлари» ҳақидаги бир изоҳи ҳам мароқли: тузук сўзининг асли эски туркчадаги тутсуқ (арабча низом) маъносидадир; бу сўзга арабча кўплик қўшимчасини қўшиб, «тузукот» ясалган. Олим яна бир изоҳида «Темур тузуқлари»нинг асл чигатойча нусхаси Яман волийси Жаъфарнинг китобхонасида сақланишини айтади. Агарда бугунги ўзбек олимлари шу асл китобнинг факсимиль нусхасини ишлаб чиқиб, эълон қилсалар, тарихий нашрларимиз йўли бир мунча ёришар эди.

Маълумки, Амир Қозғон билан Темурнинг отаси Тўрғай ўртасидаги муносабат жуда яхши бўлган, шунинг учун Амир Қозғон Темурга мурувватлар кўрсатган, қўшинига мингбоши қилиб олган; сўнграқ Темурга ўзининг неварасини — ўғли Салойнинг қизи Улжой Туркан Хотунни олиб берган. Шу Салой сўзига Вамбери бир изоҳида алоҳида тўхталиб, бу исмини бир неча оврупа олимлари нотўғри талқин қилганини, нотўғри ўқиганини таъкидлаб, салой — эски туркчадаги ватан сўзидир, дейди. Ҳақиқатан ҳам, салой сўзи исм сифатида бугун ҳам кўп учрайди, фақат биз уни арабча Салоҳиддин, Солиҳ сўзининг бузилган шакли деб қараб келганмиз.

Темурнинг оқсоқлиги масаласида кўп нотўғри гапларни ўқиганмиз. Бу бўҳтонлар буюк Темурнинг шавкатига қасддан қилингандир. Маълумки, Темур Сейстонга ҳужум пайтида жангда мажруҳланиб, кейин оқсоқ бўлиб қолган. Суриялик олим Аҳмад ибн Арабшоҳ эса, ичидан тўқиб, Темур кўй ўғирлаб бораётганда, қўйнинг оғирлигидан йўлда оқсоқланиб юрган ва шунинг касрига оқсоқ бўлиб қолган, дейди. Вамбери шу бўҳтонни фош этиш баробарида Темурни «татар жаҳонғири» деб (русчада ва туркча нусхаларда ҳам) ўзиям янглишиб кетади. Вамбери, умуман, бу китобида турк иборасини қўллаш ўрнига кўп ҳолларда татар сўзини ишлатадики, бу, менимча, олим мансуб муҳитда бу истилоҳ истеъмолда бўлганини таъкидлайди, акс ҳолда, шарқий Туркистон ҳақида сўз кетганда, русча нусхада «Житайская Татария» деб ёзилмасди, туркчада эса «Туркистон Чини» деб берилган.


Вамбери Темур шахсини иложи борича тўғри акс эттиришга интилган. Бу унинг ҳодисаларга, шахсларга берган изоҳларидан ҳам маълумки, баъзиларини мисол тариқасида келтираман. Биринчи жилднинг 243-бетидеги изоҳда айтилишича, Темур бори 243 қаҳрамон билан Ҳусайннинг 12.900 кишилиқ аскарига ҳужум қилиб, қалъани олиб, рақибларини қувиб юборган. Аввало Темур аскарлари қоронғи бир тунда аста-аста қалъа деворига миниб, соқчиларни ўлдириб, ҳимоядаги аскарларни забт билан ўраб-қириб, қувиб, мислсиз жанговарлик кўрсатганлар. Яна бир гап: Темур барча ишларни маслаҳатлашиб, қурултой чақириб ҳал қилгани кўп айтилади. Балхдаги қурултойда Шайх Муҳаммад, Баён Сулдуз... амир Зиндаҳашм қатнашадилар; олимнинг изоҳлашича, Зиндаҳашм аввал Темурга қарши кўп марта исён этган, ҳамisha мағлуб бўлган. Кейинроқ эса, Темурнинг муруввати ва олижаноблиги туфайли, Зиндаҳашм унга хизмат қилиш баробарида, юксак марталарга эришган.

Вамбери тарафқашлик қилмасдан, Ибн Арабшоҳнинг «Темур Чингизхоннинг ясоқларини Қуръондан юқори кўрарди,» деб ҳақсиз айблашини ҳам тўғри таъкидлаб, аслида, ислом ташкилоти аскарий идорадан кўра руҳоний идорага тадбиқ этилиб ясалганини, мўғул ясоқлари эса давлатни тутиб туришда, ҳимоялашда кучли жанговарликка эгаллигини айтади. Назаримда, Вамберининг бу қарши бугунда ҳам кўп кишилар, давлат ташкилоти диний бўлиши керакми ёки аскарийми, деб баҳс юритаётганлар билиб қўйса арзийдиган муҳим фикрдир. Ҳақиқатан ҳам, бир давлат руҳоний тараққий асосида жамият қурса-ю, ёнидаги қўшни давлат аскарий тараққийга эга жамоадан иборат бўлса, руҳоний ташкилотли давлат ўзини қандай ҳимоя қилади? Амир Темир бу масалаларни ўз даврида теран ўйлаган ва ўз салтанатини ҳам эски турк давлатчилигида бўлгандек аскарий тартибларга ва ҳукмрон ислом руҳоний ташкилотига асосланиб қурган.

Хуллас, Вамберининг бу китоби ўқувчилар ўртасида кескин мулоҳазалар уйғотиши табиий. Уни илмий тадбиқ этиш эса олимларимизга ҳавола.

Муҳтарам журналхон, мана сиз Вамберининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» асаридан тайёрланган парчалар ва у тўғридаги баъзи мулоҳазаларимиз билан танишдингиз. Биз бундан кейин журналнинг «Тарихимиздан лавҳалар» бўлимида ўтмишимизнинг муҳим даврлари ва машҳур шахсиятлари ҳақида яна ҳикоялар бериб борамиз. Ниятимиз — мактаб ўқувчиларига, талабаларга, ўз ота-боболари ва она юрти тарихи билан қизиқувчи барча ватандошларга маънавий сабоқларини мустаҳкамлашда имкон қадар хизмат қилиш.

«Тарихимиздан лавҳалар» бўлимида яна қандай асарлар, қайси тарихлар ва ёки қайси машҳур тарихий шахслар ҳақида ўқишни истайсиз? Умуман, тарихий лавҳаларимиз сизда қандай таассурот қолдирмоқда — бу хусусидаги фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.



БИР ҒАЗАЛ САҲИФАСИ

Ҳамдамий
(М. Мирзаолимов)

Ўзбек тили

Мантикий маъноси юксак бебаҳо ўзбек тили,
Барча тиллар кўрки бешак мутлақо ўзбек тили.

Тенг ҳуқуқ — давлат мақоми бўлди ўзбек бахтига,
Энди эркин кенг жаҳонда доимо ўзбек тили.

Шеваси нозик ибора, қофия, ҳикматга бой,
Дилга илҳом бахш этар, қилса наво ўзбек тили.

Куйлаган Лутфий, Навоий, Ҳамзалар орзу этиб,
Бўлди равшан эл дили, нури зиё ўзбек тили.

Бу шараф ошкоралик, қайта қуришнинг меваси,
Ғурурим, берди имкон раҳнамо ўзбек тили.

Боҳаёю боадаб, шарму ҳаё, ифбат билан,
Нур сочар мисли қуёш, ибратнамо ўзбек тили.

Ҳамдамийнинг ҳақ сўзи дилга шифо, меҳригиё,
Она халқим дардига чин мумиё ўзбек тили.

Фарғона вилояти

Жавлоний
(Матёқуб Девонов)

Кутма осмондин мадад

Эй кўнгул, хоҳиш этурсан орзу-имондин мадад,
Орзу-имон бир тарафу, бор сенга жондин мадад!

Орзу армон бирла умринг ўтмасин исён қилиб,
Ганжу мулкка қўйма ихлос, кам зрур ондин мадад!

Баркамолликда назирсиз одам ўлгил эларо,
Йўқ гумон, келса ажабмас, дўст-қадрдондин мадад!

Севгилинг покликда расо, кўнгли кенг бўлсин мудом,
Кутма ҳаргиз ақли носоз моҳитобондин мадад!

Меҳнату ижод билан эл тинчлигин қил барқарор,
Ризку рўзинг шу заминдин, кутма осмондин мадад!

Барча инсон шоду хуррам ўлса олам ичра тенг,
Яшнағай боғ-роғ чиройи, олса инсондин мадад!

Тану жонинг соғлиғи ҳам изланиш, меҳнат билан,
Дард йиқитса, ётма, тур! Ол дору дармондин мадад!

Куйла, Жавлоний, қувон, бил, ўз диёринг сенга дўст,
Тану жонинг, илҳоминг ҳам олди даврондин мадад!

Урганч шаҳри

Шоди Каримов

Ватан ишқи

Ватан, сендан кўнгил узсам наҳот менда вафо бўлгай,
Садоқатсиз, билинг, ҳар дам Ватанга бевафо бўлгай.

Умрнинг зийнати ишқдир, ҳаётнинг қадри ҳам шунда,
Диёру ёрни севмаклик буюкликдан нидо бўлгай.

Муҳаббат қалбида бўлган киши хор бўлмагай асло,
Аё дўст, бахт ўшалдур: гар дилинг элга фидо бўлгай.

Элига ошинолик қилмагандан ошино чиқмас,
Ватанни севмаган кимса, билинг, мунгли гадо бўлгай.

Гиёҳига қилиб таъзим, сурай тупроғини кўзга,
Улуғдир, эй Ватан, меҳринг ярамга мумиё бўлгай.

Ижодинг борида куйла юракдан жўш уриб, Шодий,
Ватан ишқини ёздинг сен, ғазалдин бир наво бўлгай.

Тошкент шаҳри

Шокирхон Ҳақимов

Кўрганмисиз

(Чустийга назира)

Ишқингизга мен каби ҳеч мубтало кўрганмисиз,
Ҳамда холис ниятидан муддао кўрганмисиз?

Ҳеч илинмай кипригим, тунларни бедор ўтказиб,
Икки кўзим мардумин ранги хино, кўрганмисиз?

Бу юракни битта зарбидан наволар кўзгалур,
Гоҳи танбур, гоҳ дутору гоҳ сато кўрганмисиз?

Мен азиз бошимни ташлай бу оёқлар остига,
Хокисорликда мисоли бўриё кўрганмисиз?

Учмангиз асло ҳаволаб бевафолар сўзига,
Сув билан чўғдан мабодо ошино кўрганмисиз?

Сиз қалам олганда қўлга мисралар хўб мухтасар,
Шоиру устоз дебон Зебунисо кўрганмисиз?

Ҳеч ўзингизни яширманг Шокирингиз олдида,
Кеч қуёш ботгач, фалакни зим-зиё кўрганмисиз?

Қува шаҳри

Ёлқин
(Ҳурибой Мирзакаримов)

Ҳаёт сабоқлари

Мен ҳаёт дарсин ўқиб, топдим ҳаётимга қанот,
Бу ҳаёт мағзида бор минг бир сабоқ ҳам илтифот.

Унда бор виждон, вафо, дўстлик, ғурур, гашти сафо,
Жон фидо қилган билур — қандай гўзал боқий ҳаёт!

Баҳра ким олган ҳаёт нашидасидан бир нафас,
Ул муқаррар яхшилик дунёсида сўлгувчи зот.

Яхшилик бирла жаҳон кенг, ҳам қолур кўп яхши ном,
Кўп ёмонликдан бўлур тор сенга ҳатто коинот.

Одамий бўлган ҳаётнинг гаштини сургай мудом,
Беҳаёлик келтирур одам бошига мушкулот.

Эл учун қайғурса ким, эл унга шайдодир абад,
Мард эрур, нодон эмас ҳар ишда кўрсатган сабот.

Ёлқино, токи ҳаётсан, бор шу йўлдан озмайин,
Элда ёзгайсан қанот, ҳам мушқулинг бўлгай кушод.

Андижон вилояти

Анвар Юсупов

Келур

Кўзга нур, жонимга оташ ул қуёш юздан келур,
Тўрт фасл бўйи баҳорнинг — дилбарим, сиздан келур.

Иккимиз учрашган олам бағри кенг, осмони кенг,
Тонг табассум акси эрса, тун қаро кўздан келур.

Ер яшар жонимга пайваст, қушлари кўксимдадур,
Майсалар овози тунда ою юлдуздан келур.

Бу ҳаёт уммони ичра топмадим кўнглимча зар,
Менга бахт бахш этса толе, севги ҳар сўздан келур.

Сен омон бўлгин, жаҳоним, устивор тургин, Ватан,
Анвар ашъорига тўлқин халқи — денгиздан келур.

Қўқон шаҳри

Ошиқ Эркин (Эркин Мадраҳимов)

Чин муҳаббатдан нишондур

Бил, дилоромим, ўзингсан
Дард ҳам, дармон ҳам,
Сен-ла кезсам дилда қолмас
Гард ҳам, армон ҳам.

Васлингга етмоқ умиди
Ўтлуғ орзумдир менинг,
Хоҳ инон, хоҳ йўқ, будир ёр,
Рост ҳам, ёлғон ҳам.


Найлайин бу жонни сенсиз,
Ҳам бўлак жононани,
Сен ўзингсан ҳурдан ортик
Жон ҳам, жонон ҳам.

Истамам ҳар нечаки бор
Дуру сийму зарни,
Менга йўқдир сендан ўзга
Лаъл ҳам, маржон ҳам.

Чин муҳаббатдан нишондур
Дилдаги оҳим ўти,
Йўқ десанг тутгуси бир кун
Оҳ ҳам, афғон ҳам.

Кел, вафо бўстонини
Обод этайлик иккимиз,
Чин вафодир, Ошиқ Эркин,
Шеър ҳам, дoston ҳам.

Хоразм вилояти



Туроб Ниёз

ГУЛЛАҒАН БОҒЛАРГА СУҚ БИЛАН БОҚДИМ

* * *

Мўъжизалар яратар бу қўл,
Қийнамасдан дардинг олади,
Халоскоринг, дўстинг бўлади,
Фақат ишон, ишонувчан бўл.

Шубҳаларни қалбингдан ҳайда,
Шу қўлларга суян, сиғин, ўп.
Ишонмасанг оқибат қайда,
Ишонмасанг келажак ҳам йўқ.

* * *

Юртда ёлғон тугаган куни,
Эл шод бўлар, бахтиёр бўлар.
Эзгуликнинг туғади куни,
Кўнгилларда ёз, баҳор бўлар.

Бир-бирига ишонар ҳамма,
Дилни шубҳа — сичқон кемирмас.
Алданмайди боладай халқ ҳам,
Унга ҳеч ким ёлғон сўз бермас.

Қоғозбозлик йўқолар кўздан,
Соврилмайди бебаҳо онлар.
Ишонилар бир оғиз сўзга,
Қийналмайди бекорга жонлар.

Юксалади то офтоб қадар,
Одамларнинг кадр-қиммати.
Ҳақ жойида топади қарор,
Тикланади сўзнинг қудрати.

* * *

Бошим кўкка етган... юлдузлар — мева
Дув-дув тўкилади пойингга сенинг.
Юрак ҳаяжондан мисоли кема
Чайқалиб турибди ёнингда сенинг.

Бизни кузатар ой — қизиққон бола,
Кетгиси келмайди бошимиздан ҳеч.
Ҳар тунгидан кўпроқ сочмоқда шуъла,
Фарқ этиб бўлмайди: кундузми ё кеч?

* * *

Етар, шунча сукут сақладим,
Юрагимни тўкиб ташлайман.
Одамлардай очиқчасига
Жоним, сени сева бошлайман!

Қўрқмайдирман рад этишингдан,
Чидайдирман — не бўлса бўлар?!
Оху мисол боқишларингдан
Ҳақиқатга айланмас ўйлар.

* * *

Гуллаган боғларга суқ билан боқдим,
Улар ҳаётига айладим ҳавас.
Бу ҳавас дилимда сўнмас ўт ёқди,
Сўник туйғуларга бахш этди нафас.


Гуллаган боғларнинг мевасин тотдим,
Рухим парвоз қилди кенгликлар сари.
Ўзимни қийноқлар бағрига отдим,
Тўлдирмоқ истадим сийрак сафларни.

Гуллаган боғларнинг сафида бўлмоқ,
Улар каби мева қилмоқ осонмас.
Ҳамлет айтганидай: «Ўлмоқ ё қолмоқ!..»
Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас!

* * *

Эл ёмон кўради бўлар-бўлмасга
Ўзини намойиш қилган кишини.
Хизматингдан унинг кўнгли тўлмаса,
Зигирча нафи йўқ намойишингнинг.

Баҳонинг оласан эрта ёки кеч,
Беқарор ел каби шошмасанг агар.
Элим яхшилиқни унутмайди ҳеч —
Худди дўпписидай бошда кўтарар.



Теодор Драйзер

ЭРК

Ҳикоя

Меъмор Руфус Хеймекернинг Сентрал Парк Уэстдаги ҳашамдор, шинам хонасида сокинлик. Тонг оҳиста ёришиб келяпти. Бинонинг ташқи тарафини кўркам қилиб кўрсатувчи баланд деразадан қаршидаги боғ кўзга ташланади: пурвиқор тераклар сафи тонгги туман ичида. Ётоқ деразасидан ҳам боғнинг бир чеккаси кўриниб турибди. Лекин саҳармардондан уйғонган мистер Хеймекер катта деразага яқин дарахтлар ва улар ортидаги мўжазгина кўлни томоша қилиш учун даҳлизни кесиб ўтиб, меҳмонхонага кирди. У табиатни бутун ранго-ранглиги билан хуш кўради. Шоиртабиат одам.

Хеймекер олтмишларда; ориқдан келган, бироз букчайган; қалин сочларию бароқ қошлари кузалган, оқ оралай бошлаган соқол-мўйлаби унинг озгин юзини анчайин баджаҳдроқ қилиб кўрсатади. Эғнида тасмали кўкиш, узун ва кенг халат. Ориқ, рангсиз қўли, бўғимлари бужмайган узун бармоқлари касби жиҳатидан эмас, умуман нозиктаъб киши эканлигидан далолат беради. Кўзлари ҳорғин, шу билан бирга ташвишли кўринади.

Мана, уч ҳафтадирки, хотини юрак, буйрак ва асаб касалликларидан азоб чекаркан, куни-кечагина доктор Сторм уни чеккага олиб, ҳис-туйғуларини сездирмайгина, юмшоқлик билан дўстона сўз бошлади:

— Агар рафиқангиз эртагача ўзини яхши ҳис қилмаса, мистер Хеймекер, маслаҳатлашиш учун ҳамкасбим, доктор Грейгерни таклиф қиламан. Уни яхши танийсиз. Юрак дардларини мендан кўра яхшироқ билади. («Юрак дардлари», дея ичида истеҳзо билан такрорлади Хеймекер). Икковлашиб текширамиз ва шундан сўнггина унинг тузалиб кетишига қанчалик умид қилиш мумкинлигини айтамыз. Рафиқангизнинг касали оғир, хўш, дейиш мумкинки, бедаво дардга чалинган. Лекин жуда бақувват, саботли, умуман, касалликка мардонавор қаршилиқ кўрсатаяпти. Шундай бўлсаям... бекорга кўрқитмоқчи эмасман. Ҳозирча ортиқча ташвишланишга сабаб ҳам йўқ... ҳарҳолда аҳволининг оғирлигидан сизни хабардор қилиш бурчимиз. Бу билан, умид йўқ, демоқчи эмасман. Йўқ, йўқ, асло. Хўш, ундай деб ўйламайман. Аксинча, тузалиб кетиши мумкин. Шундоқ бўлиши мумкин... Кўрасиз, ҳали яна йигирма йилларча умр кўради. (Хеймекер хўрсиниғини аранг босди.) Аҳволига қараганда, кучга ҳам киради, аммо юраги ёмон, бу ёқда буйрак касалининг хуружи аҳволни оғирлаштирди. Юрак денг, ортиқча юк кўтаролмайдиган бўлиб қолган. Ҳозирги чоқда икки ҳисса ортиқ ишлашига тўғри келяпти. Ё у ёқлигу, ё бу ёқлик... Бир-икки кун, энг узоғи билан тўрт кунда ҳаммаси аён бўлади-қолади. Лекин боя айтганимдек, мен сизни кўрқитмоқчи эмасман. Ўзимиз ҳам ҳамма имкониятларимизни ишга солганимизча йўқ. Биз ҳали қон қуямиз. Қон қуйишининг қанчалар нафи тегажагини гапириб ўтиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман. Бундан ташқари, буйраги даволашларимиздан наф топиб қолса, у тақдирда аҳвол яхши тарафга ўзгарса, ажаб эмас. Такрор айтаман, менинг бурчим, сизни олдиндан огоҳлантириб қўймоқни тақозо қилади, зеро бундай мураккаб дарднинг охири нима бўлишини олдиндан билиш қийин. Оилангиз учун эски қадрдонман, сизларнинг бир-бирингиз учун қанчалар зарурлигингизни биламан... (Хеймекер унга лоқайдлик билан қаради.) Шунинг учун ҳам сизни бор ҳақиқатдан хабардор қилиб қўймаслигим мумкин эмас. Рўй берадиган нарсалар — бошда бор гаплар. Сизга маълум, ўтган йили кенжа қизим Матилдамдан айрилиб қолдим. Аммо, такрор айтаман, мисс Хеймекернинг жони

узилиш даражасида демоқчимасман — ишонаманки, доктор Грейнер икковимиз ҳали уни оёққа турғизамиз. Умидим катта.

Доктор Сторм ҳамсухбатига чин дилдан ачиниб қаради: «Ахир у кексайиб қолган, хотини билан шунча йил яшади, унга ўрганган, айрилиш оғир бўлади...» Хеймекер бўлса, хайкалдек қотганича, қанақа масхарабозлик бу, атрофимда бунча айланишади, деб ўйларди. Ёши олтмишга бориб қолди, ҳамма нарсадан чарчади, яшаб чарчади; уйланганидан бери ҳали бир кун бўлсин ҳақиқий бахт нималигини туйиб яшагани йўқ; нарсаларни ташқи кўринишига қараб ҳамолайдиган хотини эса, эрини ўзи билан бахтли яшайди деб билади... Мана, доктор ҳам унга севимли рафиқасининг меҳрибонликларига муҳтож қари чол, деб қараётир... Хеймекер беихтиёр қўлини кўтариб, ғалати силкиди.

Фарзандлари ҳам уни хотинининг меҳрига муҳтож, у билан бахтиёр деб билишади; хизматкорлари ҳам, дўстлари ҳам шу фикрда; лекин бу, ҳарҳолда, ҳақиқатдан йироқ, ғирт ёлғон. У — бахтсиз. У ҳаммавақт — ўша янги уйланган чоғидан бери — ўттиз бир йил мобайнида муттасил бебахт. Шу йиллар ичиде сиқилмаган, яширин истаклари оғушида ўртаниб, ниманидир қўмсамаган бирор кун бўлмаган: бу ҳақда ҳатто ўйлашга ҳам ботинмасди. Битта нарсани — боши очиқ, яъни, Эрнестина билан учрашмаган пайтларидек эркин бўлишни истарди.

Аммо табиатан ва олган тарбиясига кўра, одатдагидек расм-русмдан четлашишга ботинмасди, шу билан бирга, унинг ҳукмидан ташқаридаги кучлар — табиатнинг ўзи, урф-одат, жамоат фикри ва ҳоказо-ҳоказолар — унга ҳоқимлик қилар, меъмор буларга қарши курашишга ожиз, оқимга қараб сузарди. Ҳа, у шунчаки оқимга қараб сузарди. Вақт, тасодиф ёки яна кутилмаган бир нарсга ҳаётини яхши тарафга ўзгартириб юбориши мумкинлигига яширинча умид боғларди. Лекин бу ҳол юз бермади. Ана энди у — ҳорғин, қартайган ёки ҳарҳолда тез қариб бораётган бир кимса — ожизлиги учун ўзини қораларди. Нега у ҳатто бирон нима қилишга уриниб кўрмади? Нега у кечикмасидан бу кишанларни узиб ташлашга уринмади? Шундай қилганида руҳини, ҳаётга, унинг ранго-ранглигига бўлган беқиёс муҳаббатини сақлаб қолармиди? Лекин, афсус, у буни қилмади. Энди нима, аччиқ ҳасрат-надомат чекишга маҳқумми у?

Бир кун аввал докторнинг сўзларини тингларкан, ўзини совуқ истеҳзо билан тиржайишдан зўрға тутиб турарди: ахир хотинининг тирик қолишини истамасди-да, ҳарҳолда, ўша дақиқада унга шундай туюлганди. Ўзи ҳам ҳаддан ортиқ чарчаган. Деярли бир кеча-кундуздан бери аччиқ ўйлар оғушида, ҳозир ҳам дераза ёнида ўтирган кўйи, нарироқдаги хиёл ёришган, тонгги туман ичидаги бинога тикиларкан, сочини силаб кўйиб, оғир хўрсинди.

Мана шу азобли ойлар, йиллар мобайнида, шу ерга кўчиб келганларидан бери у (лекин ундан илгари ҳам шундай бўларди) хотини уйғонмасидан дераза ёнига келарди-да, ўйга толарди. Сўнгги йилларда бир-бирларидан шунчалар йироқлашиб кетдиларки, ҳатто алоҳида хоналарда ётишарди; умуман, хотини бунга аҳамият ҳам бермасди. Ҳаёт унинг учун амалий ишлардангина иборат эди: хотини номига доғ туширмаса, жамоат ичиде эгалланган мавкени, обрўини сақласа бас. Аксарият пайтлар ўтган кунларига назар ташларкан, ҳаёти ўзи орзу қилганчалик эмаслигига ачинарди... Унинг орзулари ушалгандами?!

Ҳали вақт эрта эди, кулранг осмоннинг шарқ томони пушти ранга бўянди. Хеймекер ўйчан ва ғамгин бош чайқаб ўрнидан турди, даҳлиздан ўтиб хотинининг ётоғига кирди; каравот ёнидаги оқсоқ қаттиқ ухларди; доктор унга бемордан оғир бўлиб туришни буюрган-у, лекин чарчоқ устун келган. Озган, заифлашиб қолган хотини ҳам уйқуда эди. Узининг жони ҳам азобда эканлигидан қатъий назар, меъмор вақти-вақти билан унга ачиниб ҳам кўярди. Бўлмасам, шунча йиллар илгари у нега бундай даҳшатли хатога йўл қўйди. Балким гуноҳ унинг ўзидадир: ёшлигида нега ақллироқ эмас экан. Шундай қилиб у, оҳиста юриб, ўз хонасига кириб кетди, яна ўрнига ётди-да, хаёлга толди.

Хотини қаттиқ оғриб, оғирлашиб қолган кейинги кунларда у тонготарда уйғонар ва хаёл сурарди. Ташвишли, тартибсиз хаёллар шунчалар азоб берардики, уйқусини ҳам йўқотганди. У айниқса, руҳан чарчаган, ўзини йўқотиб қўйганди. Нима ҳам қилсин, ҳаёт азоб бермоқда. У ҳақиқий севгини ҳеч қачон билган эмас, уйланганига озмунча йил ўтдими, шу йиллар мобайнида у садоқатли, жонкуяр ва севимли бўлди... Ҳа, рафиқаси уни ўз билгича севарди. «Ўз билгича», — алам билан шивирлади у.

Кўп ўтмай туриш, кийиниш керак. Хотинининг аҳволи ёмонлашиб қолмаса, ҳар вақтдагидай идорасига бориши зарур. Лекин... Лекин у омон қолармикан-а? Шу вақтга-ча дардга бардош бериб келаётган бўлсаям ҳарҳолда заиф... Ахир у ҳам эрининг ёшида-да... Бундоқ оғир дардга дош беролмаслиги мумкин? Унда яна эркин бўлиб қолади ва ҳеч ким уни маломат қиллолмайди. Шунда истаган жойига бориши, хоҳлаган ишини қилиши мумкин ва унга ҳеч ким халал беролмайди. Турмуш қурганларидан бери хотинининг биринчи бор оғир дард тортиши. Бир ойдирки, у ҳаёт билан ўлим оралиғида: бугун аҳволи яхши бўлса, эртасига ёмон, лекин шундай эса-да, ҳали тирик — ажали етган дейишга ҳам ишончи комил эмас, аммо ҳоли яхшиланаётгани ҳам йўқ. Доктор Стромнинг айтишича, кўққисдан унда юрак хуружи зўриққан — энг хатарлиси шу, буни қандай муолажа қилиш номаълум.

Шу вақт давомида Хеймекер, одатига кўра, хотинига жонкуярлик қилди. У ҳамма вақт юмшоқ, кўнгилчан: доимо хотинининг тилагини бажо келтирар, имкони қадар ҳаммасини ўрнига қўярди. Хотини, фарзандлари мамнун ва бахтиёр бўлганларида севинарди... Энделикда фарзандларидан ҳам кўнгли қолган, бунда энг аввало хотинини айбдор деб биларди... Ёшлигида қийинчиликда ўсгани ёдида бўлганидан Хеймекер доимо унга ачиниб келган эди: лекин турмуш қурганларидан кейин ҳам ҳеч қачон бахтли бўлмади. Ҳа, хотиним кўп жафолар кўрган деб таъкидларди у оғир дақиқаларда, лекин унинг ўзи-чи?.. Аёл кишига буларни кўтариш оғирроқдир балки... Лекин ахир қалбда эрининг муҳаббати бор-ку! Хотини шундай ҳисоблагани учун қалби осуда. Ваҳоланки, Хеймекернинг ўзи бундан мосуво. Ўзининг эса, рафиқам деб севиши мумкин бўлган хотини йўқ, бўлган ҳам эмас. Оҳ, у қанчалар орзу қилган эди-я!

Шу куни у идорага кетаётиб (идораси Мэдисон хиёбонига чиқадиغان осмонўпар бинолардан бирига жойлашган эди) Централ-Парк Уэст ёнидан ўтаётиб қатор саф тортган дарахтларга, офтобга фарқ бўлган уйларга қараркан, борлигини яна аччиқ фикрлар чулғади. Йўлкаларда гўдак кўтарган энагалар уймалашар, болалар ўйнар, кимлардир секин-оҳиста сайр қилар, бошқалар ўз ишларига шошиларди. Фақат кўкламдагина, ўшанда ҳам аҳён-аҳёнда бир бўладиган ажойиб кун эди. У атрофга, айниқса болаларга ва кўклам либосида хизматга шошилаётган ёшларга қараркан, хўрсиниб ўйлади: қани энди яна ёшариб қолса! Улар — ўт-олов; диллари тўла орзу-умид! Улар учун ҳамма нарса олдинда. Хоҳлаганларини излашлари, танлашлари мумкин... На йиллар ва на вазиятлар уларнинг йўлига ғов бўла олади! Ахир буларнинг ёшида у ўзини бемаъниларча боғлаб бергани каби тутуриқсизликни ким қилипти? Эҳтимол юзинчи бор ўзини шундай сўроққа тутаётгандир. Балким ҳар бирининг гўзал севгилиси бордирки, бунақасини у ҳеч қачон кўрмагандир. Балки...

У фикрларга толганича идорасига, энг баланд иморатларнинг юқори қаватига чиқди ва пастдаги ястанган шаҳарга ҳорғин тикилиб қолди. Бу ердан шаҳарни кесиб ўтган иккала сой, қатор гумбазлар, узоқдаги биноларнинг девори кўринарди. Шу пайтгача унга мана шулар яшашга ва умид тутишга кўмаклашарди. Шуларнинг бари ёшлигида уни қанчалар илҳомлантирарди... Умуман, у пайтларда бошқа шаҳарда истиқомат қиларди. Ҳатто ҳозир, шинам хонадонидан ҳам кўра бу ерда, идорада ўзини эркинроқ ҳис этарди. Бу ердан туриб пастда ястанган шаҳарни томоша қилиш, хаёл суриш мумкин... ёинки, муккасидан ишга кўмилиб, шахсий ҳаёти ўнгидан келмаганини унутса бўлади. Катта шаҳар, ўзи яратган ёки қўрган бинолар, хотини билан маслаҳатлашмай танлаган салоҳиятли ва садоқатли ёрдамчилар — мана шулар ичида ўзини, доимий ички дардини — ҳаёти беҳуда кетганини унутарди.

Рафиқаси дардга чалингандан кейин рўзғор ташвиши илғари улар хизматида бўлган мисс Элфрид деган ўрта яшар синчков аёлга топшириб қўйилган эди: унга Эстер деган оқсоч кўмаклашади — дастурхон ҳозирлайди, эшикни очади, умуман, нимаики лозим бўлса, ҳаммасини бажо келтиради; булардан ташқари беморга икки ҳамшира қарайди — бири кечаси навбатчилик қилади, иккинчиси кундузи парваришлайди. Икковиям соғлом, кўк кўз. Ҳа, дадил, хушчақчақ ёшлар — у ҳеч қачон ўзининг шундай бўлганини билмайди. У лоқайд қарайди. Бундан бу ёғига ҳам ҳамма вақт шундай қолса керак.

Шуниингдек, фарзандлари Уэсли билан Этельберта (хотини эрининг иродасига қарши бориб қизини шундай атаганди) ҳам оналари устида парвона. Улар аллақачон ўйли-жойли бўлиб кетишган, икковиям болали, шаҳарнинг турли тарафида яшашади. Оналарининг саломатлигини сўраб, ҳар куни қараб туришади, баъзида кун бўйи ёки бутун оқшом ота-она ўйида бўлишади. Этельберта онаси касалга чалиниши билан уларнинг уйларига кўчиб ўтиб, рўзғор ташвишларини ўз зиммасига олишини таклиф этди, лекин мисс Хеймекер бунга розилик бермади: у топшириқ беришни хуш кўрар ва ҳозирча бундан воз кечишни истамасди. Ахир жуда ҳам оғир касал эмас-ку, сўраб-суриштириш, буйруқ бериш қўлидан келади. Булардан ташқари, мисс Элфрид мистер Хеймекерга унинг худди ўзидай ғамхўрлик кўрсатиши мумкин.

Аммо ҳақиқига кўчилса — кўпинча мушкул пайтларда ҳақиқат юзага чиқади — унга қулайликлар эмас, балки меҳр-оқибат ва муҳаббат етишмайди. Ахир у ҳеч қачон, ҳар ҳолда аллақачонлардан бери, иккови туғилиб ўсган Мичиган штатидаги Маскигонда яшаган чоқларидан бери, хотини ўн беш яшар, у эса ўн етти яшар чоғидан бери севмайди-ку! Бир-бирларини илк кўрган кунлариданоқ ёқтириб қолганлари ҳозир ғалати кўринади. Рафиқаси у чоқлар ўша ерлик дорихоначининг фарзанди — ундан хиёл ёш, хушрўйгина қиз эди. Сўнгра, муҳтожлик уни, бир амаллаб йўлини топиб олиш учун ўша шаҳардан кетишга мажбур қилди. Қизга тез-тез хат ёзиб турди — хаёлида қиз дунёда ҳаммадан ҳам кўра яхшироқ эди. Аммо тақдир унга кўмакка келишга шошилмас, орзуларининг рўёбга чиқаришга ошиқмасди — у узоқ йиллар Эрнестинадан йироқда бўлди, уйланишга имконият топмади, бу орада ўзи англамагани ҳолда ҳаётга бошқача кўз билан қарай бошлади. Бу қандай рўй берганини айтиш қийин, лекин... у катта шаҳарда яшаб, кўпни кўрди, кўпни билди, қиз учун эса, ҳаммаси аввалгидай: Хеймекер янги одамларни кўрар, дадилроқ парвоз қилар — буларнинг бари қизга ва уларнинг муҳаббатига қарши фитнадай туюлар эди; аммо у чоқлар буни англаб ололмасди.

Ўзида рўй бераётган ўзгаришларни у ҳаддан ташқари секин англаб етаётиман чоғи, деб ўйларди.

Кейинчалик, ўша пайтдаёқ, эсим борида этагимни ёпиб, Эрнестина билан орани очиб қўйишим керак эди, деган ҳам ўзига. Вақт ўтгани сайин иложини қилолмасди. Албатта, бу билан қизга алам етказар, ўзига ҳам осон бўлмасди, аммо бугунги кунда қийналиб ўтирмасди-да! Ҳа, ўша чоқларда жудаям тажрибасиз эди, ҳаётни яхши билмасди: расм-русумлар, ғарбнинг қоқоқ урф-одатлари билан ўралашиб қолганди. У унаштиришни, кейинчалик бориб муваффақиятсиз чиққан тақдирда ҳам, ҳарҳолда зиммамга масъулият юклайди, деб ҳисобларди. Виждонли киши сўзидан қайтмайди — унинг юртидаги тақводорлар шундай ҳисоблашади.

Ҳа, ўшанда Хеймекер қизга хат ёзиши, у билан сўзлашиб олиши мумкин эди. Лекин ҳаддан ташқари назокатли ва кўнгилчан бўлганидан ўз хатоси ҳақида сўз очишга ботинмади. Кейин эса, вақт ўтди. Хеймекер уни хафа қилишдан, қалбини, ҳаётини чил-чил қилишдан чўчиди. Энди эса... Ўз ҳаёти нима бўлди! Ўша йиллар она юртига неча бор келди, хато қилганини ўшанда тушуниши, унга хотима қўйиши, агар ақли ва жасорати етса қутулиб, эркин бўлиб олиши мумкин эди... Йўқ, ундай қилолмади. Бурч туйғуси, ўзи туғилиб ўсган чекка шаҳарда ва умуман, Қўшма Штатларда ҳукм сурган қарашлар, расм-русумлар, сўнг ундан нималарни кутаётганлари, қиз нима кутаётгани ва нимани кутиш мумкинлиги ҳақидаги фикр — мана шуларнинг бари унинг оёқ-қўлини чамбарчас боғладию Эрнестинага ҳеч нима демади. Муносабати ўзгарганини ҳам, муҳаббати ёниб кулга айланганини ҳам айтмади — бунинг ўрнига унга уйланди-қўйди. Ё парвардигори олам, бунчалар тентак бўлмаса-я!

Ҳукм сурган одоб қоидаларига мувофиқ хато қилган экан, унинг бурчи шундан қайтмаслик ва тушкунликка тушмасликини тақозо қилади; бошқа чоқда эътибор берилмасаям, никоҳ борасида сўзда турмоқ жоиз. Ҳарна бўлгандаям у ўзини бебахт ҳисобламай туролмайди. Ҳа, у бебахт. Одамлар нима дейди, одамлар нима деб ўйлайди, деб ташвишлангани ва ўша урф-одатлар сиртмоғидан чиқолмаганидан мана шу узундан-узун йиллар мобайнида Эрнестина билан бир хонадонда яшаб келади, кўнглини овлайди, ўзини бахтли «ажойиб жуфт» қилиб кўрсатиб келади. Аслида эса, у бахтсиз, жудаям бахтсиз эди. Хотинининг туриш-турмуши, расм-русумларни қаттиқ тутиши, умуман ҳамма вақт ёнида ҳозиргу нозирлиги жигига тегарди. Доктор Стормнинг гаплари ранжитди: агар хотини вафот этса, мусибатда қолади, деб ҳисобласа керак. «Сизга ким ғамхўрлик қилади?» дегандай бўларди Стормнинг боқишлари. Э, ғамхўрлигининг нима кераги бор, вақтинча бўлса ҳам танҳо қолса, истаганини ўйлаб, тилаганини қилса; рўшнолик кўрмаган ўша узундан-узоқ йилларни, ўз терисига сифмаган мунофиқлик йилларини унутса...

Наҳотки, жон-жонидан ўтиб кетган бу аҳволдан ўла-ўлгунича қутулолмаса? Бирпасдан сўнг бу фикрларнинг учун ўзингни ўзинг койийсан... Ноҳақ, бешафқат, бераҳм ўйлар... Инсоннинг обрўси, унинг жамиятдаги ўрнини белгиловчи жамоатчилик фикри — бу ўйлари учун уни аёвсиз қоралаган бўларди.

Шу йиллар давомида ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қурбон қилганини сездирмади. Афсонавий ёш Спартак каби ич-этини кемираётган тулкини ҳамманинг кўзидан яширди. У шикоят қилмасди. Ахир, ахлоқ қоидалари нуқтаний-назаридан қараганда, у намунали эр эди-да! Ҳа, албатта, ўзининг жамиятда тутган ўрнини, фарзандларининг аҳволини эслашининг ўзи кифоя. Хотини-чи? Мана ҳозир оғир дардга чалиниб ётган, на моддий, на маънавий муҳтожликни эсламаётган бир пайтда, ишончи комилки, Хеймекер намунали эр! Шу йиллар мобайнида хотини бирон марта бўлсин унинг муҳаббатига шак келтирмади, бунчалар бахтиқаролигини ҳис этмади... Эрнестина, ҳозирги кунда ҳам севади, деб хаёл қилмаса-да, ҳарҳолда, эрим мен билан ўзини яхши ҳис қилади, биргаликда бунёд этган хонадони, бирга тарбиялаб ўстирган фарзандлари уни қувонтиради, охиригача шундай бўлиб қолади, деб ишонса керак. Охиригача! Бутун шу йиллар мобайнида у ўз ҳаётини, болаларининг ҳаётини ва қўлидан келганча эрининг ҳаётини ҳам ўз ўлчови ва ўз диди билан бичиб келди, шунинг баробарида доимо ҳаммасини у тилаганча қиляпман, деб ҳисоблади, ҳарна бўлганда ҳам эри учун ва оила учун яхши қиляпман, деб билди.

Умум қабул қилинган қоидаларга қанчалар қаттиқ риоя қиларди у! Хотини, ўзича, қандай яшашни аниқ биламан деб ўйларди, ваҳоланки, қачонлардир уйда ўргатганларинигина биларди: унда ҳамма нарса ҳақида фақат америкаликларга хос тасаввур бор эди. Таниш-билиш орттириш, болаларни тарбиялаш ва ҳоказо масалаларда, у кўнмаган кезларда ҳам, хотинининг айтгани бўларди; хурсандчиликлар, ўйин-кулги, дўст-ёр танлашда ҳам у умум қоидадан четга чиқмас, бунда ҳам ўзиникини ўтказарди. Албатта, кичик можаролар бўлиб турарди — қайси бахтли оила бусиз яшайди — шундай чоқларда ҳар доим Хеймекер ён берар, албатта ўзини бажонидил ён берган қилиб кўрсатарди.

Нега ҳам нолисин? Эрининг бунчалар бахтсизлиги хаёлига келармикан Эрнестинанинг? Йўқ, сира хаёлига келмайди. Туғилиб ўсган шаҳарларида ҳам, бу ерда ҳам барча қон-қариндошлари таниш-билишлардан тортиб (у чертиб-чертиб таниш орттирарди, казо-казолар билан яқинлашар, бошқаларни назар-писанд қилмасди) ўзигача, айниқса

ҳозир унга нима мақбулу нима номақбуллигини, фикр-ўйларини фақат хотини билади, деб ҳисоблашарди. Хеймекер эса, хомушгина жилмайиб қўяқоларди.

Хотинининг назарида никоҳ, айниқса, уларнинг никоҳи — буюк мўъжиза, бу муқаддас риштани ҳеч нима узмаслиги керак. Умрда фақат бир марта севиш мумкин. Шу юкни зимманга олдинги ёки қизга унашдинги — сўзининг устидан чиқмоқ — сенинг бурчинг. Фотиҳани бузиш, хотинга хиёнат қилиш ёки ҳеч бўлмаса лоқайд қараш — бу жиноят, куфр. Бундай нобакор аблаҳлар инсон деб аталишга номуносиб, ер юзасида уларга ўрин бўлмаслиги керак.

Ҳўш, у-чи? Унинг қисмати-чи? Адашган бир кимсанинг қисмати-чи? Унинг ҳоли нима кечади, у тинчлик ва бахтни қайдан топади? Бунда, ер юзидами ёки фақат кўкда, малоикалар ҳузуридами? Эрнестина ҳали-ҳануз бунақа нарсаларга ишонади. Майнавозчиликни қаранг-а! Барча дўстлари Эрнестинанинг ўлими унинг учун катта бахтсизлик бўлади, деб ҳисоблайди, бошқача бўлиши мумкинми? Ҳаммага маълум, одоб-ахлоқ қоидаларига кўр-кўрона ишонч — мана нималарга олиб келади. Ё тавба!

Лекин бунисиям ҳолва! Энг дахшатлиси, ўзининг қарашларини, тўғрироғи, орзу-умидлари, ҳис-туйғуларини тушунмаган арзимас, калтабин аёлга уйланганини йиллар ўтгани сайин равшанроқ ҳис этгани ҳолда, ёшлигида адашганлиги сабабли, умрининг охиригача ўша билан ўтиб кетишга мажбурлигидир.

Ҳа, албатта, Эрнестинанинг яхши томонлари оз эмас: меҳрибон, ғамхўр, эпчил, ажойиб бека: бунисини инкор этолмайди, лекин бари-бир улар бегона, илож қанча. Мухими, унинг сочидан тирноғигача турли шартлиликлар билан лиммо-лим калтабин аёл эканини, ўзининг табиатан санъат соҳиби бўлиб, орзу-умидли, хотини тушуниб етмайдиган, ҳўш кўрмайдиган, элас-элас тасаввур этадиган умумий нарсалар ҳақида ўйлашини аллақачон англаб етган эди. Унинг санъатининг бутун моҳияти — гўзаллиги ва шакли-шамойилининг нозиклигини у хиёл бўлса ҳам тушунармиди? Эри учун мана шуларнинг қанчалар катта аҳамиятга моликлигини ҳеч қачон англаб етганми? Йўқ, албатта, Эрнестина буларнинг ҳақиқий қимматини ҳеч қачон билмаган. Меъморлик? Санъат? Унинг учун булар нима деган нарса? Агар истаганида ҳам буларни у тушуниб етишга қодир эмас эди. Эндиликда у ҳеч кимдан тушуниш ва ҳамдардликни кутмайди. Ҳа, аслида ўзи ҳеч қачон бунга интилмаган ҳам, ахир хотини ҳам, атрофдагилар ҳам бунинг учун уни қоралаган бўлардилар, ҳатто ўзи ҳам буни бир қадар яхши эмас, деб биларди-да.

Ахир туйғулари ва истакларини одоб-ахлоқ қоидалари доирасига қамаб бўлмайди-ган одамнинг, уни тушуниб етмаган, руҳий олами билан асло қизиқмаган мана шу Эрнестинага ўхшаш аёлни хотинликка танлашига табиат қандай йўл қўяркин-а? Ёки бу муҳаббатнинг кўрлигидани ёки табиат санъаткор қалбига атай озор берадими? Унга душманлик қилиб эмас, йўқ, балки қум чиғаноққа азоб бериш билан марваридни бунёд этгани каби, азоб яратажак гўзаллик учун санъаткор қалбига озор беради... Шундай бўлса керак... У қурган барча улкан ва ажойиб бинолар — ҳамма шундай деб ҳисоблайди — ҳаётда бошқа муҳаббат ва бўлак гўзаллик бўлмаганидан уларга бутун қалбини бахшида қилгани учун ҳам шунчалар кўркам ва муҳташам бўлса керак. Шафқатсиз табиат!.. Инсоннинг орзуси — ҳар бир инсоннинг орзуси ушалишига сира ҳаракат қилмайди!

У Эрнестинага уйланган чоғида — ўзи ҳаётдан нима исташини, йиллар ўтгани сайин туйғулари қанчалар ўзгара боришини аниқ тасаввур қилиш учун ёшлик қиларди — унга маслаҳат бериб, вақтида уни тўхтатиб қоладиган кимсаси йўқ эди. Давр руҳи шундай эдики, ҳамма нарса уни мана шу ҳалокат томон етакларди. Гўё бу — табиат иродаси эди. Оила, фарзандлар — ўша чоқларда ҳамма нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси, борлиқнинг мақсади ва мазмунини шунда кўрардилар. Қанчалар бевурд назария! Қандай хатога йўл қўйганини кеч тушунди, одатдаги тасаввурлар ва вазият чамбарчас боғлаб олгандан кейингина тинчини, руҳий мувозанатини йўқотди-ю, лекин бирон марта бўлсин ростакам ғазабланмади — бирон марта ҳам.

Аксинча, буларнинг барини зўр бериб хотинидан яширди, негаки унга раҳми келарди; лекин у гўзалликни, хусусан хотини бутунлай маҳрум бўлган руҳий ва жисмоний гўзалликни кўмсар, бу интиқлик эса, бора-бора чидаб бўлмайдиган даражага етди. Кунлар ўтгани сайин васасага йўлиққандек ва қандайдир бир бошқа, бошидан кечирмаган нималарнидир орзу қилгани-қилган эди. Наҳотки, орзулари ушалмайди, наҳотки ҳеч қачон ҳеч нима ўзгармай шундоқлигича қолиб кетаверади? Нақадар дахшат! Ахир умр қисқа, ундан ташқари, энди ортиқ ҳеч нима бўлмайди, ҳеч нима... Шубҳасиз, Эрнестина бир пайтлар ҳушрўй бўлган, лекин вақт шуни кўрсатдики, на жисмонан ва на маънавий жиҳатдан ҳеч қачон уни жалб этмаган. Бир пайтлар чиройли бўлганидан бирон наф бормиди Хеймекерга? Йўқ. Умуман олганда, йигирма етти йилдирки, Эрнестина билан кечган ҳаёти унинг учун оғир юк, бошқа нарсалар ҳақидаги орзулари эса, йиллар ўтгани сайин ортиб, зўрайиб бораётир...

Мана, у қаридиям, хотини, худо билсин, оламдан ўтаётиптиям шекилли, энди унгами, хотинигами бир нима бўлиши барибир эмасми, балким, барибир эмасдир... Агарда озгинагина фурсат, ўлмасидан бурун бир озгина эркин бўла олганда эди...

Эркин бўлмоқ! Эркинлик!

Бошқа аёлларнинг ҳусн-жамоли, уларнинг чеҳраси, сирли боқишлари қанчалар жалб этарди-я, лекин у одоб-ахлоқ қонунлари доирасидан ўтишни истамаган: ўзининг на руҳий хусусияти ва на ҳаётий мулохазаларига кўра Хеймекер, умуман, бундай қилолмасди; аммо шунга қарамай, хотини ҳамиша аламини қўзитиб, хиёнат қилмасин деган қандайдир бир ғалати мантиққа кўра, аёлларга ёқадиган гап жиҳати йўқлигини, қомати келишмаганлигини, эркакларга хос қандайдир жозиба етишмаслигини, шу сабабдан бирор бир жувон унга муҳаббат қўя олмаслигини зўр бериб уқтириб келарди. Азбаройи шифо, хотини уқтирарди-я! Унга, неча-неча аёлларнинг интилувчи, чорловчи нигоҳлари таъқиб қилган кимсага-я!

Сенга раҳмим келганидан текканман, деб ишонтирарди хотини. Хеймекер баҳслашиб ўтирмасди — майли, шундай деб ўйласа ўйлайқолсин; лекин ўзининг ҳам раҳми келарди-да Эрнестинага. Аниқ, учраган аёл кўз сузар, ёлворгандай мулойим жилмаярди, бундай пайтда хотини ундан ҳеч қачон Дон-Жуан чиқмаслигини: бесўнақай, сусткаш, кўримсизлигини, ўзидан бўлак аёлга ёқмаслигини уқдирарди! Эҳ, хотин-а, бунга ҳеч қандай зарурат бўлмас-да, назарида, келажакда дуч келиши мумкин бўлган хатарларга қарши курашиб, шу бир гапни такрорлайверарди, ваҳоланки, у бунга ҳеч қачон йўл қўймаган, хиёнат қилишни хаёлига ҳам келтирмаган. Аммо хотини шанк-шубҳалар билан унинг қалбини заҳарламоқчи бўлган: ўзига, ўз санъатига кўп бино қўймасин деган... Шундай эса-да, аёл латофати, уларнинг боқишлари қанчалар мафтункор — сунгсиз, беқиёс бахт ваъда қилмаганмиди унга?! Нега ҳаёти ўнгмади?

Ҳа, у бир аччиқ ҳақиқатни англади: табиат инсон қисматига бутунлай бефарқ, сен яшайсан, ҳаракат қиласан, ҳукмрон сезгининг йўллашига кўра нимагадир интиласан — табиат шу сезгини ато қилган-у, лекин сен бахтлимисан ёки йўқми, бу билан сира-сира иши йўқ. Узинг учун ўзинг жавоб бер, йўлингни белгила ва бу йўлдан сира оғишма, йўқ эса — тубанликка юз тут, йўққа чиқ, сени руҳий ўлим кутади. Табиат бефарқ. «Ройишлар хушбахтдир». Ҳа, шундай. Тўғрироғи: кучлилар хушбахтдир, зеро улар ўз бахтларининг ижодкорларидир. Йиллар мобайнида у буни биларди: нимадандир умид тутиб, ҳаракат қилмас, ҳаммаси ўз навбати билан борар, азоб чекарди. У ҳамма вақт ҳаёти ўнгмаганини тушунар, лекин шунга қарамай, шартли таомилларга кўникиб кетганлигидан ҳаракат қилишга уринмас, бунга иродаси етмасди. Иродаси етмасди — ҳаммаси шунда, у ҳар доим шундай эди. У истаган нарсаларини ўйлаган ва уни бажо келтирган кимсаларга худди қўлга тушган қуш, қафасдаги ҳайвон сингари ўша тутқунлик масканидан туриб қарарди. Неча-неча зиёфатларда, кўчада, ҳатто ўз хонадонда, унга етишмаган ҳаловатлар, хоҳишлар — аёл боқишлари, табассумларини учратган. Лекин барибор, ўз бурчини, дин қатағон қилган нарсаларни, ахлоқ-одоб қоидаларини бузишга юраги дов бермаган, аксинча, одамларнинг эриш қарашларидан қўрқар, Эрнестинанинг тинчлигини, унга қанчалар ишонишини, ўз мавқеи, фарзандларининг келажакини ўйлар — шу боисдан ҳам зоҳидлардай бари ҳаваслардан ўзини тияр, улар ҳақида ўйламасликка ҳаракат қиларди. Бу жуда оғир, дардли эса-да, шундай бўларди.

Ҳозир ҳам унга бир қаранг — ҳали унча қари эмас, йўқ, қариган эмас, лекин ҳаётдан толган ва деярли ҳамма нарсага лоқайд. Бутун шу йиллар мобайнида орзу қилиб келди, уни тушуниб ета оладиган, ундаги бари нарсаларни — ҳис-туйғулари, фикр-ўйлари, истеъдоди, ҳаётга ва санъатга бўлган қарашларини дилига яқин деб биладиган туйғун ва мушфиқ ёрни озру қилди... Ахир қаердадир шундай аёл бордир-ку! Лекин бутун шу йиллар мобайнида ёнида фақат Эрнестина қомат қўйди — ва мана не аҳволга тушди...

Хотини совуқ, ёқимсиз ҳам эмас, асло... Шунчаки, у орзулаган аёл эмас-да... Унинг учун гўзаллик барча кўринишларда — шакллар, бўёқларда аҳамиятлидир, аёл гўзаллиги, унинг ҳусн-жамоли, хушбичимлиги ва Хеймекер туйган нозик фикр-туйғулардан холи бўлмаган ақли-фаросати аҳамиятлидир унинг учун... Лекин шундай аёлни яқиндан кўриш унга сира насиб этмади. Ҳа, ҳа, насиб қилмади. Бу ҳақда у ўзидан бўлак ҳеч кимга юрагини очолмасди. Шундай қилса ақлсизлик бўларди, уни жамиятдан чиқариб ташлашарди: зеро унинг даврасида (тўғрироғи, хотинининг даврасида, ахир таниш-билишларни орттириш хотинининг иши эди-да) бундай фикрлар анқонинг уруғи.

Лекин ҳаммо бало шундаки, ҳозир у ҳатто мана шу фикрлари билан яширин нолишларию тақдирдан норозиликлариеқ жиноят эмасмилигини ҳис қилолмайди. Эрхотин, улар бахтлими-йўқмилигидан қатъий назар, бир-бирига садоқатли бўлиши керакмасми? Бир ёстиққа бош қўйган эркак билан аёл учун: умрда фақат бир марта севиш керак, деган ички қонуният йўқмикан? Бу қонун олдида ҳамма фикр ва иштиёқлар, қандай бўлишидан қатъий назар, инсоннинг азоб-уқубатлари ҳечдир. Черков шундай дейди. Қонун ҳам, жамоат фикри ҳам буни қувватлайди. Буни бузиш — енгиб бўлмайдиган жуда кўп тўғаноқлар, ҳал этиб бўлмас вазифалар билан юзма-юз келишга, яқинларни азобга солиб, фарзандлар келажакини расво қилишга олиб боради. Ишқилиб, бурчини адо этса-ю, оиласини бузмаса, ҳеч кимни азобга солмаса, юрак-бағри куйиб кул бўлса бўлсинки, берган сўзининг устидан чиқса, атрофдагилар ва ҳатто ўз

кўзи олдида яхши бўлмайдими? Худди шу фикрга асосланиб иш тутаетганини ўйлар, шундай иш тутарди... Шундай бўлса-да... у неча бор шубҳа ўтида ўртанди ахир!

Яна шу томони ҳам бор. Кўпчиликнинг фикрича, мисс Хеймекер яхши, садоқатли рафиқа: илк чоқларида тағиним кўркамгина эди, кўнгли ириб, қийналиб юрадиган ҳолда эмасди. Кейин болалар дунёга кела бошлади. Тўнғичлари, унинг эмас, хотинининг қандайдир бир уруғи шарафига Элзуэл деб аталган ўғиллари бор-ўйи икки йил умр кўрди; кейин Уэсли тўғилди, ундан сўнг Этельберта — бу исми у ўлгудайин ёмон кўрарди! Хеймекер қизига ўзи севган исми қўймоқчи бўлди, Отилия деб ёки онаси хотираси учун Жэнет деб атамоқчи эди.

Қизиқ, уни яширин ташвиш ва ҳаётдан қониқмаслик қийнаб келишига қарамай, фарзандларининг дунёга келиши ва бечора Элзуэлнинг вафоти оилага қаттиқроқ боғлади: у кичкиналарга ғамхўрлик қилиш кераклигини ҳис қилар ва бундан севинарди... Лекин, афсуски, бу ҳам уни хотини билан сира яқинлаштирмади. Агар ўртада болалар бўлмаганда, ортиқ тоқат қилолмай, уни ташлаб кетарди. Кичкинтойларнинг ўзларига хос ташвишлари кўп эди, лекин гўдакликларида улар жудаям ширин, аломат эдилар. Айниқса, Элзуэл. Лабинг билан буйнини қитиқласанг, бас — роҳатланиб, жимитдай бурнини шунақанги бужмайтирардики, севишиб шундай қаттиқ кулардики, унга қараб туриб яйраб кетардинг. Уша чоқларда Хеймекер бу ноўйиб, бузуқ фикрларни урф бўлган ахлоқ нормаларига, одатдаги ҳаёт қоидаларига зид билиб, шундай ўйга боргани учун ўзини қораласа-да, борган сайин хотинидан узоқлашиб борарди! Хотинини хушламаслигига қарамай, у ўғлини жонидан яхши кўрарди. Ўзи шуни пайқамгани ҳолда бола билан юанарди; бу гўдакни унинг юрагидаги битмас жироҳатга малҳам қилиб қай куч йўллаганини ким айта олади? Элзуэл унинг фикр-ўйини, қалбини шундай ром этдики, Хеймекер наздида сеvimли аёл бериши керак бўлган ва шу топгача етишолмай юрган ҳамдардлик, шафқат, муҳаббат ва меҳрни шу гўдакдан топгандек эди. Элзуэл ҳаммадан ҳам дадасининг тиззасига чиқиб ўтиришни ёки елкасига бош қўйишни ёқтирарди, у ҳеч қачон онасига шундай ёпишмасди. Дадаси уйдан чиқиб кетишга отланаётганда, Элзуэл бирдан пайдо бўлар ва мени олиб кет, дегандай қўлини чўзиб турарди. Гўдакнинг туққан онасидан ҳам ортиқ яхши кўриши ҳайрон қоларлик бир ҳол эди — бола отасиз туролмасди. Отаси ҳам худди шундай, ўғлисиз яшай олмади. Назарида Элзуэл Эрнестинага ўхшамас, Хеймекернинг ва онасининг қўйиб қўйган ўзи эди... Аммо, ҳарҳолда, бола онасига ҳам шундай ўхшаса, ҳеч қандай қаршилиги йўқ. У бунақа майдакаш эмас. Элзуэл икки ёшга тўлай деганда ота унга ғаройиб қўшиқ ўргатди: «Бор экан, йўқ экан, уч мушукча бор экан...» Шеърни айтиб келиб, «улар исташаркан» деган жойига етганда, у ўғлидан: «Нима исташаркан?», деб сўрар, гўдак: «Шомша!» деб бақирарди завқланиб, бу унинг сомса дегани эди.

Элзуэлни етаклаб ёки елкасига ўтқазиб олиб сайр қилган ва гўдак тиззасида ухлаб қолган чоқлари қанчалар яхши кунлар ва оқшомлар экан-а... Енгинасида турган Эрнестина буни кўриб, Хеймекернинг ўғлини, энг муҳими, ўзини шунчалар севишига қувонарди. Айни шу масалада у янгилишарди: Хеймекер ҳатто ўшанда ҳам уни севмасди. У Элзуэлни жонидан севди, хотини эса буни ўзига нисбатан борган сайин кучаяётган муҳаббат деб тушунарди — ғаройиб мантиқ. Хотинлар, балки умуман баъзи бир хотинлар шундайдир.

Кейин бола бирдан қаттиқ оғриб қолди, бу сабаби номаълум касаллик, болалар фалажи янглиғ дард бўлиб... охири Элзуэл оламдан ўтди. Унинг жасадини Вудлен яқинидаги ташландик, кўримсиз қабристонга элтдилар. Қанчалар даҳшат бу! Ўшанда у умидсизликка тушиб, бу дунёдаги нарсаларнинг бари қанчалар чирик эканлигини ўйлади. Назарида ҳаётнинг бари гўзаллиги, бари шодликлар умрбодга йўққа чиққандек эди.

«Ҳаёт қисқа ва ғам-андуҳга тўла, инсон учун бундан халос бўлмоқликнинг имкони йўқ,— деб ваъз ўқирди мисс Хеймекернинг кистови билан у кўмиш маросимига таклиф этган киши.— Зеро умримиз кўланкадай ўтиб боради. Улим — барҳақдир».

Ҳа, кичкина Элзуэл кўланкадай ўтиб кетди. Ўзининг қайғуси қанчалар улкан бўлмасин, у уйланганларидан бу ёғига, биринчи ва ягона марта Эрнестинага ачинди — боёқиш шунчалар қайғули эдики, Элзуэлни қабрга қўйиб қайтишгач, бошини унинг елкасига қўйиб шунақанги аччиқ-аччиқ йиғладики, ачинмай иложи қолмаганди. Унинг қайғуришини кўриш жуда оғир эди. Она учун тўнғич фарзандидан жудо бўлишдан аччиқ алам бормикан? Нега, нега у Эрнестинани ҳақиқатан ҳам ўзига яқин қилишга уринмади? Ахир у чоқларда рафиқаси ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ, ақллироқ эди, ўзи бўлса уни хурмат-эҳтиром ва муҳаббатга муносиб деб сира хаёлига келтирмади. Уғли бетоб ётганида бир дақиқа бўлсин ҳордиқни ўйламади, тунлари мижджа қоқмай, боласи устида жонини фидо қилди, фарзанди ҳаёти учун она нимаики қилиши лозим бўлса, ҳаммасини бажо этди. Лекин ўшанда ҳам у хотинини чин дилдан яхши кўролмади. Бу ҳол, қанчалик аччиқ ва бешафқат туюлмасин, у хотинини севолмади. Фақат, хотини тўғрисида аввалгидан кўра яхши фикрда эди ва унга ачинарди. Бу қандоқ гапки, одам қандайин бахтсиз юлдуз остида дунёга келганки, фикр-ўйлари ва ҳис-туйғулари бунчалар чалкаш? Нега энди одамни унинг фазилатлари ва саховати учун севиб, унга меҳр қўйиб бўлмайди,

ғаразини ювиб бўлмайди? Нега? У Эрнестинага бошқача муносабатда бўлишни истарди, аммо, барибир, ҳеч нарсани ўзгартиролмади.

Назарида ҳеч қачон рафиқасини шу вақтдагидай қадрламаган: у яхши бека, бартариб аёл, тежамкор, маълум даражада гўзалликини севади ва тушунади: бирон нима қилиш ва аҳамиятли бўлмоқдек мақтовга лойиқ интилиши бор... аммо рафиқасининг бу иззатталаб ҳаракатлари унга ёқмасди ва унинг ўртамиёна, фикри тор кимса эканлиги эътиборида эди. Эрнестинада ҳеч қачон руҳий интилиш, кучли ҳиссиёт бўлмаган, унда табиий олижаноблик етишмасди. Хеймекер нима демасин, нима қилмасин хотини уни дарров ақча билан боғлиқ ҳисоб-китоблар, қўни-қўшниларнинг нима ўйлаб, нима дейиши, эри ва ўзининг обрўсига қандай таъсир этиши билан боғларди; Хеймекер пулсиз, обрўсиз кимсада ҳам ақл-заковат, истеъдод бўлиши мумкинлигини биларди, аммо рафиқаси буни сира тушунмасди, ҳар қанча уринмасин бунга ишонтиролмади — у ҳеч нимани эшитишни истамасди.

Мана, масалан, йирик ижодкорларни олайлик. Ҳозирги кунда ҳам бу шаҳарда истиқомат қилувчи атоқли меъморлардан баъзиларининг ўтмиши ғаройиб, нохуш бўлган. Эрнестина буни ақлига сиғдиролмади, ўтмишни тан олмайди. Ўтмишнинг аччиқ-чучугини англаб етмайди ҳам, унга ишонмайди ҳам. Санъат ёки санъаткорлар масаласига келсак-чи?.. У ҳеч қачон донолигу истеъдоднинг ярамас, мурдор саналган шароитда намоеён бўлишига ишонмайди!

Хўш, анави навқирон Зингара-чи? Хеймекер у билан танишганига ўттиз йилдан ошди, ўшанда Нью-Йоркка илк келган кезлари эди; ёш, истеъдодли бу йигит атоқли меъмор бўлишни орзу қиларди, аммо жуда қашшоқ, юпун кийинган бўлиб, кўзга яқин эмасди. Хеймекер уйланишдан бир неча йил аввал Пайна ва Стабода деган меъморларнинг кўримсиз идорасида у билан учрашиб қолиб, кўнглига яқин тутган эди; лекин Зингара оғзидан папиросини қўймас, кўриниши хароб ва исқирт, чўнтагида сариқ чақаси йўқ эди. У чоқларда Хеймекер, Эрнестинага уйланмасдан тўрт йилча аввал, Зингара билан таниш бўлса-да, рафиқаси хонадонларига унинг қадам босишини истамасди. Назарида, Зингара аҳамиятсиз, ҳеч қачон иши юришмайдиган толеи паст кимса эди. Кунлардан бир кун қандайдир бир ресторанча ёнидан ўтиб кетатуриб рафиқаси Зингаранинг шубҳали қиз билан бирга кўрдию шу-шу унинг номини эшитишни ҳам истамасди.

«Азизим, марҳамат қилиб ўшани уйимизга яқин йўлатма», деб талаб қилди рафиқаси ва у хонадонининг тинчлигини кўзлаб ён берди. Нима бўлди? Ўша Зингара бугун атоқли меъмор, Эрнестина туфайли эса, энди улар бир-бирларига бегона. «Докторлар клуби»ни, фавқулодда кўркам концерт залини ва худди шoir тафаккуридай юксакка бўй чўзган ғаройиб минорали Уэлс Билднинг кўрди. Лекин, шу билан бир қаторда, Зингара аллақачон хаёлпараст, худди Хеймекер каби ўзи билан ўзи бўлиб қолган, одамлар у тўғрида нима дейди, нима ўйлайди — ҳаммасига парвойифалак.

Балки руҳий гаранглик, ҳаётнинг нозик тарафлари ва ҳодисаларини ҳис этмасликина эмас, балки калтафаҳмлигидан келиб чиқадиган серталаб ўжарлик Эрнестинани қаердаги қўли баланд кимсага дуч келиш имконини топса, албатта, ўша ерга етиб боришга мажбур қиларди. Унинг наздида ҳалигилар бадавлат кишилар ҳисобланар, ваҳоланки, улар ҳаммавақт ўртамиёна ёки арзимас одамлар эди. Рафиқасининг бу хусусияти Хеймекерни ғазаблантирарди. Хеймекер неча бор унга инсоннинг асл ва сохта фазилятлари борлигини, ҳақиқий иззатли одам камдан-кам бадавлат бўлишини тушунтиришга ҳаракат қилди. Йўқ, бўлмади. Неча бор Эрнестина қаппайган ҳаменидан бўлак ҳеч вақоси йўқ кимсаларни фавқулодда хислат эгаси деб танитишга уринди.

Уларнинг кичик фарзандлари — Уэсли билан Этельберта қандай тарбия топишди ва оилавий ҳаётларини қандай бошлашди, озмунча хавотирландими, ташвиш чекдими — бари шу туфайли! Кичикликларида иккови ҳам шунчалар ширин, қалбига яқин эса-да, Элуэлни у бошқача кўрарди. Фарзандлар ўсаборди ва болалар билан ота орасида Эрнестина пайдо бўлди. Аввало Эрнестина уларни такаббур ва сертакаллуф тутишга ўргатарди: эркин, табиий ҳаракат қилишлари ё сўзлашишлари мумкин эмасди; Хеймекер рафиқасини таништириб қўйган бойвучча мансабпарастлар шундоқ қиларди; бу оилаларда кўп нарса унга манзур бўлмаса-да, хотинига ҳаммаси ёқарди. Меъмор шундай бир кимсаки, турли одамларга рўбарў келиб туради; ишми юришсин десанг ва ишни эндигина бошлаган бўлсанг, ҳар доим очиқ юз, назокатли бўлмоғинг даркор. Кейин болаларнинг мактабга борадиган пайти етди. Лекин қанақа мактабга борадилар? У болаларини ўзи ва Эрнестина қатнаган оддий шаҳар мактабига бермоқчи бўлди — ахир ота-ониси оддий, ўртамиёна одамлар бўлган-ку. Лекин Эрнестина бошқа қарорга келди: имкониятлари етарли, шунинг учун болаларни хусусий мактабга, шунда ҳам у ўйлаганича ёки ўзи ўйлаганича эмас, балки, Барлоу ва Уэстервелтларнинг фарзандлари ўқийдиган мактабга берадиган бўлди — негаки у, мана шу давлатманд оилалар билан бориш-келиши бор ва улар нимаики қилишса, ҳаммаси яхши тўйиларди.

Барлоулар оиласи! Бадавлат, лекин кўпол, ҳеч қандай диққатга сазовор жойи бўлмаган кишилар. Ғарбнинг қайсидир ерида патентли дори ишлаб чиқариш йўли билан давлат орттириб, Нью-Йоркка келганлар, улар Хеймекерлар билан бажонидил яқинла-

шиб кетдилар — Хеймекер уларга данғиллама уй қуриб берди, бунинг устига номи чиққан киши эди; аслида улар, уни эмас, Эрнестинани ёқтирардилар. Улар, инсоф билан айтганда, ёқимсиз, бемаъни, бепаросат кишилар эдики, шунга қарамай. Эрнестинага ёқишар, хотини уларни дуруст, иззатли, жуда ажойиб кишилар деб гапирар, Ғарбда қолган ота-онасини эслашларини айтарди. Лекин барлоуларда бу хусусият йўқ эди, шунчаки, хотинига шундоқ туюларди. Улар ўзларига хос, ёмон одамлар эмасдилар-у, фақат диддан асар йўқ эди. Ёш Фред Барлоуни Морристаунга яқин жойдаги кўп ҳақ тўланадиган Гейлер мактабига жойлаштиришди; у ерда ўғил болаларга ўзини тутиш қоидаларини, яхши одатларни ўргатадилар — вассалом, Эрнестина олижаноб христианлар тайёрлайди, деб ҳисобларди. Хуллас, Уэслини ўша ёққа жўнатишга тўғри келди — ахир у энг яхши мактаб эди-да!

Худди шу йўсин Этельбертани ҳам Брайарклифдаги мактабга жойлаштиришга тўғри келди, негаки, Мерседес Уэстервелт — бемаъни, кеккайган қиз ўша ерда ўқирди. Ё тавба! Шуларнинг бари бемаъни, жуда аянчли кўринарди. Бунга замин тайёрлаш учун Эрнестинанинг қанча вақт давомида устамонлик билан иш кўрганни; Этельбертанинг келажаги учун муҳимлигига ишонтиришга уринди, ҳар хил сабабларни ишга солди, йиғлади-сиқтади. Эрнестина уни бирон нарсага кўндирадиган бўлса, йиғлаб олиши ёки ўзини йиғлаб юборадигандай қилиб кўрсатиши қийин эмас; бу ёлғондакам кўз ёшларга Хеймекер ўрганиб қолган, унинг нархи чақачалик ҳам келмаслигини тушунса-да, барибир дош беролмасди, хотини ҳам бунга яхши биларди. Кўз ёшлари унга гоҳида таъсир қилар, гарангситиб ҳам кўярди. Хотинининг баланд келиши учун уриниши уни ғазаблантирарди. Чиндан ҳам мисс Хеймекер баъзан нақ Макиавеллидек ҳийлагар ва шафқатсиз бўлар, лекин ўзини нафосат ва муҳаббат, фидойилик, ҳиммат ва мурувват ҳамда минглаб бошқа эзгуликлар тимсоли деб билар — буларнинг бари ниятларини амалга оширмаққа хизмат қиларди. Балки, маълум бир нуқтаи назардан қараганда, бундай қатъиятга қойил қолиш ҳам мумкиндр, лекин бу уни ғазаблантирарди. Агарда одам ўзининг энг жиддий камчиликлари ва зиддиятларини тушуниб етмаса, нима қилиши керак?

Бошқа томондан олганда, бу пайтга келиб, шунча йил бирга яшаганликларидан кейин уни ташлаб кетишнинг иложи йўқдай кўринарди. Боз устига, улар жамиятда маълум мавқега эга, аслида бунга Хеймекернинг хизмати туфайли эришилган, у бундан ҳам катта обрў орттириши мумкин эди. Ҳар қанча мурувватли бўлишидан қатъий назар, Эрнестинанинг ҳақиқий атоқли кишиларни уйига жалб эта олмаслигини у биларди. Ҳар қандай бўлганда ҳам, ораларини очиқ қилиш, хотинидан бўлак туриш ёки унга хиёнат қилиш (умуман у, хотинига хиёнат қилмоқни хаёлига ҳам келтирмаган), охир-кели кўринмаган фисқ-фасодга ваз-қорсонун жамиятнинг кўз олдида унга зиён етказар, ишига таъсир этган бўларди. Барча эътиборли ошналари, аввалги мижозлари ундан юз ўгирарди. Уларнинг рафиқалари, ўзлари ҳам ахлоқ негизига зарар етказган кимса билан яқинликни давом эттиргани кўрқиб ораларидан уни ситиб чиқарган бўлардилар. Кейин, шов-шув, гап: таниқли меъмор шундоқ меҳрибон, садоқатли, севимли хотинини ташлаб кетибди!.. Эҳтимол, бу золимлик ҳамдир. Айтиш қийин, ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетган.

Уэслининг Ирма де Го деган қизга уйланиши-чи? Оила бошлиғи Жорж де Го, илгари бор-йўғи ер-мулк олиб-сотиш билан машғул бўлган даллолнинг диққатга сазовор жойи шунда эдики, унинг ақчаси бор эди. Унинг адабсиз, қўпол ҳис қўзғотадиган қизи Ирма кўҳлиқкина бўлиб, бадавлат қаллиқ саналарди. Хўш, яна нимаси бор? Ҳеч нима, ҳақиқатан ҳам ҳеч нима. Ахир, авваллари, Уэслининг маънавий талаблари бордай кўринарди-ку. Уйлашчи, Эрнестина мисс де Го билан — арзимас, калтафаҳм аёл билан, асосан, Уэсли туфайли яқинлашган. Ҳарҳолда ўша иккови Уэслини ҳар томонлама рағбатлантириб туришди. Ирма Уэслининг кўнгил овлашларига мойиллик билдиришига ҳаракат қилишди. Бунинг охири нима бўлди? Жорж де Го синди, қизига ҳемири қолдирмади. Ирма бошиданоқ, ҳамма нарса билан қизиқсаям, Уэслининг хизматида кўтарилишига эътибор қилмади. Ирма ўзини катта тутадиган бойваччалар ичида энг бадавлат, энг номдорларига тақлид қиларди, ҳеч нимадан бош тортмайдиган бундай кимсалар билан танишмоқни ҳатто Эрнестина ҳам орзу қилмасди. Ирма ҳали-хануз фақат қабул маросимларию шаҳар ташқарисидаги клублар, театрлар ҳақида ўйлайди.

Уэсли бунга аллақачон тушуниб етди. Энди у инженер, йирик қурилиш компаниясида хизмат қилади, аҳволи ўртача. Уларни ажойиб жуфт бўлади, деб ўйлаган Эрнестина ҳам ҳозир келини билан чиқишолмайди. Келинининг қандайлигини у бир неча йилдан сўнг — Ирма уни назар-писанд қилмай қўйгачгина англади, унгача фақат де Го оиласининг шаън-шавкати ҳақидагина гапирарди. Ё танграм, де Голар оиласи билан қариндош бўлишни ким истамайди, Ирмадан ортиқ келинини топиб бўлармишимиз? Кейин Ирма билан Уэслининг ўртасида нифоқ чиқдию Эрнестина келиним Уэслининг кўтарилишига халақит қиляпти, дейдиган бўлди. Уғлига бунақа хотин нодаркор, гап-сўз бўлишдан қанчалик чўчимасин, Эрнестина ўғлининг Ирмадан ажралишини истарди. Аммо ўз эри ажралиш ҳақида оғиз очиб кўрсин-чи!

Бошида Эрнестина де Голарнинг тутган мавқеига қизиқиб ўғлининг Ирмага уйланишини хоҳлаган эди. Энди эса, ўғли Ирманинг маишатпараст оқсуяклар даврасида арала-

шиб юрмоғи учун кеча демай, кундуз демай тўғри келган ишга ўзини уриб юрибди. Бунинг устига Ирма хиёнат қилаётганга ҳам ўхшайди. Бундай деб ўйлашга асос бор. Лекин уларнинг ишига аралашидан маъно бормикан? Нима ҳам ёрдам қила олардинг? Уэсли Ирманинг жонига теккан, вассалом. Ирма, ҳеч шубҳасиз, эрининг кўзини шамғалат қияпти.

Этельберта-чи? Исмининг ўзини айтмайсизми! Эрнестина қизини бахтли қилмоқчи бўлди, мавруди келганда, ўз хизматини кўз-кўз қилмоқчи эди, охири нима бўлди? Рост, Этельбертанинг турмуш қуриши моддий жиҳатдан Уэслининг уйланишидан кўра муваффақиятлироқ бўлди, лекин у бахтли бўлдими? Этельберта уни Жек деб атагувчи ўша Жон Килсо нима деган нарса? Енгилтак такасалтанг, арзимас одам, пул сочишни билади холос. Албатта, ота-онаси уни қўллаб-қувватлайди, лекин бундан фойда йўқ унга. Аввалига у ҳам Эрнестинага ажойиб, мафтункор йигит, Этельбертага жуда мос жуфт бўлиб кўринган эди, негаки ота-онаси бадавлат кишилар эди-да. Қария Килсо Чикаго шаҳрида биржа чайқовчилигида бойиған, роҳатда яшаш учун Нью-Йоркка кўчиб келган эди; Этельберта у пайтларда ўн беш яшар бўлиб, у мактабда Грейс Килсо билан танишган эди.

Мана, томоша қилинг, Этельберта бир қадар дилкаш, ҳаддан ташқари тантиқ бўлса-да, ўзини тутишни билади; у жуда бадавлат, Паркавенюда ҳашаматли уйи бор. Хўш, у ёғига-чи? Жон Килсо ҳеч нарсага лаёқатсиз одам. Болалиқдан ота-онаси пул беравери талтайтирган, айтганини қилишган, жамиятда юксак мавқени эгаллашга тайёрланган; жуда аҳмоқ бўлмаган чоғдаям, бундай тарбия уни, ҳеч сўзсиз, ҳалокатга етаклаши турган гап. Бемаъни, енгилтак, доимо эрмак кетидан қувган бу кимса Ирма де Гога ўхшарди. Хўпам бир-бирига мос жуфт бўлардику-я, аммо бир-бирини жини суймасди. Эрнестина Килсолар оиласига жон фидо қилиб, устомонлик билан озмунча мулозамат қилдими, оқшом зиёфатлари берди, қабул маросимлари ўтказди, театрларга таклиф қилди! Аммо на ота-онаси билан ва на фарзандлари билан гаплашадиган гап йўқ.

Аваллари у қизини яхши кўрган, Этельберта бора-бора отасидан йироқлашиб, худди онасидай фикри тор, калтафаҳм бўлиб ўсди; отасидан кўра онасининг маслаҳати билан иш юритишга ўрганди, лекин бу уни унча ташвишлантормасди. Ахир Уэсли ҳам худди шундай эди-да. Умуман, кимга меҳр қўйди-ю кимни ёқтирмайди — бу фарзандларнинг ўз ихтиёрида, мажбурлаб суйдиролмайсан-ку...

Аммо нега энди у буларга тоқат қилиб келди? Нима учун? У нимага эришди, нимага етишди? Жудаям ажойиб фарзандлар ўстиришдими? Эрнестинасиз яхши яшамасиди? Унинг бошқа хотиндан, Эрнестинанинг эса бошқа эрдан кўрган фарзанди, балки яхшироқ бўлармиди? Ўша ёшлик чоқларидаёқ бу бадбахт унаштирилишга чек қўйилгани яхшимасиди? Албатта, талай аччиқ дақиқаларни бошдан кечиришга тўғри келарди, ҳамма унга қарши чиқарди, бироқ у эркин бўларди, истаган жойига борар, хоҳлаган ишини қиларди, балким ҳаётини бошқача қурармиди. Мана Зингара ақлли одам, уйланмайди ҳам. Ўзи-чи? Одоб-ахлоқ қоидалари олдидаги доимий ваҳима, ўзини ўзи қўрқитиб юрган узундан узун қатағонлар рўйхати... Худо билади, нима учундир у ўзига ўзи панд бериб ўтирибди. Бунга унинг, одамлар нима деб ўйлайди, нима дейди деб кўрқиши, одоб қоидаларини бузишдан чўчиши, журъатсизлиги айбдор.

Ҳа, ҳаммага маълум ҳақиқатлар ва одоб-ахлоқ негизига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уни, хотини ва болаларини ҳеч ким маломат қилолмаслиги учун жамият билан иттифоқда яшаш истаги қимматга тушди — шу туфайли, у умрини хазон қилди. У одоб сақламоқчи бўлди-ю, руҳий ҳалокатга юз тутди. Лекин энди булар хотима топди. Эрнестина бетоб, ўлим тўшағида ётибди, теварак-атрофдагилар у ҳақда хотинининг шифо топишини, узоқ йиллар бирга бахтибекамликда умргузаронлик қилишини истайди, деб ўйлашади. Бахтиёрлик! Йўқ, у буни истамайди, асло истамайди. У ҳатто хотинининг тузалиб кетишини ҳам истамайди.

Буни ишташга унда куч етишмайди. Рафиқасининг бугун ёки эртага оламдан ўтиши мумкинлиги ҳақидаги фикр унга қандайдир енгиллик келтиряпти. Бу — кўп бўлмаса-да, ҳарҳолда — бир неча йилга эркинлик келтиради-ку! Ҳа, бу ҳам ҳарна... У ҳали унча қаримас, олдинда ҳали бир неча йил тинч, осуда ҳаёт... ва... орзу, ўша бир пайтлардаги орзу... бор. Энди, балки, у ҳеч қачон рўёбга чиқмаса керак. Бунинг сира иложи йўқ, шундай бўлсаям... Яна қайтадан эркин бўлиши, истаган нарчасини қилиши, эркин фикр юргизиши... умуман, шу чоққача эришмаган нарсаларга ачинаши мумкин. Аммо хотинининг рангпар, мадорсиз бетига қараса, дармонсиз нам қўлини ушласа бас — бу истак чекиниб, эркинликка унчалик интилмамай ҳам қолади. Бу ўлгудай шафқатсиз истак, одамгарчиликдан эмас бу... Лекин фақат... Шу йўсин у нима қиларини билмай қийналарди.

У шунчалик кўргуликларни бошидан кечиришига қарамай, хотинига ўлимни раво кўрмас, тузалиб кетишини ҳам чин дилдан истамасди. Ҳай, майли, тузалиш насиб этса, яшаб юраверсин. Тузалиб кетадими ёки вафот этадими — унга барибир эмасми? Хотинига қараб турар экан, унинг эрсиз қанчалар ночор бўлишини, шу ёшида бу қанчалар катта бахтиқаролик эканлигини беихтиёр тасаввур этарди. Эрнестина бутун умрини эрига ва болаларига бахшида этди, ҳар доим ўзини жуда яхши рафиқа ва она деб ҳисобларди — ахир у бир чақани бекор кетказмайди, у нимаики қилса, оиланинг бахти-

саодати учун қилган. Ҳа, худди шундай, албатта бу айнан шундай. Лекин бундан нима наф!

Эртасига эрталаб — доктор Сторм билан сўзлашганининг иккинчи куни Хеймекер тонгда яна дераза ёнида ўтирар, уни яна нохуш ўйлар чулғанди. Мингинчи, ўн мингинчи марта шу фикрга келмоқда эди — ҳаёти ўнгмади. Унча кўпга бўлмаса-да эркин юрсамиди, шундоқ ўзи ёлғиз қолиб ўйлаб кўрарди, ҳаётдан яна нима кутиш мумкинлигини англашга уринарди. Бинобарин, бугун унинг фикр-ўйида янгича хаёл пайдо бўлди. Гап шундаки, бир кун бурун Эрнестинанинг аҳволи оғирлашди, доктор Сторм Грейнерни маслаҳатга чақирди ва улар шу бугун беморга қон қуйишга қарор қилишди — энг оғир аҳволдагина врачлар бу чорани қўллайдилар. Бақувват йигитдан, истеъфодаги суворийдан қон оладилар, кейин натижани кутиш қолади. Хаёллар ўша-ўша — унга тинчлик бермасди. Имкони бўлмаса-ю, вафот этса-чи? У ўз олдида нима деган одам бўлади? Бироздан сўнг Эрнестинанинг ёнига кирди; хотини ухлаб ётарди. Касал боқувчи аёл унинг томир уриши ёмонлашганини айтди. Яна ачина бошлади — лекин бу узоққа бормади, хотини уйғонгач, аҳволи энгиллашиб қолди.

Кейин у емакхонага чиқди, нонушта қилаётган касал боқувчи аёл ёнига ўтирди — Эрнестина ётиб қолгандан бери унга одат бўлиб қолганди, сўради:

— Хўш, бугун аҳволи қалай?

Шу кунларда у бемор боқувчи аёл билан нонушта қиларди. Аёл мисс Филсон хотиржам, бежирим, малла соч, икки бети пушти ранг, кўзлари зангори эдики, бундай кўзлар уни четлаб ўтган ёшликка доир, муҳаббатга мойил фикрларни кўзғарди.

Бугун мисс Филсон, аҳволнинг оғирлашиб қолишидан қўрққандай, ўта жиддий эди.

— Менимча ёмон эмаслар, ҳатто яхшироқ бўлиб қолгандайлар,— деди мисс Филсон унга ачингандай қараб. Хеймекер ҳатто бу аёлнинг ҳам унга — яқин орада якка-ёлғиз қоладиган қарияга ачиниб қараётганини сезиб турарди.— Томир уриши дуруст, тартибга тушиб қолди, яхши ухладилар. Соат тўққизда доктор Грейнер билан доктор Сторм келишади, у ёғига нима қилишни ҳал қилишади. Агар аҳволи ёмонроқ дейишса, балки, қон қуйишар. Донорни топиб қўйишибди. Доктор Сторм мисс уйғонганларидека қайнатма ичиришни буюрди. Миссис Элфриж тайёрлапти. Хотинингизнинг аҳволлари оғир бўлсаям, иштаҳалари энгил, бу ҳарҳолда, яхшилик белгиси.

Хеймекер ўсиқ қошлари тагидан аёлга тикилиб қаради. У шунчалар чарчаган, кейинги пайтларда умуман ухлай олмаганлиги учунгина эмас, балки, соат капгиридай гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга оғаётган қарама-қарши фикрлардан жуда толиққан эди. Наҳотки, асти нима иштаҳини ҳеч қачон англаб етолмаса? Наҳотки, бу унинг ақл-заковати ва қалби учун ҳал этилмас муаммо бўлса? Нега энди у ҳамма қатори ўйлаб, ҳис қилмаса, ўзи билан ўзи мураса қила олмаса? Мисс Филсон умидсиз саналган, лекин соғайиб кетиб, кейин узоқ йиллар яшаган касаллар ҳақида нималардир ҳикоя қилди; у тинглар ва ҳаётининг қанчалар ғамнок, маъносиз ўтганини, кўнглининг қанчалар ғашлигини ўйларди. Нега бунақа? Қизиқ: баъзан у ўзини ёвуз деб, баъзан эса, ҳаддан ташқари юмшоқ деб ҳисобларди. Ўтган кечаси тўшакда чўзилиб ётган Эрнестинага қарар экан ва бугун ҳам: жони узила қолсайди, ишқилиб яна эркин бўлсам эди, деб хаёлидан ўтказган, ҳозир ҳам шу ўйда эди. Лекин бугун яна кўрганида ва мисс Филсон қон қуйиш ҳақида сўзлаганида, унинг яна хотинига раҳми келиб кетди. Хотинининг ўлими унга нима беради? Нега энди у хотинига ўлим тилайди? Ахир, мана шундай жинояткорона фикрларнинг шу ёки нариги дунёда қасоси бўлмасмикан? Бирдан фарзандлари пайқаб қолишса-я? Агар хотини ростдан ҳам вафот этса — ахир у шу бугун эрталаб ҳам унга ўлим тилаган эди-я, — унинг аҳволи нима кечади? Эрнестина, аслида, жуда ҳам ёмон эмас. Ахир у яхши рафиқа бўлиш учун уринмадими? Ўзи ҳеч нима қилолмади, уни сева олмади, вассалом. У даҳшатли, шафқатсиз фикрлари учун яна ўзини койий бошлади.

Иккала доктор беморнинг аҳволини оғир деб топиб, қон қуйишнинг биринчи усули — тўғридан-тўғри донор орқали юборишни лозим кўришди; агар беморнинг жисми қонни ўзлаштирса, оқибати яхши бўлиши мумкин. Улар қон қуйишдан аввал яна бир қарра Хеймекерга мурожаат қилишди ва у, бениҳоя гуноҳкорлардай бош эгиб, ўзининг ҳар қандай қаражатдан қочмаслигини айтди. Хотинининг ҳаёти ки хавф остида экан, дорилар ҳар қанча қиммат турмасин, уни сақлаб қолишга уринишлари керак. Эрнестинанинг ҳаёти менга ҳам, фарзандларимга ҳам жуда азиз, дерди у. Шундай қилиб у, биттасидан истисно, талаб қилинган бор имкониятларни ишга солди ва ҳали ҳам ўз иродасига қарши бориб, унинг шифо топиб кетишини чин дилдан тилайолмасди. Одоб ва бурч даврасига маҳкумлиги, чамбарчас боғланганлигидан жони азобда қолган эди. Агарда Эрнестина ўзига келиб қолса — шифокорларнинг айтишича, қон қуйишнинг нафи тегар экан — бутунлай соғайиб кетган тақдирда ҳам, ёз ойлари тоққа олиб чиқиши, то оёққа туриб кетгунича узоқ вақт у билан юзма-юз туришига тўғри келади. Ҳай, майли, у нолиб ўтирмайди. Буни қилади албатта. Ҳар вақтдагидай, ҳар кўнгли кетади-да, уни қутқариш имкони бўлатуриб, ўлиб кетишига йўл қўйиш одамгарчиликдан эмас-да! Худди шундай. Фақат...

У идорага кетди, орада Эрнестинага қон қуйишди, бу анчагина муваффақиятли чиқди чоғи. Кундузги беморга қаровчи аёл соат учда унга кўнғироқ қилди ва мисс

Эрнестинанинг аҳволи яхшилигини хабар қилди. Кейин унга ортиқ кўнғироқ қилишмади, соат беш яримларда уйга қайтгач, Эрнестинани кўргани кирди — у ёстиққа ёнбошлаб ётар ва бардам кўринарди, анчадан бери аҳволи бунчалар яхши бўлмаганди.

Хеймекернинг кайфияти яна ўзгарди. Қизиқ, истаклари бунчалар тез ўзгариб турмаса, киши вужуддаги ҳаётини ҳаракатлар иродангдан ташқари рўй берганидан беихтиёр содир бўлади-да; бу эса, ўзини яхши биламан, деган Хеймекер учун жуда ғалати туюларди; умуман, инсоннинг ўзи нима истаганини ҳеч билладими? Энди у ўлмайди, ҳаммаси эскича давом этади. Ҳа, албатта. Нима ҳам қиларди, яна тан бермоққа, ҳаётини ҳайф кетгани ҳақидаги фикрга бўйсунмоққа мажбур. Энди у ҳеч қачон эркин бўлолмайди. Яна ҳаммаси бояги-боягидек: эртагаям, индингаям ўша-ўша... Даҳшат! Жуда соз, унинг тетиклашиб қолгани яхши бўпти, албатта, оёққа туришига умид уйғонганиям яхши. Лекин ҳарҳолда... ҳаммаси бекор кетди, энди абадул-абад яна у билан боғлиқ. Хеймекер кечаси тўшагида ётиб ўйларди: «Энди у дарҳақиқат шифо топади. Ҳаммаси эскича давом этади. Энди мен ҳеч қачон эркин бўлолмайман. Бирон бир озод, эркин куним бўлмайди! Ҳеч қачон бўлмайди».

Эртасига эрталаб у ҳайронлик ва кўрқув ичида, балким яширинча хурсандлик билан хотинининг аҳволи оғирлашганини эшитди ва қора ниятлари учун ўзини койиди. Мана шу фикр-ўйлари билан уни ўзи ўлдираётгандир? Мана шу ҳадсиз-ҳисобсиз иккиланишлари билан? Балки ёмон ниятларининг кучи бордир? Унинг қотилдан нима фарқи бор? Бундан кейин ҳар доим, ёмон ниятлар қилиб уни ўзим ўлдирганман деб ҳисоблаб юрса-я? Ахир бу жуда оғир бўлади-ку, у ҳолда қандай яшайди? Нега ўзи шунақа? Нега энди оддий инсоний ҳис-туйғулар унга бегона?

Соат тўққиз яримда бемор боқувчи аёл телефонда чақирган доктор Сторм келди; доктор айниқса жиддий эди ва у энди от қонини ишга солишини, от қони одам қонидан куюқ бўлажаси ва зардоб сифатида фойдаланилса жисм яхши қабул қилишини айтди. Виждон азоби, юрак сиқилиши, кўрқувдан Хеймекернинг руҳи қийналмоқда эди. Албатта, ҳаммасига у ўзи ўтган кеча ва умуман, сўнгги кунларда ўйлаб юрган ёвуз ниятлар сабаб. Наҳотки Хеймекер, дилида уни ўлдирмоқни кўзлаган қотил, жинояткор бўлса? Яна нима учун? Нега у ўтган кеча хотинига ўлим тилади? Ана, унинг аҳволи яна оғирлашган кўринади.

— Кўлингиздан нима келса, ҳаммасини қилинглар, — деди у доктор Стормга. — Ҳали-ҳануз уни қутқаришнинг иложи бор экан — қутқаринг, ҳеч ниманинг юзига борманг.

— Албатта, мистер Хеймекер, — ачинаиб жавоб берди мистор Сторм. — Ниманики зарур бўлса, ҳаммасини қиламиз. Кўнглингиз тўқ бўлсин. Кеча қонни камроқ қўйдик шекилли, ундан ташқари, бу ўринда одам қони суюқлик қилади. Қон қуйганимиз беморга анча ёрдам қилди, лекин бу камлик қилади. Бугун яна бир кўрамыз.

Иши кўплиги учун Хеймекер маънос, дилхаста аҳволда идорасига кетди. У қачон қора ниятлар ва истакларга бормасликка, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам улардан қутулишга яна аҳд қилди. Одамгарчиликдан эмас-да бу. Ахир бора-бора буларнинг бари қандайдир сирли йўл билан ўзига қайтади-ку. Эрнестинани мана шу фикрлар ҳалокатга етаклапти шекилли. Иложини топса, ишқилиб хотини шифо топиб кетсин, у бунга ҳалақит бермайди. Қанча оғир бўлмасин, яна ўзини қурбон қилади. Бошқача йўл тутиш мумкин ҳам эмас. Деярли бутун умри ўтиб кетгандан кейин шикоятга ўрин борми? Яна бир неча йил ўтса нима қипти?

У анча хотиржам уйга қайтди — қалби хайрли ниятларга тўлиқ эди: бемор боқувчи соат учларда кўнғироқ қилиб, хотинининг аҳволи яхши эканлигини хабар қилган эди. Иккинчи бор қон қуйилгач, беморга дармон кириб, ҳатто ўрнидан туриб, бироз ўтирди ҳам. Соат бешда ҳузурга кирганида хотинининг ранги ўчиб, бўшашиб ётарди-ю, лекин кўзлари чакнаб, икки бети нимпушти товланарди ва Эрнестина эрига қараб сезилар-сезилмас жилмайди — аҳволи яхшиланганлиги шундоққина кўриниб турарди. Доктор Сторм қандай ғамхўр-а! Ишқилиб, хотини тузалиб кетсин-да! Хатар ўтсин-да! Соат саккизда доктор Сторм яна келади.

— Хўш, аҳволингиз қалай, азизим? — сўради Эрнестина эрининг қўлини қўлига олиб, назокат билан унга боқаркан.

У энгашида ва Эрнестинанинг пешонасидан ўпди, бу бўса унга хоинлик бўлиб туюлмади. Бугун у ҳимматли, мурувватли — Эрнестинанинг шифо топиб кетишини чин дилдан истади.

— Менинг аҳволим яхшику-я, ўзинг-чи? Ташқарида кўклам. Тезроқ тузалгин, шундоқ кунларни бетоб ўтказиш ҳайф.

— Яқинда тузалиб қоламан, — оҳиста деди Эрнестина. — Аҳволим анча дуруст. Ўзингизнинг аҳволингиз қандай? Юмушларингиз яхши кетаяптими?

У бош ирғади, жилмайди ва хотинига баъзи янгиликларни сўзлаб берди.

— Этельберта кўнғироқ қилиб, бинафша келтираман, деди. Соат олтида Уэсли билан Ирма келади. Танишлар саломатлигини сўрашди.

«Қандоқ қилиб шунчалар тошюрак бўлдим-а? — деб сўрарди у ўзидан. — Нега унга ўлим тиладим-а?...» Аслида Эрнестина унақа ёмон аёл эмас, ҳатто ўзига хос назокатли,

бошқалар учун тенги топилмайдиган рафиқа бўлиши мумкин. Дунёда яшаш, ҳаёт нашъасини суришга у ҳам Хеймежердай ҳақли. Бу аёл — фарзандларининг онаси, яна шунча йил бирга яшади. Бу кун ажойиб кун бўлди-да, мана ҳозир ҳам дераза ортида ажойиб май оқшоми. Ҳаво шундай мусаффо, осмон беғуборки!..

Телефон жиринглади, яна кимдир Эрнестинанинг аҳволини сўраяпти. Оқсочнинг айтишича, бетўхтов кўнғироқ қилишяпти, айниқса шу бугун. У узун рўйхат узатди: қизик, ўзидан кўра Эрнестинанинг дўстлари кўп экан — шунчалик очиқ кўнгил, андишали, иззатли аёл. Нега энди унга ёмонлик тилаши керак?

У Этельберта ва Уэсли билан хушчақчақ суҳбатлашиб овқатланди: кўпдан бери ўзини бундай енгил ҳис этмаганди. Ҳадсиз-ҳисобсиз, қарама-қарши фикрлар энди ортиқ қийнамасди, кўнгли хотиржам эди. Хеймежер фарзандларидан уларнинг қандай яшаётгани, невараларининг аҳволини суриштирди. Соат саккиз яримда яна доктор Сторм келди ва мисс Хеймежернинг аҳволи анча яхши бўлиб қолганини айтди.

— Бутунлай соғайиб кетишига умид бор, деб ҳисоблайман, — деди Сторм. — Агар бир-икки кеча аҳволи оғирлашмай, хотиржам кечса, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Қувватига қувват қўшилди. Лекин хотиржам бўлишга ҳали вақт эрта. Бу — ниҳоятда маккор дард. Беморнинг аҳволи эртага қандай бўлишини кўрайлик-чи, балким яна бир марта қон қуйишга зарурат туғилар.

Сторм кетди, соат тўққизга бориб, Этельберта билан Уэсли ҳам, агар оналарининг аҳволи оғирлашса кўнғироқ қилишни сўраб жўнашди. У ёлғиз қолди. Хеймежер ўтириб хаёлга толди. Кейин бир неча дақиқага хотини ёнига кирди — бошқа кунлардаги каби бугун ҳам доктор Этельбертага осойишталикни таъминлашни буюрганди — сўнг, ухлагани кириб кетди. Соат ўн бир эди. У жуда чарчаганди. Нопок виждон, қарама-қарши фикрлар уни абгор қилган, ўзини ҳорғин ҳис этарди: албатта ухлаб олмоғи керак. Ўзи ҳам ёмон одам эмас, ҳаёти ҳам бир нави. У лозим кўрилганидек фикр юритди ва шундай иш тутди. Уша қора фикрларга бормаслик керак эди-да! Шундоқ бўлсаям...

У каравотда деразага қараб ётар, боғнинг бир чеккаси кўриниб турарди: ойнинг қумуш нурига ғарқ ҳолда куртак ёзган дарахтлар, кўлнинг қирғоғи... Бу ерда, шаҳарда ҳар туп бута, ҳар бир яшил бурчак фақат давлатмандларгагина насиб этадиган ноёб бойликдир. Ёшлигида Хеймежер сувни яхши кўрарди, ҳар бир кўл, ариқ, ирмоқни кўрганида дили яйраб кетарди. Йигитлик чоқлари кечаси оидинда сайр қилишни севарди. Бундай чоқларда у муҳаббат ва бахт ҳақида ўй сураб, унга етишишни орзуларди-ю, лекин орзуси ушалмади. Бир вақтлар у яхт-клуб лойиҳасини тайёрлади, унинг пойдевориغا усталлик билан тарашланган тош қадалганди — нақ қирғоққа келиб урилган тўлқин пойдеворни ялаётгандай... Яна бир гал, узоқ йиллар илгари ўзи ва анави учун — қачондир эркин бўлса, уни балки севиб қолиши мумкин бўлган ажойиб гўзал учун — боғ-уй қурмоқни кўзлади. Ният қанчалар яхши эди-я! Лекин ҳозир, мана шу соатда бу ҳақда ўйлашнинг ўзиёқ унга ҳақорат, шафқатсизлик, ёвузлик, худбинлик, бетавфиқлик бўлиб кўринади... ахир барибир, вақт ўтган эди-да! У ой нурига ғарқ боғдан кўз узди-да, хўрсиниб қўйди — ухлаш керак, қора ва шу билан бирга ширин хаёлларини қувди.

Хеймежер мудраб кетди ва назарида қандайдир фавқулодда гўзал аёл, гўзалликнинг нақ ўзгинаси, шу чоққача у интилган нарсалар тимсоли қўлидан тутганича бети жимираб турган жилғалар, шаффоф кўллар ёқалаб, чеккасида улуғвор черков, минора, оқ мрамрдан ясалган ҳайкаллар қад қўтарган, тикка ўрлаган кенг йўлдан қаёққадир узоқ-узоқларга бошлаб кетди. У индамай бормоқда эди ва наздида, унга нимадир ваъда қилинганди... Олдинда кўпдан интиқ кутгани қандайдир нафосат кутарди... Фақат у бораётган сирли диёр қоронғи эди, олдинда қоронғиликнинг ястанганлиги учун ҳам кўнгли ғаш ва ташвишли эди. У гўзаллик қидириб йўлга тушган ва ҳамон уни излар, изларди-ю, лекин атроф қоронғи эди, шунда бирдан...

— Мистер Хеймежер! Мистер Хеймежер! — деган овоз аввалига секин, сирли эшитилди, кейин бу овоз ташвишлироқ жаранглаб, кимдир уни туртди. — Тезроқ тунринг! Миссис Хеймежер...

У ирғиб ўрнидан турди, бош тарафига илиғлик кўк шоҳи халатини елкасига ташлади-да, йўл-йўлакай белбоғини боғлади. Ранги ўчган, ўзини йўқотган миссис Эльфрид... Тушунди: энг даҳшатли воқеа содир бўлган. Мана унинг ётоғи. Хотини сокин, хотиржам, қандайдир мунғайиб тирикдек ётарди; у худди ухлаб ётгандай кўринар, юпка лаблари, илгари ўйлаганича — совуқ лаблари истеҳзоли жилмаяётгандай эди... Балки бу табасумнинг изидир. Хотинининг юзида шундай ифодани авваллари ҳам кўрган: такаббурона ва доно табасум, унинг ўзидан ҳам кўра доно. Узун, ингичка, нозик қўллари кафти очик, икки ёнида ётар, жуда чарчагандай бармоқлари хиёл ёйилганди. Қовоқлари ҳорғин. Кўзларини абадий юмган. Устига ёпилган намат ориқ гавдаси тахлитини намоен этарди. Кечаси беморга қараган мисс Филсон бир неча дақиқагина мудраб кетганини ва кўзини очганида ҳаммаси тамом бўлганлигини саросимада сўзлаб бермоқда эди. Аёл жуда тушкун, хафа, доктор Стормдан ҳайқиб турган бўлса керак.

Хеймежер чуқур изтиробда қараб турарди — кичкина Элзуэл вафотидан сўнг ҳеч нарса уни шунчалик ларзага солмаганди. Ахир у яхши рафиқа бўлишлик учун қўлидан келганча ҳаракат қилди-ку... Нега йиллар бирга умргузаронлик қилишди — мана энди

у йўқ. Хеймекернинг кўзи жиққа ёшга тўлди, тўшак тарафга оҳиста юрди, кўлига тегиб кетмаслик учун эҳтиёт билан чўккалади.

— Эрни, қадрдоним... Эрни, наҳотки энди йўқсан? — ҳазин деди у, лекин ўз овози унга сохта, мунофиқона туюлди.

У хотинининг қўлини олди ва маъюслик билан лабига олиб борди; сўнгра кейинги кунлардаги миядан чиқмайдиган қарама-қарши фикрларни эсларкан, пешонасини хотинининг чаккасига қўйди, миссис Эльфрид билан бемор боқувчи аёл эса, кўз ёшларини артиб, унга қараб туришарди: унга, танҳо қолган қарияга раҳмлар келмоқда эди!

Бир оздан сўнг уни ўрнидан туришга кўндирдилар: у руҳсиз бир аллозда ўрнидан турди ва мисс Эльфрид билан бемор боқувчи аёлдан ҳозирча болаларни безовта қилмасликни сўради. Ахир энди улар оналарига ҳеч қандай ёрдам кўрсатолмайдилар. Эрталабгача хотиржам ухлач қолсинлар. Кейин у ўз хонасига қайтиб кирди, тўшагига бориб ўтирди ва бир дақиқача ойнинг кумуш нурига фарқ боққа қотиб қолган назар-ла қаради, боғ ҳамон аввалгидай чиройли эди. Даҳшат. Шундай қилиб, унинг ёмон ниятлари ахийри амалга ошипти-да! Хотинини наҳотки унинг ёвуз нияти ўлдирган бўлса? Шундай бўлиши мумкинми? Наҳотки, бу унинг овоз чиқармай қилган илтижоларининг ижоботи бўлса? Унинг пинҳон ниятлари қандай бўлганини хотини билганмикан? Уйлашнинг ўзи қанчалар даҳшат. Ҳозир у қаерда экан?.. Билса, эри тўғрисида нима деб ўйлаётган экан? Энди ундан нафратланиб, таъқиб этиб юрмасмикан? Ҳали тонг отгани йўқ, соат икки ёки уч бўлди, ой ҳамон ярақлаб нур сочиб турибди. Энди ҳаётдан бутунлай кетган хотинининг жасади эса қўшни хонада оппоқ оқариб, совиб ётибди.

Бироздан сўнг у ўрнидан туриб меҳмонхонага чиқди, бу ерда, дераза ёнида ўтиришни севарди. Кейин хотинининг ётоғига қайтди. Балки мана шу ерда, яқингинада у бор бўлган, энди эса жонсиз ётган хонада фикрини жамлай олар. Кўраётганмикан ёки кўрмасмикан... билармикан ёки билмасмикан... энди ҳаммаси тамом. Барибир ўзини гуноҳдор ҳисоблайди. Эрнестина шунчалар садоқатли эди, у ҳақда, болалар устида шунчалар ғамхўрлик қиларди, жуда ўрнига қўярди буни. Мана шу сўнги кунларда унга шафқат қилиш, қора фикрларга эрк бермаслик керак эди.

Унинг туйғулари алғов-далғов эди, сира татибга солмасди. Лекин ҳарҳолда ўзининг айби нимадалигини билиб олиши, хотинига нисбатан аламзадалик, адоват қайдан пайдо бўлганини англаб етиши керак, акс ҳолда тинч юролмайди. Албатта тушуниб етмоғи керак... Лекин қандақ? У мисс Эльфрид билан кечаси доктор Сторми ҳам безовта қилмасликини келишиб олди. Улар эрталабгача бироз дам олишга қарор қилишди. Кейин у дераза ёнида ўтириб боғни томоша қилиш учун сеvimли хонасига кириб кетди. Балким шу ерда у жумбоқни ҳал қилар, ҳаммасини охиригача ўйлаб олар, ҳақиқий туйғулари қандайлигини англаб етар. Ҳа, у тилаган нарсани тилаш жуда ёмон. Хўш, унинг ўзи қандай? Ўзининг ҳаёти-чи?.. Тонг ёришиб келмоқда эди, шарқ тарафда осмон бўзара бошлади, хона ёришмоқда эди. Деворга кўндирилган кўзгудан ориқ, букчайган, соқол-сочлари патила киши ҳорғин кўзлари билан унга қарамоқда. Булар унинг эркинлик, бахт ҳақидаги орзуларига асло мос келмасди... Қанчалар даҳшатли масҳара! Қандайин бир ҳалокат! Эркин бўлган тақдирда ҳам, шу аллозга тушган кимсага бахт ва муҳаббатни орзу қилишни ким қўйипти! Ойнага қараб ўзига боқса кифоя. Мана у — қари, сочлари оппоқ — шarti кетиб, парти қолгани кўриниб турипти. Буни аллақачонқоқ тушунмагани қизиқ-а? Қанчалар бемаънилики! Бундайин пуч орзуларга берилганини-я? Энди нимадан умид тутати? Биронта чиройли аёл унга қайрилиб боқмади, албатта қарамайди. Ешлигининг ярқироқ орзулари ҳеч қачон ушалмайди. Бу сароб эди, шармандалик эди. Хотини ҳаётми ёки вафот этганми, унинг учун энди ҳеч нима ўзгармайди. Бари иккиланишлари ва тарадудланишларига қарамай энди у эркин. Лекин аллақачон қариган, ҳолдан тойган — одамови, адои тамом бўлган кимса.


Ҳаёт қанчалик золимлик, бешафқатлик билан уни мазах қилади, инсон тақдирига доимо бирдай лоқайд... Дунёга келиб нима кўрди у? У ўзининг кўзгудаги кўзи атрофлари ва пешонасини ажин босган қорачадан келган бетига хомуш қарарди; буришган қора қўллар, ахир бир пайтлар қандай чиройли эди-я; эпцилликдан маҳрум бўлган беўхшов ориқ гавда. Бир пайтлар назарга яқин эди; ўктам, бақувват, серғайрат... Энди-чи?.. У кўзгудан кўзини узди ва япроқ ёзган дарахтларга, қўлга, баландлаб қолган қўёшнинг заррин нурларига боқди... Ҳа, шу топда у алоҳида мазмун касб этган: ҳали навқирон бўлганлар учун сеҳрли янги куннинг туғилиши... Яна ўзининг кўзгудаги аксига қаради. Энди нимани кутади? Нимадан умид тутати?

Шунда у анави тушини — ниманидир излагани ва уни қаёққадир бошлаб кетаётганлари, олдинда унга ажойиб нарсалар ваъда қилингани, лекин ўша ёқдаги туманликни... яна эслади. Бу тушининг маъноси нима? Балким етиб бўлмас хилқатдир? Балки бу — унинг бутун умрининг рамзидир? Балки... Балки...

— Эркинман! — деди у ниҳоят. — Эркин!.. Энди бунинг маъносини биламан. Ахийри эркин бўлдим-а! Ҳа, эркинман... Эркинлик — дунёдан ўтиб кетишим!..

У шу кўйи, соқол-сочларини тутамлаб, дераза ёнида хаёлга толганча турарди.

Русчадан **Холида АҲРОРОВА** таржимаси



САИД АХМАД 70 ЕШДА



ИНСОНИЙ ҲАРОРАТ

Саид Аҳмадни туғилган куни билан табриклаганимда, у шундай деди:

— Ҳа, дастлабки етмиш қийин бўлар экан. Кейингилари, назаримда, осон кўчади. Чунки бўёғига бор-йўғи биттагина муаммо, сиҳат-саломатликда яна жиндек яшаб олиш муаммоси қолди, холос.

Бу Саид Аҳмаднинг одатдаги ҳазили, албатта. «Дастлабкиси»нинг қийинлигига келсақ, нимасини айтасиз! «Кейинги»лари... ҳа, майли, берса шукур деймиз. Шуни биламанки, дўстим ҳеч қачон биттагина муаммо билан яшамаган, яшай олмайди ҳам. Ҳозирги ташвишли жамиятимизда неча минг хил муаммо бўлса, унинг ўйларидаги, ҳаёти ва ижодий безовталиклари замиридаги муаммолар ҳам бундан жилла кам эмас. Адибнинг янги романи, комедиялари, публицистик чиқишларидан китобхон буни яхши сезиб турибди.

Лекин менинг ўйларим бошқа ёқда.

Ёзувчи кўтарган долзарб ҳаётий фикрлар турмушга қанчалик таъсир қилмоқда? Тўғри, адабиёт келажақ учун хизмат қилади, дейдилар. Аммо ёзувчи қийналиб, дилидан ўтказиб айтган биронта гапининг амалга ошганини кўриб ўтишни истайди. Очиғи, Саид Аҳмад ўрнида бошқа одам бўлса, аллақачон хомуш тортиб, тушкунликка берилиб кетган бўларди. Узингиз ўйлаб кўринг: одам бир умр сатира қаламини қайраб, хато ва иллатларни тап тортмай фош этиб, не-не зотларга ёмон кўриниб, қора терга ботиб меҳнат қилса-ю, қариганида ҳам атрофдаги ҳаёт жилла яхшилашни, озгина софланиш ўрнига, кун-кундан баттар бўлаётганини кўрса!

Бадий сўзнинг кучли ё кучсизлиги бўлак гап, аммо унинг кўпдан қадрсизланганлиги, неча ўн йиллардан бери сўзнинг сўзлигича қолиб келаётганлиги исбот талаб қилмайди. Мен сўз билан амалнинг бир-биридан бу қадар узилиб, узоқлашиб кетганлиги сабабларини сира тушунолмайман. Эндиликда «Сўз ҳам — иш» деган тасалли чиққан, шу билан овуниб юрибмиз. Аммо ҳар замонда бир ўйлар чўктиради: не-не эзгу, муҳим фикрлар айтилиб, ҳавода муаллақ қолди, ахир! Аламли жойи шундаки, ҳозир ҳам аҳвол, тахминан шундай. Янги авж топган бадий публицистикамизда

айтилаётган гапларнинг ақалли бир қисми амалга ошса, қайта қуришнинг ютуқлари ҳақида гапириш мумкин бўларди!

Истеъдодли ёзувчиларимиз қайси муҳим муаммоларни кўтармаган? Орол фожиасиними? Қишлоқда хотин-қизларнинг аянчли аҳволи ёки болалар саломатлигининг қаровсизлигиними? Еки расмиятпарастлик, порахўрлик, кўшиб ёзиш, ўғрилик адабиётда тилга олинмабдими? Атроф-муҳитнинг, ер-сувнинг заҳарланиши ҳақида ёзилмабдими?

Биз ҳамма вақт истиқболга умид боғлаб келамиз. Оталаримиз, ўзимиз, болаларимиз сингари, эндиликда невараларимиз ҳам кафтини минглайига соябон қилиб истиқболга тикилишмоқда: олдинда ҳаёт яхшироқ бўлар, деб. Аммо юқоридагидай ўнлаб, юзлаб муаммоларнинг ҳал бўлишига ҳали ҳам кўзимиз етмаяпти.

Биз Саид Аҳмад билан бир куни кўхна китоблардаги Сизиф афсонасини эслаб ўтирдик. Ундаги «абадий харсанг»ни сиз яхши биласиз. Юқоридаги фикрлар нуқтаи назаридан, бизнинг авлодимиз харсангни қандайдир хаёлий чўққига юмалатиб олиб чиқиш учун етмиш йил давомида қора тер тўккан Сизифга ўхшаб кетади.

Саид Аҳмад билан ўша суҳбатимизни эсласам, ичимда бир нола кўзғайди. Гоҳи шу нолага беихтиёр кулоқ соламану Максим Горькийнинг бир аччиқ сўз ўйини ёдимга тушади. Ундан «Аҳволингиз қалай?» деб сўраганларида, «Максимально горько!» деб жавоб берган экан.

Мен адабиётимиз ўтмишини тамоман инкор қилувчиларни қўлламайман. «Бир неча ўн йиллик ўпирилиш...», «Йўқолган авлод...» — Булар бари ғайри тарихий, ғайри фанний гаплар. Авлод ҳеч қачон йўқолмайди. Кўпчилигимиз адабиётда ҳамма вақт ҳозирда янги куч билан кўтарилаётган муҳим муаммолар билан яшаганмиз. Фақат, юқорида айтганимдай, овозимиз биёбонларда беҳуда янграб, ўчиб кетган...

Саид Аҳмад ва унга ўхшаш истеъодларнинг ижодий ҳиссасини, унинг йиллар элагидан ўтган тўқ мағизини салмоқлаш учун адабиётдаги умумий фонни тасаввур этиб кўриш керак. Маълумки, социалистик реализм қолиплари, мафкуравий догма исканжалари сиқувда, айниқса, катта насримизнинг инсоний ҳарорати батамом йўқолиб кетишига сал қолди. Самонавий мавзудаги баъзи романлар мансабдорлар фаолиятига бағишланган, ҳеч қандай ҳаётий моҳиятсиз жўн тарғибот воситаси сифатидаги ёйиқ очерк даражасига тушиб кетди. Кўпинча шундай бўлар эдики, ташвиқот-тарғибот бор-у, роман йўқ. Ҳамма нарса очик-ойдин, ҳамма нарса тушунарли, ёрқин, юксак, изланишу тортишувга ўрин йўқ. Асосан партиявий функцияонерлар ҳақидаги бу сийқа мақола-романлар шиорларга асосланган масъулиятсиз кундалик сиёсатга жўн бир иллюстрация, катта бадийий санъат нуқтаи назаридан эса сохта-совуқ бир қолип бўлиб қоларди.

Бундай фонда Саид Аҳмаднинг доим табиий, инсоний ҳиссиётларга тўла, ортиқча безаксиз, нафис лирик ва юмористик оқимлар билан эшилиб келадиган бой насри ҳамиша алоҳида ажралиб туради. Аниқроғи, у насримиздаги азалий табиий ҳароратни, унинг халқона, ростгўй, камтар гўзаллигини совуқ расмий схемалар ва ёлғон шиорлар қаҳратонидан совуқ урдирмай асраб олиб чиққанларнинг биридир. Унинг энг яхши асарлари эзгу тушуналарини шунчаки мавзуга, шиорга айлантирадиган роман-бутофорияларга зарба бўлиб тушди. «Уфқ» романида у газета савиясида юзакиланиб, жўнлашиб қолган ватанпарварлик тушунчасини мураккаб оилавий муносабатлар ва халқнинг маънавий анъаналари асосида инсоний қадриятлар нуқтаи назаридан таҳлил қилишга интилди.

Адибнинг янги романи «Жимжитлик» менинг кўз ўнгимда яралди, унинг тўлғоқларидан шахсан хабардорман. Дўстим авваллари «фалсафага чуқурроқ ботдим, чоғи...» дея иккиланиб, ҳардам хаёл бўлиб қийналиб юрди. Кейин... «даврнинг орқасидан юрган унинг юзини кўрмас экан...» деди яна бир куни келиб. Бир неча йилдан сўнг эса: «капитализм сарқитларига қарши кўп курашдик, энди социализм иллатларини фош қилишга тўғри келяпти...» дея ярим ҳазил билан янги режалар тузди. Лекин кўриниб турардики, оғир изтиробларда, эгри-бугри йўлларда нимадир етиляпти, роман пишмоқда...

Бу иш бундан йигирма йилча аввал бошланган эди (асарнинг 70-йиллардаёқ чиққан парчалари ёдингиздадир). Демак, романдаги ҳозир долзарб ҳисобланган муаммолар ёзувчини ўша вақтлардаёқ безовта қилган. Шунинг учун асарга баҳо бериувчилар (футбол шарҳловчиларига ўхшаб, «гол!» дея қичқириб, натижасинигина айтиб қўя қолмасдан) оғир ўйларда қийналган муаллифнинг мураккаб образли тафаккур йўлларида ҳам бир юриб ўтсалар маъқул бўлади. Ҳозирча романга шу кунги ўткир ва долзарб масалалар нуқтаи назаридан қараб, унинг фош қилувчи кучинигина таъкидлашмоқда. Унинг Саид Аҳмадга хос халқона бадийий бойликлари ҳақидаги гап — олдинда, деб ўйлайман. Айниқса, драматик асримиз инсонларнинг жимжит гўшаларга қочиб қутулолмаслиги, бу ҳақдаги хом хаёлнинг фош этилиши, давримиз кишининг беҳаловат табиати ҳақидаги концепция ҳеч қандай социологиясиз ва конъюнктура (фараз)сиз таҳлил қилиниши керак.

Саид Аҳмад асарларининг тили она тилимиз бойликлари қайта тикланаётган, миллий рангларининг баралла очилишига имкон туғилаётган шу кунларда алоҳида мавзу бўлишга муносибдир. Афсуски, бу ҳақда ҳали биронта ҳам мақола йўқ. Саид Аҳмад ўзининг ниҳоятда табиий, халқона бой, ширали тилига, руҳият, бадиият ва ҳақиқат мантиқиға ҳамиша мувофиқ, чуқур лирика ва дилкаш юмор билан сўғорилган тилига роман ва пьесаларида, ҳикоя, фельетон ва ҳатто ҳажвий миниатюраларида ҳам доим содиқ бўлиб келди. Тил маҳоратининг биринчи ўринга чиқиши, балки, Саид Аҳмад истеъдодининг энг қимматли фазилатларидан биридир. Унинг устози Чеховми, Қодрийми, Қаҳҳорми, бу ҳақда кўп ёзишади, билмадим, менимча бунинг аҳамияти йўқ, чунки истеъдод учун энг муҳими — унинг ўз қалбидаги илоҳий учкун. Табиат бундай истеъодларни бизга ўзимизни синаб кўриш учун инъом этади, чоғи, келажакда кимларгадир, эҳтимол, Саид Аҳмадга қийслаб баҳо беришар.

Шахсан мен Саид Аҳмаднинг сатирасидан ҳам кўра, ҳаётбахш юморини кўпроқ қадрлайман. Сатиранинг вақти ўтиши мумкин, у кўпинча ўткинчи ижтимоий, ғоявий ранглар касб этади. Аммо юмор инсоний, абадий.

Елғиз китоб ўқиб ўтирган одамнинг ўзидан ўзи жилмайишини, гоҳ роҳат қилиб кулиб юборганини кўрганмисиз? Бу дилда туғилган самимият. Саид Аҳмаднинг ана шуни ярата биладиган мўъжизаси бор. Бу мўъжиза китобхоннинг холи қироатхоналаридагина эмас, ўнлаб театр ва кино

залларида ҳам самимият ва дилхуш туйғулар яратади, одамларнинг қалбини поклаб бир-бирларига яқинлаштиради. Машҳур Фармонбиби оиласи билан, «куёв» Гани Аъзамов билан Академик театримизнинг томошабинлари минглаб мартаба учрашган бўлсалар ҳам, яна кўргилари келади. Бу сертўполон оила, бу «куёз» қария билан қўшни жумҳуриятлар, Хитой, Лаос, Мўғулистон томошабинлари ҳам таниш, қадрдон бўлиб қолдилар.

Саид Аҳмаднинг шахси ижодига ажойиб тарзда уйғун ва мос. Баъзи ҳажвчи ёзувчилар камгап, тунд бўладилар. Саид Аҳмад бу ўринда ҳам охиригача табиий, ижоди каби очик, зукко, хушчақчақ, ҳозиржавоб. Жумҳуриятимиз халқи орасида у, худди Фафур Ғулум ёки Шайхзода сингари, халқ маънавиятини акс эттирувчи ўзигагина хос фазилатлари билан таниқли бўлган шахсдир.

Мен у билан дўстлигимни (ярим асрлик!) жуда қадрлайман. Эшигини тақиллатиб кечалари безовта қилсам ҳам, «Дўстликнинг кечаю кундузи баробар, келавер», дейди. Кўп йиллик одат: қораламаларимизни таҳрир қилишамиз. Таҳрир дедим, танқид эмас. Бизнинг ўзаро танқидимиз одатдаги танқидга ўхшамайди. Биз ўз имонимизга шивирлайдиган сўзимизни бир-биримизга айта оламиз. Бизнинг ижодий ҳолатимиз айни пайтда маънавий-виждоний ҳолатимиздир.

Асқад МУХТОР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

БЕОЗОР ҚАҲҚАҲА

(Устоз суратига чизгилар)

Гоҳида ўн беш миллионли халқ ўқиб, завқланиб, фарзандим деб ардоқлаган ёзувчини Иттифоқ ёки жаҳон миқёсида икки-уч йилгина оғизга тушган ижодкор билан таққослашга одатланиб қолганмиз. Бу хил таққосда иложи борича ўзимизники камситилади. Бизнинг китоблардаги воқеалар, ўзимизга таниш муаллиф асари «бегона» асарларнинг шаклига, қолипига солиниб, таҳлил қилинади. Натижада биздаги ҳаёт ҳақиқатлари ўша қолипга ё сиғмай қолади, ёки унинг ичида йўқолиб кетади. Бундай танқидчиларни «Сол кетингни саватга — сиғса ҳам бир танга, сиғмаса ҳам бир танга» дея шарт қўйган тентак подшога ўхшатгим келади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, биз ўз адабиётимиз, маданиятимиз билан фахрланишни билмаймиз. Бунинг учун ҳам маданият керак-да. Бундан анча йиллар аввал (турғунлик йилларида) Ялтадаги адабиётчилар уйида бўлган эдим. Ўзбек ёзувчиларидан уч киши, гуржи шоири Александр Бегашвили ва арман шоири Арменак Сармен бир даврада тўпланиб қолдик. Гап адабиёт ҳақида, шон-шухрат ҳақида кетди. Менинг иккала шеригим ўша йиллари Иттифоқ миқёсига аранг кўтарилган ўз шоир ва ёзувчиларини бирин-кетин ёмонлаб, уларнинг устига мағза-ва эмас, яна алланима балоларни афдаршди. Шунда Бегашвили бизлар номини ҳам билмайдиган гуржи шоирларидан ўнга яқинини санаб, уларнинг ҳар бирини алоҳида сифатлар билан таърифлашга тушиб кетди. Бировини — бугунги гуржи шеърятининг қуёши, иккинчисини — ноёб лирик, учинчисини — мисли йўқ истеъдод, яна бирини — шу хил шоир бошқа халқда бўлса, ўша халқ ниҳоятда бахтиёр бўларди, — деди.

...Шунда шерикларимнинг сўзларида жиндай ҳақиқат бўлса-да, улар ниҳоятда маданиятсизлик қилганларидан уялиб кетдим. Ушанда уларга танбеҳ бера олмаганимга, мана энди иқроор бўлиб, ўқиниб ўтирибман. Сир қолмасин, «талабчан», «ҳалол» шерикларим ҳозир ҳам ўша даражада судралиб юришибди.

Бироқ шундайлар томонидан китоблари турли хилдаги катта-кичик «қолип»ларга солиниб, камситилган ёзувчилар бизда озми? Бугунги ўзбек адабиётининг пешқадам вакиллари Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Худойберди Тўхтабоев ва бошқа адибларимизнинг асарларини ўзбек халқи ҳеч қандай қолипсиз ҳам яхши кўриб, севиб, завқланиб ўқийверади.

Икки оғиз сўз, шу хил устоз ёзувчиларидан бири ҳақида.

Ҳар қандай улкан талант аввало ўз халқи орасида «афсона»га айланмоғи лозим. Сукрот, Навоий, Марк Твен, Бернард Шоу, Пушкиндан тортиб, қозоқ Жамбул Жабаев, доғистонлик Абу Толиб, ўзимизда Фафур Ғулум, Садриддин Айний ва бошқалар ҳақида халқ орасида қанчадан-қанча қизиқ латифалар юради. Чунки улар ҳаммаша халқ ичида бўлганлар, аҳолининг турли қатламлари билан бемалол сўхбатлашиб, уларнинг саволларига жавоб топиб бера олганлар.

Ҳозирги «халқ ёзувчиси» деган унвонга сазовор бўлган устоз акаларимдан кечирим сўраган ҳолда бир ҳақиқатни айтмоқчиман. Шу кунларда халқ орасида нафақат ҳикоя, қисса, роман ва комедиялари билан, балки у ёки бу қилғи, сўзи, ҳозиржавоблиги билан машҳурликда Саид Аҳмадга етари бўлмаса керак. Бу билан уни бошқалардан устун қўймоқчи эмасман. Лекин бу ҳақиқат машҳурлик — талантликка белгиси. Мана чорак асрдан бери унинг ёнидаман. Йиғилишларда, сафарларда, зиёфатларда, қувончли ва оғир дамларда Саид Аҳмад ака билан бирга бўлганман. Кундалиқларим унинг латифанамо гапларига тўла. Иқроор бўлиб айтишим керак, шоғирд сифатида мен уни эмас, устоз бўлиб у мени излаб топган.

1968 йилнинг ёзи эди. Тушдан сўнг Бухоро радио эшиттириш комитетининг эски биносига ишлаб ўтирдим. Кўнғироқ бўлиб қолди:

— Ниғмат борми?

Хайрон қолдим. Бухороликлар лаҳжасига ўхшамайдиган бу киши ким бўлдикин?

— Ким сўрапти?

— Мен, Саид Аҳмадман...

Қулоқларимга ишонмаганман ўшанда. Атиги икки-учта ҳажвияси «Муштум»да чиққан, оддий бир ҳаваскорни шундай атоқли ёзувчи сўраб, кўнғироқ қилса. Бирпас эсанкираб қолдим.

— Қаердасиз?

— «Колхоз бозори» ёнидамиз, Саид опанг ҳам бор...

Эзмалик қилиб ўтирмайман, бу ҳақда у кишининг ўзлари ҳам ёзганлар.

Саид Аҳмад ака нега бунчалик халқчил? Назаримда, ҳамма фазилат унинг шахсиятида, камтарлиги одамхонлигида. Ҳар қандай шароитда ҳам у одамларга тез аралашиб, эш бўлиб кета олади. Гапни одамнинг касби-корига, кўринишига, кайфиятига қараб осонгина танлайди. Бир кўришдаёқ нотаниш одам билан оралиқдаги андиша, уят деган «сирли парда»ни осонгина кўтара олади. Гоҳида гапни ўзининг «хунук»лиги, бурнининг «ноухшов»лиги, қолаверса, «бўйдоқ»лигидан бошлайди. Шунда ҳар қандай нотаниш кишининг ҳам қулфи-дили очилиб, бирпасда ичидагини «дастурхон» қилиб, тўкиб ташлайди.

Қашқадарёда юрганимизда кўрс бир ҳайдовчининг машинасига ўтириб қолдик. Афтидан, ким биландир айтишиб қолган шекилли, қовоғини сира очмас эди. Саид Аҳмад ака унга ён томондан қараб олиб:

— Бай-бай, бурнингиз меникига ўхшаб бунча хушбичим бўлмаса,— деди.

Ҳайдовчи унга ялт этиб қараб олди-ю, кулумсирагандек бўлди. Саид Аҳмад ака ўкиниб сўзида давом этди:

— Э, ука, бизам сизга ўхшаб армияда химвзводда хизмат қилганмиз... Бу бурунга мос келадиган противогаз тополмай анча овора бўлишган...

Ҳайдовчи йигит:

— Тўғри, домла. Мен химвзводда хизмат қилганман. Лекин противогаз резина-ку, бемалол йириб кияверардим...

Гап гапга уланиб, энг охирида ҳазил-мутойиба шу даражага бориб етдики, бадқовоқ йигит туғилганда отаси: «Чақалоқ десам, бурун туғибсан-ку, хотин» дея унинг онасини койганмиш...

Бирпасда ҳайдовчининг кайфияти кўтарилиб, бурун ҳақида икки-учта кулгили, янги латифаларни қалаштириб ташлади.

Саид Аҳмад аканинг бир хислати бор. Бировга дардини, касалини айтиб, унинг кўнглини ғаш қилмайди. Эшитса тўй-маъракага бормай қолмайди. Албатта кириб «тўёнаси»ни ёки «таскин»ини бериб чиқади.

Саид Аҳмад ака машина, радио, магнитофон, канарейка, хурмо дарахти, тухумбарак, ширбоз, кўмма ҳақида бир мутахассис даражада бемалол икки-уч соатлаб гапира олади.

Овқатдан — ошни, ичкиликдан — қора чой ва шу рангдаги суюқликни, мевадан — туксиз шафтолини, гўшт ва колбаса маҳсулотларидан — қазини, филдираклигидан — «Газ — 24»ни, шогирдларидан Носир Фозилони яхши кўради...

Одамдан — зикнани, паррандадан — мусичани, шогирдларидан қарз сўраганини, темирдан — миҳни, жониворлардан — бузоқни ёмон кўради.

Бунинг ҳам ўз сабаблари бор. Масалан, зикнани ким ҳам яхши кўрарди. Мусича жуда ирқит қуш, тухумни ҳам эплаб қўя олмайди. Доимо тухуми ҳовли юзида синиб ётади. Қарз сўраган шогирдларнинг кўпчилиги пул сўраб олиб, кейин унутиб юборишади. Миҳ масаласига келсак, машинасининг балонига кириб, уни тез-тез овора қилиб туради. Бузоқни болаликдан ёқтирмайди. Бир пайтлар ҳовлида ишлаб ўтириб, уйга кириб чиққунича, бузоқлари бўшалиб кетиб стол устидаги қўлёманинг ярмини ямлаб қўйганини ҳали-ҳали унута олмайди...

Ҳақиқий санъаткорнинг бахти унинг келажаги билан белгиланар экан. Бу катта ҳақиқат кўпгина улғў ёзувчиларни ҳам чуқур уйга толдирган. Ҳали ўз замонасидаёқ оламшумул шон-шухратга эга бўлган Антон Павлович Чехов ҳам алам билан: «Вафотимдан кейин 7 йил ўтгач, бутун Россия мени унутиб юборса керак», деган экан. У ўзининг ноёб истеъдодини ҳам, шон-шухратини ҳам, унутиб кетмаслигини ҳам биларди. Бироқ, шунга қарамай, «келажак юки», «вақтнинг аёвсиз ғалвири» доимо уни ҳушёрликка чорлаб турган. Дарҳақиқат, бизнинг бугунимиз кечаги кун учун, қолаверса ўн йилликлар учун келажак ҳисобланади. Менинг назаримда, ҳар бир ёзувчи ижодига баҳо берганда камида унинг ўн йил олдинги асарларини қайта-қайта ўқиб, таҳлил қилиш фойдадан холи бўлмаса керак.

Шу мақола баҳона Саид Аҳмад ака сайланмаси жилдликларини қайта варақлаб, унинг ҳақиқий устоз ёзувчи эканлигига, халқ ёзувчиси эканлигига қаноат ҳосил қилдим. У ўзи яшаган даврнинг «таржимаи ҳоли»ни бадий бўёқларда акс эттирган санъаткорлардан. Саид Аҳмад Абдулла Қодирӣ, Фитрат, Ғафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор сингари ўзига хос мактаб яратган ёзувчилардан биридир. Эллигинчи-олтмишинчи йиллар ҳикоячилигида у, айниқса, самарали ижод этди. Шу йилларда ўзбек адабиётида унга эргашмаган, унинг таъсирида ҳикоя ёзмаган ҳаваскорларни камдан-кам учратиш мумкин.

Саид Аҳмад ҳикоялари «қаҳрамон оталар», «жасур ўғиллар», «жафокаш оналар», «ҳижронзада қаллиқлар» ва бугуннинг яратувчи одамлари ҳаётидан баҳс юритади. Зотан, юқорида айтганимиздек, унинг ўзи ҳам ҳамиша одамлар орасида. У нимаики ёзган бўлса, ўз кўзи билан кўриб ёзган. Ёзувчининг юраги халқ қалби билан ҳамоҳанг урсангина барака топади, эл орасида обрў қозонади. Унинг ўзи айтмоқчи «Хукм» қиссасидаги деталларни алғов-далғов колхоз тузуми йилларида шior ёзиб юрган пайтида кўрган. «Уфқ»даги одамларни, манзараларни Езёвон чўлларида кезганида учратган. «Иқбол чироқлари», «Онажонлар» ҳикояларидаги одамларга Фарҳод ГЭСида мухбирлик қилиб юрган кезларида дуч келган.

Саид Аҳмад асарларида Совет ҳокимияти йилларининг катта бир даври ўзининг бадий ифо-

дасини топган. Бу асарларда биз янги жамият барпо этишдаги кураш йилларини, урушдан кейинги қайта тиклаш йиллари, гарчи оғир ва самарасиз меҳнатдан иборат турғунлик йилларини («Жимжитлик») ва ниҳоят баҳс-мунозараларга бой бугунги кунимизни кўрамиз.

Саид Аҳмад истеъдодли адабиётшунос Иброҳим Ғафуров таъбири билан айтганда «прозанинг шоири». У рангин бир жумла билан кенг кўламдаги манзарани бамисоли мусаввирдек моҳирона чиза олади. Кичик, ҳаётий детал ёки ўхшатиш билан ўзига хос одамнинг қиёфасини, ғалати бир ҳаракат ёки фожиали тўқнашувни китобхон кўз олдида «осонгина» гавдалантира олади. Аслида бу жудаям осон иш эмас. Бунинг учун ёзувчида катта истеъдод, маҳорат ва қайралган қалам бўлиши керак.

Мана бу манзараларни кўринг:

«Қишлоқ йўлига бурилганимда адир орқасидан қовун тилимидек оппоқ ой кўтарилди. Гуллаб ётган ўрикзор хира пардага бурканди.»

(«Тўлқинлар».)

«Қуёш худди қизил қоғозга томган ёғдек хира, шаклини йўқотган эди.»

(«Ойдин кечалар»)

Мана бу қиёфалар билан танишинг:

«Лабларини янги калишнинг ичидек қип-қизил қилиб бўяб олган совуққина жувон қора кўзойнаги устидан сигир қараш қилди.»

«Қупе эшигини очишим билан оғзига сўрғич кийгизилган сут тўла шишани кафтлари орасига олиб кситиб турган жувонни кўрдим-у, нима қилишимни билмай қолдим.»

(«Ялпиз ҳиди»)

Мана бу гапларнинг маъзини чақинг:

«— Ота, энди мен сизнинг қўлингизда бир зувала хамирман, истасангиз кулча, истасангиз патир қилинг.»

(«Қайтиш»)

«— Тавба, офтоб чиқаётган томонга қараб чаккамга пахта қистириб, ўнг қўлимни кўтариб турганимни картина қилармиш.»

(«Чўл бургути»)

Бу хил «қаймоқ»и гапларни Саид Аҳмад асарларида минглаб учратиш мумкин. Бу асарларнинг ўқишли ва яшовчанлиги улардаги ҳаётбахш кулгининг нурли жилоларида бўлса керак. Яна бу асарларнинг ўқишли ва яшовчанлиги ёзувчининг оддий, одатдаги воқеалардан гўзалликни — «керакли нарсани бошқаларга нисбатан тез илғай олиб, ҳозиржавоблик билан китобхонларга етказа олишида бўлса керак.

Ёзувчи халқи одамларни ҳам маънавий, ҳам моддий қашшоқликдан халос қила оларкан. Машҳур кулги устаси Эргаш Каримов билан бўлган бир суҳбатдан кейин шундай хулосага келдим.

— Сиздан бир умр миннатдорман, Саид Аҳмад ака,— деди у концертдан кейин,— бу олқишлар ҳаммаси сиз туфайли. Сиз туфайли, сиз ёзиб берган миниатюраларни чорак асрдан бери ижро этиб, бола-чақа боқдик, уй-жой кўрдик, қиз чиқариб, ўғил уйлантирдик.

Дарҳақиқат, Эргаш Каримовнинг гапида жон бор. Саид Аҳмад драматург сифатида неча минглаб санъаткорларга — ризқ, насиба улашган бўлса, миллионлаб томошабинларни кулги ва қаҳқаҳа билан баҳраманд этди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев томонидан илк марта Ҳамза номидаги театр саҳнасида қўйилган «Келинлар кўзғолони» комедияси тез орада кўшни ўлка ва мамлакатларнинг театрлари репертуаридан мустаҳкам жой олди. Спектаклда Фармон бибининг етти ўғли, етти келини билан бирга яна уч-тўрт киши қатнашади. Саҳнада йигирмага яқин артист ҳаракат қилади. Агар шу спектакль мамлакатимиз ва чет эл театрларининг етмишга яқинида қўйилган бўлса, уларда камида 1400 санъаткор йил бўйи иш билан таъминланган, маош олиб кун кечирган. Бунга режиссёр, рассом ва саҳна ортидаги хизматчилар кирмайди. «Келинлар кўзғолони» спектакли гастролга борганда ижрочилар ва саҳна безакларини ташувчи машина, поезд ҳайдовчиларию кассир ҳамда маъмурият ҳам шу спектакль орқали кун кўришади. Мазкур спектаклга тақриз ёзиб, қаламҳақи ишлайдиган театршуносларни айтмаса ҳам бўлади.

Америкада энг кўп кўрсатилган Совет фильмлари орасида ўзбек режиссёри Мелис Афзалов суратга олган «Келинлар кўзғолони» картинаси туфайли номи оламга дoston бўлган яна ўнлаб санъаткорларни биламиз...

Саид Аҳмад аканинг «Куёв», «Фармон биби аразлади» комедияларида қатнашадиган санъаткор ва саҳна хизматчиларини ҳисоблаш учун японча электрон машинаси керак...

Шу қизиқарли кулги асарларида банд бўлган санъаткорлар ишдан сўнг унинг муаллифига ичидан раҳмат айтишни, театр залидан гурра-гурра кулиб чиқаётган томошабинлар унинг муаллифи билан замондош эканликларини гоҳида хаёлларига ҳам келтирмасалар керак...

Телефон жиринглади. Қаламни қўйиб, гўшакни қулоғимга тутаман.

— Ниғмат... Яхши ўтирибсанми, болам?

— Раҳмат, Саид Аҳмад ака...

— Чолинг қалай?.. Телефон қилиб турибсанми? Ўв, менга қара, чолингни портретини икки оғиз сўз билан чизайми?.. Чолинг юрганда яхтагининг этаги орқада хилпираб қолади... Жуда зўр-да, отангни қадрига ет, ука...

— Раҳмат, Саид Аҳмад ака, сизга ҳам отамнинг ёшларини берсин.

— Тўхта-чи, шу чол нечага етди?

— Тўқсон бешга...

— Хўп, болам, омон бўл... Бедарак бўлма. Кўнғироқ қилиб тур-а...

Телефон узилиб қолди. Чуқур ўйга толаман. Кўнглимда ғалати бир илиқлик пайдо бўлади. Ҳаётда шундай суянадиган тоғларинг, ҳол сўрайдиган меҳрибонларинг бўлса, нақадар яхши...

Ниғмат АМИНОВ

ТОШКЕНТГА МАКТУБ

Кеча шунчалик қувондимки! Афсус, таърифлашга қорақалпоқ алфавитининг қирқ битта ҳарфи ҳам камлик қилади.

Радионинг қулоғини бурасам, бир қаҳқаҳа бўлаяпти, асти қўяверасиз, айтаётганларининг ичида бирорта ҳам кулмайдиган прастўй гапи йўқ. Икки кундан буён хотин билан уришиб, атайлаб башарамни терс буриб юрган эдим, радиони тинглаб ўтириб ҳаммасини унутдим, аччиғим тарқаб кетди.

— Бу ажойиб қаҳқаҳанинг сабаби нимада экан? — деб, чап қулоғимни бекитиб туриб, ўнг қулоғим билан тингласам, устоз Саид Аҳмаднинг ичакузди кулгиларидан берилаётган экан.

— Ҳурматли тингловчилар, — деди бир маҳал радио, — сеvimли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг етмиш ёшга тўлиши муносабати билан берилаётган «Қувноқ қаҳқаҳа» номли эшиттиришимизни яқунлаймиз...

— Э-э! — дедим бирдан калламга қизиқ фикр келиб. — Устоз етмиш ёшга чиқбдими? Етмиш ёшга чиқиш учун унга ким рухсат берди экан? Ахир бизда бирон бир маъмурий ташкилотнинг расмий рухсатисиз ҳатто туфлининг ипини боғлаб олиш ҳам мумкин эмас-ку! Қолаверса, устоз халқ ёзувчиси экан, нима учун етмиш ёшга чиқишини тасдиқлаш учун халқ референдумини ўтказмайди? Йўқ, бунақаси кетмайди!

Аслида устоз ҳали етмишга чиққани ҳам йўқ! Ахир, у биринчи ҳикоясини қачон, неча ёшида эълон қилдирган эди? Ун етти ё ўн саккиз ёшида! Демак, ўн етти йилни скидка қилиб олиб ташлашимиз керак. Қаранг, устоз эндигина эллик учга кирган ёш йигит бўлиб олди. Шунга кўра, мен устозга куйидаги редакцияларда қайтадан ишлашни таклиф қиламан (отказ қабул қилинмайди!): душанба, сешанба кунлари — «Муштум»да, чоршанбада — «Гулистон» журналининг «Чақиртиканак» бўлимида, пайшанба куни эса телевизион кулги кооперативида ишлаб пул топсин, жума куни — «Шум боланинг чойхонаси»да аскиячилар, ҳажвчилар билан бирга чой ичсин. Ҳа айтгандай, «Ёшлик»нинг «Елпигич»ини ҳам шу ерга келтириб қўйиш керак — чой одамни терлатиб қўяди. Мамлакатимиз иқтисодий тангликни бошдан кечираётгани туфайли, устознинг шанба кунги за-кўнний дам олиши бекор қилинсин. Шу куни у ўз устози номи билан аталадиган сатира театрида одамларни кулдиришга ёрдам берсин.

Мана шу мазмундаги таклифларимни хатга битдим-у, бироқ почта қутисига ташлашга юрагим дов бермади, устознинг салобати босди. Саид Аҳмад домла кириш сўзи ёзиб берган «Муштум» сериясидаги китобимни бошим остига қўйиб ётиб, ухлаб кетибман. Тушимда устоз мени уйғотиб:

— Хўш, бўтам, Умирбек лаққининг жияниман деб лақиллаб юравердингми ёки Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлдингми? — деб сўрармишлар.

— Йўқ, устоз. Ўзбекча чиққанлари билан қўшиб ҳисоблаганда, саккиз китоб чиқарган эканман, камлик қиялпти шекилли...

— Ҳечқиси йўқ, бўтам, бобонг Бердақ ҳам ҳеч қанақа уюшмага аъзо бўлган эмас-ку!..

— Устоз, у даврларда ахир...

Шу пайт уйғониб кетдим. Уйғондим-у, нима бўлса бўлди деб, тушимдаги гапларни ҳам қўшиб, куйидаги тилакларни ёздим-да, хатни Тошкентга жўнатвордим: «Ҳурматли устоз! Етмиш ёшингиз муборак бўлсин! Салом билан, қалпоғи йўқ қорақалпоқ шоғирдингиз».

Мурадбой НИЗОНОВ



Раҳим Бекниёз

КУЙЛАР ЯНГИ, ҚЎШИҚЛАР ЯНГИ

Заминга илтижо

Сен бизга сийнангни тутасан,
Биз оёқ қўямиз баҳузур.
Пойимиз остида ётасан,
Оташнок она ер, авф эт, узр.

Неъматинг, бойлигинг беҳисоб:
Оламиз, оламиз, оламиз.
Билмасак не гуноҳ, не савоб, —
Афв эт, шунақа боламиз.

Сийнангни пармалаб ўйганда,
Даҳшатли зарядлар қўйганда.
Авф эт, жонажон, авф эт,
Хаттоки жонингдан тўйганда,

Дард чекиб, дард чекиб қарисанг,
Бордию ҳорисанг чор-ночор;
Оқибат офатга дорисанг, —
Билмадим, ҳолимиз не кечар?..

Афв эт, онажон, авф эт...

Хаёл

Савалган пахтадек ёйиқ булутлар,
Оққуш патларидек момиқ булутлар.
Самолёт сийнаси борар сирғалиб.
Нимпушти товланар балқиб булутлар.

Булутлар — ҳавода тўзгиган ипак,
Эҳтимол, ипакдан ёйилган тўшак.
Эҳтимол, самога сабо уюрган
Чаппар гуллаб ётган оппоқ гул-чечак.

Ўзимни дарчадан отгим келади,
Булутлар бағрига ботгим келади.
Маили ҳалок бўлай, лоақал бир зум
Софликка қоришиб-қотгим келади...

Хоразмлик таниқли адиб Раҳим Бекниёз 70 ёшга тўлди.

Раҳим Бекниёзнинг «Биринчи учрашув», «Овчининг куйлари», «Дерсу Узала изидан», «Сеҳрли дунё», «Қайлардасан хумо?», «Темиртирноқ», «Тўғиё» сингари ўндан ортиқ шеърий ва насрий китоблари нашр қилинган. Асарлари рус тилига таржима этилган. Бир неча драмалари жумҳуриятимиз театрларида сахналаштирилган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган.

Адибни кўннинг сонли журналхонларимиз номидан ҳаётидаги қутлуғ сана билан табриклаб, унга узоқ умр, янги ижодий зафарлар тилаймиз.

Сўз

Келажакни менга қилмагил тарғиб,
Касбингдан барака топгур, эй нотик.
Келажак бугундан бўлади марғуб,
Бугунги ғамларсиз келажак ҳам йўқ.

Қотиб қолар ҳаёт, бўлмайди ривож,
Ахир, келажакни қилгани таъмин
Бугун яшаш керак, бугундан сўз оч,
Бугуним бўлмаса, эртамотайин.

Сен бугундан гапир, биродар нотик,
Кундалик ташвишим тошиб ётибди.
«Эрта», «индин»ни қўй, бошқа сўз ортик,
Ортиқ сўзлар бошдан ошиб ётибди.

Бугундан гапир сен, бугундан гапир,
Ҳа, юрагимдаги тугундан гапир...

Жоним

Жон аяган — таҳликага қул,
Мен жонимга қилмадим шафқат.
Сийнам билан ташландим нуқул,
Мажақланди сийнамда офат.

Аялган жон «пуф» деса ўчар,
Мен жонимни қилдим имтиҳон:
Жоним шунча эканми ўжар, —
Ёнади-ю, кул бўлмас ҳамон.

Гоҳ қийнаб, гоҳ келиб ҳалқумга —
Қадалган-у, чиқмаган жоним.
Ларзаланар турфа талқинга
Соме бўлиб, уқмаган жоним.

Куйлар янги, қўшиқлар янги,
Жоним эса ўша-ўшадир.
Ҳақу ёлғон-яшиқлар янги,
Жоним ҳаяжонга тушади...

Бир бошқа

Қамар рамзу мисол тоқай қоракўзу қорақошга?
Қамар бир бошқа, бир бошқа, жонон бир бошқа, бир бошқа.

Қамар осмонда танҳою қоракўз ҳур замин узра,
Замин бир бошқа, бир бошқа, осмон бир бошқа, бир бошқа.

Қора кўзлар қароғида қора уммонга ғарқ бўлдим,
Қароқ бир бошқа, бир бошқа, уммон бир бошқа, бир бошқа.

На ул Лайло, на ул Ширин, на ул ўксиз Зулайҳодир,
Тарих бир бошқа, бир бошқа, замон бир бошқа, бир бошқа.

Қасодмасдир, париларга жаҳон сероб, замон сероб,
Вале Шоббоз паризоди чунон бир бошқа, бир бошқа.


Тошкентдан ахтариб юрма, Урганчдан ахтариб юрма,
Соғинсанг бор, Амудан кеч, бу жон бир бошқа, бир бошқа.

Юзи раъно эрур гарчи, сочи райҳон эрур гарчи,
Раъно бир бошқа, бир бошқа, райҳон бир бошқа, бир бошқа.


Елурман кўп қанотларда: бири хандон, бири афғон,
Хандон бир бошқа, бир бошқа, фиғон бир бошқа, бир бошқа.

Зеро, Раҳим, бас этмаким, орзуга ет, армонга ет,
Имкон бир бошқа, бир бошқа, армон бир бошқа, бир бошқа.

Урганч.



Дардлардан қолдан етирилди



Абдуҳолиқ Мустафоев

УМИД ҚЎЛТИҒИМДАН КИРИБ СУЯЙДИ

* * *

Юлдузлар тўкилар пойимга,
Шабада қўшиғи оқади.
Буй етган қиз каби оймома,
Ноз ила суқланиб боқади.

Соф ҳаво юзимга урилар,
Кўзларим чарақлаб яшнайдди.
Энг эзгу, энг ширин туйғулар
Қалбимда туғила бошлайди.

Армон

Бўғзимда тиқилиб қолмаса армон,
Ҳайқириб-ҳайқириб бўшатсам уни,
Сарҳадсиз, беҳудуд кенгликлар томон,
Эркин оҳулардек отсам ўзимни.

Токи, сингиб кетсам нурли қаламга,
Токи, армон бўлиб қолмаса дунё.
Токи, келган экан инсон оламга,
Уни қаршиласа ойдин бир зийё.

Тириклик

Дард эзиб қаддимни букканда ногоҳ,
Умид қўлтиғимдан кириб суяйдди.
Мен ундан топаман малҳам ва паноҳ,
Меҳрибон онамдек бошим силайдди.

Бу йигитнинг номини ҳам, шеърларини ҳам журналхонлар билишмайди. Биринчи марта эълон қилиниши. Бунинг устига «Дафтарларда қолган сатрлар» саҳифасида...

Абдуҳолиқ Мустафоев Қашқадарё вилояти Муборак туманига қарашли Қарлик қишлоғидан эди. У аскарликда ногиронликка чалнади. Қисматига илашган бу ногиронлик кунига зомин бўлди, умрини калта қилди.

Абдуҳолиқ шеър эзиб юрагига қувват оларди. Кўнглига таскин топарди. Унинг шеърлари — яшашга хоҳиши катта, лекин имкони қисқа бўлган қалбнинг умидлари. армонларидир.

Икром ОТАМУРОДОВ.

Адо қилармиди балки ғам-азоб,
Агар бўлмасайди ҳаётга ишонч:
У менинг наздимда тириклик — офтоб,
У менинг наздимда бир олам қувонч.

Ҳолат

Касалхона ҳовлисида одимлайман зўр-базўр,
Дардларимни кўтаролмай ингранади таёқлар.
Аҳволимга афсус ила боқса одамлар, э воҳ,
Қалтирайди муз қўйгандек баттар мажруҳ оёқлар!

Гўё ҳушсиз, ақлсиздек сўкинаман ўзимча,
Хаёллардан паноҳ излаб бир чеккага қўнаман.
Фарзандларим кўринади гўё бир-бир кўзимга,
Ширин-ширин қилиқларин эслаб кулиб қўяман.

Ёришади кемтик кўнглим нимадандир умидвор,
Одамларга меҳр билан, ҳавас билан боқаман.
Ахир, мен ҳам одамман-ку, яшамоққа ҳаққим бор,
Ахир, мен ҳам беш гўдакка суюкли бир отаман!

Касалхона ҳовлисида одимлайман зўр-базўр,
Дардларимни кўтаролмай ингранади таёқлар.
Аҳволимга афсус ила боқса одамлар, э воҳ,
Қалтирайди муз қўйгандек баттар мажруҳ оёқлар!


* * *

Қара, осмон гўзал, юлдузлар ёруғ,
Ой кулиб боқяпти, тунимиз файзли.
Эртамик қуёшли, сезмаймик оғрик,
Гарчи қиш бўлса ҳам, қалбда ёз фасли.

Шу осмон, шу қуёш остидамиз биз,
Севиқлим, бошимиз силар муҳаббат.
Тобора зиёда бўлгай бахтимиз,
Одамлар яшагай аҳил, шод абад.

Қара, осмон гўзал, гулдир замин ҳам,
Умидлар туғилар қалбда осуда,
Севиқлим, қанчалар қувонсак, бу кам,
Яшаш қандай яхши қуёш остида.

Қарлиқ.



Файзулла Қиличев

АДОЛАТ ТАНТАНА ҚИЛСИН

Кейинги пайтда матбуотда, радио ва телевидениеда мамлакатимизда жиноятчилик ўсаётганлиги ҳақида кўп гап-сўзлар бўляпти. Лекин бу жиноятларнинг аниқ статистикаси келтирилган, сабаблари ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар юритилган мақолалар кам. Масалан, мени Ўзбекистон жиноятчилиги соҳасида иттифоқ миқёсида қандай ўринни эгаллаши, бу жиноятларни келтириб чиқарган сабаблар нималардан иборатлиги жуда қизиқтиради. Жамиятимизда жиноятчиликни тугатиш, адолат тантана қилиш учун қандай чора-тадбирлар куриш керак! Шу ҳақда мутахассис мақоласини беришингизни жуда истардим.

Уктам Холқораев,
Китоб шахри.

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда жамиятимизда жиноятчилик кенг илдиз отаётганлиги тўғрисида кўп гап-сўзлар бўляпти. Албатта, бу ҳодисанинг сабаблари ҳам бисёр. Булар ҳақида бир мақолада атрофлича сўз юритиш қийин. Масалан, Ўзбекистон ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳар минг киши ҳисобига содир бўлаётган жиноятлар ҳисобида иттифоқда саккизинчи ўринда турибди. Лекин бу бизга хотиржам бўлиш ҳуқуқини бермайди. Жумҳуриятимизда жиноятчилик йилдан-йилга ўсиб борапти. Жумладан, 1989 йилда 84459 та ёки 1988 йилдагига нисбатан қарийб 15 мингта кўп жиноят содир бўлганлиги рўйхатга олинди. Хўш, бу қандай жиноятлар, уни кимлар содир этди? Бир мингдан ортиғи қотиллик ёки одам ўлдириш учун суиқасд қилишдан иборат. 1159 кишига тан жароҳати етказилган. 557 нафар хотин-қизнинг номусига зўрлаб тегилган ёки тажовуз бўлган. 1057 марта инсонлар ҳаётига хавф солиш орқали босқинчилик рўй берган, 210 та поражурлик қилинган, 2811 нафар гражданнынг мол-мулки талон-тарож бўлган. Бошқалари эса ўғирлик, фирибгарлик, чайқовчилик натижасидаги жиноятлардир.

Бу жиноятларни содир этганлар кимлар? 6516 нафари илгари ҳам жиноят қилиб судланган кишилар, 4224 нафари ҳали балоғат ёшига етмаган ўсмирлар, 6941 нафари спиртли ичимлик ичиб «янглишганлар» дир.

Жумҳуриятимизда ҳар йили 10 минг атрофида жиноят очилмай қоларди. Утган йил бу рақам 20 мингдан ошиб кетди. Демак, шунча кишининг кўз ёшлари адолат «рўмолчаси» билан артиб қурилган эмас. Улар азият чекишди-ю, ҳақ жойида қарор топганини кўришгани йўқ. Жиноятчилар эса ўз қурбонлари билан ёнма-ён, бир ҳаводан нафас олиб, табиат инъомларидан баҳраманд бўлиб, дўппиларини чамбарак қилиб юришибди.

Нега шундай бўляпти? Нега адолат тантана қилмаяпти? Жиноят ўсишига таъсир қилаётган табиий ва нотабиий шароит ниманинг ҳосиласи? Албатта, ҳар биримиз яхши юришга, тўғри, ҳалол бўлишга давъатларни кўп эшитганмиз. Айтилган сўз амалда ўз ифодасини топмагач, «Қўй-э! Адолат осмонда, нарвони червондан», деб қўлимизни ювиб, қўлтиғимизга урган пайтларимиз ҳам бўлган. Нега?

Келинг, гапни руҳиятимиздан бошлайлик. Барча соҳаларда шундай бир руҳият ҳукмронки, унинг «тўри»ни мутлоқ йиртиб ташлаш керак. Бирор йиғилиш ёки давра суҳбати йўқки, у ёки бу тармоқ вакили ўз камчиликларини «биз тегишлича амалга ошира олмадик», «чора кўра олмадик», қабилдаги умумий гаплар билан хаспўшламаган бўлсин. Асосий айб эса албатта бошқа бировлар устига ағдарилади. Бу ҳодисани мен айниқса ноҳия партия мажлисларида кўп кузатганман. Агар ҳисобот даврида ноҳияда бирон-бир ютуққа эришилган бўлса, бу албатта фирқа кўмитасининг ютуғи сифатида тилга олинади. Агар бирон камчиликка йўл қўйилган бўлса, бунинг учун қўйи фирқа кўмиталари айбдор ҳисобланади. Халқда, аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ, деган нақл бор. Тан олишимиз керак, биз аввал ўзимизга яхшилаб разм солиб, кейин атрофда бўлаётган салбий ҳодисаларга баҳо беришдек одатимизни унутиб қўйдик. Ўз қилмишимиз, хатти-ҳаракатлар

римиз «оппоқ», «сип-силлиқ» кўриниб, камчиликларни ўзгалардан ахтарамиз. Агар бирон-бир йиғилишда ўтирганлар ишчи ва колхозчилар бўлса, савдо ташкилотлари ва турар-жой муассасаларининг ходимлари жамики жиноят ва қонунбузарликларнинг сабабчиларига айланишади. Савдо ташкилотлари ёки маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ходимлари эса маъмурий идоралар ва назорат ташкилотлари ходимларини ёмон отлиқ қилишади. Тайёрловчилар деҳқонларни, молия ходимлари тафтишчиларни, ҳайдовчилар ГАИ ходимларини, беморлар шифокорларни, ота-оналар педагогларни, зиёлилар бошқарув идоралари ходимларини ашаддий қонунбузар ва жиноятчи-га чиқаришади. Ваҳоланки, улар ўз соҳаларида содир бўлаётган минг-минглаб тартибсизликларни «кўрмайди»лар. Дорихонада тақчил дори-дармон умарилаётгани, шифохонада ўринлар пулланаётганиги, сартарош ёки ҳайдовчи белгиланганидан устама пул олиб қолаётгани, институт домласи талабанинг киссасига қараб муомала қилиши, сантехник бир мурватни ўн баробар қимматига пуллаётгани, ошпаз масаллиқни ташмалаб кетаётгани, болалар боғчасидан сумка «семириб» қайтаётгани... Хуллас, ҳар биримизнинг қилмишимиз шунчаки «арзимас» бўлиб туюлаверади.

Шу ерда, эътиборимизни хўжасизлик деб аталадиган иллатга қаратмоқчиман. Бу — ёнаётган ўрмон, қуриётган денгиз, қирилаётган ҳайвонот дунёси, қушлар, балиқлар... Бу — Чернобыль, чўкаётган кема, зилзила натижасида вайрон бўлган уйлар, ёнғин кулга айланган корхона омборлари. Бу — қайта-қайта қавланадиган хандақ, занглаб ётган техника, озиб-тўзган қора моллар, чириётган ҳосил, тўқнашган поезд, чилпарчин бўлган самолёт... Хуллас, хўжасизликнинг оқибати жами жиноятлар етказган зарардан бир неча минг мартаба ортироқдир. Хўжасизлик ўз ерининг, сувининг, тоғининг, ота мерос табиидининг, халқи меҳнатининг қадрига етмайдиган шахслар, ижтимоий адолатни оёқости қилиб, виждонли кишиларни турли йўللار билан четга суриб, ўз манфаати йўлида ўйламай-нетмай қилган ва қилаётган «иш»ларнинг маҳсулидир.

Халқда «кигиз кимники — билак шуники», деган мақол бор. Бунинг мазмуни шуки, кигизнинг эгаси ким бўлса, унга ишлов беришда билак кучини аямайди дегани. Хуллас, хўжасизликни тугатиш учун ҳар қандай лавозимнинг эгаси виждонли, ҳалол ва масъул — ижтимоий адолат қоидалари асосида танланган одам бўлиши керак. Уларга «бошқ»лар фарзғўйлик қилмасдан, оёғидан чалмасдан муҳим лавозимларни бўшатиб бериши зарур. Ҳозиргидек, туғруқхонадан қабристонга чўкаётган ҳаёт йўлидаги муаммоларни таниш-билиш, хўнғироқ қилиш, хат юбориш, «қистириш» орқали ҳал этиш одамларнинг жонига теғди. Ишбилармон, доно кишилар униб-ўсмай, бошлиқнинг бир гапини икки қилмайдиган, кўзига тик қарамайдиган — «бўйни бўш» ходимлар ва олғир кимсаларнинг ошиғи олчи бўлишига қачон чек қўйилади? Ахир шундай ишлар хўжасизлик томирига қувват беряпти-ку! Биз эса бу тубсиз чоҳни — оғир ва тенгсиз жиноятларнинг бош илдизини кўриб кўрмасликка ўрганиб қолганмиз. Ун тийин учун бировни ойлаб «тергаб», сўнг қамаймиз. Миллионни ҳавога учиргани эса «аризасига биноан» ёки «касаллиги туфайли...» деб «юмшоқ қўндирамиз». Ҳа, биз бугунги кунда илгаригидан фарқсиз ўлароқ, майда икир-чикирларга ўралашиб қоляпмиз-у, асосий «илдиз»ни қўпоролмаяпмиз. Битта қонунбузарликни бартараф қиламан, деб ўнта қонунга хилоф ишга йўл очиб бераяпмиз. Жумҳуриятимизда «гидлянчи»лар каби бир неча юзлаб тергов ва тафтиш ходимларини 5—10 йиллаб халқ пули ҳисобига боқиб ётдик. Уларнинг «адолат қидириб» етказган зарарлари жиноятчилар етказган зарардан ортиб кетди. 5—6 йиллаб миллионлаб халқ пули сарфланиб ўзлаштирилган далалар соҳибкор деҳқонларидан маҳрум бўлди. Бундан кўриладиган моддий ва маънавий зарарни ҳали ҳеч ким ҳисоблаб кўргани йўқ.

Ҳамкасбларим хафа бўлмасинлар-у, жиноятларга қарши тадбирлар ёнгиндан кейин челақ кўтариб югурган одамнинг хатти-ҳаракатини эслатади. Аввал қаерда, кимлар, қанча ва қандай жиноятлар қилганини санаб чиқамиз, сўнгра «ҳа-а, ўғирлик ўсибди — тадбир белгилайлик, талон-тароҳ кўпайибди — режа тузайлик, сьезд ёки пленум бўлди — чора кўрайлик, газета танқид қилибди — планлаштирайлик» қабилида қоғоз тўлдирга бошлаймиз. Яна айтаман, асосий мақсад четда қолиб, ўзимизга «қимоя қалқони яшашга киришамиз». Ўзимизни ҳам, халқни ҳам чалғитамиз. Фикримизнинг далили сифатида жиноятлар харитасидаги «кичик бир бурчак»ка эътиборингизни қаратмоқчиман. Жумҳуриятимиз хотин-қизлари орасида учраб турган — ўз-ўзини ёқиб ўлдириш фактлари атрофида бўлаётган шов-шувлардан хабарингиз бор. Оддийроқ қилиб тушунтирганда, ўзаро келишмовчилик, қадрияти паймол қилиниши, моддий ва маънавий адолатсизликлар, ижтимоий тенгсизлик оқибатида инсон ўз жонига қасд қилади. Бунда «жабрдид»лар ўзини ўлдиришининг турли усулларидан фойдаланадилар. Бировлар ўзини осади, отади, сўяди, иккинчилари ўзини ёқади, поезд, автомобиль тагига ташлайди, учинчиси томдан, жардан сакрайди. Тўртинчиси заҳар, сирка ёки бошқа нарсалар ичади, бешинчиси... ва ҳоказо. Ҳамон шундай экан, нега аёллар ўз-ўзини ўлдирияпти, деган саволга жавоб ахтарганда бу ҳолларнинг ҳаммасини яхлит ҳолда таҳлил қилиш керак. Бизда эса бундай бўлмаёпти. Ўзини ўлдиришнинг фақат айрим усуллари эътибор бериб, «нега ёнди?» «нега куйди?» деб унинг сабабларини феодал урф-одатларга, динга олиб бориб боғлаб, юзаки хулосалар чиқариб келдик. Аслида биз инсон ўз жонига қасд қилишнинг қайси усулини танлаганлигини эмас, аксинча ўз жонига қасд қилишига олиб келган сабабларни ўрганишимиз, масалани беҳуда майдалаштирмаслигимиз керак.

Зуравонлик тугатилган, одам одамга дўст, ўртоқ ва биродар бўлишини таъминлаган тузумимизнинг етмиш учинчи йилига келиб, одамларимиз уйлари эшик-деразаларини темир панжара ва қопламалар билан ўраб яшяптилар. Кундалик ҳаёт эҳтиёжига айланган автомобилаларимизга турли мослама — қулфлардан тортиб, чинқироқ сиреналаргача ўрнатиб ташлади. Янги телпак кийиб кўчага чиқса, биронтаси олиб қочмасмикан, деб хавотир бўлиб юрамиз.

Бу муаммолар ҳам жамоатчиликни жиддий ўйантиряпти. Ҳатто халқ ҳокимиятининг олий минбари — халқ депутатлари сьезида ҳам сўз юритилди. Хўш, нима тўхтамга келинди? Тўғри, бу ҳодисага бир жиҳатдан социал адолатсизлик ва иқтисодий таҳлилчи сабабчи эканлиги айтилди. Лекин энг асосий сабаб эса қонунларимиз мукаммал эмаслигига, қонун ҳимоясида турган маъмурий ташкилотлар — прокуратура, ички ишлар хизмати, суд ва юстиция идораларида кадрлар етишмаслигига, уларнинг моддий таъминоти етарли даражада эмаслигига, замонавий техника жиҳозлари билан таъминланмаганлигига, жамоатчилик бу ишга жалб қилинмаганлигига бориб тақалди. Биров жиноятчиларга жазони кучайтириш керак деди, иккинчиси оғир жазолар акс таъсир кўрсатишини асослашга уринди, яна бири маъмурий органларга кўпроқ маблағ ажратишни,

бошқаси штатларни кўпайтиришни ёки қонунларни ўзгартиришни таклиф қилди. Бу таклифлар маълум даражада амалга ошди ҳам.

Хўш, жиноятчилик ўсиб боришига асосий сабаб шуларми? Менимча, йўқ. Келинг, мавжуд имкониятлар ва реал кучларни чамалаб кўрайлик. Жумҳуриятимиздаги 20 миллион аҳолининг деярли ярмини жиноят қилишдан холилар доирасига киритиш мумкин. Булар 16 ёшгача бўлган болалар, пенсияонер қариялар, ногиронлар, кўп болали оналар, касалманд кишилардир. Қолган, тахминан 10 миллион аҳоли орасида жиноят-қонунбузарликка қарши курашга қорланган кучлар қанча? Ярим миллиондан ошқик коммунистлар отряди, «миллионер» комсомол, минглаб милиция, прокуратура, суд ва юстиция ходимлари, бир неча мингта адвокат ва юристлар, партия, совет ва хўжаликларнинг раҳбар ходимлари. Булар устига қишлоқ советидан тортиб СССР халқ депутатларига қадар халқнинг ишончли номзодлари, турли комитет ва комиссиялар аъзолари бор. Уларга маҳалла комитетлари, ветеранлар советлари аъзоларини илова қилинг. Жумҳуриятнинг жамаи поғоналарида фаолият кўрсатаётган телевидение, радио, газета ва журналлар ходимларини киритинг. Буларга Давлат хавфсизлик комитети, армия ва уларга ёрдам берувчи халқ вакилларини қўшинг. Хўш, камми? Булар реал куч эмасми? Ҳар бир қонун бузувчисига камида 10 тагача назоратчи қўйиш имкони бор экан-ку!

Хулосам шундаки, биз реал имкониятлардан фойдаланаолмаяпмиз. Кучларни тўғри тақсимлай билмаяпмиз. Ташаббускорлик етишмаяпти.

Фикримни далиллашга уриниб кўраман. Масалан, бирор вилоят, ноҳия колхоз ёки маҳаллада аҳолининг жойланиши, уларнинг мен юқорида келтиргандек аниқ ҳисоб-китоби борми? Йўқ. Аввало, ҳар бир жонкуяр маълум шу ҳақда аниқ маълумотдан иш бошлаб, ноқонунийликка қарши кучларни ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан чамалаб, сўнг курашга киришиши керак. Умумий гаплар ва йиғинлардан кўра, ҳар бир раҳбар, коммунист, депутат ва фаолнинг аниқ доирада, хонадонлар ёки шахслар учун жавобгарлиги белгиланса, ҳамма нохушликлар юзга чиқади-ку! Ёки бу қийинми? Йўқ, қийин эмас. Фақат жонкуярлик ва саришталик керак.

Фикримни янада ойдинлаштириш мақсадида бир мисол келтираман. Ҳар йили юзлаб махсус ташкил қилинган ва уюшган жиноятчилар уялари, қиморхона, бангихона ва исловатхоналар фош қилинаёпти. Хўш, бу жиноят уялари қандай «камчатка» эдики, ҳеч ким билмаган бўлса? Мумкин эмас. Кўрганмиз, билганмиз, лекин лоқайдлик деган иллат доим елкамиздан босиб, ҳаракат қилишимизга йўл бермай туради.

Деярли ҳар куни ўнлаб автомашиналар ўғирланиб эҳтиёт қисмларга майдалаб юборилмоқда. Ёки бутун бошли машина ён-веримиздаги ҳовлига киришиб қўйилиб, эгасидан пул олиш эвзига қайтариб берилаяпти. Гарчанд, юқорида айтганимиздек, ҳар бир ҳовлининг девори, деворнинг «қулоғи» бор бўлса ҳам. Жумҳуриятимизнинг харитасида учатскаларга бўлинмаган жойнинг ўзи йўқ. Ана шу участка ва микроучасткаларда махсус милиция вакили фаолият кўрсатади. У ҳар бир кўча ва хонадонда нималар бўлаётганидан, ким келиб — ким кетиб турганидан хабардор бўлиш имконига эга. Ҳатто бегона одам бир кун яшаса, унинг пропискада қаерда туришидан тортиб, шахсига доир маълумотлардан воқиф бўлиши лозим. Лекин ўша участкада бутун бошли машина «күтиб» юборилади-ю, вакилимиз мутлақо бехабар бўлади. Шуям мантиққа тўғри келади-ми?

Борган сари ўсиб бораётган машина ўғирлаш жиноятининг олдини олиш борасида тадбирлар нега ўтказилмайди? Масалан, «қопқон қўйиш», яъни маълум жойларда махсус тайёрланган машиналарни «қаровсиз» қолдириб кузатиш ва унга таҳдид қилганларни қўлга олиш мумкин-ку. Агар бир неча ўнта машина ўғириси шу йўл билан ушланса, уларнинг «уяси»гача етиб бориб, фош қилиш имкони туғиларди. Бу билан айтмоқчиманки, ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш учун ўзига хос изланувчанлик, ташкилотчилик ва матонат кўрсатиш талаб этилади. Чорасиз нарсанинг ўзи йўқ. Бу билан мен қонун бўшлиғи, маош камлиғи ёки техник жиҳозланиш даражаси пастиги маълум даражада курашни жонлантиришга таъсир этувчи омил бўлса-да, асосий сабаб эмас демоқчиман. Жиноятчиликка қарши курашда одамларни «ҳуркитаётган» яна бир нарса, менимча, мавжуд тергов ва судда иш юритиш услубимиздир. Бу борада процессуал қонунларимиз фақат қоғозбозлик ва бюрократизмнинг томир отишига хизмат қилиб, одамларни фаолликдан бездиришдан бошқа на буюрмасди. Бу борадаги фикрларимни мисол билан ифодалашга уриниб кўраман. Айтайлик, 4—5 нафар киши кўзи ўнгида Шоди Ҳодини пичоқлаб қўйди. Гувоҳлар шу ёрнинг ўзиде кун давомида ушлаб турилиб, турли протокол ва актларга имзо чекишади. Сўнг жиноят қидирув ёки участка инспектори навбат куттириб қўйиб, алламаҳалгача «тушунтириш хати» ёздирарди, Орадан ҳечқанча вақт ўтмай терговчиндан унинг уйи ёки ишхонасига қақурув қоғози кела бошларди. Гувоҳ кўрганини икки оғиз айтиши учун кунлаб, ҳатто ҳафталаб терговга қатнайдди. У бечора қандай қилиб воқеа содир бўлган жойга келиб қолганидан тортиб, тарафлар билан ораларидаги муносабатларгача батафсил айтиши керак. Энди навбат айбдор ёки жарбланувчи ва уларнинг «тарafdор»лари билан юзма-юз бўлишга келади. Гувоҳ «кўр ва кар бўлганим яхши эди», дейишгача боради. Бу орада унга турли тазйиқлар ҳам бўлади. Сўроқлар эса тўхтамайди. Сўнг суд тергови бошланади. Гувоҳ у ерга ҳам боради. Суд бирор камчилик топиб қайта тергов қилишни буюради. Яна сўроқлар. Хуллас, оқиқчасига содир этилган жиноятга йиллар давомида одамларни «тавбасига таянтириб» хотима берилади. Шундай шароитда қайси бир шахс виждон овозига қулоқ солиб, фаоллик кўрсатиши мумкин? Демак, одамлар ўз виждонларига хилоф иш қилмасликлари учун шунга яраша маъмурий шарт-шароит ҳам бўлиши керак экан-да.

Кейинги пайтда терговни мутлоқ ажратиш ва мустақил аппарат тузиш ҳақида фикрлар юрибди. Бу нарса амалга охса керак. Менимча, бу аппарат янги қоғозбозлик ва расмиятчилик идораси бўлиб қолмасдан, балки фақат очилмай қолган ва хўжаликлардаги талон-тарож ишларини тергов қилиши керак. Жамаи жиноятларнинг учдан икки қисмини ташкил қиладиган яққол жиноятларни тўғридан-тўғри судда тергов қилиб, ҳал этилишига эришиш лозим. Ана шунда минглаб одамлар қайта-қайта тергов қилиниб, қимматли вақтини йўқотиб юрмайди. Тергов ва суриштирув органлари ходимлари ҳам ортиқча қийналишмайди. Жиноятчиликка қарши курашда асосий ҳисобланган жазонинг мавжудлиғи ўз вақтида бўлиб, самара беришига шубҳа қолмайди. Жиноятнинг олдини олиш, очиш ва ҳақиқатни, адолатни тантана қилдиришда халқ фаоллиги ортади. Маъмурий ташкилотларга нисбатан ҳурмат, ишонч кучаяди.

Социал адолат борасидаги минглаб солиштирма ҳолатлар, имтиёзлар орасида шундай бир адолатсизлик ётибдики, буни на давлат, на халқ, на адолатпарвар қонуносларимиз «назар-писанд» қилишади. Бу — граждандар касаллик варақасига тўланадиган суғурта пули. Фикримни асослашга уриниб кўраман: тўғри, ишчи, колхозчи, хизматчига бажарадиган иш ҳажми, оғир-енгиллиги, мавқеи ва жавобгарлигига қараб турли миқдорда иш ҳақи тўланади — ҳар кимга меҳнатига яраша. Бировга 100 сўм, иккинчисига 600 сўм ҳақ тўланади. Энди улар фаолияти билан боғлиқ бўлмаган касалликка чалинди дейлик. Ҳар иккиси шифохонага ётқизиilib, касаллик тарихи очилади, касаллик варақаси берилади. Бу даврда на униса, на буниси ноз-неъмат ишлаб чиқаради, оғир иш бажаради. Жавобгарликдан соқит бўлишади. Лекин ишга чиққач, касаллик варақаси учун бири 100 сўм, иккинчиси 600 сўмни санаб олади. Шу адолатданми? Менимча, йўқ! Энди, касал бўлиб узоқ даволанишдан, бўлар-бўлмас тумов-пучқоқ натижасида «эрка» касал бўлишдан ким кўпроқ манфаатдор эканлигини бир ўйлаб кўринг...

«Пахта иши», «ўзбеклар иши» деб ном олган жиноятлар атрофида тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Тўғри, биз бошқарувнинг маъмурий — буйруқбозлик системаси шароитида пахта етиштириш соҳасида кўп жиноятлар содир бўлганлигини инкор этмаймиз. Аммо «тўқайга ўт кетиб», ҳўлу қуруқ баравар ёнгани, бир гуруҳ шуҳратпараст раҳбарларнинг айби деб бутун халққа қийин бўлди. Устига устак асосий масала яна қолиб кетди. Мен Баржомида бўлганман. Тоғ қоялари орасидан шариллаб «Боржоми» суви оқиб ётибди. Унинг бир қисмини шишаларга қуйиб мамлакатнинг турли томонларига юборишади — бир шишаси 41 тийиндан. Демак, оқиб ётган сувнинг килоси (литри) 82 тийинга боради. Бизда эса, адолат қилиниб, давлатга сотиш нархи оширилгандан сўнг пахтамининг нархи ана шу «Боржоми»га аранг етиб олди. Ёки Хоразмнинг машҳур қовунларини олайлик. Бир стакан газ сувнинг баҳоси 3 тийин, бир килограмм Хоразм қовунининг давлат баҳоси 7 тийин. Агар вазнига қараб белгиланадиган бўлса, оддий газ сув қовундан деярли уч баравар қимматдир. Бу «адолат»ни бизнинг халқимизгина эмас, бутун мамлакат аҳли жуда яхши билади. Ана шундай шароитда жумҳуриятимиз вакиллари Москвадан «адолат қилинг» деб сўрашларини қандай баҳолаш мумкин?

«Инсондаги энг ёмон одатлардан бири ёлғончиликдир. Ёлгонни ҳазил билан ҳам, жиддий ҳам гапириб бўлмайди». («Ҳадис»лардан). Дарҳақиқат, адолат ёлгон билан ҳамодим бўлаолмайди. Адолат ҳақидаги гапларга сал бўлса ҳам алдов аралашса, у ҳар қанча эзгу ниятларни кўзлаб қилинган бўлса ҳам, адолатни йўққа чиқаради.

Халқни адолат учун курашга кўтариш учун бор ҳақиқатни баралла айтиш керак. Кўзбўямачилик ва баландпарвоз гапларни четга қўятурайлик, ҳатто дарсликларда, минбарлардан сўзланаётган нутқларда ёки матбуотда ўн йиллар давомида такрор-такрор ёлгон ишлатиб келинмоқда. Академик А. Асқаров «Совет Ўзбекистони» (13.01.90) газетасида Улуғ Октябрь инқилобининг самаралари ҳақида сўз юритиб, у бепул билим олиш ва даволанишни таъминлади, деб уқтиради. Радио ва телевидениеда ҳукуматимизнинг 1—5 синф ўқувчиларини бепул овқатлантириш ҳақидаги қарори эълон қилинди. Бу қарорни ҳам кўкларга кўтариб мақтадик. Хўш, шу тўғрими?

Халқнинг ўзи ишлаб чиқарган ва топган ноз-неъмат ва пул маблағларининг бир қисмини чегириб қолиб, шунинг ҳисобидан уларни даволаш, болаларини ўқитиш ва овқатлантириш социалистик тузумнинг оддий принциплари-ку. Бунинг нимасини дўмблара қилиб мақтаймиз. Халқнинг ўзи топган маблағни ўзига сарфлашни бепул дейилса, унда армияни қуроллантириш, кийинтириш, овқатлантириш, суд, прокуратура, милиция ва бошқа давлат идораларини сақлаш кимнинг ҳисобидан бўляпти?! Бу ҳам бепулми? Сиртдан қараганда ҳақиқатга ўхшаб кўринган бу нарса қайсидир маънода ярим ҳақиқатдир. Одамларни ярим ҳақиқат билан тарбиялашнинг оқибати эса ёмондир. Бундай қилиш кишилардаги адолатга бўлган ишончни сўндира боради. Демак, ҳозирги кундаги шийоримиз бўлган демократия ва ошкоралик тўғриси сўз ва ҳақиқат асосига қурилса, турмушимиздаги жиноятчиликка, бошқа салбий ҳодисаларга қарши кураш осонлашади.

Яна бир, эътироф қилиб бўлмайдиган кураш чораси борки, бунга ҳалигача ҳеч ким юрак бетлаб қўл урмаган. Маълумки, ҳар бир халқ, миллат ўз оdatлари ва аънаоналарига эга. Унинг ўз миллий ғурури бор. Қизиққонлик ва босиқлик, тезоблик ёки сермулоҳазалик, ичкиликбозлик ёки қасдлашишга ташналик, мулкка ҳирс қўйиш ёки машаатпарастлик каби одатлар, турли миллатлар орасида турлича намоён бўлади. Биз эса жиноятчиликка қарши курашда, жиноятчиларнинг ёши, жинси, маълумоти, партиявийлиги, касби ва ҳатто йилнинг қайси фасли, ойи ва куннинг соатларида жиноят содир этганигача таҳлил қилиб чиқамиз-ку, лекин айбдор шахснинг миллатига эътибор бермаймиз. Тўғри, у қайси миллатга мансублигидан қатъи назар аввало гражданин сифатида жавоб беради. Лекин ҳозирги миллий масала «чирсиллаб» турган, турли миллат вакиллари ўз уюшмалари, клублари, маданий марказларини тузиб, миллий ўзига ҳослик учун курашаётган даврда жиноятчиларнинг миллатига ҳам эътибор бериш лозим. Чунки одамда миллий ғурур деган нарса бор, уни авайлаш керак.


Ҳозирги кунда «дефицит» деган сўз тилимиздан тушмай қолди. Бу ҳам ижтимоий адолатнинг оёқости бўлишида катта хизмат кўрсатмоқда. Жиноятчиликнинг «болалаб» кетиши учун қулай шароит яратмоқда. Жумладан, камёблик туфайли олибсотарлардан ташкил топган «жиноятчилар армияси» юзага келяпти.

Камёблик оқибатида хотин-қизлар орасида фоҳишабозлик пайдо бўлади, керакли жойларга керакли одамларни тикиштириш бошланади. Оилаларда жанжал, давлат хазинасига чанг солиш, бойлик тўплаш ҳирси ва бошқа жиноятлар келиб чиқади. Одамлар кўпинча «дефицит»га қўли етадиган бўлишини ўйлаб мансаб учун курашади. Хулоса шуки, то «дефицит» балоси бор экан, хилма-хил жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар — тарбия, панд-насиҳат, «қамма-қамал»лар қутлган натижасини бермайди.

Бунинг ижтимоий адолатга нима алоқаси бор, дерсиз. Ахир жамиятда ҳар бир нарса қиёслаш орқали кўринмайди? Бир одам иккинчисидан кам бўлай демайди, асло. Унда бор нарса менда ҳам бўлсин дейди, ундан қаерин кам дейди. Бу айни ҳақиқат, ҳеч ҳайрон қоладиган ери йўқ. Демак, камёблик ижтимоий адолат мезонини бузади. Бу эса ҳужасизликка йўл очади. Ҳужасизликни бартараф қилаолмаган раҳбарлар охир-оқибатда ўз-ўзидан жамиятимизнинг муҳим «истех-

ком»ларини қамал қилиб олган расмиятчи, жавобгарлик ҳиссидан холи мансабдорга айланиб қолишлари ҳеч гап эмас.

Хуллас, жамиятда адолат тантана қилиши учун аввало ҳар ким ўз зиммасидаги вазифага сидқидилдан муносабатда бўлиб, турмуш фаровонлиги ошувига муносиб ҳисса қўшмоғи лозим. Турмушимизда тўқинчилик бўлса, жиноятчилик ҳам ўз-ўзидан камайиб кетади. Қолаверса, одамларнинг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқ маданиятини оширишга эътиборни кучайтириш лозим. Одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши таниб олса, ўринли ҳатти-ҳаракатлар билан қонунга зид ишларнинг фарқига боришса жамиятда тартиб-интизом яхшиланади. Ана шунда жиноятчиликни тугатиш ва ижтимоий адолат учун кураш ҳам осонлашади.



Унутмас мени сўзини




Собир Абдулла

(1905-1972)

Ёр ўтажакдир

Эй, кўз қарашинг узма, шу дам ёр ўтажакдир,
Юз ғамза билан кўзлари хуммор ўтажакдир.
Байроғи ҳино рангу лаби лолага ҳамжинс,
Гул-гул очилиб, ул юзи гулнор ўтажакдир.
Бос ўзни юрак, кел эй вужуд, лаҳза кулоқ бер,
Шаҳноз ўқилиб, савтида гулёр ўтажакдир.
Ёр кўксига гул-лола ёйиб, қилса намойиш,
Қўлида шафақ, гумбази даввор ўтажакдир.
Ким ёр эрур сенга кўнгил, сен ила боқий,
Ҳар дўст қолиб дуняда, ағёр ўтажакдир.
Ҳар кимки бўлак, кўнгли кўшилмас эса бизга,
У умр бўйи халқ ичида хор ўтажакдир.
Гуллар абадий ғунча ёзар боғ — Ватанимда,
Ким дейди: бу бир мавсуму гулзор ўтажакдир.
Куз, қишу баҳор ила бу ёз фаслини кўп ёз,
Ёзган қоладир, умр эса зинҳор ўтажакдир.
Ёз яхши, замон яхши, бу ёшлик яна яхши,
Инсон яшару фасл эса такрор ўтажакдир.
Шахло кўзининг шавқида тунлар мижжа қоқмай,
То эртагача Собири бедор ўтажакдир.



Зулфинг очилиб орази дилжў била ўйнар,
Ҳинду бачае шўхдурур, сув била ўйнар.

Ул шўх кўнгил лавҳин этиб тийра нафасдин,
Бир тифлдир, алқиссаки кўзгу била ўйнар.

Ўйнай-ўйнай, боғлади уйқумни фусундин,
То ғамзаси ул наргиси жоду била ўйнар.

Тонг йўқки, кўзинг бўлса кўнгил бирла мулойиб,
Мажнунга ажаб йўқ агар оҳу била ўйнар.

Бир лўлийи бозигар эрур чамбар ичинда,
Холингки ўшал ҳалқаи гесу била ўйнар.

Зоҳид била нафс этса тамасхур, йўқ ажабким,
Ит сайд қилур вақтда тулку била ўйнар.

Муғ дайрида маст бўлса Навоийни кўрингим,
Бир олма киби гумбази мену била ўйнар.

Матназар Абдулҳаким

«Тонг йўқки, кўзинг бўлса кўнгил бирла мулойиб...»

Яши биламизки, Навоий ғазалиётининг руҳи жаҳоний бир дардқашлик, ҳасратангезлик кайфияти билан сайқал топган. Шунинг учун ҳам «Ўйнар» радифининг ўзиёқ шоир меросининг мазкур хусусиятидан хабардор ўқувчини сергак тортириб қўяди.

Зулфинг очилиб, орази дилжў била ўйнар...

ЗУЛФ — аёлнинг чакка кокили ёки, умуман, аёл сочи. ОРАЗ — юз, чеҳра маъносини беради. ЖЎ сўзи форс тилида истовчи, қидирувчи дегани. Демак, ОРАЗИ ДИЛЖЎ — юрак томонидан изланаётган, исталаётган юз, чеҳра. Бу мисрада шоир фақат тасвир билан кифояланади.

Ҳинду бачае шўхдурур, сув билан ўйнар...

ҲИНДУ БАЧА — форс тилидан таржима қиладиган бўлсак, ҳинду боласи демак. Иккинчи мисрадаги ташбиҳлар биринчи мисрадаги образларга аниқлик киритади, ранг беради. Маълумки, ҳиндулар қора тусли одамлар, бинобарин, улар зулф билан, яъни ёрнинг сочи билан бир тусда. Қолаверса, бу қиёсда ҳаракат ўхшашлиги ҳам, руҳ ўхшашлиги ҳам бор: аёлларнинг кокили, хусусан, чакка сочи ўйноқдир. Узининг шу хусусияти билан бу соч кичкинтойларнинг шўхлигини эслатади. Бу ўхшатишдаги тағин бир фазилат шундан иборатки, ҳиндулар, асосан, дарё ва уммоннинг соҳилларида истиқомат қилишади. Англашиладики, ёрнинг юзи сатҳи осойишта сувдек теп-текис. Сувдек мусаффо чеҳра билан ўйнаётган кокиллар сув билан ўйнаётган қора рангли болакай синга-ридир.

Энди ОЧИЛИБ сўзига эътибор қилинг. ОЧИЛИБ ўзининг бирламчи — ОЧИЛМОҚ феъли билан ифодаланадиган маъносидан ташқари, хурсанд бўлмоқ, хуш кайфиятда ўтирмоқ деган мазмунларни ҳам англатади. Бу сўзнинг, шунингдек, дарддан фориғ бўлмоқ маъноси ҳам бор. Энди навбатдаги мазмун жилосига эътибор қилинг. Маълумки, ёш бола сувни кўрганда қувониб-қийқириб,

очириб кетади, соч ҳам чеҳранинг тиниқлигидан, сувдек мусаффолигидан кувониб, «очилади». Бу ерда сувнинг ҳам, норасида боланинг ҳам поклик, тозалик рамзи эканлигини бир эсласак, шоир ўз маҳбубасини нақадар улуғлаётганини янада теранроқ англаб етамиз.

Иккинчи байтда шоир ўз илоҳасининг шўхлиги ва унинг дастидан тортаётган укубатининг баёнига ўтади. Бунинг учун у матлаъдаги образнинг мантиқий ривожланишидан келиб чиқади. Маълумки, кўнгилнинг ойнага, шишага ўхшатилиши қадимдан бор гап. Мисол учун халқимизнинг «кўнгил бир шишадир, синса тузалмас» маталини эслаш kifоя. Биз бирон бир ноҳақликдан қаттиқ ранжисак: «кўнгил хира бўлди, кўнгил қоронғу», — деб айтамыз. Маълумки, хираланиш ойнага жуда ҳам хос бўлган хусусият. Ҳаётда кўп учрайдиган яна бир ҳодисани эсланг: кичкинтойлар ойна олдида шўхлик қилишни, уҳлаб, нафаси билан ойнанинг юзини хира қилишни яхши кўрадилар. Кўзгунинг ҳамда боланинг ана шу хусусиятидан фойдаланиб, шоир навбатдаги мўъжизасини яратади:

Ул шўх кўнгил лавҳин этиб тийра нафасдин,
Бир тифлдир, алқиссаки кўзгу била ўйнар.

Яъни, у шўх кўнгил ойнасини нафаси билан қоронғу қилиб, худди кўзгу билан ўйнаётган ёш болага ўхшайди.

Ўйнай-ўйнай, боғлади уйқумни фусундин, —

деб давом этади шоир. ФУСУН бу — афсун, яъни сеҳр-гипноз дегани. Маълумки, одамни гипнотик ҳолатга солиш — метрономнинг бир зайлда тиқиллаб туриши ё гипнозчининг бир хил сўзларни ёхуд ҳаракатни такрорлаши орқали, инсоннинг идрокидаги назорат қилувчи марказларни забт этиш ва шу билан идрок эгасини ўз иродасига бўйсундириш орқали амалга оширилади. Афтидан, шунинг учун ҳам маъшуканинг «уйқуни боғлаб» ўз измига бўйсундиришини таърифлашга ўтар экан, Алишер Навоий такрорий ҳаракатни ифодаловчи жуфт сўзни қўллайди:

Ўйнай-ўйнай, боғлади уйқумни фусундин —

ва уйқуни боғлаган афсунгарни айтади:

то ғамзаси...

демак, афсун қилаётган — ғамза... Лекин сеҳрланиш ҳолатининг жуда ҳам чуқур эканлигини баён қилиш учун шоир ғамзанинг, яъни мижджалар ва қорачиқлар ишвасининг яна бир ҳамкорини тилга олади:

...ул наргиси жоду била ўйнар.

Демак, сеҳрланиш ёлғизгина ғамза туфайли эмас, ғамза ва наргиси жоду, яъни қош билан кўз ҳамкорлигида, иккита сеҳргарнинг ўйнашуви оқибатида содир бўлапти.

Шундан кейинги мисра куйидагича:

Тонг йўқки, кўзинг бўлса кўнгил бирла мулойиб
Мажнунга ажаб йўқ агар оху била ўйнар.

Мазкур байтдаги МУЛОЙИБ сўзига эътибор қилинг. Бу сўз ҳазиллашиб, бир-бировни хуш кўришиб ўйнамоқ мазмунига эга. «Лайли ва Мажнун» достонида Қайс Лайлининг висолидан маҳрум бўлгач, телбаланиб дашту биёбонга бош олиб кетади. У ерда жониворлар билан дўст тутинди, охулар билан дардлашади. Алишер Навоий араб фольклорига ана шу ҳодисага ишора қилиб, кўнгилни Мажнунга, ёр кўзини эса охуга ўхшатмоқда. Ўз кўнглининг илоҳа кўзи билан мулоқотини Қайснинг оху билан муносабатига менгзатаяпти. Шуниси ҳам борки, Қайс дардманд одам, ҳаддан ташқари ғамгин қалб эгаси, бинобарин унинг, ҳатто оху билан бўлсин, ўйнашуви эҳтимолдан узоқроқ. Шунинг учун ҳам шоир

Мажнунга ажаб йўқ агар оху билан ўйнар, —

дейди. Кўзга муносабатан эса:

Тонг йўқки, кўзинг бўлса кўнгил бирла мулойиб —

дейди. Бу байтдаги мутаносиблик жадвали куйидагичадир: кўз — оху, кўнгил — Мажнун, тонг йўқки — ажаб йўқ, мулойиб — ўйнар.

Бу байтни шарҳлаётиб, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, фалсафа илмида, аксар, кўнгил ақлга қарши қўйилади. Негаки, кўнгил ақлга тўғри келмайдиган нарсаларни тусайди. Кўнгил кўчаси — халқ таъбирима, ҳамиша адаштиради. Оху эса ювошлик, бокиралик тимсоли. Алишер Навоий бу байтда ҳамма айбни билвосита кўнгилга тўнкаб, кўзнинг бегуноҳлигини уқтирмоқда.

Навбатдаги байт:

Бир лўлийи бозигар эрур чамбар ичинда
Холинги ўшал халқаи гесу била ўйнар.

Ўйноқлаб турган сочнинг халқаси ичидаги хол чамбар ичида ўйнаб томоша кўрсатаётган лўлига ўхшатиляпти. Маълумки, бозигар лўлилар, яъни ўйнаб томоша кўрсатувчи лўлилар оломон тўпланган жойда ўз санъатларини намойиш қиладилар. Ер холининг лўлилар тоифасига ўхшати-

лишда маҳбубанинг хусини таъкидлаш билан бирга, соч ҳалқаси ва унинг ичидаги хол ўйинидан бошқаларнинг баҳраманд бўлиши эҳтимолидан таҳлика ҳам сезилади. Бинобарин, бу мисрадаги муқоясада ошкора тасвирдан ташқари яширин бир рашк, пинҳон бир таъна бор.

Эндиги байт мумтоз шоирларимиз ғазалиётида кўп учрайдиган анъанавий «четга чиқиш»дан иборат. Яъни, бу байтда шоир асосий мавзуну гўё унутади-да, инсонда мавжуд бўлган нафс туйғусини қаламга олади. Эсласангиз, юқоридаги байтларнинг бирида шоир Мажнуннинг оҳу билан ҳазилкашлик эҳтимолини кўнгил ва кўзнинг мумкин бўлган ўйнашувига ўхшатган эди. Аён эдики, уларнинг ўйнашуви соф меҳр-муҳаббат, беғаразлик асосига қурилганди. Бу байтдаги муқояса ҳам инсоннинг жонивор билан ўйнашувига асосланганлиги жиҳатидан юқоридаги мисрага бир қадар ўхшаб кетади:

Зоҳид била нафс этса тамасхур, йўқ ажабким,
Ит сайд қилур вақтда тулку била ўйнар.

Кўришиб турибдики, бу зоҳирий ўхшашликнинг замирида тамомила кескин бир зиддият ётипти.


Бу ерда гапни сал узоқдан бошлашга тўғри келади. Маълумки, тасаввуф илмида инсоннинг илоҳга интилиши ҳаётдаги бош мақсаддир. Бу интилиш бутунлай холис бўлиши лозим, ғараз эътиқодни чиппакка чиқаради. Шунинг учун ҳам мазкур таълимотда зуҳд, яъни худо жамолига эришувнинг намоишкорона йўли шартли равишда ғараз, нафс тимсоли сифатида талқин қилинади. Бобо шоирларимиз, шу жумладан Алишер Навоий ҳам мансуб бўлган тасаввуф поэзиясида бу образ ўзининг ёрқин аксини топган. Демак, бу байтдаги зоҳид нафсониятига муккасидан кетган одам. Нафс эса анъана бўйича итга қиёс этилади. Бу қиёс Навоийгача ва ундан кейинги шеърятимизда ҳам мавжуд. (Эсланг: «Солдим туну кун нафсим ити бирла урушни» — Машраб.) Демак риёкор зоҳид ўзининг итдек нафси билан ўйнашмоқда. Ов ити тулкини қувлаётган пайтда, зоҳиран улар ўйнашаётганга ўхшаб туюлади. Лекин бу ўйин таҳликали, тулкининг ҳалокати билан якун топадиган ҳаёт-мамот қувлашмачоғидир. Шоир риёкорлар устидан ҳукм чиқариб айтяптики, «Тулкидек айёр бўлганинг билан барибир ўзингнинг итдек нафсингга қурбон бўласан». Бу табиийки, ҳаммамиз учун огоҳлантиришдир. Чунки нафс ҳаммада бўлади, демак биз тулкилик қилиб, нафс итимиз билан ўйнашсак, унга эрк берсак, ҳолимизга войдир.

Ғазалнинг мақтаёсида — якунловчи байтида шоир:

Муғ дайрида маст бўлса Навоийни кўрингим,
Бир олма киби гумбази мену била ўйнар, — дейди.

МУҒ ДАЙРИ — майхона. **ГУМБАЗИ МЕНУ** — зангори гумбаз, яъни осмони фалак. Бу байтда ишқий ғалаён майхонадаги мастнинг ҳолатига ўхшатилади. Тасаввуф поэзиясида ҳаққа етишмак йўлидаги туйғулар, кечинмалар шартли равишда мастликка ўхшатилади. Негаки, бошқа бировни астойдил севган одам ҳам, маст бўлган одам ҳам одатда ўзини унутади. Байтга қайтадиган бўлсак, маст одамнинг кўзига улкан нарсалар кичик, муҳим нарсалар аҳамиятсиз бўлиб кўринади. Қолаверса, ичган одам шўр, аччиқ луқмалар билан газак қилади. Демак, маст бўлган лирик қаҳрамоннинг кўзига тор маънода майхонанинг зангори гумбази ҳам, кенг маънода осмони фалак ҳам бир олма каби туюлмоқда. Шунинг учун у осмони фалакни қўлига олиб ўйнайди, чарх ураётган коинот ўзининг муайян ўқи атрофида эмас, балки ошиқ қўлида айланиб турипти. Истаса, ошиқ унга тиш уради, тил теккизади. Бу ерда шоир маълум даражада ўзининг ошиқлигидан қулаётгандай. Биз мухлислар яхши биламизки, Навоий буюк ошиқдир, шунинг учун ҳам мусаффо туйғуларига замин тор келиб, ишқи осмонга тушган.

Шеърятимиздаги асл маънилар ганжи дафинага ўхшаб тилсимланган. Биз узоқ йиллар мобайнида боболаримизнинг санъатини аслида қандай бўлса, шундай эмас, балки турли «ғоявий» ғаразлар билан тўмтоқланган онгимиз қандай тушунишни истаган бўлса, шундай англаб, талқин қилиб келдик. Муборак тилсимлар калитини ҳали ҳам қўлга кирита олганимизча йўқ. Шунинг учун ҳам мен бу ғазални фаҳмим етганича, уни ботиний жиҳатдан эмас, зоҳирий жиҳатдан шарҳлашга ҳаракат қилдим, холос.



А. С. Пушкин

«АДАБИЁТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛАЁТГАН САБАБЛАР»

Адабиётимиз тараққиётига тўсқинлик қилаётган сабаблар, одатда, қуйидагилар: 1) француз тилини мунтазам қўллаш ва рус тилини менсимаслик. Бизнинг ҳамма ёзувчиларимиз шундан шикоят қилишади — ахир бунда ўзимиздан бошқа айбдор одам борми? Шеър ёзиш билан шуғулланувчиларни ҳисобга олмаганда, рус тили биронта ҳам одамни ўзига етарли даражада мафтун қилолмайди — бизда ҳалигача на адабиёт, на китоб ** бор, бизлар барча билимларимизни, тушунчаларимизни гўдаклик чоғларимизданоқ чет эл китобларидан териб олганмиз, биз бегона тилда фикрлашга ўрганиб қолдик; маърифатпарвар аср ақлларга озиқ берувчи муҳим тафаккур соҳаларини талаб қилаётир — у энди тасаввур ва уйғунликнинг ёрқин ўйинлари билан қаноатланиб қололмайди, бироқ илм-фан, сиёсат ва фалсафа ҳали рус тилида гапирмади; метафизик тил бизда умуман йўқ; насрий тил шунчалик кам ишланганки, ҳатто оддий саломхатда ҳам биз кундалик тушунчаларни англайтиш учун сўз ибораларини ўзимиз тўқиб-тузишга мажбурмиз; ҳамда, ялқовлигимиз туфайли, фикримизни шакл-шамойили тайёр ва ҳаммага маълум бўлган бегона тилда бемалол ифода қилаверамиз.

Менга, рус шеърияти юксак даражаларга кўтарилди-ку, дейишлари мумкин. Тўғри, Державиннинг баъзи қасидалари, вазнларининг нотекислигига ва тилининг нотўғрилигига қарамай, ҳақиқий даҳо шоирнинг шиддати йла дунёга келган; Богдановичнинг «Душенька»сида шеърлар ва Лафонтенга лойиқ саҳифалар бор; Крылов бизга маълум бўлган барча масалчилардан, ҳатто ўша Лафонтеннинг ўзидан ҳам ўзиб кетди; Петрарка италиён тили учун қандай хизмат қилган бўлса, Ломоносовга бахтиёр сафдош бўлган Батюшков ҳам рус тили учун ўшанчалик хизмат қила олди; агар Жуковский таржима билан камроқ шуғулланганида эди, унинг асарлари барча тилларга таржима қилинган бўлур эди — бу фикрларга қўшиламан.

Танқид ҳақида

Умуман танқид. Илмий танқид.

Танқид — санъат ва адабиёт асарларидаги гўзаллик ва нуқсонларни очиб берувчи фан.

Танқид танқидчининг санъаткор ёки ёзувчи ўз асарларида қўлланадиган қоидаларни мукамал билишига, намуналарни чуқур ўрганганлигига ва замонавий гўзал ҳодисаларни фаол кузатиб боришига асосланади.

Холислик ҳақида гапирмайман — кимки танқидда санъатга бўлган тоза меҳр-муҳаббатдан бошқа ҳар қандай нарсани қўллар экан, тубан, ғаразғўй истакларга қўлларча бўйсунувчи одамлар сафидан жой олади.

Санъатга меҳр-муҳаббат бўлмаган ерда танқид ҳам бўлмайди. Санъат билимдони бўлишни

* Улуғ рус шоири А. С. Пушкин ёзувчи, драматург сифатида шуҳрат қозонибгина қолмай, ўз даврида етук танқидчи, адабиётшунос, ношир, тарихчи ва маърифатпарвар арбоб сифатида ҳам танилган эди. Пушкиндан гўзал шеърлар, ажойиб қисса ва драмалар билан бир қаторда жуда кўплаб танқидий-адабий мақолалар, адабиёт, тарих ва маданиятнинг турли соҳаларига оид кузатишлар, қайдлар ҳам мерос бўлиб қолган. Шоир бу мақола, кузатиш ва қайдларида ўзининг бетакрор истеъдодининг турли кирраларини намён қила олган. Қуйида ўша асарларидан, хатларидан, фикр-мулоҳазалар ва қайдларидан танланган таржималарни ўқийсиз.

** ...Менинг она юртимда

Биронта китоб йўқ, журналлар мингта.

(Сўнгги сатрга қўшиламан.)

хоҳлайсизми? — дейди Винкельман, — санъаткорни севишга ҳаракат қилинг, унинг асарларидан гўзаллик изланг.

Турли йилларда ёзилган қайдлар,
фикр-мулоҳазалар, афоризмлар ва хатлардан парчалар

Ҳақиқий нозик дид у ёки бу сўзни ўйламай-нетмай рад қилишда эмас, балки шунга мос ва йўғун туйғуда намоён бўлади.

* * *

Езувчидаги бирёқламалик, ҳар қанча чуқур мазмунга эга бўлмасин, унинг ақлан бирёқламалигини кўрсатади.

* * *

Шоирларимиздан бири кеккайибди: «Менинг шеърларимда сафсата бор бўлса бордир, лекин проза йўқ!» Байрон ҳам ўзининг баъзи шеърларини тушунтириб беролмаган. Икки хил маъносизлик бор: бири сўз ўрнини босадиган ҳис ва фикрнинг этишмаслигидан келиб чиқади; иккинчиси — ҳис-ҳаяжон ва фикр тўғён қилиб, уларни ифодалашга сўз топилмаслиги туфайли пайдо бўлади.

* * *

Қадимий кўшиқларни, эртақларни ва ҳоказоларни ўрганиш тил хусусиятларини билишда жуда муҳимдир. Танқидчилар бундан бекор ҳазар қиладилар.

* * *

Бу ҳозир янги эмас, бу аллақачон айtilган — танқидчиларнинг энг сийқаси чиққан айблари мана шу. Ахир, юз йиллар мобайнида ҳамма гаплар айtilган, ҳамма тушунчалар ифода қилинган ва такрорланган: хўш, нима бўпти? Инсон руҳи бирон-бир янгилик яратмайдими? Яхшиси, ҳадеб руҳга бўхтон уюштиравермайлик; сўзлардан гап тузишда тил нақадар битмас-туганмас имконларга эга бўлса, тушунчаларни англаб этишда ақл-идрок ҳам шундай кенг имконларга эга. Луғатда ҳамма сўзнинг ўрни бор, лекин тўхтовсиз ёруғ кўраётган китобларни луғатни такрорляпти, қамраб олаяпти деб бўладими? Ёлғиз фикрнинг ўзи ҳеч қачон бирон бир янгиликни намоён қилмайди; фикрлар чексиз даражада хилма-хил бўлиши мумкин-ку.

* * *

Ота-боболарнинг шуҳрати билан фахрланиш нафақат мумкин, балки лозим ҳам; уларга беҳурмат бўлиш эса шармандаларча қўрқоқликдир. «Давлат қонунчилиги, — дейди Карамзин, — аждодларни маърифатли фуқаро деб билишга ўргатади». Юнонлар энг хўрланган пайтларида ҳам ўзларининг бой насл-насабларини унутмадилар ва шунинг ўзи биланоқ озод ҳаётга мушаррафдилар. Бутун халқнинг олийжаноблигини кўрсатувчи фазилат якка бир одамда иллатга айланиши мумкинми? Баъзи файласуфлар демократик ҳасад билан тасдиқлаган бу бидъат одамлар орасида тубан худбинлик тарқатиш учунгина хизмат қилади. Ахир, набираларимиз бизлардан ўтган номнасаб туфайли ҳурмат қозонадилар, деган беғараз фикр — инсон қалбидаги энг олижаноб орзу эмасми?

**Мен ташлаган соя-салқинда туриб
Менга раҳмат айтар эвараларим! (фр.)**

* * *

Сизни ёқловчи овозларнинг кўпайишини истасангиз — тентақларни масҳара қилманг.

* * *

Сумароков рус тилини Ломоносовга қараганда чуқурроқ биларди, унинг танқидлари (грамматика масалаларида) асослидир. Ломоносов жавоб бериб турмас ёки ҳазил билан қутилиб кетарди. Сумароков шеър санъатида ҳурмат билан қарашни талаб қиларди.

* * *

Бизда шеърни ҳам наср ўрнида ишлата бошлашди: ҳаётий эҳтиёж туфайли ҳаммас, зарур фикрни ифода қилиш учун ҳаммас, фақат шу — шакл гўзал бўлиши учун.

* * *

Эртақларни хоҳлаганингизча сўкинг, иллатларини фош қилиб ташланг — бирортаси бош кўтариб нима қиялсан деб сўрамайди. Лекин гўзал жинсга ҳажвий оҳангда бир сатр битинг-чи — аёл зоти борки, бари бир бўлиб устингизга ёпирилади — бундай пайтда улар бир халқ, бир табақа бўлиб курашга отланадилар.

* * *

Кс. аллақайси бир асарни аҳмоқона ёзилган деди. — Буни нима билан исбот қила оласиз? — Жуда осон, — соддадиллик билан ишонтирди у, — бундай асарни мен ҳам ёза оламан.

* * *

Буюк одамларнинг ўз ҳаёти ҳақда ёзганларини севиб-талашиб ўқишимизнинг сабабларидан бири — бизнинг худпарастлигимиздир: қайси бир жиҳатдан бўлмасин — фикрдами, туйғудами, қилиқлардами ва ҳатто камчилик-иллатлардами — ўша атоқли одам билан ўзимизнинг ўрта-мизда ўхшашлик топа олсак, жуда хурсанд бўламиз. Мабодо майда, бечораҳол одамлар ҳам ўз ҳаёти ҳақда мана шундай ёзувлар ёзиб қолдирганларида эди, ўзимиз билан уларнинг фикр-лари, қилиқлари, нуқсонлари орасида бундан ҳам кўп ўхшашлик топган бўлур эдик.

* * *

Оддий халқнинг — чет тилдаги китобларни ўқимайдиган ва, худога шукурки, ўз фикрини биз сингари француз тилида ифода қилмайдиган халқнинг — ўзаро сўзлашув тили ҳам теран тадқиқотларга арзийди. Альфиери италиён тилини Флорентина бозорларида ўрганган экан: биз ҳам аҳён-аҳёнда москвалик косиблар сўхбатига қулоқ тутиб турсак ёмон бўлмасди. Улар ҳайрон қоладиган даражада тоза тилда гапирадилар.

* * *

Ҳасад — агар яхши ниятдан туғилган бўлса, — мусобақа парисидир.

* * *

Ҳар хил жасорат бор: Державин ёзади: «бургут кўкда учиб юраркан», * шунда бахт «даҳшат билан қаҳқаҳа уриб сенга бурди ўз елкасини, кўряпсан сен, кўряпсан мудроқ орзуларнинг кўланкасини» **

Шаршаранинг тасвири:

Тўкилади юксаклардан тоғ
Олмос каби... ва ҳоказо. ***

Жуковский худо ҳақида ёзади:

Кийинар у Москванинг тутуни билан. ****

Крилов ботир чумоли ҳақда ёзади:

Ўргимчакка қарши ёлғиз борарди ҳатто *****

Кальдерон чақмоқни осмоннинг ер билан сўзлашувчи олов тиллари деб атайди. Мильтон, дўзахдаги олов бу ердаги мангу зулматни аниқ ёритиб турарди, дейди.

Биз бу ибораларни жуда дадил, жасорат билан айтилган деб биламиз, негаки улар ёрқин фикрни ва шеърини тасвирни ифода қилади.

Французлар минбар сўзини қўллаган Расиннинг жасоратига ҳанузгача ҳайрон қолиб келишади.

Упарлар меҳробу минбарларингни. *****

Делиль ҳам ўзининг сигир деган сўзни ишлатганини айтиб мақтанган эди.

Майда ва бирёқлама танқидга бўйсунадиган адабиёт нафратга лойиқдир. Агар хурофий дид устидан қозонган ғалабалари учун шухрат талаб қилар эканлар, бундай шоирлар (истеъдодлари қандай ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлмасин) ачинишгагина муносибдирлар!

Энг олий жасорат бор: бу, ниятлар ижодий тафаккур билан чирмашиб-бирикиб кетган кашфиёт жасорати, яратиш жасорати, — Шекспир, Данте, Мильтон, «Фауст»даги Гёте, «Тартюф»даги Мольер жасоратлари мана шундай жасоратдир.

* * *

Такрор айтилган ўткир сўз тўмтоқлашади.

* * *

Аниқлик ва қисқалик — наsrнинг бош фазилатларидир. Наsr фикр, фикр талаб қилади —

* «Мансабдор» шеърдан.

** «Граф Зубовнинг Эрондан қайтишига» қасидасидан.

*** «Шаршара» шеърдан.

**** «Кремлдаги куйчи» шеърдан.

***** «Чумоли» масалидан.

***** Ж. Расиннинг «Эсфирь» фожесининг муқаддимасидан.

фикр бўлмас экан, гўзал иборалар сариқ чақага арзимаёқ қолади; шеър бошқа гап (аммо шоирларимиз ҳам шеърларида ҳадеб сийқаси чиққан фикрларни келтиравермасдан, ундан кўра, муҳимроқ ғояларни олиб кирсалар ёмон бўлмасди. Утиб кетган ёшлик хотиралари билан адабиётимизни олға силжитиб бўлмайди).

* * *

Таржимонлар — маърифатнинг юкчи отларидир.

* * *

Зийрак дегани, бу ҳали ақлли дегани эмас. Аҳмоқлар, ва ҳатто ақлдан озганлар ҳам ҳайрон қоларли даражада зийрак бўлишлари мумкин. Яна шуни қўшимча қилиш керакки, зийраклик хусусияти даҳо билан — одатдаги содда, улугвор феълли, очиқ кўнгилли даҳо билан — камдан кам ҳолларда эш бўлади.

Бизда эмас, йўқ, йўқ, бошқа бир юртда
Лорд Мидас яшарди иззат-ҳурматда,
Ўрта эди ақл-идроқда, лекин
Юрсам қулайман деб, эмакляб секин-
Аста амал томон у йўлга тушди:
Мана, машҳур жаноб бўлиб етишди.
Мидас ҳақда яна икки оғиз гап:
У ҳеч қачон дилда юрмасди асраб
Теран фикрларни, зўр ниятни ҳам,
Ёркин ақл унда етишмасди, кам;
Ботир ҳам эмасди юраги, аммо —
Бағритош эди у, боодоб, сипо!
Барча хушомадгўй маддоҳлар уни, —
Қандай мақтаймиз деб, қаҳрамонимни
Мақтай бошладилар зийрак деб илло,

ва ҳоказо!
Пушкин.

* * *

Танқид билан бизда кўпинча журналистлар, яъни ўз ишини яхши биладиган одамлар шуғулланади, афсуски улар танқидчи эмас, ва ҳатто, адабиётчи ҳам эмаслар.

* * *

Грамматика тил учун қоидалар яратмайди, балки тил қоидаларини тушунтириб беради ва тасдиқлайди.

* * *

Мильтон шундай деган: «Ўқувчиларимнинг сони оз бўлса ҳам майли, фақат улар мени тушунишга қодир бўлсалар бас». Шоирнинг бу мағрур орзуси ҳозир — бизнинг замонамизда ҳам бироз ўзгарган ҳолда такрорланиб туради. Баъзи бир замондошларимиз бизга очиқдан очиқ шундай деб таъкидлайдилар: «Ўқувчиларим оз бўлса ҳам майли, китобимни харид қилувчилар кўп бўлса бас...»

TABLE-TALK *

(шу номли асаридан танланган парчалар)

Пётр I шундай деган: «Бахтсизликдан қўрққан — бахтга етолмайди».

* * *

Иван Антонович туғилган пайтда император малика Анна Ионновна чақалоқ учун гороскоп тузинглар, деб Эйлер **га буйруқ юборади. Эйлер аввалига бундан бош тортади-ю, лекин бўйсунмишга мажбур бўлади. У бошқа бир академик билан бирга бу ишга киришади, ва, виждонли немислар сингари, астрологиянинг барча қонун-қоидаларига асосланиб таъбирнома тузадилар, лекин ўзлари бунга ишонмайдилар. Таъбирноманинг хулосаси иккала математикнинг ҳам ўтақасини ёриб юборади — ва улар император маликага бошқа мазмундаги таъбирномани юборади-

* Стол (дастурхон) теварагидаги суҳбатлар (ингл.) — Пушкин 1830-йиллардан бошлаб йиғган тарихий маълумотларни, латифаларни, фикр-мулоҳазалар ва танқидий қайдларни шу ном остида бирлаштириб, яхлит асар сифатида тақдим этган.

** Машҳур математик, швейцариялик, Россияда яшаб, шу ерда вафот қилган.

ларки, унда чақалоқнинг бахтли-саодатли ҳаёти башорат қилинган эди. Қаранг-а, Эйлер ўша асл таъбирномани сақлаб қўйган экан, Иван Унинг бебахт умри завола топгач, ўша таъбирномани Эйлер граф К. Разумовскийга кўрсатади.

(Н. К. Загряжскаядан эшитдим.)

* * *

Потемкин ҳақида

Бир куни запорожликлардан кўнгли қолган Потемкин уларнинг бирига деди: «Пўпаклилар, биласизларми, Николаевда шундай кўнғироқхона қурдирыпманки, чалинганда овози Сечда эшитилади!» — «Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ, — деб жавоб берди запорожлик, — бизнинг Запорожчинада шундай кўбизчилар бор, кўбизини қотириб чалсалар, Петербургдагилар рақсга тушиб кетадилар.»

* * *

Потемкиннинг тез-тез ёлғизсираб, индамай қоладиган одати бор эди. Бундай пайтларда у кабинетига ҳеч кимни киритмас, ёлғиз ўзи кеча-кундуз қамалиб ўтиргани-ўтирган эди. Шундай аҳволга тушиб қолган кунларнинг бирида, кечиктирмай ҳал қилиниши лозим бўлган қоғозлар жуда кўпайиб қолди; лекин кириб вазиятни баён қилишга ҳеч кимнинг юраги бетламасди. Бу гапларни эшитган Петушков деган ёш чиновник, қоғозларни олиб кириб князга имзо чеқдириб чиқаман, деб чираниб қолди. Хурсанд бўлишиб қоғозларни унга тутқазишди, нима бўлишини бетоқат кута бошладилар. Петушков қоғозларни кўтариб тўппа-тўғри кабинетга кириб кетди. Потемкин чопонда, ялангоёқ, сочлари таралмаган ҳолда хаёлга ботиб, тирноғини ғажиб ўтирарди. Петушков аҳволни дадил баён қилиб, унинг олдига қоғозларни қўйди. Потемкин миқ этмай патқаламни олдида-да, қоғозларга бирин-кетин имзо қўйиб чиқди. Петушков таъзим қилиб, тантана билан ташқарига чиқди: «Имзо чеқди!» Ҳамма уни ўраб олди, қарадилар: ҳамма қоғозларга имзо чекилган. Петушковни қутлашди: «Офарин! Бошқа гап йўқ.» Лекин кимдир имзоларни синчиклаб текшириб қолди — нима бўпти денг? Барча қоғозлардаги: князь Потемкин деб ёзилган жойга қуйидагича имзо чекилган эди: Петушков, Петушков, Петушков...

* * *

Бир куни Потемкинга, Флоренцияда яшовчи аллақандай граф Морелли скрипкани жуда зўр чалади, деб етказишди. Потемкин унинг чалганини жуда эшитгиси келиб қолди; уни қақриб келтиришга буйруқ берди. Адъютантларнинг бири чопар бўлиб Италияга жўнаб кетди, бориб граф Морелли ҳузурда шавкатли князнинг буйруғини эълон қилди ва дарҳол аравага чиқиб Россия томон жўнашга таклиф этди. Олижаноб созанданинг қони қайнаб кетди ва Потемкинни ҳам, унинг чопарини ҳам от-араваси билан қўшиб сўқди. Нима ҳам қиласан. Лекин князнинг олдига буйруқни бажармай бориб кўр-чи! Топқир адъютант аллақайлардан бир бечораҳол скрипканининг дарагини эшитиб, қобилиятсизгина бу созандани граф Морелли номи остида Россияга жўнашга кўндиради. Уни олиб келишди ва Потемкинга рўпара қилишди. Унинг чалган куйлари Потемкинга жуда маъқул тушди. Созанда кейинчалик граф Морелли номи билан хизматга қабул қилинди ва полковник унвонини олгунча хизмат қилди.

* * *

Бир куни ёш Ш.нинг шўхлиги ҳаддан ошиб кетди. Князь Б. унинг устидан нақ маликанинг ўзига шикоят қилмоқчи бўлди. Ш.нинг қўрқиб кетган қариндош-уруғлари ташвишга тушиб қолдилар, князь Потемкиннинг ҳузурига чопиб келишиб, йигитни ҳимоя қилишни ўтиниб сўрадилар. Потемкин Ш.ни эртага олдимига келсин, деди-ю қўшиб қўйди: «тайинлаб қўйинглар, мен билан дадил туриб гаплашсин.» — Ш. белгиланган муддатда пайдо бўлди. Потемкин ўзининг кундалик кийимида кабинетидан чиқиб келди-да, ҳеч кимга ҳеч нарса демай, ўтириб қарта суза бошлади. Худди шу пайт князь Б. келади. Потемкин уни бетакаллуф кутиб олди-ю, қарта ўйнаб ўтираверди. У бирдан олдига Ш.ни қақриб олади. «Маслаҳат берсанг-чи, оғайни, — дейди Потемкин унга қарталарини кўрсатиб, — қайсиси билан урсам экан?» — «Менинг нима ишим бор, олампаноҳ — деб жавоб қайтаради унга Ш., — билганингизча ўйнайверинг-да». «Э, отам-е, — эътироз билдирди Потемкин, — сенга бир оғиз ҳам сўз айтиб бўлмайди, дарров хафа бўласан-қоласан». Буни эшитган князь Б. шикоят қилиш ниятидан қайтди.

* * *

Малика (Екатерина II) шундай деган: «Бирон-бир янги низом билан шуғулланмоқчи бўлсам, архивларни титкилаб кўришни, бу ҳақда Буоқ Петр гапирган-гапирмаганини билишни буюрман, — ажаб, ҳар сафар маълум бўладики, мен амалга оширмоқчи бўлаётган низом ҳақда у аллақачон ўйлаган бўлиб чиқади.»

* * *

Херасков Костровни жуда ҳурмат қилар ва унинг истеъдодини ўзиникидан юқори кўярди. Бу эътироф Херасковнинг софдиллигини, нозик-таъблигини кўрсатиб турибди. Костров* бир

* Шоир, «Илиада»нинг таржумони.

қанча вақт Херасковнинг уйида яшади. Мезбон унинг тўйиб ичишига имкон бермади. Костров жуда зерикди. Бир куни у йўқолиб қолди. Бутун Москвани ағдар-тўнтар қилишди, лекин топишолмади. Дафъатан бир куни Херасковнинг қўлига Қозондан юборилган мактуб келиб тушди. Костров унга зиёфату дастурхонлар учун миннатдорчилик билдирган, «аммо, — деб ёзган эди шоир, — эркинликни мен ҳамма нарсадан афзал кўраман.»

Костровга малика Екатерина томонидан «дорилфунун назмгўйи» деган унвон берилган, шу унвони учун Костров 1500 сўм маош ҳам оларди.

Тантанали қонлар қинлашганда Костровни бутун шаҳар бўйлаб ахтариб қолишар ва, одатдагича, уни қовоқхонадан ёки қалин дўсти — ном қозонган буюк арақхўр — дьячок * ёнидан топишарди.

Бир куни дорилфунунда жанжал чиқди. Узларига берилаётган овқатдан норози бўлган талабалар бир қанча тарелкаларни синдиришди, пирогларни иқтисодчининг юзига отишди. Раҳбарлар бу жанжални тафтиш қилаётиб, қўзғолончилар ичида бакалавр ** Ермил Костров ҳам борлигини аниқлашди. Ҳамманинг оғзи очилиб қолди. Табиатан юмшоқ-беозор бўлган Костровнинг ёши ҳам анчага бориб қолган, Тарелка синдириб, пирог отадиган даврдан аллақачон ўтиб кетган эди. Уни мажлисга олиб киришди. «Кечирасиз, Ермил Иванович, — деди унга ректор, — Сиз, сиз қандоқ аралашиб юрибсиз?» — «Инсониятга дардошлигим туфайли» — деб жавоб берди олижаноб Костров.

* * *

Сумароковнинг жаҳлини чиқаришда ҳеч ким Барков ***нинг олдига тушолмасди. Сумароков уни олим сифатида ва ўткир танқидчи сифатида жуда ҳурмат қилар, доим ўз асарлари тўғрисида унинг фикрларини сўрарди. Сумароковни сира-сира мақтамайдиган Барков бир куни унинг уйига келди: «Сумароков улуғ инсон! Сумароков рус шоирлари ичида биринчи ўринда туради!» — деди. Жўшиб-қувониб кетган Сумароков унга дарҳол ароқ қўйиб берди. Барковга худди шу керак эди — тўйгунча ичди. Чиқиб кетаётиб у Сумароковга деди: «Александр Петрович, мен сени алдадим: рус шоирлари ичида биринчи ўринда мен тураман, иккинчи Ломоносов, сен бор-йўғи учинчисан». Сумароков уни бўғизлаб ташлашига сал қолди.

* * *

Барков билан Сумароков бир куни ким тез қасида ёзиш бўйича баҳслашдилар. Сумароков Барковни меҳмонхонада қолдириб, ўзи кабинетини ичдан қулфлаб олди. Орадан чорак соат ўтгач, Сумароков тайёр бўлган қасидани олиб чиқса, Барков йўқ. Барков ўз ишини қойилмақом бажариб, шляпа ичида қолдирганини **** ва ўзи уйига жўнаганини одамларга айтиб кетган экан. Буни эшитган Сумароков қандайдир бир ҳийланинг ҳиди келаётганини англайди. Қараса, ҳақиқатан унинг шляпаси ерда ётар, шляпа ичида эса...

* * *

Царскоселодаги лицейда бизга француз адабиётидан дарс берувчи профессор Будри Маратнинг туғишган укаси эди. Екатерина II унинг фамилиясини ўз аризасига биноан ўзгартирган ва оқсуяклик нисбасини англлатувчи de юкламасини ҳам инъом қилган, бу нисбани Будри жуда ардоқларди... У акасини ҳурмат билан эсларди...

Будри бизга ҳикоя қилиб берган хотираларга қараганда, Марат паст бўйли, озғин, лекин ақл бовар қилмайдиган даражада кучли одам бўлган. Будри акасининг олижанобликлари, қариндошларга бўлган меҳр-муҳаббати ва ҳоказолар ҳақда бизга кўп гапириб берарди. Ёшлигида, укаси суюқоёқ аёлларга илакишмаслиги учун, Марат уни госпиталга олиб борган ва таносил касалликларига дучор бўлган одамларнинг даҳшатли аҳволи билан таништирган экан.

* * *

Граф С**нинг ҳабаши ҳақида. Граф С**нинг навжувон ва келишган ҳабаши бор эди. Графнинг қизи ўша йигитдан бола туғди. Шаҳар аҳли бу воқеадан қандай хабар топди денг. Граф С**нинг уйида ҳар шанба куни садақа тарқатиларди. Белгиланган куни гадолар одатга кўра уй олдига келишди: лекин эшикбон уларни дағдаға билан ҳайдаб юборди: «Туёғингизни шикйллаб қолинг, сизларга кўзимиз учиб тургани йўқ. Уйимизда графойим ҳабашвачча туғади-ю, буларнинг қўл чўзиб келишларини қаранг».

* * *

Денис Давидов бир куни олдинги маррада жанг қилаётган князь Багратион ҳузурига бориб деди: «Бош қўмондон буйруқ бериб, сиз жаноби олийларига душман аскарлари бурнимиз тагига келиб қолганини маълум қилади ва дарҳол чекининишгизни сўрайди». Багратион жавоб берди: «Душман бурун тагига келиб қолибдимиз? Кимнинг бурнининг тагига? Агар сизнинг бурнингиз тагига келиб қолган бўлса, демак улар шу ерда; агар менинг бурним остига келиб қолган бўлса, улар етиб келгунча овқатланиб олишга улгурамиз».

* Православ черковида энг қўйи лавозимли руҳоний.

** Энг кичик илмий даража.

*** Фанлар Академиясининг таржимони, беадаб шеърлар муаллифи.

**** «Дело в шляпе» ибораси русчада ишнинг муваффақиятли эканини билдиради.

* * *

Хажвчи Милонов бир куни маст ҳолда Гденичнинг уйига келди. Одатдагидай, унинг уст-бошлари йиртилган, чанг-чунг, сочлари тўзғиб ётарди. Гденич унга насиҳат қилиб овута бошлади. Кўнгли бузилиб кетган Милонов йиғлай бошлади ва осмонга имо қилиб: «Чекаётган изтиробларим учун мен шу ёқда, шу ёқда раҳмату шафқатга ноил бўлажакман...» — деди ҳиқиллаб. «Оғайни, — сўз қотди унга Гденич, — кўзгу олдида туриб ўзингга бир қара: у ёққа сени ким ўтказади?»

* * *

Дельвиг бир куни Рилеевни жононларга таклиф қилди. «Мен уйланганман», — жавоб берди Рилеев. «Уйлансанг нима бўпти, — деди Дельвиг, — ахир уйда ошхона бор деб, энди рестороанларни йиғиштириб қўйиш керакми!»

* * *


Дельвиг мистик шеърятни ёқтирмасди. У: «Осмонга қанча яқинлашсанг, шунча совқотасан» — дерди.

* * *

Дельвиг бир куни Булгаринни дуэлга чақирди. Булгарин шу сўзларни айтиб дуэлни рад қилди: «Дельвигга етказингларки, мен шу ёшгача тўккан қонлар у зоелаган сиёҳдан кўпроқ».

(1835)

Мансур АҲМАД таржималари.




* * *

Мен жабрдийда онаман. 1978 йил 23 октябрь куни оиламиз бошига катта мусибат тушиди. Уқувчиларни пахтадан олиб келишайётганда фалокат юз бериб, саккизинчи синфда ўқийдиган қизим ҳалок бўлди. Унинг ёнидаги етти дугонаси ҳам фожиаи тарзда ҳаётдан кўз юмдилар...

Шу фожиа ҳақида ёзувчи Иброҳим Фафуров «Шарқ юлдузи» журналининг 1989 йил март сониде чуқур ҳамдардлик билан ёзган эди. Бу олижаноб қалб эгасига бош эгиб таъзим қиламиз.

Х. ШИНГАРИЕВА



Ортиқбой Абдуллаев

ШЕЪР ТАШНАЛИГИ

Биз узоқ йиллар маънавий ташналик ичида яшадик. Чинакам шеърга, ҳақ сўзга, ҳақиқатга ташна яшадик. Кўнглимизни безовта қилган хаёлларимизни, орзу-умидларимизни, юртимиз, халқимиз бошидан кечираётган гоҳ қувончли, гоҳ аянчли кунлар ҳақидаги рост сўзларимизни эркин айтишга ташна яшадик. Абдулла Орипов «Генетика» шеърда ёзганидек «лабда табассуму кўзда ёш билан»:

**Ташна яшадик биз меҳрга мутлоқ,
Ишққа, муҳаббатга ташна ўтдик биз.
Гоҳ эса қуёшдек порлоқ ва йироқ
Ҳаққа, ҳақиқатга ташна ўтдик биз.
Ташна яшадик биз нурга, зиёга...**

Ҳақ сўзни мардона айта олган буюк шоирларимиз, ёзувчиларимиз Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Элбек сиймосида қатағон қилинди. Биз узоқ йиллар уларнинг асарларини ҳадиксираб яширинча ўқишга мажбур бўлдик. Имонсиз кимсалар эса уларнинг покиза номини сотиб, қоралаб, амал ва мансаб пиллапоярларидан кўтарилишга ор қилмадилар. Биз буларнинг ҳаммасини юрагимиз қаърига кўмдик, виждонимиз кўзи билан кўрдик, дардларимизни алам билан ичимизга ютдик. Аммо бу ҳолат абадий эмас эди. Йигирманчи йилларнинг суронли даврларида Чўлпон:

**Ҳақорат дилни оғритмас,
Тубанлик мангу кетмасми!
Кишанлар парчаланмасми!
Қиличлар энди синмасми! —**

деб нидо қилган эди.

Аммо бу кишанлар мустаҳкам эди, бу қиличлар кескир эди. Биз 1936 йилнинг 5 декабрини «Бахтли болалигимиз учун Сталинга минг раҳмат!» деб самимий қўшиқлар куйладик. «Халқлар отаси» эса ўз халқининг бошига ҳали жаҳон тарихида мисли кўрилмаган азоб-уқубатлар, шафқатсиз қора кунларни солди. Яқинда «Аргументы и факты» ҳафталик газетаси СССРда 40 миллион киши Сталин репрессияларининг қурбони бўлганлигини эълон қилди. Қирқ миллион киши! Шулар орасида қанчадан-қанча бегуноҳ ўзбек фарзандлари бор. Бу — чинакам халқ фожиаси эди. Ҳа, тенги йўқ фожиа эди. Лекин фожиа фақат шундан иборат эмас. Сталин даврининг қора кучлари шафқатсиз, мурувватсиз, ҳиссиз эди. Улар чаласавод — вульгар социологлар эдилар. Улар адабиёт бошига, санъат бошига катта кулфатларни, мусибатларни етаклаб келдилар. Тўрт йиллик қонли уруш даҳшатларидан, очлик, муҳтожлик азобларидан эндигина қутулиб, қўлига «меҳнат тешаси»ни олган, ҳаёт қувончларини, тинч бунёдкорлик сурурини куйлашга отланган ёзувчиларни — адабиёт аҳлини беписандлик билан қон қақшатган 1946 йилги Жданов маърузалари ва машъум қарорларни эсланг. Адабиёт бундай оғир шароитда қандай ривожланади, истеъдод қандай қилиб ўзлигини намоён эта олади? Уша даврда «Шарқ юлдузи» журналида (1946 йил, 7-сон) эълон қилинган бир мақоладан (шеърятга бевосита дахлдорлиги учун) айрим парчалар келтирмоқчиман. «Юқорида Ўзбекистоннинг машҳур ёзувчиларининг турмушдан орқада қолганликлари ҳақида гапирган бўлсак, Уйғун, Собир Абдулла, Ҳабибий, Чустий ва қисман Миртемир ҳақида кескинроқ натижалар чиқариб сўзлашга тўғри келади.

Шоир Уйғун сўнги йилларда кўпгина асарлар ёзди... Бироқ Уйғуннинг кўпгина асарлари унинг фақат ҳозирги турмушимиздангина четда эканлигини эмас, умуман ҳақиқий ҳаётдан четда эканини исботлайдилар. Уйғун халқ манфаатлари билан бирга яшамайди. У, ўз атрофида бўлаётган улғу ва

ажойиб воқеаларга бепарво. У ўз шахсий кечирмаларининг тор, сиқик оламида ивирсиб юришни афзал кўради...

«Машуқанинг хаёли» деган шеърда... Уйғун очикдан-очиқ қабиҳликка боради. Уйғуннинг урушдан кейинги ёзган шеърларининг кўпчилиги ғоясиз ва қуруқ мазмунсиз шеърлардан иборат.

Уйғун поэзиясининг зарарлари бу билан чегараланмайди. Бутун бало шундаки, Уйғуннинг ғоясиз ва тугуруқсиз лирикаси ўсиб келаётган ёш шоирлар орасида ўзига эргашувчи ва тақлид қилувчиларни ҳам топган. (Шундан кейин муаллиф Зулфия, Шукрулло, Раъно Узоқова, Саид Назар каби шоирларни тилга олиб, «чиғирик»дан ўтказади. — О. А.).

Сўнги вақтларда ғоясиз, маъносиз лирика Миртемир ижодида ҳам анчагина ўрин олади. Шу билан бирга Миртемир ўз асарлари устида кунт билан ишламайди. (Навбат Чустий ва Ҳабибийга келади. Улар сарой поэзиясининг тақлидчиларига чиқарилади. — О. А.).

Собир Абдуллага ўхшаган баъзи шоирлар ҳозирги совет воқелигидан орқада қолиб кетган ва ўз ижоди билан феодал ўтмишнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши кураш у ёқда турсин, аксинча, ўз асарларининг мазмун ҳамда формаси билан ўтмишни тарғиб қилар экан, уни ўз ўқувчиларига жозибали формаларга, яъни усти ялтироқ формаларга буркаб тақдим этмоқда. Урта аср сарой поэзиясига қул бўлиб қолган бундай шоирларнинг асарларининг мазмуни ўша сарой поэзиясига тақлиддан бошқа нарса эмас. Феодализмни мадҳ қилувчи шоирлардан бири ва бизнинг замонамизда, совет замонасида, ўрта аср поэзиясининг жарчиси бўлиб қолган миллатчилик руҳи билан суғорилган «шоир» Хуршиддир». Мақола «Ўзбек совет адабиётининг большевистик ғоявийлиги учун» деб номланади. Мана шундай дағдағали айблар, тўхматдан иборат сиёсий ёрликлар ёпиштириб турилган шароитда адабиёт қандай гуллаб-яшнасин, қандай униб-ўссин? Хўш, бу мақола-нинг муаллифи ким ўзи? Бунчалик куракда турмайдиган иборалар, дўқ-пўписалар билан сўзлаш, ижодкорларни камситиш, ерга уриш ҳуқуқини унга ким берди?

У — тарих фанлари доктори, профессор Мавлон Ваҳобов бўлади! Қамчисидан қон томиб турган ўша даҳшатли йилларда у Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пропаганда бўйича секретари эди! Мазкур машъум мақола кейинроқ амалга оширилган янги репрессиялар олдидан навбатдаги машқ вазифасини ўтади. Шундан кейин чиқарилган Тошкент шаҳар ёзувчиларининг қароридеа куйидаги шифқатсиз жумлалар бор эди: «Тошкент шаҳар ёзувчиларининг йиғилиши ёзувчилардан Хуршид, Охундий, Ғайратий совет ёзувчиси қиёфасини йўқотганлар, совет ёзувчилари аъзоси деган номга иснод келтирмоқдалар, шунинг учун ҳам улар бизнинг сафларимизда туришга муносиб эмаслар деб ҳисоблайдилар». Бу шифқатсиз ва ўта адолатсиз ҳукм эди.

Оташин шоир Мақсуд Шайхзода кейинчалик бу оғир йиллардаги сарсон-саргардонликлар ҳақида шундай қўйма мисраларни битган эди:

**...Аммо толе мени доим эркаламади,
Баъзан замон йилни йилга ҳеч уламади.
Саҳроларга дуч келдимки, на ирмоқ, на кўл.
Сўргунларга юборилдим, на уфқ ва на йўл.**

Жамиятимизда ҳукм суриб келган ноҳақликларга, ленинча ҳақиқатдан чекинишга қарши чинакамига кураш партия XX съезидан кейин бошланди, аммо адолат тантанаси узоққа бормади. Бошланган эзгу ҳаракатлар бугун турғунлик деб нўмлаганимиз пўлат тўғонлар остида қолиб кетди. Яна эркин фикр жиловланди. Турғунлик даврининг иллатлари турли қиёфада, турли тусда адабий ҳаракатчиликда ноҳуш из қолдириб келди. Гоҳо у эндигина шеърлари билан адабиёт муҳлислари қалбига йўл топа бошлаган Эркин Воҳидовга: «Нега Фузулий ҳайкали қошида мўнгли ҳисларга бериласан, йиғлоқлик қиласан?» деб ташланса, гоҳо у жўшқин мисралари, ҳазин туйғу-лари билан мафтун қилган Абдулла Ориповни: «Нега Бухорода шунча улкан қурилишлар турганда лайлак ҳақида шеър ёзиб келдинг?» деб совуқ қаршилади; шубҳа остига олди, тирноқ остидан кир излагандек мисраларини тинтишга тушди. У Барот Бойқобилонинг «Навойий чойхонаси» шеърини феодал ўтмишни кўмсаш деб ғашлик қилди. (Ҳолбуки, шоирнинг гражданилик жасоратини муносиб баҳолаш зарур эди. Навойийнинг 500 йиллик тўйи муносабати билан Самарқанддаги Регистон майдонига қурилган, қадимий нақшлар, суратлар билан безалган улғу шоир номидаги чойхонани авайлаб сақланмагани ўтмишимизга ва буюк Навойийга ҳурматсизлик деб баҳоланмоғи керак. Энг ёмони шуки, бу чойхона Алишер Навойий туғилган куннинг 525 йиллиги тўйи арафасида бузиб ташланган.) У Рауф Парфининг ўйчан, изтиробли мисраларидан бадбинлик излади, Муҳаммад Солиҳнинг оддийгина камтарин сатрларини «Шарқни Ғарбга қарши қўйиш» деб камситди. Камситибгина эмас, ундан нақ миллатчи қиёфасини чиқармоқчи бўлди.

Хайриятки, ҳозирги демократия шароити, қайта қуриш, ошкоралик, покланиш замони бундай иллатларнинг илдизига болта урди. Биз йиллар давомида орзиқиб, ташналик билан кутган кунларга муяссар бўлмоқдамиз. Улкан Иттифоқимизда эса бошлаган мусаффо иқлим шабадаси она Ўзбекистонимизга ҳам етиб келди.

Она сайёрамизнинг келажаги, бундан кейин курраи заминда яшайдиган барча одамзоднинг тақдири, соғлиги, фаровонлиги учун кураш ҳозир умумбашарий миқёс касб этди. Айниқса, Ўзбекистонда сув, ҳаво, ернинг тозалиги учун қайғуриш кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланди. Бугун Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси, соғлиги, болалар ўлими жиҳатидан дунёдаги энг қолоқ мамлакатлардан ҳам орқада эканлиги маълум бўлди. Бу — жуда ноҳуш, ҳаммани жиддий ташвишга соладиган манзара! Хўш, шу аҳвол давом этаверса, пахта яккахокимлиги йўқолмаса, кимёвий захарларга тўйиниб қолган ерларнинг тақдири, келажаги нима бўлади. Нуқул план, план, план деб югураверсаг-у, замин тақдирини ўйламасак, келажақда ҳолимиз нима кечади?

Шу жиҳатдан андижонлик шоир Исмоил Тўлаковнинг безовта ўйлар билан суғорилган «Кеч куз. Туман» шеърини бирга ўқиб кўрайлик:

**Ерга нима бўлди!
Не синоат бу!**

Недан огоҳ бўлди дафъатан қуёш!
Дарахтлар жим,
Қушлар бетўйғу.
Новдаларнинг ёноғида ёш.
Кўзларга бостириб кирар оппоқ хун,
Заминга боқаркан,
Қуёшнинг қип-қизил юзлари нечун
бўздек оқарган!..
Ерга нима бўлди!
Ерга!..

Бу зилдай оғир саволлар ҳаммамизни ўйга толдирмайдими? Нима бўлди ўзи? Нима бўляпти ўзи?.. Мана шу шоир «Мослашув» шеърисида булбул, саъва, қумри, какку сингари қушлар заҳардан қирилиб бўлгани-ю, фақат чумчуқ билан читтак янги шароитга мослашиб, «сўнгсиз далаларнинг ҳофиси бўлиб» бемалол яшаб юргани ҳақида куюниб ёзади. Хўш, одамзод ҳам бора-бора ана шу заҳри қотил оғуларга мослашиб кетадими? Мослашиб кетармикин ёки қирилиб битармикин?

Бугун ҳаммамизни ўйлатадиган ана шундай долзарб муаммолар йиллар бўйи йиғилиб, оёғимизга кишан бўлиб тушди. Булар шундай муаммоларки, улардан бирини катта, бирини кичик; бирини муҳим, иккинчисини ўткнчи деб бўлмайди. Улар орасида Орол тақдиридан тортиб, шу кунларда ҳаммани бирдек безовта қилаётган тил, миллатларара муаммоларгача ўчоққа қаланган ўтиндек чирсиллаб турибди. Ана шундай мураккаб шароитда шеър ёзиш, халқнинг тилидаги, дилидаги аламли дардларни қоғозга тушириш осон иш эмас.

Умуман, ҳамма даврнинг ҳам ўз дарду ташвиши, муаммолари бўлади. Замонасининг фаол фарзанди бўлган санъаткор ижодида улар қандайдир даражада акс этиши табиий. Бу муаммолар тасвири чинакам инсоний туйғуларга, ҳис-ҳаяжонга йўғрилиб, ёниқ шоирона образларга айланса, бадий жозоба касб этса, у эзгулик жарчиси сифатида узоқ яшайди. Агар шоир ўз ғоявий муддаосини яланғоч сўзлар, ҳароратсиз хитоблар, қуруқ шиорлар ва маълум ҳақиқатлар йиғиндисига айлантириб қўйса, улар қанчалик муҳим ва долзарб мавзуларда ёзилганидан қатъий назар, «юлдуз кўрмай жон беради», умри узун бўлмайди. Бу — азалий ҳақиқат. Ҳозирги шеъримизга ана шу юксак инсоний қадриятлар ва чинакам санъат мезонлари билан ёндашсак, унинг баланд нуқталарини ҳам, парвози суст ўринларини ҳам яққол сезишимиз қийин эмас. Очиғини айтганда, ҳар жиҳатдан мамнун қиладиган шеърлар ҳамон бармоқ билан санарли.

Бугунги шеърят ҳақида гапирганда, Асқад Мухторнинг жиддий фалсафий умумлашмаларга, ҳаётий дардларга, инсоний ташвишларга тўла туркумлари ростгўйлик билан сўғорилганини алоҳида тилга олиш зарур. Бугун 70 йил ичида жамиятимиз босиб ўтган йўллик сарҳисоб қилиб, жиддий хулосалар чиқаришга интиломқдамиз. Шоир ана шу 70 йил ичида кенган ўз умрини, ҳаёт йўлини кўздан кеңирар экан, ҳақиқатдан кўз юмишни хоҳламайди, мардларча, очикчасига дил розларини, ўзини қийнаган саволларини ўртага ташлайди:

**Сўрардик, чоллардан, тинч қўймасдик,
Кўп гап ўтган ахир бошларидан.
Ленинни сўрардик замондошларидан,
Бахтиёр боболар сўзлаб тўймасди.
Энди биз ҳам бобо. Ушлаб бошимизни
Синчков болаларни ўйлаймиз.
Сўрашса, қайси бир замондошимизни
Тилга оламиз-у, қандай сўйлаймиз!**

Шоирнинг безовта саволлари энди бизнинг вужудимизда давом эта бошлайди. Адиб очик айтмаса-да, назарда тутаётган замондошларини кўз олдимизга келтирамиз. Уларнинг феълитворини, қилмишларини эслаб, хаёлга толамиз. Биз кимни айблашимиз керак энди? Ҳаёти оғир йилларга, оғир синовларга тўғри келган ўша «замондош»ними ёки ана шу одамларни ҳар хил кўйга тушишга мажбур этган, ҳар мақомга йўрғалатган қаттол замон ижодкорлариними? Безовта хаёллар давом этаверади. Хўш, бизнинг ўзимиз-чи? Ҳаммамиз ҳозирги қайта қуриш даврига келиб оппа-осонгина (эртакда айтилганидек, бир юмалаб туриб) яхши одамларга айланиб қолдикми? Усмон Азимов «Кеча эзгуликни бақрайтиб қўйиб» деб бошланадиган шеърисида куюнчаклик билан ёзганидек, бир умр пасткашлик қилиб келган бўлса-да, бугун қайта қуриш минбарига чаққонлик билан чиқиб олиб, ҳаммага ўзини фидойи, жафокаш, тўғри сўз, ҳатто камтар кўрсатиб, ҳалол одамлар устидан, эзгулик устидан қулиб юрган кимсалар йўқми орамизда? Ёки шу шоирнинг «Кичик одам» балладасида шафқатсиз ҳаққоният билан ёзилганидек, ўз бошидан жудо бўлиб, бировнинг боши билан яшаб юрган ва энг ачинарлиси, энг ёмони, ўз боши қайтарилиб, мустақил, эркин яшаш ҳуқуқи қўлига берилгандан кейин ҳам қандай яшашни билмайдиган ва бир умр била олмайдиган, бировга тобелик билан умр ўтказадиган ношуд одамлар йўқми орамизда?..

Асқад Мухтор «Улиш» шеърисида ҳам шахсга сифиниш ҳамда турғунлик йиллари фожиасини мардона сатрларда гавдалантириб беришга ўзида бардош топа олади:

**Якдил қораладик, якдил оқладик,
Якдил сукут, якдил қилдик хитоб.
Тақиқлашми, тасдиқлашми,
Бу — муҳим эмас,
Якдил бўлиш ҳисоб.
«Биз» бор эдик унда,
«Сен», «Мен» йўқ эдик...
Ҳис ўлик, фикр ўлик, мудрардик.
Биз якдиллик билан ўлган эдик унда,**

Ўлик ҳолда югуриб юрардик...

Даврнинг «винтча»лари ва «паррак»лари бўлиб қолган, «халқлар отаси»нинг хоҳишига мувофиқ итоаткор қўлларга айланган одамлар қисмати мана шу оддий, аммо теран маъноли мисралар орқасидан бизга аянч нигоҳлар билан боқиб тургандек бўлади. (Рости, мен бу шеърни ўқиганимда, ҳатто сесканиб кетдим.) Улар битта, иккита эмас, миллионлар эди. Ўзлигидан маҳрум бўлган, ўз бошини йўқотиб қўйган бечора миллионлар... Шеърнинг таъсир кучи фақат ўтмиш жароҳатларини кўрсатиш билангина чекланмайди. У бугунги кун кишиларини огоҳлантиради, сергакликка ундайди. Шеърдаги ҳаққонийлик, ростгўйлик руҳи юракка бориб ўрнашади.

Катта шоирларимизнинг шеърларини музайян қилиб, уларга қанот бағишлаган ҳаққонийлик, рост сўзларини баралла айтиш фазилати етук шеъриятимиз вакилларида анча кенг ва кўламли тарзда намоён бўлмоқда. Бу фазилат Абдулла Ориповнинг ўйчан туркумларида ҳам ёрқин кўрилади. Шоир бугунги кун дардлари ҳақида, умр мазмуни ҳақида изтиробли ўйларга берилади. «Умр» шеърида у:

**Лекин, ўртадаги умр-чи, умр...
Учмас тамға бўлиб қолгай то абад.
Балки ёғар унга раҳмат деган нур,
Балки кўмар уни маломат, нафрат.**

Бу ҳам ўзига хос умр сарҳисоби, дил иқрори. Демак, умрни беҳуда суҳрату шон, мартаба, ўткинчи гаплару ўткинчи мол-давлат кетидан қувиб ўтказмаслик лозим. Ҳаётни эзгу ишларга, халқ манфаатларига, Ватан бахт-иқболига бағишлаш керак... Лекин бу эзгу нарсаларни ким қандай тушунади? Гап мана шунда... Ҳаётини пуч нарсаларга бағишлаб, «фалончини мақта» деса мақтаб, «фалончини ур» деса уриб, раҳбарлар нима деса шунини бажариб, «фалончини мақта» деса мақтаб, «фалончини ур» деса уриб, ўзини қаҳрамон, халқ раҳнамоси ҳисоблаб юрганлар камми орамизда? Омон Мухторов «Оқсоқол» шеърида ана шундай тоифага мансуб кимсаларнинг аянч қиёфасини маҳорат билан чизиб беради. Ёши бир жойга бориб қолган қария эл-юртга кўп яхшиликлар қилгани учун ардоқда умр кечиради. У, бундай қараганда ёмон одам эмас, оғир кунда ҳаммага ёрдам қўлини чўзиб келган. Ҳамма иши рисоладагидек. Аммо унда бир катта нуқсон бор. Оддий нуқсонгина эмас, жуда катта иллат. У «ўтмиш сўзини сира» ёқтирмайди. «Бутун умр ўтмишга у — ашаддий душман!» Шоир бу ҳалим одамнинг аслида пуч, ҳатто даҳшатли, манфур кимса эканлигини, ўз ўтмишини, тарихини унутган бундай шахслар ўз келажагидан тириклигидаёқ маҳрум бўлганлигини яхши гавдалантиради. Шеърни ўқиганимизда юзлаб сохта «оқсоқол»ларимиз кўз ўнгимизга келади... Умр ҳақидаги теран фалсафий ўйлар, умумлашмалар, ачиқ ҳаёллар юқоридаги шеърларни маълум даражада яқинлаштириб туради.

Кейинги пайтларда фаол ижод қилаётган Жамол Камол («Айтгил, адолатли сўзингни, халқим» туркумидаги шеърлари) ва Ойдин Ҳожиева («Эшит янграётган виждон қўнғирогини» туркуми) лар шоирлик масъулияти ва рост сўз қадри ҳақида тўлқинланиб ёзадилар. Жамол Камол «Шоирга» шеърида:

**Шоир мард бўлган эл ҳам мард бўлар,
Бедардлар юртида қачон дард бўлар,**

— деб ёзади. Бундай қараганда, шоир ҳеч қандай кашфиёт қилаётгани йўқ. Бу гапни биз аввалдан биламиз, шунга яқин фикр, халқ мақолида ҳам бор («Муллали овул кўрқоқ, бахшили овул ботир»). Лекин гап бунда эмас. Шоирнинг асл нияти кейинги мисраларда анча кенг очилади. Ҳаёт йўлларида рост сўздан қочиб, ёлғон гаплар билан кўзимизга парда тутиб келган, биздан ҳақиқатни яширган сохта ижодкорлар аслини олганда бугунги маънавий бухронларимиз учун бош айбдорлардан бири эмасми?

Сўзга, яъни шеърга улкан масъулият ҳисси билан, ростгўйлик мезонлари билан ёндашиш руҳи Ойдин Ҳожиева шеърларида ҳам барқ уриб туради: У яхши шеърни, умуман ижодни:

**Бу қутлуғ дард, бу ўтлуғ дард,
Қисмат аро топуғлик дард...**

— деб билади. Унинг таъбирича, «Шоир — ватан дардин Еқут Тож ўрнида кийган Ҳоқон!» Демак, дард билан, Ватан, халқ дарди билан яшаш, рост сўздан чекинмаслик унинг пешонасига азал-азалдан ўйиб ёзилган. Ойдин ҳақиқатни ҳам ўзига хос шоирона қиёфада — халқ эртакларидаги Кенжа қиз тимсолида кўради:

**Кенжа қиз — Ҳақиқат олмаси қўлда,
Ҳамон хавотирда кечиргай умр.
Рост мерос тахтига чиқмаган Элда,
Ёлғоннинг бетига қайдадир кўмир!**

Юқорида тилга олиниб, қисман таҳлил қилинган шеърларни маънавий жиҳатдан бирлаштириб турадиган руҳий яқинлик ҳам ана шу ростлик, ҳаққонийлик, ҳақиқатни излашда кўринади. Ҳақиқат жамият ривожидagi асосий ҳаракатчи кучга айланмагунча халқ бахтга, чинакам саодатли турмушга эриша олмайди. Аммо ҳақиқатни қуруқ кўмсаш, соғиниш, тан олиш, эътироф этиш, кутиш билан иш битмайди. Бунинг учун курашиш керак, барча турғунлик иллатларига қарши исён керак. Ҳеч бўлмаганда, Абдулла ака айтганидек:

**Лекин нонкўрларни учратган маҳал
Оғзига тиқ энди типратиканини, —**

дейишга ва шундай қилишга қодир бўлиш керак.
Яхши маънодаги курашчанлик руҳи Тоҳир Қаҳҳорнинг «У юлдуз шунчалар олис» туркумидаги ғазалларда ҳам устиворлик қилади. Тоҳир ҳам халқимизнинг қўл-оёқларини қаттиқ боғлаб ташлаган маънавий кишанлардан қутулиш йўлларини ахтаради, унинг сабабларини топишга ва таҳлил этишга интилади. Халқ қовушмаса, тили ва дили бир бўлмаса, ўртада келишмовчилик, нифоқ авж олса, бирон-бир катта мақсадга эришиб бўлмайди. Тоҳир «Чин даҳолар» ғазалида бу ғояни содда ва теран ифодалайди:

**Чин даҳолар халқни доим
Чўққиларга бошлагай,
Чин даҳосиз халқлар ўзни
Йўқ қиларга бошлагай...**

Ҳозир жуда даҳолар кўпайиб кетган, ҳамма ақл ўргатишга устаси фаранг бўлган замонда бу сатрлардаги мазмун ўзгача салмоқ касб этади, албатта.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза туғилади. Тилга олинаётган шеърларда публицистик руҳ кучли эмасми? Ҳа, кучли. Буни эса ажабланидиган жойи йўқ. Публицистик руҳ, шиддат шеър учун нуқсон ҳисобланмайди. Уз ўрнида, аниқ меъёр билан, аниқ ғоявий ният билан ишлатилган публицистик пафос ҳеч қачон шеърнинг қадрини туширмайди. Аммо меъёр бузилса, ҳаммаёқни қуруқ публицистика босиб кетса, бунинг устига у яланғоч ҳолда, баландпарвоз иборалар, насиҳатомуз гаплар тарзида ифодаланса, ана шу ерда санъат йўқолади, унинг ўрнини қофияланган, пардозланган, силлиқ мисралар эгаллайди. Айтайлик, Жамол Камолнинг «Жаллод билан суҳбат» шеъридаги:

**Ҳар мингтадан юзта бола ўлар бизда,
Оналарнинг юраклари қийма-қийма,
Тоза ҳаво, тоза сув йўқ ўлкамизда,
Тупроғимиз заҳарланди...
— Менга нима!..
— Пахта ўсар боғларда ҳам ўтлоқларда,
Гапларимни ҳақиқат бил, ёлғон дема.
Мева билан гўшт топилмас қишлоқларда,
Узинг айт, шу инсофданми!
— Сенга нима!.. —**

каби бандларда ҳақиқатан ҳам чинакам шеърият ўрнига қуруқ публицистика кучли бўлиб, тарози шайинини босиб кетганини кўрамиз. Буни, умуман олганда, маъқуллаб бўлмайди. Ҳолбуки, Жамол ака худди шундай фикрларни эҳтирос билан баён қилган публицистик бир мақоласини «Ёшлик» журналида эълон қилганда мухлислар хайрихоҳлигига сазовор бўлган эди. Мазкур шеър гарчи «Жаллод билан суҳбат» деб диққатни тортадиган сарлавҳа остида эълон қилинган бўлса ҳам, унда она юрт ташвишларига бегона, лоқайд, совуққон одамлар қаттиқ қораланиб, улар жаллодга қийсанган бўлса ҳам, барибир у чинакам шеърий жозиба йўқлиги учун қалбимизга кучли ҳаяжон сола олмайди.

Она Ер тақдири ҳақидаги шеърлар орасида халқона оҳангларида, таъсирли ёзилган Маъруф Жалилнинг «Орол фарёди» туркуми алоҳида ажралиб туради. Шоир бу мавзуда ўзининг фаоллигини намойиш этиш учунгина ёзаётгани йўқ. У бир неча марта Орол бўйларида ижодий сафарда бўлди, қуриётган денгиз қиёфаси ва фалокатга учраган ўлка манзарасини, ўз насибасидан, киндик қони тўкилган азиз тупроғидан жудо бўлаётган одамлар қисматини ўз кўзи билан кўриб, теран ҳис қилиб келди. Натижада дастлаб бир неча долзарб очерклар, йўл таассуротлари эълон қилинди. Фикрлар, туғулар тиниқлашгач, шеърга, бадийий образларга айланди. Менга айниқса, Маъруф аканинг «Кўприк» шеъри жуда ёқди. Илгари Сирдарё устига қурилган темир кўприқдан поездлар, машиналар ўтар эди. Ҳозир дарё йўқ, ўзани қумга тўлиб кетган, қатнов ҳам, йўл ҳам йўқ, аммо кўприк жойида мунғайиб, ачиқ бир савол бўлиб, бизга мўлтираб қараб турибди. Шоир ана шу темир кўприкни шеърий образ даражасига кўтара олган. У Орол қисматини, фожиасини янада теран ҳис қилишимиз ва ачиқ сабоқ чиқаришимизга кўмак беради. Туркумдаги бошқа шеърлар ҳам самимийлиги, халқона руҳи билан дилга яқин туюлади.

Икром Отамуродовнинг шеърларида бугунги кунларимиздаги маънавий фожиалар, сўз билан иш бирлиги йўқлиги қаттиқ қораланади. «Йўқолган дарё» шеъри айниқса кучли жаранглайди. Шеър ўткир минбар хитобларига, аламли ўйларга айланиб кетган:

**Мансаб курсилари шўхрат билан фарқ,
Дарё қурир бефарқ, ер қурир бефарқ,
Эл-юрт қурир бефарқ, ор қурир бефарқ,
Қуриган фарёдим, қуриган ёдим.
Нутқлар сўзланар — тўнади дарё,
Нутқлар сўзланар — сўнади дарё,
Нутқлар сўзланар — ўлади дарё,
Қуриган фарёдим, қуриган ёдим.**

Шоир фикрларини киноя, рамзларга бурқаб ўтирмасдан, мана шундай очиқчасига, лўнда гапиргани маъқул.

Забардаст шоиримиз Эркин Воҳидов «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган суҳбатида шундай ёзган эди: «Бир замонлар ҳаётнинг ёруғ томонларини бўрттириб ёзиш қандай урф бўлган бўлса, бугун хато ва камчиликларни кўпроқ қаламга олиш одат бўлди. У пайтлар шеъриятнинг вазифаси «бахтли ҳаётимизни мадҳ этмоқ» деб белгиланган бўлса, бугун «халқ дарди, ҳаёт муаммолари ҳақида бонг урмоқ», деб ҳисобланмоқда. Шоир ижодига баҳо берганда ҳам биринчи

галда «у ўша замонларда бонг урган» деб мақтаяпмиз. Шеърининг санъат хусусиятлари авваллари қандай эътиборсиз қолган бўлса, ҳозир ҳам шундай... Мадҳ этиш ҳам, рад этиш ҳам — шеърят эмас. Эл кўнглидагини топиш ва эл кўнглига йўл топиш — бу шеърят, санъат. Мана бу йўлда ширин жондан кечмоқ керак...» Ҳаққоний гаплар. Биз хайрихоҳлик билан номини тилга олган ва олмаган шоирларимизнинг ҳаммаси бу сўзлардаги ҳақиқат маъзини қақиб олишларига ишонамиз.

Шу нуқтаи назардан қараганимизда, айрим шеърларда чўзиқлик кўзга ташланади, шеър чўзилган сари фикрдаги эҳтирос, чўғ сўниб боради. Масалан, Сирожиддин Саидовнинг «Қоронғуликдаги одам» шеърида яхши мисралар, ҳаяжон, топилмалар бўлса-да, меъёрдан ортиқ кўпсўзлик борлиги яққол сезилади. Муҳтарам Улуғованинг «Болалигин йўқотган бола» шеърига ҳам юқоридаги мезон билан ёндашасан, ўринсиз чўзиқлик очиқ кўринади. Камчиликлар, нуқсонлар, давр иллатлари тасвирлангани яхши, аммо мавзуларда, фикрда такрор бўлса, гарчи бир-бирига айнан ўхшамаса ҳам фазилат саналмайди.

Кейинги йиллар шеърят хирмонини жиддий сарҳисоб қилсак, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Файзулла Хўжаев, ўзига ўт қўяётган аёл, йўқолаётган Орол, заҳарланган тупроқ ҳақида бир-бирига ўхшаш шеърлар кўп ёзилганини учратамиз. Уларда ҳамма нарса жойида, маълум фикрлар бор, қофия бор, вазн бор. Аммо шеърни ўқиб битиргач, қаттиқ ҳаяжонга, ларзага тушмайсиз. Сабаби, уларда айтилган гаплар бизга азалдан маълум бўлган ҳақиқатлардан иборат. Долзарб муаммолар ҳақида ёзганда унинг бирон бир қиррасини шоирона образ ёки поэтик деталь, ўзига хос бадий воситалар билан кўрсатиш зарур. Акс ҳолда шеърдан наф йўқ. Мисол учун тилимизни улўғлаш, уни авайлаб-асраш ҳақидаги айрим шеърларга қарайлик. Яхши, самимий шеърлари билан танилиб қолган Саъдулла Ҳаким «Она тилим» шеърида ёзади:

**Дўста дўсту дўгона тилим,
Бегонага бегона тилим,
Бешигимда ягона тилим,
Она тилим...**

**Улус тилим, элат, халқ тилим,
Давлат тили бўлса ҳақ тилим,
Навойга зор, илҳақ тилим
Она тилим.**

Қолган бандлар ҳам шу тарзда давом этаверади. Маълумки, бундай мадҳия усулида ёзилган шеър на ўқувчига юксак эстетик завқ беришга, на она тилимизни улўғлашга хизмат қила олади. Энди хаёлан шу мисралар ёнига Расул Ҳамзатовнинг «Она тили» шеърини келтириб, қиёслаб кўринг-чи!

Жуманиёз Жабборовнинг «Она тилимда» деб аталган ғазали ҳам ана шу тарзда кўтаринки руҳда битилган бўлса-да, у таъсирчанлик ва гўзаллик жозибасидан маҳрум. Исмоил Маҳмуднинг «Шоҳимардонсой» шеъри ҳам худди шундай. Унинг:

**Олмалар чўмилар, ўрик чўмилар,
Она сўти каби ҳур сувларингда,
Жаннатмакон диёр — Шоҳимардонсой,
Олабий поклик бор сурурларингда, —**

каби мисралари китобий байтлар эмасми? Шеър давомида шоирнинг хаёли Аму, Сир, Зарафшон, Тошкент ёқаларини сайр этади, дарёларнинг суви камайиб бораётгани ҳақида гапирилади. Ана шу узундан-узоқ мисралардан хоҳлаганингизни олиб қўйсангиз ҳам шеърда ҳеч нарса ўзгармайди. Ҳолбуки, чинакам шеърнинг бир сўзи тугул, нуқтау вергулини ҳам жойидан қўзғатиб бўлмайди. Унинг «Кўшиқ» номли узун шеъри ҳақида ҳам айнан шу мулоҳазаларни айтиш мумкин. (Мен бу ўринда Исмоил Маҳмуднинг бутун ижодини назарда тутаётганим йўқ. У ҳалол, камтарин шоир, фақат талабчанликини сусайтириб қўймасин деган истакдаман.)

Китобийлик шеърят ривожига энг катта иллатлардан бири эканлиги ҳақида кўпдан бери гапирамиз-у, аммо ундан қутулишимиз жуда қийин бўлмоқда. Яхши ҳажвий шеърлари билан муҳлислар ишончини қозонган Жамол Сирожиддиннинг устоз «Ойбекка» номли шеърдаги:

**Унингсиз не чоғли ваҳший тоғ-тош,
Теппасига келиб ўй сурар қуёш:
Бошидан зар сочса, тангаю кумуш,
Яна кулармикин наъматак!**

мисраларини ўқигач, Ойбекнинг «Наъматак» шеърдаги «Юксакда, шамолнинг беланчагида, Нафис чайқалади бир тўп наъматак, Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул» (образларнинг ноёблиги, асллигини қаранг!) мисралари ёдимизга келади, «Ваҳший қояларнинг нафис ижоди» ҳақида юқоридагидек ғариб мисралар тизишнинг кераги бормиди, деб ўйлаб қоламиз.

Китобийлик иллати катта шоирларимизда ҳам бот-бот кўзга ташланади. Масалан, Нормурод Нарзуллаев дурустгина шеърлари орасида ҳамон:

**Ҳалоллик кемасин дарғаси инсон,
Қўйлик покликдан меҳнатга ҳайкал! —**

каби авжи баланд мисраларни бемалол ишлатаверса, Барот Бойқобилов ҳам риторикадан батамом халос бўлолмаяпти. Унинг яхши ният ва анча маҳорат билан ёзилган, тарихимизни улўғловчи «Сарбадорлар» шеърида ҳам:

**Амир Темур билан амир Ҳусайн
Кониғилга келиб кўнди қўшдайин,
Дўст бўлиб кўринди сизга кун сайин,
Қўйнингизга кириб олди-ку морлар,
Сарбадорлар, алданган биродарлар! —**

сингари анчагина жўн, сайқал талаб мисралар учрайди. Лекин гап фақат шундагина эмас. Мазкур шеърнинг охирида: Бугун «Ўзбекистонда йўқ қисмати хорлар» мисрасига дуч келамиз ва ўйланиб қоламиз. Аслида шундаймикин?

Кўпдан бери шеър ёзиб келаётган Темур Убайдулло «Сайёх билан суҳбат», «Ўғлимга» каби шеърларида Ўзбекистон тасвирини, пахтани нурли бўёқларда чизади. Майли, бу шоирнинг ихтиёри. Аммо унинг «Эътироф» шеъридаги фикрлари кишини тўғридан-тўғри ранжитади. Масалан,

**Меҳнатдан топганда шавкат ҳамда шон,
Мен сени ўйладим олтин хирмон деб.
Эгатлар оралаб излаган имкон,
Ҳам танти, ҳам дангал бободехқон деб.**

Бу сатрларни ўқигач, шоир кейинроқ бирон тағдор гап айтса керак, бу ерда бирон пичинг бордир деб ўйлайсиз. Лекин янглишасиз. Шоир ошкора бонг чалади:

**Мен нима ўйласам баридан буюк,
Тенги йўқ, бахти бут сендайин эл кам.
Ҳар қадамда сени ардоқлаб, суюб,
Кашф этиб келаман, муқаддас ўлкам!**

Шоир бугунги Ўзбекистон қиёфасини ана шундай чароғон рангларда кўради. Ҳайрон қоласиз, бу киши ўзи қайси замонда яшаб, қайси жаннатни тасвирляпти экан деб. Ахир бир йилда 200 дан ортиқ аёл ўзини ёқиб юбораётган, 45 фоиз аҳолиси қашшоқликда кун кечириётган, ҳаво, сувлари заҳри заққумга айланган бугунги Ўзбекистон ҳақида шундай байрамона руҳда шеър ёзиш шеърга, китобхонга, ҳақиқатга хиёнат эмасми?!

Еш шоир Асқар Маҳкамнинг Шўкур Бурҳон ҳақидаги шеъри жиддий баҳсларга сабаб бўлган эди. Шоирнинг янги шеърларини ўқиб, у ҳали фикр ва ифода тиниқлигига эришиш йўлида кўп меҳнат қилиши зарурлигини ҳис этамиз.

«Азим марқа ҳақида кўшиқ» шеърида:

**Кофарниҳон дарёсининг такбирлари
сингиб кетар қамишзорлар ғазотиға, —**

деб ёзади. «Ғазот» сўзи қандай маънода ишлатилапти? «Қамишзорлар ғазоти» деганда нима тушуниш керак? Шоир булар ҳақида ўйлаб ўтирмайди.

«Ой бўйланар ибодатли кулба узра», — деб ёзади яна шу шеърда. «Ибодатли кулба» нима экан? Тушуниб бўлмайди.

**Қора чакмон юртни босиб олди, ена!..
Қора чакмон бизни босиб олди, ена!..**

«Қора чакмон» ким бўлди экан? Шоир кимга ёки қайси халққа ишора қилапти?

«Менинг ҳам нокиро сўзларим эшит», — деб ёзади у бошқа шеърида. «Нокиро»си нима бўлди? «Соғ-носоғ», «тинч-нотинч» дегани каби «Кир-нокир», яъни «тоза» демоқчи шекилли? Ҳар ҳолда узр, бошқаларни билмадим-у, лекин мен бу сўзни тушунмадим. Хуллас, тил тозаллиги, аниқлиги учун курашиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Айниқса, давлат тили мақомини олган ўзбек тилимизнинг ҳозирги ҳолати шуни тақозо этади.

Яхши шеърлар билан тилга тушиб юрган Саъдулла Аҳмадининг «Бухоро» шеъри 1970 йилда ёзилган экан. У 1989 йилда эълон қилинди. Балки бу шеърни турғунлик йилларида чиқариш имкони бўлмагандир, деган илинжда ўқиб кўрамиз. Аммо, афсуски, уни жуда эъзозлайдиган, босиб чиқармаса бўлмайдиган жиҳатларини илғай олмаймиз. Шеърдаги:

**Бошдан-оёқ ўт қўйди-ю, олди жаҳонни,
Харобанга кўнди келиб бойўғли Чингиз...
Андалибга алифбодан дарс берди қарға,
Рўдакийлар кўр бўлдию хор Ибн Сино
Сигмади ўз ватанига, бўлди бадарға! —**

каби маълумотлар ўқувчиға мактаб дарсликларидан бошлаб маълум-ку!

**Қўлингидегин олса олди, пешонангидегин
Олмоқ бўлган ҳар душманнинг охири пушмон.
Энди қолган умрингда дард кўрмай яшагин,
Қўтлуғ бўлсин бошингдаги зардўзи осмон!**

Бу мисраларнинг залворига ўзингиз баҳо бериб қўя қолинг. Шеър муқаддас экан, у юксак мартабаларда туршига ҳукм қилинган экан, келинг энди уни ерга, тупроққа тушириб қўймайлик.

Бизда гоҳо шундай одат бўлиб қолганки, ўтмиш ҳақида ёзсак, ундаги қабохатларни эринмай санаб келамизда охирида бир жуфт бахтиёр замонамизга қўллуқ айтиб, шеърни яқунлаймиз. Бу

қолип бора-бора тушовга айланиб қолди, меъдамизга тегди. Аммо афсуски, у ҳамон яшаб келаяпти. Мана, бир мисол. Саъдулла Ҳакимнинг «Фигон» шеърисида таъсирли мисралар, нозик кузатишлар мавжуд. Аммо бутунлай олганда юқоридаги тайёр босма қолипдан чиқиб кета олмаган. У халқимиз бошига тушган фожиалар ҳақида гапириб келади-да, шеърни шундай яқунлайди:

**Деҳқон тирик дала билан дегани рост,
Гўшт ўрнига у қуруқ нон егани рост.
Деҳқон кулган ёруғ замон келгани рост,
Келган қуёш ботмасин деб ёзгил, ука,
Элнинг бахти ёнмасин деб ёзгил, ука!**

Муаммоларни бу тарзда осон, енгил-елпи ҳал қилиш йўлидан бормаганимиз маъқул. Ҳаёти-мизда шунчалик жўшқин, мураккаб, зиддиятли дамлар содир бўлаётган экан, бу ички қарама-қаршиликларни бутун борлигича ростгўйлик билан, ҳаққонийлик билан, ёлғон гаплар аралаштирмасдан рўйи-рост тасвирлайвериш керак.

Шеърят ҳам, китобхон ҳам ёлғон гаплардан роса тўйди. Энди, ҳеч бўлмаганда, бадиият олами — сирлар, сеҳрлар, эзгуликлар оламида, гўзаллик диёрида унга ўрин бўлмаслиги керак.

Мазкур мақолада шеърятимиздаги ижтимоий-сиёсий йўналиш, унинг айрим баланд ва паст жиҳатлари ҳақидаги кузатишларимизни қисман баён қилдик. Бугунги кунда тобора кучайиб, ранг-баранг қирраларда намоён бўлиб бораётган лирик шеърятга хос оҳанглар, турли изланишлар, ёрқин поэтик образлар олами алоҳида тадқиқотларни тақозо этади. Улар ҳақида навбати билан сўзлашга ҳаракат қиламиз.

НАПОЛЕОН ШУНДАЙ ДЕГАН ЭКАН...

Тарихда ўзининг саркардалик истеъдоди билан шуҳрат қозонган француз императори Наполеон Бонапарт бадиий ижод билан ҳам шуғулланган, айниқса унинг лўнда, ҳикматларга бой иборалари аскарлар орасида, халқ ичида тез тарқаларди. Қуйида машҳур фотиҳнинг ҳикматларидан ўқийсиз.

Ҳазинаси бор одам бой эмас, ҳазинасидан фойдалана билган одам — бой.

Амал ҳам, уруш сингари, одамнинг сабр-бардошини синайди.


Улуғ инсонлар — дунёни ёритиш учун ёнишга маҳкум метеорлардир.

Дўстнинг ёрдам беришга интилиши душманинг зиён етказишга интилишидан сустроқдир.

Буюк одам хато қилганда ҳам, бахтсизлик дамларида ҳам ўзини йўқотмайди.

Журъат бўлса ҳамма ишни бошлаш мумкин. Бутун гап бошланган ишни самарали яқунлашда.

Табийи бўлмаган бирор нарса мукамал ҳам бўлолмайди.



ИНШОНИ ҚАНДАЙ ЁЗАМИЗ

Жумҳуриятимиз матбуотида адабиёт ўқитилиши, жумладан иншо хусусида анчагина мақолалар, давра суҳбатлари эълон қилинди. Бу борада ниҳоятда долзарб масалаларни кўтариб чиққан баъзи мақолалар «Иншо ҳақида», «Яна иншо ҳақида», «Олтин медаль ўзини оқлаяптими?», «Яна олтин медаль ҳақида», «Бу сафар ҳам олтин медаль ҳақида» каби сарлавҳалар билан аталади. Иншога оид мақолаларнинг бундай номланиши гўё бу мавзуга оид муаммолар ҳал этилгандек тасаввур туғдиради. Аммо, бу масалада ҳали анчагина баҳс ва мунозаралар бўлиб ўтиши табиий. Янгиланиш руҳи билан суғорилган мактаб ислоҳоти талаби буни тақозо этади.

«Ёш ленинчи» газетаси бу масалага жиддий эътибор бераётганлиги таҳсинга лойиқдир. Айниқса, мазкур газета саҳифасидан жой олган доцент Т. Қораевнинг «Муқимий қаерда яшайди?» номли мақоласи кенг оммада қизиқиш уйғотди ва фикр кўзғатди.

Нега аттестатдаги баҳолар билан қабул имтиҳонларида қўйилаётган баҳолар ўртасида катта тафовут бор? Нима учун абитуриентлар ёзаётган иншоларнинг савияси ниҳоятда паст? Шу каби саволларга жавоб излаб, биз ҳам Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кўплаб олимлари билан суҳбатлашдик. Шу ўринда профессор Н. Маллаев билдирган мулоҳаза ва таклифларнинг айрилларини келтириш жоиздир.

1. Мактаб ўқитувчилари томонидан ўқувчиларга ошириб баҳо қўйиш ҳолларига ҳозир ҳам чек қўйилган эмас. Ҳатто сунъий медалчиларга дуч келмоқдамиз.

2. Тузатишни, сифат учун курашни айни бир вақтда, мактабда ҳам, педагогика институтлари ва дорилфунунларда ҳам бошлаш керак, чунки ҳаммаси ягона, умумий иш.

3. Ўқувчиларни бошқа ишларга жалб этиб, ўқиш жараёнини тўхтатиш йўлидан қутилмоқ лозим.

4. Адабиёт ўқитиш самарадорлигини ошириш йўлида радио ва телевидениедан кенгроқ фойдаланиш керак.

5. Методик қўлланмалар сифатини янада оширишга эътиборни кучайтириш зарур.

6. Медаль масаласида маориф министрлигига мурожаат этиб, маориф бўлимлари ва мактаб маъмуриятининг масъулиятини оширишни сўраш керак.

Олимларимиз томонидан билдирилган бундай фикр-мулоҳазалар ва таклифларни кўплаб келтириш мумкин.

Иншолар сифатини кўтариш учун бизнингча ишни аввало барча соҳаларда кузатилаётганидек, бу соҳада ҳам поклик учун, ҳалоллик учун курашишдан бошламоқ, яъни кўчирмачиликка қарши курашмоқ керак. Чунки, ҳалоллик бўлмаган жойда туб ўзгариш бўлиши мумкин эмас.

Т. Қораевнинг мақоласида кўрсатилишича, Бухоро Давлат педагогика институтига кириш имтиҳони топширган абитуриентларнинг қарийб 70 фоизи иншодан қониқарсиз баҳо олибди.

Иншодан ижобий баҳо олаётган абитуриентлар орасида бунга кўзбўямачилик, яъни кўчирма-кашлик тўфайли эришаётганлар оз эмас. Иншо ёзишда учрайдиган энг зарарли, энг хавfli, юқумли ва адолатсизликка йўл очадиган иллатлардан бири кўчирмакашлик — ижтимоий иллат сифатида мактабларимизда жуда тез авж олиб бормоқда.

Баъзи ота-оналар фарзандларининг шпаргалка тайёрлаётганини кўриб, эътироз билдирмайдилар. Имтиҳон вақтида баъзилар уялмай-нетмай болаларига кўчириб ёздириш мақсадида иншо намуналарини сўраб, бизга мурожаат этишдан ҳам тоймайдилар. Улар орасида тил-адабиёт ўқитувчиларининг учраб туриши ўта ачинарли ҳолдир.

Иншодаги кўчирмачиликлар оқибати шу даражага келиб етдики, армия сафида хизмат қилаётган баъзи йигитларимиз шарқона орият, рашк каби туйғуларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ўзларининг севган қизларига бошқа йигитларнинг ёрдамида мактуб ёзиб, дилларини изҳор қилмоқдалар. Чунки улар ўз фикрларини мустақил қоғозга туширишга ожиз бўлиб қолганлар.

«Мана шундай саводсиз ўқувчи йигит армияга кетган эди, ундан 8 ойча хат келмади, уйдагилар хавотирланиб район ҳарбий комиссариатига мурожаат қилишади. Ҳарбий комиссариатдагилар ўша йигитнинг хизмат қилаётган бўлинимасига хат ёзиб, хат ёзмаслиқнинг сабабини суриштирсалар, жуда аянчли жавоб олишди, «солдат хат ёзишни билмайди, мутлақо саводсиз экан, унга хат ёзиб бериш битта солдатга топширилди. Бундан кейин ўша солдат фалончиге бўлиб хат ёзади.» Ушбу хат район ўқитувчилар конференциясида (Хоразм вилояти, Ҳазорасп ноҳияси) эълон қилинди. Ҳамма таёқ яна ўқитувчининг бошида синди!»¹.

Абитуриентлардан олиб қўйилган фотопшаргалкалар кўздан кечирилса, уларнинг аксарияти

¹ Н. Раҳмонова. «Кўнгилларда дард бор». «Ўқитувчилар газетаси». 10 февраль 1990 йил.

ниҳоятда паст савияда ёзилганлиги маълум бўлади. Лекин иншолар орасида намунали ёзилганлари ҳам йўқ эмас. Одатда, кўпчилик абитуриентлар қўлларидоғи иншо нусхаларидан ҳам кўплаб хатоларга йўл қўйиб кўчирадilar. Кириш имтиҳонларида ёзилган, аниқроғи кўчирилган иншоларда «У фронтдан икки оёғидан айрилиб қайтди» жумласи — «...«икки аёлидан айрилиб қайтди»; «санъаткор» сўзи — «саноаткор»; «эпик асар» — «этик асар» тарзида ифодаланган кўплаб антиқа жумлаларга дуч келинапти. Лекин абитуриентлар орасида кўчирмакашлик «санъатини» пухта эгаллаб олганлари анчагина топилади. Жумладан, Беғали Қосимов билан Нусратулла Жумаевнинг «Ёшлик» журналича босилган суҳбатига тилга олинган «Мен севган адиб» мавзусидаги «Само тўла юлдузлар Нур таратиб порлайди, шулардан бири мени ўз ёнига чорлайди» мисралари билан бошланадиган иншога биз ҳам ҳар йили бот-бот дуч келамиз. Ёзувчи Пиримқул Қодировнинг Абдулла Қаҳҳор ижодига бағишлаб ёзилган эҳтиросли мақоласи асосида тайёрланган фотоспиргалкадан кўчирилган бу иншога биринчи марта дуч келган ўқитувчи, унинг кўчирилганлигидан беҳабар, аъло баҳолашга ҳаракат қилади. Яна кўплаб ўта умумий қолипда ёзилган иншолар борки, уларда фақат адиб ёки шоир ёзган асарларнинг номи ўзгаради холос. Текшириш жараёнида кўплаб иншолар кўчириб ёзилганлигига аниқ ишонамиз, лекин уларга ёмон баҳо қўйиш учун етарли далилимиз йўқ.

Шубҳасиз, бу ҳолга мактабларда ҳам тез-тез дуч келинади. Ундан қутилиш учун нима қилиш мумкин?

Бир кунни жуда ғалати ҳолат юз берди. Иншо ёзиш тартиби ҳақида консултация олаётган абитуриентларнинг деярли саксон фоизи бирдан эсанкираб, «тарвузи қўлтиғидан тушиб», хаёли паришон бўлиб қолди. Биз уларни қўрқитганимиз ёки қаттиқ гапирганимиз йўқ. Фақатгина, вазминлик билан, кўчириб ёзилган иншолар ёмон баҳолишини эълон қилдик ва бундай иншоларни хато қилмай аниқлаб берадиган воситалар мавжудлигига уларни ишонтира олдик.

Кўриниб турибдики, кўчириб ёзилган иншоларни аниқлашда ёрдам берадиган воситаларга эга бўлсак, бу борада сезиларли даражада олдинга силжишлар рўй бериши мумкин. Бунинг учун бизнингча мактаблар ва олий ўқув юр்தларининг адабиёт хоналарида «намунали иншолар» ёнида «сийқаси чиққан иншолар» жавонини ташкил қилиш керак. Майли, ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам бу ишлар билан танишинлар, уни танқидий ўргансинлар, керак бўлса ижодий фойдалансинлар. Шундагина имтиҳон олувчилар асосли равишда кўчирилган иншоларни ёмон баҳолаш ҳуқуқига эга бўладилар, яъни қайси манбадан кўчирилганини истаган вақтда асослаб бера оладилар. Айни пайтда бир-бирига ўхшаш «эғизак» ёзма ишлар билан «сийқаси чиққан иншолар» жавонини тўлдириб борадилар.

Баъзан кўчирмачиликка, сохталикка қарши таъсирли суҳбатлар ўтказиш ҳам ижобий натижалар бериши, ўқувчиларни мустақилликка ундаши мумкин. Бундай суҳбатлардан иншо таҳлили ва иншо ҳақида назарий маълумот бериш жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда ҳаёт сабоқларидан, бадиий адабиётнинг инсон ҳиссиётига таъсир кучидан, образли ифодалардан унумли фойдаланиш самарали натижа беради. Уша суҳбатларда фойдаланиш учун танланган адабий материаллар албатта ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос бўлиши зарур. Масалан, 7, 8 ва 9-синф ўқувчилари билан суҳбат ўтказишда шоира Мукаррама Муродованинг ўқувчилик чоғида ёзган ушбу шеърдан фойдаланиш ва қуйидаги мазмунда суҳбат ўтказиш мумкин:

**«Кўкда қулиб порлаб турар кўк қамари,
Шоирлар шеър ёзар уни атаб пари.
Тунга чирой, зиёга бой эмиш шу ой.
Ўрнин босмас эмиш кўкнинг юлдузлари.»**

**Ундоқ деманг, юлдуз заиф нур сочса ҳам,
Ўз нурини сочар фақат кенглик сари.
Тоғ ортида пинҳон турган қуёш нурин
Меники деб кўз-кўзламас ой сингари.»**

Ҳаётда сохта, мунофиқ одам бўлиб қолишдан, кўчирмачилик қилиб, бировнинг меҳнатини ўзингизники қилиб кўрсатишдан эҳтиёт бўлинг.

Ўз нурингизни, фақат ўз нурингизни сочишга интилинг! Гарчи у олис юлдуз шуъласидек заиф бўлса ҳам...»

Юқори синф ўқувчилари ёки абитуриентлар билан шу мавзуда суҳбат уюштирилганда эса бир оз мураккаб, фалсафий мушоҳадаларга бой абадий манбалар танлангани маъқул.

Масалан: «Машҳур авар шоири Расул Ҳамзатовнинг шундай сўзлари бор:

«Ҳиндлар айтади:

— Ер юзида аввал илонлар пайдо бўлган ва улар аста-секинлик билан одамларга айланган.

Тоғликлар айтади:

— Йўқ! Ер юзида аввал лочинлар пайдо бўлган ва улар аста-секинлик билан одамларга айланган.

Мен айтаман:

— Ер юзида аввал одамлар пайдо бўлган. Ва уларнинг бир қисми лочинларга, бошқа бир қисми эса аста-секинлик билан илонларга айланган.

Таажуб! Ҳаёт инсонга фақат бир марта берилган экан, ҳамма ҳам лочиндек мардона, пок, ҳалол яшашни хоҳлайди. Лекин, ҳаётда «илоннинг ёғини ялаган», мунофиқ, илонсифат одамлар учраб турибди-ку. Улар қаердан пайдо бўлдилар?!»

Шоир Муҳаммад Солиҳ ўзининг шеърларидан бирида шундай дейди:

**Умрида бирор марта оч қолмаган одам,
Умрида бирор марта йиғламаган одам,
Ўттизга кирдим деб, ҳаммани алдадинг.
Хотинингни кўриб,**

**Болаларингни кўриб,
Сенга ишонишди даврадагилар.**

**Умрида бирор марта енгмаган,
Бирор марта мағлуб бўлмаган одам,
Бир йил ўтсин,
Ўттиз бирга кирдим деб алдайсан ҳали.**

Шоир айтмоқчики, инсон умрининг мазмуни яшаган йиллар билан эмас, балки эзгулик учун, истиқбол учун қанчалик ҳисса қўшаётгани билан, қилган яхши ишлари, ҳақиқат йўлида не чоғлик мардона кураша олгани билан ўлчанмоғи зарур.

Майли у енгсин, майли у вақтинча мағлубиятга учрасин, барибир курашмоғи шарт. Шундагина вақтинча мағлубиятлар бўлажак ғалабалар учун замин тайёрлайди.

Баъзан, умрида бирор марта мустақил иншо ёзмаган ўқувчи мактабни битирдим деб ҳаммани алдайди.

**Баҳоларни кўриб,
Аттестатини кўриб,
Унга ишонади атрофдагилар.
Умрида бирор марта кўчирмасдан ёзиб,
Бирор марта «икки» олмаган одам,
Бир йил ўтсин,
Студент бўлдим — деб алдайди ҳали...**

Бундайлар институтни ҳам кўзбўямачилик қилиб, бир амаллаб битириб оладилар. «Олий маълумотли бўлдим», деб ҳаммани алдайдилар.

Яна унинг беш йил ўқиганини, дипломини кўриб, унга ишонади одамлар. Шоир Расул Ҳамзатов айтганидек, ана шундай тоифадаги одамлар аста-секинлик билан илонларга айланиб бораётганликларини ўзлари сезмай қоладилар.

Менимча, олтин медаль учун кўчирмакашлик қилиб, «беш»га ёзилган иншодан — мустақил равишда «икки»га ёзилган иншо кўп марта афзалдир. Чунки, ана шу «икки»га ёзилган иншода ўқувчини камолот сари етакловчи омилнинг баъзи белгилари мавжуд бўлади. Аксинча, кўчирилган иншо эса ўқувчини мунофиқлик сари етаклайди.

Лекин, шунинг ҳам айтиб ўтмоқ зарурки, ўқувчиларнинг кўчирмакашлигига биринчи навбатда уларнинг ўқитувчилари айбдордир.

Бир куни абитуриентларга иншо ҳақида консультация бериш жараёнида амалий, ташкилий ва назарий масалалар тўғрисида зарур маълумот бериб, кейин кўчирмачилик ҳақида юқоридаги каби адабий мисоллардан фойдаланиб суҳбат ўтказдим. Суҳбатни куйидаги мазмунда яқунладим:

«...Баъзан шундай абитуриентлар ҳам учрайдики, улар кўчириб ёзишга ҳаракат қиладилар.

Айтайлик майли, «бир амаллаб бу имтиҳондан ўтиб ҳам олсин. Ҳатто, бир амаллаб олий ўқув юртини битирар. Лекин, унинг сохта мутахассис бўлиб етишиши аниқ. Сохталик эса уни сўзсиз мунофиқликка, разолатга етаклайди.

Ҳаётда дипломли мунофиқ — «дипломли илон» бўлгандан кўра дипломсиз, лекин ҳалол, лочиндек мардона яшмоқ минг марта афзал эмасми?!»

Суҳбат сўнгида К. исмли абитуриент ҳаммадан кейин қолиб, менинг ёнимга келди. Менга бир даста шпаргалка тарзида тайёрланган иншоларнинг фотонусхаларини кўрсатиб, энди бу шпаргалкалардан воз кечганини билдирди ва ички дард билан деди: «Айтингчи, мен энди нима қилишим керак?! Иншони ёза олмаслигим аниқ. Чунки мактабда бизнинг ўқитувчимиз фақат кўчириб ёзишга ўргатган. Айтинг, айб мендами?»

Унинг сўзлари ҳар қандай одамни ларзага солгудек эди. Ана шундай «ногирон» ўқувчилар тайёрлаган адабиёт ўқитувчисининг гуноҳи қайси жиноятчининг айбидан кам!!

Кўчирмакашлик ўз-ўзидан, бирданига пайдо бўлмайди. Қуйи синфлардаёқ ўз касбини сезмайдиган, нўноқ ва изланмайдиган ҳамда осон йўлни танлайдиган ўқитувчилар ўз айбларини ёпиш мақсадида кўчирмакашликка замин тайёрлайдилар. Улар иншони мустақил ёзиб ёмон баҳо олган ўқувчига танбеҳ берадилар, лекин бошқа бир ўқувчининг кўчирганини сезган ҳолда, уни ижобий баҳолайдилар. Шундан кейин ўқитувчининг айби билан иншони ёмон ёзадиган ўқувчилар ҳам кўчириб ёзишга одатланиб борадилар.

Бу иллатнинг маънавий жиҳатдан зарари шундаки, иншони мустақил ёзадиган ўқувчиларнинг кўпчилигида ҳақиқатга, адолатга бўлган ишонч ва эътиқод дарз кетади.

Биз юқорида иншо ёзишдаги кўчирмакашлик иллатининг турли кўринишлари, бу иллатларнинг илдизлари ва уни йўқотиш йўллари ҳақида сўз юритдик. Таклиф этилган фикрлар амалга оширилса гўё «олам гулистон» бўладигандек туюлмоқда.

Аслида, биз юқорида ўқувчиларни мустақил иншо ёзишга ўргатиш соҳасида томир ёйган иллатнинг ён илдизлари хусусида мушоҳада юритдик, холос. Ҳали бу иллатнинг асосий ўқ илдизи ҳақида фикр юритганимиз йўқ. Бу муаммонинг шундай ботиний сабаблари борки, уларни бартараф этмасдан туриб, тубдан ўзгартиш яшаш мутлақо мумкин эмас.

Мазкур иллатни бартараф этиш чорасини топа олмаган жумҳуриятимиз Халқ таълими назоратидаги баъзи мутасадди ўртоқлар ҳатто иншодан бутунлай воз кечиб қўя қолиш ғоясини илгари суришгача бориб етдилар. Бундай йўл тутиш бизнингча бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдиришдан бошқа нарса эмас. Чунки ўқувчининг билим даражасини, мустақил ва ижодий фикрлаш салоҳиятини, эркин мушоҳада юрита олиш қувватини, ёзма нутқ малакасини ўстириш ва бу хислатларнинг даражасини аниқлашда иншонинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди.

Юқорида «ногирон» ўқувчилар тайёрлаётган адабиёт ўқитувчисининг гуноҳи қайси жиноятчининг айбидан кам, деган эдик. Ўқитувчилар фаолиятидаги «жинояткорона» белгиларнинг кўриниши — биз кўзда тутган иллатнинг зоҳиран кўриниши бўлса, бу иллатнинг ботиний сабаби — ана

шундай «жинояткорона» шарт-шароитни вужудга келтирган иқтисодий муаммоларга бориб тақалади.

Иншодаги кўчирмакашликнинг иқтисод билан боғлиқ бўлган сабаби асосан иккита: биринчидан, адабиёт ўқитувчиси ўқувчиларга иншо ёзиш сирларини ўргатса, уларда бунга малака ва кўникма ҳосил қилишга интилса;

иккинчидан, иншоларни маълум даражада талабчанлик ва изчиллик билан текширса, кўчирма-чиликка йўл қўйилган ўринларни аниқлаб, имкони борича кўчирилган манбаларни кўрсатиб, ўқув-чини хижолатга қўйса, имоним комилки, кўчирмакашлик барҳам топади.

Тўғри, ҳамма вақт ҳам кўчирилган манбаларни аниқлаш осон кечавермайди. Лекин, шу нарса аниқки, адабиёт ўқитувчисига ўз ўқувчисининг услуби, мушоҳада доираси ва имкониятлари яхши таниш. Кўчирмакаш ўқувчи ўз иншосини китоб, газета, журналлардангина эмас, ҳатто бошқа бир ўқувчининг иншосидан кўчириб ёзган бўлса ҳам, буни бошқа ўқитувчи аниқлай олмаслиги мумкин, лекин ўз ўқитувчиси албатта сезади.

Демак, ўқувчиларни иншо ёзишга ўргатилса ва бу иншолар изчиллик билан текширилса кўчирмакашлик барҳам топади. Лекин, бу айтишга осон. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу масала-нинг каттагина иқтисодий томонлари бор.

Кузатишларимиздан шу нарса аёнки, жумҳуриятимиздаги адабиёт ўқитувчиларининг тахминан етмиш фоизи ўзлари иншо ёзишни билмайдилар. Ахир, улар ўзларида йўқ фазилатларни қандай қилиб ўқувчиларига сингдирсинлар?

Бўлажак адабиёт ўқитувчилари олий ўқув юртларида беш йил ўқиб, иншо ёзишни ўргана олмай мактабга бормоқдалар. Чунки, филология факультетларининг ўқув дастурлари талабаларни иншо ёзишга ўргатиш учун бор-йўғи олти соат атрофида вақт ажратиш имконини беради. Олти соат мобайнида ҳар қалай бўлажак ўқитувчиларни иншо ёзишнинг назарий масалаларидан хабардор қилиш мумкин. Лекин олган назарий билимларини амалда қўллашга ўргатиш учун эса...

Яқинда шундай тажриба ўтказдим. Ўзим маъруза ўқийдиган Низомий номидagi Тошкент Давлат педагогика институти филология факультети IV курс студентларига келгуси дарсда иншо бўлишини эълон қилдим. Лекин иншо мавзусини олдиндан айтганим йўқ. Шунга қарамай, текширилганда иншоларнинг ярмидан ортиғи кўчириб ёзилгани аён бўлди. Тўқсонга талабанинг иншоси-ни изчиллик билан текшириш, баъзи иншоларнинг кўчириб ёзилганини далиллар ёрдамида исбот-ниш, мумкин қадар кўчирилган манбаларни кўрсатиб тақриз ёзиш ва одил баҳолаш учун оз эмас, кўп эмас қирқ соат вақтим кетди. Иншолар таҳлили жараёнида таъсири суҳбат ўтказмаганимдан кейин, олдиндан эълон қилиб, келаси дарсда яна иншо ёздирдим. Бу гал мазкур иншоларни тек-шириш, тақриз ва баҳолаш учун ўттиз соат вақтим сарф бўлди. Лекин кўчирилган иншога дуч келмадим. Иншолар баҳоли қудрат мустақил ёзилганидан ҳажми ҳам ихчамроқ эди.

Ўйлайманки, энди бу талабаларда маълум даражада мустақил иншо ёзиш назарияси ва адаби-ётга доир кўникма ҳосил бўла бошлади.

Бироқ, асосий муаммо шундаки, иншоларни текшириш учун дастурда кўзда тутилган олти соатдан ташқари етмиш соат вақт сарфладим. Бу, айталик, мен тажриба ўтказиш мақсадида ўз хоҳишим билан бир ой текинга ишладим, демакдир. Жумҳуриятимиз миқёсида ишни шу тахлитда йўлга қўйиш ва кутилган натижага эришиш учун албатта иншо текширишга сарфланадиган вақт олий ўқув юрти ўқитувчиларининг йиллик иш режасида ҳисобга олинмоғи зарур.

Лекин мактаб ўқитувчиларининг ўзлари мустақил иншо ёза билишлари ва унинг сирларини ўқувчиларга ўргата олишлари билан кўчирмакашлик иллатига барҳам бериш қийин. Чунки бунинг иқтисодга узвий бўлган қуйидаги иккинчи асосий сабаби бор.

Шу вақтга қадар мактаб ўқитувчиларининг иншо текшириши учун сарфланадиган меҳнатига ҳақ тўланмай келмоқда. Бунингсиз улардан самарали, сифатли меҳнат талаб этиш аслида қайси мантиққа тўғри келади? Яна, қандай меҳнат денг? Адабиёт ўқитувчисидан ҳозирги кунда ҳар ойда ўртача 180 та иншони текшириб, баҳолаш талаб қилинади. Бунга камида 60 соат вақт сарфланади. Олтмиш соатнинг қиймати эса 120 сўмга тенгдир. Демак, ҳар ойда адабиёт ўқитувчисининг фақат иншога алоқадор 120 сўм ҳақиға хиёнат қилган ҳолда **виждонсизлик билан, уни виждонан ишлашга** даъват этиб келинмоқда.

Олтмиш соатни фақат иншога тааллуқли деяётганимизнинг сабаби шундаки, О. Кўчқоровнинг «Номутаносиблик» («Ўқитувчилар газетаси». 3 январь 1990 й.) мақоласида эътироф этилганидек, она тили ва адабиёт ўқитувчисидан: 1) она тилидан айланма дафтар № 1; 2) она тилидан айланма дафтар № 2; 3) Луғат дафтари; 4) диктант дафтари; 5) баён ва иншо дафтари; 6) кундалик — жамики қўшиб ҳисоблаганда бир ойда мингдан ортиқ дафтар текшириш талаб қилинади.


Учта ёки тўртта дафтарни текшириш учун камида бир соат вақт сарфланади. Демак, мингдан зиёд дафтарни текшириш учун 250—300 соат вақт ёки 500 сўмлик меҳнат сарф бўлади. Бу хизмат-лар эвазига ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисига бор йўғи 25 сўм ҳақ тўланади (!!).

Харидорнинг ярим сўм ҳақини уриб қолган сотувчи жинойи жавобгарликка тортилади. Кўра била туриб, ҳар ойда 475 сўм ҳақи уриб қолинса ҳам лом-мим демай, шароитга мослашиб яшашга мажбур қилинаётган зиёлиларимиздан, қандай қилиб ўзлигини англаб етадиган ижтимоий фаол авлодни камол топтиришни кутиш мумкин?!.

Иншоларни биз айтгандек изчиллик билан текшириш учун вақт ҳам имконият ҳам, ҳафсала ҳам йўқ. Чунки, бир ойда 90 соат мактабда меҳнат қиладиган ўқитувчини уйда 250—300 соат ҳақ тўламасдан дафтар текширишга мажбур этиш ва яна ундан сифат, изла-ниш, масалага ижодкорлик билан ёндашишни талаб этиш ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди. Масаланинг ана шу томонлари, айниқса иқтисодий жиҳатлари ижобий ҳал этилмас экан, **халқ таълими нозирлигини такрор ва такрор қайта қурган билан кутилган натижаларга эришиб бўлмас-лиги аниқ.**

Иншо учун сарфланадиган маблағ бекор кетмайди. У ўқувчилар китобхонлик даражасининг кескин кўтарилишига, ўз фикрини равшан ифодалай олишига, ўзлигини англаб боришига, керакли ўринларда ҳақ-хуқуқни етарлича ҳимоя қила олишига ва шунга ўхшаш йўллар билан халқимизнинг маънавий жиҳатдан юксалиб боришига арзигулик ҳисса бўлиб қўшилади.

Абдулла АБДУРАЗЗОҚОВ,
педагогика фанлари номзоди



Абдуазиз Хошмухамедов

БУКИЛГАН БАРДОШ

1928—1930 йилларда катта истеъдод эгаси бўлган шоир Чўлпон билан Самарқанд шаҳри, Қўшқовуз маҳалласидаги 94-уйда ёнма-ён турардик. У хотини Солиҳа билан яшарди. Абдулҳамид ўша пайтларда драма театрида адабий эмакдош вазифасида ишларди.

Чўлпоннинг хузурига Абдулла Алавий ва бошқа кўпгина ёзувчилар, шоирлар, актёрлар, катта-кичик театр ходимлари келиб туришарди. Улар, асосан, бадиий адабиёт, театр санъати ривожига ҳақида қизғин баҳс-мунозаралар қилишар, бу соҳадаги камчиликларни йўқотиш борасида турли фикрлар билдиришарди. Янги чоп этилган китоблар, саҳна юзини кўрган драматик асарларни таҳлил этишар, актёрларнинг ижрочилик маҳорати хусусида мулоҳазаларини ўртоқлашарди. Менинг мутахассислигим бу соҳалардан йироқ бўлгани учун улар суҳбатига аралашгим келмасди.

Шу йилларда Чўлпонга миллатчи деган айб қўйилган эди. Лекин унинг миллатчилиги нимадан иборат эканлигини икки йил бирга яшаб ҳам, кейинчалик ҳам сезмаганман. У барча миллат ва элатларга бир кўз билан қарайдиган инсон эди. Абдулҳамид илмли, ақлли, мулоҳазали киши эдики, биз унинг бу хислатларига ҳавас қилардик. Шоирнинг Москва ва Ленинградда хийлагина рус ҳамда бошқа миллат вакилларида дўстлари бўлиб, улар билан хат ёзишиб турарди.

Ўша вақтларда газета-журналларда бот-бот Чўлпон ҳақида танқидий мақолалар чоп этила бошлади. У эса ноҳақ танқидга норозилик билдириб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Акмал Икромовга, Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаевага шикоят мактуби йўлларди.

Натижа шу бўлдики, унинг янги шеърлар тўпламини босишга ижозат берилди. Бундан шонирнинг руҳи ниҳоятда тетикланиб, шодон кайфиятда юрганлари ҳозир ҳам кўз ўнгимда гавдаланади. Афсуски, унинг севинчи узоққа чўзилмади. Орадан бир неча ҳафта ўтгач, тўпلامни чоп этиш рад қилинганлиги маълум бўлди. У қаттиқ руҳий тушкунликка тушиб қолди. Негадир театрдан ҳам иш беришмай қўйишди. Кейин рус тилида чиққан асарларни ўзбек тилига таржима қилиш билан машғул бўлди. Оиласи эса иқтисодий жиҳатдан жуда ғариб ҳаёт кечирарди.

Бу орада мени савдо идораларига ходимлар тайёрлаш мактаби томонидан Поп районидаги Ғурумсарой пахта тайёрлаш пунктига ҳисобчи сифатида ўқув тажрибасини ўташга юборишди. Кўп ўтмай Чўлпондан сурат олдим. Аслида мен шоирдан ёш бўлсам ҳам, негадир менга Абдуазиз ака деб мурожаат қиларди. Сурат-хатда қуйидаги сўзлар ёзилганди: «Абдуазиз ака! Биз Солиҳа билан ажрашдик. Юраклар бошқа, тилаклар бошқа, бутун-бутун ётлик ва бегоналик. Мен эртага бутунлай Москвага кетаётirman. Хат ёзсангиз, қуйидаги адресга (У Москвадаги адресини кўрсатган эди) Сулаймонов А. га деб йўлланг. Чўлпон».

Биз шоир билан тез-тез ёзишиб турдик. (Афсуски, у кишининг хатлари, суратлари, дастхат ёзиб берган китобларини сақлаб қола олмадим. Негаки, буни билиб қолишса, миллатчининг думи деб қамаб ёки отиб юборишлари ҳеч гап эмас эди у замонларда).

Орадан бир неча йил ўтди. Шоир билан ёзишмаларимиз ўз-ўзидан узилиб қолди. 1935 йил сентябрь ойида мен Тошкентдаги ўқитувчилар тайёрлаш икки йиллик институтининг физика-математика факультетига ўқишга кирдим. Институтимиз Бешёғочда бўлиб, ётоқхонамиз Шайхонтоҳурдаги «Орқа кўча»да жойлашган эди.

Кунларнинг бирида Шайхонтоҳурдан трамвайга чиқиб, фавқулудда Чўлпонни учратиб қолдим. У мени кўрганидан бениҳоя севиниб, уйига таклиф қилди. У ҳамон муқим иш тополмай, таржимонлик билан шуғулланаётган экан.

«Театрдан иш беришмаяпти, асарларимни чиқаришмаяпти, иложсизликдан таржима билан кун кўриб турибман», деди у ўксиниш билан. Таҳсил йиллари унинг ҳол-аҳволини сўрагани, у-бу мавзуда гаплашгани уйига тез-тез бориб турардим. Ҳар гал иқтисодий жиҳатдан қисилганини сезардим. Бир куни хотини (рус эди) менинг олдимда Чўлпонга деди:

— Ҳамид! Бизга қарзга сут олиб келадиган қария ҳақини сўраяпти. Нима қиламиз?

— Таржима ҳақимни олсам, албатта тўлаймиз, ҳозир эса пулим йўқ, — деб жавоб қайтарди Чўлпон.

У ҳаётни, Ватанни, халқни севарди. Яна қайтариб айтаман, миллатчилик кайфияти унга буткул

ёт эди. Эскича қарашлар ҳукмрон бир даврда у рус аёлига уйлангани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Чўлпоннинг сўзларидан билдимки, у яшаб турган квартирасини Файзулла Хўжаев ёрдамида олган экан: Сўнги учрашувимиздан бир неча ой ўтгач, тўсатдан шоирнинг озодликдан маҳрум этилганини эшитиб қолдим. Лекин беназир бу қалам соҳиби миллатчиликда айбланиб қамалган эса-да, одамлар унинг шеърларини Тошкенту Самарқанд чойхоналарида, хонадонларда ёддан айтиб юришарди. Масалан:

**Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Кўёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку...**

Бундай дардчил мисралар кишилар қалбидан чуқур жой олган эди. Чўлпон ноҳақ қатағонга учради. Ниҳоят, адолат, ўнлаб йиллар ўтса-да, тантана қилганини куриб, бениҳоя шодландик.

Душанбе

Қодир Норхўжаев

МЕН БИЛГАН ЧЎЛПОН

Менинг Чўлпон билан танишим 1924 йили тасодифан рўй берган, у вақтда ёшим ўн еттида эди. Ҳамза номидаги театрнинг Хадрадаги собиқ биноси қаршида жойлашган Тошкент педагогика техникумида ўқир эдим. Эски Жўва майдони яқинидаги кўримсиз бинода «Турон» кутубхонаси бўлиб, унга техникум ўқувчилари тез-тез келиб турардилар. Кунларнинг бирида китоб олгани кутубхонага борсам, пештахта олдида қадди-қомати келишган, салобатли, йўғонроқ, очиқ чеҳрали ва файзли нотаниш бир киши турган экан. Салом бердим, у киши алик олиб, кийимим юпун бўлганиданми, бошдан-оёғимга разм солиб: «Сиз қаердан бўласиз, йигитча», деб сўрадилар. Мен одоб билан тошкентлик ва техникум ўқувчиси эканимни айтдим. Шунда севинчли оҳангда: «Яхши, ўқиш керак, ўзингизга соғлик, ўқишингизга муваффақият тилайман», дедилар. Шу вақт ичкаридан Абдулла Носиров (кейинроқ Ўз ФА Шарқшунослик институтида библиограф ва илмий ходим бўлиб ишлади) юпқа бир китобни олиб чиқиб, расмийлаштириб ҳалиги кишининг қўлига бердилар. Менга омад тилаган одам китобни қўлига олиб варақлар экан, кўзим «Сарвати Фунун» деган ёзувга тушди. Бу номдаги асарни биринчи кўришим эди. Мижоз биз билан қуюққина хайрлашиб чиқиб кетди. Одобсизлик саналса ҳам Абдулла акадан бу одамнинг ким эканини сўрадим. «Чўлпон деган шоир шу киши бўлади» деди Абдулла ака. Кейин қўшиб қўйди: «Истамбулда нашр этиладиган «Сарвати Фунун»ни олдилар. Зап яхши журнал-да».

Биз ёшлар Чўлпон, Фитрат, Боту, Элбек каби адибларни адабиёт дарслари орқали танир эдик. Чўлпонни шахсан учратганимдан беҳад хурсанд эдим. Шундан сўнг ёшлик истагига бўйсуниб Чўлпон мутулаа қиладиган журнални ўқишга иштиёқим ортиди ва Абдулла акадан бир сонини олдим. Туртини ўқишга, тушунишга ҳаракат қилдим. Чўлпон туфайли шундай журнал борлигини билганим ва ўқишга уринганим учун Чўлпондан миннатдор эдим.

Бу учрашувдан кейин орадан анча вақт ўтди. Бир гал Эски Жўвада Чўлпонга яна тасодифан дуч келиб қолдим. Енида қадди-қомати келишган бир рус аёли бор эди. Мен йиманиб салом бердим. У киши алик олиб: «Аҳволингиз яхшими, китоб олиб турибсизми?» деб сўрадилар. Алҳол шоирнинг қувваи муҳофизасига, камтарлиги ва олижаноб инсонлигига қойил қолдим. Енларидаги рус аёли, кейин билсак, турмуш ўртоқлари экан.

Чамамда, 1925 йили техникум ҳозирги Ленин кўчасидаги бир қаватли бинога кўчирилди ва номи ҳам «Наримонов» деб ўзгартирилди (илгари «Навоий» номида эди). 1926—27 ўқув йилида адабиёт дарсини Бокуда таҳсил олиб келган Олим Шарафиддинов олиб бордилар. Чўлпоннинг «Ўйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари», Ботунинг «Умид учкунлари» номли шеърӣ тўпламлари, А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи биз талабаларнинг қўлидан тушмас эди.

Шу йиллар ичида Тошкентга Бокудан профессор Чўбонзода келгани ва адабиётчилар йиғинида ўзбек адабиётининг ҳозирги ҳолати ҳақида маъруза ўқиганини эшитдим. Чўбонзода Чўлпоннинг ўзбек адабиёти равнақи учун кўп ҳисса қўшганини таъкидлаб, Чўлпоннинг шеърятдаги бадий маҳоратини турк шоирларидан Яхё Камолга таққослаб, ундан ҳам юқори қўйган. «Яхё Камол ўз асарларини туркларнинг ишланиб вояга етган тилида яратган. Чўлпон эса ўзбекларнинг энди ривож топаётган тилида ёза бошлади, ўзбек шеърятини тилини яратди ва шу тилда улмас асарлар ёздиким, бу Чўлпоннинг Яхё Камолдан устунлигидир», деган.

1925 йили Бокуда нашр этилган тўрт жилдли «Турк адабиёти тарихи» асарининг муаллифи Исмоил Ҳикмат Яхё Камол ҳақида шундай ёзади: «Яхё Камол туркларнинг «Шоҳномаси»ни яратиб қодир кимса». Кўряпмизки, Яхё Камол Фирдавсийга тенглаштирилиб, истеъдоди юқори баҳоланади. Чўбонзода эса Чўлпонни туркларнинг катта шоиридан ҳам юқори қўяди. Биламизки, Чўлпон шеърларининг тили содда, равон ўқилади. Шоир янги-янги ташбеҳ ва ўхшатиш, истиоралар қўллайдиги, булар шеърларининг бадий қийматини ошириб юборади.

Чўлпоннинг баъзи шеърларида умидсизлик оҳанглари устивор эди, миллий руҳ кучли эди. Натижада шоирнинг ижоди аёвсиз танқид қилинди. Буларнинг нечоғли тўғри ёки нотўғри эканлигига севимли адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Тонг сирлари» китобига ёзган сўзбоҳиси тўлиқ жавоб беради. Баъзи бир ўртоқлар Чўлпонни «йиғлоқ» деб айбитадилар. Балки ҳақлари ҳам бордир, чунки унинг:

**Чечаклар ўсгуси кўз ёшларимдан,
Бўғинлар унгуси ўйлашларимдан, —**

деб ҳасратланиши бизнинг кўз олдимизда «Йиғлоқ» бир шоирни гавдалантиради. Бироқ шоир шу тўккан кўз ёшларидан чечаклар ўстирмоқчи бўлмаса эди, биз ҳам унинг муътаризлари қаторига кирган бўлар эдик.

Анқов таъначилар шоирни ранжитишга мудовоамат қиладилар. Ҳатто «сен кўк шоири» дегувчилар ҳам бўлиб, чорасиз шоир уларга ўз ҳолидан очиқ жавоб беришга мажбур қолади:

**Сиз дейсизким мен кўкларни ўйлаймен,
Ер бетига сира назар солмаймен,
Янглишасиз: мен кўкларга беркинган
Ер қизидан хаёлимни олмаймен.**

Октябрь ўзгариши қаро тунимизнинг тонгини ордирди эса-да, бу мудҳиш кечанинг баднамо кўлагалари ҳамон шоирнинг юрагини титратдилар ва ул чор-ночор йиғлади. Шу йиғи орасида барқ уриб кўринган эрк қуёши бу кўз ёшларидан «чечаклар унгуси»ни сўзлади.

Менимча «Тонг сирлари»да кўрилган кўз ёшларининг сирри шудир. Шу қисқа жумлада ўқувчини бу кунги Чўлпон билан таништира олган бўлсам ўзимни бахтли санар эдим.

Жулқунбой. Тошкент, 6 сентябрь 1925 йил.

Чўлпоннинг баъзи шеърларидаги ўзгачалик шоир Ботуга ҳам таъсир этган кўринади. Боту «Умид учқунлари» номли тўпламидаги бир шеърда шундай ёзади:

Кел, бирга кулайлик

{Созли дўстимга}

**Тан ердан қўзғала олмас,
Ўй янглиғ кўкка учолмас,
Йўқ аршда жавлон этолмас,
Кел, энди бирга юрайлик!
Кел, энди бирга кулайлик!
Борлиқнинг чокини сўкма!
Оғули кўз ёши тўкма!
Еш гулни ергача букма!
Кел, энди яшнаб ўсайлик,
Кел, энди бирга кулайлик!..**

Ботунинг бу шеърига Чўлпон ҳам шеър билан қуйидагича жавоб беради:

Тан бердим

{«Умид учқунлари» шоирига}

**Тан бердим мен, унадим мен
Сенга, сенга, эй ёш куч!
Ҳақиқатан бу келишинг зўр исён!
Умид билан зич тўлибдир ҳарён...**

Бу икки шоир ўртасида қандай муносабат бўлгани бизга қоронғу.

Маълумки, Улуғ Октябрь инқилобидан кейин Туркистондан Германияга анчагина ёшлар ўқишга юборилган эди. Толиби илмлар таҳсил олиш баробарида ўзбек тилида «Кўмак» номли журнал чиқара бошлаганлар. Уша журналнинг илк сониде «Чўлпон Чўлпондир» сарлавҳаси билан чоғроқ бир мақола босилган. Унда шундай сатрларни ўқиймиз: «Чўлпон оти қулоғимга кирдикча кўзимга Шекспир руҳи кўринади. Шекспир лиризми билан Чўлпон шеърляти орасида нақадар айирма ахтарсамда ани тополмадим. «Ўйғониш»ни неча топқир ўқиб чиқдим, Шекспирни мутолаа этдим. Энг сўнг: «Шекспир Чўлпондир, ёхуд Чўлпон Шекспирдир» фикрига келдим. Чўлпон шеърляти Шекспир жўшқунлиги билан тўладир. Чўлпон оқ кўнгиллиги Шекспир самимийлигидан ўтади. Чўлпон бизда севги тангриси, севги яратувчисидир. Чўлпон лирик, Чўлпон шоирдир. Чўлпон Чўлпондир.

Кетганингда

**Кетдингми мангуга ташлаб,
Қолдимми қайғуларим-ла!
Ҳижроннинг куйини бошлаб
Йиғловчи қайғуларим-ла!
Севгимдан сўнгги малаклар
Тўп-тўғри кўкками учди!
Кўнглимдан тоза тилаклар
Ёвнингми бағрига тушди!
Ортиқ сен мандан узоқда**

**Кўзларни ўйнатасанми!
Ортиқ сен бошқа бўлқда
Дилларни қайнатасанми!..**

Чўлпон. «Ўйғониш»дан.

Чўлпоннинг уч шеърлар тўпламидан ташқари «Кеча ва кундуз», «Ёрқиной» каби асарлари ҳам бор. Шугинами?

1927 йили техникумни битиргач, бир неча курсдошларимиз Бухорога сафар қилишди. Шу даврда Чўлпон ҳам Бухорода экан ва улар шоир билан танишишга улгуришибди. Курсдошларимиз Чўлпоннинг «Толо йўлларида» деб номланган шеърлар тўплами борлигини билиб, уни қўлда кўчириб олишган. Тошкентга келишгач, бундан мен ҳам хабар топдим ва нусха кўчирдим. Каттагина дафтар тўлди. Бахтга қарши оиламиздаги кўч-кўчларда дафтар йўқолиб қолди. Чўлпон «дала» сўзини «толо» деб олади. Асарнинг унвон варағига «Толо йўлларида эртадан кечгача мен ҳам чопаман» деб ёзиб қўйилган. Уша тўплами ўқиб, ёдимда қолган шеърлардан баъзи бирларини эътиборингизга ҳавола қиламан.

**Севги сусаярмикан,
Ўти пасаярмикан,
Ёки илинчак кўнглим
Ёниб кексаярмикан!
Бу сеvgи чинга кетса
Эркимни асир этса,
Оҳ шуни тушунганда
Эс фанори сўнганда
Сердце разрывается!**

Фарзандларимизнинг пок виждонли, ахлоқан етук кишилар бўлиб ўсишига ундовчи, огоҳлан-тирувчи қуйидаги шеърлари ҳам аҳамиятлидир:

**Ҳар бир кўнгили ҳавосига берилган,
Ҳар бир бўрон боронида бош яланг,
Ҳар бир бало ҳадафига кўндаланг,
Ҳар сар-сари сеvgисига сир берган.
Телба кўнглим, тентак кўнглим, шўх кўнглим
Йўлларингда ҳадар ўлди ёш умрим.**

Бошқа бир шеърда шундай мисралар учрайди:

**Лола гулнинг доғидир ҳасратли дилдан кетмаган,
Ошён айлаб ўзига бир нафас тарк этмаган,
Сенгина эй лола-гул, аммо асир этдинг мени,
Бир ўзиб сўлдирмасамми ҳап қарабтургил сени.**

Мана бу сатрлар ҳам эътиборга сазовор:

**Кўнглимга ишонмайман,
У мени адаштирди,
Кўп доvonлар ошдирди
Қарши ҳам боролмайман.
Менга эгадир кўнглим,
Бошлаган йўли йўлим,
Ҳаммаси ўшаники
Бир синиқ шишаники.**

Ёки:

**Кўнглим яна, кўнглим яна илинди
Бир бевафо этакка,
Бир сержафо чечакка,
Илиндида, илиндида тилинди.
Ажал қайда, тилак қани билмайман
Эсим, ҳушим ўшанда
Чўлпон яна шарманда.
Шармандамен, шармандемен шарманда,
Бир асир банда.**


Агар Чўлпоннинг «Толо йўлларида» асарининг қўлёзмаси топилар экан, у билан ўқувчиларни таништириш хайрли ишлардан бири бўлар эди, деб ўйлайман.

Чўлпоннинг таржима соҳасида ҳам унумли қалам тебратгани маълум. Лолахон Сайфуллина Арслонованинг ўзбек хотин-қизларининг аччиқ қисмати ёритилган сочма-насрий шеърлар тўплами «Ичқари» номи билан нашр этилган: мазкур асар таржимасида Чўлпоннинг таржимонлик маҳорати ниҳоятда юксак экани ярқ этиб кўринадики, бу таҳсинга, ўрганишга лойиқ ишдир. Уша тўпламга ёзилган сўзбошида шоирнинг яна бир шеъри бор:

Лолалар дардини англаган Лола,
Лолалар тилидан қилибсан нола,
Лолалар ноласи аччиқ бўлса ҳам
То қалбдан келгувчи санчиқ бўлса ҳам,
Тинглаб келган эди кар қулоқ девор,
Эркакининг ўзидек бир нўноқ девор...
Энди бу нолагни жаҳон тингласин!
Дилларда бор эса виждон тингласин!
Яъни у муҳтарам инсон тингласин!
Мен ҳам қаламимни аламга солиб,
Нолагни қалбимга кўчирдим, Лола,
Эй лола тилидан қилгувчи нола!

1925 йил.

Шоирнинг ижодий меросини ўрганиш улуғ ватанимиздагина эмас, балки чет мамлакатларда ҳам давом этаётгани биз учун қувонарлидир. Масалан, Истамбул шаҳридаги Мармара дорилфунунида 1987 йили Норми Нарзонхоним «Чўлпон ва унинг адабий мероси» деган мавзуда магистрлик илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаган. Унинг асосига юқорида эслатилган асарлардан ташқари ижодкорнинг «Чубон севгиси» ва «Кўшиқларим» деган шеърлари ҳам замин бўлган экан.



ЎЛМАС ҚЎШИҚ ҚАСИДАСИ

Ашурали Жўраев. «Юрак бўронлари».
Хужжатли қисса ва ҳикоялар. Фафур Ғулом
номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
Тошкент — 1989.

Инсоният ўтмишини, хусусан етмиш йиллик тарихимизни улкан саҳнага қиёс этсак, ҳақиқий ҳаёт саҳна ортида кечгани аён бўлади. Негаки, биз талай воқеа-ҳодисалар ва шахсларнинг қадриқимматини, асосан улар йўқлик қаърига чўмгандан сўнг, саҳна юзини тутган парданинг хиёл бир чеккаси очилгандан кейингина англаб етмоқдамиз. Жамиятда ҳукм сурган умумий муҳитнинг ва шу муҳитни яратувчиларнинг асл мақсадларини тўла тушунмаганимиз кечаги кунда, атрофимизда содир бўлаётган носозликлардан тутақиб, уларга ўзимизнинг ожизона «нега?», «нечун?» каби саволларимиз билан қарши чиқар эдик, холос. Бу саволлар ичида «Нега, бизда ҳақиқий истеъдодлар тириклигида қадр топмай ўтадилар», деган сўроқ ҳаммасидан кўпроқ қийнади.

Бугунги кунда сталинчилик ва турғунлик йилларининг жамини қабохатлари очилляпти. Эндиликда мудҳиш йилларнинг жабрдийда ситамкорлари кимлар-у, сохта қаҳрамонлар кимлар — бир қадар равшанлашди. Утмишга айланган кунларимиз сабоғи яна шундаки, бутун онгли ҳаётию истеъдодини халқ маънавияти ва маърифати ривожига бахшида этган улуғвор шахслар, ҳар қанақанги тўсиғу таъқибларни минг бир машаққат билан енгиб бўлса-да, пок ниятларини рўёбга чиқара олганларига амин бўлдик. Шундай мумтоз шахслар орасида ўлмас санъаткор Ботир Зокиров номи биринчилар сафида жаранглайди.

50-йилларнинг охири 60-йилларнинг бошлари адабиёт, санъат ҳамда сиёсат оламига дунё ва инсонни янгича бир маррадан, ўзгача бир нуқтани назардан кўра оладиган, фикрлаш тарзи бир хил бўлмаган кишилар кириб келдики, бугунги кунда уларнинг овози бизни ҳақиқату дённат йўлларига чорламоқда. Кўп ҳолларда жамиятимиз ҳаётида кечаётган қайта қуриш ҳам мана шу авлод тафаккурида туғилгани сезилиб турибди. Мана шундай шуқуҳли авлод вакили бўлмиш Ботир Зокиров, афсуски бугун орамызда йўқ. Лекин унинг орзу-армонидаги кунлар тобора муқаррарлашиб бормоқда. Зеро, санъаткор бутун ҳаёти давомида фаровон, дориломон кунлар келиши учун овози ва сўзи, тутган мўйқалами билан фидойилик кўрсатиб яшади, ўзининг жисми-жонини нурли истиқбол йўлида бахшида этди.

Ашурали Жўраевнинг «Юрак бўронлари» хуж-

жатли қиссаси халқ фахрига айланган, кўп қиррали истеъдод соҳиби, Урта Осиё халқлари эстрада санъатининг асосчиси Ботир Зокировнинг мураккаб ижодий ҳамда инсоний қисмати ҳақидадир.

Айтиш мумкинки, бетакрор ҳофиз ўзининг юксак салоҳияти ва санъатимиз равнақиға қўшган улуғвор хиссасию дилида армон бўлиб қолган ниёт-режаларига нисбатан ҳаддан зиёд кам кун кўрди. Бироқ қолдирган салмоқли маънавий-маданий мероси бутун-бутун авлодлар тафаккурига беқиёс таъсири билан, қалбимизга ёруғ таскин ҳамда илҳом бағишлайди. Муаллиф қўшиқчи истеъдодиға самимий эҳтиром кўрсатиб, унинг руҳан ва жисман азоб-уқубатли ҳаётдан изтиробға тушади.

Қиссада биз ўзимиз кўниқиб қолган, яъни истеъдодли санъаткор сифатида шон-шухратға кўмилган Ботир Зокировдан кескин ажралиб турадиган, хокисор, маънавий мададға муҳтож, маданият, мафкура соҳасидаги амалдорлар зуғуми ва калтабинлигидан бағри хун бўлган инсонни кўрамиз. Зокировнинг ҳаёт йўлини ироданинг тинимсиз курашиға муқояса қилиш мумкин. Жуда ёшлигидан оғир дардға чалинган, етти марта оғир операцияни бошидан кечирганиға қарамай қўшиқ хаёли билан яшаш, қўшиқлар оламини ҳар нарсадан, ҳатто «киприклардаги ёш» мисол ҳаётдан устун қўйиш унинг ўзини ҳам қўшиқ тимсолиға айлантириб қўйган. Бу қўшиқни эшитган сари қайта-қайта эшитгинг келади. Бу қўшиқ хаёлингидан зиё янглиғ ҳамиша нур сочиб, дилингни равшан, кўнглингни обод қилиб туради. Ишонасанки, эндиликда бу Қўшиқни ҳар бир авлод ўзи учун янгитдан кашф қилади. Сенинг ақл шаъминг ёритмаган буржларни болаларинг тафаккур машъали ойдинлаштиради. Бу Қўшиқ ана шундай мангуға муҳрланган. Чунки у «ҳаёт, ўлим, муҳаббат ва шафқат» ҳақидаги бир ҳақиқатни «хўрлик бўғилган» замонлардаёқ баралла айтган. Фақат биз уни тушунмаганмиз. Аниқроғи, онгимиз қабатларини ўткинчи нарсаларға тўлдириб, қўшиқ деб аталмиш табарруқ эҳсондан бебахра қилишган. Шу боис, биз уни узоқ йиллар эстрада санъатимизнинг «асосчиси» сифатида, мудом шон-шухратға тўлиб, айшу фароғатда умр кечирган инсон сифатида билиб келдик. Хужжатли қисса эса Зокировни «иккинчи» ҳақиқий ҳаёти томон юз буришимизға, уни ўз кўзимиз билан «кўришимиз»ға дэват қилади.

Асарда бастакор Икром Акбаров хонандани шундай эсга олади: «Маълумки, Ботир кўп қиррали ижод соҳиби эди. Фақат у музика ёзмади. Аслида, ёзса бўларди, қудрати етарди. Баъзи номдор композиторлардан яхши ёзарди. У музикани, кўйни муқаддас деб билгани учун ҳам бунга қўл урмади. У музикани, қўшиқни илоҳий деб билар ва бунга хиёнат қилганларни кечир-

масди». Ҳаётда бирор нарсага эътиқод қўйиш қийин. Лекин истеъдодда собит қолиш, унга хиёнат қилмаслик икки қарра оғирроқ. Ижодининг илк палласидаёқ унинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари юксак маънавият асосида шаклланган эди. Ҳофизнинг ҳаёт ва санъатга ўз қарашлари ва турли қилиқлардан ҳоли, содда, инсоний мезонлари бор эди. У ҳаётни, одамларни, музикани севарди ва ҳеч қачон мана шу уч нарсага хиёнат қилмади. Чунки у бу нарсаларни эътиқод даражасига кўтарди. Ботир Зокиров ҳамиша ана шундай улғу эзгулик бағрида яшади. Ҳаётнинг мислсиз синоатларидан топган ягона илинжи ва юпанчи ҳам шу эди. Қиссини ўқир экансиз, қанийди у мудом ана шу эзгу олам ошенида яшаб қолса, деб қалбингиз ҳамдардликда ўртанади.

Асар Ботир Зокиров ҳаётининг шунчаки батафсил қайди эмас. Муаллиф ҳужжатлар ва манбаларни яланғоч тарзда келтирмайди, аксинча, далиллар замиридаги инсон тақдири, унинг ўй-хаёллари, қувонч ва ташвишларини муфассал таҳлил этади, бу эса ўқувчини мушоҳадага ундайди, қалбини тиглайди, софлик сўқмоқлари томон бошлайди.

Ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисалар кўпинча шарҳланмайди. Бунда муаллифнинг муайян шахс ва воқеаларга нисбатан мавқеи мавҳум бўлиб қолгандек туюлса-да, лекин қиссининг умумий манзарасида А. Жўраевнинг қарашлари аниқ сезилиб туради. Зеро, ҳужжатли асар табиати шуни тақозо этади. Чунки, «ҳужжат» доимо аниқлик ва ҳаққонийликни талаб қилади, эҳтирослар ва ҳаёлот унинг табиатига мутлақо қарама-қарши, биروق мазкур асарда фақат «ҳужжат» дастак қилиниб, «қисса» мақоми нутилибмайди. Юқорида айтилганидек, унда ўқувчи қалбини ўртайдиган, ўй-фикрларини ҳаракатга келтирадиган ширали саҳна ва манзаралар мавжудки, уларнинг аксариятида куюқ бадийи бўёқлар изи мавжуд. Масалан, Ботир Зокиров биринчи операциядан сўнг илк бор саҳнага чиққанлигини эслашга урингани куйидагича тасвирланади: «У қанчалик уринмасин, саҳнага илк бора чиқиб қўшиқ айтган кунини эслолмайди. Эсида фақат Кўкча дарвозасидаги ҳовлиси, олма, ўрик, ноқлар фарқ пишган палла. У чорпоёда юлдуз тўла осмонга термулган ётибди. Кеча ойдин. Юлдузларга термулган сари юраги ҳаприқади, вужудида нималардир тўлқин уради. Унга тинчлик бермаётган, ярим тунда уйқусини ўғирлаб, юлдузларга ошно қилиб сеҳрлаган нарса нима бўлдикин? Лекин тилига келмаётган, номини тополмаётган ўша туйғулари, юрагининг қинидан чиқармоқчи бўлаётган ҳис-ҳаяжонлари ўз-ўзидан қуюлиб бўғзига келаверади, келаверади, келаверади... Аста-секин лаблари қимирлай бошлайди. Юлдузлар ҳам гўё унинг қалбини тушунгандек, сен қуйлашинг керак, қўшиқ айтишинг керак деяётгандек туюлади. Сўнг юлдузлар билан қўшиқ бир-бирига қўшилиб кетади».

Биз узоқ йиллар улкан шахсларнинг тарихи ва миллат тақдирида тутган беқийёс ўрнини асоссиз равишда инкор қилиб, қандайдир мавҳум омманнинг даражасини юқори қўйишга ҳаракат қилдик. Ҳатто инсоният ўтмишида аллақачон қарор топган ҳақиқатларни кўра билла туриб, кўрмасликқа олдик. Қиссада ҳам Шахс даражасига кўтарилган инсонгина халқнинг том маънодаги қадриятларини намоён қила билиши, керак бўлганда унинг шаънини ҳимоя этиши Зокиров шахсида ифода топган. Албатта, Ботир Зокировдек санъатимиз намояндаси ва миллатимиз ифтихори бўлган шахснинг образи ҳужжатли қиссада ҳар томонлама қамраб олинган деб бўлмайди. Уйлаймизки, ҳали Зокировнинг ҳаёт ва санъатига ўзига хос

ўйли ҳақида кўплаб бадийи, илмий-оммабоб асарлар яратилади: «Юрак бўронлари» эса бу борадаги дастлабки жиддий қадам сифатида аҳамиятлидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳужжатли қисса айрим нуқсонлардан холи эмас. Назаримизда унинг мундарижаси бироз тарқоқ. Зокиров ҳақида хотираларнинг баъзилари шунчаки қайд, умумий йусиндалиги боис, уларни қиссага киритишга кўпам эҳтиёж сезилмаган. Бу нарса самимият ва ҳаяжон барқ уриб турган бошқа хотираларга соя ташлагандек. Ҳужжатли асар талабларидан келиб чиқиб, айрим чиновникларнинг (масалан «Мараз»га ўхшаган) башарасини янада очикроқ, янада аниқроқ тасвирлаш лозим эди. Шу ўринда бироз ошкоралик журъати этишмагандек туюлади.

Ҳужжатли қиссининг тили, оҳанги айрим ўринларда депсинишини ҳисобга олмаганда, умуман равон, содда. Баъзи воқеалар тасвирида эса қайтариқ жумлалар кўзга ташланиб қолган. Масалан, Зокировни «Операция столига ётқизишди» деган жумла китобнинг бир неча саҳифасида такрор-такрор ишлатилган. Бу ҳолатни бошқача тарзда ифодалаш ҳам мумкин эди.

«Юрак бўронлари» китобидан ёзувчининг турли йилларда ёзган «Тегирмон қаршисидаги уй», «Ҳаёт ўйини», «Бахт куши», «Ажабсанда», «Юлдузлар уйғонди», «Чорраҳалар» ва бошқа талғай ҳикоялари ўрин олган. Уларда турли мавзу ва бир-биридан кескин фарқ қилувчи одамлар тақдири ёритилади. Ёзувчини кескин тўқнашувлар ёки воқеабозлик қизиқтирмайди. У ҳамиша инсоннинг маълум воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабатини биринчи ўринга қўяди. Муносабатини инсонпарварлиги, маънавий юксаклиги ёки ахлоқан юзтубанлиги орқали, турли ақидалардан холи баҳо беради.

«Бахт куши» номли ҳикоядаги Мўмин исмли боланинг «...нима учун дадамнинг бошига бахт куши кўнмайди? Еки Хол мудирга ўхшаб магазинчи бўлсалар кўнармиди?» — деган сўроғига ҳатто кўпни кўрган, дунёнинг аччиқ-чучугини тоғиб кўрган бувиси ҳам жавоб беришга ожиз қолади. Нега?

Мўминнинг зийрак қалби бувиси сўзлаб берган Бахт куши тимсолида тўлиб яшайди. У болаликдаги ёлғиз таскини ва юпанчини асраб-авайлашга ҳаракат қилади. Ҳатто ўйинчоқ милтиқ ушлаганда Бахт кушини отиб қўйишдан қўрқади. Жонсиз «қушлар»га ўзинча озодлик, ҳаёт ҳаёда этади. Бола шу ўйлар гирдобида хаёлан ҳузур қилиб турганида, тирга бало-қазодек Хол мудир кириб келади. У милтиқни ўқлаб ҳозиргина бола ҳаёт бахш этган, уларга Бахт куши деб сиғинган «жонивор»ларни қарсиллатиб «ота» бошлайди. У самимий, мурғак юрак сиғинган бахт кушини отади. Бола Хол мудир бахтни фақат пул топиш деб билишини қаёқдан билсин, ахир! Шу боис унинг олдида «Нима учун?», «Нега?»га ўхшаш баъзан бизни ҳам уйлантириб қўядиган саволлар кўндаланг бўлади.

Китобдан ўрин олган ҳикоялар мундарижаси шундай тузилганки, ҳикоядан-ҳикояга ёзувчи яратган қаҳрамонлар дунёқарашини, характери бир поғона ўсиб боради. Муаллиф муайян ҳаёт воқеасини ҳикояларига сюжет қилиб оларкан, уларга кузатувчи сифатида эмас, аксинча яратувчи сифатида ёндашади. Биз китобдан жой олган жамики қаҳрамонлар характер даражасига кўтарилган демоқчи эмасмиз. Аммо биз бошқа бир далилни таъкидламоқчимиз. Еш ёзувчидаги интилиш беқийёс. Интилиш замирида эса ҳамиша жўшқин бир руҳ ҳокимки, бу руҳ инсон қалбига ўзгача тароват ва нур бағишлайди. Шундан бўлса

«еорак, «Сўқмоқлар» деб номланган ҳикоя қаҳрамони Алишерда нурга ташналик, ошнолик кучли. Зеро, ундаги қатъият ва мардонворлик, саховат ва салоҳият ҳаётнинг ўчмас шаъми каби ҳақиқатга ундовчи нурли йўл туфайлидир.

Алишер қоронғу кечада йўлини йўқотиб қўйган йўловчига ўхшайди. Шу пайт узоқ-узоқлардан қандайдир бир шуъла йилтирайди. У шу ёруғлик томон талпинади. Лекин йўлда кўп тўсиқларга дуч келади. Қатъият ва матонат билан олға интилаётган Алишернинг йўллари, ўша шуъла нурларидан тобора ойдинлашиб боради. Кичик нур аста-секин катталлашиб улкан қуёшга айланади. Алишер эса бу Адолат қуёши эканини англайди. У бу қуёшни ҳақиқий дўст тимсолида кўради ва унга бир умр ишониб, интилиб, юракдан дардлашиб яшайди.

Китобдан жой олган айрим ҳикояларда бадиият бўёқлари, композицияларда изчиллик етишмагани очик сезилади. Қаҳрамонлар руҳияти баъзи ўринларда теран таҳлил ўрнига, шунчаки баён этилади.

Биз ушбу мухтасар тақризда кўпроқ ёш адибнинг жиддий изланишлар жараёнидаги илк муваффақиятлари устида тўхталдик. Ашурали Жўраев ижодида биз доимо инсон руҳияти манзараларининг хиёл бир чеккасини очишга бўлган тинимсиз ҳаракат мавжларини сезиб турамыз. Ишонамизки, ўқувчи қалбига илиқлик бахш этаётган ёқимли «мавж»лар пўртанавор тўлқинларга айлангусидир.

Равшан РАҲМОНОВ,
профессор,
Жалолиддин САФОЕВ,
аспирант.

ШАЙДОЛИГИМ СЕВГИМ

ТУФАЙЛИ

Исмоил Тўхтамишев. Дунё устун.
«Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент — 1989 й.

Иккинчи китоби билан шеърхонлар «хузурига йўл олган» Исмоил Тўхтамишев ҳақида Абдулла Орипов шундай ёзади: «Самимийлик, соддалик Исмоилжон шеърларининг муҳим фазилатидир». Дарҳақиқат, самимият — инсондаги севги, дўстлик сингари олижаноб туйғуларга доялик қилувчи энг юксак фазилат. Бадиий ижодда эса яна ҳам теран маъно ва масъулият касб этади. Шоир юрагидаги самимият унинг эътиқоди ҳамда виждонининг меъёр белгисидир. Самимият фикрий барқарорлик, собитлик гаровидир. Акс ҳолда, ҳар қандай эътиқод ва ишонч оний, ўткинчи сажияли тушунчаларга айланиб қолади. Шунинг учун самимият ҳамisha соддалик билан, яхши маънодаги оддийлик билан эгизакдир.

Исмоил Тўхтамишевнинг навбатдаги шеърлар китобини варақлар эканмиз, юқоридаги мушоҳаданинг яна бир бор тасдиғини кўргандек бўламиз. Ижодкор шеърларидаги самимийлик, ифодадаги оддийлик кишида аллақандай ёқимли, илиқ туйғулар уйғотади, ўзингизга таниш кайфият билан бошқачароқ манзарада яна учрашгандек бўласиз.

Китобнинг илк саҳифасидан жой олган «Дунёнинг устунлари» шеъри шундай асарлар сирасига кирради. Долғали турмуш давомида инсон бахтиёр кунларни ҳам, баъзан ғамгин, ташвишли онларни ҳам, ёхуд мутлақ бефарқ кайфиятли дақиқаларни ҳам бошдан ўтказиши мумкин. Шундай пайтларда яқин дўст-биродар, қўни-қўшни, элга жонфидо оддий кишилар сизга мададкор бўлади. Буни баъзан англаймиз, баъзан эътиборсиз қолдирамиз. Шоир манā шундай мададкор кишиларни «дунёнинг устунлари» дейдики, бу қанчалик оддий гап бўлмасин, барибир бор ҳақиқат:

**Бундайлар бор экан сафда, чин,
Барҳақ эрур қиммат ва қадр.**

Жамиятимиз ўз бошидан ғоят оғир, аини замонда, умидбахш бир даврни ўтказаётир. Кўпийлик тушунчаларимиз янгича тафаккур имтиҳонидан ўтмоқда. Шулар қаторида инсон иродаси ва иқтидорини тайин этувчи эътиқод тушунчаси ҳам бор. Биз узоқ йиллар давомида одамларда эътиқодни аллақандай «измлар»га ажратилган тушунчалару ҳаётдан анча йироқ бўлган тасаввурлар, ўй-хаёллар воситасида оммавий «тарбиялаш» йўлида юрдик. Ўз-ўзини «иллий алдаш» йўли қандай натижаларга олиб келишини ўз ҳаётимиз, жамиятимиз бугун кечираётган бўҳрон орқали кўриб турибмиз. Исмоил Тўхтамишев:

**Ўзингдирсан юксак тик қоя
Эътиқодим — буюк ҳақиқат, —**

деб ёзади шеърларининг бирида. Дарҳақиқат, ҳақиқатдан туғилган эътиқодгина собитдир.

Тўпламдаги «Қўйдик унутиб», «Ёзгин қуёшга», «Қишлоғимнинг одамлари», «Бошим силадинг» каби шеърлар ҳамда бир қатор тўртликлар шакл мукаммаллиги ва фикрнинг жозибали ифодаси билан ўқувчи диққатини тортади:

**Сен деб чеккан заҳматни ҳордиқ деб билгум,
Қиё боқсанг ногаҳон тортиқ деб билгум,
Умид узгил дема, бас, мен ўша замон,
Ўзимни ҳам дунёда ортиқ деб билгум.**

Китобдан жой олган шеърлар шакл ҳамда мазмунига кўра хилма-хилдир. Унда, юқорида айтганимиздек, тўртликлар, ғазал ва масал жанрида ёзилган асарлар саралаб олинган. Бундай хилма-хиллик ҳозирги шеъриятимизнинг умум тараққиёт манзарасига уйғундир.

«Чумчуқ ва булбул», «Йўлбарс ва қуён», «Ит ва улоқ» масаллари ғоявий ва бадиий жиҳатдан анча пишиқ, пухта чиққан. Қисқа ва теран мисралар қатига сингдирилган ибратли маъноларни ўқиб олиш қийин эмас:

**Гўзаллиқни чуқур қилсанг ҳис,
Меҳр қўйсанг боғларга, гулга.
Торта борар куйларинг нафис...
Дарс берарди чумчуқ булбулга.**

[«Чумчуқ ва булбул»]

Китобни мутолаа қилар эканмиз, Исмоил Тўхтамишевнинг халқ оғзаки ижоди йўлида битилган равон шеърларидан завқ оламиз, афсона ва ривоятларни шеърий тизмага сола билганлигига гувоҳ бўламиз. «Бибиҳоним ва уч йигит ҳақида ривоят», «Кавказ афсонаси» шеърлари ана шундай изланишлару ижодий ёндашувнинг самарасидир.

Самимий севгиси рад этилган чўпон йигит ва хон қизи ҳақидаги бу афсона шоир қаламидан равон ҳамда пурмаъно тасвирини топган. Бу, хусу-

сан, шеърнинг сўнги сатрларида айниқса, яққол кўзга ташланади:

**Ваъдалар бўлди бекор,
Кўз юмди севикли ёр.
Ишонгани Ойсулув
Чиқиб қолди риёкор.**

**Ўтса ҳамки кўп замон,
Кўним топмас хаёллар.
Шу жойлардан ўтган он,
Ер чизармиш аёллар.**

Мисралардаги самимийлик ва равлонлик, сўзларнинг ички оҳанг билан ўзаро боғланиб кетиши ҳамда афсонанинг таъсирли, ибратли хотималаниши ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Албатта, тўпламдан жой олган шеърларнинг ҳаммасининг бадий савийяси, фикрий теранлигини бирдай деб бўлмайди. Шу нарса аёнки, Исмоил Тўхтамишев халқ юрагидаги гапни топиб айтиш, ўз асарлари билан кўпчиликнинг ҳамдарди бўлиши учун ҳали кўп изланиши керак. Зеро, чинакам шеърият — бу қофияланган ҳақиқатлар йиғиндиси эмас. Балки у фикрни бошқача ифода-лаш мумкин бўлмаганда туғиладиган бирдан-бир руҳий юксалиш, фавқулодда теранлашиш, ҳақиқат билан юзма-юз келиш воситаси. Унинг мағзида умуминсоний дард, лаҳзанинг абадиятга айланиш жараёни нурланиб туриши керак. Акс ҳолда, у умрбоқийлик касб этолмайди.

Фикримизнинг исботи тариқасида бир мисол келтириб ўтаман. Шоир тўртликларидан бирида:


**Зулматнинг бағрини сен тилиб яша,
Ҳар босган қадамнинг чин билиб яша.
Мақсадга етмоқлик истасанг мудом.
Қуёшдай лов ёниб, интилиб яша!!! —**

дейди. Кўриб турибсизки, бу сатрлар сизга яна бир эстетик фикр бахш эта олмайди, гарчи ғоят ҳаққоний баён этилаётган эса-да. Шакл-шамойили, вазн-қофиясидан ҳам сохталик топиб бўлмайдиган бу тўртликда юракка «жиз» этиб тегадиган нимадир етишмаётгандек. Бу образли фикрлаш, жозибанинг йўқлигидир. Ҳолбуки, ҳар қандай санъатнинг, жумладан, шеъриятнинг қалби ана шу жозоба мавжудлигидадир. Талабчанлик тўхтаган, дастлабки муваффақиятларга маҳлиёлик туғилган жойда ижоднинг катта йўлига чиқиб олиши қийин кечади. Ахир Леонардо да Винчидай мислсиз санъаткор ҳам кейинги пайтда яратаётган асарлари ўзига ёқа бошлаганидан ташвишланиб, наҳотки таназзулга йўл тутдим, деб қаттиқ қайғурган экан. Бу — ижодкорнинг абадий қисматидир.

Бундан бир неча йиллар аввал. И. Тўхтамишевнинг бир тўпламига ички тақриз ёзган эдим. Орадан ўтган вақт давомида шеъриятнинг бир муҳлиси сифатида унинг шеърлари билан танишиб бордим. Муаллифдаги ижодий ўсиш, изланиш яққол кўзга ташланади. Буни «Дунё устун» тўплами тўла тасдиқлаб турибди. Шу давр ичида Исмоил Тўхтамишев туркум шеърлари билан ҳам шеърхонлар эътиборини қозониб борди. Бинобарин, у ўз овози, ўз талқинини топиш йўлидан дадил интилмоқда. Буни шоирнинг ўзи ҳам бир шеърида таъкидлайди:

**Куйлайман ўзимча, майли,
Шайдолигим севгим туфайли...**

**Анвар ЖАББОРОВ,
филология фанлари номзоди.**



ҚЎШ ҲАЖВИЯ

Адабиёт йўқолган кун

Ҳа, ажойиб тунлардан бирида инсоният ҳаётидан адабиёт йўқолди. Албатта, адабиёт заҳматкашлари томонидан шу лаҳзагача яратилган жилд-жилд асарлар йўқолганича йўқ, лекин сеҳри... Тўғри, у бирданига эмас, кишиларнинг иродасига қараб, бир жойда тез, бошқа жойда секинлик билан йўқ бўла бошлади. Адабиёт йўқолганини аввало китобхонлар сезишди. Бир дамнинг ўзида миллионлаб китобхонлар кўз узолмай ўқиётган китобларидан бош кўтариб, эснаб юбордилар ва мутолаани эртага давом эттириш учун келган жойларига хатчўп ташлаб, тўшакка шошилдилар. Эртага эса, аминмизки, улар орасига хатчўп қистирилган бу китоблар уйларида қаёқдан пайдо бўлиб қолганлигини англолмай роса бошлари қотади.

Адабиёт эса бу пайтда йўқолишда давом этарди. Энди унинг таъсири ижод аҳлининг ўта ҳиссиётли қисми — шоирларда сезила бошлади. Машҳур шоир, моҳир қофия-боз Нурли Манглай биринчи марта «баҳор» сўзига «пайпоқ»ни қофия қилди ва даҳшатдан додлаб юборди. У бошига тушган кўргуликни баҳам кўриш учун шоир дўстларидан бирига телефон қилганда, симнинг нариги ёғидан қаҳқаҳа садоси ва «Ҳалиям бош қотириб шеър ёзаясанми, дўстим?!» деган жавоб эшитилди. Бу зарба шоирни батамом тўшакка қулатди.

Мана шу ғайритабиий офат натижасида қирқ минг мисра шеър, ўн минг бетли роман, қисса ва ҳикоялар тугатилиши номаълум ҳолда чала-ярим қолди. Ижодкорлар доим руҳан танҳолар, деган гап ҳақ эканлиги биринчи бор юз фоиз тасдиқланди. Бўлмаса, улар биргаллашиб бу офатни даф қилишлари мумкин эди-ку!

Бахтсизликка учраганлардан бири, ёзувчи Ҳожид Зоҳид тун яримлаб қолганда ўзининг сўнгги ҳикоясига нуқта қўйгач, яратганга, қолаверса, унга ўттиз-қирқ йилдан бери садоқат билан хизмат қилиб келаётган илҳом парисига шукрона ўқиганча, уч соатдан бери уйку оғушида ётган хотинининг ёнига ўзини ташлади. Тонгда эса ўз иқтидоридан дарак берувчи ҳамда ёзувчилар уюшмаси томонидан расмийлаштирилган ёзувчилигидан мосуво ҳолатда уйғонди. Бет-қўлини ювгач, ёзув столида сочилиб ётган қўлёмаларини тартибга солаётган хотинига:

— Бугун қаёққа борсак экан-а? — деди ҳаётида биринчи марта маслаҳат солиб.

Хотини ҳайрон қолганлигидан қўлидаги қоғозларни ерга тушириб юборди.

— Ҳа?! Биз ҳам одамлардай меҳмон-пеҳмонга боришимиз керакми, ахир? — Ҳожид Зоҳид дўст ва рақибларининг телефон рақамлари қайд этилган ҳаддан ташқари қалин (ахир унинг ҳам ўзига яраша дўст-душманлари кўп эди-да!) дафтарчани варақлай кетди.

Собиқ ёзувчининг хотини чўғдай гиламда сочилиб ётган қўлёмаларни бирма-бир териб оларкан, эрининг «Алло, бу Маҳкамжонларнинг уйими? Яхши ўтирибсизларми?! Биз ҳозир сизларникига ўтмоқчи бўлиб, тараддуланиб турувдик», деганини эшитиб жойида ўтириб қолди.

— Вой, қайси Маҳкам? Равзанинг эрими?

Собиқ ёзувчи лабига бармоғини босиб, «жим» ишорасини қилди-да:

— Бўпти! Жуда соз. Биз бир соатларда етиб борамиз. Ҳа, ҳа! Мана, маликаи-дилозоримиз ҳам сизларга салом, деяптилар. Саломат бўлсинлар, саломат бўлсинлар,— деб телефонни жойига авайлаб қўйди.

— Жуда хурсанд бўлишди. Узиям Маҳкамжонларникига беш йилдан бери қадам босмаймиз, уят бўлиб кетди,— Ҳожид Зоҳид ҳали ҳам гиламда сочилиб ётган бир тўп

қўлёмалар устида ўтирган хотинига ўшқирди — Нима қилиб ялпайиб ўтирибсиз?! Туринг, — қўлёмаларга ишора қилди у, — тез манавиларни йғиштириб, чиқариб ташланг-да, сал ўзингизга оро беринг. Дугонангиз Равзахоннинг олдиларида уялиб қолмай.

Эр-хотин кўчада такси тутгунларича анча вақт ўтди. Йўл бўйи Малика эри ва Маҳкамжон бир-бири билан қандай муомила қилишаркин, деб ич-этини еб борди. Ахир, дунёда Ҳожи Зоҳиднинг битта рақиби бўлса ҳам шу Маҳкамжон, иккита бўлса ҳам шу-ку. Хатто бир пайтлар дорилфунунда бирга ўқиган дугонаси Равза билан юзкўрмас бўлиб кетишларига ҳам шу икки оила бошлиқлари ўртасидаги адоват сабабчи эмасми?

— Вой, Малика! — Равза оstonадан хатлаганича дугонасини кучоқлаб олди. — Омонмисан? Уша қомат, ўша ҳусн!

— Ҳожи дўстим, қани ичкарига! — Маҳкамжон уларни дастурхон тузоғлиқ хонага бошлади. Ҳа, дастурхонга қараб, уларнинг беш йилдан бери бирга ўтирмаганларига имон келтирса бўларди: унга қўйилган ноз-неъматлар қанча меҳмондорчиликка етиб-ортарди — қовурилган ва тузланган, димланган ва дудланган таомлар, узун-қисқа шишалар...

Даромади гап-сўзлардан сўнг ожизалар ҳасратлашгани ошхонага чиқиб кетишди ва собиқ рақиблар хонада ёлғиз қолишди.

— Оббо, Маҳкамжон-эй, — деди мезбоннинг елкасига қўл ташлаган собиқ ёзувчи. — Аммо ўшанда тўғри танқид қилган экансан. Мен сендан бекор хафа бўлибман.

— Қўйсанг-чи у гапларни, — Маҳкамжон собиқ жабрдийдасининг қадаҳига коньяк қўйди. — Узимам беш йилдан бери роса қийналдим, қачон ярашиш учун йўлингга чиқсам, ўзингни четга олиб қочардинг. Мана, инсофга келиб, ўзинг қўнғироқ қилиб қолдинг. Бугун мундоқ ўйлаб қарасам, сен ҳам, мен ҳам ҳеч кимга кераги йўқ бошоғриқ билан шуғулланиб келган эканмиз. Ол!

Улар қадаҳ чўқиштиришди.

— Гапингда жон бор. Халқни шунча алдаб келибмиз-а, дўстим! — Ҳожи Зоҳид танқидчининг оғзига шўр бодринг тутди.

— Алдаб келибмиз эмас, алдаб келдим, де! — Маҳкамжон унинг қўлини нари итарди.

— Бўпти, бўпти. Ўтган гапга салават. — Собиқ ёзувчи ўзининг «халқни алдаб келган» лигига дарров рози бўлақолди. Адабиёт бўлганда-ку, бу сўзлари учун Маҳкамжон билан яна бирор беш-ўн йил юзкўрмас бўлиб кетарди. Бу ёғига адабиёт йўқ бўлгандан кейин халқни алдаган бўлдинг нимаю алдамаган бўлдинг нима, бир гўр эмасми?

— Дарвоқе, энди нима қиламиз? — Бир маҳал бошидан совуқ сув қуйилгандек сесканиб сўраб қолди Ҳожи Зоҳид. — Тирикчиликни қандай ўтказамиз?

— Билмадим. Бир пайтлар тиш дўхтирлигига ўқиб қўйгандим. Йигирма йиллар бўлиб қолди. Ўзинг-чи?

— Отам раҳматли, ҳунар ўрган, ёзувчилик касб эмас, деб чилангарликка бироз ўргатувдилар...

Қалай, хурсандмисан?! — деди Ҳожи Зоҳид меҳмондорчиликдан чиққач, таксининг орқа ўриндиғида ўрнашган хотинига ўгирилиб.

— Вой, барака топинг, дадаси. Равза билан роса ҳасратлашдик. Адабиётларингни йўқ бўлганиям бор бўлсин, илоё...

Ярим кечаси маст уйқуда ётган Малика эрининг турткилашидан уйғониб кетди.

— Турсанг-чи, мунча уйқунг қаттиқ бўлмаса.

— Ўзингизмисиз? Худога шукр-э, ўтакам ёрилаёзди, — деди ширин энтиқиш билан «маликаи-дилозор». — Ярим кечаси уйқуни бузасизми? Қарибам қуюлмайсиз!..

— Э, ғишвангни йғиштир. Мен нима ғамда-ю...

— Ҳа?

— Кеча ёзган ҳикоям қани?!

...Адабиёт инсоният ҳаётидан яна ўз ўрнини ола бошлаганди.

«Кутубхонада»

(Жиддий эмас)

— Кечирасиз, мумкинми кирсам? — марказий журналлардан бирининг адабиёт бўлимига бош суққан жиккаккина кишини мутасадди бепарволик билан қарши олди.

— Келинг.

— Мен ҳикоя опкелувдим.

Бўлим муҳаррири нотаниш муаллиф олиб келган қўлёмани оларкан, «ҳикоя» деб аталган бу нарсани юз қоғоздан зиёд чамалаб, ичида қисинди: ҳикоямиш!

— Ҳикоя? Ҳимм. «Кутубхонада»... Яхши-и-и. Агар шошаётган бўлсангиз жавобини бир ҳафтадан кейин айтсам-чи? — муҳаррирнинг гап оҳангидан ҳар қандай муаллиф шубҳасиз «бўлади», деб юборарди. Бироқ...

— Илтимос, ҳозир кўриб берсангиз,— деди нотаниш муаллиф ва саросима билан қўшиб қўйди.— Ҳар қалай биринчи машқ, ҳалиги...

«Оббо, ҳали маслаҳат беринг деб бошимни қотирмаса эди...» деб ўйлаганча муҳаррир истамайгина қўлзёмани олдига тортди.

— Биринчиси денг. Унда бу сиз учун синов экан. Қани, ўқийликчи. Хўш, «Кутубхонада»...

Муҳаррир ўқий бошлаган ёстиқдек ҳикоя қаҳрамони кутубхонага кирди ва «юзлари анордай, кўзлари қуралай кутубхоначи қиздан» америкалик машҳур ёзувчи Менглининг «Қора шарпа» қиссасини талаб қилди, «Қора шарпа», ўйлади муҳаррир, бу ҳали бизнинг тилга умуман таржима қилинмаган-ку! Бироқ, кутубхоначи қиз «Қора шарпа»ни топиб берди. «Буниси энди фантастика!» — деди ўзича мамнунлик билан муҳаррир. Йигит эса, қиссани олгач қироатхонага ўтди ва ёруғ мўл-кўл тушиб турган катта дераза олдидаги стулга чўкди. Йигит «Қора шарпа» муқовасини очди ва мутолаага берилди. Шу ердан бошлаб «Қора шарпа» қиссаси бошланган эди.

Муҳаррир ҳали кўп тилларга таржима қилиниб улгурилмаган, бироқ аллақачон у ҳақда дунёдаги йирик адабиётшунослар шов-шув кўтарган, миллионлаб ашаддий китобхонлар унинг таржима қилинишини интизорлик билан кутаётган ушбу қиссани ҳикоя қаҳрамони билан баб-баравар ўқиб борарди. Бир вақт йигит қиссадан бошини кўтарди ва дераза ортида гулга кирган олмаларга тикилди. Чеккиси келиб, ташқарига чиқиб келди.

«Хайрият!»— йигит қироатхонага қайтиб, қиссахонликни давом эттирган жойига келгандан хусанд бўлган муҳаррир енгил нафас олди. Яна юракни ҳаприктирувчи қисса мутолааси бошланди. Бироқ уч-тўрт варақдан сўнг йигит яна ташқарига чиқди. Бу сафар у ошхонага кириб овқатланди. Шўрвада гўшт камлиги учун ошпаз билан узоқ тортишди.

«Тавба! — тутақди бундай зерикарли овқатланиш маросими битилган саҳифаларни ўқиркан муҳаррир,— қироатхонада шундай ажойиб қисса кутиб турибди-ю, жанжаллашишга бало борми! Менимча йигитга чойни кутубхоначи қиз дамлаб берса, яхшироқ чиқади, вақт тежалади.»

Йигит эса бу пайт яна қироатхонада, қиссанинг қолган жойидан ўқишга киришганди. Қандай ажойиб! Тасвирларни қаранг! Шов-шув кўтарганларича бор экан. Уф-ф! Йигит яна ташқарига чиқиб кетди. Қайтиб келса, китоб стол устида йўқ. Кутубхоначи қиз йигитни кетди деб гумон қилиб, китобни жойига олиб қўйибди, ярамас. Мана, яна мутолаа бошланди.

— Чой ичинг! — муҳаррир ҳикояни ўқиш жараёнида муаллифнинг шу ердалигини умуман унутиб қўйган эди.

— Чой?!

— Қарасам, ҳикоямдан бош кўтармай қолдингиз. Югуриб бориб иссиққина нон олиб келдим. Човгумингизни улагандим, чой ҳам қайнай қолди!

— Э, бекор овра бўлибсиз-ку.

— Овораси бор эканми!

— Бўпти. Сиз бемалол чойни ичаверинг. Мен ҳозир озгина...— муҳаррир гапни тугата олмай яна ҳикоя ичидаги қиссага шўнғиб кетди. Ҳикоя қаҳрамони, худога шукр, бошқа эшикка чиқмади. Бироқ, у уйига отланиб қолди. У кутубхоначи қиздан китобни бир кечага бериб туришни илтимос қилди. «Ўзимни берсам бераман, бироқ китобни беролмайман» — деди қиз қатъий. «Менга ишонмайсизми?! — деди йигит, қайсарлик билан.— Бўлмаса кейинги дам олиш кунини келинг», деди қиз ҳам бўш келмай. Йигит бошини эгиб кутубхонадан чиқиб кетди. Тамом. Ҳикоя шу ерда тугаган эди.

— Бори шуми? — деди муҳаррир муаллифга умид билан тикилиб.

— Бу ҳикоямнинг биринчи қисми. Иккинчи қисмида йигит келгуси дам олиш кунини интизорлик билан кутади. Ишдан қайтишда қизнинг қалбини юмшатиш учун унга гуллар тақдим қилади, китобни бериб туришни илтимос қилади. Қиз эса сира бўш келмайди. Бора-бора қизнинг бардоши тугайди, ҳатто улар орасида муҳаббат пайдо бўлади.

— Қисса-чи! — бетоқатларча бақириб юборган муҳаррир узр сўради.— Мени кечирасиз, йигит қиссанинг қолган қисмини ўқиб чиқадими, деб сўрамоқчи эдим.

— Бўлмаса-чи. Қиз билан йигит ҳафтанинг сўнгида турмуш қурадилар. Гўшангада қиз сеплари солинган оғир сандиқдан «Қора шарпа»ни олиб йигитга тутлади. Йигит эса туни билан қиссани ўқиб чиқади. Тўғри, келин бўлмиш кутубхоначи қиз бир неча бор уни ўқишдан чалғитмоққа ҳаракат қилиб кўради.

— Қани, ўша иккинчи қисм?

— Уйда.

— Афсус...

— Нега афсусланяпсиз. Эртагаёқ олиб келаман, ўқийсиз!

— Шу бугун ўқимоқчи эдим-да.

— Бўлмаса, мен сизни уйимга таклиф қиламан, вақтингиз қалай?

— Қандай бўларкин?..

— Тортинманг...

— Бўпти,— муҳаррир девордаги соатга тикилди.— Мана, иш вақти ҳам тугаб қолипти. Кетдик, бўлмаса.

Улар йўлга тушишди.

— Ҳикоянгиз зўр! Бу янги жанр. Ҳикоя ичида бутун бир қиссани бериш.

— Романни берса ҳам бўлади...— деди мамнунлик билан муаллиф.

— Аммо, қаҳрамонингиз тез-тез ташқарига чиқиб келавериши менга ёқмаяпти. Бу ўқувчини чалғитади, тушунапсизми?

— Бу билан мен асримизда китоб ўқиш қийинлашиб кетганлигини айтмоқчиман.

— Барибир. Майли! Айтинг-чи, қаҳрамонларингиз хитойлик ёзувчи Чю-чюнинг «Сўнгсиз соҳил» романини ҳам ўқиб чиқадими? «Бўрон қутурганда»ни-чи?

— Қаранг, ният холис-да! Ҳозир ёзаётган янги «Касалхонада», деб номланган ҳикоямнинг қаҳрамони «Сўнгсиз соҳил»ни ўқийди.

— Зўр-ку! Бу қаҳрамонингиз ҳам тез-тез ташқарига чиқиб турадими?

— Нималар деяпсиз, ахир қаҳрамонимнинг оёғи синиб, тўшагидан қимирлолмайди.

— Хайрият!

— Бироқ, дўхтирлар унга уйқудорини эмлаб, узоқ-узоқ ухлатиб, ҳатто ундан романи тортиб олиб ҳам қўйишади.

— Шусиз иложи йўқмикан-а?

— Афсуски, йўқ.

Улар, ўз қаҳрамонларига ҳали бизнинг тилга таржима қилинмаган ноёб қисса ва романларни муталаа қилдирадиган муаллиф ва уни янги услуб асосчиси сифатида улғулаб, қиссахонликни қолган жойидан давом эттириш илинжида меҳмонга отланган муҳаррир керакли автобусга чиқиб кўздан ғойиб бўлишди.

Шу кунларда ўз ичига бутун-бутун роман ва қиссаларни жо қилган «Кутубхонада», «Гўшангада», «Қамоқхонада» ва бошқа «хона»ларда деб номланган ҳикояларнинг эълон қилинишини ҳамма сабрсизлик билан кутмоқда.





Ямин Қурбон

МАСАЛЛАР

Бешиктерват билан ўргимчак

Юрарди, денг, Илон ўлжами излаб,
 Ен-верин очикқан тулкидек искаб.
 Келиб Бешиктерват Илонга даҳол,
 Унинг кўзларини тирнади дарҳол.
 Қон сизиб ҳар томон Илон кўзидан,
 Тўлғана-тўлғана кетди ўзидан.
 Бу ҳолни кузатиб турган Ўргимчак
 Этди ҳайратидан калласин сарак:
 «Ў-ў, ўта даҳшатли ғаним экан бу,
 Еғгай бу ғанимдан бошларга қайғу!»
 Ўйлана-ўйлана гап қотди охир:

«Э, қойил! Экансан йўлбарсдек олғир.
 Кел, берай сенга бир ипак тўн тўқиб!
 Ахир, сен қулатдинг ёвимни сўқиб!»
 Олиб тўн илинжи кўнглидан ўрин,
 Шу он Ўргимчакка тутди у бўйин.
 Ўргимчак бетидан мамнунлик силқиб.
 Бир-бир тўр ҳимради, боғлади сириб.
 Сўнг деди терс боқиб қилгандек ҳазар:
 «Тўн битди. Муборак бўлсин, биродар!»
 Аммо Бешиктерват, ўнгламай қадди,
 Ўрнидан мутлақо кўзгалолмади.

* * *

Лақмалик ҳар йўлда қиладир ғовлик;
 Лақмалик — энг ёвуз ёвликдир, ёвлик.

Жийрон

Ҳар мўйидан сизиб ҳовуч-ҳовуч тер,
 Борарди толиққан Жийрон сузиб ер.
 Синарга етганин билдими белин,
 Бир нафас тўхтаб у, силкинди секин.
 Тушгач юмаланиб юклардан бироз,
 Тўюлди Жийронга аҳволи сал соз.

Хўжасин кўзлари чиқди қинидан,
 Чиқди нақ заҳарли илон инидан.
 Юмаланган юклар ортилди охир,
 Ортилди, ортилди бўлса-да оғир!
 Лек Жийрон, яъни ул иликлари қок,
 Жон берди парт учиб юролмамай узок.

* * *

Нодонлар касридан диллардадир гард,
 Сув босса оламини, ўрдакка не дард?!

Тишлар

Қайга дард ниш урса, шу ерда ташвиш.
 Мағзидан чиригач, суғирилди Тиш.
 «Э, ўзи силнамо эди-да аслан,
 Сарғайиб борарди чиқмай касалдан...»
 Дея шанғиллади ғўдайган Сўйлоқ.
 Юзланди Сўйлоққа Озиқтиш шу чок:
 «Ахир, бил, вей, сўзи биқсиган хашак,
 Ҳайф, агар тишга тиш бўлмаса дастак:
 Дастаклик фазлидан йироқмиз, афсус,
 Минг афсус, ўзаро алоқамиз муз.
 Шу важдан, эҳ, алам, дод-э, эҳ, алам,
 Кунма-кун бўлмоқда қаторимиз кам!!»

НАСР

Тоҳир Малик. Сўнги ўқ. Қисса	2
Қилич Мустафоев. Қўзивой. Ҳикоя	53
Турсун Иброҳим. Бўсаға. Қисса	71

ШЕЪРИЯТ

Омон Матжон. Нега мен? Достон	38
Дилшод Шамс. Дунёда биттадир дарднинг лаҳжаси	58
Абдунаби Бойқўзиёв. Қаноатга айланди вужуд	99
Туроб Ниёз. Гуллаган боғларга суқ билан боқдим	119

ТАРИХИМИЗДАН ЛАВҲАЛАР

Герман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи	102
Тоҳир Қаҳҳор. Истиқбол йўл кўрсаткичларидан бири	111

МУШОИРА Бир ғазал саҳифаси

ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ Теодор Драйзер. Эрк. Ҳикоя	115
--	-----

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

Асқад Мухтор. Инсоний ҳарорат	135
Неъмат Аминов. Беозор қаҳқаҳа	137
Муродбой Низонов. Тошкентга мактуб	140
Раҳим Бекниёз. Куйлар янги, қўшиқлар янги	141

ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР

Абдуҳолиқ Мустафоев. Умид қўлтиғимдан кириб суяйди	143
--	-----

ЖУРНАЛХОН ТАКЛИФ ҚИЛГАН МАВЗУ

Файзулла Қиличев. Адолат тантана қилсин	145
---	-----

НАВОИЙХОНЛИК

Матназар Абдулҳаким. «Тонг йўқки, кўзинг бўлса кўнгил била муносиб»	150
---	-----

ҚУРЪОН

	153
--	-----

ПУШКИНХОНЛИК

А. С. Пушкин. Адабиётимиз тараққиётига тўсқинлик қилаётганлар	175
---	-----

АДАБИЙ ТАНҚИД Ортиқбой Абдуллаев. Шеър ташналиги

	182
--	-----

МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

Абдулла Абдураizzoқов. Иншони қандай ёзамиз	190
---	-----

ЕДНОМА

Абдуазиз Хошмуҳамедов. Букилган бардош	194
--	-----

Қодир Норхўжаев. Мен билган Чўлпон	195
------------------------------------	-----

ТАҚРИЗЛАР

Равшан Раҳмонов, Жалолиддин Сафоев. Улмас қўшиқ қасидаси	199
--	-----

Анвар Жабборов. Шайдолигим севгим туйфайли	201
--	-----

ГУЛҚАЙЧИ

Оллоёр. Қўш ҳажвия	203
--------------------	-----

Ямин Қурбон. Масаллар	207
-----------------------	-----

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 6

Орган Союза писателей Узбекской ССР
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1990

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев. Рассом Ф. АЛИМОВ.

Мусаҳҳиҳ И. Султонов.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади. Журнал матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П. «Правда» газетаси кўчаси, 41. Ўзбекистон КП МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки журнал ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000. Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 12.04.90 й. Босишга рухсат этилди 25.04.90 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Р-07756. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 13. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,95+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2. Тиражи 204107. Буюртма 3017. Баҳоси 1 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.